



НЕДОМ ЖАРУСОВ

ОЗОД ВА ОБОД  
ВАТАН, ЭРКИН  
ВА ФАРОВОН ҲАЁТ-  
ПИРОВАРД  
МАҚСАДИМИЗ

8



УЗБ.2

32

K-26  
8



## ИСЛОМ КАРИМОВ

ОЗОД ВА ОБОД  
ВАТАН, ЭРКИН  
ВА ФАРОВОН ҲАЁТ-  
ПИРОВАРД  
МАҚСАДИМИЗ

8

TOŠKENT - "ÜZBEKİSTÖN" - 2000  
Fazla qayd - 2000  
KUTUBXONASI

66.3(5Y)

K25

ISBN 5-640-02822-X

K  $\frac{0804000000 - 45}{M351(04)2000}$  2000

© “ЎЗБЕКИСТОН” шартиёти, 2000

---

## ИРОДА ВА ИЙМОН-ЭЪТИҚОДИМИЗ СИНОВИ

*Маълумки, 1999 йилнинг 16 февраль куни соат 11 да Ватанимиз пойтахти Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил якупнарига багишиланган мажлиси бўлиши керак эди. Мажлисда мамлакат раҳбарияти, вилоят ҳокимлари, республика миқёсидаги идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлган эдилар. Йигилиша Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилиши кутилаётган эди.*

*Мажлис бошланишига 5 дақиқа қолганда Вазирлар Маҳкамаси биноси пойда ва шаҳарнинг яна беш жойида кучли портлашлар юз берди. Кейинги воқеалар тафсилоти, бу қўпурувчилик хуружларини кимлар ва қандай ёвуз ниятда уюштиргани бугунги кунда жамоатчиликка яхши маълум.*

*Шуни алоҳида қайд этиши лозимки, бу машъум воқеалар мамлакатимиз ҳаётини издан чиқаролмади, ҳалқимиз қалбига вахима ва саросима сололмади. Икки соатдан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг йигилиши Олий Мажлис биносида ўтказилди. Мажлисда Президент Ислом Каримов кун тартибидаги масалага ўтишдан олдин рўй берган фожиали воқеалар хусусида нутқ сўзлади.*

*Ҳали ҳаяжонлар сўнмасдан туриб, ҳеч қандай тайёргарликсиз, юрак-юракдан, катта эҳтирос билан сўзланган бу нутқ нафақат залдагиларни, балки бутун ҳалқимизни ларзага солди. Чунки Юртбошимизнинг бу оташин сўзларида айни пайдаги долзарб вазифалар билан бирга ҳаётнинг маъно-мазмунни, инсон умрининг қадр-қиммати, Ватан ва миллат тақдирни ҳақида теран фалсафий фикрлар ҳам билдирилди.*

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!  
Мұхтарам мәҳмөнлар!

Авваламбор, менинг сизларга айтадиган тапим шуки, нима учун хомуш кўринасизлар? Журъатли, довюрак одамлар бўла туриб, бугунги рўй берган ҳодисалардан қандайдир ташвиш ёки саросимага тушиш — бизнинг миллатимиз табиатига, шаънига тўғри келмайди. Айниқса, бугунги Ўзбекистон сиёсатини олиб бораётган, халқимиз, юртимиз учун, Ватанимиз учун қилинаётган ишларнинг етакчилари бўлмиш фидойиларга ярашмайди.

Сизларга ҳозир айтмоқчи бўлган асосий галим шуки, бундай ҳолатларни, яъни бутун юз берган ҳодисаларни, албатта, ҳеч биримиз кутмаган эдик.

Нега деганда, бунинг ўзи ваҳшийлик, ёвуз ҳаракатлар, ёвуз ниятларнинг ҳеч ақлга сиғмайдиган бир намойиши. Такрор айтаман, ҳеч ким, авваламбор халқимиз буни кутмаган эди.

Лекин бизнинг вазифамиз, бу ерда ўтирган раҳбарларнинг вазифаси шундан иборатки, юртимиз, халқимиз бошига тушадиган ҳар қандай хавф, бало-қазоларга қарши тайёр туришимиз зарур. Ҳар қандай кутилмаган ҳодисаларга қарши бизнинг иродамиз бақувват бўлиши керак.

Негаки биз ҳақли сиёсат олиб боряпмиз, халқимизни ҳимоя қиляпмиз. Оддимизга улуғвор мақсадлар кўйиб, муқаддас орзу-ниятлар билан яшяпмиз. Яъни ҳаётимизни фаровон ва эркин қилиш йўлида, юртимиз учун, халқимиз учун, керақ бўлса жонимизни ҳам фидо этишга тайёр эканимизни ҳар қадамда амалий ишлар билан исботлашмиз керак.

Шу каби мудҳиш ҳодисалар рўй берганда ўзимизни йўқотмасдан, иймон-эътиқодимизни сақлашимиз керак. Бизга қасд қиласан гарразли кучларга қарши ўзимизнинг мустаҳкам жипслашганимизни намоён этиб, жамоатчилик, халқимизнинг ишончини оқлашимиз керак. Бундай пайтларда ҳар қайси миллатнинг, ҳар қайси халқнинг иродаси ва иймон-эътиқоди синалади.

Биз мана шу етти ярим йил давомида кўп маشاқатли йўллардан ўтдик. Бошимизга турли синовлар тушди, биз-

ни чалғитишига уринадиган, йўлдан урадиган, керак бўлса, ёвуз ниятларини ҳам бизга намойиш қилишдан тал тортмайдиган ҳар хил кучларни, оқ-қорани кўрдик, яхши-ёмон кунларни бошимиздан кечирдик.

Биз бугун қандай ютуқларга-натижаларга эришаётган бўлсак — бу барчага аён. Бошқаларга нисбатан бизнинг ҳаётимиз қадам-бақадам, кундан-кунга яхши бўлаётганини кўролмаётган кимсалар ҳар қандай жирканч ишга ҳам кўл уришга тайёр эканини биз олдиндан тасаввур қилиб, билиб олишимиз керак. Ва ана шундай кучларга қарши, яна бир бор айтаман, иймон-иродамизни бакувват қилишимиз керак.

Орқамизда ким турибди? Тоғдек ҳалқимиз турибди. Тоғни ким ҳам ўрнидан суро олиши мумкин, ҳалқни ким ҳам бу танлаган йўлидан қайтара олиши мумкин? Ҳеч ким! Мен мана шу минбардан туриб, мана шу дақиқаларда айтмоқчиман: кимки ўз йўлидан қайтса, у — номард!

Танлаган йўлимиз енгил ва осон эмаслигини ҳаммамиз олдиндан билардик. Мен ҳозир мана шу лаҳзаларда рўй берган ҳодисаларни таҳлил қилиш, бугунги ҳодисаларнинг туб сабаблари тўғрисида батафсил гапириш, уларнинг орқасида кимлар тургани ҳақида сизларга ўз фикримни, ўз қарашимни билдириш ниятидан йироқман. Нимага деганда бу масалаларни албатта чукур ўрганишимиз керак. Бу ҳодисаларнинг ҳали илдизига етиб боришимиз керак.

Аммо бир фикрни аниқ айтишим мумкин. Бизда бир бепарволик кайфияти борки, мен бу ҳақда доимо огоҳлантириб келаман. Лекин одамнинг бошига синов ёки кулфат тушмаса, кўзи очилмас экан.

Асрлар давомида кўп қийин, оғир кунларни кўрган ҳалқимиз мана шундай ҳикматли бир мақолни айтган: "Бошга тушганини кўз кўради". Бу мақол мағзини ҳар ким чукур ўйлаб кўрса, унинг тўғрилигига икрор бўлиши, агарки бошига бир кулфат тушса, хаёлига келтириши табиий ҳол.

Мақсадимизга эришиш йўлида қилаётган ишлар билан бир қаторда, боя айтганимдек, бизда қандайдир лоқайдлик, бепарволик кайфияти пайдо бўлганки, кўпинча

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

ҳамма ишлар худдики ўз йўли билан, осонлик билан амалга ошияпти, деб ўйлаймиз.

Мана, қараглар, тинчлик-осойишталик, барқарорлик шароитида яшаяпмиз. Худога шукр, ҳётимизда тинчлик хотиржамлик ҳукм сурмоқда, деган гапларни ҳар қадамда эшишиб турамиз. Аслида бу ҳам авваламбор Парвардиғоримизнинг неъмати. Одамзот табиати тинч-тотув ҳётни хуш кўради, бундай ҳаёт унинг ички дунёсига, хоҳиш-иродасига, интилишларига тўгри келади. Нега деганда, ҳар бир инсон, миллатига, жинсига, динига қарамасдан, нимани хоҳлайди? Инсон яна нимани истайди? Бола-чақасининг баҳтини кўришни, эзгу ниятларини амалга оширишни истайди. Шунинг учун ҳам тинчлик-осойишталик одамзот учун табиий бир ҳол. Лекин, минг афсуски, бундай ҳол гўё ўз-ўзидан, ҳеч қандай қийинчиликсиз, ойдан тушгандек юз беряпти, деб ўйлаймиз баъзан... Очик айтиш керак: шундай кайфият бизда бир касалликка айланди.

Бунақанги бегамликка дуч келганда беихтиёр: "Эй одамзот, теварагингта қара, нима бўляпти? — деб хитоб қилгингиз келади. — Ахир, ён-атрофингда нотинчлик, тўстўполон, одамлар бир-бирини ўлдиряпти — мана, йигирма йилдирки, Афғонистонда уруш кетяпти, етти йилки, Тожикистанда нотинчлик. Шуларга қараб фикр қил, кўзингни оч".

Жануб томонда жойлашган баъзи бир экстремистик кучлар, ўзларича, Ўзбекистон энди мустақил, эркин бўлди, биз ҳам шундан фойдаланиб ҳукмимизни сурайлик, уларни ўз йўлимизга юргизайлик, уларнинг бойлигидан фойдаланайлик, деган хомхаёлда юргани барчамизга аён бўлиши керак. Бизнинг ҳётимизда ислом давлатини, ислом ақидаларини жорий қилиб, улар бу ерда ўз сиёсатини, ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлади.

Биз эса, таассуфки, уларнинг бундай ёвуз ниятлари ва ҳаракатларидан бехабардай юрамиз. Нима учун? Ахир, ҳаёт ҳамма нарсага одамларнинг кўзини очиб беради-ку! Мен бир нарсага ачинаманки, фақатгина одамлар бошига мана шундай фожиа, кулфат тушгандан кейин биз қўзимизни каттароқ очиб қарагандай бўламиз.

Мен, эй одамзот, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, деб доим куйиб-ёниб даъват этман. Бу гап эҳтимол баъзи бирорлар учун ортиқчадай тувлар. Лекин мен огоҳлик, огоҳ бўлиш ҳақида гапирганимда бутунгига ўхшаш воқеаларни назарда тутаман. Нега деганда, бир бегуноҳ одамнинг ўлими — бу кечирилмас фожиа. Чунки инсон табиати ноҳақлик, зулмни қабул қилмайди. Аввалимбор, Худонинг ўзи буни қабул қилмайди.

Яна такроран айтмоқчиманки, бугун кўпгина жойларда ҳаётимиизда ана шундай бепарволик, фақат ўзини билиш, фақатгина ўзини ўйлаш, ўзи билан банд бўлиш кайфиятлари пайдо бўлди. Ҳаммаси ўзича кетяпти-ку, бугун кечаги кунга нисбатан ўсиш бор, пировард мақсадимизга ҳали тўла эришмаган бўлсак-да, сезиларли суръатлар билан ривожланяпмиз, яна нима керак, деган қарашлар бизнинг сезгир, ҳушёр бўлишимизга халақит бераётганини пайқамасдан қолдик.

Холбуки, бу тинчлик учун курашиш керак, бу тинчлик учун, айтайлик, зарур бўлса, жон бериш керак. Тинчлик учун инсон ўзининг бутун кучини, ақл-идроқини сафарбар этиб, ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши керак. Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Ҳимоялаш деганда мен нимани назарда тутяпман? Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак.

Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани — аввало, огоҳ бўлиш дегани. Мана шу каби бемаъни ишларни, қабиҳ ниятларни сездингми, ёвуз кучларнинг хатти-ҳаракатини, башарасини кўрдингми, бепарво бўлма! Нимага деганда, эртага шулар туфайли сенинг бошингта кулфат тушиши мумкин.

Бепарволик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Кўхна тарих бу борада бизга кўп сабоқ беради. Бизнинг миллатимиз, ҳалқимиз оғир ва маşaққатли тарихни бошидан кечирди. Фарзандларимизга шу тарихни ҳаққоний тарзда ўргатиш, мактабларда ўқитиш, китоблар, матбуот, телевидение орқали яққол кўрсатиш керак.

Гоҳ-гоҳ журналистларга, боринглар, Афғонистонни, у ердаги аҳволни кўринглар, билинглар, дейман. Телеви-

зорда кўрсатинглар, одамлар қандай ҳаёт кечиряпти, бегуноҳ инсонлар нобуд бўлиб кетяпти, деб айтаман. Нима учун кўрсатмайсизлар? Нима учун шу тўғрида гапирмаймиз? Бир воқеани билиш учун одам уни ўз кўзи билан кўриши керак, кўзини очиб қараши керак.

Худдики биз бир орол сифатида алоҳида яшаемиз: атрофимизда шундай нохуш ишлар, шунча ёвузликлар бўляпти, кишиларнинг тинчлиги бузиляпти, ҳар қадамда бекарорлик, одам ўлдириш, инсон ҳаётини икки пулга олмаслик каби ҳолат хукм суряпти-ю, гўё уларнинг бизга дахли йўқдай, биз берам-бефарқ ўтирибмиз. Шу тўғрида гапириш керакми-йўқми? Нега ҳеч ким бу ишни қўлмайди, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини кўрсатмайди?

Бугун нима қилишимиз керак? Биринчи наvbатда ҳар қайси маҳаллада, ҳар қайси қишлоқда, керак бўлса, ҳар қайси хонадонда барчамиз бу ҳақда яна бир бор ўйлаб кўришимиз, очик фикр алмасиб олишимиз зарур. Барака тоғурлар, биз бутунги ҳаётта эришгунча қанча-қанча пешона теримизни тўқдик, қанча-қанча синовлардан ўтдик, қанча-қанча оғир машаққатларга сабр-тоқат билан бардош бердик, қандай қийин кунларни бошимиздан кечидик. 1990 йилларни эсланг, Фарғона фожиаси, Ўш, Ўзган воқеаларини яна бир бор кўз ўнгингизга келтиринг. Айтинглар, шулар ҳақида ўйламаслик — ҳозирги кунларнинг қадрига етмаслик эмасми?..

Бугун мана, қаранг, осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч. Мен ўзимга гоҳ-гоҳ бериб турадиган бир саволни мана шу минбардан туриб сизларга ҳам бермоқчиман. Бундай мусаффо, тиниқ осмон, бугунги ҳаётимиз учун ҳар куни эрталаб туриб, покланиб, Худога минг бор шукроналар айтишимиз керакми-йўқми? Бир вақтлар бир бурда нонга муҳтож бўлиб юрганимизда, очликдан ўлиб кетмаганимиз учун шукроналар айтардик. Мана, бугун ҳамма нарса бор, одамларнинг юришини, кийинишини кўринглар, одамларнинг яшашини, ейиш-ичишини кўринглар.

Албатта, ҳали кўп камчиликларимиз ҳам бор, олдимизда турган мақсадларга эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз керак. Буни ҳеч ким инкор қўлмайди. Кўп нуқ-

сонларни, хатоларни бартараф қилишимиз, ҳаммамиз фидокор бўлишимиз зарур. Биз орзу қилган фаровон, эркин турмушга етиб бориш учун ҳали анча-мунча қийинчиликни бошимиздан кечиришга тўғри келади. Лекин бугунги ҳаётимизнинг, Худо барчамизга берган неъматларнинг қадрига етишимиз керакми-йўқми?

Бу гапларни айтишдан мақсад нима? Сабаби шуки, ҳамма нарсани тушуниш, билиш учун яна бир бор ўзимизга қарашимиз, воқелигимизни танқидий кўз билан бахолаб, ҳозирги ҳаётимизни қадрлай оляпмизми, бугунги куннинг қадрига етапмизми-йўқми, деган саволларга жавоб қайтаришимиз зарур.

Нега деганда, шу ҳақиқатни сезган, уни қалбидан, юрагидан ўтказган одам ҳаётни ҳимоя қилишга тайёр бўлади. Ҳар қандай босқинчи, ҳар қандай товламачи, ҳар қандай разил кучларга қарши чиқишига ҳам кучи етади ва керак бўлса, бизлар олиб бораётган сиёсатни қўллаб-кувватлайди. Шундагина ҳар бир фуқаро муқаддас ислом динимизни ниқоб қилиб олиб, бизнинг тинчлигимизни бузишга ҳаракат қилаётган кучларга қарши ўз фикрини, аниқ мусабатини билдиради.

Биз бугунги машъум ҳодисаларнинг илдизига албатта етиб боришимиз керак. Мана шундай қабиҳ усул билан – балки буни усул деб ҳам бўлмас – шундай абллонона на мойиш билан бизни танлаган йўлимиздан қайтариш, қўрқитиш, ваҳимага солиш мақсади орқасида кимлар турганини очиб беришимиз зарур. Мен шунуни ўзимга аниқ тасаввур қиласман. Бугунги қабиҳ ҳаракатларнинг асосий мақсади менга қарши, мени йўқ қилишга қаратилган.

Чунки мен бошлиқман, бинобарин, кимгадир ёқаман, қимгадир ёқмайман. Қандайдир кучларнинг йўлини тўсиб турибман. Мен раҳбарман, ҳалқимизнинг ишонч-иродаси билан сайланган одамман. Демак, юртимиздаги ҳаёт учун, барқарор турмуш, тинчлик-осойишталик учун авваламбор мен жавобгарман. Ўйладим, гапимни қандай тушунасизлар, лекин бу бинода, шу минбардан туриб ёлғон гапириш мумкин эмас. Негаки бу залда ҳалқ ноиблари – ҳалқ вакиллари ўтиришибди. Улар юртимизнинг

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

турли шаҳар-қишлоқларида, бевосита ҳалқ орасида меҳнат қилишади ва айтиш мумкинки, улар сиймосида ҳалқимизнинг нафаси, аждодларимизнинг руҳи мана шу зал, шу бинода парвоз қилиб юрганига менинг ишончим комил.

Бу улуг даргоҳда фақат рост гапириш керак. Бу даргоҳда одамлар ҳақида, уларнинг дардини ўйлаб, ярасига малҳам бўлиш ҳақида гапиришимиз керак. Бу бино ҳалқнинг бутун дарду армонларини, орзу-умидларини мужассамлаштирадиган маскан, десам, тўғри бўлади. Бугун шу минбарга чиқсан ҳар бир инсон вижданан гапириши керак. Чин қалбдан гапириши керак.

Мен шу юксак минбардан туриб айтмоқчиманки, мавжуд тинчлик, барқарорликни сақлаб қолиш учун, эртаниги кунимизни ҳимоя қилиш учун мен жонимни ҳам беришга тайёрман! Бу шунчаки куруқ гап эмас. Бу — қалбимдан, бутун вужудимдан чиқсан гап. Шу муносабат билан бир фикрни айтмоқчиман: шахс сифатида, инсон сифатида менга суиқасд қилиш бошқа, ҳалқимизга, олиб бораётган сиёсатимизга суиқасд қилиш — бу мутлақо бошқа нарса.

Мени қийнайдиган, қалбимни ўртайдиган энг оғир фожиа шуки, бугунги машъум воқеалар туфайли қанча бегуноҳ одам ҳалок бўлди, ота-она, оила, бола-чақаси бағридан жудо бўлди? Уларни кутимаган мотамга солди. Нима учун? Уларнинг гуноҳи нима?

Бу машъум, разил ишни бажаргандар ва уларнинг ортида турган кучлар ўйламайдики, ахир бегуноҳ одамнинг ўлими учун нафақат бу дунёда, у дунёда ҳам муқаррар жавоб бериш керак-ку! Бугун ҳеч қандай айби йўқ, тинч юрган одамларнинг қони тўкилди. Майли, душман бўлса, менга душман бўлсин, лекин бу одамларнинг гуноҳи нима? Нима учун улар ёвуз қотиллар қўлида қурбон бўлиши керак?

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: агар бу ёвуз ният ва ҳаракатлар ортида фақат Президентга суиқасд қилиш мақсади бўлса, мен буни тушунишим мумкин. Қабул қилишим эмас, тушунишим мумкин. Бу курашда қурбонлар

ҳам бўлиши мумкин. Мана шу сиёсатнинг бошида турган, уни амалга оширадиган, қалбидан, юрагидан ўтказадиган, керак бўлса, шу сиёсатни охирига етказиш учун, фаровон ҳаёт, улуғ келажак учун жонини, бутун борлиғини беришга тайёр бўлган одамга қарши курашиш — бу ҳам тарихда бўладиган ҳодисалар сирасига киради. Аммо қарши чиқса, курашмоқчи бўлса, очиқ майдонга чиқмайдими? Бундай қабиҳ, гирром йўл билан эмас, ошкора, қонуний йўл билан курашса бўлмайдими? Яна бир бор айтаман, нима учун бегуноҳ одамларнинг қони тўкилиши керак? Ким жавобгар бунга?

Албатта, талафотлар битиб кетади, шикастланган бинолар тикланади. Лекин мени бир савол қийнайди: ҳалок бўлган одамларнинг оила аъзолари, қариндош-уруглари, яқинлари, ёру биродарлари юзига қандай қарайман? Уларнинг айби нима!?

Сизларга очиқ айтишим керак: мен ақили, кўпни кўрган баъзи одамлардан "Сенга нима керак? Нима қиласан ҳамма нарсага ўзингни уриб? Нима қиласан ўз принципингда бунчалик қатый турив? Сиёсатда андиша, муросаи мадорага риоя қилсанг бўлмайдими, ўзингни ўтга-чўққа уриб нима қиласан, бари бир бу ҳаётни ўзгартира олмайсан", деган гапларни кўп эшиштанман. "Минг йиллардан буён ҳаёт шу тарзда давом этиб келяшти, уни ўзгартириб бўлмайди, нима қиласан ўзингни бунчалик куйдириб, жонингда қасдинг борми?" деган гапларни ҳозир ҳам айтиб туришади.

Буларга жавобан мен шу фурсатдан фойдаланиб айтимоқчиманки, одамлар ҳар хил бўлади. Борингки, мана шундай ҳаракатлар билан бировни кўркитиши, йўлидан қайтариш мумкиндири. Лекин баъзи бир одамлар борки, уларни асло ўзгартириб бўлмайди, жумладан, менга ўхшаган одамини ўзгартириб, йўлидан қайтариб бўлмайди!

Менинг ҳаётим — иш, уй. Шу халқ, шу миллат ташвиши. Менда яна нима бор, қандай ҳузур-ҳаловат бор? Ўйлайман. Кўп йийлайман, кечалари ухламасдан чиқаман баъзан. Менинг ҳам болаларим, учта набирим бор. Мен ҳам болаларимнинг баҳтини кўрмоқчиман, набираларим-

ни уйлантирмоқчиман. Бу ҳам табиий бир орзу. Лекин бунга ниманинг эвазига, қандай қилиб эришиш мумкин? Ўз эътиқодини, ўзининг иродасини, иймонини сотиб ҳам бунга етиб бориш мумкин. Лекин, ўйлайманки, ҳар қайси иродам бор, иймоним бор, деган вижданли одам бу йўлга асло кўнмайди, рози бўлмайди. Менинг шу гапимга, ҳозир билдирган фикримга онгли яшайдиган, иймони бутун одамлар кўшилади, деб ўйлайман.

Мен яна бир масала хусусида кўп фикр қиласман: одамзот бу ҳаётдан ҳар хил яшаб ўтиши мумкин. Инсоннинг ёши улғайган сари бу ҳақда кўпроқ ўйлайди. Кимдир эрталаб туради, кечгача ҳар хил юмушлар, керак-нокерак ташвишлар билан банд бўлади. Лекин ҳаётнинг мазмуни ҳақида ўйлаб кўрмайди. Ҳаётда бўладиган воқеа-ҳодисаларни юракдан қабул қилиш, ҳис қилиш туйғусини Худо ҳаммага ҳам беравермайди. Бу ҳам табиий ҳол. Аллоҳ таоло ҳаммамизни ҳар хил қилиб яратган. Лекин бугунги кунда кўпчилик, аксарият халқимиз орасида, Ватан, эл-юрт ҳақида, иймон ҳақида, шу тушунчаларни фарзандларимиз, ёшларимиз онгига сингдиришга ҳаракат кучаймоқда. "Ҳаётнинг мазмуни нимадан иборат?" деб бош қотирадиган, ўзини ўзи қийнайдиганлар сони кўпайиб боряпти. Ўйлайманки, ана шу руҳда тарбия топадиган ёшларимизнинг эртанги куни ёруг бўлади.

Кўпгина одамлар ўз умрининг охирида: "Мен ҳаётими ни қандай кечирдим, бошқалар эса қандай ўтказди?", деб ўзига ўзи савол беради. Мен умрбод ўзимни қийнаб, азалий муаммоларга жавоб топаман, деб яшадим, булар эса ҳаётнинг барча лаззатларидан, яхшиликларидан, кулагликларидан баҳраманд бўлиб яшади, деган саволларга дуч келади.

Хўш, ўйлаб кўрайлик, аслида ким баҳтли? Бу икки тоифа инсондан қай бири баҳтли?

Мен ўйлайманки, авваламбор ҳаёт мазмунини ўйлаб яшаган одамлар баҳтли. Бу ҳаётдан енгил-елли яшаб ўтиш ҳам мумкин. Аммо ҳаётнинг моҳияти, умр маъноси, охират ҳақида қайгурадиган, келажак мазмуни, фарзандлар истиқболи ҳақида ўйлайдиган, нима қилсан шу болала-

рим мендан кейин баҳтли-саодатли, соғ-саломат, тўқ-фа-ровон бўлади, деган ташвиш билан яшайдиган одамларнинг сони эса, ишончим комилки, кўпроқ. Бундай одамларни ўзгартириш қийин. Мен ҳам шундай одамман. Худо таоло мени шундай қилиб яратган. Хоҳлардимки, мени ҳаёт ҳам, халқимиз ҳам шундай қабул қилсин.

Агар одамнинг баҳти нимада, деб сўралса, мен кимки ўз ички дунёси, бошқача айтганда, иймон-эътиқоди амрига бўйсуниб яшаса, шундан розилик, қаноат тўйса, шубҳасиз, ана шундай инсон баҳтлидир, деб жавоб берган бўлардим.

Инсон ўз виждони, иродаси, иймонига қулоқ солмасдан ҳаёт кечирса, ўйлайманки, охир-оқибатда, боши ташвишу фурбатдан чиқмай қолади, пушаймонлик ва надоматлар ўтида ёниб-куяди, ўзидан ўзи, ўтган умридан норози бўлади.

Азиз дўстлар!

Бугунги воқеалар муносабати билан айрим одамлар ҳавотирга тушиб, кўнглида ҳар турли саволлар пайдо бўлиши мумкин. Шуни инобатга олиб, айтмоқчиман: бу ёвуз ҳаракатни содир эттан кучларнинг яна бир мақсади — одамларни қандайдир ваҳимага солиш, халқимизни, аввалимбор Тошкент аҳолисини саросимага тушириб, юрагига гулгула солиб, шу орқали ҳозирги ҳаётимизга, олиб борилаёттан сиёсатта кишиларнинг ишончини сурайтириш. Бугун амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимизга, мустаҳкамланиб бораётган иродамиз, иймон-эътиқодимиз, айниқса келажакка бўлган ишончимизга зарба беришдир.

Бугунги учрашувдан асосий мақсад — телевидение, радио, матбуот воситалари орқали халқимизга бугунги воқеалар тўғрисида ҳақиқий маълумот бериш, одамларимизни ваҳимага тушмасликка, саросимага берилмасликка, барқарорликни сақлашга чақириш, ёвуз нияти кимсаларнинг кирдикорларига қарши иродамизни янада бақувват қилишга даъват этишдан иборат. Бу тўғрида энг таъсирчан, энг самарали воситаларни қанча тез ишга сололсак — шунча яхши. Мен матбуот ходимларидан бу бўлган воқеа

гаразли кучларнинг қабиҳ бир намойиши эканини халққа етказиш ва тўғри тушунтиришни илтимос қиласман.

Мен барчангиздан бир нарсани сўрайман: ваҳимага тушмаслик керак. Ҳеч ким ваҳимага берилмасин, токи юрагимизда фулгула пайдо бўлмасин. Аксинча, одамларда бу разил қўпорувчилар ва уларнинг ортида турган кучларга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотиш керак, бутунги ҳаётни, тинчликни, барқарорликни, осойишталикни қадрлашга, ҳар қайси хонадон, маҳалла, қишлоқдаги осудалик, бир-биrimizga бўлган меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишимиз керак. Жамоатчилигимизга, бутун халқимизга телевидение орқали айтадиган гапим шу — қалбинингзга ваҳима тушмасин. Ёвуз кучларнинг илдизига етиб бориш, илдизи билан сугуриб ташлаш қўлимиздан келади!

Шунинг учун, энг аввало, маҳаллаларда, меҳнат жамоатлари ва ўқув даргоҳларида бўлиб ўтган воқеани атрофлича муҳокама қилишимиз керак. Фақат ҳодисанинг ўзи ҳақида эмас, балки унинг нима мақсадда содир этилгани тўгрисида фикр юритиш, бундай хавфдан одамларни огоҳ қилиш зарур.

Гап шундаки, биз ҳаммамиз бир халқнинг фарзандлари, вакилларимиз. Шу жумладан, жиноятта кўл урганлар ҳам, адашиб шу йўлга тушганлар ҳам. Уларни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш — барчамизнинг вазифамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллаларда ўтказиладиган мажлисларда нима тўғрида гапириш керак? Мана шу манфур кучлар нима қилмоқчи, уларнинг мақсади нима, масжидларда нима гаплар бўляпти? Бизнинг имом-хатибларимиз одамларнинг кўзини очиб бериш борасида ўз бурчларини бажаряптими, йўқми? Одамларимизни, муқаддас динимизни ёт ва заарли таъсирлардан ҳимоя қила оляптими, йўқми?

Бутун ҳам бир маърифатли, виждонли инсон ақидапа-растлик балосига қарши курашиши, халқнинг кўзини очиб, уларга бор ҳақиқатни тушунтириб бериши, одамларнинг руҳини, онгу тафаккурини ҳимоя қилиши зарур. Хўш, жамоатчилигимиз, зиёлилар, шоир-ёзувчиларимиз, дин пеш-

воларимиз, муаллим-мураббийларимиз, матбуот ходимлари шу ҳақда жицдий ўйлаштими? Шу ҳақда ошкора, теран ва холис фикр юритиб, ҳалқни огоҳликка даъват этяптими?

Ҳар қайси маҳалла ўз худудидаги масжид фаолиятига алоҳида эътибор бериши керак. Аслида масжид ким учун керак? Масжид имом учун эмас, сўфи учун эмас, ҳалқ учун керак, мўмин-мусулмонлар учун керак. Маҳалланинг ҳаётини, инсоннинг икки дунёсини обод қилиш, охират деган тушунчани одамлар онгига сингдириш — масжид мана шунинг учун керак. Вижданни уйғотиш, инсонни инсонийлик руҳида тарбия этиш — мана бу масжидларнинг иши.

Шунинг учун яна бир бор айтаман: ҳар қайси маҳалла аҳли ўз масжидининг ишидан, у ердаги маънавий мухитдан хабардор бўлиб туриши керак. Шуни унутмаслик керакки, маҳалла ўзини ўзи бошқарадиган ташкилот. Бинобарин, масжидлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш уларнинг бевосита вазифасига киради. Табиийки, маҳалла аҳли ҳам, маҳалла раҳбари ҳам шу масжидга қатнайди. Масжидга борадиган маҳалла раҳбари мусулмонлик фарзларини адо этиш билан бирга ўзининг хизмат бурчини ҳам эсдан чиқармасин. Масжидларда бўлаётган ташвиқотлар, тарғиботлар қандай мазмунда, улар бизнинг тушунчамизга, авваламбор Куръони карим оятларига, Имом Бухорий тўплаган ҳадисларга тўғри келадими, йўқми? Бизнинг динимиз авваламбор Куръони каримга, унинг илоҳий оятларини тушунтириб, маъно-мазмунини бизга аён қилиб берадиган Ҳадиси шарифга асосланади. Диний-руҳий ҳаётда шу қоидаларга қанчалик амал қилинаётгани тўғрисида ҳам кимдир ўйлаши керак-ку, ахир!

Бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама тушунтириш ишларини йўлга қўйиш, кўпроқ ташвиқот олиб бориши зарур. Одамларнинг онгига ҳақиқатни етказиши керак.

Бу бадкирдор, кўпорувчи кучларнинг бугунги воқеалардан кўзлаган яна бир нияти шундаки, ҳозир Ўзбекистонга катта микдорда чет эл сармоялари кириб келмоқда. Хорижий мамлакатларнинг кўпдан-кўп вакиллари келиб, биз

билин ҳамкорлик қилаёттани, янги жамият қуришда фаол иштирок этаёттани бальзиларга ёқмайди. Бу нафақат ёвуз ниятили душманларимизга, нафақат ақидапарастларга, балки ўзини бизга яхши томондан кўрсагаёттган бошқа айрим кучларга ҳам ёқмайди. Уларнинг асосий мақсади — Ўзбекистонда тинчликни издан чиқариши. Агар юргимизда бугунгидек ноҳуш ишлар юз берип, нотинчлик пайдо бўлса, бу кучлар дарров чет эллик сармояндорларга, ажнабий ҳамкорларимизга қаратса, бу мамлакатга сармоя сарфлаш хатарли, деган гапларни тарқатиб, юргимиз, халқимиз шаънига қандайдир доғ туширишни кўзлайди. Биз буни ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Чунки мамлакатимизга чет эл сармоялари келишининг асосий шарти — Ўзбекистондаги барқарорликдир. Бугунги воқеалар ҳам биздаги вазиятта зарба беришга қаратилган. Буни ижрочилар тушунмаса ҳам, уларнинг ортида турганлар яхши англайди.

Бу қабиҳ кучларнинг яна бир нияти — ёшларимизнинг бугунги ижобий ҳаётий интилишларига зарба беришдан иборат. Чунки уларга ёш авлодимизнинг тараққиётта интилиши, ҳаётга бошқача, замонавий кўз билан қарashi ёқмайди. Уларнинг мақсади — бугунги энг тараққий топган давлатлар билан ўрнатган алоқаларимизни узишга, ёшларимиз тарбиясини издан чиқаришга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини йўққа чиқаришга қаратилган.

Қаранглар, ҳозир ёшларимиз қандай кўз билан, қандай пок ният билан, қандай эзгу орзу-умидлар билан эртанги кунга интиляпти. Мен телевизорда уларнинг юрак сўзларини эшлитиб, беихтиёр ҳаяжонга тушаман, ўз ҳаётимдан рози бўламан. Нега деганда, бу ёшлар — эртанги ҳаётимиз. Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг кўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қурбидда, керак бўлса, кудратида. Қаранг, шундай ҳаракат ҳозир бутун Ўзбекистонимизни қамраб олди. Мен шундан гуурланаман. Бу ҳаракат, бу интилишни асло тўхтатиб бўлмайди. Лекин унга зарба бериш, ёшларни бу йўлдан қайтариш — фанимларимизнинг ёвуз нияти. Буни ҳам чуқур ўйлаб кўриш, унинг сабаб-оқибатларини ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз зарур.

Душманларимиз шуни яхши билиб қўйсинки, биз ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Ёшларимизни ҳимоя қиласиз!

Агар биз шу ерда бўш келсак, ёш авлод тақдирига бефарқ қарасак, бу кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим бўлади. Такрор айтаман: ёшларимизни, болаларимизни, фарзандларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Уларни ўзимиз, ўз қўлимиз билан тарбия қиласиз!

Нега деганда, булар бизнинг фарзандларимиз. Менинг фарзандим, сизларнинг фарзандларингиз. Нима учун мен ўзимнинг боламни қандайдир ақидапааст қўлига, разил ният билан юрган одамларнинг қўлига бериб кўйишим керак?!

Мен қатъий ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим!

Жиноятчиларни ушлаш, уларни жавобгарликка тортиш, ақли-хушини киргизиб қўйиш — бу ўз йўлига. Бунга мана шу ерда ўтирган тегишли ташкилотлар, органлар, мутасадди раҳбарларнинг кучи етади, мен бунга ишонаман. Халқимиз ҳам ишонади. Биз 1990 ёки 1991 йилда яшаётганимиз йўқ. Ҳарбий кучларимиз, керак бўлса, хавфсизлик ташкилотлари, ички ишлар идоралари, прокуратура, бошқа ташкилотларнинг кучи етади.

Лекин бугунги энг муҳим масала — халқимизни ғанимларимизнинг ёвуз ниятлари, ёвуз ҳаракатларидан, хавфхатардан огоҳ этиш, эл-юртимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун одамларни жипслаштириш ва олдимизда турган эзгу мақсадлар йўлига бошлашдан иборат.

Бизнинг энг катта таянчимиз — халқимизнинг иродаси, халқимизнинг ишончидир.

Менинг Аллоҳдан сўрайдиганим — эл-юртимизни, унинг тинчлигини, тотувлигини ўзи асрасин, барчамизни паноҳида сақласин.

---

## ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

### *Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоблар*

**САВОЛ.** *Муҳтарам Президент, Ўзбекистондаги сўнгги воқеалар муносабати билан юртимиздаги сиёсий-ижтиомоий вазиятга жаҳон жамоатчилиги ва хорижий матбуот вакилларининг қизиқини сезиларли даражада кучайди. Бу хусусда турлича қарашилар, фараз ва талқинлар бор. Сизнинг фикрингизча, бу воқеаларни қандай тушуниш ва баҳолаш мумкин?*

**ЖАВОБ.** Дарҳақиқат, бугун жамиятимиз кескин сиёсий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Буни ҳётимизда рўй бертаётган ўзгаришлар, одамларимизнинг сиёсий фаллиги ортиб бораётгани, эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланётгани мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, афсус билан қайд этиш лозимки, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳётимизни издан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манбаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган айrim ички ва ташки кучлар ҳам жонланиб қолди.

Биз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданоқ энг олий мақсадимиз — юртимизда эркин ва фаровон ҳёт куриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ғояларини очиқ-ойдин баён этганимиз. Ўттан саккиз йил мобайнида қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамасдан, танлаган йўлимиздан изчиллик билан бормоқдамиз. Бу йўлнинг ўзига хос жиҳатларини, дуч келиши муқаррар бўлган маشاққатлар ва турли синовларни, хавф-хатарларни назардан четда қолдирмасликка, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга интилиб келмоқдамиз.

Мен Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида, халқимизнинг тинчлиги ва омонлиги учун, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги учун жавобгар шахс сифатида, қолаверса, шу азиз ва бетакрор юрганинг бир фарзанди сифатида ўз фаолиятимда авваламбор аҳолимиз ва халқаро ҳамжамият дикқат-эътиборини мана шу қалтис, ўта мураккаб, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалаларга қаратиш, уларнинг тўғри ва оқилона ечимини топиш ҳақида ҳамиша бош қотириб келаман.

Хусусан, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобимда, кейинги вактдаги нутқ ва чиқишиларда, “Тафаккур” журнали, “Туркистон” газетаси, “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги вакилларининг саволларига берилиган жавобларда, Олий Мажлисимизнинг XIV сессиясидаги “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” номли маърузада мен бу ҳақда алоҳида ва батафсил тўхталиб ўтган эдим.

Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва қасбу корга мансуб бўлган кенг оммани огоҳликка чақириш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини ўйғотиш, энг муҳими, миллий боя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборатдир.

Ўйлайманки, бугун юртимизда яшаётган ҳар бир онгли инсон мамлакатимизнинг олға босиши, тараққий топган давлатлар билан ҳамкорликда ривожланиши учун зарур шартларни англаш билан бирга, шу қадамларимизга тўсиқ бўлиб турган сабаб ва кучларни, уларнинг бизга қарши очиқ ва пинҳона қилаётган ҳаракатларини ўзича тасаввур қила олиши мумкин.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгандан буён ўтган даврга назар ташлайдиган, уни танқидий баҳолайдиган бўлсак, кўп ҳолларда кундалик муаммолар, асосан моддий ташвишлар билан ўралашиб, давлатимиз, халқимиз бошидан кечираётган тарихий жараёнларни тўла англаб етолмаётганимизни сезиш мумкин. Очиқ тан олишимиз даркор: баъзи бир ҳомхәёл, эскича фикрлайдиган

одамларнинг назарида мамлакатимиздаги ижтимоий вазият гўёки 80-йиллардан буён теп-текис, силлиқ, ҳеч қандай курашларсиз ўз йўли, ўз табиий оқими билан давом этиб келаётгандек туюлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки самаралари, улкан курилиш ва иншоотлар қандай машаққатли меҳнат эвазига, мамлакатимиз тараққиёти йўлида, халқаро майдонда муносиб нуфузга эга бўлиш йўлида ҳеч кутилмаган, оғир тўсиқларни енгиш эвазига кўлга киритилаётганини бальзи бир кишиларнинг тасаввур қилиши ҳам қийин.

Бу ҳақиқатни одамларга гоҳ-гоҳ эслатиб турилса, фойдалан холи бўлмайди.

Ваҳоданки, кейинги саккиз-ўн йил ичидаги давлатимиз, шу заминда яшाइтган ҳар бир инсон ва оила тақдирида қандай мураккаб синовлар бўлганини, халқимиз не-не қийинчилик ва тўсиқларга дуч келиб, уларни сабр-бардош ва матонат билан енгиб келаётганини, энг муҳими, жамиятимиз ҳаётида, унинг турли тоифа ва босқичларидан, одамларимиз тафаккурида оғир кураш кечётганидан огоҳ бўлиш, бундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш нақадар зарур эканини барчамиз яхши англаб олмоғимиз даркор.

Мен ҳозир умумий ривожимиз, ҳаётизни янгилаш, давлат ва жамият курилиши борасидаги кенг кўламли ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхтамоқчи эмасман. Мен фақаттинга бир фикр аҳолимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлишини истардим: агар биз бугунги ҳаётизига, бунёдкорлик ишларимизга, эришाइтган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз хушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин.

Шу билан бирга, бундай ёндашув одамларимизни ташвишга солаётган маълум воқеаларни, уларнинг негизида ётган сабаб-оқибатларни тасаввур этиш, тушунишга кўмак беради.

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузамда мен бу масалага муносабат билдириб, халқимиз эътиборини иккита хавф-хатарга қаратган эдим.

Булардан биринчиси мамлакатимиз ташқарисидаги тажовузкор, ақидапараст кучлар бўлиб, улар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, отабоболаримиз динини никоб қилиб, Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, уни орқага қайтаришга уринмоқдалар.

Бу фикрнинг тасдигини Ўзбекистонда сўнгти йилларда пайдо бўлган, бизнинг динимизга ёт турли ақидапарастлик оқимига мансуб — ваҳҳобийлик дейсизми, “Хизбуттахрир” дейсизми, “Мусулмон биродарлар” дейсизми — ҳаракатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугун бизда мавжуд маълумотлар ва шу диний-экстремистик ҳаракатларнинг қўлга тушган баъзи бир маҳаллий “доҳийлари” берган кўрсатма ва икрорларга кўра, бу оқимлар юртимизда кечагина эмас, балки 80-йиллардан илдиз ота бошлаган. Уларнинг ортида айрим чет мамлакатларда жойлашган, бизни ўз таъсирига олмоқчи бўлган марказлар турган.

Ўша марказларнинг тузофига илиниб, уларнинг садақалари ҳисобидан тирикчилик қылган ва шундан манфагат кўрган бу маҳаллий “доҳийлар” ўз фаолиятини юртимизда ўта маҳфий ва пинҳона тарзда олиб борган.

Бугунги маълумотларга қараганда, бу бир тўда сотқинлар аввало ўzlари ишонмайдиган ғоя ва ақидаларни аҳоли ўртасида тарқатиб, иродаси бўш, онги паст айрим ёшларни алдаб-сулдаб, уларга қасам ичириб, сохта эътиқодга кўндириб, ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришга уринганлар.

Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, бундай маҳфий тарзда қўпорувчилик фаолияти олиб бораётган ташкilotларни чет эллардаги экстремистик кучлар ва марказлар бошқариб тургани, улар ўзининг ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун катта куч ва маблағ сарф қилаётгани биз учун аён. Бугунги кунда бизда буни тасдиқловчи етарли далиллар бор. Тергов ва суд жараёнлари

тутаганидан сўнг бу маълумотлар кенг жамоатчилик ва халқимизга, албатта, маълум қилинади.

**Иккичи** хавф-хатар бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва хукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир.

Юртимизга таҳлика солиши мумкин бўлган мана шу икки омил ҳақида чуқур фикр-мулоҳаза юритган одам ўзи ни қийнаётган кўп-кўп саволларга жавоб топиши мумкин. Зийрак, дунё ишларидан озми-кўпми хабардор юртдошли римиз буларнинг қандай кучлар эканини, уларнинг сиёсий башарасини, гаразли мақсадларини яхши билади. Биз халқимизнинг хоҳиши-иродаси билан танлаган ўз йўлимизда қатъиймиз: яъни Ўзбекистон ақидапарастликнинг — у хоҳ диний, хоҳ коммунистик шаклда бўлсин — ҳар қандай кўринишларига қарши. Шунингдек, биз ҳар қандай шовинистик, бизни менсимаслик, империя кўзи билан қараш интилишларини, минтақада хукмронлик ва зўравонлик қилиш даъволарини ҳам кескин рад этамиз. Аввало, яқин кўщниларимиз, дунёдаги барча давлатлар билан тенг хукуқи, ўзаро манфаатли ҳамкорликка эса доимо тайёрмиз.

**САВОЛ.** *Шу кунларда 16 февраль воқеаларини содир этишида айбланаётган бир гурӯҳ кимсалар устидан суд жараённи давом этмоқда. Судланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил қиласди.*

*Албатта, бу ҳол барчамизни ҳам қийнаётгани табиийдир. Бугун Ўзбекистон аҳлини бир савол ўйлантирмоқда: қандай қилиб айрим ёшларимиз бундай зарарли оқимлар таъсирига тушиб, жиноят кўчасига кириб қолди?*

**ЖАВОБ.** Мен кўҳна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл кўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий.

Орзу-умидлар билан яшаётган, дунёкараши, руҳий олами шаклланаётган ҳар қайси инсон ёшлик чоғида ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида ўйлади, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қиласди, шунга қараб турмуш режала-

ри, интилишлари пайдо бўлади. Кўп нарса, албатта, инсоннинг ўзига ва унинг тарбиясига боғлиқ. Аммо бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг баҳту саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакининг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эзгу мақсадларига, ҳаётий манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғлиқдир.

Одамзод қандай тизим, қандай муҳитда яшамасин, барибир ўз қалбida муайян бир ғояга, маслак-мақсадга эҳтиёж сезади. Минг афуски, бу жараён ҳаммада ҳам бир хил кечмайди, бу тушунча ва фикрлар айрим инсонларнинг қалбига кечроқ кириб боради. Сода қилиб айтганда, уларнинг эс-хуши кечроқ, яъни бошига бир мусибат тушганида ёки бирор синовга дуч келганида киради.

Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни ўтиш даври ларзаларидан асрараш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди.

Бизга эски тузумдан пахта яккаҳокимлиги, заҳарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқдаги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик оғатлар оғир мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёsat ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар бўлган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотимизни ҳал қиласиган масалалар ғоят катта куч, маблағ, энг муҳими, вақт сарфлашни талаб этарди.

Шукурки, халқимизни ана шу оғир йиллардан бурнини қонатмай, бирорга тобе-қарам қilmай, бутун собиқ шўро маконида ҳукм сурган ижтимоий тўфонлардан омон-эсон олиб ўтишга мусассар бўлдик. Бугун бу ҳақиқатни кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда.

Шундай мураккаб ва кескин муаммолар билан банд бўлганимизга қарамасдан, биз озодлигимизнинг илк кунларида-

ноқ маънавият, таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор бердик. Бу улкан тарихий ишлар шу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлган ҳалқумизга яхши маълум. Шу боис уларни бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Лоакал миллий қадриятларниңни, тилимиз, тарихимиз, дин-диёнатимизни тиклаш, баркамол авлод тарбияси борасида амалга оширилган ишларни эслали кифоя, деб ўйлайман.

Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги мафкура гояларини сингдириш бир-икки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён эканига бугун ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аммо мафкура-маърифат соҳасидаги вазифамиз фақат одамларимизнинг заҳарланган онгини эски мустабид тузум асоратларидан халос қилишдангина иборат эмас. Бундай деб ўлаш енгил-елти фикрлаш билан баробар.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз —жамиятизм аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авладни камол тонгириш, уларнинг қалбida миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйгусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципиliga тарафдормиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қиласмаймиз.

Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаяпти, тажрибасиз, фур, билими, дунёқараш чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузгунчи гояларга кўр-кўронга берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, ҳалқи ва Ватанига кўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, гояга қарши ғоя билав қурашиб тарафдоримиз. Афсуски, мута-

ассиб, насл-насабини унугтган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миёсига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб беради-ю, кейин қотиб тураверади — учинчи саволга жавоб беришга нажади билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба.

Халқимиз мустамлакачилик жабрини, қарамлик фожи-асини беҳад кўп тортган. Шунинг учун у тутқунликнинг ҳар қандай шаклини, ҳар қандай кўринишини юрак-юрагидан рад этади. Бошқача айтганда, энди елкасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ қуллик кишанини қайтадан киймайди.

Давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Ўзининг бағрикенг, кечиримли эканни, тузумимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир карта тасдиқлади. Чунки ана шу адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизвивг бурчимиздир.

Сизнинг саволингизга қайтиб, қўшимча қилмоқчиман: бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожи шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, баъзи ўриниларда, афсусин, кеч қолаяпмиз.

Нима учун кеч қолаяпмиз, деган савол туғилади. Биз таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш мислий дастурини ишлаб чиқдик. Даструрни амалга ошириш юзасидан жиддий ишлар қилинмоқда. Истиқлол йилларида ташкил этилган янгича гимназия, лицей ва мактабларимизда таълим олаётган ўғил-қизларимиз билан учрашганда, уларнинг эркин, мутеликдан озод дунёқараши билан танишганимда ўзимни ҳаётдаги энг катта орзузи ушалган одамдек ҳис қиласман. Шу болалар сиймосида умрим мазмунини, ҳаётимнинг асосий самараси—мевасини кўргандек бўламан.

Айни пайтда бошқа бир муаммо ҳам мени ўйлантиради: мана шу таълим-тарбия тизимида рўй берәётган буюк ўзгаришлар жараёнидан, афсуски, барча фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлолмаяпти. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу — бор ҳақиқат.

Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшлиларимиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган қанчадан-қанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимиизда нақадар катта муаммолар турғанини яқдол тасаввур этаман. Бу ишни амалга ошириши лозим бўлган ўқитувчи-мураббийларни кўз олдимга келтирсан, уларни чинакам замонавий билим соҳибларига айлантириш учун ҳали ниҳоятда кўп иш олиб боришимиз кераклигини ҳам англайман. Бир сўз билан айтганда, бу борада қанча иш қўлмайлик, шу соҳада оқсоқлигимизни тан олишимиз, кўпдан-кўп муаммолар ечими айни шу масалага тақалиб қолаётганини эътироф этишимиз зарур.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия соҳасидаги Миллий дастуримизни кечиктирмасдан дарҳол ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш — бу борадаги фаолиятимизнинг асосий мезони эканини англашиб олишимиз шарт.

Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб биладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратса биладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларидан Аллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсан, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.

Айтинг-чи, шундан кейин биз, ота-оналарда яна қандай армон бўлиши мумкин? Бундай ёруғ фикрли, мияси тиник, эътиқоди соғлом болаларни соҳта оқимларга эргаштириб бўладими? Улар пана-пастқамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапига кирадими? Умрида бирорта китоб ўқимаган нодон кимсалар уларни йўлдан

оздериши мумкинми? Бу авлод вакиллари ўз Ватанига, ўзини оқ юваб, оқ тараган эл-юртига кўл кўтариши, унга ёмонлик соғиниши мумкинми? Ота-онасини зор қақшатиб, оқнадар, падаркуш бўлиши мумкинми? Дунёдан ўтиб кетган аждодларининг қабрларини бехурмат қилиб, уларнинг арвоҳларини чирқириятиши мумкинми? Ўз насл-насибидан, она-юртидан воз кечиши мумкинми?

Йўқ, Ҳеч қачон. Онгли инсон, юрагида имон-инсофи, диёнати бор одам асло бундай қилмайди. Қилолмайди.

*САВОЛ. Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мавжуд вазијатда маънавий-мағкуравий, таълим-тарбия ишларининг янада катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Сизнинг назарингизда, бу борадаги ишларни тақомиллаштириш, янги босқичга кўтариш учун нималарга эътибор бермоқ лозим?*

ЖАВОБ. Биз зўравонликка, коммунистик ақидапарастликка асосланган етмиш йилилек даврни бошимииздан ке-чирдик. Бу даврда оммани сохта ғояларга ишонтириш, уларга итоат қилдириш учун қанча-қанча куч, қанчадан-қанча маблағ сарф бўлмаган, дейсиз. Бу иш билан бутун бошли бир тизим шугулланар эди. Жамиятнинг энг юқори бўгинидан энг куйи қатламларигача бу тизим ўзининг кучли таъсирини ўтказар эди. Эҳтимол, бугунги ёшларимиз билмас, лекин нисбатан ёши улуғроқ одамлар у пайтлардаги ҳар турли сиёсий аҳборот ва ўқишлиар, машгулотлар, лекция ва маърузаларни яхши эслайди. Матбуот, радио-телевидение, адабиёт ва санъатнинг ҳам бор эътибори шу масалага — одамлар онгида бўшлиқ пайдо бўлмаслигига қаратилган эди. Бошқача айтганда, бу тизимнинг ягона мақсади — шу режимга керак бўлган мағкуруни кишилар онгига зўрлик билан сингдиришидан иборат эди. Ўзбек халқини ҳар тонгда “Ассалом, рус халқи, улуғ оғамиз!” деган нағмалар билан уйғотишдан кўзланган ният ҳам аслида ана шу эди.

Шўро даврида мағкура масаласида шундай бир механизм мавжуд эдики, у одамларни фикрлашга чорламасада, сохта ғояларни ҳар бир фуқаро онгига сингдиришига эриша оларди.

**Бу ҳақда ўйлаганда мени бир савол қийнайди. Нега энди шўро ҳукумати ўз сохта ғояларини омма онгига сингдира**

оларди-ю, биз эса халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, унинг фаровон турмушки ва баҳтли келажаги учун хизмат қиласидиган ҳаққоний миллий гоямизни одамларимиз қалбига сингдира олмаймиз?

Менингча, бунинг асосий сабаби шундаки, биз демократик жамият қуарар эканмиз, мағкуравий зўравонликийни рабд этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариши эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик. Жамият аъзоларининг қонун олдидаги масъулиятини ҳаётимизнинг устувор тамойиллари деб билиб, бунга қатъий амал қилишга интилдик.

Бизнинг пировард мақсадимиз — инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат. Иншооплоҳ, биз бу мақсадимизга эришамиз. Чунки бутун маърифий дунё айнан шундай қонулар асосида яшайди ва тараққий қиласи. Чунки бундай жамият аъзолари билан баҳс қилиш, мунозара юритиш, умумий тил топиш мумкин. Аммо миясига хомхаёл вас-васаси зулукдай ёпишиб олган, на қонуни, на реал ҳаёт талабларини тан оладиган мутаассис тўдалар билан қандай муроса қилиш мумкин?

Мен халқни бирлантирувчи, юксак мақсадлар сари чорловчи мағкура — миллий гоянинг жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида илгари ҳам қайта-қайта айтиб ўтганман. Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахassisлар, илгор фикрли зиёлилар бу борадаги изла-нишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хуносаларни ишлаб чиқишилари, қисқача айтганда, мағкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим.

Айтинг-чи, миллий мағкурани аниқ тасаввур қилмасдан, унинг назарий асосларини тўғри белгилаб олмасдан туриб бу масалани ҳал қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Миллий гоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўнал-

тиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас.

Аёнки, бу муаммо тарғибот-ташвиқот орқали амалга оширилади. Лекин биз нимани ва қандай тарғибот қилиши аниқ ва пухта тасаввур этишимиз керак. Яъни, агар таъбир жоиз бўлса, мафкуравий озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усулларини ишлаб чиқиш даркор.

Содда қилиб айтганда, мустақиллик ҳар қайси одам, ҳар қайси оила, юртимиз учун, келажагимиз учун нима берди ва нима беради, деган масалани оддий ҳаётий мисоллар асосида кишилар онгига етказиш, қалбига сингдириш орқали уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, кўзи ни реал ҳақиқатга очиб бериш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз халқда ўз сўзларини айтишлари керак. Улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халқда бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўидириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга чорлаш керак.

Бунинг учун эса авваламбор миллий фоя, миллий мафкура негизида одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод ватан қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу фояларни бойитиб-ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фалиятини тащкил этиш зарур.

Бу ишни қандай йўлга кўймоқ даркор?

Биринчидан, мавжуд вазиятни, яқин истиқболимизнинг ривожланиш тамойилларини, керак бўлса, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганадиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллашибирлиш, уларнинг имкониятидан тўла фойдаланиш зарур. Токи бу ташкилотлар ҳар қандай манбаатдан ёки таъсирдан холи бўлиб, бизга реал ҳақида, муайян ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида

**аччиқ бўлса-да, холисона, ҳаққоний хуносалар берсиллар.** Ва жамиятни эски асоратлардан халос этиш, дунёқара-шишимиз, маънавиятимиз ва мафкурамизни юксак босқич-га кўтариш йўлларини пухта ишлаб чиқишлари ва тавсия этишлари даркор. Бу ишга Тарихчилар, Файласуфлар кен-гашлари, яқинда тузилган Маърифатпарварлар жамияти каби жамоат ташкилотларини жалб этиш керак.

**Иккинчидан,** вилоят ва туман ҳокимликларининг бевосита кўмагида республика «Маънавият ва маърифат» жа-моатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари қошида **маърифий тарбибот кенгашларини тузиш лозим.** Бу кен-гашлар таркиби эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг му-хими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан йўл топа оладиган фидойи инсонлардан иборат бўлиши керак.

**Учинчидан,** мактаблар, лицей ва коллежларда бевоси-та маънавият масалалари билан шуғулланадиган мутасад-ди мутахассислар лавозимларини жорий этиш зарур.

**Тўртинчидан,** мактаб, лицей ва коллежларда болалари-мизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиласдиган турли ташки-лот ва тўгараклар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргати-ши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим.

Модомики, ёшларни фикрлашга ўргатиш, тафаккур тарбияси ҳақида сўз борар экан, биз муҳим бир нуқтани ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур. Фикримни очиқ-роқ айтадиган бўлсан, ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, бо-лани гўдаклигидан юз-қўлини ювишга ўргатмасангиз, ке-рак бўлса, мажбур қиласангиз, ювуқсиз ҳолда дастурхон атрофига ўтириш унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азал-дан хос бўлган шарму ҳаё, андиша, ота-онага хурмат, кат-талаарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижа-ноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди.

Кўриб турганимиздек, бу усул тарғибот-ташвиқот ишларида маълум ўринларда ўзини оқладиди. Чунки тарғибот-ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. Шундай қилмасак, биз ёшларимизни ёт таъсиrlардан асрай олмаймиз.

Ҳар қайси шаҳс, аввало, ёш авлод қалбида жамият, эл-юрг, кўйингки, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир.

Биз келажак ёшларники, деган гапни кўп айтамиз. Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолишини орзу қилиб яшаймиз. Барча эзгу ишларимиз замирида ана шу олижаноб мақсад мужассам. Биз шу азиз диёрда нафақат фарзандларимиз, балки невара-чевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, баҳти-ли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиришини, Узбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё тургунича туришини истаймиз.

Биз бутун айрим давлатлардан моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсак-да (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нуқтаи назаридан қараганда улкан фуур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаёт-баҳш кучга эгамиз. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу кутлуг меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада бойитиб-ривожлантириш, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир.

---

## **ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — МИНТАҚАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ**

Мұхтарам делегация раҳбарлари!  
Хонимлар ва жаноблар!

Менга халқымиз, ҳукуматимиз ҳамда шахсан ўз номимден сизларни — мазкур учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон диёрида самимий күтгаб, барчангизга юксак әхтиромимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Биз бугун бу ерда юксак ва олижаноб мақсад — жафокаш Афғонистон заминидан кўпдан бери қутилаётган тинчлик ўрнатиладиган кунни биргаликда яқинлаштириш учун тўпландик.

Тинчлик ва барқарорлик, энг аввало, афғон халқининг орзуси. Чунки бу халқ йигирма йиллик уруш, азоб-укубат ва мұхтожликни бошидан кечирмоқда. Бу халқ ўзининг бутун тарихи ва мислсиз бардоши билан чинакам ҳурмат ва ҳамдардлик уйғотади.

Фуқаролар уруши туфайли вужудга келган бекарор вазият аллақачон Афғонистон чегараларини ошиб ўтиб, минтақадан анча нарида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бутун Афғонистон ва унинг атрофида юз берәётган халқаро терроризм ва экстремизм муаммолари ҳам, наркотик моддаларни тарқатиш ва курол-яроғ савдоси муаммолари ҳам, тобора таҳдидли тус олаётган исломни радикаллаштириш жараёнлари ҳам жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмай қолмайди.

Бугунги кунда Афғонистонда юз берәётган воқеаларни кузатиб турган ҳар бир кишини бу мамлакат аҳолиси, уни вайронгарчилик ва мұхтожликка маҳкум этган, иқтисодиёт ва кишилар ҳәтини ўнлаб йиллар орқага улоқтириб

ташлаган уруш ва қарама-қаршилик туфайли Ватанидан жудо бўлган барча миллат ва элат вакилларини ташвишга солмай қўймайди.

Баъзи давлатларнинг Афғонистондан жуғрофий узоклиқ ўзларининг ҳавфсизлигига таъсир қилмайди деган умидлари асоссиз эканини вақт кўрсатди.

**Муҳтарам анжуман иштирокчилари!**

Афғонистонда кўп йил давом этган танглик сабабларини аниқлаш ушбу анжуман вазифасига кирмайди, десам, фикримга қўшилсангиз керак. Ҳозирги вақтда, энг муҳими, Афғонистондаги вазиятни қайта-қайта таҳдил этиб, бирбирига қарши курашаётган томонларни яратшириш учун дастлабки қадам бўлиши мумкин бўлган ўша элас-элас қўринаётган келишув омилларини топишдан, янада аниқроқ айтганда — қарама-қаршилик ва урушни бундан кейин ҳам давом эттириш бемаънилик эканлигини уларга кўрсатиб ва исботлаб беришдан иборатдир.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқларини кўп асрлик тарихий муштараклик анъанавий равишда бир-бирига боғлаб туради. Шуни ҳам айтмоқчиманки, ўзбеклар ва афғонлар ўртасида ҳеч қачон ғанимлик бўлмаган — Амударё неча юз йиллар давомида бизни фақат бирлаштириб турган.

Ҳозир ҳам бизнинг энг эзгу ва энг катта истагимиз тинч, барқарор ва ҳавфсиз Афғонистонни кўришдир. Биз Кобулда миллий тотувлик ва ички барқарорликни таъминлашга қодир бўлган, халқаро ҳуқуқ мельёрларини хурмат қиладиган ва чегара дош мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини таъминлашга кафолат берадиган барча томонлар вакилларидан иборат нуфузли ва кучли ҳукуматни кўришни истаймиз.

Афғонистон муаммосини тезроқ ҳал этиш минтақавий ҳамкорликни йўлга кўйиш учун, биринчи навбатда Марказий Осиёни қўшни худудлар ва мамлакатлар билан боғлайдиган транспорт коммуникацияларига доир узок муддатта мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширишга зарур шарт-шароит яратиш ишига чинакам омил бағишлигар бўлар эди.

Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусан БМТ шафелигига “6+2” гуруҳини тузиш бўйича сайд-ҳаракатлари ва ташаббуслари ана шу ёндашувларга асосланган.

Катта мамнуният билан таъкидламоқчиманки, бу гуруҳ қисқа вакт ичида ағон муаммосини ҳал этиш йўлларини излашда биргаликда ҳаракат қилишда етарли тажриба тўплади.

Факат бир фактнинг ўзи, яъни гуруҳдаги уч мамлакат — АҚШ, Россия ва Хитой — БМТ Хавфсизлик Кенташининг доимий аъзолари шу минтақа мамлакатлари билан биргаликда “6+2” гуруҳи доирасида Афғонистон муаммосини тинч ҳал этиш йўлларини излашда фаол иштирок этажтани — бу халқаро тажрибада жуда камдан-кам учрайдиган, айтишим мумкинки, мислсиз воқеадир.

Ўз-ўзидан равшанки, бу гуруҳни тузиш ва унинг ишини ташкил этишда, жумладан мазкур анжуманнинг бугунги мажлиси ўтказилишида БМТ ҳал қилувчи ўринда турибди.

Шу муносабат билан БМТнинг Афғонистон бўйича маҳсус миссияси аҳамиятини, шунингдек унинг раҳбари — БМТ Бош котибининг маҳсус вакили Лахдар Брахими нинг ағон диёрида тезроқ тинчлик ўрнатилишига қаратилган самарали ишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги учрашувимиз жаноб Лахдар Брахимининг БМТ шафелигига “6+2” гуруҳида иштирок этувчи мамлакатлар вакиллари билан биргаликда икки йил давомида олиб борган қизғин ишингиз якунидир. Бу гуруҳнинг маҳсади Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлларининг умумий таймиллари ва ягона ёндашувини ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуманнинг кўп иштирокчилари фикримга кўшиладилар деб ўйлайман — Афғонистондаги бугунги вазиятни асосан Афғонистон жамиятининг таркибий қисми ни ташкил этувчи икки куч — “Толибон” ҳаракати ҳамда унга қарши турган Аҳмад Шоҳ Майсуд раҳбарлигидаги бирлашган гуруҳ шакллантирмоқда.

Хозирги вақтда Афғонистон можаросининг кўпгина иштирокчилари, шунингдек, уларнинг орқасида турган

кучлар Афғонистон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини тушуниб етмоқда. Афғонистон можароси бошлангандан то бугунги кунгача бўлган даврдаги мисли кўрилмаган бу вазиятни тўғри баҳоламаслик мумкин эмас.

Афғонистон ичидаги кучлар ўртасидаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва музокарани қайтадан бошлаш зарурлиги бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасида музокаралар жараёнини бошлашга ана шу ноёб имкониятни тушуниб етиш ва англашӣ тақозо қилмоқда.

Айни ҳозирги вақтда вужудга келган вазият мазкур анжуманинг барча иштирокчиларидан, бизнинг фикримизча, асосий вазифани – музокаралар жараёнини бошлаш, бутун Афғонистон ҳалқи, ундаги этник гурӯҳлар манфаатларини кўзлаган ҳолда қарашларининг ўхшаш нуқтасини, ўзаро мақбул бўладиган келишувларни излаш йўли билан музокаралар жараёнини шакллантириш бўйича ўзаро мақбул умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш вазифасини ҳал қилишда катта масъулиятни талаб қилмоқда.

Бу ёндашувларни ишлаб чиқишида воқеалар тақозоси билан Афғонистон можаросига бошқаларга нисбатан кўпроқ жалб этилган икки мамлакат – Покистон ва Эронинг қарашларининг яқинлиги алоҳида аҳамиятта эга бўлади, десам фикримга кўшилсангиз керак.

Айни пайтда “Афғонистон кўшиллари ва дўстлари” гуруди фаолиятининг асосий тамойили мустақил давлат ички ишларига аралашмаслик, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиши эканини таъкидлаш зарур. Кўп йиллар давомида Афғонистоннинг ички ишларига четдан аралашиши афғонларда табиий равишда воситачиларга ишончсизликни вужудга келтиргани эътиборга олинса, бу таомийл алоҳида аҳамият касб этади.

Афғон ҳалқи ва унинг раҳбарлари ўз мамлакатлари тараққиётининг қайси йўлидан боришини ва тинч ҳаёт қандай ҳукумат бошчилигига тикланишини ўзлари мустақил равишида танлаб олишлари керак.

Биз ҳозир йигирма йилдан ортиқ давом этаётган бехуда хунрезлик ва вайронагарчилик даврида вужудга келган

ҳамда илдиз отган жуда кўп эски муаммолар мавжуд бўлган узоқ ва мураккаб йўлнинг бошида турганимизни тушумиз.

Назаримизда, Афғонистон жамиятининг тинч ҳаёт йўлига қайтиш жараёни шошма-шошарликсиз, босқичмабосқич амалга оширилиши лозим.

Биз “6+2” гуруҳининг ташки ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасидаги бундай учрашувларни мунтазам равишда навбати билан гуруҳнинг боциқа мамлакатларида ўтказиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Навбатдаги учрашувни балки Ашгабадда ўтказиш мумкин бўлар. Ҳозирги учрашув чогида Тошкент Декларациясини имзолашдан ташқари, барчамиз музокаралар жараёни механизмини ишлаб чиқиш тўғрисида ўйлаб кўришимиз лозим.

Назаримизда, музокаралар механизмида аввалгилик БМТ Бош котибининг Афғонистондаги маҳсус вакили ва маҳсус миссияси асосий ўринда туриши керак. Оддига қўйилган янги вазифаларни ҳисобга олиб, уларнинг майдатлари ва ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва кепгайтириш лозим бўлади.

Шундай қилиб, “6+2” гуруҳи воситачилигига тинчлик жараёнини янада ривожлантириш ҳар бир янги босқичга Тошкент Декларацияси тамойилларига мувофиқ равишда аниқ натижалар билан чиқишимизга имкон берган бўлур эди.

Шу муносабат билан БМТ шафелигидаги “6+2” гуруҳи ёрдамида бундан кейинги тинчлик жараёни истиқболлари, назаримизда қандай бўлишини айтишга рухсат эттасиз, бу тинчлик жараёни кўйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

**Биринчидан,** БМТ Бош котибининг маҳсус вакили воситачилигига бутун Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган икки асосий куч ўртасида ўт очишни тўхтатиш, ҳарбий асирларни айирбошлиш, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш учун йўлларни очиш ва ички тўсиқларни олиб ташлаш тўғрисида битимлар тузиш зарурий дастлабки босқич бўлади.

**Иккивчидан,** кейинги босқичда Афғонистоннинг давлат тузуми ва барча томонлар вакилларидан иборат ҳуку-

мат тузишнинг асосий тамойиллари бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиши мақсадгага мувофиқдир.

**Учигчидан,** Афғонистондаги мажарони бартараф этиш, шу жумладан қочоқларни қайтариш, миналардан тозалаш, куролсизланиш ва шу каби бошқа масалалар тўғрисида қарама-қарши томонлар ўртасида Умумий битимлар якунловчи мажмuinи қабул қилиш. Афғонистон томонлари рози бўлган тақдирда, уларнинг ўртасидаги Умумий битимлар “6+2” грухига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари иштирок этадиган учрашувда имзоланиши мумкин бўлур эди.

**Тўртингчидан,** Афғонистондаги ички тинчлик жараёни билан бир вақтда “6+2” грухига аъзо мамлакатлар Афғонистонни урушдан кейинги тиклашга қаратилган кенг кўламли инсонварварлик ҳамда молиявий иқтисодий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро дастур ишлаб чиқишилари мумкин. Шу муносабат билан биз Япония ҳукуматининг Токиода Афғонистонга ана ўнчай ёрдам кўрсатиш хусусида халқаро конференция ўтказиши тўғрисидаги ташаббусини кўлаб-куватлаймиз.

**Бешинчидан,** воқеалар ана шу тарзда ривожланиб борса, якунловчи босқичда БМТ Бош Ассамблеясининг Афғонистон бўйича маҳсус сессиясини ўтказиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши мумкин бўлур эди. Бундай сессиянинг ўтказилиши мазкур мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича якунловчи битимлар халқаро ҳамжамият томонидан сиёсий жиҳатдан эътироф этилганининг рамзи бўлур эди.

Бундай сессияни чақириш Бош Ассамблеянинг 1980 йилдаги олтинчи фавқулодда маҳсус сессиясида қабул қилинган, хусусан, “Афғонистон халқига ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз, кўпорувчилик фаолиятисиз, мажбур қилмасдан ёки тазийқ ўтказмасдан ўз бошқарув шаклини белгилашга, ўз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тизимиши танлаб олишга имкон бериш”га даъват этувчи резолюциясининг мазмунига тўла-тўкис мос келур эди.

Ушбу анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавояда этилган “Афғонистондаги мажарони тинч йўл билан бартараф

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

**этининг асосий тамойиллари тўғрисида” ги Тошкент Декларацияси лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида узоқ вақт тер тўкиб қилинган ишнинг натижасидир, у “6+2” гурӯҳига бирлашган деярли барча “Афғонистон кўшиллари ва дўстлари”нинг позициясини ифодалайди.**

Бу ҳужжатни ва унда кўзда тутилган узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган дастурни маъкуллаш ва қабул қилиш Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича музокара жараёнига ишончли ва адолатли пойдевор кўйишига аминман.

**Хоимлар ва жаноблар!**

Ушбу анжуманинг барча иштирокчиларига: Афғонистон вакилларига, АҚШ делегациясига, Россия делегациясига, ХХР делегациясига, Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркманистон делегацияларига, табиийки, БМТ вакилларига Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлидаги ҳаракатлари учун чукур эҳтиром ва миннатдорлик туйгуларини яна бир бор изҳор этишга ҳамда барчангизга кўзланган мақсадни амалга оширишда — **Афғонистонда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка** эришишда катта сабр-қаноат тилайман.

**Эътиборингиз учун раҳмат.**

*Афғонистон бўйича “6+2” гурӯҳи Тошкент учрашуви очилиши маросимида сўзланган нутқ,  
1999 йил 19 июль.*

---

## ТАДБИРКОРЛИК – ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Бугун сиз билан мамлакатимизнинг 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунларини муҳокама қилмоқдамиз. Бу йил янги аср арафасида иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш ва тақомиллаштиришга қаратилган йирик миқёсдаги дастур учун мустаҳкам замин ва пойдевор бўлиб хизмат қилиши керак.

Шу сабабли ана шу пойдеворни бунёд этишда нималарга эришганимиз ва эришаётганимизни танқидий нуқтаи назардан таҳдил этиш, жорий йилга мўлжалланган устувор вазифаларни қай даражада амалга ошира олганимизни баҳолаш, ислоҳотлар йўлида изчил олға ҳаракат қилишимизга нималар халақит бериб, нималар тўсқинълик қилаётгани ҳақида очиқ-ойдин гаглашиб олиш катта аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун ўз фаолиятимизга холисона ва ошкора баҳо беришимиз, ижобий силжишларни эътироф этиш билан бирга, энг муҳими, ишимиздаги заиф ва оқсоқ жойларни ҳам аниқлаб, уларни бартараф қилиш чораларини белгилаб олишимиз зарур.

Мен бугунги мажлиснинг асосий маъноси ҳамда вазифаси мана шунда деб биламан.

Агар шу нуқтаи назардан ярим йиллик натижаларини таҳдил қиласиган бўлсак, мен, аввало, жамиятимизни ислоҳ қилиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, мамлакатимиз иқтисодиётининг амалдаги барча соҳаларининг изчил ривожланишини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилди, деб айтган бўлардим.

Ярим йиллик мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,8 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5,6 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотла-

ри ишлаб чиқариш — 6,8 фоизга, курилиш-пудрат ишлари — 2,4 фоизга ошиди.

Жорий йилда кимё ва нефткимё саноати, машинасозлик ва металларга ишлов бериш, енгил саноат, озиқ-овқат, ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қофоз саноати каби тармоқлар изчил суръатлар билан ривожланди. Саноатда меҳнат унумдорлиги 9,6 фоизга ошиди. Газ қазиб олиш, бензин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган газ, енгил машиналар, лифтлар, фосфат ўғитлар, бир қатор истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсили.

Ярим йиллик мобайнида кўлга киритилган ижобий ютуқлар сифатида молия ва пул-кредит тизимиning янада мустаҳкамланганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Солиқ ва пул муомаласини тартибга солиш сиёсати соҳасида кўрилган қатъий чоралар натижасида биз давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоиз камомад билан тўлдиришга муваффақ бўлдик. Бу мўлжал қилинган кўрсагичлардан анча пастдир.

Пул-кредит сиёсати соҳасида пул ҳажмининг ўсишини назорат қилувчи самарали механизм ишлаб чиқилди ва у инфляцияни жиловлаш учун кучли омил бўлиб хизмат қилди.

Биринчи ярим йиллик давомида ўртача ойлик инфляция кўрсаткичи 1,9 фоизни ташкил этди, эмиссион натижалар бўйича 3,4 миллиард сўм иқтисод қилинди.

Кўп вақтдан бўён Марказий банкинг қайта молиялаш ставкалари ойига 3 фоиз микдорида барқарор бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида банкларнинг инвестицион кредитлари ҳажмини кенгайтириш ва умумий кредит ресурслари ҳажмида уларнинг улушкини 55,2 фоизга ошириш имконини берди.

Иккинчидан, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани жорий йилда йилнинг энг устувор вазифаси — аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини муваффақиятли ҳал этиши учун реал шароит яратди. Халқимизни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш масаласи эса, ўзингизга яхши маълумки, ислоҳотлар жараёнининг асосий тамойилини, керак бўлса, маъно-моҳиятини ташкил этади.

Ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли сонига нисбатан тез суръатлар билан ўсиши туфайли одамларнинг турмуш дарражасини изчили ва барқарор равишда оширишга имкон туғилди. Иш ҳақи, нафақалар ва стипендияларни ошириш юзасидан қабул қилинаётган қарорлар ҳам бунга амал қилмоқда.

Куни кечадан 1 августдан эътиборан ўртача иш ҳақи, стипендиялар, пенсия ва нафақаларни 1,4 баробар ошириш ҳақида Фармон қабул қилинди. Агар январь ойидаги иш ҳақи ва пенсия, стипендияларнинг оширилганини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, бу рақам йил бўйича 1,7 баробарни ташкил этади. Бу тахмин қилинган инфляция, яъни нарх ошиши суръатларига нисбатан 3 марта кўпдир. Иш ҳақини ошириш учун қўшимча 50 миллиард сўмлик бюджет маблағлари қидириб топилди.

Аҳолининг ночор табакалари — кам таъминланган оиласлар, ногиронлар, ёлғиз нафақадорларга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг аниқ бориб етишига катта аҳамият берилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш учун мустаҳкам меъёрий-хукуқий замин ва самарали механизм яратилди. **Ижтимоий муҳофазанинг жамият ўзаги бўлмиш оиласга қаратилгани унинг асосий хусусияти**dir.

Ўтган олти ой давомида аҳолининг ёрдамга муҳтоҷ қатламларини ижтимоий кўллаб-кувватлаш маҳсадларига қарийб 19 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёsat туфайли 16 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган бир миллиондан ортиқ оила, 260 мингдан зиёд кам таъминланган оила ва икки ёшга тўлмаган гўдакларни тарбия қилаётган, 540 минг ишламайдиган она давлатдан ёрдам пули олмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастури изчилилк билан ҳаётга жорий қилинмоқда. Республика, вилоят ва туманлар миқёсида жадал тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими ишлаб чиқилмоқда. Қишлоқ жойларда қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш ривожланиб бормоқда.

Тиббий хизматнинг амбулатория-поликлиника ва бошқа кундузги шаклларда медицина ёрдами кенгаймоқда. Бу соҳада хусусий тиббиёт муассасаларининг фаолияти ҳам жонланиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздә 1300 дан зиёд хусусий тиббиёт муассасалари мавжуд ва 3000 дан ортиқ врач хусусий тарзда фаолият кўрсатмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида оналар ва чақалоқлар ўлими, бир қатор ўтқир инфекцион касалликлар камайиб бормоқда.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар тизимида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини, биринчи галда, қишлоқ аҳлини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ҳар бир аҳоли манзилини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни кўзда туладиган маҳсус дастур қабул қилинган.

Фақат ўтган ярим йиллик мобайнида 900 километр атрофида водопровод ва 2 минг километрдан зиёд газ кувури тармоқлари ишга туширилди. Бу рақам қишлоқ жойларда тегишли тарзда 850 ва 1950 километрни ташкил этади. Эътибор қилган бўлсангиз, барча водопровод ва газ кувури тармоқларининг 95 фоизи айнан қишлоқ жойларда ётқизилди.

Шу билан бирга, водопровод ва газ кувурлари ётқизиш бўйича мўлжалланган дастурнинг атиги 47 фоиз даражасида бажарилганини таассуф билан қайд этиш лозим. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ҳокимликлари, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлашга масъул бўлган бошқа вазирлик ҳамда идоралар йил охирига қадар йўл кўйилган қолоқликни бартараф этиш, водопровод ва газ кувурлари ётқизиш бўйича белгиланган топшириқларни сўзсиз адo этиш юзасидан барча чора-тадбирларни кўришлари шарт.

**Учинчи. Жорий йилда галла мустақиллигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича яна бир дадил қадам кўйилди.**

25 июлгача бўлган маълумотга кўра, мамлакатимиз деҳқонлари 3,6 миллион тонна ғалла маҳсулотини йифиб-тебриб олдилар. Давлатта 2,2 миллион тоннадан зиёд ғалла топширилди, яъни белгиланган марралар шараф билан бажарилди.

Бу, энг аввало, мамлакатимиз аҳлини озиқ-овқат билан таъминлаётган ғаллакорларимиз, барча деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир.

Бугун мана шу минбардан туриб, ғаллакор — деҳқонларимизга фидойи меҳнатлари учун таъзим қилишни ўз бурчим деб биламан.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган бундай ютуқлар қишлоқ ҳастини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишларимизнинг ижобий натижасидир десак, асло хато бўлмайди. Бугун барчамиз иқтисодий ва аграр соҳадаги муносабатларни тубдан ўзгартириш, ширкатларни шакллантириш, қишлоқда оила пудрати ва мулк пайларини жорий этиш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни, бир сўз билан айтганда, хўжайинлик, эгалик туйғусини қайта тиклаш биз учун нақадар катта аҳамиятта эга эканига қайта-қайта амин бўлмоқдамиз.

Бу — моҳият-эътиборига кўра, бугун ўзимиз учун чиқаришимиз керак бўлган энг муҳим холосадир.

Мен шуни таъкидлашни истардимки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, бу шунчаки бир мақсад эмас. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлигини ва самарадорликни оширишдир, деҳқонларининг турмуш ва меҳнат шароитини тубдан ўзгартиришдир.

Хозирги вақтда қишлоқ хўжалиги корхоналарини ислоҳ қилиш, ҳақиқий мулк эгалари синфини шакллантириши жараёни тезлашиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, 502 жамоа хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ширкатларига айлантирилгани бунинг яққол далилидир.

Қишлоқда мулк эгаларини шакллантириш сезиларли даражада оила пудратини шакллантириш, боф ва токзорларни узоқ муддатта ижарага бериш эвазига таъминланмоқда. Ғалла экиладиган майдонларнинг 95 фоизидан ор-

тиғи, пахтазорларнинг эса 87 фоизидан оила пудрати шароитида ҳосил олинмоқда. Ҳўжаликларда сарф-харажатларни чек усулида ҳисоб-китоб қилиш тажрибаси кенг жорий этилмоқда. 54 минг гектарга яқин боғлар, 28 минг гектардан зиёд токзорлар узоқ муддатли ижарага берилган.

Кишлоқларда 28,5 минг фермер хўжалиги тузилиб, уларга 580 минг гектардан ортиқ ҳосилдор ер ажратиб берилди. 984 мингдан зиёд деҳқон хўжаликлари ёки бундай хўжаликларнинг 30 фоизи қайта рўйхатдан ўтказилди.

**Жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш натижасида 158 минг нафар киши қишлоқ хўжалиги ишларидаи озод этилди.**

Қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи ўрни ва ҳал қилувчи аҳамиятини инобатта олиб, бу соҳага давлатимиз томонидан ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Биргина мисол: 1998 йил якунлари бўйича паст самарали ва зарар кўрган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида уларнинг бюджеттага ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларидан кечиб юборилди.

Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш мақсадида Молия вазирлиги қошида маҳсус Жамғарма ташкил этилди. Мазкур Жамғарма томонидан ўтган ярим йилнинг ўзидаёқ пахта ва ғалла етиштирувчи хўжаликларга 64 миллиард сўм миқдорида, шу жумладан, пахта хом ашёси сотиб олиш учун 37,7 миллиард сўм, ғалла сотиб олиш учун 24 миллиард сўм, шоли сотиб олиш учун эса 2,4 миллиард сўм миқдорида аванс берилди. Бу хўжаликларнинг қишлоқда етказиб берилган ёнилғи-мойлаш материалилари, кимёвий ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси учун аванс тўловларини таъминлабгина қолмасдан, хўжаликларнинг уларга хизмат кўрсатадиган бошқа корхоналардан қарзларини қисқартириш имконини ҳам берди ва қишлоқ хўжалигига ишловчиларга меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаш учун 12 миллиард сўм миқдоридаги маблагни йўналтиришга шароит яратди.

Қишлоқда хўжаликларнинг молиявий аҳволини яхшилаш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда. Бу

ишида, аввало, уларни санация қилиш ижобий натижада бермокда. 1998 йили 104 хўжалик, бу йил эса 150 дан ортиқ хўжалик санацияга тортилган эди. Дехқончиликда янги технологик хариталарни жорий этиш, ҳисоб-китоб ишларини пухта йўлга қўйиш, ташқи бошқарувчиларни тайинлаш ва бошқарувни тубдан такомиллаштириш ҳисобига санацияга тортилган хўжаликларнинг молиявий аҳволи сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Санацияга тортилган хўжаликлар билан ишланиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қаерда хўжаликни юқори малакали, масъулиятли раҳбарлар бошқарса, ҳисоб-китоб ишлари аниқ ва пухта олиб борилса, беларвонлик ва боқимандаликка йўл қўйилмаса, ўша ерда ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари юқори бўлаверади. Бугунги кунда мана шу омили қишлоқ хўжалигидаги аҳволни яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сизларнинг эътиборингизни яна хўжаликлар, тайёрловчилар ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналар ўргасидаги шартнома мажбуриятларини тузиш ва уларни бажариш борасидаги ишларнинг аҳволи қониқарсиз эканига қаратмоқчиман.

Вазирлар Маҳқамасининг агросаноат комплекси Аддлия вазирлиги билан биргаликда жуда қисқа мuddатда шартнома муносабатларини яхшилаш, раҳбарларга нисбатан шартномалар тузиш ва ўз зинмасига олган мажбуриятларини бажариш юзасидан қатъий тартиб ўринатиш борасида талабчанликни оширишга қаратилган амалий тадбирларни ишлаб чиқиши ва ҳаётга жорий этиши лозим.

Шунга эришиш керакки, шартнома мажбуриятларини бузиш тўғрисидаги ҳар бир аниқланган факт атрофлича муҳокама қилиниши, бунга йўл қўйган раҳбар ёки шахслар эса амалдаги қонунга биноан жавобгарликка тортилиши лозим.

Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, туман ҳокимликларицинг фермер хўжаликларини ривожлантириш ва дехқон хўжаликларини шакллантириш борасидаги ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Хўжаликлар ва фермерлар ўргасидаги муносабатларни, шартнома муно-

сабатларини түғри йўлга қўйиш бўйича аниқ механизм ишлаб чиқилмаган.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини кичик техника во-ситалари ва ўғитлар билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда қолмокда. Ҳозиргача нефть маҳсулотларини, ёнилғимойлаш материалларини товар ишлаб чиқарувчиларга етказиб бериш қоидалари ишлаб чиқилмаган.

Энг муҳими — етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини йиғиш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган кенг воситачи тизимлар тармоғини яратиш бўйича берилган топшириқ бажарилмаяпти. Қишлоқ аҳолиси ўртасида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган деҳқон хўжаликларининг афзалликларини тушунтириш ишлари ёмон аҳволда.

Акс ҳолда, бугун рўйхатдан ўтган 1 миллионга яқин деҳқон хўжаликлидан атиги 4,5 мингтаси, яъни 0,5 фоизи юридик шахс низомини олганини нима билан изоҳлаш мумкин?

**Тўртинчи.** Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан янгилаш, корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурий чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Ярим йил мобайнида 221 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағлар, шу жумладан хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳалар бўйича 58 миллиард сўм атрофида капитал маблағ ўзлаштирилди.

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 1,6 марта ўсди. Ялпи капитал маблағларнинг 26 фоизи хорижий инвесторлар зиммасига тушмокда.

Ярим йил мобайнида ялпи инвестицияларнинг қарийб 60 фоизи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларига жалб этилдики, бу шаҳар автобуслари ва енгил юк машиналари ишлаб чиқараадиган “СамКўчавто” қўшма корхонасини, Хўжаобод ер ости газ омборини, “Папфен” ип йигириув қўшма корхонасини ишга тушириш имконини берди. Хоразм вилоятида курилган “Даритал” қўшма корхонасида эркаклар учун пойабзал, Тошкент вилоятида гранит плиталар ишлаб чиқарила бошланди.

Ангрен шаҳрида каолинни бойитиш фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилди. “Косонсой-Текмен” қўшма корхонасида жун газламалар, Фарғона кимёвий тола заводида полиамид, “ЎзСамсунг Электроник”, “СМГ-Оникс”, “Восток-Оникс” қўшма корхоналарида мураккаб машиий электрон техникалар, сув ва газ ўлчагичлари ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

Шўртган газ-кимё мажмуи, Кўнғирот сода заводи, Қизилкум фосфорит комбинати, “ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси учун бутгловчи қисмлар тайёрловчи заводлар, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкент – Андижон – Ўш – Иркиштом автомобиль йўли ва шунга ўхшаган қатор стратегик обьектлар курилиши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

**Бешинчи. 1999 йилнинг устувор йўналишларидан бири – Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда муайян силжиншлар рўй берди.**

Давлат таълим андозалари бўйича 348 та лойиҳа, ўрта профессионал таълим бўйича 704 та мутахассисликка оид, 350 та янги ўкув режалари ва дастурлари тайёрланди. 1999 йилда ташкил этилаётган 14 та академик лицей ва 103 та касб-хунар коллажларини кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2,6 минг инженер-педагог кадрлар қайта тайёрлашдан ўтказилди.

Таъмирланадиган ва янги қуриладиган академик лицейлар ва касб-хунар коллажларининг аниқ рўйхати тузилди. Курилажак барча обьектларни тендер асосида лойиҳалаш ишлари ниҳоясига етказилиб, эксперталар назаридан ўтказилди. Кенг кўламда пудрат савдоси амалга оширилди. 1999 йилда ишга тушириш режалаштирилган 115 та обьектнинг барчасида қурилиш-монтаж ишлари деярли ниҳоясига етказилмоқда.

Айни пайтда касб-хунар коллажлари ва академик лицейлар қурилиши учун ажратилган капитал маблағларнинг йиллик ҳажми мамлакат бўйича 48,6 фоизга, жумладан, Сурхондарё вилоятида атиги 37,3 фоизга, Навоий ва Наманган вилоятларида 38,5 фоизга, Қашқадарё вилоятгига эса 42,7 фоизга ўзлаштирилгани бизни ташвишлантирумай қолмайди.

Ижтимоий мажмуа (Х.Кароматов), курилиш ва саноат материаллари мажмую (А.Исаев) раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, барча шаҳар ва туман ҳокимлари 1999 йилда қуриб ишга тушириш мўлжалланган академик лицейлар ва касб-хунар колледжларининг курилишини ниҳоясига етказиш, уларни янги ўкув йилига тайёрлаш бўйича шошилинч чоралар кўришлари керак.

\* \* \*

### Хурматли мажлис иштирокчилари!

Иқтисодий ислоҳотларнинг боришини чуқур ва атрофлича таҳдил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, 1999 йилга мўлжалланган устувор дастурларнинг барчаси ҳам муваффақиятли ҳал этилмаяпти. Муаммолар, нуқсонлар ҳали жуда кўп.

### Гап нима ҳақда кетмоқда?

Аввало, шуни айтмоқчиманки, бу йилга мўлжалланган давлат мулкиви хусусийлаштириш ва бу жараёнга чет эл инвесторларини жалб этиш суръатлари бизни қониқтирумаяпти. Ўта муҳим бу ишда изчиллик этилмаяпти.

Бу ҳақда Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро кенгашининг маҳсус мажлисида ҳам гапирилган, Давлат мулки қўмитаси, хусусийлаштириш бўйича бошқа жавобгар тузилмалар шаънига танқидий фикрлар билдирилган эди.

Бугунги кунда хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тендер савдолари ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг ваколатлари бирмунча кенгайтирилди. Ўз таркибига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳамда 23 та иккинчи даражали мустақил тижорат депозитарийларини олган қўш босқичли депозитарий тизими ташкил этилди. Корхона акцияларини ишлаб чиқариш ва жойлаштиришга ихтисослашган, давлат активларини тендер ва танлов асосида сотишни ташкил этувчи, хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишда сансалорлик, тўрачилик ил-

латларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш асосий вазифаси бўлган “Давинком” инвестиция фирмаси ташкил этилди.

Корхона акцияларини тайёрлаш ва сотиш жараёнига чет эл молия маслаҳатчилари ва эксперталари, жумладан, халқаро молия институтлари көнг жалб этилмоқда. Бу иш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Йилнинг биринчи ярмида 263 та объект хусусийлаштирилди. Фонд бозорида корхоналарнинг 1,5 миллиард сўмдан ортиқ акцияси сотилди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган ялпи тушум 2,7 миллиард сўмни ташкил этди. Акция пакетларини реализация қилишга мўлжалланган маҳсус республика Фонд биржасида умумий акция ҳажми 158,7 миллион долларни ташкил этувчи 116 та ҳиссадорлик жамияти тайёрланди.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Давлат мулки кўмитаси ва унинг таркибий қисмларида, вазирлик ва идораларда, ассоциация ва хўжалик бирлашмаларида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп. Хусусийлаштиришгача бўладиган жараёнлар жуда чўзилиб кетмоқда. Акцияларга харидор бўлиши мумкин бўлган чет эл инвесторларини излаб топишида хўжалик бирлашмаларининг савй-ҳаракатлари мутлақо сезилмаяпти. “Ўзбекмебель”, “Ўзгўштсугсаноат”, “Ўзбек ишаги”, “Ўзмашсаноат”, “Ўзэлтехсаноат” ва бошқа ассоциацияларнинг чет эл инвесторларини етарли даражада жалб эта олмаганиклари сабабли, мазкур корхоналарнинг акция пакетлари чет эл инвесторларига сотилмаяпти.

“Ўзмашсаноат”, “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзавтосаноат” ва бошқа ассоциация ва корхоналарнинг биржа бозорида суст ҳаракат қилаётганлари оқибатида акцияларни реализация қилиш белгиланган ҳажмининг атиги 10 фоизини ташкил этмоқда. Идоралараро ишчи гурӯҳи, республика Кўчмас мулк биржаси, Кўчмас мулк ва инвестициялар агентлиги, банклар ва бошқа идораларнинг фаоллигини кескин ошириш зарур.

2. Кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги ишлар ҳам бизни қониқтирамайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-

нинг ривожланиш суръатлари бугунги кун талабига жавоб бермаяпти. Мазкур соҳаларга бор-йўғи 400 минг киши ёки иш билан банд бўлган аҳолининг 5 фоизигина жалб этилган. Ишсизлик муаммосини ҳал этишда, хусусан, қишлоқ жойларида бу масалани ечишда кичик бизнес ҳал қилувчи омилга айланмаяпти.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам иқтисодий-сиёсий ислоҳотларининг муваффақиятига гаров бўлиши лозим. Афсуски, бу соҳадаги ишларимиз умумий гапдан нарига ўтмаяпти. Қабул қилинган қонунлар, фармонлар ҳамда тадбиркорларни рағбатлантириш, уларга зарур шарт-шароит яратиш ва давлат йўли билан ёрдам бериш тўғрисидаги қарорлар қоникарсиз баражилмоқда.

Тадбиркорлар моддий ресурслардан, ўз маҳсулотларини сотиш учун бозорлардан кент ва тенг равища фойдалана олмаётирлар. Маҳаллий ҳокимият органлари уларга тегишлича мадад кўрсатмаяпти. Жойларда ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашуви каби мутглақо йўл қўйиб бўлмайдиган фактлар мавжуд.

Ярим йил ичida кичик ва ўрта бизнес субъектларининг сони фақат Қорақалпоғистон Республикасида, Жиззах, Наманган вилоятларида ва айниқса, Сирдарё вилотида сезиларли даражада ортди. Айни пайтда, умуман, республика бўйича рўйхатта олинган кичик ва ўрта корхоналар сони амалда кўпаймаяпти.

Статистика органлари маълумотларининг кўрсатишича, рўйхатга олинган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳар тўрттасидан бири ўтган ярим йиллик давомида ишламаган. Бундай корхоналар улуши Қорақалпоғистон Республикасида (52 фоиз), Самарқанд (37,6 фоиз), Навоий (33,7 фоиз), Хоразм (30,3 фоиз), Андижон (21,6 фоиз), Наманган (19,3 фоиз) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (29,5 фоиз), айниқса, юқори даражададир.

**Бу соҳада Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар наалатаси ҳам кўйигилдагидек ишламаяшти. Унинг фаолия-**

тида тўрачилик ва расмиятчилик иллатлари тутатилмаган. Палата кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун инвестицияларни жалб этиш, кучли бошқарувчилар – ҳақиқий бизнесменлар тайёрлаш соҳасидаги вазифаларни ҳам тұла бажармаяпти.

Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан очилған кредит линиялари бўйича тадбиркорлар орасида танлов ўтказиш асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизми жорий этилмаган. **Тижорат банклари ва Марказий банк** томонидан йўл қўйилаётган тўрачилик, сансалорлик ҳақида гапирмаслик мумкин эмас.

Мазкур банклар уларнинг олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифа – ишбилармон ва тадбиркорларга, аввалимбор, манфаатдор шерик ва ҳамкор бўлиш вазифасини ечишдан ҳали-бери олис ва ожиздир.

Содда қилиб айтганда, банклар амалда оддий тўлов операцияларини бажарувчи идорадан, ўз маблағларини тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожига инвестиция қилишдан манфаатдор ҳақиқий сармоядор идорага айланисиши даркор.

Лойиҳаларни молиялаштириш, тадбиркорларга юридик ва аудиторлик хизмати кўрсатиш бўйича малакали мутахассислар, айниқса, қишлоқ жойларда этишмаяпти.

Буларнинг ҳаммаси учун Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштириш кенгаши (Ў. Султонов), Товарищ ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси, Марказий банк ва тижорат банклари ҳамда биринчи навбатда Кораллоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча даражадаги ҳокимликлар жавоб бериши керак.

**3. 1999 йил учун қабул қилинган Республика инвестиция дастурини амалга ошириш борасидаги ишларнинг ахволи яхши эмас.** Биринчи ярим йилликда маблағ билан тъминланган барча манбалар ҳисобидан йиллик капитал маблағ сарфлаш ҳажмининг атиги 32 фоизи ўзлаштирилган.

Марказлаштирилган инвестициялар ва хукумат кафолатидаги кредитлар ҳисобидан қурилишларнинг аниқ дастурига киритилган 108 иншоотдан 82 тасида иш бошланмаган. Бевосита хорижий инвестициялар ва кредитлар бўйича амалда ўзлаштирилган маблағ салкам 20 фоизни ташкил этди.

Колоқликка йўл қўйган буюртмачи вазирликлар ва идоралар орасида “Ўзпаррандасаноат”, “Оби ҳаёт” республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Кўмир” ҳиссадорлик жамияти, “Ўзавтосаноат”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзқишлоқхўжаликмашҳоддинг”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзавтотранс”, “Ўзмойтамакисаноат”, Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳокимиятлари ва бошқалар бор.

Баъзи вазирликлар, идоралар ва корхоналар 1998 йилга тасдиқланган инвестиция дастури, айниқса, унинг бевосита хорижий инвестицияларини ўзлаштириш қисмининг бажарилмаганлик сабабларини кўриб чиқиш натижаларидан айrim раҳбарлар ўzlари учун етарли хulosга чиқармаганга ўшайдилар.

Вазирлар Маъдкамаси инвестиция дастурлари департamenti Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда (Б.Ҳамидов, А.Исаев) ярим йиллик якунлари бўйича инвестиция дастурига киритилган барча лойиҳалар ҳамда улар орасидан молиялаштириш манбалари аниқланмаган ёки техник-иқтисодий асослари тасдиқланмаган лойиҳалар бўйича батафсил инвентаризация ўтказишлари зарур.

Бу лойиҳаларни инвестиция дастуридан чиқариш ва бўшаб қолган марказлаштирилган инвестицияларни устувор иншоотларга, аввало коллежлар ва лицейлар қурилишига қайта тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишлари лозим.

Инвестиция дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом қисқа муддатда қайта кўриб чиқилисин, унга техник-иқтисодий асослари тасдиқланган ҳамда молиялашнинг аниқ манбалари билан таъминланган лойиҳаларнигина киритиш кўзда тутилсии. Бу ишларнинг натижалари тўғрисида 1 сентябргача ахборот берилсин.

**4. Ташқи иқтисодий фаолиятимиз алоҳида эътибор беришини талаб қиласди.** Биринчи ярим йилликда ташқи савдода 105 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилганига қарамай, экспорт ҳажмининг камайиши каби салбий жараён давом этмоқда. Ўтган йилга нисбатан экспорт 15 фоиз камайди.

Бу биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича кўзда тутилган экспорт кўрсаткичи 81 фоизга, жумладан, марказлаштирилган экспорт ҳажми 90,5 фоизга, марказлаштирилмаган экспорт ҳажми эса атиги 73 фоизга бажарилганинг оқибатидир.

“Ўзбекенгилсаноат”, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, “Ўзбектуризм”, “Ўзбек ипаги”, “Ўзбекмебель”, “Ўзбекбирлашув” каби тузилмаларнинг маҳсулотни экспорт қилиш бўйича ижобий ишларини таъкидлаш лозим.

Айни пайтда экспорт имкониятига эга бўлган бир қанча идоралар ва хўжалик бирлашмалари экспорт борасидаги кўрсаткичлар бажарилишини таъминлашда қолоқликка йўл кўйди. “Ўзмашсаноат”, “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзметкомбинат”, “Махсус қотишма” республика бирлашмаси, “Кўмир” ҳиссадорлик жамияти, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзфармсаноат”, “Ўзавтотранс” ва бир қатор қўшма корхоналар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Айрим корхоналар, шу жумладан, қўшма корхоналар ишида боқимандалик кайфияти мавжудлиги, валюта ресурсларини ўзи ишлаб топишга интилишнинг йўқлиги ҳақида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси (Ў. Султонов), экспорт бўйича маҳсус комиссия тегишли тузилмалар билан биргаликда шу фактларга тегишли баҳо беришлари лозим. Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида 1 сентябргача ахборот берилсиин.

**5. Тўлов ивтизомини мустаҳкамлаш муаммосини тубдан ҳал қила олмаганимизни ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг бозор иқтисодиётига хос маърифий тизимини йўлга қўя олмаганимизни таълиш керак.**

Корхоналарнинг ўзаро қарзларини, бюджетта тўловлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзларни камайтириш юзасидан қарзларни кечиб юбориш ва тўлаш муддатини кечиктириш, аниқ мақсадларга қаратилган кредит бериш ва ҳатто ашаддий қоидабузарларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишгача фоят хилма-хил чора-тадбирлар бутун йил давомида амалга оширилди.

Биринчи ярим йилликда прокуратура органлари маблағни дебиторлик қарзларига ўтказганлик учун 295 та хўжалик юритувчи субъект материаллари бўйича айбор шахсларга нисбатан жиноий иш кўзғатди. 404 нафар корхона раҳбари интизомий жавобгарликка тортилди, ташкилотларнинг 2,5 минг раҳбарига нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Солиқ органлари 8 мингдан ортиқ мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортиди ва улардан 69,7 миллион сўм миқдорида жарима ундириди. Албатта, булар жуда қаттиқ жазо чоралари, лекин биз шундай қилишга мажбурмиз. Акс ҳолда бу аҳвол иқтисодиётнинг бутунлай издан чиқишига, бутун молия ва пул-кредит тизими барбод бўлишига, иатура айирбон қилиши ва бартер операцияларига ўтишга олиб келиши мумкин.

Муддати ўтган дебиторлик қарзларининг энг кўп миқдори (96,5 фоиз) бир-бири билан узвий боғлиқ 7 вазирлик ва идора — “Ўзбекнефтгаз”, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир” ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳиссасига тўғри келади.

Ярим йилда бюджетта тўловлар бўйича қарзлар 1 июляга қадар 89,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Бюджет олдидаги асосий қарздорлар — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзсувқурилиш”, “Ўзбекенгилсаноат”, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзкимёсаноат” ва бошқалардир.

Муддати ўтган тўловларнинг мавжудлиги бир қанча корхоналарнинг молиявий аҳволи фоят қониқарсиз эканлиги-

дан, ўз айланма маблаглари сақланишини таъминлашга доир иш яхши ташкил этилмаганидан, рақобаттга бардош бермайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришининг кўпайиши давом этаётганидан, ишлаб чиқаришин бошқариш яхши ташкил этилмаётганидан далолат беради.

Муддати ўтган қарзлар ва кредитларнинг қайтарилмаслиги масалаларини тубдан ҳал қилиш зарур. Ва бу масалаларни ечиш мақсадида бугун тегишли чоралар кўрилмоқда.

6. Биз иқтисодий жиҳатдан ночор, заарар келтирувчи корхоналарга қарши изчиллик билан муросасиз кураш олиб боришимиш лозим.

Афсуски, Корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси ва Корхоналар иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича қўмита ҳамда Олий хўжалик суди банкрот корхоналарга нисбатан муроса қилиб келмоқда. Мен буларнинг ишидан мутлақо қониқмаяпман. Давлат улуши бўлған 312 корхонада йил бошида инвентаризация натижалари бўйича банкротлик аломатлари аниқланган бўлиб, ҳукумат комиссиясига шундан 142 тасини тутатиш тавсия қилинган эди. Ярим йил ичida шундан атиги 29 таси банкрот деб эълон қилинди ва фақатгина 3 таси тутатилди.

Судларда банкрот деб эъгироф этилган корхоналарни тутатиш жараёни ҳаддан ташқари чўзилиб кетмоқда. Масалан, 1998 йилда банкрот деб эълон қилинган 436 корхонадан бор-йўғи 177 таси тутатилди, 1999 йилнинг биринчи ярмида эса банкротта учраган 410 корхонадан атиги 93 таси тутатилди.

Банкротлик тўғрисидаги амалдаги қонунларни, хусусан, “Банкротлик тўғрисида”ги қонунни қайта кўриб чиқиши, унда иқтисодий ночор корхоналарга қўйиладиган талабларни кучайтириш, тутатиш муддатларини қисқартириш, пировард натижалари учун хўжалик судлари ва тутатиш комиссиялари масъулиятини ошириш юзасидан ўзгартишлар киритиш зарур.

Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича қўмитанинг ишини тубдан қайта кўриб

чиқиши, уни Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига бўйсундириб, профессионал, билимли, ташаббускор, қатъиятли ва талабчан кадрлар билан мустаҳкамлаш лозим.

**Муҳтарам кенгаш иштирокчилари!**

Ўтган даврда амалга оширилган ишларга танқидий назар ташлаб, шу даврда иқтисодий тараққиёт кўрсат-кичларига салбий таъсири қилган объектив сабаблар ва қийинчиликларни рўкач этиш мумкин, албатта.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Россия ҳамда атрофимиздаги бошқа давлатларда рўй бераётган иқтисодий инқизорозни ҳам бунга баҳона қилиб кўрсатиш мумкин.

Қимматбаҳо ва рангли металларни, пахта, кимёвий ўйтитлар ҳамда экспорт қилиш айrim ҳолларда фойда келтирмаётган бошқа маҳсулотларга жаҳон бозоридаги нархнинг пасайгани ҳақида ҳам гапириш мумкин.

**Аммо асосий сабаб, мен буни қайта-қайта такрорлай-май, бизнинг ўзимиздадир.** Кўпгина корхоналар ва ҳатто бутун бошли тармоқлар бундай аҳволга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Улар вазиятни ўз вақтида холисона баҳолаб, оддиндан зарур чораларни кўра олмадилар. Биринчи навбатда ҳамкорларни, аввало, хорижий ҳамкорларни излаш, ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш ва такомиллаштириш, корхоналарни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш, ўз экспорт салоҳиятини ошириш, бўлажак харидорларни излаш, ишлаб чиқарилётган маҳсулотга келгусидаги буюртмаларни ўз вақтида тўплаш билан шуғулланмоқ керак.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўп корхоналарнинг энг асосий нуқсони, фожиаси шундаки, талай корхоналаримиз аввалгидеқ, ҳозир ҳам жаҳон бозори у ёқда турсин, ички бозорда ҳам сотилмайдиган касод маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттироқда.

Бундай ҳол биринчи галда ўтмишдан қолган асоратдир. Эски тизим биз нимани ишлаб чиқарсак ҳам, ҳамиша харидор топилишига ўргатиб қўйган эди. Агар харидор маҳсулотни олишни хоҳламаса, марказдаги ва жойлардаги ҳокимият олишга мажбур қиласди.

Ҳар бир корхона аслини олганда ўз маҳсулоти бозорида монополиячи бўлиб, айтгани айтган, дегани деган бўлгани олдинги тизимнинг яна бир иллати эди. Афсуски, бу ҳолат ҳозир ҳам давом этмоқда. Ярим йил ичидаги монополиячи корхоналар сони камаймадигина эмас, балки кўпайди ва ҳозир улар 711 тага етди. Маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларнинг икки мингдан ортиқ тури монополия ҳисобланади.

Бу ерда гап табиий монополиялар тўғрисида бораётгани йўқ. Бундай монополиялар бўйича Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида илгари қабул қилинган қонун хужжатларига зарур тузатишлар киритилиши кутимоқда.

Истъемол моллари, масалан, чой, гутурт, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, улгуржи савдо ташкилотлари ва ҳатто аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳам монополиячидир. Бозор иқтисодиёти ривожланишини, мана, кимлар искацижага олиб, тўсқинлик қилмоқда. Таракқиётнинг, ишлаб чиқаришни янгилашнинг, умуман, бозор муносабатларини ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши лозим бўлган рақобат қаерда?

Биз кундалик ишларимизда ислоҳотларга пассив қарама-қаршиликкенинг ўзига хос шаклига дуч келишмиз. Бу қотиб қолган эски андозаларни, мажкуд бошқарув тизимини, хўжалик юритиш механизmlарини ўзгартиришни хоҳламасликда кўринмоқда.

Фикримни тасдиқлаш учун кўп мисолларни келтиришим мумкин. Капитал қурилишдаги қарама-қарши туришни ўзгартириш, ҳеч кимга кераги бўлмаган “Ўзсаноат-хўжаликқурилиш”, “Ўзагрокурилиш”, “Ўзколхозқурилиш” ва бошқаларни тугатиш, йиллар давомида таркиб топган тизимни бузиб ташлаш, пурдат ишлари бозорини барпо этиш, буюртмаларни тендер шартлари билан жойлаштириш учун қанчалик куч сарфлаганимизни эслашнинг ўзи кифоя. Бугун ҳам худди шу сабабга кўра, уй-жой-коммунал хўжалигига ислоҳотлар оқсамоқда.

Ҳар сафар гагиришга тўғри келаётган оддий бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши тушуниб олишимиз лозим. Ҳозир эски билим ва тажриба билан узоқда бориб бўлмайди.

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

Вақт шиддат билан тўхтовсиз олға бормоқда, уни ҳеч нарса тўхтата олмайди. Ҳаёт ўзгармоқда, шароит ўзгармоқда, бозор иқтисодиётига, демократик янгиланишларга ва биринчи навбатда раҳбарларга ҳамда бошқарув ходимларига кўйиладиган талаблар ўзгармоқда.

Гап бизнинг профессионал савиёмиз ҳақида бормоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотларни, ўзимиз яшаётган жамиятни янгилашин тушуниб етишимиз тўғрисида бормоқда. Гап фуқаролик мавқеимиз тўғрисида, ниҳоят, ҳалқ ва жамият олдидағи бурчимиз ҳақида бормоқда.

\* \* \*

Азиз дўстлар!

Айтилган гапларни умумлаштириб, эътиборингизни куйидаги масалаларга қаратмоқчиман.

**Бугунги кундаги асосий вазифамиз** — танлаб олган ислоҳотлар ва янгиланиш йўлини издан орқага қайтмаслик, Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” маъруzasида баён қилинган иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт стратегиямизнинг асосий йўналишларини амалга оширишдир.

**Бугунги кундаги асосий вазифамиз** — ҳалқ турмушини яхшилаштириш, токи диёrimизда яшаётган ҳар бир инсон ўзи ва ўз оиласи мисолида ўз фаровонлиги ортиб бораётганини ҳис қила олсин.

**Бугунги кундаги асосий вазифамиз** — мустақиллитетимизни янада мустақамлаш, мамлакатимизнинг ҳалқаро обрўсими ошириш, хонадонимиздаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва тотувликка нисбатан бўлаётган ҳар турли таҳдид ва хавф-хатарларга нисбатан огоҳ ва хушёр туришдир.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжкамасининг  
1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ислоҳотлар  
якунига багишланган йигилишидаги маъруза,  
1999 йил 27 июль*

---

## ВАТАН ОЗОДЛИГИ – ОЛИЙ САОДАТ

Хурматли депутатлар!

Биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга охирги — XV сессияси улут байрамимиз — Мустақиллик кунининг саккиз йиллиги арафасида ўтмоқда.

Тарих учун саккиз йил катта муддат эмас. Лекин, холосона айтадиган бўлсак, шу қисқа давр мобайнида ҳаётимиз тубдан ўзгарди.

Ўзбекистонга ярим мустамлака, хом ашё етиширувчи ўлка деб қараган, ҳалқимизнинг миллий туйғуларига хос бўлган барча қадриятларни менсимасдан, тарихимиз, тилимиз ва маданиятимиз, анъана ва одатларимизни поймол этган зўравон ва манфур тизим барбод бўлди.

Таянчиси лаббайчи тўралар, амалдорлар, пойдевори маъмурий буйруқбозлиқ бўлган эски, ўта мафкуралашган, ҳалқни юввош, итоаткор оломон деб биладиган тизим ўтмишда қолди.

Бугун юртимизда демократик, фуқаролик жамияти ва ҳукуқий давлатнинг мустаҳкам пойдевори кўйилмоқда, кўпуклади, барқарор ривожланаётган бозор иқтисоди асослари щаклланмоқда.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шаҳарларимиз, кўргонларимиз ва қишлоқларимиз, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг бутун бошли йирик тармоқларида кишини лол қолдирадиган ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, янгиланиш, ислоҳотлар жараёни амалда турмушимизнинг деярли барча — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маънавий соҳалари, жамият ва давлат курилиши соҳаларини қамраб олмоқда.

Энг муҳими, шуни алоҳида таъқидлаш лозимки, ушбу жараёнлар билан биргаликда биз ўзимиз ҳам ўзгаришмиз,

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

дунёқарашимиз, янгиликларга муносабатимиз мутлақо ўзгармоқда.

Мазкур ўзгаришларнинг муҳим жиҳати шундаки, кишилар авваламбор ўз кучига суюниб ўз тақдири, оиласи келажагини ўzlари белгилайдиган бўлмоқдалар, ҳаётимиzioni демократлаштириш жараёнларини онгли равишда қабул қилмоқдалар.

Хулас, халқимиз бутун ўз ҳаёти, келажагининг ҳақиқий ижодкорига айланмоқда. Бу, менимча, бундан кейин ҳам одамлар онгида ривожлантириш керак бўлган энг катта ютуқдир.

Азиз ватандошлар!

Бугун ўтган даврни кўз ўнгимиздан ўтказиб сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, барчамизни мана шу кунларга етказган, эзгу ниятларимизни амалга оширишда, рӯёбга чиқаришда ўзи мададкор бўлган Яратганимизга минг-минг шукроналар, ҳамду санолар айтишимиз лозим.

Ўтган давр мобайнида улуғ ва ягона мақсад учун — Ватанимиз келажаги, эртанги ёруғ кунимиз, турмушимизни фаровон, юртимизни обод қилиш, халқаро майдонда ўзимизга муносаб обрў-эътибор топиш, Ўзбекистонни улуелащ, ўзбек номини бутун жаҳонга тараннум этиш йўлида сиз халқ ноиблари билан бирга баҳамжиҳат иш олиб бордик.

Энг муҳими, биринчи чақириқ асосида ташкил топган парламентимиз фаолиятининг асосий мезони шундан иборатки, ўтган давр мобайнида кўп partiyaийлик шаклланган, турли ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари сиёсат майдонига чиқсан, турли ижтимоий тоифа ва табақалар вужудга кела бошлаган мураккаб бир шароитда, Олий Мажлис ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан ҳамкорликда жамиятимизда сиёсий мувозанатни, тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда ишончли омил бўлди.

Мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётида, янгилиниш жараёнида, ислоҳотларга қонуний асос барпо этиш ва уларни изчиллик билан давом эттиришда, барча самарали ишларимизда Олий Мажлиснинг бош-қош бўлиб турганини биз бугун катта мамнуният билан қайд этамиз.

Олий Мажлиснинг бугун тақдим этган беш йиллик ҳисоботини, сўзга чиққан халқ депутатларининг билдирган фикрлари ва берган баҳоларини, бир сўз билан айттанда, Олий Мажлиснинг беш йил давомидаги фаолияти, амалга оширган тадбирлари ва халқаро майдонда тобора ошиб бораётган обру-эътиборини, авваламбор, Ўзбекистонда демократик давлатларга хос парламентаризм шаклланиб бораётганининг тасдиги деб биламан.

Ҳаёт, замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Шунга монанд равишда жамиятимиз, унинг узлуксиз қисми бўлмиш парламентимиз ҳам, депутатлар ҳам ўзгариб бормоқда.

Мен бугун сиз азизларнинг юзингизга, кўзингизга қараб, сизга ишонч билдирган миллионлаб сайловчилар олдида шуни айтишим керакки, мамлакатимиз, халқимиз ўтган даврда қандай ютуқларга эришган бўлса, уларнинг барчасида парламентимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Халқимиз, сайловчиларингиз олдида, ўз виждонингиз олдида — мен бурчимни ҳалол ва сидқидилдан бажо этдим деб айтишга ҳаққингиз бор, албатта. Мен бу ҳақиқатни катта фарҳ ва катта ифтихор билан таъкидлаш лозим деб биламан.

**Муҳтарам халқ ноиблари!**

Бугун мана шу минбарда туриб сиз азизлар билан олдимиизда турган ўта муҳим бир вазифа бўйича фикр алмашиб олмоқчиман.

Ҳаммангизга маълумки, мамлакатимиз, халқимиз ҳозир муҳим сиёсий-ижтимоий воқеалар арафасида турибди. Бугунги сессияда Президентлик лавозими ва Олий Мажлис депутатлигига бўлажак сайловларнинг муддати белгиланади. Бу сайловлар бизнинг мустақиллик даврида демократия бобида орттирган тажрибаларимизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик кириб бораётганини, аҳолимизнинг сиёсий савиғаси нечоғлик юксалганини бутун дунёга яна бир бор кўрсатадиган имконият ва синон бўлади.

Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда эркин тафаккур, хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиши-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфи-

ялар, шу билан бирга, сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари, айниқса, яққол намоён бўлади.

Шуларнинг барчасини инобатта олган ҳозида биз бугун мамлакатимизда мавжуд бўлган вазиятга, танқидий баҳо бериб, саккиз йил давомида барпо этилган, авваламбор Конституциямиз, қабул қилинган қонунлардан иборат ҳукукий базага ва халқаро андозаларга суюниб, таяниб, олдимиизда турган улкан сиёсий синовдан ёруғ юз билан, мамлакатимиз обрўсига обрў кўшиб чиқишимиз учун зарур моддий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятимизни сафарбар қилишимиз даркор.

Модомики биз демократик ҳукукий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносаб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Мана шу масалаларга муфассалроқ тўхталиш лозим деб ўйлайман.

Албатта, бизда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан, демократия талабларига тўла жавоб беради, деб тан олинган ўз Конституциямиз, ўз қонунларимиз борки, уларда сайлов масалаларига доир умумэтироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, мукаммал тартиблар ва талаблар ўз ифодасини топган.

Шундай экан, бизнинг энг муҳим вазифамиз — қабул қилинган қонунларимизга, этироф этилган талабларга, демократик андозаларга қатъий риоя этишини таъминлаштириш.

Шу ўринда демократия принциплари, тараққий топган давлатларнинг кўллашга арзийдиган тажрибаси бизга ёрдамга келиши керак.

Бу тажрибанинг биз учун энг муҳим жиҳати шундаки, бундай мамлакатларда аҳолининг, аввало сайловчиларнинг ўтказилаёттан сайловларга муносабатлари, сайловларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, уларга тайёргарлик ва ўтказиш тартиблари кўп — ўн, балким юз йиллар давомида шакллангани ва кўп синовлардан ўтганини ҳисобга олишимиз даркор.

Ҳисобга олиш дегани, аввало, уларни синчилаб ўрганиш, танишиш, сайловчилар орасида тушунтириш ишларини олиб боришида, мутасадди ташкилотлар ва фаоллар билан ўкув машғулотлари ва семинарларини ўтказишида бу илғор тажрибаларга суюнишdir.

Яна бир бор шуни таъқидлашни истардимки, бугунги кунда ўз миллий қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида одамларимизнинг, сайловчиларимизнинг сиёсий савияси ва маданиятини ошириш, уларнинг ўз конституцион ҳуқуқларини чуқур англаши энг муҳим ва дол зарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда ҳаётимизда учраб турадиган бальзи бир хунук ҳолатларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ва тартибларга биноан, кўппартиявиyлиқ асосида ташкил қилинган сайловларда бир депутатлик ўrniga камида тўрт-беш номзод бўлишини кутишимиз табиийдир. Шуни ҳисобга олсак, сайловларга тайёргарлик пайтида бальзи номаъқул ишларга берилиш, соxта ваъдабозлик, одамларнинг мойиллигини ўғотиш мақсадида файриқонуний ишларга қўл уриш каби носоғлом кураш авж олишига асло йўл кўйиб бўлмайди.

Сайловлар одамларнинг маҳаллийчилик, ург-аймокчилик, қабилачилик белгилари асосида ажralиб кетишига ҳам сабаб бўлмаслиги керак. Асоссиз равишида бир-бининг обрўйини тўкиш, ҳақоратлаш, андишасизлик, ҳар хил бемаъни “ўйинлар” ўюстириш сингари ноҳуш ҳолларга йўл кўйилмаслиги зарур.

Халқимизга хос вазминилик, сиполик, камтарлик фазилатлари инсонни улуғлайди. Минбарда туриб, тилга эрк бериб, ваколати бўлмасдан туриб халқ номидан гапиришига ҳеч қимнинг, ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Депутат бўлишни истаган одам, аввало, ҳалол-поклиги, маънавий етуклиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун кўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин.

Сайловлар, уларга тайёргарлик ҳақида гап борар экан, кўраётган барча тадбирларимизнинг асосий мезони, асо-

сий мақсади деб ягона муҳим вазифани кўрмогимиз ва шунга эришмоғимиз даркор.

Барча сайловолди тайёргарлигимизнинг асосий мақсади — ҳар қайси овоз берадиган инсон, у кимга овоз бериншида қатъи назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами — аввало, ўз хоҳиш-иродасига суюниб, ўз иймонига суюниб, мустақил ва онгли равишда овоз берсин.

Мана шу мақсадга эришган ҳолда сайлов натижаларидан қониқиши ва мамнуният ҳосил қилиш мумкин.

Яна бир муҳим фикрни такроран айтишни лозим деб биламан. Ҳар қандай партия, агар у ўзини том маънодаги сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир мухолиф бўлиши зарур. Бундан қўрқмаслик керак.

Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиб партиянинг тарафдорлари ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равshan маълум бўлиши даркор.

Янада содда қилиб айтганда, партия тарафдорлари ўзлари кўнгил кўйган партия ёки шахс нима учун курашаётгани ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари ва аниқ позицияларга эга бўлишлари керак.

Утра-уррачилик, яшасинчилик кайфияти, бугунги сиёсатни орқа-ўнгига қарамай фақат мақташ билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди, бирорта муаммо ҳам ечишмайди. Шуни барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, айни вақтда минбарбозлигу митингбозлик, турли хил ҳавоий бақириқ-чақириқлар билан ҳам бирор туп дарахт кўкариб ёки бирорта иморат битиб қолмайди.

Шунинг учун ҳаётимизга танқидий кўз билан қарашиб, сиёсий-ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, бугун ҳалқимизни қизиқтирадиган долзарб масалалар бўйича — у сиёсатта тегишлими, давлатни, жамиятни бошқаришга, ҳаётни яхшилашга даҳлдорми — вазмин мулодазалар, пухта ўйланган хуносалар билдириш керак. Уларни асослаб, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, авваламбор миллий манфаатларимизга хизмат қиласидиган ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор.

Мен бу сайловларда барча партияларимизга омад ти-  
лар эканман, уларнинг битта ақидага амал қилишлари-  
ни истар эдим: сиёсий курашлар тарихидан маълумки,  
жаҳондаги кўплаб партиялар ур-йиқит, жанжал-сурон ор-  
қасида “обрў” топишган бўлса, сизлар эса, барака топ-  
курлар, бунёдкорлик, яратувчилик иши билан обрў то-  
пинг.

Албатта, сайлов каби ғоят муҳим воқеа ва масъулиятли  
ишида шошма-шошарликка сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир марта такроран айтиб ўтмоқчиман: зарур бўлса,  
жаҳон тажрибасига мурожаат қилиш, республикамиздаги  
халқаро вакилликлар, ташкилотлар иштирокида, кенг омма  
иштирокида тушунтириш ишларини, учрашувлар, семи-  
нарлар ўтказиши кўпайтириш, кенгайтириш керак.

Бу жараённи пухта, халқ учун тушунарли тарзда ёри-  
тиб бориши оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам  
муҳим вазифалар юклайди.

Сайловларда совет давридан қолган асоратларга йўл  
қўймаслик керак. Кўпинча маҳаллий ҳокимиёт идоралари  
вакилларининг билиб-билимас аралашуви, ҳайбаракал-  
лачилиги қонун талаблари бузилишига олиб келади.

Ҳар бир сайловчи ўз бурчини собиқ иттифоқ даврида  
бўлгани каби сайлов бюллетенларини оила-оила бўлиб  
кутига ташлашдан иборат деб билмай, аввал айтганим-  
дай, бу жараёнга онгли равишда ёндошмоғи, ўз овози,  
жамият ва давлат ҳаёти учун, келажак учун аҳамиятли  
эканини, сайловчи сифатида зиммасида катта масъулият  
борлигини англаб етишга эришмоғи даркор.

Хулоса қилиб айтганда, сайловларни ўтказишида илга-  
ри тўпланган ижобий тажрибага суюниш, йўл қўйилган  
нуқсонларни такрорламаслик, илфор жаҳон тажрибаси ва  
демократия тамойиллари устуворлигига эришиш олдимиз-  
да турган ғоят масъулиятли вазифадир.

Азиз дўстлар!

Барчамизнинг саъй-ҳаракатларимиз, интилишларимиз,  
ақл-заковатимиз мана шу заҳматкаш ва бағри кенг халқи-  
мизнинг оғирини енгил қилишга, уни янада ёруғ кунлар-  
га олиб чиқишга қаратилган.

Чунки бу халқынинг баҳт-саодати йўлида, фаровон келажаги йўлида ҳар қанча меҳнат қилсак, заҳмат чексак арзиди.

Севимли халқ ёзувчимиз Сайд Аҳмад акамизининг иборасини ишлатиб айтсан: “Ўзбек халқи шундай табиатта эгаки, унинг меҳр дарёсидан бир қатра сув ичган одам бу халққа бир умр муҳаббат кўяди. Бизнинг заминимиз шундай муқаддас заминки, бу тупроқ тафтидан баҳраманд бўлган киши бир умр ўзини қарздор сезади, унга садоқатли бўлиш бурчини ҳис қиласди”.

Шу боис буюк боболар, азиз-авлиёлар меросини асрар-авайлаб келаётган, уларнинг ҳаётбахш ўтилари асосида ўз миллий қадриятларини шакллантириб, авлодларини шурӯхда тарбиялаётган меҳнаткаш, заҳматкаш халқимизга мансуб эканимиздан ҳар биримиз чексиз фахрланишимиз, унга таъзим бажо келтиришимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда сизларга кўнглимдаги яна бир гапни айтмоқчиман.

Мен умрбод она халқим билан бирга, унинг ҳурматига мұяссар бўлганимдан, таъбир жоиз бўлса, унинг корига яраганимдан ўзимни баҳтили ҳисоблайман.

Бу ҳаётда бева-бечоранинг пешонасини силаган, етимесирларга ёрдам берган, одамларнинг оғирини енгил қилинган инсон ўзини баҳтири шанашиб албатта ҳақлидир.

Аммо тарихнинг бурилиш нуқтасида, улуг бир миллатни воҳақ таъқир ва хўрликдан асраш, унинг ўзлигини англаб, қадди-қоматини кўтариб мағрур яшашга давват этиш, буюк мэрраларга чорлаш, содда қилиб айтганда, озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва истиқбол йўлига бошлиш — ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Менинг пешонамга ана шундай таъдир, ана шундай қисмат битган экан. Мен бу қисматни ўзим учун ҳам баҳт, ҳам шараф деб биламан. Чунки мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир ойланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

## ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

Менинг бир армоним борки, шу ҳақида айтмасам бўлмайди. Кўпчилик қаторида менинг ҳам ёшим, умрим ўтмоқда. Давлат ишлари билан, мураккаб, оғир, ўзининг ечимини талаб қилиб турган кундалик муаммолар билан банд бўлиб, бир нарсадан вақти келиб афсусланаман.

Менинг энг катта армоним оддий, содда кишилар орасида кўпроқ бўлиш. Бугун ҳаёт қийинчиликларига бардош бериб яшайтган оила — хонадонларда бўлиш, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошидан кечирган отахон, онахонларимиз, фахрийларимиз, энди ҳаётга кириб бораётган ёш йигит-қизларимиз билан сухбат куришdir.

Шу оиласларнинг хурсандчилик кунларини бирга баҳам кўриш. Кўп жойларда, одамлар билан учрашганда, қарими, ёшми — агар мени ҳам тўйларингизга таклиф қилсангиз, мен ўзимни баҳтиёр сезаман деганим бекорга айтилган гаплар эмас.

Мисол учун, Америка Кўшима Штатларида, шу мамлакатнинг энг нуфузли ўкув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизларимиз билан учрашганда мени албатта тўйларингизга чақирасиз, деб айтганим ҳам бежиз эмас.

Азиз дўстларим! Азиз ҳамюртларим!

Аҳил ва баҳамжихат, ўзаро ҳамдарду ҳамнафас бўлиб меҳнат қилганингиз, мени қўллаб-куватлаганингиз учун, ҳалқимиз, Ватанимиз равнақи йўлида кўрсатган барча саяй-ҳаракатларингиз учун сизга яна миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Сиздек фидойи инсонлар билан ишлаганимдан, орангизда қалбимга жуда яқин, қадрдан бўлиб қолган инсонлар кўплигидан фахрланаман.

Ҳалқимиз, Ватанимиз баҳтига ҳамиша омон бўлинг, азиз юртдошларим!

Яна бир бор барчангизни, сизлар орқали бутун ҳалқими ни яқинлашиб келаётган энг азиз, энг буюк байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклайман.

Биринчи чақириқ, Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг XV сессиясидаги маъруза,  
1999 йил 19 август

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИННИГ САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Хурматли меҳмонлар!

Аввало барчангизни энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Аждодларимиз асрлар давомида орзу-умиди билан яшаган озодлик ва эркинлик даври ҳалқимизга қанот бағишлади, унинг мудраб ётган салоҳияти ва куч-қудратими намоён этишга имкон берди.

Ҳеч шубҳасиз, шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон тарихий бир масофани босиб ўтди.

Бунинг тасдиғи олдин ўзимизга тасаввур этишимиз ҳам қийин бўлган тараққиёт йўлида, ислоҳотлар йўлида, янгиланиш йўлида эришилган ютуқларимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Аввало, юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг чехрасини тобора очиб бораётган курилишларда, кенг ва равон йўлларда;

иқтисодий ва ижтимоий ривожимизга улкан ҳисса кўшаёттан янги-янги тармоқ ва иншоотларда, замонавий технологиялар билан қуролланган йирик корхоналарда;

ҳалқаро майдонда мустақил Ўзбекистон кўяётган қадамларда, унга нисбатан хурмат ва эътибор ўсиб бораётганида бундай ўзгаришларни яққол кўриш мумкин.

Бизнинг юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонида кўяётган, жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдираётган қадамларимизда ҳам намоён бўлмоқда.

Айтинглар, ўзингизга бир тасаввур қилинглар, азиз юртдошларим, узоқ Америка заминида куни кеча эришган ютуғимиз – бир йўла икки ўзбек паҳлавони – Ўткир Ҳайдаров ва Мұхамматқодир Абдуллаевлар миллатимиз, халқимиз куч ва маҳоратини кўрсатиб, бокс бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни кўлга киритганини бир неча йил олдин хаёлимизга келтириш ҳам қийин эди.

Амир Темур бобомизнинг чукур маъно-мазмунли иборасини кўллаб: “Кимки бизнинг куч-қудратимизни билмоқчи бўлса, ўзбек паҳлавонларининг жаҳон спорт майдонларида эришган ютуқ-зафарларига эътибор берсин, англаб олсин”, деб бугун барадла айтишимиз мумкин.

Бугун ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгилашибининг энг ёрқин намунаси – бу жамиятимизнинг мағфурасида, кенг омма дунёқарашида, юргимизда яшетган барча инсонларнинг онгу шуурида, тафаккурида содир бўлаётган ижобий силжишлар, ўзгаришлардир.

Биз кечада ким эдигу, бугун ким бўлдик?

Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшетган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улут зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаған, миллий тарурат ва ифтихории тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносаб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам кўяётган буюк халқмиз.

Ота-боболаримизнинг ҳаётбахш ўйтлари, умумбашарий андозалар, юксак маънавий руҳ асосида бирлашган, янги эзгу мақсадларга интилган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, аниқ ва равшан ислоҳотлар йўлида бораётган халқмиз.

Бу – ҳақиқат. Бу ҳақиқатни ҳозиргача англамаган ёки англашибини хоҳдамайдиган, озодлигимизни, истиқололимизни кўролмайдиган, ҳали-ҳануз хомхаёлда юрган баъзи бир ганимларимиз эщитсан, қулогига қўйиб олсин: Аллоҳ назари тушган эл-юргимизнинг олдинга юришига, тараққий топган, тўқ, эркин яшайдиган мамлақатлар қаторида тинч-тотув ҳаёт куришига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсик бўлолмайди.

Азиз юртдошларим!

Биз адолатли ва маърифатли демократик жамият барпо этиши ўзимизга олий мақсад қилиб белгилаб олдик.

Буюк орзуларга этиш учун ҳали кўп-кўп меҳнат қилишимиз, кўп-кўп тўсиқ ва ғовларни енгигб ўтишимизга тўғри келади.

Бундай мақсадларга этиш учун барчамиз бутун борлиғимизни, Аллоҳ берган ақл-заковатимизни, куч-кудратимизни давлатимиз, миллатимиз манфаати учун, ҳалқимизнинг фаровон ҳаёти, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, унинг ҳалқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш учун сафарбар этишимиз керак.

Ҳар биримиз, Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим ҳалқим, Ватаним учун, эл-юрт тараққиёти ва истиқболи учун нима қўлмоқдаман, мустақилигимизни мустаҳкам қилишга қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган туйғу билан яшашга эришмогимиз даркор.

Аввалим бизнинг таянчимиз ва суюнчимиз, умидимиз ва келажагимиз бўлмиш фарзандларимизни, ёш авладимизни шу туйғу ва шу мақсад руҳида тарбиялашимиз ҳам қарз, ҳам фарздири.

Уларни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанипарварлар этиб вояга етказиш — барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир.

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат — кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Қадрли юртдошлар!

Бизнинг тараққий топган давлатлар, маърифатли дунё билан бирга яшшимиз, ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини кучайтиришимизни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Биз барча мақсад ва ютуқларимизнинг замини бўлмиш юртимиздаги тинчлик, осойишталик, барқарорликни кўзкорачигидай асраршимиз, уни ён-атрофдаги қўшнилари-

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

миз, узоқ-яқын биродарларимиз билан биргаликда янада мустаҳкамлашимиш даркор.

Саккиз йиллик мустақил ҳаётимиз давомида күп нарсага кўзимиз очилди, оқни қорадан, дўстни душмандан, муҳимни номуҳимдан ажратишга, кимга суюниш, нимага таяниш мумкинлигига ақлнимиз етди.

Саккиз йиллик истиқлол йўли халқимизнинг иймонини янада бақувват, иродасини мустаҳкам қилди. Чеккан машаққатларимиз, қилган меҳнатларимиз ўз ижобий самарасини бера бошлади. Бу эса халқимизнинг танлаган йўлимиз тўғри эканига, эртанги кунимиз ёруғ бўлишига ишончини янада ошироқда.

Азиз ватандошларим!

Мана шу ҳаяжонли ва қутлуг дақиқаларда, шу юксак минбардан туриб, мустақилигимиз ва ҳаётимиздаги янгиланиш ижодкори бўлмиш меҳнаткаш, бағрикенг, матонатли, ор-номусли халқимга таъзим қиласман.

Барчангизни Истиқлол байрами, Озодлик айёми билан яна бир бор кутлайман!

Ватанимизни, халқимизни, барчангизни Яратганинг ўзи паноҳида асррасин!

Мустақилигимиз абадий бўлсин!

*1999 йил 31 август*

---

## **ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 800 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СҮЗЛАНГАН НУТҚ**

Ассалому алайкум, азиз ватаандошлар!

Қадрли мәхмөнлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, барчангизни қадимий ва муқаддас Хоразм заминида туриб, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги билан муборакбод этаман.

Ватанимизнинг кўлминг йиллик тарихи эл-юртимизни босқинчи, ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, миллиатимизнинг эркинлиги ва ор-номусини асраш йўлидаги буюк воқеаларни, бу курашларда жасорат ва мардлик кўрсатган буюк шахсларнинг номларини асрлар давомида ўзининг ёрқин хотирасида сақлааб келмоқда.

Жалолиддин Мангуберди — она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, ҳалқимизнинг Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонидир.

Жалолиддин Мангуберди — бор-йўғи ўттиз икки йиллик қисқа ҳёти давомида элу юрт учун, ҳалқ озодлиги учун сўнмас хизмат қилишга ултурган улут аждодимиздир.

Азиз дўстлар!

Жалолиддин Мангубердининг бекиёс жасоратини англаш учун, аввало, у ящаган тарихий давр, шу даврларнинг мешаққатли ва бешафқат саҳифаларини ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик.

Шу пайттacha ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси эл бас келломаган, Хитой ва бепоён Сибирь ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Қора дengиз бўйларигача бўлган ўлка-

ларни забт этган, йўлида учраган шаҳар-қишлоқларни ёндириган, даҳшати ўзидан олдин етиб, не-не шоҳу шаҳаншоҳлар, амиру султонлар, саркардалар юрагига вақи-ма соглан Чингизхон лашкарининг Хоразм устига бало-қазодай ёпирилиб келаётганини кўз олдингизга келти-ринг.

Бир томондан, бой-бадавлат, иккинчи томондан, па-роканда бўлиб ётган юртимизнинг ўша пайтдаги аҳволи-ни ҳам бир ўзингизга тасаввур қилиб кўринг.

Чингизхон шундай бир машъум куч эдики, дунёдаги манаман деган қанча зотлар унинг қаршисида тиз чўкиб, қуллуқ қилиб яшашга тайёр эди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ атрофидаги кўплаб беклар ҳам ёв қўлига таслим бўлишни афзал кўрганларида, Жалолид-дин бу фикрга қарши чиқиб, ўзининг бекиёс жасорати ва қатъиятини намоён этди. Шу пайтгача мағлубиятга учра-маган мӯғул лашкарига қарши ўн бир йил муттасил жанг қилди. Ва ганимларга шундай қақшатқоч зарбалар берди-ки, ҳатто Чингизхондай маккор ва бешафқат, дунёнинг ярмини забт этган фотиҳ ҳам унга тан беришга мажбур бўлди.

Айтинглар, азиз дўстлар, ана шундай қалтис вазиятда ўзи каби фидойи, ботир инсонларни жисплаштириб, Хо-разм заминини тоғташга шай турган ёвуз душманга қар-ши чиқиш учун одамда қандай журъат, қандай юрак, қан-дай ирова, қанчалар бақувват иймон-эътиқод бўлиши ке-рак?

Айтинглар, бунинг учун инсонда Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат, фидойилик, озодликка интилиш туйфуси нечоғли юксак бўлиши керак?

Қани, айтинглар, дўстларим, қадрдонларим, олдиндан ўзининг қурбон бўлишини билатуриб, лекин Ватан учун, унинг ор-номуси, унинг тарихи ва истиқболи учун зим-масига шундай обир қисматни олган зотларни тарихда кўп учратиш мумкинми?

Аминман, бундай шижаатли ва мард ўғлонни дунёга келтирган, вояга етказган ҳалқ ҳар қанча хурмат-эҳтиромга, ҳар қанча тасанноларга муносабидир.

Хурматли меҳмонлар!

Қадрли дўстлар!

Султон Жалолиддин Мангуберди ўз элининг бахту са-  
одати учун ҳаёт-мамот жангларида жон фидо этди. Лекин  
дунёда ҳеч қандай хайрли иш беиз кетмайди. Миллат руҳи,  
одамзотнинг озодлик сари интилиши абадийдир.

Орадан бир аср ўтиб, соҳибқирон Амир Темур Жало-  
лиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги  
шароит ва улкан миқёсларда давом эттирди. Она юрти-  
мизни босқинчилардан ҳолос қилиб, марказлашган куд-  
ратли давлат барпо этди.

Муҳтарам жамоат!

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўлини таҳлил қила-  
диган, ўша тарихий воқеаларга бутунги кун кўзи билан  
қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бизни мана шундай  
табиий ва ибратли сабоқ-хulosалар чиқаришга ундейди.

Биринчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрг  
бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад  
ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукм-  
ронлигини ўрнатишга, ҳалқ тинчини бузишга уринадиган  
ёвуз кучлар ҳамиша бўлади.

Бу — ҳаёт. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч  
ким инкор этолмайди. Буни нафақат ўз тарихимиз ва  
ҳаётимизда, балки бошқа ҳалқлар тарихи ва ҳаёти мисо-  
лида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрг  
бор экан, ўзинг туғилиб ўсган, ота-боболаринг хоки ёт-  
ган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупроқнинг  
ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур  
бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

Учинчи аччиқ хулоса шуки, ҳар қайси эл, ҳар қайси юрг  
четдан келадиган ёвуз оғатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган  
сотқин, иймонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан  
устун қўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам со-  
тадиган, ўзини ўстирган, вояга етказган Ватанига кўл кўта-  
радиган қабиқ кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак.  
Бундай кучлар, разил шахсларнинг кибру ҳавоси, манфур  
мақсадлари эл-юрг тинчлиги ва тараққиётига қандай хавф-  
хатар эканини бугунги ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Такроран айтаман, бу нафақат кечаги тарихимиз, балки бугунги ҳаётимиз билан ҳамоданг аччиқ сабоқдир.

Яна бир сабоқ шуки, эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдири ва келажаги учун қайғурадиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий мақсад қилиб қўйган, элим, деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эта оладиган шахсларгина тарихда ўчмас ном қолдиради. Бу -- ҳақиқат.

Жалолиддин Мангуберди ана шундай мардларнинг ёрқин тимсоли ва ибратли намояндасидир.

Султон Жалолиддиннинг бизга қолдирган яна бир даъвати шуки, у барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, баҳт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга чорлади.

Қадрли ватандошлар!

Тарихи қарийб уч минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ зотлар ватани, “Авесто”дек ўлмас асар яратилган табаррук тупроқ — Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машхур.

Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз-авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чараклаб туради.

Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фаҳру ғуруридир. У бизнинг озодлигимизга, истиқтолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиги ва тимсолидир.

Бу баҳодир зотнинг муборак номи, унинг қаҳрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга, тарихий хотира олдида бошимизни мағрур тутиб яшамоғимиз учун тўла ҳуқуқ беради.

Азиз юртдошларим!

Азиз қадрдонларим!

Шу ҳаяжонли, унугтилмас лаҗзаларда дунёга Мангуберди каби қаҳрамон ўғлонларни берган Хоразм элига, бутун халқимизга таъзим қиласан.

Биз бугун юртимизда Жалолиддин Мангуберди хотирасини ҳурматлаб, муazzам ёдгорлик мажмуини бунёд этдик. Кўриб турганингиздек, бу улуғвор ҳайкал тимсолида мард ва жасур саркарда, зўр иродада, бекиёс матонат соҳиби бўлган буюк инсоннинг сўнмас шижоати мужассам топган.

Бу гўзал ёдгорлик обидасини барпо этишдек хайрли ишга ҳисса қўшган мудҳандис ва меъморларга, моҳир усталарага, қурувчи ва боғонларга чин қалбимдан самимий ташаккурлар билдиришга рухсат бергайсизлар.

Бизнинг буюк аждодларимизга кўрсатаётган ҳурмат-эҳтиромимииздан, озод ва обод Ватан, фаровон жамият қуриш борасидаги эзгу ишларимиздан, жамики азиз бо боларимиз қатори, Жалолиддин Мангубердининг ҳам руҳи поки шод бўлгай, ишоолло.

Ишончим комилки, уларнинг ўлмас руҳи билан чарофон хонадонларимизда бугун вояга етаётган минглаб жалолиддинлар юртимизга меҳру садоқат билан хизмат қилиб, унинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этади.

Ишончим комилки, Мангубердининг бекиёс жасорати юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачигидек асраб келаётган довюрак аскарларимиз, эл-юрг посбонлари, жасур ўғлонларимиз сиймосида давом этаверади.

Ишончим комилки, дунёга буюк фарзандларни берган, киндик қони томган заминни, аждодларининг муқаддас мозорларини жонидан ҳам ортиқ кўрадиган, ўз ватанига бутун борлигини баҳш этишга ҳамиша тайёр турадиган, қадоқ кўллари билан тупроқдан олтин ундираётган бундай халқнинг обруй-эътибори ва ҳурмати ошаверади.

Мұхтарам юртдошлар!

Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!

**Ана шундай баҳодирларни камолга етказган она жалқимиз мангу яшасин!**

**Азиз дүстлар!**

Бугун Хоразм заминида қўшалоқ байрам. Вилоят деҳқонлари, бутун Хоразм аҳли лафзи ҳалоллигини яна бир бор исботлаб, ўз зиммасига олган мажбуриятларини, Ватанимиз учун “оқ олтин” бўлмиш пахта тайёрлаш режаларини шараф билан бажарди. Мана шу улкан ғалаба билан сиз азизларни, сиз орқали бутун Хоразм аҳлини чин қалбимдан табриклишга рухсат бергайсизлар.

*1999 йил 5 наоябрь*

---

## “АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СҮЗЛАНГАН НУТҚ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!  
Мұхтарам мәхмөнлар!  
Хонимлар ва жаноблар!

Кечагина биз халқымыз озодлиги йўлида жон фидо этган миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди тавалтудининг 800 йиллигини кенг нишонладик.

Бутун эса аждодларимиз бадиий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги — “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги байрамида сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан фоят мамнунман.

Ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий баҳодири, севган паҳлавони бор. Алпомиш номи ҳам бизнинг шууримизга мунис оналаримиз айттан аллалар билан кирган. Аждодлар ёди, фахру гуури бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган.

“Алпомиш” — ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танти халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, отабоболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир.

Халқымиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратта муносиб бўлмоққа интилиб яшади. Ўз ўлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юргучун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келди.

“Алпомиш” достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юргимизни, оиласиз кўргонини кўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Мұхтарам биродарлар!

“Алпомиш” достони — бутун ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Лекин нима учун биз унинг тўйини айнан Термиз шаҳрида, Сурхон воҳасида ўтказяпмиз?

Негаки, Сурхон воҳаси, аввало, “Алпомиш” достони туғилган кутглуғ маскан. Алпомиш мана шу белобён яйловларда, баланд төғ дараларида гумбурлатиб от чопган, шу юртниң зилол кўлларидан сув ичган, шу мағрур элга муносиб паҳлавон бўлиб етишган.

Шунинг учун ҳам Барчиной душманларга қарата ғурур билан: “Менинг ёrim билсанг Бойсун султони”, деб айтади.

Сурхон жаҳон цивилизациясининг қадимий бешиклари — милоддан аввалги Күшон ва Бақтрия давлатларига замин бўлгани билан оламга машҳур. Воҳадаги Далварзинтепа, Холчаён, Тиллатепа, Заравтсой, Тешиктош, Фаёзтепа сингари кўҳна маконлар, у ерларда топилган археологик ашёлар кўпминг йиллик тарихимизнинг ноёб ёдгорликлариdir.

Бу тупроқ азалдан илму ҳунар, ҳикмат ва санъат руҳи билан йўғрилган. Имом Ат-Термизий, авлиё Ҳаким ота каби улуғ зотларнинг ўлмас руҳи, ҳаётбахш ўйтлари баркамол авлодларни вояга етказди. Шубҳа йўқки, “Алпомиш”дек буюк обидалар, Алпомишдек мард паҳлавонлар айнан мана шундай мухитда дунёга келади.

“Алпомиш” тўйининг Термиз шаҳрида ўтаётганида мен яна бир рамзий маъно кўраман.

Қачонки ўлкамизга жануб тарафдан ёв ҳамла қилган бўлса, Термиз унинг қаршисида метиндек кўрғон бўлиб келган. Термиз бугун ҳам она юртимизнинг жанубий сарҳадларида мустақкам қалъа бўлиб турибди.

Мана шу чегара ҳудудларида кўксини қалқон қилиб табиатан оғир-вазмин, аммо Ватан бошига синов тушса, жон фидо этишга ҳам тайёр ориятли халқ яшайди.

Бу довюрак ва ўқтам ҳалқининг — Сурхон аҳлининг юрагида Алпомиш каби паҳлавонлардан мерос қолган шижаоат яшайди.

Бу юртда дунёнинг кураш майдонларида кураги ерга тегмасдан зафар қозониб, ўзбек номини бутун оламга тараннум этаётган юзлаб полвонлар яшайди.

Ишончим комилки, бундай кудрат соҳиби бўлган халқни ҳеч қандай ёвуз куч енголмайди.

**Хурматли меҳмонлар, азиз ватандошлар!**

Бугун биз сизлар билан “Алпомиш” достонининг 1000 йиллик тўйини нишонлаяпмиз. Лекин бу достонда тасвирланган воқеалар юртимизнинг неча-неча минг йиллик шонли тарихидан дарак беради.

Асардаги кичик бир далилга мурожаат қиласли. Халқимизнинг қадимиий тасаввурларига кўра, ўқ-ёй — ҳокимият нишони ҳисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон биричдан — бронзадан ясалган ёйдан ўқ отиб, “алп” деган унвонга эга бўлади. Алп дегани — ҳокимият эгаси эканини инобатта олсан, бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига ишонч ҳосил қиласми.

Аслида, халқимизнинг қадимиий ва шонли тарихи туғанмас бир достон бўлса, “Алпомиш” ана шу достоннинг шоҳбайтидир. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаётмамот синовларидан омон чиқиб ўзлигини йўқотмаган халқимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

**Мұхтарам юртдошлар!**

Бугунги муборак айёмда биз “Алпомиш”дек сўз дурдонасини яратган, уни асрлар оша авлодларга етказиб келган ижодкор халқимиз даҳоси олдида бош эгамиз.

Бугун биз минг йиллар давомида бу достонни куйлаб, гавҳардай асраб-авайлаб, бойитиб келган, номлари бизга номаътум бўлган юзлаб халқ баҳшиларининг истеъоди қаршисида таъзим қиласми.

Агар иложи бўлса, мен ана шу инсонларнинг номларини маънавиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзган бўлур эдим.

**Мұхтарам жамоат!**

Баҳши-шоирлар ўз халқининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо “Баҳшили эл — яхшили эл” деб улуфланган.

Бугун биз Ёдгор бахши ва Тилла кампир, Жоссоқ шоир ва Амин бахши, Шерна бахши ва Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ва Пўлкан шоир, Ислом шоир ва Абдулла шоир, Сайдмурод Паноҳ ва Бекмурод Жўрабой ўғли, Берди бахши ва Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир шоир ва Шоберди бахши каби достончиларнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноёб қобилияти, юксак маҳорати туфайли “Алпомиш” бор салобати ва нафосати билан яшаб келмоқда.

Бугун биз бу ўлмас асарни ёзиб олиш, нашр этиш, илмий ўрганиш, таржима ва тарғиб қилиш ишига улкан хисса қўшган Ҳоди Зариф, Ҳамид Олимжон, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов каби заҳматкаш инсонларни, кўплаб хорижий олимларни ҳам миннатдорлик билан эслаймиз.

Хурматли юртдошларим!

Термиз — Самарқанд, Бухоро, Хива сингари ҳалқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга намоён этган қўйна шаҳримизdir.

Мен бугун сизларнинг ҳузурингизда шуни маълум қилишдан баҳтиёрманки, биз ҳадемай Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини ҳалқаро миқёсда кенг нишонлаймиз. Шу маънода бугунги Алпомиш тўйи бўлажак катта тўйнинг дебочаси, десам, хато бўлмайди.

Бугун биз ўз афсонавий баҳодиримизга бўлган чексиз эҳтиром ифодаси сифатида бунёд этилган Алпомиш ёдгорлик мажмуини тантанали суратда очдик.

Кўз ўнгимизда енгилмас, жасур Алпомиш ўз уйи, ўз ёри, ўз юргини ёвуз ниятли ғанимдан ҳимоя қилмоқда шай бўлиб, шижоат ва қатъият билан қад ростлаб турибди.

Унинг тимсолида Ватанимизни ёмон кўзлардан, балоқазолардан асраршга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз — бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфаси мужассам.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, мажмуани барпо қилишда юксак маҳорат ва санъатини намоён этган қўлигүл усталарга, моҳир қурувчиларга, меъмор-муҳандислар-

га ўз номимдан, бутун ҳалқимиз номидан ташаккурлар айтишга ижозат бергайсизлар.

Мен алоҳида мамнуният билан мана шундай савобли ишларимизда бизга ҳамиша хайриҳоҳлик кўрсатиб келаётган ЮНЕСКО вакилларига, бугунги шодиёнамизга узоқ-яқиндан ташриф буориб, қувончимизга шерик бўлган барча хорижий меҳмонларга чукур миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам ватандошлилар!

Йиллар, асрлар ўтади, она Ўзбекистонимизда янги-янги авлодлар вояга етади.

Ишонаман, ҳар бир авлод мана шу қаҳрамонлик достонини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказади.

Ишонаман, ҳалқимиз бутунги шодиёнадан руҳланиб, қадр-қимматини янада чукурроқ англайди, ўзининг бекёёс жасоратини, букилмас иродасини, мустаҳкам иймон-эътиқодини намоён этиб, ёруғ келажак сари қатъият билан бораверади.

Ишонаман, ҳар қайси қишлоқ, ҳар қайси шаҳар, ҳар бир хонадондан янги-янги алпомишлилар дунёга келади, ватанга садоқатли, жасур ва енгилмас инсонлар бўлиб улгаяди.

Сурхон воҳасининг бетакрор табиати, Боботоғ, Бойсун, Вахшивор сингари баланд тоғлари, Олтинсой, Сангардек, Сайроб, Хонжизза каби гўзал гўшаларини бир бор кўрган одам беихтиёр бу юртга мафтун бўлиб қолади.

Бу заминда яшаб, фидокорона меҳнати билан унинг кўркига кўрк, чиройига чирой кўшаётган инсонларга, айниқса, ёш ўғил-қизларимизга менинг ҳавасим келади.

Ҳар қандай инсон бу юраги очик, мард ва танги, ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом одамлар билан чин кўнгилдан яқин бўлишни истайди.

Шу унutilмас, ҳаяжонли дамларда Алпомишидек баҳодирларни камолга етказган она ҳалқимга яна бир бор таъзим қиласман.

Юртимиз осмони доим мусаффо, ҳалқимиз ҳамиша омон бўлсин!

---

## **ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ИСТАМБУЛ САММИТИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам Раис!

Муҳтарам давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Энг аввало, мазкур саммитнинг ташкил этилишига ўз диссасини кўшган барча кишиларга, шунингдек, Туркия Президенти жаноб Сулаймон Демирэлга самимий кутиб олганлари ва меҳмондўстликлари учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Биз даҳшатли зилзила оғатларига матонат билан дош берган Туркия халқига ўз бирдамлигимизни изҳор этамиз.

Ишончим комилки, Истамбулда мазкур учрашувнинг ўтказилиши, кун тартибидаги асосий масала — Европа Хавфсизлик Хартияси лойиҳасининг муҳокама этилиши, тобора ривожланаётган ҳамкорлик ва давлатлараро интеграция жараёнлари билан бирга, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка қилинаётган таҳдидлар ҳам кучайиб бораётган бир пайтда ЕХХТнинг ўрни ва мавқеини ошириш борасидаги янги қадамдир.

Ўйлайманки, бугунги кунда халқаро майдонда “совуқ уруш” кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб, тобора кенг кўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Бунинг ёрқин исботини Марказий Осиё ва бошқа минтакалар мисолида кўриб турибмиз.

Бугунги кунда биз радикал кайфиятдаги марказларнинг диний экстремизм ва терроризмни тарқатишга қаратилган узоқни кўзловчи режаларига, минтақа давлатларини

ўзлари танлаган демократик, ҳукукий ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уриниши ҳолларига дуч келмокдамиз.]

Буни Тоҷикистондаги воқеалар, яқинда Тошкентда юз берган портлашлар, босқинчилар гуруҳларининг мустақил Қирғизистон жанубига сурбетларча бостириб кириши ҳамда барчага маълум бошқа фактлар исботлаб турибди.

Бундай режаларнинг амалга оширилиши учун Афғонистон асосий майдон вазифасини ўтамоқда. 20 йилдан бўён фуқаролар уруши давом этаётган бу мамлакат турли тоифадаги ҳалқаро террористлар ва ақидапарастлар бошпана топиб, тайёргарлик кўраётган синов лагерига, асосан наркотик моддалар етиштириши ва сотишдан олинган даромад ҳисобига кун кўрадиган мамлакатга айланиб қолди.

БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда гиёҳванд опиумнинг 75 фоизи Афғонистонда етиштирилмоқда. Унинг 90 фоизи бевосита Европада тарқатилмоқда.]

Барчага шу нарса яхши аён бўлиши керакки, токи Афғонистонда уруш давом этар экан, хавфсизлик ва тинчликка, қўшни Марказий Осиё давлатларидағи демократик янгиланишлар ва ислоҳотларга бўлган хавф, ҳалқаро терроризм манбай сақланиб қолаверади ҳамда терроризмнинг минтақа чегарасидан ташқарига тарқалиши хавфи ҳам йўқолмайди.

Шу муносабат билан, янги Хавфсизлик Хартияси лойиҳасини мудокама этар эканмиз, қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман:

1. ЕХХТ минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё бўйича минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаолроқ бўлиши лозим.

Бу ўринда ЕХХТ масъулияти остидаги минтақаларда барқарорлик ва тинчликни издан чиқаришга қодир бўлган ташқи таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур.

2. ЕХХТ ва унинг тузилмалари томонидан инсон ҳолатини тобора яхшилаш масалаларига берилаёттан ниҳоят-

да катта эътибор, айниқса, яқинда демократик янгилашиш йўлига кирган янги мустақил давлатлар учун ўта муҳим ва зарур эканига шак-шубҳа йўк.

Шу билан бирга, мазкур ташкилотнинг асосий мақсадини ҳисобга олган ҳолда, ЕХХТнинг фаолияти халқаро зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган халқаро орган сифатидаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш, шунингдек, унинг иқтисодиёт ва экология соҳаларида тутган ўрнини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу вазифаларни амалга оширишда АҚШнинг ЕХХТ доирасида Тезкор фуқаролик корпусини (REACT) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси кўл келиши мумкин.

3. Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, кўллаб-кувватлаётган, куроляроғ билан таъминлаб, жойларга жўнататдан манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим.<sup>1</sup>

ЕХХТнинг Марказий Осиё бўйича амалдаги раисининг элчи Вильгельм Хойнг бошчилигидаги маҳсус комиссия томонидан тайёрланган Маърузаси ҳақида тўхтамоқчи-ман.

Биз Маърузадаги Марказий Осиё давлатларининг ЕХХТ томонидан қабул қилинган умумий хавфсизлик концепциясини сўзсиз бажариш асосида ЕХХТ институтлари ва тузилмаларига интеграциялашувига доир баҳо ва таклифларни кўллаб-кувватлаймиз.

Айни пайтда таклиф этилаётган “ЕХХТнинг йиллик тадбирлари тақвими”ни ЕХХТнинг бевосита шафелигига минтақанинг бой табиий захираларидан, биринчи галда, энергетика ва сувдан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефт қувурларини қуриш, экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ иқтисодий лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига доир

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

чора-тадбирлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Марказий Осиёдаги беш мамлакатнинг барчаси, шунингдек, Европа Иттифоқи бўйича ҳамкорларимиз ҳам бундан манфаатдордир.

Шу билан бирга, хавфсизликнинг бўлинмас, ягона экани борасидаги асосий тамойил ҳамда янги Хартияда бизнинг ЕХХТнинг эркин демократик ва ягона маконини барпо этишини қатъий равишда кўллаб-куватлашимизни ҳисобга олган ҳолда, фақат Марказий Осиё учун мўлжалланган қўшимча бюрократик тузилмаларни ташкил этиши мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

**Жаноб Раис!**

Ўзбекистон онгли равишда Европага интеграциялашувга интилмоқда, у ўз келажагини демократик давлатлар ҳамкорлигида кўради.

Биз бунда жамиятимизни демократлаштиришнинг зарур шарт-шароитларинигина эмас, Марказий Осиё минтақаси ҳамда бутун ЕХХТ маконининг хавфсизлиги кафолатини ҳам кўрамиз.

Биз ЕХХТ қадриятлари ва идеалларига садоқатимизни яна бир бор изҳор этамиз.

**Эътиборингиз учун ташаккур.**

*1999 йил 18 ноябрь*

---

## СОЕЛОМ АВЛОД – ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ассалому алайкум, азиз дүстлар!

Мұхтарам ватандошлар!

Аввало, барчанғизни бугунғи муборак айём — Конституция байрамы билан чин қалбимдан самимий табрик-лайман.

Хақиқатан ҳам 8 декабрь — Конституция күнини юртимизда нишонлаш биз учун катта анъана ва одатта айланмоқда. Буни биз катта мамнуният билан таъкидлашимиз керак.

Бунинг сабаби нимада? Нима учун йилдан-йилга кундалик ҳәётимизда Конституциямизга муносабатимиз ўзгармоқда, унга хурматимиз ошиб бормоқда?

Бу саволларга жавоб топиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз — бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаёттан бўлсак, буларнинг пойdevорида Конституциямиз — буюк Ҳаёт қомусимиз турибди.

Шу билан бирга, яна бир тушунча ҳәётимизга кириб бормоқда. Биз жамиятимизда чиндан ҳам адолат ва ҳақиқат ҳукмронлигини ўрнатмоқчи эканмиз, юртимизда эски тузумдан қолган ноинсофлик, порахўрлик, таъмагирлик, коррупция, зўравонлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби барча ярамас унсур ва иллатлардан халос бўлмоқчи эканмиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизга итоат этиш, қонун устуворлигини амалда ҳәётимизда таъминлаш зарурлигини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Гап шундаки, ҳалқимиз, жамоатчилигимиз бу борада олиб бораёттан ҳаракатларимизни тезлаштириш, амалий ишларимизнинг самарасини оширишни талаб қилмоқда.

Гап биринчи навбатда, ҳукуқни ҳимоя қылувчи идораларнинг, шу жумладан, прокуратура, суд, милиция, солиқ, божхона ва бошқа назоратчи ташкилотларнинг жавобгарлигини, масъулиятини ошириш, ҳокимиятларда ўтирган нопок мансабдорларнинг танобини тортиши ҳақида кетмоқда. Бутунги ҳаётнинг паст-баландини биладиган, халқнинг орасида юрган инсонлар яхши биладики, бундай талабларга асос бўладиган мисоллар ва фактлар жойларда етарли.

Қонунга беписандлик билан қарамаслик, уларга сўзсиз риоя қилиш талабларини кучайтиришни аввало шу идоралардан бошлиш кераклиги табиий, деб ўйлайман.

Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларимизни ҳаётимизга татбиқ этиш, амалга ошириш ҳақида гапирап эканмиз, яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Конституциямизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги Конституциялардан мутлақо фарқ қилиши ҳақида сўз борар экан, биз аввало унда инсон ҳукуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин туттанини, асосий Қомусимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан устун туришини муҳрлаб кўйгани ҳақида гапиришимиз керак.

Лўнда қилиб айтганда, эски замондан қолган, онгимизга, шууримизга ўрнашган асоратлардан воз кечиб, бир тушунчани аниқ англаб олишимиз даркор. Яъни, давлатимиз ва жамиятимиз курилиши, янгиланishi йўлида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг пировард мақсади — аввало инсон манфаатига, инсонга ва халққа хизмат қилишдир.

Шундай экан, Конституциямиз ва тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган ҳукуқ ва кафолатлар, халқимизнинг манфаатларига бевосита даҳлдор бўлган масала ва муаммоларнинг қандай ҳал этилаётганини таҳдил қилиш, унинг натижаларини кенг жамоатчиликка, бутун халқимизга етказиш ҳам ҳақиқий демократия ва адолат ҳукмонлигининг тасдиғи, деб айтса бўлади.

Бугун биз Конституциямизнинг 7 йилигини нишонлајмиз. Етти йил ҳазилакам вакт эмас. Демоқчиманки, ки-

шиларимизнинг дунёқараши ўзгариб бориши нуқтаи назаридан мазкур давр бесамар ўтмади. Энди Конституциямиз халқаро андозалар, демократик тамойиллар талабларига тўлиқ жавоб беради, дейиш билан иш битмайди. Одамларни бугун мутлақо бошқа нарсалар қизиқтириади: Демократик Конституция экан, у бизга амалда нима берди? Конституциямиз асосида қабул қилинган қонунлар оғиримизни енгил қиляптими? Бу қонунлардан шахсан менга, оиласманга, меҳнат жамоамга, яшаб турган қишлоғим, шаҳрим, мамлакатимга қандай наф етмоқда?

Үйлайманки, агар биз Конституцион суд бошчилигида мамлакатимизнинг энг нуфузли назорат қилувчи органлари, яъни Олий Мажлис, вилоят ва туман кенгашлари, суд ва прокуратура идоралари, шу билан бирга, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлар вакилларидан иборат бир гуруҳ тушиб, унга йил давомида кузатиб келинган масалалар бўйича танқидий, холисона бир доклад — маъруза тайёрлаш ва уни жамоатчилик эътиборига тақдим этиш вазифасини топширсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Конституциянинг барча модда ва талабларининг баражилиши ҳақида бирданига ҳисобот тайёрлаб бўлмас, лекин ҳар йили муайян бир соҳани алоҳида-алоҳида олиб таҳлил қилиш мумкин-ку!

Масалан, бир йили инсон ҳуқуқлари, яна бир йили ижтимоий масалалар, келаси йили эса ахолининг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлаш, шу тариқа кенг маънода ташқи ва ички сиёсатнинг олиб борилиши масалаларининг ҳал этилиши бўйича ҳисоботимизни тайёрлаб жамоатчилигимиз мухокамасига қўйсак, бутунги замон талабига жавоб берадиган иш бўлур эди.

Нима учун бу масалалар бўйича кимdir четдан келиб бизга туртки бериши керак, ақл ўргатиши керак! Ҳар қандай чет назоратчилардан кўра, ўз камчилигимиз ва заифлигимизни ўзимиз яхши билишимиз ва уларни ошкора тан олиб, ўзимиз бартараф этишимиз керак эмасми?

Ахир, биз, ҳар биримиз аввало ўз виждонимиз олдида, халқимиз, жамоатчилигимиз олдида қилаётган ишларимиз ҳақида жавоб беришимиз керак.

Буни барчамиз яхши тушуниб олишимиз даркор.  
Хурматли юртдошлар!

Энди рухсатингиз билан Конституциямизни амалга оширишга бевосита алоқадор, икки кун аввал бўлиб ўтган Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳақида икки оғиз айтиб ўтсан.

Куни кеча сайловчиларимиз ўз Конституцион ҳукуқларини адo этиб, сиёсий етуклигини намойиш қилиб, халқ ноибларига, яъни халқ номидан ваколат олиб иш юритадиган, унга ҳалол ва вижданан хизмат қиласидиган, унинг хоҳиш-иродасини бажарадиган депутатларга овоз берди.

Бугун сайловлар ҳақида гапирав эканмиз, энг аввало шу сайловлар пайтида оддий сайловчилар билдирган фикр ва мулоҳазалар ҳақида сўз юритишимиз, одамларнинг билдирган хоҳиш-иродасини инобатта олиб холоса чиқаришимиз лозим.

Авваламбор, ўзимизга шунки яққол тасаввур қилишимиз керакки, ҳар қайси инсон сайлов кутиси олдига яхши орзу-ниятлар билан келади. Содда қилиб айтганда, у, мен ишонч билдирган бўлгуси депутатлар менинг кундалик ҳаётимни яхшилашда, халқимизнинг оғирини енгил қилишда, муаммоларни ечишда, эл-юрг фаровонлигини оширишда хизмат қиласи, деб умид боғлади.

Бундан чиқадиган холоса — аввало, куни-кеча халқимиз ишонч билдирган депутатлар мана шу содда, лекин энг буюк ҳақиқатни ўз ҳаёти ва фаолиятида асос қилиб олиши даркор.

Бундай хulosани нафақат сайланган депутатлар, балки барчамиз — ким қаерда, қайси раҳбарлик курсисида ўтирасин, яна бир бора айтаман, барчамиз, халқ ишончига сазовор бўлган одамлар чукур англаб, амалий ишларимизда мана шу юксак ишончни оқлашимиз керак.

Яна бир муҳим масала ҳақида. Марказий сайлов комиссияси ҳисоботи пайдо бўлгандан кейин, сайловларимиз ҳақида нохолис фикрлар, аччиқ-нордон гаплар бўлиши мумкин. Биз шунга тайёр туришимиз, оғир-вазмин бўлиб, танқидга чидашимизга тўғри келади. Нега десангиз, халқаро ташкилотлар, идоралардан келган кузатувчи-

лар сайловларимиз ҳақида ижобий фикр билдиришса, камчилик топишмаса, ўз бурчларини бажармаган, еган нонларини оқдамаган бўлишади. Бу бор гап. Ундан кейин, демократия йўлидаги илк қадамларимизни вакиллари орқали дикъат билан кузатиб турган давлатлар, сиёсий кучлар ҳам йўқ эмас. Кимдир – хайриҳоҳ, кимдир – бизни кўролмайди. Кўзи бизга ўнг бўлмаганларга айтмоқчиман: амалга ошираётган ислоҳотларимиз, барча саъй-ҳаракатларимиздан мақсад, ўзимизни кўз-кўз этиш, демократман, деб кўкракка уриш, кимгадир ёқиши учун эмас! Оддий одамни, дейлик олис тоғларда юрган кўйчивонни ўзи яшаб турган жамиятнинг қандай аталиши қизиқтирамайди. Демократик бўладими ёки бошқачами, унга барибир. Кўйчивон учун мазмун-моҳият муҳим. Эрк берибдими, енгиллик берибдими, ўз ҳаётини ўз кўли билан куриш, болаларининг баҳтини, кўриш, Ўзбекистондай мамлакатни дунёга танитиш имконини берибдими, менга шу тузум маъкул, деган тасаввурда бўлади.

Майдонларда, кўчаларда баъзан бир шиорга кўзим тушиб, кўнглим товдек кўтарилади: "Ўз кучига, ўзининг эртанги кунига ишонган ҳалқнинг бағри кенг бўлади!"

Дарҳақиқат шундай. Ўзбеклар бағри кенг ҳалқ.

Албатта, танқид ҳам керак. Умум ишимиизга фойдаси тегадиган, туртки берадиган танқидни биз бажонидил қабул қиласиз. Биз фақат танқиднинг таҳқирга, камсишишга айланниб кетишига қаршимиз. Давлат раҳбари сифатида менинг дўстларимиздан ҳам, муҳолифларимиздан ҳам талабим битта: барака топгурлар, Ўзбекистонни хурмат қилинглар, ўзбек ҳалқини, унинг тарихини, бутунги ҳаётини, келажагини хурмат қилинглар!

Кези келганда, куни-кеча Олий Мажлисга ўтган сайловлардан рози эканлигимни айтмоқчиман. Мазкур сайловлар ҳалқимизнинг сиёсий савияси, маданияти сўнгги йилларда нечоэли юксалганини ҳалқаро миқёсда намойиш этди. Фуқароларимиз номзодлар билан юзма-юз бўлиб, уларнинг дастурлари, амалий ишлари, дунёқарashi, лаёқати билан яқиндан танишиб, ўзлари маъкул кўрган номзодга овоз бердилар.

Мана энди бир ойдан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар бўлади. Наилож, замон талаби шу экан: тарғибот, ташвиқот ишлари билан шуғулланмасанг, худди бекор юрганга ўхшайсан. Албатта, тарғибот, ташвиқот керак. Лекин телевидение, бошқа оммавий аҳборот воситалари вакилларига қараб, демоқчиман: барака топгурлар ҳар бир нарсанинг меъёрида бўлгани маъқул, ошириб юборманглар. Яхши биласизларки, мен мақтоворга ўч эмасман, шахсга сигинишга эса, мутлақо қаршиман.

Эътиборингиз учун раҳмат, лекин яна бир бор эслатмоқчиман: ошириб юборманглар, ҳаммаси қонун доирасида бўлсин.

Митинглар ўтказиш, президентликка номзодлар суратларини кўтариб, майдонларга чиқиш демократик сайловларга хос ҳодисадир. Билмадим, балки мен демократ эмасдирман, бу менга ёқмайди. Чунки овоз бераётганда ҳар бир сайловчи виждони амрига қулоқ тутиши керак. Самимий, илиқ сўзларингиз учун ташаккур, сизлардан, халқимдан розиман. Фурсатдан фойдаланиб, яна тақрорлайман: ҳаммаси халқнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Халқ нима деса, шу бўлади.

### Мұхтарам дўстлар!

Бугун биз янги аср, 2000 йил арафасида турибмиз. Янги аср бўсафасида туриб барчамиз Оллоҳ таолодан аввало юртимизга тинчлик-осойиштаги ато этишини, мамлакатимизнинг равнақ топишини, халқимизнинг ризқ-рўзи бутун бўлишини сўраймиз.

Ҳаммамизга маълумки, биз 1997 йилни Инсон манфатлари йили, 1998 йилни Оила йили, 1999 йилни эса Аёллар йили деб ўзлон қилган эдик.

Бу йилларни шундай деб ўзлон қилишдан мақсад — биринчи навбатда Янги йилга пок ва ёруғ бир ният билан қадам қўйиш, шу йилда кўп-кўп муаммолар, жумбоқларнинг ечими билан бир қаторда, энг муҳим устувор йўналиш, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган алоҳида масалаларга эътиборимизни қаратиш, бор куч ва имкониятимизни шунга сафарбар этишдан иборат эди.

Айни вактда бундай тадбирларнинг яна бир асосий мақсади — барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, халқимизга азалдан мансуб бўлган энг олижаноб хусусият ва фазилатларни намоён этиш, янада маънавий юксалишимиз учун замин яратиш.

Одамларимиз қалбида меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, саҳйилик, одамийлик каби хусусиятларни кучайтириш ва халқимизни бирлаштирадиган савобли ишларни амалга ошириш.

Бир сўз билан айтганда, бундан кўзланган муддао халқимизнинг маънавий юксалишига замин туғдириш, жамиятимизда аҳиллик, инсонпарварлик туйғуларини янада юксалтириш, ота-боболаримиздан қолган, халқимизга хос қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантиришdir.

1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилганимиз одамлар қалбида мудраб ётган қанча-қанча олижаноб, эзгу ният ва умидларни рӯёбга чиқаришга шароит яратиб берганига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Ўйлайманки, мана шу жорий 1999 йилнинг халқимиз учун кут-баракали бўлганига аёлларимизнинг шаънини мана шундай бошимизга кўтарганимиз ҳам сабаб бўлди, десак, хато қилмаймиз.

Азиз биродарлар!

Энди сизлар билан 2000 йил ҳақида келишиб олсак. Шубҳа йўқки, ўтган йилларда эълон қилинган устувор йўналишлар, яъни Инсон манфаатлари, Оила ва Аёллар йилида белгиланган мақсадларни амалга ошириш борасидаги эзгу ишларимиз Янги йилда ҳам давом этади. Чунки бу масалалар бир ёки бир неча йил билан чекланмайди, доимо давлатимиз, жамиятимизнинг диққат марказида бўлади.

Мана шу эзгу орзу-ниятларимизнинг узвий давоми сифатида мен янги — **2000 йилни мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қилишни таклиф этаман.**

Хўш, 2000 йилда Соғлом авлод масаласини энг зарур, энг муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўяётганимизнинг сабаби нимада?

Биз мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбиясини энг устувор вазифа деб белгиладик.

Баркамол авлодни тарбиялаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтардик. Мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун” деб аталгани, “Соғлом авлод учун ҳалқаро жамғармаси” тузилгани бунинг тасдиғидир.

Бир сўз билан айтганда, олдимизга кўйган барча мақсадларимизнинг, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда, давлатимиз, жамиятимиз курилишида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг, эзгу туйгуларимизнинг маъномоҳияти соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш эмасми? Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизни ишлаб чиққанимиз ва ҳаётга татбиқ этаётганимиздан мақсад ҳам айнан шу эмасми?

Азиз дўстлар!

Биз соғлом авлод деганда нимани тасаввур қиласми? Соғлом авлод ғояси орқали биз олдимизга қандай мақсадларни кўямыз?

Соғлом авлод дегавда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанинвар авлодни тушунамай. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина кура олади.

Аслида Оллоҳ таоло инсон зотини табиатан соғлом, мукаммал яратади. Лекин, афсуски, аввало одам боласининг ўзи, қолаверса, носоз муҳит бу мукаммаликни бузади. Одамзот кўп жойларда, таассуфки, нафс, кибру ҳаво, жаҳолатта берилиб, ўзини ўзи турли балоларга гирифтор қиласди.

Ҳеч шубҳа йўқ: соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишdir. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насаб, етти пуштнинг тозалигига, авлоднинг соелигига жуда катта эътибор берганини кўрамиз.

Лекин соғлом авлод тарбияси осон иш эмас. У ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қиласди.

Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол тоғтириш ғоят мураккаб вазифа. Айниқса бутунги кунда – мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароритда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятта эга.

Мұхтарам юртдошлар!

Бу ҳаёт жуда тез – бошдаги дүшпини бир айлантиргунча ўтади-кетади. Шу қысқа фурсатда инсон халқ учун, Ватан учун, ўз фарзандлари ва келгуси насллар учун савобли ишлар қилиб улгuriши керак. Олижаноб халқимизнинг эзгу тасаввур ва тушунчасига кўра, ҳар бир одам дунёга келиб, учта хайрли ишни адо этиши лозим.

Биринчиси, соғлом ва оқил фарзанд тарбиялаб вояга етказиш.

Иккинчиси, ўз оиласи, фарзандлари учун иморат қуриши.

Учинчиси, келажакни ўйлаб, яхши ният билан дараҳт ўтқазиш.

Бу инсоний интилишларда миљатимизнинг баркамол авлод ҳақидаги орзу-умидлари ўз аксини топган.

Қисқаси, ўзбекнинг ҳамма орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмунида фарзандларининг келажаги, бахту саодати билан боғлиқ мақсадларни кўрамиз.

Халқимиз азалдан бўй-басти келишган, ботир ва полвон ўғлонларни “қиличдек йигит” деб эъзозлаган, улар билан гурурланган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз: “Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур”, деган. Шу фикрин давом эттириб, мен “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади”, деб айтмоқчиман.

Менимча, бу гап, бу шиор бугунги ҳаётимизга, бугунги мақсадларимизга тўла мос келади.

Такрор айтаман, соғлом авлодни, соғлом наслни бирданига тарбиялаб бўлмайди, албатта. Бунинг учун кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазифаларни бажаришимиз, узок-

ни кўзлаб иш тутишимиз керак. Энг аввало, ҳар бир одам ўз соғлиғи ҳақида қайғуриши, ҳар бир оила ўзидан соғлом насл, соғлом зурриёд қолдиришни ўйлаши зарур.

Минг афсуски, баъзи оиласаларда ота-оналар на ўзларининг, на фарзандларининг саломатлигини ўйлайди. Улар билмайдики, қатор-қатор машиналари, данғиллама иморатлари бор одам бой эмас, балки оиласи тинч, соғлом, одобли, ақсли фарзандлари бор инсон чинакам бойдир. Барака топкур, эртага бошинг ёстиққа тегса ёки фарзандинг дардманд бўлса, молу дунёнг, бойлигинг кимга керак? Одамнинг саломатлиги, фарзанд соғлиғи олдида ҳар қанча бойлик икки пулга қиммат эмасми?

Азиз биродарлар, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ёруғ дунёда инсондан нима қолади? Йиқдан-терганинг бир кун тугайди. Сендан ёдгорлик бўлиб, умрингнинг давомчиси бўлиб, чироғингни ёқадиган фарзанд қолади. Агар фарзанд соғлом, оқил, иймон-эътиқодли бўлса, ота-онасига факат раҳмат келтиради, одамларга наф келтиради, элкорт назаридан њеч қачон қолмайди.

Барчамиз бу ҳақиқатни яхши билсак-да, уни яна ва яна айтишга тўғри келади.

Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, онанинг соғлиғига боғлиқ. Худо таоло яратган табиатнинг буюк мӯъжизаси бўлмиш аёл дилбандини тўққиз ой ўз бағрида, юрак остида авайлаб дунёга келтиради. Уни вояга етказиш учун ўзини аямасдан, бутун ҳаётини бахшида этади. Ана шу жараёнда аёл неки яхшилик ёки ёмонлик кўрса, она вужуди орқали ҳомилага ўтади. Соғлиғи ночор, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди.

Шу маънода аёлларни, оналарни асрар керак, дегани — бу фарзандларни асрар, наслни асрар, охир-оқибатда миллатни асрар демакдир.

Ўз умр йўлдошини, аёlinи эъзозлаган эркак ўз зурриедини, ўз фарзандларини эъзозлаган бўлади. Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, ёмон иллатлардан ҳимоя килиш — эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат куруқ гапга айланиб қолмаслиги учун барча-

миз жавобгарликни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намоён қилишимиз даркор.

Соғлом боланинг дунёга келиши отанинг ҳам қони тоза, тани ва руҳи соғлом бўлишига боғлиқ. Бошқача айтганда, оилада соғлом гўдак кулгиси янтраши учун она ҳам, ота ҳам соғлом ва аҳил бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, соғлом фарзанд фақат соғлом оилада туғилади. Оиланинг соғломлигини ундаги мұхит, ота-онанинг тотувлиги, бир-бирини тушуниши, қўллаб-куватлаши, ўзаро иззат-хурмати белгилайди.

Биз янги ҳаётта қадам қўяётган ёш оиласларни эъзозлашимиз, оёққа туриб олишлари учун уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатишимиш лозим. Бу давлатимиз сиёсатининг узвий қисмидир. Албатта, давлат ёрдами, ота-онанинг кўмаги, оқ, фотихаси ўз йўли билан, аммо баҳтили оила қуриш, соғлом фарзанд ўстириш кўпроқ ҳар қайси йигит-қизнинг ўз қўлидадир. Бу уларнинг ақл-заковати, интилиш-мақсадлари, орзу-ниятлари, иймон-эътиқодига боғлиқ.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен қадим-қадимдан отабоболаримиздан қолган бир одатимизга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Таклифим шундан иборатки, одамлар истиқомат қила-диган ҳар қайси жойда — у шаҳар бўладими, туман маркази, қишлоқ ёки овул бўладими — чақалоқ дунёга келиши билан унинг ота-онаси ўз яқинлари, ёру биродарлари билан биргалашиб, шу жойларнинг энг кўзга кўринарли, алоҳида ажратилган ерида, унумли тупроқда шу беғубор гўдакка атаб яхши ният, орзу-умид билан дарахт экса.

Агар бу тадбир халқимизнинг одатига айланса, у рамзий маъно караб этиб, ҳар бир экилган дараҳт ҳаёт абадий-лигининг тимсоли бўлиб қолади десак, асло хато бўлмайди.

Энг мұхими шуки, ота-она ўз фарзандини қандай меҳр билан парвариш қилса, у ўз кўли билан ўтқазган дараҳтга ҳам ана шундай муносабатда бўлади.

Азиз ватандошларим!

Мен бу гапларни айтиб, шу фикрларни билдириб, сиз азизлар учун балки ҳеч қандай янгилик очиб берәётганим йўқдир.

Лекин мени доимо қийнайдиган, тинчлик бермайдиган орзу-ниятим, керак бўлса, Худодан сўрайдиган энг катта илтижоим шуки, бетакрор, гўзал, саховатли, Оллоҳнинг назари тушган мана шу юртда албаттга ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-кудрати, қадди-қомати билан, баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшаши керак.

Нега деганда, бутун дунёning кўп жойларини, турли эл-юргуларни кўрган одам сифатида агарки мендан, ер юзи-ниг энг гўзал, энг латофатли ва нафосатли, оқила аёллари, сулув ва дилбар қизлари қаерда яшайди, деб сўрасангиз, мен ҳеч иккисдан фахрур гуур билан: “Ўзбекистон заминида”, деб жавоб бераман.

Юргимизнинг мард эркаклари ҳам, вояга етиб келаётган паҳлавон йигитларимиз ҳам ҳеч кимдан кам эмас.

Мана, энди менга жавоб беринглар: мана шундай чиройли ёшларимиз чиройли оила қуриши, бу оиласларда бир-биридан чиройли насл пайдо бўлиши, вояга етиши керак эмасми?

Албатта, Худонинг марҳамати билан энг гўзал, энг соғлом авлод бизнинг ватанимизда камол топиши ниҳоятда табиийдир.

**Бундай олижаноб мақсад билан яшаш, ҳаёт кечириши, бундай орзу-ниятларни амалга ошириш — ҳар қайси оила, авваламбор ёш оиласларнинг инсоний, керак бўлса, миллий бурчига айланшини истардим.**

Менга қолса, бугун дунёning энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларимиз, жаҳон спорт майдонларида юксак шоҳсупаларга кўтарилаётган паҳлавонларимиз, бизнинг миллий гууримизга гуур кўшаётган йигит-қизларимизга тарбия берган ота-оналарга тасаннолар айтиб, юргимизнинг мана шундай етук фарзандларини ўстириб вояга етказганлари учун уларни энг нуфузли мукофотлар билан тақдирлаган бўлур эдим.

---

**Азиз дўстлар!**

Бизнинг эзгу ниятимиз — келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш. Бизнинг таракқиёт стратегиямиз соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган.

Албатта, бу эзгу мақсадларимизни амалга ошириш нијатида биз янги йилда бу борада маҳсус ҳукумат дастурини ишлаб чиқамиз ва амалга оширамиз. Бу дастурда ёшларимизни моддий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш, уларнинг билим ва касб-хунар эгаллаши учун тегишли шароит яратиб бериш, зарапли, ёт таъсиrlардан муҳофаза қилиш, бузгунччиюялардан асраш, онгу шуурини илму маърифат нури билан мунаввар этиш каби кўп-кўп масалаларга асосий эътибор қаратилади.

Энг муҳими, шу умуммиллий Дастурни амалга ошириш учун керакли маблағ ва сармояларни жалб қилишимиз, йил давомида унинг бажарилишини назоратта олишимиз лозим.

Мана шу олижаноб мақсадларни амалга оширишда, барчамиз учун ягона бўлган шу азиз, муқаддас ватанимиз равнақи ва халқимиз баҳт-саодати йўлида ҳаммангизга, азиз қадрдон юртдошларим, куч-кувват, омад доим ёр бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига  
багишланган тантанали маросимда сўзланган нутк,  
1999 йил 7 декабрь*

---

## **МЕН ЎЗИМНИ НАФАҚАТ ЎЗБЕК ХАЛҚИНинг, БАЛКИ ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНинг ҲАМ ФАРЗАНДИ, ДЕБ БИЛАМАН!**

Ассалому алайкум, муҳтарам дўстлар!

Авваламбор, бепоён қорақалпоқ заминида сиз — азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан беҳад хурсандлигимни изҳор этмоқчиман.

Менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодимни қўллаб-куватлаган Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кентесига, бутун қорақалпоқ халқига чин қалбимдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Шу кунларда мамлакатимизда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўладигай сайловлар қизғин паллага кирди. Айни пайтда мамлакатимизда Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам бошланди. Мана шу учрашувларни, сайловчилар билан мулокотимни ilk бор қорақалпоқ диёрида, сиз — Қорақалпогистон вакиллари билан бошлаганимдан хурсандман.

Албатта, бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Чунки мен ўзимни тили бир, дили бир, қисмати бир бўлган қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан.

Шу муносабат билан бир воқеани эслаб ўтмоқчиман.

Мен бундан ўн йил муқаддам — 1989 йили Ўзбекистон Республикасининг янги сайланган раҳбари сифатида Мўйноқча борган эдим. Орол фожиаси оқибатида рўй берган оғир экологик ҳолатта қарамасдан, туғилган ерига меҳри туфайли шу заминда сабот билан яшаётган Мўйноқ халқининг ҳаёти билан атрофлича танишдим. Ўшанда: "Шу одамларнинг оғирини енгил қўлсам, армоним қолмас эди!" деган фикрни кўнглимга тутиб кўйган эдим. Вазиятни чукур ўрганиб, одамлар билан сұхbatлашиб, бу аҳволдан чиқиши йўлларини маҳаллий халқ билан муҳокама қицқик. Бу

тапларга гувоҳ бўлган овул оқсоқоли мен Мўйнокдан кетгач, овуддошларига: "Ҳойнаҳой, бу одам қоракалпок бўлса керак!" – деган экан. Бу гапни менга ҳурматли академигимиз Собир Камолов айтиб берган эди. Мен буни эшигиб, оддий бир инсон сифатида хурсанд бўлиб, муҳтарам олимимизга жавоб қилган эдим. Шу жавобни сиз – азизларга ҳозир яна тақрорламоқчиман: "Агар қоракалпоқлар мени "қоракалпоғим" деса, ўзимни юят баҳтили одам, деб биламан!"

### Қадрли дўстлар!

Бугунги сизлар билан учрашувимиздан асосий мақсад мамлакатимизда ўтказилаётган муддим сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Президентликита сайловлар масаласи бўйича фикр алмасиб олишдан иборат.

Яхши биламизки, демократия, демократик жамиятнинг бош талаби – бу одамларниң ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, сайлаш ва сайданиш ҳуқуқини таъминлашдан иборат.

Шу маънода бугун юртимизда кечеётган сайлов жараёнлари демократик тамойиллар ҳаётимизга чукур кириб бораётганидан, ҳалқимизнинг сиёсий тафаккури юксалаётганидан далолат бермоқда. Албатта, бу жараёнда турли ижтимоий-сиёсий кучлар, уларниң намояндлари ўртасида тортишувлар, баҳс-мунозаралар, бир сўз билан айтганда, ўзаро рақобат бўлиши табиий. Ўйлайманки, сайловчи сифатида барчангиз бундай ҳолатларга гувоҳ бўлиб турибисиз. Биз буни тўғри тушунамиз.

Лекин менинг бу борадаги истагим, қатъий фикрим шундан иборатки, ҳар қандай кескин кураш чоғида ҳам ҳалоллик, бир-бираига ҳурмат, инсонниң шахсиятига тегмаслик каби ҳалқимизга ҳосаз азалий фазилатларни унутмаслигимиз лозим. Энг муҳими, сайловлар ҳалқимизни пароканда ва бир-бираига қарши қилишга эмас, балки элу юрт манфаати йўлида янада бирлаштиришга хизмат қилиши зарур.

### Ҳурматли биродарлар!

Мен Президентликка номзод сифатида гапни сайловларди дастуримнинг мазмун-моҳияти, унда кўзда тутилган устувор йўналиш ва вазифалардан бошлишим керак

эди. Аммо бу масала таҳлилига киришишдан олдин, рухсат берсангиз, мен ўтган даврда сизлар билан биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб қилинган ишларимиз ҳақида, шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликларимиз, муаммоларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтсан.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида рўй берган тарихий ўзгаришлар, жамиятимизни янгилаш, маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш, халқ фаровонлигини юксалтириш, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш йўлидаги, Ватанимизнинг кудратини ошириш, уни янада обод этиш, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги каттакатта ишларимиздан, ўйлайманки, ҳар бирингиз етарли даражада хабардорсиз.

Шу даврда, гўзал мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларида бўлганни каби, Қорақалпоғистон диёрида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон ҳақида сўз юритганда, мен илгари ҳам айтган, ўзим учун муҳим бўлган бир фикрни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизнинг Ўзбекистонимиз ягона давлат, ягона мамлакат бўлиши билан бирга, ҳар қайси минтаقا ва ҳудуд, вилоят ва воҳдамида яшайдиган халқнинг ўзига хос хусусиятлари, фазилатлари, уларнинг ҳар бири мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнига эга эканини ҳеч ким инкор қўйолмайди. Давлат манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда, биз ҳар бир вилоятнинг мана шундай ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор беришимиз, уларни инобатта олишимиз — ҳам қарз, ҳам фарз.

Мен мамлакат раҳбари сифатида иш бошлаган биринчи кунданоқ бу муҳим масалада ана шундай сиёsat йўлини танлаганман.

Лекин Қорақалпоғистон давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида, ҳудудларимиз ўргасида бошқалар билан солиштириб бўлмайдиган алоҳида ўрин ва алоҳида хуқуқقا эга. Биз бу ҳақиқатни асло унутмаслигимиз ва бу бу борадаги ишларни жой-жойига қўйишимиш даркор. Чунки Қорақалпоғистон Республикаси кўпмиллатли Ўзбекистон оиласида,

Ўзбекистон давлати ва жамиятида ўзига хос, ўзига мос алоҳида эътиборга молик.

Бизнинг умумий миллӣ ҳусусиятларимиз жуда яқин бўлса-да, қорақалпоқ ҳалқи ўзининг қадимий тарихи, урғу одатлари, анъаналари, тили, маданиятига хос бетакрор жиҳатлар билан ажралиб туради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, нафақат бугунги ҳаёти-миз, балки узоқ ва давомли истиқболни кўзлаб Қорақалпоғистоннинг келажак режаларини тузётганда, бу масалага алоҳида аҳамият бериш зарур. Ўзбекистоннинг давлат сиёсатини амалга оширишда, жамият қурилишини ислоҳ қилишда биз бу ҳолатни асло эътибордан чиқармаслигимиз лозим.

Ўзбекистоннинг истиқболи – Қорақалпоғистоннинг истиқболи, Қорақалпоғистоннинг истиқболи – Ўзбекистоннинг истиқболи, десак, хато бўлмайди. Бу ҳақиқат барчамиз учун раҳдамо бўлиши даркор.

Мұхтарам дўстлар!

Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий имкониятлари бекиёс эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Бугунги кунда бу ерда чорвачилик маҳсулотлари, пахтачилик, шоли ва будой етиштириш маданияти юксалиб, янги босқичларга кўтарилимоқда, саноат тобора равнақ топмоқда.

Мингақада табиий маъданлар, темир, фосфоритлар, туз, нефть ва газнинг улкан захиралари мавжуд. Бу саноатимизнинг янги тармоқларини яратиш имконини беради. Истиқдол йилларида барпо этилган, Марказий Осиёда ягона бўлган Кўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, "Марказий Осиё безак тошлари" кўшма корхонаси, Кўнғиротдаги карбид, Нукусдаги ун ва кабель заводлари сингари корхоналар мамлакат салоҳиятини янада оширишга хизмат қиласди.

Биргина Кўнғирот сода заводининг лойиҳа қиймати 600 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, чўл қўйнида завод ишчилари учун беш минг киши истиқомат қиласдиган замонавий шаҳарча ҳам қад ростламоқда.

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

Үрга газ конининг биринчи наубати ишга туширилганига кўп бўлгани йўқ, лекин ҳозирдаёқ кондан ҳар куни 1,5 миллион куб метр табиий газ қазиб олинмоқда. Республикада ун, мармар, тиббий бинт ва спирт ишлаб чиқариши ҳам изчил йўлга кўйилди. Қорақалпоғистонда барпо этилган "Элтекс", "Катекс" каби хорижий технология билан жиҳозланган йирик корхоналарда юзлаб қорақалпоқ қизлари меҳнат қилаётгани ҳаммамизни кувонтиради.

Кўнғирот автомобиль йўли ҳам, Нукус мармар заводи ҳам, Навоий — Учкудуқ — Нукус темир йўли ҳам биз орзу қилиб яшаётган буюк келажакка пойдевор бўлиб хизмат қиласиди, албатта.

Азиз ватандошлар!

Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг энг шимолий ҳудуди бўлиб, унинг табиати ва иқлими боятда мураккаб. Бу ерда дехқончилик қилиш, ҳосил ундириш осон иш эмас. Унинг машаққатини шу залда ўтирганлар яхши билади.

Бу йил қорақалпоқ меҳнаткашлари ўтган йилдагига нисбатан 40 минг тонна пахта, 35 минг тонна кўп ёшли ҳосили етиштирдилар. Галла тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Келгуси йил миришкор дехқонлар шолизорларни кўпайтириб, уларнинг майдонини 114 минг гектарга етказиш, умумий экин майдонини эса яна 1000 гектарга кенгайтириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Қорақалпоғистон иқтисодиёти, унинг истиқбол — келажаги ҳақида гапирганда, ечимини кутиб турган муаммолар орасида учта масалага алоҳида эътибор беришимиз даркор.

**Биринчида.** Қорақалпоғистон ҳалқининг ўсиш суръатларини эътиборга олган ҳолда, аввало, Қорақалпоғистон иқтисодиётининг таркибини қайта кўриб чиқиши миз керак. Шу заминда самарали ривож топиш имконияти ва салоҳияти бор бўлган тармоқларни, янги-янги соҳа корхоналарининг ривожини таъминлаш даркор. Ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам хизмат кўрсатиш соҳаларида бозор инфратузилмасини ривожлантириш мухим масала.

**Иккинчидан.** Барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараодорлигини ошириш. Қишлоқ хўжалигида — фермер ва деҳқон хўжаликларини тараққий этгириси, кичик ва ўрга бизнесни ривожлантириш.

**Учинчидан.** Энг муҳим, энг долзарб масала — оддий ишчиларнинг, оддий меҳнаткашларнинг ишга муносабатини ўзгартириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш. Бу борада мутлақо янги механизмлар, аввало, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш юзасидан янги чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши.

Бу масалалар бўйича масъул ҳукумат комиссиясини тузиш даркор.

Қорақалпоқ халқининг оғир табиий шароитда ҳам ўз юртига содик бўлиб, шу заминни севиб-ардоқлаб келаётгани, қийинчиликларга мардана чираб ҳаёт кечираётгани, астойдил меҳнат қилаётгани — чинакам қаҳрамонлик, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бу сабр-матонат ҳар қанча ҳурмат ва эҳтиромга арзиди.

Биз барчамиз Қорақалпоғистон халқидан қийинчиликларга бардошли бўлиш ва уларни ёнгигб, она заминни обод қилиб ящашни ўрганишимиз лозим. Шу юртда яшаётган халқнинг жасоратини тан олишимиз керак.

Ўзинглар айтинглар, азиз дўстлар, Орол фожиаси биринчи навбатда кимнинг бошига катта кулфат ва синов бўлиб туцди? Ким бу экологик оғатнинг жабрини ҳаммадан кўра кўпроқ тортмоқда?

Албатта, бу фақат сиз билан бизнинг кулфатимиз эмас, балки Орол денгизи атрофларида яшайдиган қарийб 35 миллион бошқа халқларнинг ҳаётига ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган экологик таҳдиддир.

Кўлгина халқаро анжуманлар минбаридан, аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, Орол муаммоси — агар уни бартараф этиш чорасини кўрмасак, нафақат Марказий Осиё, балки Европа, қолаверса, бутун жаҳон ҳаво ҳудудини бузадиган, умумбашарий фожиага айланиши муқаррар, деб бежиз бонг ураётганимиз йўқ.

Кейинги йилларда биз бу миңтақавий муаммога жағон ҳамжамиятининг зътиборини қараташ бүйича бир қанча мұхим тадбирларни амалға оширидік. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари ўргасыда Орол муаммосига бағищланған Битим имзоланды, Давлатлараро Кенгаш ва Оролни күткәриш Халқаро фонди ташқил этилди.

Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқтарининг Нукусда бўлиб ўтган иккинчи йиғинида қабул қилинған Орол ҳавзасидаги экологик вазиятни яхцилаш, миңтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастури дастлабки самараларини бермокда.

Бу муаммони ҳал этиш бүйича Бирлашған Миллатлар Ташкилоти, Жағон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик қилинмоқда.

Лекин ҳали бу борадаги ишларни қониқарлы, деб бўлмайди. Орол фожиаси дунё миқёсидаги муаммо экан, уни ҳал қилинща жағон ҳамжамияти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро болалар фонди сингари нуфузли халқаро ташкилотларнинг фаол иштироки зарур.

Орол фожиаси, Орол муаммоси сақланар экан, биз нафақат Қорақалпоғистон, бугун Ўзбекистон худудида ҳаётимизнинг барча-барча жабҳалари ва жараёнлари тараққиётини таъминлаш масалаларида бу фожианинг таъсирини ҳар қадамда сезиб турамиз.

Ҳаммамиз бундан тегишли хulosса чиқаришимиз зарур. Лекин таассуф билан шуни тан олишимиз керакки, бугунги кунда нуфузли халқаро ташкилотларнинг бу муаммони ечиш учун керакли сармоялар ажратишида, халқаро жамоатчиликнинг зътибор ва имкониятларини бу масалага жалб қилинща биз ўз мақсадларимизга етиб борганимиз йўқ.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, бу йўлда биз ҳеч қачон чарчамаймиз, бошлаган ишимиzioni охиригача олиб борамиз.

Айни вақтда ҳукуматимиз Қорақалпоғистон заминида яшаётган одамларнинг сиқат-саломатлигини асрар, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш мақсадида белгиланған амалий ишларни давом эттирмоқда.

Аввало, ўз кучимиз, ўз салоҳиятимизга суюниб, хусусан, 243 километр узунликдаги Туямӯйин – Нукус, 112 километр узунликдаги Нукус – Тахтакўпир сув тармоқлари қурилиб, ишга туширилди. Шу йилнинг ўтган тўқиз ойи ичида яна 81 километр тоза ичимлик суви, 193 километр табиий газ тизимлари аҳоли хизматига топширилди.

Кейинги беш йил ичида Оролбўйи минтақасида 70 минг гектардан зиёд яшил ҳудуд барпо этилди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш 86 фоизни, ичимлик суви билан таъминлаш эса 60 фоизни ташкил этди.

Хатто, энг шимолий ҳудудда жойлашган Тахтакўпир тумани қишлоқларига ҳам табиий газ етиб боргани, бу ерда йирик сув тозалаш иншооти ишга тушгани ана шу сайды-харакатларимиз натижасидир.

Қадрли юртдошлар!

Ёш авлод тарбиясига давлатимиз, ҳалқимиз, жамиятимиз муҳим эътибор бераётгани сизларга яхши маълум. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида Қорақалпоғистонда қилинаётган катта ишлар диккатта сазовор. Чунки республикада мактаб ёшидаги болалар аҳолининг учдан бир қисмини ташкил этади. Демак, беш-ён йилдан кейин фақат Қорақалпоғистоннинг ўзида 400 мингта яқин ёш йигит-қиз улгайиб, сафимизга қўшилади. Улар янги асрда ҳаётда, жамиятимизда ўз муносиб ўрнини топиб олиши, Ватанимиз равнақига хизмат қиласидиган инсонлар бўлиб етишиши учун ҳозирдан замин яратишимиш керак. Бу олдимизда турган энг муҳим, энг масъулиятли ва долзарб вазифадир.

Шу мақсадда республикада 23 та лицей, 11 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Янги йилда яна иккита академик лицей, 14 та касб-хунар коллежи ишга туширилади. 2005 йилга бориб, коллежлар сони 114 тага етади. Уларнинг аксарияти қишлоқ жойларида барпо этилаётгани жуда яхши, лекин бир масалага эътиборингизни қаратишни истар эдим – академик лицейларни қишлоқларда ҳам кўпайтириш керак.

Нима учун биз бугун Ўзбекистон миқёсида коллежлар – касб-хунар ўкув юртлари барпо этиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтармоқдамиз?

Аввало, мақсад — болаларимизга замонавий билим ва тарбия бериш, уларниң бошқалардан кам бўймаслигига эришиш. Лекин, шу билан бирга, бизнинг мақсадимиз — фарзандларимизга замонавий касб-хунар бериш, уларни бугунги мураккаб ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш. Келажакда ўз хоҳиши-иродасига қараб, қобилиятига қараб иш жойини топишига кўмаклашиш. Шу тариқа бугунги энг долзарб масала — жойлардаги ишсизлик мумосини ҳал этиш.

Бу мақсадга эришиш учун узоқ муддатта мўлжалланган, давомли режа-дастуримизни амалга ошириш, таълим-тарбия соҳаларини бутунлай ислоҳ қилиш даркор.

Бу соҳада меҳнат қилаётган ўқитувчи, домлалар ва олимларимизнинг моддий ва маънавий масалаларини ҳал қилишимиз, уларга муносиб шароит туедириб беришимиш керак.

Бугунги кунда иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини кўллаб-куватлаш "Умид" жамгармаси орқали қорақалпоқ элининг 21 нафар ўғил-қизи Америка, Буюк Британия, Япония, Германия каби мамлакатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Эсимда, бир йилча муқаддам физикларнинг халқаро олимпиадасидан учинчি бор олтин медаль олиб қайтган Нукус Давлат университетининг талабаси Алишер Санетуллаевга компьютер совға қилган эдим. Мана бугун шу йигитчамиз АҚШнинг Мичиган университетида таҳсилни давом эттираётган экан!..

Ўзингиз ўйланг, етмиш йил мобайнинда бирорта ҳорақалпоқ йигити Америкага бориб таълим олганмиди?

Мұхтарам дүстлар!

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган ҳукумат дастурини бажариш юзасидан Қорақалпоғистонда сезиларли ишлар амалга оширилди.

Нукусда Оналар ва болалар шифохонаси, Беруний туманида Жарроҳлик маркази, "Тахиатошдон" ҳиссадорлик жамииятига қарашли соғломлаштириш маркази, қишлоқ жойларда 40 қа яқин янги тиббий хизмат пунктлари ишга тушрилди. Ақчакўл соҳилида "Орол болалари" халқаро таълим-соғломлаштириш маркази қад ростламоқда.

Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, уни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг роли катта. Ўзбекистонда бу соҳанинг қандай равнақ топаётгани, қанча-қанча йигит-қизларимиз халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини улуғлаб келаётганини кўриб турибсиз. Улар орасида бокс бўйича XII Осиё ўйинлари чемпиони бўлган Алишер Авазбоев, оғир атлетика бўйича жаҳон кубогини кўлга киритган Бауржон Каздаев билан Фозилбек Ўразимбетов, тай-бокс бўйича уч марта жаҳон чемпиони Эркин Кутибоев каби қорақалпоқ йигитларининг борлиги ҳаммамизни кувонтиради, фуруrimизга фурур қўшади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ўзгалар ҳавас қилиб қарайдиган, жаҳон майдонига чиқаётган мана шундай қорақалпоқ ўғлонлари, йигит-қизларини вояга етказаётган отоналарга, бутун қорақалпоқ элига ўзимнинг самимий ҳурматимни билдириб, таъзим қилишга рухсат бергайсиз.

Албатта, жисмоний тарбия соҳасида, спортнинг кенг ривож топишида, уни оммалаштиришда ҳали кўп камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Улар ҳақида алоҳида сўз юритишимиз керак.

Мисол учун, Қорақалпоғистонда 379 та футбол майдони мавжуд бўла туриб, республика шарафини ҳимоя қиладиган кучли бир футбол жамоаси йўқлиги кишини ачинтиради.

### Қадрли ватандошлар!

Бугун бошимиздан ошиб-тошиб ётган муаммоларимиз, аввало, аҳолининг ҳаёт даражасини оширишда, самара-дор иқтисодиётни барпо этиш борасида ечимини кутиб турган масалалар ҳали жуда кўп. Албатта, буларнинг барчасини тан оламиз.

Лекин, шунга қарамасдан, юртимизнинг қаерига борманг, кўпдан-кўп кудратли корхоналар, коммуникация иншоотлари, маданий-маиший бинолар, янги тураржойлар, спорт мажмуалари, боф-роелар барпо этилаётганига гувоҳ бўламиз.

Нега деганда, ёшлар муаммоларини ечиш, уларни соғлом қилиб вояга етказиш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаб

олишига кўмаклашиш — бизнинг энг муҳим ишимиздир. Энг муҳим оталик бурчимиздир. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Биз янги аср арафасида — янги буюк ўзгаришлар бўсафасида турибмиз. Мамлакатимизнинг ички ва ташқи аҳволини танқидий кўз билан таҳлил қилиб, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги дастурий вазифаларни аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Менинг хурматли ишончли вакилим — муҳтарам адабимиз Ибройим Юсупов Ўзбекистон Президентлигига номзод сифатидаги дастурим билан сизларни таништириди. Бу дастур "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номли рисоламда батафсил баён этилган.

Албатта, дастурдаги устувор йўналиш ва стратегик вазифалар умумдавлат миқёсида ишлаб чиқилган. Бинобарин, унда барча вилоятлар, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасини 2005 йилгача ривожлантириш тамойиллари, бу заминда яшаётган одамларнинг эҳтиёжлари, талаб ва интилишлари ҳам ўз амалий ифодасини топади. Шунинг учун ҳозир бу ҳақда батафсил тўхталишга зарурат йўқ, деб ўйлайман.

Лекин мухтасар қилиб шуни айтмоқчиманки, бу дастурнинг асосий мақсади — ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, унинг оғирини енгил қилиш, озод Ватанизмни янада обод этишдан иборат ҳаракатларимиз қорақалпоқ заминида яшаётган эл манфаатини ҳам кўзда тутади, шу манфаатларни амалга оширишга хизмат қиласди.

Азиз биродарлар!

Қорақалпоқ ҳалқи бағри кенг, қалби дарё, донишманд ва сахий ҳалқ. Бу ҳалқ Султон Увайс, Ҳаким ота каби азиз-авлиёларнинг ўтиларидан баҳра олиб, маънан ва руҳан юксалган. Шу мұқаддас замин мұҳаббати Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердақни булбулзабон шоир қилган, Эрна зарбий, Оллоёр Дўстназаров каби баҳодирларни озодлик учун курашга ундалан.

"Кирқиз"дай ўлмас достонлар қорақалпоқ ҳалқининг теран маънавияти, ақл-заковати, мардлик ва матонатидан далолат беради.

Бунга бир мисол келтирмоқчиман.

Бизнинг катта байрамларимиз, тўй-сайилларимизда, анъянага кўра, ҳар қайси вилоят, жумладан, Қорақалпоғистон ҳам ўз санъати намуналарини намойиш этади. Мен шундай сайиллар гувоҳи бўлган барча кишилар номидан айтишим мумкинки, қорақалпоқларнинг ўзига хос санъати, куй-қўшиқлари, хонандаларнинг ёқимли ва жарангдор овозлари ҳаммани ҳайратда қолдиради.

Ибройим Юсупов ва Тўлепберген Қашибергенов, Жўлдосбек Куттимуратов ва Куватбой Абдураимов, Байрам Матчонов ва Замира Давлетмуратова, Турсунбой Эшжонов ва Саригул Баҳодирова, Вадим Ягодин каби фан ва маданият арбоблари нафақат қорақалпоқ халқининг, балки бутун Ўзбекистонимизнинг фахри-гуруриди.

Мана шундай гўзал санъат ва маданиятни яратган, уни асрраб-авайлаб, асрлар давомида янги-янги авлодларга етказиб келаётган қорақалпоқ ижодкор зиёлиларига, аввалимбор, шоир ва адилларига, рассом ва бастакорларига, атоқли санъаткорлару ёш, ёрқин истеъзод эгаларига олқишилар айтсак, билдирсак, арзийди.

Ишончим комилки, мана шундай адабиёти, мана шундай санъати, мана шундай маданияти бор экан, қорақалпоқ халқи ҳеч қачон кам бўлмайди.

Мұхтарам дўстлар!

Мен, боя айтганимдек, ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан. Ҳар бирингизни бағримга босиб, дилимдаги энг эзгу тилакларимни, сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этар эканман, шу азиз Ватанимизнинг гуллаб-яшинаши, шу буюк халқимизнинг ёруғ келажаги, баҳту саодати йўлида сизлар билан биргаликда ҳамиша хизмат қилишга тайёрман.

Барчангизга соғлиқ-омонлик, хуш кайфият, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари  
вакиллари билан учрашуведа сўзланган нутқ,  
1999 йил 2 декабрь*

---

## ЖИЗЗАХ ХАЛҚИННИГ ҚАЛБИДА ВА ДИЛИДА

Ассалому алайкум, азиз юргдошлиар!

Аввало, барчангизни неча йиллардан буён орзиқиб күтилган катта меңнат ғалабангиз — пахта ва ғалла йиллик шартнома режаларини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бу билан сизлар Жиззах эли, чиндан ҳам, гуурорли, ўз қадр-кимматини биладиган, ор-номусини ҳамма нарсадан баланд қўядиган халқ эканини яна бир карра исботладингиз.

Азиз дўстлар!

Сизлар билан халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайлов арафасида, масъулиятли бир пайтда учрашиб турибмиз.

Бу ҳақда гапирганда, мен сайлов жараёнида учраётган айрим ҳолатлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиримоқчи эдим.

Сайловолди чиқиши ва учрашувларида, музокара ва маърузаларда бир масалага алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлайман.

Сайловчилар, эртага сенга овоз берадиган одамлар олдидағи чиқишиларда, халқ билан мулоқот ва сұхбат қурадётганда, кўпчиликка яхши кўриниш учун, уларнинг кўнглини ром этиш учун осон йўлга, яъни бугунги камчилик ва нуқсонларни, муаммо ва этишмовчиликларни рўкач қилиб, уларни кескин танқид остига олиб, одамларнинг оғирини енгил қилиш бобида катта-катта ваъдалар бериш ва сохта обрў олиш йўлига ўтиб кетиш қийин эмас.

Лекин мен буни жуда қалтис ва нопок йўл, деб биламан.

Чунки бундай йўл тутиш, **биринчидаи**, одамларни алдаш, уларнинг энг эзгу ниятларини толташ демакдир. Мен буни ҳақиқат ва инсон виждан олдида хиёнат, деб тушуманан.

**Иккинчидаи.** Бундай сохта ваъдабозлик охир-оқибатда, албатта, фош бўлади, албатта, ҳаётнинг ўзи бунга аниқлик киритади. Шунда куруқ ваъда берган, нопок йўллар билан амал-мансабга интилган кимса эртага одамларнинг кўзига қандай қарайди, эл-юрга олдида қандай қилиб бош кўтариб юради?

**Учинчидаи.** Ваъда бериш, танқид қилиш, масалага реал, амалий ҳаётдан йироқ назарий нуқтаи назардан қараш ва умумлаштириш, бир қарашда, тўғри, ўта ақлли бўлиб тулоадиган гаплар билан одамларнинг хаёлини чалгитиш ҳам мумкин.

Лекин мана шу ақлли, тўғри хulosаса ва таклифларни қандай амалга ошириш йўлларини кўрсатиб бериш, аниқ ва ҳар томонлама асосланган амалий дастурлар билан уни чукур, атрофлича ҳисоб-китоблар орқали тасдиқлаб бериш — бундай вазифа камдан-кам одамнинг қўлидан келади.

Бунга эришиш учун, аввало, ҳаёт мураккабликларини теран англаш, бугунги ўта таҳликали замонни китоб ва матбуотдан эмас, ўз тажрибасида кўриб, бевосита ўз бошидан кечириш талаб қилинади.

Шунинг учун ҳам бундай вазиятда жуда тўғри айтилаётган танқидлар ёки ваъдаларга қараб эмас, балки бу ваъдаларни ҳаётда қандай қилиб жорий қилиш ҳақидаги фикрларга қараб баҳо бериш, кўпроқ амалий ҳаёт ҳақида гапиришга даъват этиш керак, деб ўйлайман.

Қадрли биродарлар!

Мен Жиззах деганда, аввало, шу юртда яшайдиган минглаб лафзи ҳалол, мард, заҳматкаш инсонларни тасаввур қиласман. Шунинг учун бугун сизнинг тимсолингизда ана шундай одамлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман. Чунки, ҳар қайси инсон учун ўзига руҳан яқин бўлган кишилар билан дийдор кўришишдан ортиқ баҳт бўлмаса керак.

Жиззах воҳасининг гўзал ва бетакрор гўшаларини, Бажмал ва Зомин манзараларини, Форишнинг баланд тоғларини бир бор кўрган киши бу жойларга мафтун бўлиб қолиши муқаррар.

Хурматли юртдошлиар!

Бугунги кунда Ўзбекистон халқ ҳўжалигини Жиззах вилоятисиз тасаввур эта олмаймиз. Лекин яқин ўтмиши мизда шундай вилоятни тутатиб юборишига уринишлар бўлганини соғлом ақлга сифидириб бўлмайди.

Жиззахнинг вилоят сифатидаги мақоми қандай савй-ҳаракатлар билан қайта тикланганини ҳаммангиз яхши эсласангиз керак. Бу хайрли ишга ҳисса қўшган бир одам сифатида алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, Жиззахни харитадан ҳам, тарих саҳифасидан ҳам ҳеч ким учиролмайди.

Нега деганда, бу замин қадимий ва шонли ўтмишига эга. Биргина Жиззах шаҳрининг ўзи икки минг йиллик тарихдан гувоҳлик беради. Жиззах ҳақида X асрда араб сайёҳлари ёзиг қолдирган ноёб маълумотлар мавжуд. Бу маскан араблар истилосига қадар Усрушонанинг йирик шаҳарларидан бири бўлган.

Жиззах — табаррук аждодларимиз қадами етган муқаддас маскан. Вилоятда буюк боболаримиз номлари билан боғлиқ кўплаб қадамжолар бор. Буюк Амир Темур номи билан аталувчи дарвоза манзилидаги тошларда Мирзо Улубек томонидан битиб қолдирилган эсдалик лавҳаси шонли ўтмишимиздан дарак бериб туради.

Шу муносабат билан мен бир мулоҳазани сизлар билан маслаҳат қилмоқчиман. Халқимиз азалдан бу жойни "Темур дарвозаси" деб келади. Агар сизлар рози бўлсангиз, менда бир таклиф бор. Яъни бу жойга расман "Соҳибқирон Амир Темур дарвозаси" деган ном бераб, олтин ҳарфлар билан ёзиг қўйсак, бу ерда бир ёдгорлик ўрнатиб, уни кутлуг зиёраттоҳ, қадамжога айлантирасак, нима дейсизлар?

Ўйлайманки, бу ҳар томонлама — ҳам тарихий, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри бўлади. Соҳибқирон бобомизнинг арвоҳи ҳам биздан шод бўлади.

Қадрли юртдошлар!

Шуниси эътиборга сазоворки, ҳар қандай давр, ҳар қандай шароитда ҳам Жizzах ҳалқи ўзининг эзгу фазилатларини, барҳаёт анъаналарини сақлаб қолган. Чунки бу замин одамлари азалдан озодликка, хурриятга интилиб келади.

1916 йилги Жizzах қўзғолони миллий озодлик йўлида ҳалқимиз олиб борган кураш тарихининг шонли саҳифасини ташкил этади.

Зулм ва ҳаққизликка қарши, мустақиллик йўлидаги бу тарихий ҳаракатда фаол қатнаштан, бу йўлда жонини курсон қилган Назирхўжа Абдусалом ўели, Қосим Хўжа, қирғиз фарзанди Дониёлбек, Абдураҳмон Абдужаббор ўели, Туротбек Турдибек ўғли каби юзлаб фидойи, жасур ва ориятли инсонларни миллатимиз ҳеч қачон унутмайди.

Азиз ватандошлар!

Ҳар бир вилоят ёки ҳудуднинг ўзига хос қиёфасини, керак бўлса, мавқе-эътиборини, аввало, шу заминда яшайдиган меҳнаткаш инсонлар, уларнинг ақл-заковати, искеъоди, эл-юрг ишига садоқати белгилайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Жizzах вилоятидан етишиб чиққан фан ва маданият арబблари, кўп-кўп таникли ижодкорлар, ишлаб чиқариш илғорлари ўз юрги довругини бутун мамлакатимизга таратдилар.

Улар орасида, айниқса, дилбар шоир Ҳамид Олимжоннинг ижоди минглаб адабиёт муҳлислари қалбидан мустаҳкам жой олган.

Жizzах номи шу заминдан чиққан, ҳалқимиз, мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк инсон Шароф Рашидовнинг номи билан чамбарчас боеланиб кетган. Бугунги Ўзбекистон тараққиётига ҳал қилувчи таъсир ўтказаёттани корхона ва иншоотларнинг қурилишига, юртимиз ривожига, унинг обод бўлишига улкан ҳисса қўшган бу инсонларвар зотнинг хотираси ҳалқимиз юрагида тоабад яшайди.

Мамлакатимизда биринчилар қатори Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Парда Зиёдов, номдор пахтакорлар Ортиқбай Раҳматов, Инъомжон Исоқов,

шоира Шарофат Ботирова, таниқли илм-фан вакиллари Ўқтам Орипов, Носир Рашидов, Ўрол Носиров, Тоир Муқимов, Қаҳдор Ҳожиматов, Саримбек Наврӯзов каби эл-юрт ҳурматини қозонган фидойи инсонлар бугунги кунда ҳам Жиззах шұхратига шұхрат құшмоқдалар.

Вилоятда 70 дан зиёд миллат вакиллари яшаб мәднэт қылмокда. Қозоқ оқсоқоли Бегим Сериков, қирғиз Саттор Усмонов, тожик Шоди Шавқиев, корейс Ольга Хван каби ватандошларимиз халқларимиз ўртасидаги дүстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда ибрат құрсатмокда.

Бир сұз билан айттанды, Жиззах даштларини ўзлаштириб, обод қилишда унтутилмас хизматлар қылған кишиларнинг, шу заминга меҳр ва садоқат күрсатыб яшаёттан барча юртдошларимизнинг мәднэтига ҳар қандай таҳсин айтсак, арзиди.

Хурматли дүстлар!

Жиззах вилояты ўзининг моддий ва маънавий салоҳијати, ишлаб чиқариш күлами ва деңқончилик маҳсулотлари етказиш бўйича юртимиз халқ хўжалигига салмоқти ўринга эга.

Бу ҳақда сўз юритишдан олдин мамлакатимизда, хусусан, Жиззах вилоятида ҳозиргача қилинган ишларга холосона баҳо берсак, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини белгиласак, мавжуд имкониятларимиз, ҳали ишга солинмаган ички ресурсларимиздан келиб чиқсан ҳолда, истиқбол режаларимизни аниқлаб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Бу борада биргина мисол келтирмоқчиман.

Маълумки, 90-йилларнинг бошида собиқ шўро ҳудудида рўй берган иқтисодий таназзул натижасида бизнинг юртимизда, жумладан, Жиззахда ҳам айрим ишлаб чиқариш корхоналари тўхтаб қолган эди. Вилоят марказидаги ишқорли аккумуляторлар ишлаб чиқарадиган завод бир неча йил давомида маҳсулот бермади.

Бугунги кунда шу завод негизида Американинг "Эксайд" фирмаси билан ҳамкорликда йилига 1 миллион дона қўрошинли аккумулятор батареялари ишлаб чиқарадиган ҳамда 8 минг тонна иккиласмчи қўрошинни қайта ишлаш қувва-

тига эга бўлган "Узэкслайд" кўшма корхонаси ташкил этилди. Бунга 78 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармоя жалб қилинмоқда.

Насиб этса, 2000-2001 йилларда 450 киши меҳнат қила-диган бу корхона ишга тушади. Завод маҳсулотининг 50 фоизи экспорт қилинади.

Айтиш мумкинки, ҳали бу корхона қошида яна янги янги ишлаб чиқариш кувватлари, хизмат кўрсатувчи соҳалар, маданий-маший тармоқлар ривожланади. Бу эса яна қўшимча минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради. Айни вақтда, мавжуд қийинчилкларга қарамасдан қурилган бу заводни валюта ишлаш ва янги иш жойлари ташкил қилишнинг бир намунаси десак, хато бўлмайди.

Ёки яна бир мисол.

Жиззахдаги куюв-механика заводи қурилиши ҳам туғалланмай ётган эди. У Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфига ўtkазилиб, ишлаб чиқариш марказига айлантирилди. Ҳозирги кунда бир неча турдаги ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, бу ерда тайёрла-наётган йўлак шпиталарига талаб катта.

Енгил саноат тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида хорижий сармоялар иштироқида яна бир неча қўшма корхоналар барпо этилди. Айни пайтда "Жизантеп", "Жибри", "МК Трайдинг" каби 16 та қўшма корхона саноат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Умуман олганда, 1991 йилдан 1999 йилгача бўлган даврда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми уч баробар ортиди.

Ҳозирги кунда Учкулоч конидан йилига 2 миллион тонна кўрёшин-рухrudаси олинмоқда. Оқтош, Қоратош, Узук мармар конларида ҳам харидоригир маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Вилоятда, шунингдек, йилига 100 минг тонна оҳак тайёрловчи завод ишлаб турибди. Жиззак пластмасса заводи қошида эса йилига 300 минг дона чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.

Кишлоққа саноатни олиб келиш – ислоҳотларнинг муҳим бир қисмидир. Шу маънода Бахмал туманида 10 мил-

лион дона фишт ишлаб чиқарадиган, Зарбдор туманида 8 минг тонна пахта толасини қайта ишлайдиган, Фориш туманида эса 860 минг тонна оқактошни парчалайдиган корхоналар ишлаб турғани эътиборга мөлиқдир.

Жиззах вилоятида қазилма бойликларнинг катта миқдордаги захиралари мавжуд. Бахмал, Галлаорол, Зомин, Фориш ва Зафаробод туманларида жойлашган конлар бағрида олтин, кумуш, вольфрам, қўрғошин, рух, темир, гранит, корунд каби ноёб моддалар бор. Улардан халқ манфаати йўлида фойдаланиш истиқболдаги мұхим вазифаларимиздан биридир.

Замонавий алоқа воситаларини кенгайтириш соҳасида қилинган ишлар ҳақида алоҳида гапириш ўринли, деб ўйлайман. Куни кечада Жиззахда индонезиялик ҳамкорлар билан Япониядан 35 миллион АҚШ доллари миқдоридағи мукаммал алоқа ускуналари олиб келиниб, ишга туширилгани -- бунинг яна бир далилидир.

Бу катта ишнинг боштаниши, холос. Вилоятда 2003 йилгача яна 150 миллион АҚШ доллари ҳажмида хорижий сармоя ўзлаштирилиб, янги алоқа тармоғи вужудга келтирилади. Натижада Фориш, Бахмал, Галлаорол сингари туманларимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам дунёнинг исталған нүктаси билан боғланиш имконияти туғилади.

### Мұхтарам биродарлар!

Вилоятда қишлоқ хўжалигини замон талаблари асосида ислоқ қилиш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, узоқ вақтлардан бери ўз ҳолига ташлаб қўйилган ариқ-зовурлар, дренаж қувурлари тозаланиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастлабки мұхим қадамлар қўйилди. Лекин бу борадаги ишлар ҳали етарли эмас.

Кишлоқ хўжалиги самараадорлигини оширишда мулчиликнинг шаклини ўзгартириш, ерни ўз эгасига топшириш, илғор технологияларни қўллаш ижобий натижа бериши шубҳасиз.

Шу маънода бугун вилоят далаларида Американинг 128 та "Кейс" ғалла комбайни, 107 та пахта териш комбайни,

206 та "Магнум" трактори юксак унум билан ишлатилаёттани эришилган ютуқларда муҳим омил бўлди.

Вилоятдаги мавжуд 128 та хўжаликдан 125 таси бугунги кунда нодавлат мулк шаклига эга.

Вилоятда ерга бўйлан муносабат ўзгараёттанини фермер, деҳқон хўжаликларининг сони тобора ортиб бораётганидан ҳам билса бўлади.

1994 йилда вилоятда 1600 га яқин деҳқон ва фермер хўжалиги бўлиб, уларнинг ихтиёрида 50 минг гектар ер бўлган бўлса, 1999 йилда бу рақам икки ярим баробар ортиб, улар тасарруфидаги ер майдони 116 минг гектардан ошгани кўп нарсани англатади.

Агар ер ўзининг ҳақиқий эгасини топса, у қандай натижаларга олиб келишини қутидаги мисолда яққол кўриш мумкин.

Яхши биласизлар, Арнасой тумани кўп йилдан бўён пахта тайёрлаш режасини бажармай келарди. Бу йил тумандаги 11 та қолоқ хўжалик тарқатилиб, уларнинг ер майдони деҳқон ва фермерларга бўлиб берилди. Бунинг натижаси бир йилдаёқ кўзга яққол кўринди-қолди. Туман пахта, галла топшириш бўйича шартнома режаларини ортиғи билан бажарди.

Зафаробод туманида ҳам бу тажриба ижобий самара берганини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Ёки яна бошқа бир мисол.

Дўстлик туманидаги "Манаc" ижара ширкатлар бирлашмасида Гадойбой Шодиев бошлиқ фермер хўжалиги бор. У ўз фарзандлари ва набиралари билан 21 киши бўлиб деҳқончилик қиласи. Тўрт йилдирки, бу фермер хўжалиги юқори ҳосил олади. Бу йилги ҳосилдорлик 41 центнерни ташкил этди. Албатта, даромад ҳам шунга яраша бўлди. Ҳозирги кунда бу хўжаликнинг битта "КамАЗ" машинаси, иккита "Алтай", учта "Беларусь" трактори, учта енгил машинаси бор.

Ҳалол меҳнати билан ўзига ҳам, оиласига ҳам, элу юртта ҳам катта наф келтираётган шундай одамларга ҳар қанча ҳавас қиласак, уларга раҳмат айтсак, арзиди.

### Мұхтарам биродарлар!

Яхши биласизларки, Жizzах вилоятининг иқлим шароити бир қанча үзига хос хусусиятларга эга. Мисол учун, бир жойда ҳосил тақдирі ёғингарчилік билан боғлиқ бўлса, яна бир жойда сугориш артезиан кудуқлари, бошқа ҳудудда эса дарё суви ҳисобидан амалга оширилади. Шу сабабли дехқончилик ривожи Жанубий Мирзачўл канали, Жizzах, Зомин, Қоровултепа сув омборлари, Жizzах бош насос станцияси каби мұхим ва йирик сугориш иншоотларидан қайдаражада омилкорлик билан фойдаланишимизга боғлиқ.

Хўш, қишлоқ ҳўжалиги самара дорлигини ошириш, мўлжалот маҳсулот етказиш учун, аввало, нима талаб қилинади? Табиийки, ер керак. Бу масала бўйича, айтайлик, Фарғона водийиси вилоятларида қийинчилік бўлиши мумкин, аммо сизларда бундай муаммо йўқ.

Шу муносабат билан вилоят иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ, ҳаммамизни ўйлантириб турган қуйидаги муаммоларни ҳал этиш зарур.

**Биринчидан.** Вилоятдаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш. Бунда хорижий инвестициялар ва ички имкониятларимиздан фойдаланиш.

**Иккимчидан.** Ер ресурсларидан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш. Қишлоқ ҳўжалигига мулк шаклини ижобий самара берадиган асосда ўзгартириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш.

**Учинчидан.** Қишлоқ ҳўжалигидаги сув танқислиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қулиш мақсадида аниқ чоралар кўриш. Жумладан, 2001-2005 йиллар мобайнида Зомин сув омбори ҳавзаси ва Зарафшон дарёсидан тортиладиган 213 километрлик минтақавий сув ўтказиш тармоғи курилишини туталлаш.

**Тўртмичидан.** Аҳолини иш билан банд қилиш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиб, меҳнат бозорини шакллантириш. Бу борада вилоят бўйича маҳсус дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 2005 йилгача кўшимча 60 минг янги иш ўринларини ташкил этиш.

Хурматли сайловчилар!

Менинг сайловолди дастуримда бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги вақтда Жиззах вилояти бўйича 12 минг 300 кишининг бандлик хизматларида рўйхатда тургани муаммонинг нечоғлиқ муҳимлигини кўрсатади.

Шу ўринда бир ҳакиқатни айтиб ўтсам. Бу рақам – статистика идораларининг берган маълумоти. Ҳаётда эса, афсуски, кўпинча бундай қофозлар ҳакиқий аҳволни акс эттиrolмайди. Буни очиқ тан олиб айтишимиз керак. Ҳатто, шундай одамлар ҳам борки, иш сўраб бориладиган идора қаердалигини ҳам билмайди. Демак, меҳнатта лаёқатли бу одамларга муносиб иш топиб бериш, уларниңг муаммоларини ҳал қилиш – энг муҳим вазифамиздир.

Хурматли Жиззах аҳли!

Юртимизда амалга оширилаётган жамики ўзгаришлар, ислоҳотларнинг бош мақсади – ҳалқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат эканини яхши биласизлар. Айниқса, бу борада аҳолини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш масаласи алоҳида аҳамиятта эга.

Вилоятда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан катта ишлар қилинди. Таққослаш учун эътиборингизга иккита рақамни ҳавола этмоқчиман. Ўйлайманки, уларни қиёслаб, ўзингиз бу ҳақда аниқ тасаввур ҳосил қиласиз.

Мисол учун, 1995 йили вилоят аҳолисини табий газ билан таъминлаш 52 фоизни ташкил этган бўлса, бутунги кунга келиб бу кўрсаткич 72 фоизга етди. Тоза ичимлик суви билан таъминлаш эса шу давр мобайнида 56 фоиздан 76 фоизга кўтарилди.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ўтиш даврининг ҳозирги қийин иқтисодий шароитида, бор-йўғи тўрт йил ичida бундай катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди.

Албатта, бу соҳада қилган ишларимиз ҳали бизни қониқтирумайди. Шу сабабли 2000-2005 йиллар мобайнида вилоят бўйича аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъ-

минлаш даражасини тегишли тарзда 91 ва 92 фоизга етказиш мўлжалланмокда. Бунда 7 миллиард сўм капитал маблағ сарфланиб, 2003 йилда ишга тушириладиган Зо мин — Дашибод — Зарбдор ҳамда Зарабашон — Мирзачўл ичимлик суви тармоғи муҳим аҳамият касб этади.

Ўйлайманки, мўлжалдаги ана шу ишлар амалга оширилгач, Жиззах вилоятида бу борадаги аҳвол тубдан яхшиланади.

Қадрли дўстлар!

Хабарингиз бор, биз 2000 йилни мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қилдик. Ёш авлод ҳақида доимий ғамхўрлик — ижтимоий сиёсатимизнинг узвий қисмидир.

Ёшлар тарбияси, баркамол авлод деганда, биз Ўзбекистонинг буюк келажагини назарда тутамиз. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, 2005 йилгача кўшимча равишда 36 минг ўкувчи ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Вилоятдаги 2 та олий ўкув юргида 3 минг 360 нафар тараба, 16 та ўрта маҳсус ўкув юрти ва коллежларда 11 минг 600 дан зиёд ёшлар таълим олмоқда.

Қадрлар тайёрлашнинг миллий дастурига мувофиқ, ҳозирги кунда вилоятда 4 та касб-хунар коллежи ва битта академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Шу кунларда вилоятнинг барча туманларида биттадан, жами 12 та коллеж ва 1 та академик лицей курилиши бошлаб юборилган. 2005 йилгача эса яна 89 та касб-хунар коллежи ва 5 та академик лицей куриш режалаштирилган.

Бугунги кунда вилоятдан 21 нафар ўғил-қизимиз "Умид" жамғармаси йўлланмаси билан дунёнинг манаман деган олий ўкув юртларида таҳсил олаётгани жиззахлик фарзандларимизнинг билимга чанқоқлиги ва тиришқоқлигидан далолатдир.

Мактаб-маориф ҳақида сўз юритар эканмиз, мен ҳозирги ўтиш даврида ҳаёт қийинчилкларига мардана бардош бериб, ўз касбига садоқат кўрсатиб, ёш авлодга билим ва тарбия бериб келаётган минглаб фидойи муаллимларимизни, мураббий ва устозларни алоҳида хурмат билан тилга олмоқчиман.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистонни 2005 йилгача бўлган даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида бу тоифа вакилларига муносаб маддий шарт-шароит ва имтиёзлар яратиб бериш алоҳида кўзда тутилган.

**Хурматли дўстлар!**

Халқ саломатлигини сақлаш масаласига Жиззах вилоятида, бутун мамлакатда бўлгани каби, устувор вазифа деб қаралмоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда 59 та касалхона, 170 дан ортиқ амбулатория-поликлиника, жумладан, 72 та қишлоқ шифокорлик амбулаторияси ва 32 та қишлоқ шифокорлик пункти ишлаб турибди.

Айни пайтда Жиззах шаҳрида замонавий тез тиббий ёрдам маркази реконструкция қилинмоқда. Марказ янги йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилади.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2002 йилгача 112 та қишлоқ врачлик пункти қуриш кўзда тутилмоқда. Бу мақсад учун 1 миллиард 600 миллион сўм капитал маблағ ажратилиди. Шунингдек, 2000 йилда Бахмал туманида 260 ўринли шифохона беморларга хизмат кўрсата бошлайди.

Жиззах табиати соғломлаштириш масканлари яратиш учун жуда қулай. Вилоятнинг тоғ ва тоғ ёнбағирларидан иборат жойларида таркибида темир, олтингугурт, водород, радий, кремний кислотаси, карбон гази, турли ишқорли мъданлар мавжуд бўлган бир қатор шифобахш сув манбалари бор. Зомин, Фаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларида шундай шифобахш сув ва мъданлар билан даволовчи сиҳатгоҳлар ишлаб турибди. Бундай шифо масканларини кўпайтириш бўйича вилоятда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд. Бинобарин, бу соҳада кўп иш қилишимизга тўғри келади. Бунга биз алоҳида эътибор беришимиз керак.

**Муҳтарам юртдошлар!**

Биз ҳар бир янги йилга яхши ният билан ном берамиз. Ўтиб бораётган йилимизни Аёллар йили деб атаган эдик. Шу муносабат билан вилоятда хотин-қизларимизнинг мавқенини кўтариш, уларга муносаб турмуш шароитлари яратиб бериш бўйича кўп-кўп савобли ишлар бажарилди.

Жумладан, "Оналик ва болаликни мұхофаза қилиш маркази"ни таъмирлашға 111 миллион сүм, барча кулайликларга эга бұлған 200 ўринли замонавий туғруқхона қурилишіта 250 миллион сүм маблағ сарфланды. Вилоят, туман миқёсіда хотин-қызлар масалалари бүйічә ҳоким ўринбосарлари фаолият күрсатишини яхши биласылар. Жиззах вилоятида эса бундай лавозимлар ҳар бир хұжалик бүйічә таъсис этилгани диктатта сазовордир.

Ўзбекистондаги әнг ёши улуг момо — Тоқчилик қишлоғида яшайдиган 122 яшар Лутфи Шодиева юргимизнинг табаррук инсонларидан биридир. Чunksи, юз үйлдан ортиқ умр күриш — ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган баҳт.

Вилоядта бир асрдан ортиқ умр күраёттан 90 дан зиёд пиру бадавлат отахону онахон, 79 минг 400 нафақадор бор. Уларга алоҳида ҳурмат-эхтиром күрсатиш, дуосини олиш — барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

#### Азиз юртдошлар!

Ватанимизнинг ҳавфсизлигини таъминлаш — барчамизнинг бутунги әнг асосий иштесеміз бүлмоги шарт. Ҳалқимизнинг осуда ҳәётини сақлаш йўлида туну кун амалга ошираётган ишларимиз барчангизга маълум. Эндиликда одамларимиз дўст ким, душман кимлигини яхши билиб олди.

Мамлакатимиз ҳәётига таҳлика солиши мумкин бўлган турли ҳавф-хатарлар ҳақида гап борар экан, мен биринчи галда жамиятни ичидан емирадиган бепарвонлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик асоратларини, амалдорлар орасидаги коррупция, порахўрлик, таъмагирлик каби ярамас илияларни йўқ қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайман.

Ватанини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг муқаддас вазифасидир. Бу ҳақиқат, айниқса, ҳозирги кунда чегара худудида жойлашган Жиззах вилоятида янада мухим аҳамият касб этмокда.

Айнан Жиззах вилоятида Марказий ҳарбий округ ташкил этилгани эл-юрг тинчлигини, сарҳадларимиз даҳлизилигини сақлаш борасида қилинаётган амалий ишларимизнинг яна бир кўринишидир.

Яхши биласизки, Жиззахда истиқлолнинг дастлабки йилларида ҳарбий учувчилар тайёрлайдиган олий билим юрти ташкил этган эдик. Мазкур билим юртида таҳсил кўраётган ботир ўғлонларимиз осмонимизнинг мусаффо-лигини, халқимизнинг осойишта ҳаётини садоқат билан ҳимоя қилиши шубҳасиз.

Айтмоқчиманки, чегараларимиз мустаҳкам, посбон-ларимиз ҳар қандай тажовузларни бартараф этишга қодир. Бу масалада Жиззах халқи, бутун мамлакатимиз аҳли бе-хавотир ва хотиржам бўлиб, ўз тинч меҳнати билан банд бўлавериши мумкин.

#### Хурматли биродарлар!

Жиззахлик спортчилар эришаётган катта ютуқлар ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтмоқчиман. Жаҳон бокс майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтарган, давлатимиз мадҳиясининг янграшига сабаб бўлган жаҳон чемпиони Лазиз Зокиров ҳам Жиззах фарзандидир. Бугунги кунда бу азамат йигитимиз эришган зафарлар билан бутун Ўзбекистон фахрланади.

Миллий спорт турларига, халқ ўйинлариiga Жиззахда алоҳида эътибор бериляпти. Яқинда Жиззах шаҳрида республика хотин-қизлари ўртасида ўтказилган "Тўмарис мусобақалари" ҳам ана шу ишларнинг мантиқий давомидир.

Вилоят марказида спортнинг жуда кўп турлари билан шугулланиш имконини берадиган улкан спорт мажмуи жадал суръатлар билан барпо қилинмоқда. Бу қурилишга 1 миллиард 200 милион сўм ҳажмидаги капитал маблағ сарфланаётгани адоли саломатлигини мустаҳкамлашга қарати-лаётган катта эътибордан далолат беради. Насиб бўлса, бу иншоот Наврӯз кунларида жиззахликларга хизмат қила бошлияди.

#### Қадрли дўстлар!

Истиқлол йилларида мамлакатимизда кўплаб янги-янги курилишлар, туаржой бинолари, боф-роглар, маданий-маишӣ иншоотлар, равон йўллару муҳташам кўприклар барпо этилмоқда. Халқимиз: "Биздан озод ва обод Ватан қолсин!" деган улуғ шиорни, буюк интилишни қалбига жо қилиб, бекиёс ишларни амалга оширмоқда.

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

Сизнинг вилоятингизда ҳам бу борада қилинаётган салмоқли ишлар кишини қувонтиради. Вилоят марказининг ўзида 20 та бир-биридан чиройли маҳалла гузари, Истиқлол боғи, болалар аквапарки, Санзоркўл дам олиши маскани, ёпиқ сув спорти саройи, халқаро талабларга жавоб берадиган теннис корти, Хотира хиёбони, “Манавият ва маърифат” маркази вилоят бўлимининг муҳташам биноси барпо этилгани бунинг тасдидидир.

**Муҳтарам биродарлар!**

Бугун бағри кенг, фурури баланд, заҳматкаш Жizzах халқи янги-янги мэрраларга эришиш мақсадида астойдил бел боелаб меҳнат қилмоқда. Албатта, барчамиз яхши тушунамиз — ҳәётимизда ҳали бошимиздан ошиб-тошиб ёттан муаммо ва қийинчиликлар мавжуд. Оддимизда ҳали кўп синовлар турибди.

Лекин мен ўзимга бир ҳақиқатни англаб олганимни сизларга аён қилмоқчиман. Агар Жizzах эл-юргининг ишончини қозониб, уларнинг қалбида бўлган орзу-умидларини англаб, фурур ва ифтихорини уйғотиб, юрак-юрагига етиб борсангиз, бу халқ, бу эл ҳар қандай қийинчиликлар ва синовларга бардош бериб, кўзланган марраларни эгаллайди, ўз мақсадларига албатта етади.

Бу ҳақиқатни мен ўз ҳәётимда, ўз тажрибамда кўп йиллар давомида кузатдим, бу халққа ишондим — инондим.

Сиз — азизларга соғлиқ-омонлиқ, бахту саодат, янги-янги зафарлар тилайман.

Ҳамиша осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин!

*Жizzах вилояти сайловчилари вакиллари  
 билан учрашуеда сўзланган нутқ,  
 1999 йил 9 декабрь*

---

## ХАЛҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ОЛИЙ БАХТ!

Ассалому алайкум, қадрли дүстлар!

Мұхтарам ватандошлар!

Аввалимбет, бугун гүзіл Сирдарә заминида сиз — мұхтарам жортдошларим билан учрашганимдан хурсанд бүлганимни ва барчанғызға, сиз орқали бутун Сирдарә ақылға ўз хүрмат-әхтиромимні билдиримоқчиман.

9 январь куни бүладиган Президентлик сайловида биз давлат раҳбари, халқ тили билан айтганда, Юртбошини сайлаймыз.

Мен Юртбоши деганда, аввало, бутун бир мамлакат, бутун бир давлат тақдиди учун масъул, шу жортда яшайдыған, ҳаёт кечирадиган миллионлаб одамларнинг дүнекара-шини, тафаккурини, халқнинг эңг өзгү орзу-умидларини ўзида мужассам этадиган ва шу интилишларни рүёбга чи-каришға қодир бүлган одамни тушунаман.

Юртбоши деганда, том маңнода катта ҳаёттій тажри-бага, кенг ва чуқур билимга эга бўлган, бошқаларга нис-батан узокроқни кўрадиган раҳбарни кўз ўнгимдан ўтка-заман.

Мен Йўлбошчи деганда, бугунги ўта мураккаб, таҳли-кали замонда ғоят мұхим, шу билан бирга, нозик ва қал-тис муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, негизига етиб бо-риб, ҳар қандай вазиятда ҳам — сиёсий, иқтисодий, маъ-навий ҳаётимизнинг барча йўналиш ва жараёнларида ҳам — ягона тўғри йўл, оқилона ечим топа оладиган одамни назарда тутаман.

Мен давлат раҳбари, Президент деганда, фақат хори-жий ўлкаларга бориб, у мамлакатларнинг бошлиқлари би-лан учрашиб қўл олишадиган кишини эмас, балки ўз дав-

латининг, ўз халқининг миллий манбаатларини тўла ифода эта оладиган ва қатъият билан ҳимоя қила оладиган одамни тасаввур қиласман.

Кисқа қилиб айтганда, Юртбоши — ниҳоят даражада оғир, мураккаб ва масъулиятли бир вазифани ўз зиммасига олиб, унга инонган одамларнинг ишончини оқлаш учун — бу балаандпарвоз гап бўлиб туюлмасин — шу олий мақсад йўлида ўз ҳаётини фидо қилишга ҳам тайёр туриши зарур.

Менинг номзодимни ана шундай юксак масъулиятли лавозим — Президентликка кўрсатган, қўллаб-куватлаган Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашига, барча сирдарёлик фуқароларга чин қалбимдан ташаккур айтаман.

Мана, ҳозиргина ҳурматли ишончли вакилим Сайдулла Абдуқодиров сизларни менинг таржимаи ҳолим ва сайловолди дастурим билан таништирди.

Ўйлайманки, менинг таржимаи ҳолим, ҳаёт йўлим, фалиятим, Ватанимизнинг мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва фаровон турмуши йўлида нимаики иш қилган бўлсам, буларнинг барчаси сизларга озми-кўпми маълум.

Чунки бу улугвор ишларни биз бутун халқимиз, жумладан, вакиллари мана шу залда ўтирган Сирдарё аҳли билан биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб амалга оширидик. Нималарга, қандай мэрраларга эришган бўлсак, барча-барчасининг негизида бағри кент, танти халқимизнинг меҳнати, орзу-умидлари, интилишлари мужассамдир. Барчамизни бирлаштиридиган ягона мақсад — Ўзбекистонимизни буюк ва қудратли давлатта айлантириш, эл-юртимиз учун фаровон ҳаётга эришиш, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

### Қадрли дўстлар!

Менинг бугунги учрашувдан асосий мақсадим — аввалио, сиз — азизлар билан дийдор кўришиш. Чунки мана шу залда ўтирганларнинг аксариятини, узоқ-яқиндан бўлса ҳам, танийман, кўп йиллар давомида, қаерда бўлса ҳам, учрашганман, сұхбат курганман. Ва шундан баҳтиёрман.

Шу учрашувлардан фойдаланиб, мана шу тупроқда яшаётган инсонлардан ҳол-аҳвол сўраш, бугунги ҳаёт му-

аммолари ҳақида, эртанги режаларимиз, орзу-ниятларимиз, мақсадларимиз ҳақида фикр алмашиб олишдир.

Мақсад аниқ – қандай қилиб бугун ҳаётимизда йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, нуқсонлар, адолатсизликни бартараф этиш, ишимизнинг самарасини ошириш ҳисобидан ҳалқимизнинг оғирини енгил қилиш, одамларни рози қилиш мумкин?

Рұксатингиз билан, аввало, Сирдарё вилоятининг салоҳияти ва имкониятлари ҳақида тўхталиб ўтсан.

Бугунги кунда Сирдарё мамлакатимиз иқтисодиётида салмоқли ўринга эга.

Саноат соҳасини олсак, ўнлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари Сирдарё вилоятида жойлашган.

Шу маънода Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр кувватининг қарийб учдан бир қисмини етказиб берувчи Сирдарё ГРЭСи ҳақида гапирсак, ҳар томонлама ўринлайдир.

Вилоятда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йилда тўрт миллиард сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилга келиб қирқ миллиард сўмга етди.

Охиригина йилларда Гулистандаги ёғ-экстракт, қурилиш ашёлари, пакта тозалаш заводлари қаторига хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган йигирмадан ортиқ янги-янги корхоналар қўшилди.

Хозирги вақтда Сирдарё вилояти бўйича машинасозлик комплексида 2 миллиондан ортиқ, кимё саноатида 6 миллиондан кўпроқ, электротехника саноатида тахминан 2 миллион АКШ доллари миқдоридаги бир қанча йирик лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати бўйича 55 миллион, паррандачиликка ихтисослашган хўжаликлар базасида умумий миқдори 10 миллион, балиқчилик соҳасида 700 минг доллар миқдорида хорижий инвестициялар киритилиб, қўшма корхоналар ташкил қилиш ишлари давом этмоқда.

Мана шу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ўн минг, кичик корхоналар ҳисобидан эса ўн беш минг янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.

Лекин, шуни алоҳида таъкидлассимиз лозимки, бандлик хизмати идораларида ҳали кўпгина кишининг рўйхатда тургани бу масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Ва шу муаммоларни ҳал қилишда Сирдарё вилоятида ҳали кўп масалаларни ечиш, аввало, кичик ва ўрта бизнес ҳаракатини ривожлантириш, бозор инфратузилмасини барпо этиш йўлида кўпгина тўсик-ғовларни олиб ташлаш бугун кун тартибида энг зарур вазифа бўлиб турибди.

Хурматли дўстлар!

Сирдарё вилояти мамлакат агросаноат мажмуида муҳим ўрин эгаллайди, дейишга барча асосимиз бор. Чунки вилоят пахта, ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етишириш бўйича кент имкониятларга эга.

Вилоятда давлатта пилла, ғалла топшириш режалари бажарилмоқда. Аммо, афсуски, сирдарёликлар бир неча йилдан бўён пахта тайёрлаш режаларини улдалай олмаяптилар. Гарчи жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан 80 минг тонна кўп пахта тайёрланган бўлса-да, вилоят бўйича режа бажарилмади. Бу ҳол, табиийки, одамларнинг даромадига, уларнинг турмуш даражасига салбий таъсир қиласди. Бу ҳақда ҳаммамиз биргаликда жиддий бош қотиришимиз керак.

Лекин Боёвут, Ховос, Гулистон ва Сайхунобод туманлари пахтакорларининг йиллик режани улдалагани, боёвутлик Мирзаев ва Бойматов, сайхунободлик Норов ва Тошибулотов бошлиқ оиласидан пудрат жамоалари, Гулистон туманидаги Абзалов ва Кудратов, ховослик Хўжамуродов ва Хотамов бошлиқ фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 35-40 центнерни ташкил этгани бу борада амалий имкониятлар борлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, адолат юзасидан бир ҳолатни тан олиш лозим: Сирдарё вилояти деҳқонлари мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан жиддий фарқ қиласидиган — ёзи иссиқ ва куруқ келадиган оғир бир шароитда ҳосил етиширадилар.

Сугориладиган ерларнинг аксарият қисми турли даражада шўрлангани, мавсумий гармсеп ва Бекобод шамоли деҳкончиллик учун иокулай шароитларни келтириб чиқаради.

Қадрли Сирдарё аҳли!

Албатта, қийинчилликлар ва турли муаммолар ўз йўли билан, лекин, авваламбор, шу заминда, шу диёрда яшайдиган, кун кўрадиган аҳолининг тақдирини, ҳаёт тарзини, эрганги истиқболини инобатта олган ҳолда, кўл қовуштириб ўтирумасдан, мана шундай оғир вазиятда барча куч-қудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар ҳилиб, шу масалаларнинг ечимини топишимиз зарур.

Сирдарё вилоятининг ижтимоий-иктисодий тараққиётини жадаллаштириши, бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ўйлайман:

**Биринчидан.** Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобидан унумдорликни ошириш. Табиийки, бунга жуда катта маблағ талаб этилади. Чунки, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммони бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Лекин уни хорижий сармоялар ва ўз ички имкониятларимиздан фойдаланиб, изчил режа асосида, босқичма-босқич бажариш мумкин.

Бу йўлда дастлабки муҳим қадам кўйилди. Яқинда Ўзбекистон ва Осиё Таракқиёт банки ўртасида имзоланган шартномага кўра, республикамиз учун ажратилган 72 миллион АҚШ долларининг 48 миллиони айнан шу муаммони ҳал этиш учун сарф қилинади. Бу иш тупроқ шароити энг оғир бўлган Оқолтин туманидан бошланади.

**Иккичидан.** Вилоят ҳудудида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибини ўзгартириши масаласи турибди. Бунда кам ҳосил берадиган ерларга яхши ҳосил берадиган бошқа экин турларини экиш тажрибасини кенг қўллаш кераклитетини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Масалан, гектаридан ўн центнердан ортиқ, пахта бермайдиган ерларга бошқа харидоргир, серҳосил экинлар экиш. Мисол учун, аввало, ана шундай ерлар ҳисобидан вилоятдаги шолизорларни кўпайтириб, маълум даражада қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириб, деҳқоннинг косасини оқартириш мумкин.

**Учинчидан.** Сирдарё вилоятида бошқа вилоятларга нисбатан энг долзарб масала — фермерлик ҳаракатини

кенг кўламда ривожлантириш, ана шу мақсадда барча имтиёзли шарт-шароитларни ташкил қилиб бериш. Минг афсус, шуни барчамиз тан олишимиз керакки, кечаги совхоз, яъни давлат хўжаликлари Сирдарёда ўз номини ўзгартирган бўлса ҳам, амалда эски иш услублари сақлашиб қолмоқда. Аввало, дехқонларда эгалик ҳиссиётини тарбиялаш, уларга тегишли шароит яратиб бериш масаласида биз ҳали-бери амалий ишларга ўтаётганимиз йўқ.

**Тўртингичдан.** Кишлоқ хўжалигини замонавий техника воситалари билан тъминлаш даражасини ошириш. Вилоятда сув ресурслари ва ишчи кучининг чекланганлигини ҳисобга олиб, илғор технологияларни жорий этиш. Оқар сув захираларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш учун маҳсус дастур ишлаб чиқиш кераклигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

**Бешингичдан.** Кишлоқ хўжалиги ишларига мавсумий ишчи ва ҳашарчиларни жалб этиш тажрибаси катта сарф-харажатларга сабаб бўлаёттанини ҳисобга олиб, бу маблағларни қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга ўналтириш кўпроқ самара беради. Аввало, шу заминда, шу тупроқда яшаётган, хизмат қиласётган меҳнаткашларнинг дардини ўйлаб, уларга муносиб маиший шарт-шароит туғдириб бериш кераклигини яхши англаб олишимиз даркор.

Мисол учун, биргина жорий йилнинг ўзида четдан олиб келинган турли ёрдамчи ва ҳашарчиларга 500 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланган. Аммо бунинг қандай натижага бергани сизларга яхши маълум.

Ўзингиз ўйланг, агар биз зарур имкониятни яратиб берсак, ўй-жойини тўғрилаб берсак, йўли, гази, сувини ҳал қилиб берсак, айтайлик, Фарғона, Андижон ёки Наманганд вилоятларидаги иш тополмай юрган, лекин тоғни урса, талқон қиласиган одамлар бу жойларга доимий яшаш, ишлаш учун жон-жон деб келмайдими?

Сирдарё вилоятига тегишли мана шу ва бошқа муҳим муаммоларни ечиш учун маҳсус бир ҳукумат комиссиясини тузиб, беш-ён йиллар давомида амалга оширишга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Азиз биродарлар!

Бир нарсанни барчамиз яхши англаб олғанмиз: ҳар қандай ислоҳот, иқтисодиётдаги ҳар қандай натижанинг пировард мақсади — инсон, унинг манфаатларига, кишилар турмушини, машший шароитини яхшилаш, фаровонлик даражасини юксалтиришга хизмат қилиши даркор.

Шу нүктан изардан қараганда, охирги йилларда Сирдарё вилоятида амалга оширилган ишларга холисона баҳо берсак, долзарб ижтимоий масалаларни ҳал қилиш борасида сезиларли силдишлар бўлаётганини эътироф этишмиз керак.

Буни биргина мисол, яъни аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан тъминлаш масаласи бўйича кўриб чиқайлик.

Вилоятда аҳолининг тоза ичимлик суви билан тъминланishi 1991 йилда атиги 64 фоиз бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 93 фоизга етказилди.

Яъни эски замонда ўн йиллар давомида бажарилмаган ишларни бор-йўғи охирги етти-саккиз йилда бажарганимиз, шу билан аҳолининг, одамларимизнинг қанча-қанча юмушлари, муаммоларини, жумбокларини очиб берганимизни ҳисобга олсак, кўп нарсанни англаб олишимиз мумкин. Шундай ижобий гапларни аҳолини табиий газ билан тъминлаш хусусида ҳам айтиш мумкин.

Биргина шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоятда 100 километрдан ортиқ газ қувурлари ётқизилди. Газ билан тъминлаш даражаси 1991 йилда 66,5 фоиз бўлган бўлса, ҳозирга келиб 86 фоизга етказилди.

2005 йилгача бу кўрсаткични ҳам 96 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Кейинги саккиз йил мобайнида вилоят бўйича 63 минг оиласа томорқа ва уй-жой қуриш учун 12 минг гектарга яқин ер ажратилгани алоҳида эътиборга молик. Бу — аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, кўшимча даромад тошиш, бошқача айтганда, одамларни рози қилиш йўлида кўйилган мудим қадамдир. Бундай тажрибани ҳар томонлама қўллаб-кувватлашимиз даркор.

### Хурматли дўстлар!

Аҳоли саломатлиги тўғрисида қайгуриш, соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказиши соҳасида қилинаётган ишлардан хабардорсиз, албатта.

Бу борадаги ишларга ҳам қиёслаб баҳо берадиган бўлсак, шунун айтиш мумкинки, 1991 йили вилоят бўйича 40 та амбулатория ва фельдшерлик пункти бор эди. Сўнгти уч йилда яна 42 та янги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилиб, уларнинг умумий сони 82 тага етди.

Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, кардиология, неврология, травматология бўлимларига эга бўлган 100 ўринли вилоят соғломлаштириш-реабилитация маркази 2000 йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилади.

Биз аҳоли соғлигини сақлаш ҳақида қайгуриш билан бирга, шифокорлар, қишлоқ касалхоналарида хизмат қиладиган тиббиёт ходимларининг моддий-маиший эҳтиёжларини тўлароқ таъминлаш, уларнинг ўз фаолиятини самарали олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришмиз керак. Бу ҳақда менинг сайловолди дастуримда алоҳида кўрсатиб ўтилган.

### Мұхтарам юртдошлар!

Вилоят аҳолисининг қарийб ярмини 18 ёшгача бўлган ўигит-қизлар, болалар ташкил қиласди. Таълим-тарбия соҳасида ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгти йилларда Сирдарё шаҳридаги педагогика билим юрти, Гулистон тумани ва Ширин шаҳридаги хунартехника билим юртлари, Ширин шаҳридаги энергетика техникуми реконструкция қилиниб, коллежларга айлантирилди.

Вилоятда айни вақтда замон талабларига жавоб берадиган битта академик лицей фаолият кўрсатмоқда. 2005 йилгача вилоят бўйича 64 та коллеж ва 5 та академик лицей куриш режалаштирилган.

Ёш авлодимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, баҳтли бўлишлари учун олдимизга кўйилган маҳсад, ўйлайманки, ҳаммамизнинг ҳаётимиз мазмунига айланниши керак. Ана шу эзгу орзуимизни рўёбга чиқариш

мақсадида 1997 йили иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-кувватлаш "Умид" жамғармасини ташкил этган эдик. Бу борада катта ишлар амалга оширилаётганини жамоатчилигимиз билади, сизлар ҳам бундан яхши хабардорсиз.

Шу пайттacha 643 нафар иқтидорли фарзандимиз "Умид" жамғармаси танловида голиб чиқиб, чет элларда таълим олиш ҳукуқини кўлга кириттани барчамизни қувонтиради, албатта. Лекин ана шу ёшлардан атиги 13 таси сирдарёлик йигит-қизлар эканига нима дейсизлар? Сирдарёдек катта бир вилоят учун бу оз эмасми?

Кўриниб турибдики, бу борадаги ишларни кучайтириш, болаларимизга чуқур билим бериш, айниқса, чет тилларни пухта ўргатиш, лицей ва коллежларнинг сонини кўпайтириш ва уларга энг яхши мутахассисларни таклиф қилиш керак, деб ўйтайман.

Азиз биродарлар!

Халқимизда: "Ўнта бўлса, ўрни бошқа", — деган нақл бор. Ушбу мақолни республикамиз вилоятларига нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Шу маънода Сирдарё вилояти ҳам мамлакатимиз ҳаётида бетакрор ўрин ва салоҳиятта эга.

Мен тарихчиларимиз ишлатадиган бир маълумотни сира қабул қилолмайман. Нима эмиш, Сирдарёнинг тарихи 1963 йилдан бошланар эмиш! Гўёки, бу ерда вилоят ташкил этилгунча ҳаёт бўлмагандек. "Хой, барака топкур, бунақа бемаъни галини қаёқдан олдинг?" — дейдиган одам йўқ.

Сирдарё тарихи — халқимиз тарихининг узвий бир қисми сифатида узоқ ва қадимийdir. Зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да Сирдарё Дану деб, қадимги юонон тарихчилари асарларида эса Яхартес — Яксарт деб аталган. Юртимизга араблар кириб келганидан сўнг бу дарё солномаларда "Сайхун" деб юритила бошлаган.

Ана шу даврларга оид манбаларда Сирдарё атрофида яшаган халқлар, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақида муайян маълумотлар учрайди.

Тарихимиз ҳақида мушоҳада юритар эканман, яна бир ҳолат доимо эътиборимни ўзига тортади. Мустабид тузум

мафкурачилари ўтишимиизни камситишга, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни менсимасликка, дошишманд аждодларимизнинг теран тафаккури, ҳаёт фалсафаси билан йўғрилган анъаналаримизни топташга, бир сўз билан айтганда, тарихимизни сохталашибдишишга урингани сизларга яхши маълум.

Мисол қидириб узокқа боришининг ҳожати йўқ. Мана шу Мирзачўлнинг ўзлашибдиши ҳам етмиш йилга яқин пролетар доҳийсининг номи билан, гўёки у тузган режа билан боғлаб келингани ҳам ана шундай сиёсатнинг бир кўриниши эди.

Аслида, XV асрдаёқ темурий ҳукмдорлардан Шоҳруҳ ва Улугбек Мирзо Сирдарёдан Мирзачўлга канал орқали сув чиқаргани, шу худудда жуда кўплаб ободончилик ишларини амалга оширгани инкор этиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқатдир. Ўринбой ўғуз, Искандарариқ каби қадимий каналлар XV – XVI асрларда курилган, Мирзачўлдан ўтадиган карвонлар сув ичган "Сардоба" ва бошқа тарихий ёдгорликлар халқимиз тарихининг ёрқин бир саҳифаси, чўлни ўзлашибдишиш йўлида асрлар давомида олиб борган фидокорона курашининг тасдиги эмасми?

'АЗИЗ БИРОДАРЛАР, АНА ШУ БЮЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ХОТИРАСИНИ ҚАДРЛАШ МАҶСАДИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОБИҲАЁТ БИЛАН ТАЪМИНЛАЁТГАН КАТТА КАНАЛЛАРДАН БИРИНИ СОҲИБҚИРОН БОБОМИЗ АМИР ТЕМУРНИНГ ўғли ШОҲРУҲ МИРЗО НОМИ БИЛАН АТАСАК, НИМА ДЕЙСИЗЛАР?

Ўйлайманки, бу савобли бир иш бўлур эди. Сирдарё тарихи – меҳнаткаш, мард ва фидойи, бағрикенг халқ тарихидир. Шундай экан, бу тарихни чукур ўрганиш, билиш, уни холисона ёритиш, ёдгорликларни кўз қорачиғидек араб-авайлаш бизнинг фарзандлик бурчимиз, келаҗак авлодлар олдидаги қарзимиздир.

Қадрли дўстлар!

Менинг зиммамга юклатилган масъулиятли вазифалар тақозосига кўра, кўп-кўп хорижий давлат арбоблари, сиёсатчилар, бизнесменлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, чет эл журналистлари билан учрашиб, керак бўлса, баҳслапшишга тўғри келади. Ўзбекистоннинг дунё

майдонидаги манбаатларини ҳимоя қилиш нүктай назаридан бу ҳам зарур, албатта.

Лекин, шунни очиқ айтишим керакки, мен кўпроқ оддий, содда, кўнгли беғубор юртдошларим билан самимий сұхбат куришни, уларнинг дилидаги фикр-мулоҳазалар билан танишишини афзал биламан.

Чунки бу ошкорга мулоқотлар, содда қилиб айтганда, жайдари гурунглар бағри кенг ва танти халқимизнинг олижаноб фазилатларини намоён этади.

Бизнинг мамлакатимиз – кўп миллатли мамлакат. Уларнинг тинч-тотув, баҳамжиҳат ва аҳил яшаб меҳнат қилаётгани – бизнинг улкан бойлигимиз. Сирдарё вилоятида истиқомат қилаётган 30 дан ортиқ миллат вакиллари Мирзачўлни гулистонга айлантиришида кўлни кўлга бериб, бир тану бир жон бўлиб фидокорлик кўрсатаётгани бунинг далили эмасми?

Мана, ҳозир шу залда ўтирган қирғиз биродаримиз, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш Умаров, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби, тожик Одил Нуруллаев, қишлоқ хўжалигига қирқ беш йиллик меҳнати сингтан рус Николай Кузьмич Комаров, қозоқ Абдуғани Турсуклов, ўзбекча қўшиқлар айтиб, олқишига сазовор бўлаётган корейс қизи Альбина Соң каби ажойиб инсонлар ана шу дўстликнинг тимсолидир, десам, муболага бўлмайди.

Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир миллатнинг маданий-маънавий эҳтиёжларини таъминлаш доимий диккат марказимизда бўлиб келмоқда. Шу кунларда Гулистон шаҳрида вилоятдаги барча миллий-маданий марказларни ҳамда мустақиллик музейини ўз ичига олган муҳташам сарой – "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими барпо этилаётгани бунинг яна бир далилидир.

Муҳтарам ватандошлар!

Сирдарё замини – ўзининг боғу рофлари, ширин-шакар мевалари билан машхур.

Айниқса, тилими тилни ёрадиган Мирзачўл қовунини ким билмайди, дейсиз? Ўз вақтида қовун сайли ўтказишдек ажойиб анъанамиз бор эди. Ана шу анъанани тиклаб,

Сирдарё вилоятида республика бўйича доимий қовун сай-илларини ўтказиб турсак, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга кўшиласизлар. Агар мана шу сайдига мени ҳам таклиф этсангиз, бажонидил келган бўлур эдим.

Азиз биродарлар!

Асрлар давомида қақраб ётган Мирзачўл ерларини ўзлаштириб, уни обод этишда катта хизмат қилган заҳматкаш одамларга ҳар қанча раҳматлар айтсак — оз.

Мен, айниқса, Назира Йўлдошева, Абдурашид Синдоров, Гулсара Умарова, Нуъмонхўжа Мирзахўжаев каби қишлоқ хўжалиги миришкорларининг номларини алоҳида хурмат билан тилга олмоқчиман.

Сирдарё заминини гуллаб-яшнатишда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келиб, бу ерни ўзига ватан билиб яшаётган юртдошларимизнинг ҳам бекиёс ҳиссаси бор.

Шунинг учун ҳам бу ернинг дехқончилик мактабида, ўзига хос маданиятида, урф-одатларида, тўй-томушаларида бутун Ўзбекистоннинг энг яхши хусусиятлари музжассам. Бу ҳам ҳар қандай элга насиб бўлавермайдиган бир бойлик, десам, хато бўлмайди.

Мұжтарам ҳалқ шоиримиз Тўра Сулаймон каби ижодкорларни, Шафоат Раҳматуллаева, Ақида Ҳайитова каби таникли санъаткорларни, Анқабой Кулжонов, Қозоқбой Йўлдошев, Ҳакимжон Муродов, Маҳмуд Нурназаров сингари олимларни камолга етказишида ана шу илмий-маданий мухит замин бўлгани шубҳасиз.

Вилоятда жисмонан соғиом, маънавий баркамол авладни тарбиялаш ишига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Сирдарёлик 25 нафар спортчи ҳалқаро мусобақаларининг совриндори, 89 нафари эса ҳар хил спорт турлари бўйича республика голиби бўлгани бунинг тасдигидир.

Бокс бўйича ҳалқаро мусобақалар голиби Тўлаш До ниёрор, велотрек бўйича икки марта олтин медаль совриндори Қаҳрамон Мўминов, кикбоксинг бўйича олтин медаль совриндорлари Жаҳонгир Кўчмуродов, Жонибек Юсупов, армрестлинг бўйича икки карра жаҳон чемпиони Умиджон Аҳмедов, сузиш бўйича Осиё чемпиони Ана-

стасия Королёва, кураш бўйича Осиё ўйинлари чемпиони Баҳри Орзуев, миллий кураш бўйича республика чемпиони Шерали Бўронов сингари спортчилар номини республикамизда яхши билишади.

Вилоят спортчилари халқаро мусобақаларда янада фаророқ, янада самаралироқ иштирок этишлари учун етарли ва пухта замин яратилмоқда.

Шу мақсадда Гулистон шаҳридаги стадион кенгайтирилиб, қайта реконструкция қилинди. Спортнинг ўн беш тури билан шугулланиш мумкин бўлган "Алтимиш" спорт мажмуси, Бокс саройи ва Сузии бассейнлари ишга туширилди.

Шу ўринда Гулистон шаҳрининг бугунги кунда номига муносиб равишда чирой очиб, тобора кўркамлашиб бораёттанини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Сўнти Йилларда вилоят марказида ота-боболаримиз руҳини ёд этиш, уларни қадрлаш ниятида барпо қилинган муҳташам Хотира мажмунини, кўплаб янги уй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар, кўприкларни кўриб, кейинги уч йил ичиди мингта яқин оила янги қурилган замонавий уйларга кўчиб ўтганини билиб, шахсан мен Сирдарё халқининг меҳнатсевар ва бунёдкорлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. 1991 йили вилоядта олтига бозор бор эди. 1999 йилга келиб 38 та замонавий услубда қурилган бозор фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг таркибида 100 дан ортиқ маиший хизмат тармоғи мавжуд. Гулистон шаҳрида эса уч минг савдо ўрнига эга бўлган ултуржи савдо бозори ишлаб турибди.

Бир сўз билан айтганда, олдинги Гулистонни ҳозирги Гулистон билан мутлақо қиёслаб бўлмайди. Мана шундай қиёслаш қийин бўлган, инсонларга хизмат қиласидиган, уларнинг руҳини шод этадиган олижаноб ишларда бошқош бўлган раҳбарларга, аввало, Ўқтам Исмоиловга, қўли гул мемор ва қурувчиларга алоҳида раҳматлар айтмоқчиман.

Қадрли дўстлар!

Янги асрда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги, улкан марраларни кўзламоқда. Бунинг учун бизда хоҳишистак, мақсад, иродада ва барча имкониятлар

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

мавжуд. Эртанги кунга ишонч ва қатъият билан интила-  
ётган, буюк келажагимиз пойдеворини яратадаётган оли-  
жаноб халқымиз бор. Шу халққа садоқат билан хизмат  
қилиш — барчамиз учун олий бағтадир.

Сирдарё вилоятида яшайдиган халқ күпни күрган, оғир  
сивовларда тобланған, меңнаткаш, матонатли халқдир.

Бундай одамлар билан ҳар қандай машаққатни енгіб  
үтиш, янги-янги мэрраларни құлға киритиш, янада улуг-  
вор ишларни амалга ошириш мүмкін.

Ватанимизнинг курдатини юксалтириш, халқымиз фар-  
ровонлигини ошириш йүлидаги хайрли ишларингизда бар-  
чанғызға, сиз орқали бутун Сирдарё вилояты ақылыга улкан  
зафарлар, соғылғы-саломатлик, баҳт-саодат тилайман.

*Сирдарё вилояты сайловчилари вакиллари  
билан учрашууда сұзланған нұтқ,  
1999 йыл 10 декабрь*

---

## МАҚСАДИМИЗ — ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОҢЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Бугун шу мұқаддас Бухоро заминида сиз — азизлар билан яна бир бор күришиб турғанимдан бениңдөй мамнумман.

Аввалимбөр, сиз, бухоролик миришкор деңқонларни күпдан орзу қилиб кутилған меңнат ғалабаси — 404 минг тоналиқ пахта, 296 минг тоналиқ ғалла хирмони бүнёд этиб, шартнома режаларини шараф билан бажарғанингиз муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мураккаб иқтимім ва тупроқ шароитига қарамай, пахтадан республика бүйіча әнг юқори — гектаридан 31 центнердан зиёд ҳосил олинганини назарда тұтсак, бу ютуқнинг ахамиятини янада яққол тасаввур қиласыз.

Қадрлы дүстлар!

Бухорои шариф — ўзининг буюк фарзандлари, азиз-авлиёлари, бетакрор тарихий обидалари билан миллатимиз, халқимизни бугун дүнёға таниттан табаррук маскандайды.

Бухоролик деганда, аввало, құли меңнатда-ю, дили Аллохда бўлган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, тақдирнинг кўп-кўп синовларини бошидан ўтказган, сабр-матонатли, бунёдкор халқ кўз ўнгимизга келади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бир нарсани сизларга алоҳида айтишни зарур, деб биламан.

Кўп йиллар давомида мен учун истараси иссиқ мана шу халқ билан кўпгина синов ва қийинчиликларни, етишмовчиликларни, ҳаётнинг тўфон ва савдоларини бошилиздан ўтказдик, нималарни кўрмадик, нималарга бардош бермадик.

Лекин мана шундай оғир ва мураккаб иқлим шароитида кун кечириб, марданавор, қаҳрамонона меҳнат қилаётган халқдан, одамлардан, Бухоро аҳлидан бирон марта ҳаётдан нолиш, ҳаётдан норози бўлиш, тўс-тўполон кўтариш ҳолатларини кўрганим йўқ.

Мана шундай халқни кўпни кўрган, бағрикенг, матонатли, сабр-бардошли, меҳр-оқибатли халқ, дейди.

Мана шундай халқда хизмат қилиш, унинг оғирини енгил қилишда ўзимни аямаслик, мана шундай халқда таъзим қилиш — шахсан мен учун ҳам қарз, ҳам фарздири.

Мен бугунги сайловолди учрашувимиздан асосий мақсад — сиз қадрдонлар билан сұхбат куриш, шу азиз юртда яшаёттанларнинг ҳол-аҳволидан, ташвиш, муаммо ва кайфиятларидан хабардор бўлиш, шу муаммоларни, эртаниги кунимиз масалаларини ечишда ўз ҳиссамни кўшишдан иборат, деб биламан.

Азиз биродарлар!

Шуни холисона таъкидлашимиз керакки, Бухоро вилюяти аҳли охирги йиллар давомида амалга оширган улкан ишлари ва хизматлари билан Ватанимизнинг равнақи ва тараққиёти йўлида, олдимизга кўйилган буюк мақсадларга, аввало, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш ишига салмоқли ҳисса кўшмоқда. Ва мамлакатимизнинг ҳам сиёсий-ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий ҳаётида ўзига хос ва ўзига мос ўрнини мустаҳкамлашда эътиборга сазовор қадамлар кўймоқда.

Аввалимбор, сўнгти уч-тўрт йилда саноат тармоқлари ни ривожлантиришда, уларни замон талабига жавоб берадиган ўринга чиқариш мақсадида чет эл сармояларини жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳар томонлама кўллаб-кувватлашга лойикдир.

Хабарингиз бор, 1997 йили Қоровулбозорда лойиҳа қиймати 550 миллион АҚШ доллари бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини қуриб ишга туширган эдик. Бу улкан корхона йилига 2,5 миллион тонна нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш кувватига эга.

Бор-йўғи икки йил ичида бу ерда 627 минг тоннадан зиёд нефть маҳсулотлари ва 3 миллион 750 минг тоннадан ортиқ газ конденсати қайта ишланди. Бу — вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг учдан бир қисмини ташкил этади. Завод шу қисقا вақт мобайнида давлат бюджетига қарийб 30 миллиард сўмлик ҳисса қўшиди.

Чет эллик ҳамкорлар иштирокида бунёд этилган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган бу корхонанинг мамлакатимиз нефть мустақиллигига эришишдағи бекёёс ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Умуман, сўнгти йилларда Бухоро вилоятида 26 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг аксарияти маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, экспортбоп маҳсулот тайёрламоқда.

Хитойлик ишбилиармонлар билан биргаликда тузилган "Хадан" қўшма корхонаси пиллани қайта ишлашга ихтинослашган. АҚШ бизнесменлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган "Мармар" қўшма корхонаси юксак сифатли мармар плиталар ишлаб чиқармоқда.

Вилоятда самарали иш олиб бораётган бундай корхоналар қаторига "Гуфик-Авиценна", "Зиёбахш Унитрейдинг", "Вардонзе" қўшма корхоналарини киритиш мумкин.

Бухоро қадимдан қўлигул ҳунармандлари, зардўзу чеварлари билан оламга машҳур бўлиб, бу соҳада ўзига хос мактаб яратган, десак, асло муболага бўлмайди. Мана шу асрий анъаналар бугун ҳам зардўзлик, тўқимачилик, тикиувчилик тармоқларида давом эттирилмоқда.

Биргина "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти корхоналарида 15 минг киши, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилади. Машҳур зардўз Муяссар Темирова ҳамда моҳир тўқувчи Мартия Раҳматоловаларнинг "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга сазовор бўлганлиги Бухоро енгил саноати ходимларининг меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

### Хурматли дўстлар!

Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича мамлакатда тўртгинчи ўринни эгаллайди. Вилоят иккисодиётида юз берадиган туб таркибий ўзгаришлар, табиийки, қишлоқ хўжалиги ривожига ҳам таъсир этмоқда.

Ерга ишлов беришни яхшилаш, пахта ва ғалланинг эртапишар, унумдор навларини кўллаш, дехончиликда илфор технологияларни жорий қилиш, замонавий техника воситаларидан оқилона фойдаланиш натижасида салмоқли ютуклар кўлга киритилмоқда.

Шу маҳсадда кейинги икки йил ичидаги "Кейс" компаниясининг 110 та "Магнум" ҳайдов трактори, 58 та ғалла ўриш комбайни, шунингдек, ўзимизда ишлаб чиқарилган 600 та янги русумдаги "ТТЗ-100" чопиқ трактори сотиб олиниб, вилоят далаларида унум билан ишлатилмоқда.

Барчамизга аёнки, Бухоро шароити ва иқлимида қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш масаласи — бугунги кунда дехончилик соҳаси олдида турган энг долзарб, ҳал қилувчи муаммолардан биридир.

Бу масалани ҳал этиш учун биринчи галда 60—70-йилларда қурилган, ҳозирги вақтда эскирган 27 та насос станцияларини таъмирлаш ва уларнинг ишини назоратга олиш даркор.

Биз, Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарорига биноан, ана шу насос станцияларидан 7 та энг йиригини таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар белгиладик. Бу ишга зудлик билан киришиш зарур.

Колган насос станцияларини таъмирлаш ишлари ҳам имкониятимизга қараб, босқичма-босқич амалга оширилади.

Шу билан бирга, Бухоро шароитида ҳар бир томчи сувнинг қадрига етиб, сув захираларидан тежаб-тергаб фойдаланишининг самарали технологиясини кўллашни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Сув харажатини, сув сарфлашнинг ҳисобкитобини жойига кўйиш ва бунда экинларга сарфланадиган сувни тежаш маҳсадида рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш масаласи кун тартибида долзарб вазифа бўлиб турибди. Яъни оз сув сарфлаб, мўл ҳосил етиш-

тириш борасидаги дунё тажрибасини ўрганиб, маҳаллий шароитта мослаб жорий этишимиз зарур.

**Қадрли юртдошлар!**

Ҳаммангиз биласизки, Бухорода одамларни анча вақтдан бери ташвишга солиб, қийнаб келаётган бир муаммо бор эди. У ҳам бўлса, ер ости сувларининг юзага кўтарилиши натижасида ерларнинг шўрланиши ортиб бораётгани билан боғлиқдир.

Бу экологик хатар, аввало, экин майдонларини яроқсиз ҳолга келтирибгина қолмай, Бухоро вилоятидаги асрорий обидаларнинг, тураржой ва турли иншоотларнинг смирилишига сабаб бўлаётгани, энг ёмони, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётганини яхши биламиз.

Агар ёдингизда бўлса, азиз дўстлар, бундан роппа-роса уч йил бурун — 1996 йилнинг 15 декабрь куни — мана шу залда сизларнинг эътиборингизни бу масалага қаратиб, бу хатарнинг оддини олиш учун зудлик билан зарур чоратадбирлар кўриш лозимлигини таъкидлаган эдим.

Бугун сизнинг ҳузурингизда айтишим керакки, шундан сўнг ҳукумат миқёсида бу муаммонинг ечими ишлаб чиқилди ва бюджетдан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Натижада ўтган давр мобайнида қарийб 7 минг километр узунликдаги зовурлар тозаланиб, 9 минг гектардан зиёд экин майдонининг тупроқ таркиби — мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Бу муаммони ҳал этиш учун Бухоро шаҳрида ҳам 169 миллион сўм маблағ сарфланиб, шаҳар ичидан ўтган, сизлар "Сакович" деб атайдиган ёпиқ зовурлар тармоғи бутунлай қайта курилди. Шу тариқа Бухоронинг бекёёс меъморий обидалари, бошқа кўп-кўп иморатлар шўр балосидан асраб қолинди.

Шуни қайд этиш лозимки, бу муаммони бутун вилоят худудида ҳал этиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бу 2005 йилгача мўлжалланган ирригация-мелиорация тадбирларида алоҳида кўзда тутилган. Уни амалга ошириш учун куч ҳам, маблағ ҳам топамиз. Чунки инсон соғлиғи, инсон ҳаёти ҳамма нарсадан азиздир.

Мұхтарам дүстлар!

Шу нүктай назардан қараганда, вилоят ақолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашда ҳам сезиларлы ишлар қилинди.

Бу ишларнинг кўлами ва аҳамиятини ўзимизга аниқроқ тасаввур этиш учун, бир нарсани таққослаб кўрайлик. 1991 йили вилоят бўйича ақолини табиий газ билан таъминлаш 46,4 фоизни ташкил этган. Қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич бундан ҳам ачинарли бўлиб, бор-йўғи 17,2 фоиздан иборат эди.

Ваҳдоланки, ўша пайтда Бухорода, Газлида газ қайнаб, одамнинг қулочи етмайдиган улкан қувурлар, яъни Газли — Марказ, Газли — Урал магистрал қувурлари орқали қаёққа оқиб ётганини, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши билласиз.

Бу адолатсизликка чек қўйиш, одамларимизнинг, биринчи галда, мунис оналаримиз, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш мақсадида кейинги йилларда бутун Ўзбекистонда, шу жумладан, Бухоро вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилганига ўзингиз гувоҳсиз.

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида қисқа вақт мобайнида ақолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 85,3 фоизга етди. Қишлоқ жойларда эса бу рақам бутунги кунда 77 фоизни ташкил этмоқда.

Ақолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига келсак, аҳвол бундан ҳам оғир эди. 1991 йили бу кўрсаткич қанча бўлганини айтсан, кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Вилоят ақолисининг атиги 12 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланганини, қишлоқ жойларида бу кўрсаткич 1 фоизга ҳам етмаганини қандай тасаввурга сиёдириш мумкин?

Биз шукта режалар асосида амалга оширган чора-тадбирлар натижасида аҳоли сув таъминотини вилоят бўйича 66,2 фоизга, қишлоқ жойларида эса 42 фоизга етказишга эришдик.

Бу, албатта, катта иш қилинганидан далолат, лекин биз бу билан чекланиб қолмаслигимиз зарур. Менинг сайловолди дастуримда 2005 йилгача бўлган даврда мамлакат

бўйича аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 85 фоизга етказиш белгиланган. Бунда Бухоро вилоятининг бу борадаги эҳтиёjlари ҳам ҳисобга олинган, албатта. Хусусан, Дамхўжа – Навоий – Бухоро сув қувурининг иккинчи навбатини куриб битказиш аҳолини тоза, сифатли ичимлик суви билан таъминлашни янги босқичга кўтаради.

### Қадрли юртдошлар!

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш – энг муҳим вазифалардан биридир. Шу мақсадда вилоятда бандлик дастури асосида кейинги икки йил мобайнида 36 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилди.

2005 йилгача бўлган даврда одамларимизни иш билан банд қилиш мақсадида яна 268 минг иш жойлари ташкил қилиш кўзда тутилган.

Хозирги ўтиш даврида халқимизнинг ёрдамга муҳтоj қатламларини муҳофаза қилиш вазифаси давлат сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан этиб белгиланган.

Бухоро вилоятида биргина жорий йилнинг ўзида жами 6 миллиард сўмдан зиёд маблағ пенсия сифатида, 1,5 миллиард сўмдан ошиқ маблағ эса маҳаллалар орқали кам таъминланган оиласарга ёрдам тарзида берилгани фуқароларимизга давлатимиз, жамиятимиз ғамхўрлигининг, инсонпарварлик сиёсатимизнинг яна бир кўринишидир. Бу билан қарийб 174 минг ижтимоий ҳимояга муҳтоj кишининг эҳтиёjlари таъминланмоқда.

Куни кечаки масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000-2005 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган қарори бу борадаги ишларни янада кучайтириш имконини беради.

### Муҳтарам юртдошлар!

Вилоятда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ этиш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий талабларга жавоб берадиган мактаблар, лицей ва коллежлар барпо этилмоқда.

Бугунги кунда вилоят бўйича 527 та мактаб, 6 та коллеж, учта олий ўкув юрти, битта академик лицей фаолият юритмоқда. Ҳолбуки, 1991 йилда 433 та мактаб бўлиб, ҳатто, бавзи жойларда ўқиш уч сменада олиб борилар эди. Утган давр

мобайнида вилоятда 90 дан зиёд янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилгани натижасида ҳозирги вақтда ўқувчиларнинг 85 foизи биринчи сменаларда ўқимоқда. Фарзандларимиз камолини ўйлаб қилинаётган бундай хайрли ишлар, ишончим комилки, бундан бўён ҳам давом этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, 2005 йилгача вилоятда 8 та академик лицей, 86 та касб-хунар коллежи қуриш кўзда тутилган.

Кези келганда, бир нарсани мамнуният билан таъкидламоқчиман. Мутахассисларимизнинг маълумотига кўра, Бухоро вилояти мактабларининг битирувчилари 1997 йилдан бўён республикамиз олий ўқув юргларига кириш чоғида тест синовлари бўйича энг юқори рейтингни эгаллаб келаётгани барчамизни қувонтиради.

Бугунги кунда бухоролик ёшлардан 42 нафари "Умид" жамғармаси орқали дунёнинг энг нуфузли университетларида таълим олмокда.

### Азиз юртдошлар!

Хабарингиз бор, 2000 йил мамлакатимизда "Софлом авлод йили" деб эълон қилинди. Чунки Ватанимиз келаҗаги, миллатимиз тақдирни ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишимиизга боғлиқ.

Вилоятда ҳалқ саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш борасида бирмунча ишлар бажарилди. Жумладан, Вобкент туманида "Она ва бола" соғломлаштириш маркази, республика "Тез ёрдам" тиббий марказининг вилоят бўлими, Аёллар соғлигини тиклаш маркази, юрак хасталиклари шифохонаси, онкология диспансери, шунингдек, 269 та қишлоқ врачлик, 98 та фельдшер-акушерлик пункти, 31 та қишлоқ амбулаторияси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2005 йилгача бўлган даврда вилоят бўйича бу соҳада яна кўргина иншоотлар, жумладан, Бухоро шаҳри ва Жондор туманида янги туркужоналар, Шоғиркон туманида юкумли касалликлар шифохонаси, Бухоро шаҳрида радиология маркази қуриш, Олот ва Қоракўл туманлари ning марказий шифохоналарини кенгайтириш кўзда тутилган.

Қадрли биродарлар!

Ҳар доим барчамиз учун мўътабар Бухоро тупроғига қадам кўяр эканман, мана шу юртнинг донғи азал-азалдан бутун дунёга тараннум бўлганини, бу юртнинг ҳар қарич ери муқаддаслигини, бу юрт буюк авлиёлар ва мутафаккирлар, фузало ва олимлар, улуғ зотлар Ватани эканини ҳеч қачон хаёлимдан чиқармайман.

Бу заминда туғилиб камол топган Имом Бухорий, Абдухалиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий сингари ўнлаб буюк зотлар билан нафақат ҳалқимиз, балки бутун мусулмон дунёси фаҳр-иiftикор қиласди.

Бу юрт соҳибқиён Амир Темур ҳазратларини дунёга келтирган муҳтарам зот — Тегина Моҳбетимнинг ватани сифатида ҳам барчамиз учун азиз ва мўътабар.

Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Иброҳим Мўминов сингари маърифатпарвар алломалар, Олим Ҳўжаев, Мухтор Ашрафий, Рассоқ Ҳамроев, Марям Ёкубова, Амина Фаёзова, бугунги кунда фан ва маданиятимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган Мутаваккил Бурҳонов, Мустафо Бафоев, Неъмат Аминов, Ко-мил Муқимов, Тўра Мирзаев, Шаҳобиддин Ҳамроев, Ҳамид Неъматов каби инсонлар ҳам шу замин фарзандларири.

Бугун Бухоронинг буюк фарзандларини ёдга олар эканмиз, Ватан озодлиги орзуси билан яшаб, шу йўлда қурбон бўйлан Файзула Ҳўжаев номини алоҳида хурмат билан тилга олишимиз даркор.

Истиқлол даврида вилоятда миллий қадриятларимизни, ҳалқимизнинг гурурини тиклаш борасида ҳам кўпгина ижобий ишлар қилинди.

Биз озодлигимизнинг дастлабки йилларида ёқ буюк сўфий Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари таваллудининг 675 йиллигини кенг нишонладик. Бу улуғ зотнинг қаровсиз, вайронга бўлиб ётган қадамжоси мутлақо янгитдан таъмирланиб, унинг атрофида муҳташам бир ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Бугунги кунда бу табаррук маскан нафақат ҳалқимизнинг, балки бутун мусулмон оламининг муқаддас зиёраттоҳига айланди.

Қадим Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи диёримизда, дунё миқёсида кенг нишонланганни, жумладан, ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида бу санага багишлаб анжуман ва кўргазмалар ўтказилгани, уларда кўплаб хорижлик олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва дин намояндадарининг иштирок эттани илмий, меморий ва маданий меросимизга жаҳон жамоатчилигининг қизиқиши ва эътибори фоят катталигини яна бир бор кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, Бухоронинг бу улуг тўйи халқимизнинг ўз ўтмишига чексиз эҳтироми ва буюк аждодларимиз хотирасига хурматининг ажойиб намунаси бўлди.

Энг муҳими, бу хайрли ишлар Ватанимизнинг, халқимизнинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилди.

Азиз биродарлар!

Бухоро асрлар давомида ислом динининг асосий марказларидан бири бўлиб келгани, "Куббат ул-ислом", яъни "Ислом динининг гумбази", деб ном олганини ҳаммамиз яхши биламиз. Кейинги йилларда Бухоронинг бу борадаги қадим шуҳратини тиклаш йўлида ҳам кўп эзгу ишлар амалга оширилди.

Мен шу ўринда биргина мисолни айтиб ўтмоқчиман.

Бир йўла 10 минг одамни бағрига оладиган Масжиди Калон шўро даврида вайронага айлантирилган эди. Икки йил муқаддам 153 миллион сўм маблағ сарфланиб, бу ноёб тарихий обида қайтадан таъмирланди ва мўмин-мусулмонларнинг муборак масканига айланди.

Худди шундай бунёдкорлик ва ободончилик ишлари буғунги кунда Чор Бакр тарихий обидалар мажмууда ҳам давом эттирилмоқда. Бу хайрли ишда давлат сармояси билан бир қаторда, кўплаб савобталаб юртдошларимиз, ҳомий ташкилотларнинг ҳам муносиб ҳиссаси қўшилаётгани эътиборга молик.

Гарчи ислом дини Арабистон заминида пайдо бўлган бўлса ҳам, у айнан бизнинг юртимизда юксак равнақ топди. Бунда бухоролик алломаларимизнинг унтуилмас ҳиссаси борлигини бутун дунё эътироф этади.

Ана шу буюк имомларнинг, фозил зотларнинг ворислари бўлган, дин илмидаги катта билим ва обрўга эга уламолар Бухоро турогида бутун ҳам кўплаб топилади.

Ўйлайманки, халқимизга, айниқса, ёшларимизга ислом динининг моҳиятини тўғри тушунтириб бериш, иймон-эътиқодимиз поклигини сақлаш, мұқаддас динимиздан ўзининг гаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган кимсаларга қарши курашда, аввало, ана шу муҳтарам домла-мударрисларимиз ўз илм ва тажрибаларини сафарбар этишлари – ҳам қарз, ҳам фарз.

#### Қадрли юртдошлар!

Бухоро сўнгги йилларда турли миқёсдаги анжуманлар ўтадиган маданий марказга айланиб бормоқда. Мана, икки йилдирки, бу ерда ўзбек миллий фильмлари фестивали ўтказиб келинмоқда. Бундай нуфузли кино анжуманини ўтказиш анъянага айланиб бораётгани ибратлидир.

Энг муҳими, бу фестиваль миллий кино санъатимизнинг ривожига, айниқса, санъаткорларнинг ижодига баҳо бериш, уларни рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари руҳлантириш, ёш кино ижодкорларини тарбиялаш ишига хизмат қиласи.

Вилоятда туризмни замонавий талаблар даражасида ривожлантириш масаласи ҳам ҳозирча етарли равишда фойдаланилмаётган имкониятлардан биридир.

Агар уч-тўрт йил мұқаддам бу ерга келаётган туристлар сони йилига 5 минг атрофида бўлган бўлса, бу кўрсакич бугунга келиб 35 минг туристни ташкил этмоқда. Бухорода эса йилига 70 минг нафар туристни қабул қилиш имконияти бор.

Бу борадаги ресурсларни тўла ишга солиш учун 2005 йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурига асосан зарур инфратузилтмани шакллантириш, Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарларига сайдоҳлик соҳасида эркин иқтисодий ҳудуд мақомини бериш тўғрисидаги ҳукumat қарорининг бажарилишини таъминлаш керак.

#### Хурматли биродарлар!

Бухоро қадим-қадимдан шерюрак баҳодирлар, мард паҳлавонлар юрти бўлиб келган. Бугун дунё миқёсида эъти-

роф этилаётган ўзбек миллий курашининг ватани ҳам мана шу заминдир.

Ўзбек кураши бўйича илк бор мамлакатимизда ўтказилган жаҳон чемпионатида зафар қозонган уч нафар паҳлавон йигитимизнинг иккитаси — Камол Муродов ва Акобир Курбоновнинг айнан Бухоро фарзанди экани бежиз эмас, албатта.

Алиомишнинг бугунги авлодлари бўлган полвонларимиз майдонда рақибининг курагини ерга теккизганида, ростини айтсан, минг-минглаб ватандошларимиз қатори менинг ҳам кўксим төғдай кўтарилиб, қалбим фахру фуурга тўлади.

Курашчилар Шуҳрат Хўжаев, Ботир Хўжаев, боксчи Наримон Отаев, "Ситора" чим хоккей жамоасининг чавгончи қизлари нафақат бухороликларнинг, балки бутун Ўзбекистонимизнинг ифтихоридир.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз шуҳратига шуҳрат кўшаётган ана шундай спортчи йигит-қизларимизга, уларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарига, устоз-мураббийларига чин қалбимдан ташаккур айтмоқчиман.

Вилоятда спорт соҳасида эришилаётган бу ютуқларда сўнгти йилларда қуриб битказилган "Олимпия" спорт мажмуи, чим хоккей стадиони, бадмий гимнастика спорт мажмуи, "Семурғ" сув ҳавзаси, "Ҳумо" тениис комплекси каби иншоотлар мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Қадрли юртдошларим!

Бухоро заминида турли милият кишилари — тожиклар, туркманлар, руслар, яхудийлар, қозоқлар, корейслар, арманлар ва бошқа ўнлаб милият вакиллари ўзбеклар билан қўлни қўлга бериб, аҳил, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаб келмоқда.

Миллатлар ўртасида қарор топган бу тотувлик — бизнинг энг катта бойлигимиз, барча ютуқларимизнинг гаровидир, десак, асло хато бўлмайди.

Бухородек табаррук заминда яшаш, ҳар бир фуқаро учун ҳам фахр, ҳам улкан масъулиятдир.

Нега деганда, Бухоронинг шонли тарихи ҳар бир фуқарони, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодимизни бой

маданий меросимизни ардоклашга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, бу тенгсиз бойлик билан ҳамиша ифтихор қилишга ўргатади.

Халқимизнинг буюк ўтмиши, ўлмас қадриятларидан ўзига мадад ва ибрат олишга имкон беради. Ҳар бири-мизнинг қалбимизда эзгулик туйғуларини уйғотиб, бизнинг қандай улуғ зотларининг авлоди ва ворислари эканимизни англашга даъват этади.

**Азиз ватандошлар!**

Биз бугун XXI аср арафасида тақдирини ўз қўлига олган ягона халқ бўлиб буюк келажагимиз сари интилмоқдамиз.

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти, теран маънавияти ва бунёдкорлик қудратига, шу билан бирга, жаҳон умумбашарий ютуқларига асосланган ҳолда, тараққиётимизнинг мақсад ва мэрраларини белтилаб олдик.

Барчамиз учун бу мақсадлар равшан ва аниқ: бу – Ватан, юрг тараққиёти, халқ фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

Мен сизларнинг барчангизга, курури баланд, илмпарвар, мард ва танти Бухоро аҳлига мана шу мэрралар ва барча эзгу орзуларингизга эришиш йўлида сиҳат-саломатлик, баҳту саодат, янги зафарлар тилайман.

*Бухоро вилояти сайловчилари вакиллари  
билин учрашувда сўзланган нутқ,  
1999 йил 15 декабрь*

---

## САХОВАТЛИ ЗАМИН — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Авваламбор, мана шу фурсаатдан фойдаланиб, сиз — навойлик миришкор дэхқонларни, вилоятнинг барча меҳнаткашларини мўл пахта ва ғалла ҳосили етиштириб, жорий йилдаги шартнома режаларини адо этганингиз билан табриклайман.

Сизларнинг барчангизни бағримга босиб, нафақат дехқончилик, айни вақтда саноат, чорвачилик, хизмат кўрсатиш, маданият ва маърифат соҳаларида қилаётган ишларингиз, фидокорона меҳнат туфайли эришган ютуқларингиз билан кутлаб, сиз орқали бутун вилоят ҳалқига ўз хурмат-эҳтиромимин билдиришдан баҳтиёрман.

Бугунги сайловолди учрашувимиздан асосий муддао — аввало, вилоятдаги ҳозирги аҳвол, ечимини кутаётган муаммолар, мамлакатимиз, жумладан, Навоий вилояти олдидаги турган вазифалар ҳақида фикрлашиб олишдан иборат.

Хурматли биродарлар!

Навоий вилояти деганда, аввало, кўз олдимизга буюк шоиримиз Алишер Навоий номини шарафлаб келаётган, кўнгли очиқ, заҳматкаш, саҳоватли инсонлар, бунёдкорлик билан банд бўлган, кўпмиллатли ҳалқни ўзимга тасаввур қиласман.

Навоий вилояти деганда, бу гўзал воҳанинг бетакор табиати, чексиз чўл ва далалар, белоён яйловлар билан бирга, улкан саноат минтақаси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Навоий вилоятини ўзимизга тасаввур қўлмоқчи бўлсак, унинг мамлакатимиз салоҳияти ва ишлаб чиқариш соҳа-

ларидаги тутган ўрни ва аҳамиятини англаш учун қуидаги рақамларга эътибор бериш лозим.

Бугун вилоят мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 42 фоизини, минерал ўғитларнинг 35 фоизини, кимматбаҳо ва рангли металларнинг 73 фоизини бермоқда.

Бу ерда ҳар йили 300 минг тоннадан зиёд минерал ўғит, 400 минг тоннадан ошиқ синтетик аммиак, 1 миллион тоннадан ортиқ цемент ишлаб чиқарилмоқда.

Шу йилнинг ўн бир ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 18 фоизга кўпайиб, 52 миллиард сўмни ташкил этди. Бунда Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот", "Қизилқумцемент", "Электрокимё" каби йирик саноат корхоналарининг ҳиссаси айниқса катта бўлмоқда.

Навоий вилоятида Аллоҳ ўзи ҳалқимизга инъом этган, юртимиз салоҳиятини юксалтиришига хизмат этадиган, бошқача айтганда, белимизни бакувват, қадр-қимматимизни баланд, кўлимизни узун қиласиган, одамларимизнинг фаровон турмушига асос бўладиган кўп-кўп табиий бойликларининг улкан захиралари мавжуд.

Булардан энг асосийси — ўзининг юксак сифати билан бутун дунёда машҳур бўлган Қизилқум олтинидир.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Ўтган йили нуфузли Токио биржаси ўзбек олтинига сифат сертификати бериб, уни олтин эталони — яъни бутун дунё бўйича тишила сифатини баҳолашник мезони килиб белгилаб қўиди.

Бундай бойлик, бундай замин ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шунинг ўзи ҳам Ўзбекистонимиз Аллоҳ назар қилган юрт эканининг яна бир тасдиғи эмасми?

Азиз дўстлар!

Менинг ҳаётимда ҳаяжонли дақиқалар, унугилмас воқеалар кўп бўлган. Аммо 1995 йилнинг 14 июня ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак.

Чунки худди шу куни Учкудуқ шаҳридаги З-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати ишга туширилган эди.

Мен ўшанда мана шу саҳоватли заминимиз қаъридан қазиб олинган олтин ёмбилиарини икки қўлимга олиб, бошим узра кўтарар эканман, диёrimiz чексиз бойликларга эга эканидан, бу бойликларни мустақилликка эришганимиз туфайли халқимизнинг фаровон турмуши ва баҳтсаодати йўлида ишлатиш имкони туғилганидан юрагим гурур ва ифтихорга тўлди.

Бундай туйгулар ўша дамда кўпчиликнинг, бутун элимизниң кўнглидан ўтган, десам, ўйлайманки, адашмаган бўламан.

### Қадрли биродарлар!

Навоий вилоятида саноатни ривожлантириш ҳақида галирганда, шуни таъкидлаш жоизки, биз мустақиллигимизнинг биринчى йиллариданоқ, бошимиздан кечираётган мураккаб иқтисодий шароитга қарамасдан, мавжуд улкан корхоналаримизнинг илгариги кувватини сақлабгина қолмай, уларнинг салоҳиятини янада ошириш, янги конлар, корхоналар ва ишлаб чиқариш тармоқлари очиш йўлидан бордик.

Америкалик щериклар билан ҳамкорликда бунёд этилган "Зарафшон-Ньюмонт" кўшма корхонаси бир йилу сақкиз ой ичida қурилиб, фойдаланишга топширилгани бунга бир мисолдир.

Шунингдек, "Зариспарк", "Агама" кўшма корхоналари, ўтган йили ишга туширилган фосфорит комбинати ва бошқа ўнлаб иншоотлар Қизилқум минтақасидаги минерал бойликларни ўзлаштириш борасида қилаётган салмоқли ишларимизнинг натижасидир.

Бугун биргина "Навоийазот" кимё корхонаси йилига 16 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Энг муҳими, корхона олтин қазиб олиш саноати ва бошқа тармоқлар учун илгари валюта ҳисобига четдан олиб келинган 8 хил кимёвий бирикмаларни тайёрлаб, ҳар йили 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблагни тежаб қолиш имконини бермоқда.

Маълумки, ҳозирги шароитда хорижий сармояларсиз иқтисодиётни ривожлантириб бўлмайди. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоят иқтисодиётига қарийб 40 мил-

лион АҚШ доллары миқдоридаги хорижий сармоя жалб этилди.

Шундай саýй-харакатлар натижасыда кейинги йилларда вилоятда 27 та құшма корхона фаолият күрсатмоқда. Улар томонидан шу йилнинг ўн бир ойи давомида 24 миллиард сүмлик маңсулот ишлаб чиқарылды.

Бугунғи кунда вилоятнинг экспорт салоҳияти 183 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бунда ана шу корхоналарнинг ҳам салмоқлы ҳиссаси бор.

Италияning илғор технологияси асосида қайта жиҳозланган "Нурота мармар" корхонаси шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида 65 миллион сүмлик сифатли маңсулот ишлаб чиқарды.

Вилоятда "Навоий – Султон Увайс – Нукус" темир йўли, Учқудукдаги ҳалқаро аэропорт курилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу иншоотлар ишга тушгач, мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш, одамларнинг узонини яқин қилиш йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

Қишлоқ жойларга саноатни олиб келиш, қишлоқ инфраузилимасини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ.

Бунга кейинги йилларда биргина Қизилтепа туманида 2 та фиш заводи, 2 та консерва заводи, 3 та тикув цехи, 1 та сутни қайта ишлаш цехи қурилиб, ишга туширилганини мисол сифатида айтиш мумкин.

Истиқлол йилларида ҳалқимиз куч-қудрати билан яратилган улкан замонавий корхоналарни, завод-фабрикаларни, муҳим ижтимоий аҳамиятта зга бўлган кўплаб иншоотларни кўрганимизда, ҳаммамизнинг кўнглимиз төрдек юксалади. Нега деганда, бу – ўз қўлимиз билан кураётган эрганин кунимизнинг, келажагимизнинг ишончли пойдеворидир.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Албатта, юртимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларимиз барчамизни кувонтиради. Лекин мен шу борадаги муҳим бир масала – алоҳида эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Янги-янги корхоналар, завод-фабрикалар барпо этилиши, вилоятнинг йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш микдорларининг кўпайиши билан бирга, бу жойларда янгича фикрлайдиган, юксак малакали, мустаҳкам меҳнат жамоалари ҳам шаклланмоқда.

Шу маънода Қизилқум цемент заводида 2 мингдан ортиқ, "Навоийазот"да 10 мингдан зиёд, кон-металлургия комбинати тизимида эса 53 минг нафар турли миллатта мансуб ватандошларимиз ягона аҳил оила бўлиб меҳнат қилаётгани кувончлидир.

Уларнинг ўзаро дўстлиги, аҳил-тотувлиги жамиятимиздаги барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашща муҳим омил бўлмоқда, десак, асло муболага бўлмайди.

Мұҳтарам дўстлар!

Вилоят меҳнаткашлари кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришмоқда. Буни пахта етиштириш бўйича бир неча йил давомида бажарилмай келинган шартнома режаларининг бу йил адо этилгани ҳам тасдиқлайди.

Жорий йилнинг 11 ойи давомида 27 миллиард сўмлик ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, бу борадаги ўсиш суръати 1998 йилга нисбатан 9 фоизни ташкил қилди. Жумладан, пахта етиштириш бўйича 8 фоиз ўсишга эришилди.

Халқимизда: "Яхшидан боғ қолади", — деган мақол бор. Бу йил вилоятда 1000 гектардан ортиқ ерга мевали, манзарали кўчат ўтқазилди, янги боғлар, 1 минг 120 гектар тэрракзор, 25 минг гектар саксовулзор барпо этилди.

Бундай изжобий ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин бугун биз Навоий вилоятининг белоён ҳудудида пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, пиллачилик тармоқларини ривожлантириш борасида мавжуд катта-катта имкониятлар, улардан оқилона фойдаланиш йўллари ҳақида фикр алмашсак, менимча, ўринли бўлади.

Масалан, ўтган йили вилоятда 578 гектар ерга такрорий экинлар экилган бўлса, бу йил бундай экин майдонлари 3 минг 680 гектарга етди. Табиийки, бу — маҳсулот

салмоғининг ортиши билан бир қаторда, одамларнинг реал даромадларини кўпайтириш имконини ҳам беради. Демак, ана шундай ишларни изчиллик билан давом эттириш керак.

Еки яна бир мисол.

Ҳозирги вақтда вилоят бўйича қўшимча 20 минг гектар ерни ўзлаштириб, у жойларда ҳам ҳосил етиштириш имконияти мавжуд. Бунинг учун вилоят ҳокимлиги тегишли вазирликлар билан биргаликда бу масалани пухта ўрганиб, ҳисоб-китобини қилиб, республика ҳукуматига асосли таклифларини бериши лозим.

Навоий вилоятининг кенг яловлари чорвачиликни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай шароитга эга. Бу йўлда муайян ишлар ҳам қилинмоқда. Агар 1996 йили вилоядта 954 минг бош кўй-эчки бўлган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 1 миллион 64 мингга етгани фикримизнинг тасдиғидир.

Бунда Вазирлар Мақкамасининг маҳсус қарорига биноан Учкудуқ ва Томди туманларининг қоракўлчилик хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатилгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Жорий йилда вилоят чорвадорлари 119 минг дона, шу жумладан, 65 минг донаси жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган қоракўл тери тайёрлаб топширдилар.

Чорвадорларда мулкка нисбатан эгалик ҳисси шаклланмоқда. Натижада бу икки туманда ушоқ моллар сони 63 мингга ортди. Бу ўз навбатида янги отарлар, янги иш ўринлари демакдир.

Азиз биродарлар!

Дунёда ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. Лекин йил бўйи дашту саҳро кезадиган, қишининг қаҳратонию ёзнинг жазирамасига бардош бериб, керак бўлса, кўй-қўзисини бағрига босиб, жалаю дўлдан асрайдиган чўпон-чўлиқлар меҳнатини ҳар қанча улуғласак, арзиди.

Учкудуқлик Сайдмурат Турдимуратов, Малик Жанаев, томдиллик Шулибай Картбоев, Тоғай Турдибеков ана шундай фидойи инсонлардир.

Қадрли дўстлар!

Мен ўтган сафар Навоий вилоятига келганимда, фозонлик синглиминиз Латифа Ҳожиева: "Бизнинг оғиримизни ҳам енгил қилиб берсангиз, хонадонларимизда газ ёнса!" деб илтимос қилган эди.

Бугун вилоят марказидан 60 километр олисда жойлашган Нурутгаю Фозонда ҳам табиий газ ёниб турибди.

Ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг 72,4 фоизи табиий газ, 64 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Ҳатто, олис Конимек тумани хўжаликларига, чўпон-чўлиқлар хонадонига ҳам тоза ичимлик суви, табиий газнинг кириб боргани, Зарафшон шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминловчи 220 километрли тармоқнинг ишга туширилгани, бу шаҳарга табиий газ ўtkазилгани, албатта, кишини мамнун қиласди.

**Хурматли Навоий аҳли!**

Шу ўринда бир муҳим муаммо тўғрисида тўхталиб ўтсам. Бугунги кунда амалга ошираётган барча ишларимизни инкор этмаган ҳолда, аёлларимизга қулай турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг жамиятимизда муносаб ўрин эгаллаши учун етарли иш қиляпмиз, деб айта оламизми?

Демоқчиманки, опа-сингилларимиз, оналаримизнинг оғирини енгил қилиб, дуосини олиш, уларни рози қилиш учун бу борадаги ишларни давом эттиришимиз зарур.

Шу мақсадда 2005 йилгача бўлған даврда вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни 85 фоизга, табиий газ билан таъминлашни эса 82 фоизга етказиш кўзда тутилган.

**Муҳтарам юртдошлар!**

Маълумки, мамлакат бўйича ҳар йили 400-500 мингга яқин ўш йигит-қиз мактаблар, турли ўкув юртларини битириб чиқмоқда. Уларни иш билан таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишига шарт-шароит яратиш нафақат энг долзарб вазифамиз, балки оталик бурчимиз ҳамдир.

Навоий вилоятида кейинги йилларда барпо этилган янги корхоналар 8 мингга яқин одамни иш билан таъминлаш имконини берди. Шу йилнинг 11 ойи мобайнинда эса вилоят бўйича 9 минг 300 га яқин янги иш ўринлари

ташкіл этилди. Бундан 3 минг 700 га яқини қишлоқ жойларыда экани мұхимдір.

Лекин бу, вилоядта мавжуд мәднен ресурсларини иш билан банд этиш масаласи тұла ечилди, деган маңынни билдірмайды.

Шу масалада сизларнинг эътиборингизни қуидідаги фактларға қаратмоқчиман. Жорий йилда вилоят бандлық хизмати идораларига 27 мингта яқин киши иш сүраб мурожаат қылған. Шундан 6 минг 320 одам иш билан таъминланған. Мингдан ортиқ киши эса янги касб-хунар өзгелаш учун ўқитилған. 3 минг 287 киши турли вақтинге атасынан атрофлича таҳсил қылған. 16 мингдан күпроқ киши эса расман ишсиз сифатида рўйхатта олинған.

Бундай долат барчамизни хавотирга солиб, безовта қилиб, бугунғи кунда мана шу энг оғир, энг масъулиятли масаланы атрофлича таҳсил қылған, унинг ечимини топишмизни тақозо этмайдымы?

Бу борада Навоий вилоятида ишга солинмаган резерв ва имкониятлар талайгина. Узоққа бориб ўтирасдан, ана шундай имкониятлардан бирини айтаб ўтмоқчиман.

Мана, 40 минг гектарлик Ўртачұл ҳудуди. Бу жойда бир пайтлар ўзлаштириш бошланған, уй-жой, асфальт йұллар курилған. Аммо, афсуски, бу борадаги ишлар охиреге етказилмаган.

Хозир бу ерда 1 минг 500 киши яшайды. Ўтган йили 320 гектар янги ер ўзлаштириліб, 70 та янги фермер хұжалыклари ташкіл этилди.

Ахир, ер бўлса, сув бўлса, вилояддаги ортиқча ишчи кучларини, юрагидағайрати бор ёшларимизни мана шу ҳудудга жалб этиш — муаммони ҳал қилишнинг йұлларидан бири эмасми?

Чорвачилик туманларыда жун ва тери хомашёсини қайта ишлаб, кийим-кечак тикадиган замонавий кичик корхоналар очиш ҳам ақолини банд этиш борасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар күплигидан далолат беради.

Яна бир ана шундай имконият ҳақида тұхталайлик.

Кейинги йилларда вилоят бўйича 21 мингта яқин кишига 4 минг 300 гектар ер қўшимча томорқа сифатида берилған.

Хўш, биз ҳар бир қаричи олтинга тенг бўлган бу ердан қандай фойдаланяпмиз? Сир эмаски, томорқани ўз ҳолига ташлаб кўйиб, ернинг ҳам, ўзининг ҳам умрини бехуда ўтказаётган одамлар, афсуски, йўқ эмас.

Бундай нохуш ҳолатлар мавжудлиги ҳақида гапирав эканмиз, мен яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Вилоятда, авваламбор, мансаб курсисида ўтирганлар орасида, Навоий воҳасининг истиқболини ўйладиган, замон талабига, бозор муносабатларига мос ислоҳотларнинг самарасини ошириш, биринчи навбатда, кичик ва ўрта бизнес ҳаракатини жонлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, банк ва молия тизимларини ривожлантириш ҳақида қайгурадиган, бу йўлда тўсиқ бўлиб турган расмиятчилик, бюрократлик, порахўрлик, таъмагирлик каби иллатларни йўқ қилиш мақсадида одамларни, барча соғлом кучларни бирлаштириш учун бош қотирадиган раҳбарлар, минг афсуски, кўринмайди.

Ишонаманки, Навоий вилоятида ҳам бизнес соҳасида иш бошламоқчи бўлиб юрган кишилар кўп. Лекин бирор кичик корхона ёки ўзининг шахсий ишини очмоқчи бўлган одамнинг банқдан кредит олиши осонми? Қани, ўзларингиз айтинг, қачон бу соҳада тартиб бўлади, қачонгача банклар фаолиятида зўравонлик, таъмагирлик, тўрачилик каби хунук ҳолатлар давом этади?

Тадбиркор бўлишни орзу-ният қилиб юрган, бироқ бу соҳада ҳали тажрибаси йўқ одамлар учун қачон бизнес мактаблар, бизнес семинарлар ташкил этилади, бизнесни ўргатадиган чет эллик мугахассислар вилоятда қачон пайдо бўлади?

Аччиқ бўлса ҳам, айтишум керак: ҳокимликлар тажрибасида, раҳбарларнинг иш юритишида беларволик, лоқайлик, қонунга беписандлик, умуман, инсонга хурматсизлик кўринишлари қачон йўқолади?

Бу ҳақда кўп гапирамиз, лекин амалий ишларга ўтиш вилоятда, таассуфки, жуда секинлик билан кечмоқда.

Ҳар биримиз, айниқса, раҳбарман деб юрган одамлар, шуни яхши англаб олишимиз керакки, ҳеч ким четдан,

келиб, бизнинг муаммоларимизни ечиб, бизнинг ишимизни бажариб бермайди. Фақат ўз кучимиз, ўз ақл-заковатимиз, ўз имкониятларимизга таянишимииз лозим.

Хурматли биродарлар!

Биз 2000 йилни мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қилдик. Шундай экан, ёш авлодимизнинг соғлом, барқамол бўлишини таъминлаш – бизнинг асосий вазифамиз бўлмоги керак.

Кейинги йилларда Навоий вилоятида 4 та янги шифохона, 30 та қишлоқ тиббий пункти, маданият ва спорт саройлари, мактаб ва лицейлар барпо этилди. Ҳозирги кунда 1 та академик лицей, 5 та касб-хунар коллежи филият кўрсатмоқда. Уларда 2 минг 400 дан ортиқ ўғилқизимиз таълим олмокда. 2005 йилгача яна 5 та академик лицей, 54 та касб-хунар коллежи барпо этиш кўзда тутилган.

"Умид" жамгармаси орқали навоийлик 16 нафар ўғилқиз чет эллардаги нуфузли олий ўқув юртларида таълим олмокда.

Ҳозирги вақтда Навоий шаҳрида иккита институт филият кўрсатмоқда. Айниқса, 1995 йили бу ерда Кончиллик институти ташкил этилгани кон-металлургия саноати учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида муҳим қадам бўлди.

Марказий Осиёда ягона бўлган бу илм даргоҳида ҳозир 8 хил ихтисослик бўйича икки мингдан зиёд фарзандимиз таҳсил кўрмокда. Институт қошида техника коллежи, лицей-интернат, касбий тайёргарлик курслари ишлаб турибди.

Бу йил институтни битирган илк қалдирючлар – 266 нафар ёш мутахассис минтақадаги саноат корхоналарида меҳнат қилаётгани узоқни кўзлаб қилган ишимизнинг ижобий самарасидир.

Навоий вилоятида 92 миллат ва элат вакиллари истиқомат қиласиди. Вилоят мактабларида ўғил-қизларимизга олти тилда таълим бераётган жонкуяр ўқитувчи-устозларимиз – Ҳаловат Кенжаева, Альмира Маркова, Валентина Мизякова, Надежда Сапожникова, Амина Холова, Ши-

рингул Узоқбоева, Ҳусния Зедляева, Алдамурод Араздурдиев, Нуругул Бозорбоева каби фидойи инсонларни хурмат билан тилга оламиз.

Ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол ўстиришида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бекиёсдир.

Хатирчилик ўкувчи қизимиз, стол тениси бўйича жаҳон чемпиони Манзура Иноятова, тош кўтариш бўйича жаҳон чемпиони Ренат Хузинларнинг эришаётган ғалабаси навоийлик спортчиларнинг мамлакатимиз миқёсида нуфузли ўрин эгаллаётганидан далолат беради.

Муҳтарам Навоий аҳли!

Эсингизда бўлса керак, бундан бир йил олдин Ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сесиясида мен юртимиздаги қадимиш шаҳарлардан бири бўлган Кармананинг тарихини ўрганиш масаласига эътиборингизни қаратган эдим. Вилоят аҳли бу фикрни кўллаб-куvvатлаб, қисқа фурсатда маънавий ҳаётда катта ўзгаришларни амалга ошириди.

Навоий шахри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисидаги фармон ана шу мақсадда дунёга келди.

Ушбу фармон Буюк ипак йўлидаги бу қадимиш шаҳарни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг кўхна тарихини тиклаш имконини беради.

Зарафшон воҳаси тарихи ҳам қадимиш Ватанимиз тарихининг узвий бир бўлаги ҳисобланади. Шу маънода бу ердаги ҳар бир обида, карvonсарой ва работ биз учун мўътабар бўлиб, уларни асрар-авайлашимиз, ўрганишимизга даъват этади.

Вилоят ҳудудидаги ҳазрати Қосим Шайх мақбараси, Нуротадаги Чашма мажмуининг таъмирланиб, обод зиёратгоҳга айлантирилгани бу борадаги хайрли ишларнинг бошланиши бўлди.

Навоий вилоятида бундай тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар кўп. Мир Сайид Баҳром, Шайх Ҳўжа Ҳусрав мақбаралари, Мирзачорбоғ тарихий ёдгорлиги, Работи Малик шулар жумласидандир. Ишончим комилки, ҳалқимизнинг маънавий мулки бўлган

бу ёдгорликлар эл-юртимиз, давлатимиз, жамиятимиз зътиборидан четда қолмайди.

Биз ҳамиша улуг аждодларимиз билан ифтихор қила-  
миз. Уларинг хотираси ҳозир ҳам она заминимизни ша-  
рафга буркаб турибди.

Ана шундай мұльтабар зотлардан бири, табаррук хоки  
Зарафшон тупроғида ётган сүфий аллома Низомиддин  
Қосим Шайх ҳазратларидир.

XVI асрда яшаб ўтган, бутун умрини маърифат тар-  
қатишига, уруш ва низоларнинг олдини олишига, одамлар  
ўргасида меҳр-оқибат туйғуларини камол тонтиришга ба-  
ғишилаган улуг, айни вақтда камтарин бу зот ҳаёт чоги-  
даёқ ҳалқнинг юксак иззат-икромига сазовор бўлган.

Ана шундай табаррук инсонлар, азиз-авлиёларнинг  
ҳаёти биз учун ҳамиша ибрат бўлмоғи керак.

Қадрли юртошларим!

Зарафшон дарёсининг сувини ичган, бу воҳанинг бе-  
қиёс гўзаллигидан баҳра олган одам беихтиёр шоир бўлиб  
қолса, ажаб эмас. Мен бу гапни умр бўйи эл-юрт орасида  
юриб, ҳалқимизнинг "Алномиш"дай ўлмас достонларини  
куйлаб ўтган хатирчилик Пўлкан шоир Жомурод ўғли ва  
унинг сулоласини назарда тутиб айтмоқдаман.

Бу ижодий сулола маданиятимиз тарихида ноёб ҳоди-  
садир. Чунки Пўлкан шоир ижодини унинг фарзандлари  
бўлмиш баҳши Умаркул Пўлкан, истеъододли шоир Амир-  
кул Пўлкан, шоира Саодат Пўлкан давом эттириб, ўзбек  
адабиёти ривожига ўз хиссаларини қўшдилар.

Ўзингиз ўйланг, қайси ҳалқда, қайси мамлакатда мана  
шундай шоирлар авлодини учратиш мумкин?

Шу заминдан етишиб чиқсан Тошпӯлат Ҳамид, Фай-  
булла Саломов, Ойдин Ҳожиева, Тожи Қораев, Абдуқодир  
Эргашев, Боймурод Каримов каби илм-фан ва маданият  
намояндаларининг хизматини ҳалқимиз юксак қадрлайди.

Навоий вилоятида тили, дини, миллатидан қатъи назар,  
ягона мақсад — озод Ўзбекистоннинг келажаги йўлида бу-  
тун куч-ғайратини баҳш этишга тайёр инсонлар яшайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Қаҳрамонлари Николай  
Иванович Кучерский, Анатолий Никифорович Панин,

шунингдек, тадбиркор Маҳмуд Исмоилов, меҳнат фахрийлари Иброҳим Норов, Муяссар Нуридинов, Ахназар Умаровлар иомини вилоят аҳли катта ҳурмат-эҳтиром билан тилга олиши бежиз эмас. Улар ўзларининг шарафли ҳаёт йўли, бунёдкорлик ишлари билан ўсиб келаёттган ёш авлодга ҳамиша ибрат бўлмоқда.

Азиз дўстлар!

Кўҳна тарихимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз ҳақида гапирганда, биринчилардан бўлиб улуг мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратлари кўз оддимизга келади. Чунки, бу мўътабар зот миллатимиз шарифини кўкларга кўтарган, юртимиз довругини бутун оламга тараним этган.

Сизлар ана шундай буюк инсон номи билан аталган вилоятда яшаётганингиз билан ҳар қанча ифтихор этсангиз, арзиди.

Шу муносабат билан мен кўпдан буён кўнглимга тугиб юрган бир ниятни сизларга билдиromoқчиман. Насиб этса, ҳадемай миллатимиз гуури, буюк шоир Алишер Навоий таваллудининг 560 йилитини халқаро миқёсда кенг нишонлаймиз.

Бу табаррук тўйни, умуммиллий байрамимизни сизнинг вилоятингиздан — Навоий вилоятидан бошласак, нима дейсизлар?

Ўйлайманки, бу — улуг мутафаккиримиз даҳосига ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир ифодаси бўлади.

Бунинг учун, аввало, вилоят марказида Алишер Навоий ҳазратларининг гўзал бир бояи яратилиб, зиёраттоҳга айлантирилса, шу жойда улуг шоиримизнинг муazzам ҳайкали кўнгилларимизга фарҳ ва гуур бағишилаб турса, айни муддао бўлади.

Ўйлайманки, бу ҳақда ҳукуматимизнинг маҳсус қарорини чиқарсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қадрли юртдошлар!

Навоий аҳли азалдан меҳнаткаш, оқибатли, бир сўзли, элу юрт фаровонлиги учун бутун борлиги билан хизмат қилишга бел боғлаган фидойи инсонлардир. Уларнинг ниятлари пок, мақсадлари улуг ва олижаноб.

## **ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ**

---

Ватанимиз истиқболини янада мустаҳкамлаш, унинг қудратини, шаъни-шавкатини юксалтириш, адолат ва маънавият устувор бўлган эркин жамият, заҳматкаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт куриш — бизнинг муқаддас бурчимиз, энг олий мақсадимиздир.

Ишончим комилки, бу эзгу ниятларимизнинг амалга ошишида меҳнаткаш, бағрикенг, саховатли, бунёдкор Навоий халқи олдинги сафда бўлади.

Сизларга тинчлик-омонлик, баҳту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Навоий вилояти сайловчилари вакиллари  
 билан учрашуведа сўзланган нутқ,  
 1999 йил 16 декабрь*

---

## **ЭЗГУ НИЯТ, ОЛИЖАНОБ МАҚСАД ЙҮЛИДА ИЗЛАНИБ-ИНТИЛИБ ЯШАШ – КИШИНИ УЛУГЛАЙДИ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошларим!

Мұхтарам андижонликлар!

Ҳар гал, мамлакатимизнинг қайси бир вилоятида бўлмасин, юртдошларимиз билан учрашганимда, аввало, уларнинг кўзларига, чехрасига қарайман.

Агар инсон ҳәтидан, қилаётган ишларидан рози бўлиб, аниқ мақсадлар билан, келажагига ишониб яшаётган бўлса, унинг юзида қандайдир нур бўлади.

Бугун мен мана шу зални тўлдириб ўтирган Андижон аҳли вакилларининг, сиз — азизларнинг ёниб турган кўзларингизга, очиқ чехрангизга боқиб, бу ҳақиқатни яна бир бор ҳис қилмоқдаман.

Шу боис ҳам Андижонда бўлиш менга доимо катта мамнуният, куч-куват бағишлайди. Бу қутлуг заминнинг ўзига хос сехри ва жозибаси бор. Негаки, бу диёр бетакрор табиати, чапани, мард, ориятли, меҳнатсевар кишилари билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этади.

Бугунги сайловолди учрашувимиздан мақсад — аввало, шу юртда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволидан ҳабардор бўлиш, уларни безовта қилаётган, қийнаётган ташвиш ва муаммолар ечими ҳақида фикр алмашиб олиш.

Қисқа қилиб айтганда, босиб ўтган йўлимизга холис, танқидий назар ташлаб, жамиятимиз, хусусан, Андижон вилояти олдида турган янги вазифа ва устувор йўналишларни аниқлаш, мавжуд муаммоларни ечиш йўлларини ўзимиз учун белгилаб олишдан иборат.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақиллик йилларида ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиёт йўлида, жамиятимиз, ҳаётимизни янгилаш йўлида тўплланган ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибаларимиз ва шу аснода кел-

гусида амалга оширадиган ишларимиз ҳақида гаплашиб олсак, ўринли бўлар эди.

Бугунги кунда ҳар бир сайловчи, ҳар бир фуқаро юксак масъулиятли лавозимга номзод бўлиб турган кишидан — у депутатми, ҳокимми ёки Президентми — агар шу одам сайланса, менинг турмушимда, оиласам, маҳаллам, туманим, Ватаним ҳаётида қандай ўзгаришлар, қандай енгилликлар бўлади, мавжуд муаммолар қай тариқа ўз ечи мини топади, деган саволларга жавоб кутади.

У ўз яшаб турган жойи, ўз қишлоғи, ўз Ватани истиқболини кўриш ва билишга ҳақидидир. Бу табиий дол ва барчамиз буни тўғри тушунамиз.

Хурматли дўстлар!

Эзгу ният, олижаноб мақсад ва ҳаракат йўлида интилиб-изланиб яшаш — кипини улуглайди. Биз буни кейинги Йилларда Андижон вилояти меҳнаткашлари эришаётган ютуқлар мисолида кўришимиз мумкин.

Мен кўп йиллар давомида тўплаган тажриbamдан ўзимга бир холосани аниқлаб олдим. Андижонликлар — бир ишга бел боғласа, астойдил, бутун борлиғи билан киришадиган, кўзлаган ниятига эришмагунча тиним билмайдиган халқ.

Андижон вилояти меҳнаткашлари пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бу йил мамлакатимизда биринчи бўлиб бажариб, давлатта 331 минг 802 тонна пахта ҳосили топширгани, галлачиликда охирги йиллар барчамизга намуна бўлиб турган ютуқлари бунинг яққол тасдидидир.

Ҳақиқатан ҳам, оғир ва машаққатли, керак бўлса, мардана ва қаҳрамонона меҳнат туфайли сиз Андижон аҳлига бугунги кунда нафақат Ўзбекистонни, узоқ ва яқин қўшиниларимизни ҳам ҳайратда қолдирган ютуқларингиз, эришган мэрраларингиз учун ҳар қанча тасанинолар айтсак, арзиди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен сизларга, сизлар орқали ана шу фидокорона меҳнатингиз учун барча андижонлик лафзи ҳалол дехқонларга яна бир бор чин қалбимдан ташаккур изҳор этмоқчиман. Қадоқ кўлларингиз ҳеч қачон дард кўрмасин, бошингиз омон бўлсин.

Азиз дўстлар!

Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ишлар таҳлили ҳакида фикр юриттанды, бир нарсага алоҳида эътибор қаратиш керак. Эришилган натижалар, кўрсаткичлар билан бирга, жамиятимиз, иқтисодимиз ривожида кўзга ташланётган энг асосий жиҳатлар, аввало, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати кундан-кунга ўзгариб бораётгани биз учун энг муҳимдир.

Негаки бу бизга мавжуд ютуқлар омилини аниқлаш, муаммоларни яққол тасаввур этиш, уларни ечиш ва пировард мақсад йўлидаги ҳаракатларимизнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиш имконини беради.

Буни биргина мисол -- Андижон вилояти учун фоят долзарб бўлган ер ресурслари ва аҳоли бандлиги муаммоси орқали кўриб чиқайлик.

Вилоятда ҳозирги кунда 2 миллион 187 мингдан ортиқ киши истиқомат қиласди. Статистик маълумотларга кўра, у мамлакатимизнинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудуди ҳисобланади. Гарчи Андижон мамлакатимизнинг бир фоиз ҳудудини эгалласа-да, бу ерда республика аҳолисининг қарийб 9 фоизи яшайди. Ҳар бир квадрат километрга 509 нафар киши тўғри келади. Бу мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 9 марта юқори демакдир.

Биласизки, Андижон вилоятида янги ерларни ўзлаштиришнинг деярли имконияти йўқ. Йилдан-йилга аҳоли сони кўпайиб борягти, аммо ер майдонлари, табиийки, кўпаймайди. Вилоятда жами экин майдонлари қарийб 201 минг гектарни ташкил этади. Бу -- вилоят бўйича жон бошига 10 сотихдан ер майдони тўғри келади, демакдир.

Мана шундай мураккаб шароитда андижонликларнинг ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб, юқори ҳосил етиштираётгани таҳсинга лойик.

Тўғри, деҳқончиликда ҳамиша ҳам биз истаган қулай шароит бўлавермайди. Табиатнинг турли инжиқликлари, кутилмаган синовлари мавжуд.

Аммо тўсиқ ва қийинчиликларни енгигб ўтиш, аввало, инсоннинг ўз кўлидадир. Чунки Аллоҳ таоло одамзодга ақл-заковат, билим, интилиш, изланичи фазилатларини шунинг учун ато этган.

Хурматли юртдошлар!

Ёдингизда бўлса, мустақиллигимизниң биринчи йилларида мамлакатимиз аҳолисини дон маҳсулотлари билан таъминлаш, одамларга оддий нон етказиб бериш катта муаммога айланган эди.

Энди очиқ айтаверсак, бўлади, ўша оғир кунларда очарчилик хавфи ҳам йўқ эмас эди. Бунга йўл қўймаслик учун қандай чора-тадбирлар кўрганимизни, қаерлардан ғалла олиб келганимизни, бу йўлда тортган машаққатларимизни билган билди, билмаган билмайди.

Шундай ўта мураккаб, хавфли вазиятни чукур англаган ҳолда, сиёсий мустақилликни иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамлаш, бирорга қарам бўлмаслик мақсадида биз ғалла мустақиллигига эришишни энг устувор вазифа қилиб қўйдик. Бу масалани, бу муаммони ечиш биз учун ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамотимизни ҳал қилувчи даражага кўтарилди.

Яратганга минг бор шукурки, ўз донимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етиб келдик. Бундай ўта масъулиятли вазифани бажарища Андижон вилояти меҳнаткашларининг салмоқли ҳиссаси борлигини бугун барчамиз катта мамнуният ва миниатдорчилик билан қайд этамиз.

Жорий йилда андижонлик дехқонларниң 527 минг тонна ғалла етишириб, ҳар гектар ердан ўртача 70 центнердан ҳосил олгани ҳамда йилига республика вилоятларига 200 минг тоннага яқин сара уруғлик дон етказиб берраётгани бунинг тасдиғидир.

Ғалла уруғчилигига алоҳида эътибор қаратиш, ўз мамлакатимиз ва хорижий олимлар билан ҳамкорлик, энг муҳими, ота-боболаримизга хос бўлган ғаличашилик тажрибаларининг қайта тиклангани бу ютуқларниң негизи бўлди.

Андижонниң иқлими, тупроқ шароити, айниқса, ер ресурсларини ҳисобга олиб, такорий экинлар экиш ҳам сезиларли иқтисодий самара бермоқда.

1999 йили бошоқли дон экинларидан бўшаган 28 минг гектардан зиёд ерга маккажӯхори, сабзавот, полиз, шоли ва картошка экинлари экилди. Бир йилда икки марта ҳосил

кўтариш туфайли қўшимча тарзда 921 миллион сўм даромад олинди.

Бошқача айтганда, бугун деҳқончиликда — буни барча вилоятларимиз тўғри қабул этсин — Андижон мактаби яратилди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Кадрли дўстлар!

Сўнгги йилларда Андижон вилояти аграр-саноат ҳудудидан саноати ривожланган ҳудудга айланмокда. Ялпи ички маҳсулот ҳажмида саноатнинг улуши 32 фоизни ташкил этиб, 1991 йилга нисбатан бир ярим баробар ўсгани бунигъ далилидир.

Айниқса, Асака шаҳридаги "ЎзДЭУавто" кўшма корхонасининг иқтисодиётдаги ўрни тобора ортиб бормокда. Бугунги кунда мазкур корхонанинг вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотидаги улуши 52,7 фоизни ташкил этмоқда.

Бу ҳақда сўз боргандা, яна 90-йилларнинг бошлари эсимга тушади. Ўшанда оғзига кучи етмаган баязи одамлар, СССР йўқ бўлди, энди бизга машина келмайди, куннимиз яна эшак аравага қолмаса эди, деган гапларни ҳам айтиб юришган эди.

1992 йили мана шу заводни қуриш ҳаракатини бошлаганимизда, мен, Худо хоҳласа, уч йилдан кейин шу корхонадан ўзимизнинг автомобилларимиз чиқа бошлайди, деганимда, яширишнинг ҳожати йўқ, кўпчилик, айниқса, узоқ-яқиндаги мухолифларимиз бунга ишонмаган эди.

Мана, энди бугун ўзингиз кўриб турибсиз, бири-биридан гўзал машиналаримиз халқимизнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиш билан бирга, шаҳар-қишлоқларимизнинг қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб юборди.

Кореялик ҳамкорларимиз иштирокида бу завод конвейерларидан ҳозирга қадар 200 мингдан ортиқ енгил машина ишлаб чиқарилди.

Агар 1996 йили мамлакатимиз аҳолисида тахминан 782 мингта шахсий енгил машина бўлган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 950 мингтага етди. Яъни уч йил мобайнида ҳарийб 160 минг одам шахсий машинага эга бўлди.

Бу рақамлар, албаттa, одамларимизнинг даромадлари ошиб, турмуш даражаси кўтарилиб бораёттанига яна бир мисолдир.

Азиз юртдошларим!

Менинг тилагим шуки, юргимизда ҳар бир оила мана шу корхонамизда ишлаб чиқарилган ўз шахсий автомобилига эга бўлсин, бу машиналаримиз ҳар бир юртдоши мизнинг яхши кунларига хизмат қилсин!

Хабарингиз бор, "ЎзДЭУавто" заводи ишга тушигач, биз бу корхона учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган корхоналар тизимини барпо этиш мақсадида маҳсус маҳаллийлаштириш дастурини қабул қилган эдик.

Шу дастурга биноан, автомобилларнинг ўриндиқлари, ички жиҳозлари, бўёклари, ёқилғи баки, бампер сингари бутловчи қисмларини тайёрлашга ихтисослашган олтита кўшма корхона ташкил этилди.

Кўриб турибмизки, экспорт салоҳиятига эга, замонавий бир корхона ишга тушиши билан қанчадан-қанча кўшимча иш ўринлари пайдо бўлади.

Бугунги кунга келиб мазкур завод ва унинг таркибида-ги корхоналарда вилоят бўйича 5 мингта яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти юқори ма-лакали, ёш, барчаси келишган йигит-қизлар экани айниқса қувончлидир.

Ҳаммаси бўлиб мана шу корхоналар ва иншоотларни барпо этишда бугунги кунгача қарийб 600 миллион АҚШ долларини ўзлаштирганимиз кўп-кўп имкониятлар ва куч-кудратга эга бўлганимиздан далолат беради.

Бир нарсани ёддан чиқармаслигимиз керакки, одамларнинг эҳтиёжларига қараб бозор талаблари ҳам ўзгариб боради.

Шуни назарда тутган ҳолда, биз ҳозирданоқ кореялик ҳамкорларимиз билан келишиб, "ЎзДЭУавто" корхонасида "Нексия-2" ва "Матиз" маркали янги автомобиллар ишлаб чиқариш лойиҳасини тайёрладик. Уни амалга ошириш учун қарийб 100 миллион АҚШ доллари микдорида маблағ сарфланади.

Яқинда Жанубий Кореяга қылған давлат ташрифимиз чоғида бу борадаги тегишли хужжатлар имзоланды. Мен ишонаман, Андикон автомобилсозлари ушбу лойиҳади ишлаб чиқаришга оқилюна жорий қилиб, иқтисодий салоҳиятимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ҳалқ ҳўжалигининг бутунлай янги соҳаси бўлмиш автомобиль саноатига асос солган бу завод Ўзбекистон танлаган сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар йўли тўғрилигини, "ўзбек модели" ижобий натижалар берга бошлаганини тасдиқлади.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг катта салоҳият ва бекиёс имкониятлар мамлакати эканини, эл-юртимизнинг юксак интеллектуал даражаси ва қудратини намоён этди. Чет эллик ҳамкорларимизнинг биз билан шерикчилик қилишга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

**Мұхтарам сайловчилар!**

Андикон вилоятидаги саноат жадал суръатлар билан ривожланаётгани ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Ҳар йили рақобатга бардошли ўнлаб янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Андикон машинасозлик, "Булоқбоши илаги" ҳиссадорлик жамиятлари, "Ан-нур" корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга оргиб бормоқда.

Вилоятда Жанубий Корея, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Чехия, Туркия, Россия ва Германиянинг бир қанча фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда тузилган 47 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Улар томонидан 1999 йилнинг 9 ойи давомида 59 миллиард 295 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Бу ўтган йилдагига нисбатан бир ярим марта кўп демак-дир.

**Хурматли ватандошлар!**

Хозирги кунда кўпгина мұхим ва энг долзарб бўлган масалалар қатори ишсизлар ва ортиқча ишчи кучларини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб

чиқиши ва амалга ошириш, бу ишга чет эл сармоялари ва ички имкониятларни көнг жалб этиш асосий вазифала-римиздан биридир.

Бу муаммо Андижон вилоятида нечоғли долзарб аҳами-ятта эга эканини тушунтириб ўтиришига ҳожат бўлмаса керак.

Хар йили вилоятда 50 мингга яқин чақалоқ дунёга келади. Мутахассисларнинг фикрича, Андижон вилоятининг аҳолиси кейинги ўн-ўн беш йил ичида таҳминан 500 минг кишига кўпайиши мумкин. Бинобарин, биз уларнинг ҳаёти, келажаги ҳақида ҳозирдан қайфуришимиз керак.

Шу маънода аҳолини иш билан таъминлаш бўйича вилоятда муайян ишлар амалга оширилмоқда. 1999 йилнинг тўқиз ойи якунлари бўйича вилоятда 18 минг 345 та янги иш ўринлари барпо қилинди.

Вилоятда янги иш ўринларини ташкил этишда халқ ҳунармандчилиги тажрибаларига асосланган "Уста-шо-гирд" услуби айниқса көнг ривожланмоқда. Жорий йилнинг ўн ойи мобайнинда 3 минг 486 нафар ишсиз киши турли касб ва миilliй ҳунармандчилликка ўргатилди. Аҳоли-ни якка тартибда иш билан таъминлаш ҳисобига 9 ой мобайнинда 9 мингдан зиёд одам иш билан банд бўлди.

Лекин вилоятда аҳолининг ниҳоятда зичлиги сабабли меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолмокда.

Фақат шу йилнинг ўзида жамоа хўжаликларининг ширкат хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан 42 мингдан зиёд одамга иш топиб бериш зарурати туғилмоқда. 2000 йилга бориб яна камида 40 минг ишчи кучи бўшаши кутилмоқда. Уларнинг бир қисми деҳқон хўжа-ликларига, оиласий тадбиркорлик ва бошқа соҳалардаги ўринларга ўтказилмоқда. Лекин бу билан масалани тўла ҳал қила олмаймиз. Шунинг учун қишлоқларда кўплаб кичик ва ўрта корхоналарни барпо этиш, маиший хизмат соҳасини көнг ривожлантириш, саноат корхоналарини тўла кувват билан ишлатиш, уларни реконструкция қилиш, илгор технологияга асосланган машина-ускуналар билан жиҳозлаш зарур.

Бу борада вилоятда ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Бунга биргина мисол. Ҳозирги вақтда вилоятдаги саноат корхоналари қувватларидан фақат 55-60 фойзга фойдаланилмоқда. Улардан, айниқса, маҳаллий хомашё билан ишлайдиган корхоналарнинг қувватларидан фойдаланиш даражасини 75-80 фойзга етказиш ҳисобига камида яна 10 минг кишини иш билан таъминлаш мумкин.

Келгусида бу борадаги ишларни изчил давом эттириб, аҳолини иш билан таъминлаш дастурига биноан, 2005 йилга қадар яна 195 минг иш ўрни барпо қилиш мүлжалланмоқда.

**Азиз дўстлар!**

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш кўп жиҳатдан тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминотига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Қараганда, вилоятда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 1991 йилда 71 фойзни, газ билан таъминлаш эса бор-йўғи 26,1 фойзни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткичлар ичимлик суви бўйича 83,4 фойзга, табиий газ бўйича эса 63, 2 фойзга етгани диққатта сазовор.

Хўжаобод ер ости газ омборининг биринчи навбати ишга туширилгани мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу иншоот нафақат вилоят, балки бутун Фарғона водийсини газ билан таъминлаш даражасини юқори босқичга кўтаради.

Вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида курилиши бошланган Хонобод — Андижон сув тармоғининг иккинчи навбатини тугаллаш зарур. Бу аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш имконини янада кенгайтиради.

**Қадрли юртдошлиар!**

Халқимизда: "Бахт калити — меҳнатда", деган мақол бор. Вилоятда иқтисодиётни ривожлантириш, моддий бойликларни кўпайтириш борасидаги ютуқлар шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш, муҳташам маданий-маший ва спорт иншоотлари бунёд этиш, равон йўллар куриш имконини бермоқда.

Кейинги йилларда вилоятда 66 та болалар бөгчаси, 95 та мактаб, 15 та шифохона, 88 та амбулатория ва поликлиника қурилгани шундан далолат беради.

Маърифатпарвар ота-боболаримизнинг анъанасини давом эттириб, андижонлик уч тадбиркор — Булоқбоши туманидан Абдужалил Шарипов, Андижон туманидан Ҳабибулло Маҳсумов, Шаҳриён туманидан Комилжон Отаконовнинг ўз ҳисобидан учта замонавий мактаб қуриб бергани айниқса таҳсинга сазовор.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофик, вилоятда 2 та академик лицей ва 14 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда республика бўйича янги қурилган 7 та коллеждан 6 таси Андижон вилоятида экани эътиборга молик. 2005 йилга бориб бу ерда 131 та касб-хунар коллежи, 16 та академик лицей барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Кейинги уч йил давомида 643 нафар ёшлар "Умид" жамғармасининг совриндорлари бўлган бўлса, улардан 51 нафарини андижонлик талабалар ташкил қиласди. Бу борада ҳам андижонлик ўғил-қизларимизнинг интилиши ҳаммамизни кувонтиради.

**Хурматли дўстлар!**

Сўнгти йилларда бутун вилоят ва унинг маркази Андижон шаҳрининг қиёфаси тубдан ўзгарганини бу ерда бўлган ҳар қайси инсон эътироф этади. Андижон шаҳридаги замонавий теннис корти, "Наврӯз" стадиони, Чўлпон ва Бобур номи билан аталадиган истироҳат боелари шаҳар чиройига чирой кўшиб турибди. Андижон аэропортини халқаро талаблар даражасида реконструкция қилиш, Навоий номидаги истироҳат бөгини қайта таъмирлаш бўйича катта ҳажмдаги қурилиш ишлари бажарилди.

Олтинкўл ва Избоскан туманида иккита янги стадион, Марҳамат ва Асака туманида эса иккита янги сиқатгоҳ ва бошқа кўплаб иншоотлар бунёд этилди.

**Қадрли юртдошлар!**

Андижон замини ҳалқимизга не-не буюк зотларни, азиз-авлиёларни етказиб бергани билан ҳам мўътабар ва азиздир.

Миллатимиз шон-шавкатини юксакка күттарган, маданиятимизни дунё миқёсига олиб чиқсан Захирiddин Мұхаммад Бобур, қассос шоира Нодирабегим, озодлик ва истиқдол фидойиси, куни кеча юртимизнинг энг юксак ордени — "Мустақиллик" ордени билан тақдирланган Абдулғамид Чўлпон каби зотлар нафақат Андикон аҳли учун, балки бутун халқимиз учун гуур ва фахр тимсолидир.

Шу заминда униб-ўсиб, адабиёт, санъат, фанимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган Аббос Бакиров, Саида Зуннунова, Тўхтасин Жалилов, Фанижон Тошматов, Соиб Хўжаев, Комил Яшин, Ҳабибий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳадича Сулаймонова, мен ўзим энг севган халқ ҳофизимиз Фаттоҳхон Мамадалиев сингари улуғ инсонларни халқимиз хурмат билан хотирлади.

Бугунги кунда ана шу илмий-ижодий анъаналарни давом эттириб келаётган Пўлатжон Ҳабибулаев, Бўрибой Аҳмедов, Нуғмон Сотимов, Акмал Қосимов, Зокиржон Машрабов, Мұхаммад Юсуф, Тўлан Низом, Муножот Йўлчиева, aka-ука Ваҳобовлар каби фан, маданият ва санъат вакиллари халқимизга сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Халқимизнинг севимли шоири Мұхаммад Юсуф айнан Андикон заминида туғилгани ва айнан мана шу тупроқда вояга етгани ҳам мен учун алоҳида маъно касб этади.

Маънавиятнинг сехрли кучи шундаки, у инсон қалбидаги эзгулик, саҳоват, меҳр-муруват каби олижаноб фазилатларни уйғотади. Шу маънода Андикон вилоятида миллий қадриятларимизни тиклаш, аҳолининг маданий-маърифий эҳтиёжларини таъминлаш, маҳаллалар ишини ташкил этиш, кексалар, ногирон ва ёрдамга муҳтоҷ одамларга доимий диққат-эътибор қаратиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватангга садоқат руҳида, комил инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишлар ҳам ибратлидир.

Азиз биродарлар!

Маълумки, Андикон вилояти мамлакатимизнинг чегара худуди бўлиб, бу ердан халқаро аҳамиятта эга бўлган

катта йўллар, мұхим коммуникация тармоқлари ўтади. Шу вактгача бу тоғлардан водийга фақат эзгу ниятдаги одамлар ўтиб келган. Афсуски, кейинги вактда озодлигимиз, тинчлигимиз ва осойишталигимизга раҳна солишга уринаётган қабиқ кучлар пайдо бўлгани ҳаммамизни ташвишлантиради.

Лекин ёвуз мақсадли кимсалар құлмишига яраша доимо жазо олади. Ахир, Бобур Мирзонинг: "Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топкусудир", – деган сўзи бежиз айтилмаган.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу юксак минбардан туриб баланд овоз билан айтмоқчиман: "Баъзи бир ионкўр, ўз ҳалқини, ор-номусини сотиб, ўзгаларниң иногорасига ўйнаб юргайлар эшлитиб-билиб кўйсин: Андикон ҳалқин тўғри йўлдан, озодлик, эркинлик ва бунёдкорлик йўлидан оғдириб бўлмайди. Бу ҳалқ ҳар қандай шароитда ҳам ўз гурури ва зътиқодини сақлашга, керак бўлса, уни ҳимоя қилишга қодир. Мен бунга қаттиқ ишонамав!"

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистонда спортта қанчалик зътибор берилаётгани барчангизга яхши маълум. Бу борада Андикон вилоятида ҳам кўп-кўп ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда дунё боксчилари Андикон деганида ҳушёр тортадиган бўлиб қолишиди. Бу бежиз эмас, албатта. Бугун Андикон бокс мактабининг шукратини бутун дунёга тараннум этаётган жаҳон чемпионлари Маҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров, Тўлқинбой Турғунов, Осиё чемпионлари Руслан Чагаев, Сергей Михайловларнинг номи мамлакатимиздаги ҳар бир спорт муҳлисига таниш ва азиз, десам, муболага бўлмайди.

Бундай қиличдай йигитларимиз билан қанча-қанча гуурулансак, арзиди, албатта. Бундай паҳлавонларимизнинг бугунги кунда ҳалқимиз миллий гуурини, ифтихорини юксак даражага кўтариш йўлида қилаётган меҳнатини мен юксак баҳолайман.

Мұхтарам ватандошлар!

Ҳалқимиз ўз тараққиёт йўлини аниқлаб, ривожланиш босқичига чиқиб олди. Барчамиз учун азиз ва мўътабар Ватанда яшаётган барча миллат ва элатлар ягона мақсад

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

— Ўзбекистонни буюк давлатта айлантириши йўлида астойдил хизмат қўлмокда.

Мен шу йўлдаги қийинчилик ва етишмовчиликларни мардона енгиги, ўзининг ёруғ келажаги, орзу-умидларининг рўёбга чиқиши учун интилаёттан бунёдкор, бағрикент, фидойи ҳалқим билан ҳамиша фахрланаман, унга таъзим қиласман.

Шундай ҳалқнинг ишончига сазовор, унга хизмат қилиш баҳтига мұяссар бўлганим учун Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтаман.

Мана шу заҳматкаш ва олижаноб ҳалқимиз тезроқ фаровон кунларга етишини, барча эзгу орзу-ниятларимиз ижобат бўлишини ҳар доим Яраттанимиздан сўраб яшайман.

Мана шу улуғ мақсад йўлида олдинги сафларда бораёттан Андикон ҳалқига сиҳат-саломатлик, баҳту саодат, омад ва янги-янги зафарлар тилайман.

*Андикон вилояти сайловчилиари вакилари  
билим учрашувда сўзланган нутх,  
1999 йил 17 декабрь*

---

## **ШУ МУКАДДАС ЙОРГА БРУГ КҮНЛАР КЕЛТИРИШ — ҲАР БИР НИЗАМНИНГ ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗДИР**

**Ассалому алейкум, қадымы күрдөнізде!**

**Мұхтарам дүсілар!**

Амангабай, мән шу муборак разаңын күндарида сиз — аязшар билаң сөт-отом дайындар күришиб тұрганимдан хурсанд эканимни, баржанғызта, сиз ордаңи буты Наманған ақынға үз иззат-әділдемесін издең этикетчиман.

Сизлар бидарын буғыны учрантудан мақсад — бұлажак Президент сайловы олдидан, аввало, шу заманда яшаёт-ған одамларимизнен кайфият, уларның білігүсін сайловларға мүносабети, халықмизни қыттыңдиган ташвишін мұаммология ҳақындағы фикр алмашының, зерттегі режаларимиз тұғрисида маслағатлашиб еттіндіктен иборат.

**Хурматты Наманған ақын!**

Наманған детандан мен зақматқақ, медмөндүст, иймон-зиятиқеңі бақуынаг, юксак мәденинің фазылшары билан ақрапайды туралған одамшарның күз олдитига келтираман.

Наманған халқы үзітіңде хос күсусындарини, үз тарихи, айнала ва урф-одатларини, бетакрөр шевасиниң асрлар мөбайнида сақлаб көтмоқда.

Бу халқ үзининг меңнатсеварлығы, одамийлігі, хушмуомаласы, мең-окибеті билан кишиде құвас үйғотади. Наманғаликішар, ҳатто, мұртак фарзандын әдем "сен" демайды, "сиз" лаб ганиради. Бу ибрағли фазылат күп-күп нарасын англатади, десек, хате бұлмайды.

Наманған ылымы мамтакатимизнинг иқтисодий салынуда, мөденинің ва маданий ризоюнда күп жиҳатдан етакчи ўринини әгадтайды. Қайси соҳанин еттіңді, вилоят бартаста — ҳам саноат, ҳам қыншоқ, құжалығы, алоқа ва

транспортда, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари та-раққиётида ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда юргимизда, жамиятимиздаги янгила-ниш жараёнларида олиб борилаётган ислоҳотлар сама-расини ошириш, замонавий бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодиётимиз таркибини ўзгартириш, одамларимиз-ни иш билан банд қилиш ва шу орқали ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш йўлида Наманган вилоятида қилинаётган ишларни ижобий баҳоласак, ҳеч қандай му-болага бўлмайди.

Маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, тез ўсаётган аҳолимизни иш ўринлари билан таъминлаш, шу мақсадда ички имкониятлардан ва чет эл сармояларини жалб қилиш ҳисобидан янги замонавий қўшма корхона-лар барпо этиш — бугунги кунда энг муҳим ва долзарб масалага айлананаётганини одамлар жойларда яхши тушу-ниб ва англаб олмокда.

Кейинги йилларда вилоят иқтисодиётида салмоқли улушга эга бўлган "Попфен", "Наманган ичимлиги", "Ал-Жаҳон", "Намангантекстиль", "Силк-Роад" каби қўшма корхоналар ташкил этилиб, уларни ишга тушириш учун 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ўзлаштирилди.

1999 йилнинг ўзида 76 миллион АҚШ доллари миқдо-ридаги сармоя сарфлаб, "Косонсой-Текмен" қўшма корхонасини қуриб ишга туширганимиз бунинг яққол тасди-ғидир. Ҳозиргача бу корхона 1,5 миллиард сўмликдан зиёд костюмбоп газлама ишлаб чиқаргани, энг муҳими, бу кор-хона вилоятдаги 1400 одамни иш билан таъминлагани барчамизни кувонтиради.

Мана шундай савй-ҳаракатларимиз, изланишлар ҳисо-бига Наманганда жорий йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бу эса ўтган йилга нисбатан деярли 2 марта кўп демакдир.

Замонавий корхоналар куриш, ҳар томонлама хари-дорбоп, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан ви-лоят саноат корхоналари ўтган йили хорижий давлатлар-га жами 85 миллионга яқин АҚШ доллари ҳажмидаги

маҳсулотни экспорт қылганини алоҳида таъкидлаб ўтсак, ўринили деб ўйлайман.

Албагта, қилинган ишлар ҳақида узоқ гапириш, турли факт-рақамларни келтириш мумкин, аммо биз кўпроқ келажак режаларимиз ҳақида ўйласак, бу ҳақда гапирсак, тўғри бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, 2000 йилда Наманган сут заводи негизида Швейцариянинг "Нестле" компанияси билан биргаликда лойиҳа қиймати 30 миллион АҚШ долларига тенг бўлган болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ишга тушади. Бу соғлом авлодга ғамхўрлик қилиш йўлидаги муҳим амалий қадам бўлади.

Шунингдек, Германиянинг йирик фирмалари ҳамкорлигида трикотаж матолар, француз ишбилармонлари билан эса целлюлоза ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этилмоқда. Бу корхоналар ҳам келгуси йилдан маҳсулот бера бошлайди.

"Косонсой-Текмен" қўшма корхонасини қенгайтириб, ўй шароитида гилам тўқишини ташкил этиш асосида вилоятдаги 10 мингдан ортиқ аёл иш билан таъминланади.

Ана шу мақсадларга 200 миллион АҚШ долларидан зиёд сармоя сарфлаш мўлжалланмоқда.

Режалаштирилган дастур ва барча тадбирлар ҳисобидан 2005 йилгача бўлган даврда Наманган вилоятида ҳаммаси бўлиб қўшимча тарзда 185 мингта яқин иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўйлайманки, агар олдимизга кўйган режаларни амалга оширсак, аввало, шу муҳим масалаларнинг аҳамиятини барчамиз яхши англаб олсак, 2005 йилга бориб Наманганда умумий ишсизлик муаммосини ечишга эришамиз, иншоолло.

Истиқболдаги устувор вазифаларимиз ҳақида гапирганда, яқин келажакда қуриб битказиладиган Тошкент – Ўш автомагистралини алоҳида тилга олиш зарур. Халқаро аҳамиятта эга бу магистралнинг катта қисми Наманган вилояти ҳудудидан ўтади.

Бутун мамлакатимиз учун ўта муҳим бўлган бу йўлни бунёд этишда, Қамчиқ довонида иккита туннел қуришда вилоят йўлсозлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Яқин келажакда бу ерда халқаро қатновлар йўлга қўйилгач, нафақат Наманган вилояти, балки бутун Фарғона водийсининг қиёфаси тубдан ўзгаради. Бу йўлни қуриш ва ишга тушириш туфайли янги минг-минг шохобчалар, хизмат кўрсатувчи корхоналар пайдо бўлиши мұқаррар. Бу эса халқимизга нафақат кулайлик туғдиради, шу билан бирга, янги-янги даромад тушуми манбаига айланиши ҳам аниқ.

**Азиз юртдошлар!**

Наманган азалдан ўзининг меҳнаткаш ва миришкор дехқонлари билан донг таратиб келган. Якунланаётган йилда вилоятда 222 минг тоннага яқин галла етиширилди.

Чорток туманидаги "Мустақилликнинг 5 йиллиги" ширкат хўжалигининг бригада бошлиғи, "Ўзбекистон Қаҳрамони" Абдували Абдураҳимов, Наманган туманидаги "Соҳибкор" хўжалиги бригада бошлиғи Отакон Тожимирзаев, Янгиқўрон туманидаги "Заркент" хўжалиги бригада бошлиғи Раҳимахон Ҳавезова каби юзлаб-минглаб миришкор дехқонларнинг меҳнати туфайли вилоят галлакорлари шундай натижаларга эришди, деб айтсак, хаго бўлмайди.

Кишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам муайян силжишлар бор. Янгиқўрон, Чорток, Косонсой туманларидағи боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган хўжаликлар нафақат вилоят, балки республика аҳолисини ҳам мева, узум, картошка маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Вилоятда дехқон ва фермер хўжаликлари ҳам ривож топмоқда.

1999 йилда 12 минг 260 та дехқон хўжалиги ташкил этилиб, уларга 2 минг 400 гектар экин майдонлари ажратиб берилди. Айни пайтда 1 минг 700 га яқин фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

**Қадрли дўстлар!**

Бу ижобий натижаларга қарамасдан, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бой салоҳият, юқори дехқончилик

маданияти имкониятларидан оқилона фойдаланиш йўлида ҳали кўпгина ишга солинмаган имконият ва ресурслар борлиги ҳақида гапириши ўринли, деб ўйлайман.

Бугунги кунда бу соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аввало, дедқоннинг ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, иш ҳақини меҳнатига қараб ўз вактида ва тўлиқ олиши юзасидан кўрилаётган чоралар бизни қониктирумаслигини алоҳида гапириш керак.

Қисқа қилиб айтганда, чиройли, лекин қуруқ гаплардан, ҷақириқ ва даъватлардан амалий ишларга ўтиш даври келди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида белгилаб кўйилган ислоҳотларни юзаки, фақатгина ҳисобот учун, хўжакўрсинга олиб бораётган, ўзибўларчилик йўлида юрган мутасадди раҳбар ва мутахассисларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш — энг долзарб масала, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда барчамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олдик. Ишимизни, иш услубларимизни тубдан ўзгартириш, меҳнатта муносабатимизни ўзгартириш, меҳнатимизнинг самарасини ошириш ва аввало шулар ҳисобидан оладиган даромад ҳам, ҳаётимизни яхшилаш ҳам — кўп жиҳатдан, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи жиҳатдан ҳар қайси хўжалик раҳбари, туман раҳбарининг ташкилотчилиги, ишнинг негизини билиши, мутахассислик даражаси, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, керак бўлса, унинг поклиги, тозалиги, лекин, шу билан бирга, талабчанлиги ва қаттиққўллигига боғлиқ.

Буни бугунги кунда ҳеч ким инкор қилолмайди.

Бу ҳақиқатни зарар кўриб ишлаётган хўжаликларни санацияга тортиш жараёнида, санация қилинган хўжаликларнинг иш натижаларида яққол кўриш мумкин.

Наманган вилоятида 1998 йили ўтказилган санация туфайли 8 та хўжалик ўз молиявий-иктисодий аҳволини ўнглаб олишга эришгани мисолида кўпгина хуоса чиқариш мумкин.

Мисол учун, Тўракўрғон туманидаги "Шарқ юлдузи" хўжалиги 1997 йили қарийб 7 миллион сўм зарар кўрган зди. Санация бўйича тегишли чораларни амалга ошириш

натижасида хўжалик ўтган йили 20 миллион сўм фойда олди. Бу йил ҳам мазкур хўжаликнинг юқори натижаларга эришиши кутимоқда.

Санация ишлари давом этаётган яна тўққизта хўжаликда ҳам йил самарали якунланади, деб айтишга асослар бор.

Бу ишлар кишига, албатта, умид бағишлади.

Лекин, таажжублар бўлсинки, бизнинг асосий даромад манбаймиз бўлмиш пахтачиликда, афсуски, муамма ва камчиликлар кўп. Балки бу гап бугунги учрашувнинг мавзуси эмасдир, аммо мен наманганликларнинг дангал гапни яхши кўришини билганим учун бу ҳақда очиқ айтишни маъқул топдим.

Пахта бўйича белгиланган шартнома режалари вилоятда сурункали тарзда бажарилмай келяпти. Бир вақтлар Наманган бу соҳада энг илгорлардан бири эди-ку! Абдураҳмон Жўраев, Абдусаттор Шарипов, Тожихон Аскарова, Боқивой Маллабоев каби пахта усталарини бутун Ўзбекистон биларди-ку! Нега бугун уларнинг издошлари йўқ, нега бу яхши анъаналарнинг давомини кўрмаялмиз?

Албатта, бу ҳолнинг сабаблари ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин, мен ишонаманки, вилоят пахтакорларининг аввалги шуҳратини тиклаш учун сизларда тажриба ва билим ҳам, куч-гайрат ҳам етарли.

Шуни айтиш керакки, давлатимиз Наманган вилоятиният ижтимоий-иҷтисодий ривожланишини жадаллаштириш, бу борараги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ўз навбатида қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Хусусан, ўтган йили қабул қилинган маҳсус ҳукумат қарорига биноан, вилоятда субориладиган ер майдонларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш мақсадида Поптуманида 30 километр узунилдаги "Машканал" сув иншоотини барпо этиш режалаштирилган.

Бу иншоот ишга тушгач, кўшимча тарзда 24 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, ижтимоий инфратузилмага эга бўлган 3 та янги шаҳарча барпо этилади.

Бу шаҳарчаларда 30 километрдан зиёд йўл, 50 километрга яқин газ, 36 километр тоза ичимлик суви узатиш

тармоқлари, 8 та мактаб, 7 та болалар боғчаси, 5 та қишлоқ шифокорлик пунктлари, 3 та маший хизмат уйи ва бошқа ижтимоий иншоотлар қурилиши кўзда тутилган.

Энг муҳими, бу ерда 35 мингдан зиёд янги иш жойлари яратилади.

Бу ерларниг ўзлаштирилиши пировард натижада кўплаб ёш оиласарни уй-жой билан таъминлаш, уларга дедқон ва фермер хўжаликлари ташкил этиш учун ер ажратиш имконини беради.

Мен мана шу борада ўзим амин бўлган бир масалага сиз — азизларниг, сиз орқали бутун Наманган аҳлиниг эътиборини жалб қўлмоқчиман.

Бу ҳам бўлса, ишонч масаласидир. Шу эл-юрг бошига қандай машаққатли, қандай оғир муаммо-синовлар, қийинчиликлар тушмасин, мен ишонаман, шундай ор-номусли, иродаси бакувват, иймони бутун, меҳр-оқибатли, кўпни кўрган, лекин ҳеч қачон ўзини йўқотмаган ҳалқнинг ёруғ келажагига ишонаман.

Менда ҳеч қандай шубҳа йўқки, биз иккисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳаётни ўнглаб олиш борасида оддимизга қўйган муддао ва мэрраларга албатта етамиз. Биз бошқалардан ҳеч қачон кам бўлмаганимиз, кам бўлмаймиз ҳам.

Азиз юртдошлар!

Кейинги йилларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, айниқса, тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида мамлакатимизда катта ишлар қилинаётганидан хабардорсиз.

Жумладан, Наманган вилоятида 1991 йили 1 минг 424 километр ичимлик суви тармоғи мавжуд бўлган бўлса, сўнгги саккиз йилнинг ўзида 1 минг 572 километрдан иборат янги сув ўтказиш тармоғи қуриб фойдаланишга топширилди. Яъни бу кўрсаткич роппа-роса икки баробар кўпайди.

Кейинги саккиз йил давомида вилоятда 3 минг 672 километр табиий газ тармоқлари тортилди. Бу собиқ иттифоқ давридаги кўрсаткичга нисбатан 2,5 баробар кўпдир.

Гарчи вилоят аҳолисини табиий газ билан таъминлаш даражаси кейинги саккиз йилда 31 фоиздан 55 фоизга,

тоза ичимлик суви билан таъминлаш эса 66 фоиздан 75 фоизга етказилган бўлса-да, бугунги аҳвол бу йўлда ҳали анча ишларни амалга оширишимиз кераклигидан дарак беради.

Бу борада 37 километр узунилодаги Учқўргон-Наманган тоза ичимлик суви узатиш ишшоотининг иккинчи навбати қуриб битказилиши салмоқли аҳамият касб этади. Бундай ишларимизни, албатта, тезлантиришимиз лозим.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида ижтимоий соҳада ҳам бир қаңча ишлар амалга оширилди.

Шу даврда қарийб 100 минг оиласга шахсий томорқа учун ер берилди. Шаҳар ва қишлоқларда 5 миллион 745 минг квадрат метр туаржой бинолари қурилди.

50 мингдан зиёд ўкувчи ўқийдиган янги мактаблар, 7 мингдан ортиқ болани бағрига оладиган боғчалар, 48 та қишлоқ шифокорлик пунктлари, 1 минг 500 беморга хизмат кўрсатадиган шифохоналар, қарийб 4 минг кишини қабул қилиш имкониятига эга бўлган янги поликлиникалар қуриб битказилди.

2005 йилга қадар эса яна 215 та қишлоқ врачлик пункtlари ишга туширилиши кўзда тутилмоқда.

Шуниси кувончлики, бугунги кунда юртимизда мактаб-маориф соҳасига ҳомийлик қилаётган тадбиркорлар пайдо бўла бошлиди. Тўракўргон туманинаги "Имкон" хусусий фирмаси раҳбари Раҳмонжон Назаровнинг ўз ҳисобидан 270 ўринли мактаб биноси қуриб, ҳамқишлоқларига ҳадя қылгани ибратли ташаббус, ҳар томонлама қўллаб-куватлашга лойиқ, десак, тўғри бўлади.

Ёш авлод тарбиясига эътибор, ёшларимиз, фарзандларимизнинг бошини силаш, уларга замонавий ўкув масканларини қуриб бериш масаласи бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган энг муҳим базифа эканидан барчамиз хабардормиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириши мақсадида Наманганда жорий йилда 1 та академик лицей қурилди, 8 та касб-хунар коллежи ташкил этилди.

2005 йилгача вилоятда 13 та академик лицей, 133 та касбхунар коллежи ишга туширилди.

Агар диккэт қылган бўлсангиз, мен ёшлиаримизни ривожланган мамлакатларнинг нуфузли университетларида ўқитиш ҳақида кўн гапираман. Бу ҳам келажакни ўйлаб қилинаётган бир ишdir. Ҳозирга қадар "Умид" жамгармаси орқали жами бўлиб 643 та ўғил-қизларимиз хорижда таълим олиш имкониятига эга бўлди. Шулардан 42 нафари намангандлик ёшлиардир.

**Мұхтарам дўстлар!**

Намангандек ҳалқи — орасталикни, бунёдкорликни яхши кўрадиган, бунинг қадрига етадиган ҳалқ. Кейинги йилларда бу соҳада қилинган кўпгина ишлар бунинг тасдиғидир.

Намангандек шахридаги Амир Темур ва Тинчлик хиёбонлари, Бобур ва Машраб истироҳат боялари, Тантана ва маросимлар уйи, "Падлавон" спорт-соғломлаштирици, "Дўстлик" тениис корти мажмуалари, вилоят телемаркази, стандартлаш маркази сингари кўплаб бино ва иншотлар шаҳар кўркига янада кўрк кўшди.

Бундай ободончилик ишларини Косонсой ва Чорток туманлари мисолида ҳам келтириш мумкин.

Вилоятда жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилмоқда. Намангандлик спортчилар мамлакат ва жаҳон миқёсидағи турли мусобақаларда совринли ўринларни кўлга киритмоқдалар. Айниқса, бу ерда футболга қизиқиш кучли. Буни "Навбаҳор" футбол жамоаси 1990 йилдан бўён мамлакат чемпионатида муттасил совриндорлар қаторидан жой олиб келаётганидан ҳам кўриш мумкин.

Турли ҳалқаро мусобақаларнинг ғолиблари бўлган боксчи Темур Сулаймонов, биатлончи Мұхаббат Каңдакова, шахматчи Ольга Сон, тениисчи Севара Қодирова каби спортчилар нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз фахридир.

**Мұхтарам Намангандек аҳли!**

Агар бугунги учрашувда биз бир-биримизга кўнглимишни очиб, ҳақиқатни айтсак, бошимиздан ўтаеттган ҳаёт ташвишлари, ҳаёт жумбоклари, ҳаёт муаммолари ҳақида

фикр алмашиб олсак, ҳар жиҳатдан ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Шу йил бўлиб ўтган хунук воқеалар — 16 февралда Тошкентда содир этилган мудҳиш кўпорувчилик, мана шу водийда, жумладан, Наманганд вилоятида ҳам рўй берган айрим нохуш ҳолатлар, ёшларимизнинг гўр ва тажрибасизлигидан, эътиқоди, дунёқараши ҳали мустаҳкам эмаслигидан фойдаланган ватанфурӯш кимсалар ва уларнинг ортида турган ёвуз кучларнинг интилишлари ҳақида, бу кучларнинг юртимизга тажовуз қилишга уринаётгани ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бундай қабиқ ҳаракатларнинг олдини олиш тўғрисида кўп ўйлайман. Ишонаманки, сизлар ҳам бу ҳақда қайгуарасизлар. Нега деганда, ана шу адашган, нотўғри йўлга кириб қолган ёшлар ҳам бизнинг фарзандларимиз. Уларнинг барчаси ҳам — тирик жон. Улар ҳам бу дунёга умид билан келган. Уларнинг ҳам қанча орзу-ҳаваслари бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Лекин, минг афсуски, бундай ишларнинг рўй беришида ўзимизнинг ҳам айбимиз борлигини тан олишимиз керак. Яъни таълим-тарбия масаласида оқсоқ бўлганимиз, бу масалага юзаки қараганимиз, лоқайдлик, ўзибўларчиликка йўл қўйганимиз, мансабларда ўтирганларнинг маъс-улиятсизлиги, керак бўлса, бу борада ота-оналарнинг бепарволиги ҳам сабаб бўлганини айтиш зарур.

Буларнинг барчаси бизни янада ҳушёр ва сергак бўлишига даъват этади.

Негаки вақтни йўқотиб, бўлаётган бемаза ишларга бепарволик билан қараш, ўзимиздан чиқсан болаларимизни йўлдан уриб, ёвуз ишларга, қотилликка ҳам уларни мажбурулаб, ўз эл-юргита душман қилиб қўйиш — бундай қабиқ ниятда амалга оширилаётган ишлар маълум хорижий давлатларда жойлашган, бизга ёвуз кўз билан қараётган марказларнинг мақсадига киради. Буни барчамиз чукур англаб олишимиз даркор.

Шунинг учун ҳам болалар тарбиясига, уларнинг ўз мустаҳкам фикрига эга бўлишига, ҳаётда тўғри йўл топиб олишига барчамиз маъсулмиз.

Чунки шу мұқаддас юртимизга, киндиқ қонимиз түкилған, ота-боболаримиз хоки ёттан тупрокқа оғат ва мусибат әмас, аксингча, хурсандчилік ва ёруғ күнлар олиб келиш ҳар биримизнің инсоний бурчимиздір.

Ахир, дунёға умид билан келған ҳар бир инсон күпчилик қатори шу ҳаётдан, Аллоқ бизга инъом эттан неъматтардан баҳраманд бўлиши керак әмасми?!

Бунинг учун эса, аввало, йўлимизда тўсиқ-ғов бўлиб турган ёвуз нияти ярамас кимсаларнинг гапига кирмаслик, уларнинг ташвиқотига, ҳйила-найрангига учмаслик керак.

Айтинглар, азиз дўстлар, шу оддий ҳақиқатни англаш, тушуниш, уни болаларимизнің қулогига қўйиш, уларни ёмон йўллардан қайтариш шунчалик қийинми? Бу тўғрида яна қанча гапиришим керак?

Аллоқ таоло бизга оталик-оналиқ баҳтини ато этган экан, айни вақтда бўйнимизга жуда катта масъулият, жавобгарлик ҳам қўйган. Ана шу бурчни қандай адо эттанимиз ҳақида охиратда ҳам жавоб бериш муқаррарлигини асло унутмаслигимиз зарур.

Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу Худонинг олдида ҳам, халқнинг олдида ҳам энг катта қарзимиз әмасми?

Бизнинг вазифамиз, аввало, дин пешволарининг, масжид-мадрасаларда хизмат қиласидан уламоларнинг вазифаси ота-боболаримизнинг эзгу илоҳий дини бўлган ислом дини, Куръони карим ва Ҳадиси шариф дъзватларини фарзандларимизга тўғри етказишидир.

Энг мұхими, амал-мансабга, ҳокимиятта ғайриқонуний йўллар билан эришиш учун мұқаддас динимизни ғаразли сиёсий қурол, сиёсий ниқоб қилиб олган қабиҳ кучларга қарши курашиб — биринчи галда ана шу диндорлар, кенг жамоатчиликнинг вазифаси әмасми?

Куни кеча Жizzах вилоятидаги учрашувда айтган гапимни тақрорламоқчиман. Яқинда Ўзбекистонга ташриф буюрган мисрлик машхур аллома, ислом дунёсида катта обрў-эътиборга эга бўлган Ал-Азҳар дорилғунунининг шайхи Мұхаммад Саййид Тантовий жаноблари билан мен икки ярим соат судбатлашдим. Бу борада ўзимни қийнаб

келаётган барча саволларни у кишига айтдим. Сохта обрў топиш мақсадида ислом динимизни бошқа йўлга бураётган разил кимсаларнинг кирдикорлари ҳақида фикр-мулоҳаза алмашдик. Чунки бу муаммо уларда ҳам бор.

Бу хатарга қарши биргаликда кураш олиб бориш учун шайх Тантовий жаноблари яқинда ташкил этилган Тошкент Ислом университети домла-мударрислари билан келишиб олдилар. Ва у киши бизнинг юртимизда бу борада олиб борилаётган ишларимизга кўмак бериш ниятини билдирилар, биз ҳамкор бўлишга қарор қилдик.

#### Мұҳтарам юртдошлилар!

Яна бор бор такрорлаб айтмоқчиманки, бугунги мурakkab таҳдикали замонда мамлакатимиз атрофидаги бальзи давлатларда бекарорлик, уруш бўлаётган бир пайтда, айримлар бизнинг юртимиз тинчлигига, барқарорлигига ёвуз кўз билан қараётган бир пайтда болаларимизнинг тақдирни, уларнинг ҳаётини бало-қазолардан асрар масаласи мени кўп қийнайди. Айрим одамларнинг оқибатини ўйламай қилган иши билан ота-онасига, оиласига, фарзандларига, эл-юргига етказган зиён барчамизни ташвишга солиши керак, деб ўйлайман.

Бундай вазият фақат Наманган вилоятидагина эмас, бутун Фарғона водийси, барча вилоятларимиз ҳудудига тааллуқlidir.

Шу ишларга аралашиб қолган, лекин оғир жиноятлар содир этмаган, адашганини тан олиб, айбига икрор бўлиб, тавба қилган 910 нафар мамлакатимиз фуқаросининг гуноҳидан кечилди. Булардан 82 нафари наманганликлар.

Уларнинг жазодан озод қилингани бу давлатимиз инсониарварлик сиёсатининг яна бир кўриниши бўлди, десак, хато қилмаймиз.

Лекин, шу билан бирга, жиноятга кўл урган айрим ўшлар қонуний тарзда жазо муддатларини ўтамокда. Албатта, уларнинг орасида кўзи кечроқ очилган, ҳозирда қилмишидан пушаймон бўлаётган шахслар ҳам йўқ эмас. Ўйлайманки, вақти-соати келиб, биз бу масалани, албатта, яна кўриб чиқамиз.

### Азиз дўстлар!

Шу боис юртимизда яшаётган, муқаддас ислом динимизга чин дилдан ихлос кўйган, имон-эътиқоди бақувват инсонларимиз, мен ишонаманки, ўзларига керакли хуласалар чиқаради.

Мен имони бақувват одам деганда, аввало, виждонли, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига борадиган, бирорвнинг ҳақидан ҳазар қиласидиган, бирорвга ноҳақ озор бермайдиган инсонларни кўз олдимга келтираман.

Яхши биласизларки, мустақилик йилларида мамлакатимизда эътиқод эркинлиги учун кенг йўл очиб берилди. Унинг ҳуқуқий асослари яратилиб, қонун билан мустаҳкамлаб кўйилди. Бугун юртимизда, барча вилоятларда, шу жумладан, Намангандаги ҳам ўнлаб янги масжидлар курилди, эскилари таъмирланиб, одамлар руҳан покланадиган масканларга айланди.

Биргина Намангандаги вилоятининг ўзидан кейинги йилларда тўққиз минта яқин одам муборак Ҳаж сафарига бориб келгани ҳам динимизга берилган эркинлик натижасидир.

Биз ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом динини маънавий ҳаётимизнинг узвий қисми, деб биламиз. Унинг улкан тарбиявий аҳамиятини, ўзлигимизни, миллтий қадриятларимизни англашда буюк восита эканини қадрлаймиз.

Шунинг учун давлат мўмин-мусулмонларимизга тегишли шароит яратиб беришда, хусусан, муборак Ҳаж сафарини ташкил этишда уларга аввалгидек ўз ёрдамини аямайди.

Куни кеча бу ҳақда ҳукумат қарори эълон қилингани бунинг яна бир тасдифидир.

Биз фақат муқаддас динимизни айрим кимсалар қабиқ мақсадлари йўлида никоб қилишига, ҳалқимизнинг эътиқодидан ўз фаразли манфаатлари йўлида фойдаланишига, одамларнинг тинчини бузишига қаршимиз.

Ахир, азиз биродарлар, ўзингиз ўйлаб кўринг, йўлимга юрмаса, ота-онамни ҳам ўлдиришга тайёрман, дейдиган, ҳеч нарсани тан олмайдиган қонхўр кимсалардан нимани ҳам кутиш мумкин?!

Жирғатол туманидаги хунрезлик, Боткен воқеалари уларнинг асл башарасини бутун дунёга кўрсатиб берди.

Уларнинг қилмиши — зўравонлик, касби — қотиллик, дарди эса — пул ва мансаб.

Ахир, одамларни гаровга олиш, уларнинг эвазига пул талаб қилиш мусулмончилликнинг қайси қоидасига тўғри келади?!

Кўриниб турибдики, бундай манфур ишларнинг тагида жаҳолат ва нафс балоси ётибди.

Оташин шоир Машраб шундай деган экан: "Нур бўлар эрдим, агар нафс балоси бўлмаса".

Яъни одамзот мана шундай нафсга, кибру ҳавога бе-рилмаганида эди, нурдек пок бўлар эди. Бу гапда кўп-кўп маъно борлиги шубҳасиз, албатта.

Азиз биродарлар!

Мен қатый ишонч билан айта оламанки, бу кимсалар пок ниyatли, эътиқоди мустаҳкам Наманган халқининг маънавиятига, унинг тинч ҳәётига, бунёдкорлик ишларига асло рахна сололмайди.

Наманган диёрининг маънавий қиёфасини бундай ватанчуруш нокаслар эмас, аксинча, Маҳдуми Аъзам Ко-соний, Бобораҳим Машраб, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммад-шариф Сўфизода, Усмон Носир каби буюк зотлар белгилайди.

Наманган вилоятининг шуҳратини оширишда Ёлқин Тўракулов, Маҳмуд Салоҳиддинов, Эргаш Отаконов сингари олимлар, Сора Эшонтўраева, Ҳабиба Охунова, Ёкуб Аҳмедов, Камолиддин Раҳимов каби санъаткорлар, Ҳусниниддин Шарипов, Ҳабиб Саъдулла сингари ижодкорларнинг хизмати бекиёс эканини бутун халқимиз яхши билади.

Азиз дўстлар!

Биз олдимиизга буюк мақсадлар қўйган ва шу мақсадлар сари ўзининг куч-кудрати ва салоҳиятига ишониб, таяниб, суюниб яшаётган халқимиз.

Бир нарсани ҳеч ким ва ҳеч қачон унугмаслиги керак — Ўзбекистон Аллоҳнинг назари, меҳри тушган, файз ва барака ато этилган бетакор заминцир. Бизнинг қонимизга, суюк-суюкларимизга сингиб борган буюк аждодларимиз, авлиё-мутафаккирларимиз, фозилу уламоларимиз

## **ОЗД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ**

---

насиҳатлари, ўгитлари, улуг мерослари бизга куч-куват ва эртаниги кунимизга ишонч бағищлайди.

Ўз истиқболини аниқ ва равшан тасаввур этиб, ўзининг тинч ва фаровон турмушини таъминлаш йўлида, жадён майдонида ўзига муносиб ўрин эгаллаш йўлида шаҳдам қадам қўяётган халқнинг фарзанди бўлганимиз — барчамиз учун катта баҳтдир.

Ишончим комилки, шу юксак мақсадларга эришишда, орзу-умидларимизнинг ушалиши йўлида ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб хизмат қиласиз.

Мана шу вазифаларни адо этишда сизларга, сизлар орқали бутун Намангандеканга куч-куват, ғайрат-шилоат, баҳту саодат тилайман.

*Намангандекан вилояти сайловчилари вакиллари  
 билан учрашувда сўзланган нутк.  
 1999 йил 17 декабрь*

---

## ИМКОНИЯТЛАРНИ ТҮЛА ИШГА СОЛИШ – ЮКСАЛИШ ГАРОВИДИР

Қадрли дүстлар!  
Азиз ватандошлар!

Аввало, мана шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, бутун Фарғона аҳлига ўз фарзандлик меҳримни, бекиёс хурматимни билдиришта ижозат бергайсиз!

Бу табаррук ва гўзал заминга қадам қўйганимда, меҳнатсевар, меҳмондўст Фарғона аҳдининг иссиқ дийдорини кўрганимда, юзида табассум порлаб турган дилкаш, танти инсонлар билан учрашганимда, қалбимни ҳар сафар шодлик ва эҳтиром чулгайди.

Бугунги учрашувимиздан мақсад сизларга аён бўлиши керак. Бу, аввало, шу юртда яшаётган ҳалқнинг ҳол-аҳволидан, сизларниң сайловолди кайфиятингиздан хабардор бўлиш, ташвиш ва муаммоларингизни ечиш йўлини биргалашиб қидириш, сизнинг оғирингизни енгил қилишга ўз ҳиссамни қўшишидир.

Мухтарам дўстлар!

Фарғона вилояти бой тарихий мероси, иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимизда ўзига хос ўринга эга.

Бу заминнинг тарихи ҳам, бугуни ҳам фозилу фузалоларга, ижодкору санъаткорларга бой.

Ўтган йили биз дунё илм-фанига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ ватандошимиз Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик тўйини ҳалқаро миқёсда нишонладик. Ислом дунёсининг буюк алломаси, машхур "Ҳидоя" асарининг муалифи, XII аср бошида таваллуд топган улуғ зот Бурҳониддин Марғиноний ҳам шу замин фарзандидир.

Бу буюк зотнинг ҳаёти ва бой маънавий меросини чукур ўрганиш, жақон миқёсида муборак тўйини ўтказиши,

Марғилонда хотира ёдгорлигини ўрнатиш, Риштонда эса мақбарасини обод қилишга қаратилган тадбирларни яқин вақтларда кенг кўламда амалга оширасак, ўйлайманки, ҳар томонлама халқимизнинг ҳоҳиш ва интилишларига мос иш бўулур эди. Бунга қандай қарайсизлар?

Халқимизга битмас-туганмас маънавий ҳазина қолдирган Увайсий, Анбар Отин, Дилшод Барно, Муқими, Фурқат, Гулханий, Собир Абдулло, Чархий каби адабиёт на-мояндалари, Юсуфхон қизиқ Шакаржонов, Тамарахоним, Ҳалимахоним, Мукаррамахоним, Жўрахон Султонов, Мав-муржон Узоков, Таваккал Қодиров каби ноёб истеъод эгалари ҳам шу замин фарзандлариидир.

Фарғона вилоятининг ўзига хос яна бир жиҳати – бу ерда турли даврларда барпо этилган Мадрасаи Мир, Даҳ-маи Шоҳон, Модарихон даҳмаси, Худоёрхон ўрдаси каби кўплаб тарихий обидалар, Пошшопирим, Биби Убайдада, Соҳиби Ҳидоя каби муқаддас жойлар халқимизнинг юк-сак меъморчилик санъати, аждодларимизнинг яратувчи-лик салоҳиятидан, шири комиллигидан далолат беради.

Буларнинг барчаси Фарғона воҳаси маънавий меросига бой вилоят сифатида тарихимизда бетакрор ўз ўрнига эга эканлигининг тасдиғидир.

Таниқли маърифатпарвар Исоқхон Ибратнинг "Фарғона тарихи" асарида: "Фарғонанинг суви сероб, ҳавоси тоза, меваси покиза, ерлари маҳсулдор...", – дейилади. Фарғонанинг испак, атлас, адрес, беқасам ва шойиси Бу-хородан тортиб то Ҳиндистону Арабистонгача машҳу-лиги қайд этилади.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Фарғона вилоятида ги айрим шаҳарларнинг ёши 2500-3000 йилдан кам эмас. Бугунги кунда археологларимиз ва тарихчиларимиз томонидан янги-янги қазилма ва ноёб меросимиз намуналари топилаётгани Фарғона водийси тарихини чуқурроқ ўрганиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Фарғоналиклар ота-боболари анъаналарига содик қолиб, уларнинг эзгу ишларини муносаб давом эттирмоқ-далар. Бугунги кунда севимли шоиримиз Эркин Воҳидов, миришкор пахтакор Комилжон Мамажонов, фидойи му-

аллима Манзура Мадалиева, йўлсоз Улугбек Умаров каби Ўзбекистон Қаҳрамонлари, машхур хонанда Юлдуз Усмонова, моҳир созанда Абдуҳошим Исмоилов каби санъаткорлар Фарғона номини улуғлаб, мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат қўшиб келмоқда.

Кадрли дўстлар, биродарлар!

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, кейинги йиллари Фарғона шаҳарлари, туманлари, қишлоқлари ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Янги қурилган иншоотлар, уй-жойлар, бозорлар, газарлар, раён йўллар уларнинг чиройига чирой қўшмоқда.

Фарғона шаҳрида жаҳон андозаларига мос келадиган теннис мажмуаси, гўзал меъморий ёдгорлик — Аҳмад Фарғоний оромгоҳи, Кувада Шаҳристон қўргони мажмуй, Учкўприк, Тошлоқ ва Сўх туманларида янги стадионлар, аҳолига савдо ва маишӣ хизмат кўрсатадиган юзлаб иншоотлар қад ростлади.

Бугун Фарғона вилояти республикамиздаги йирик иқтисадий салоҳиятта эга бўлган вилоятлардан биридир. У, пахта, пилла ва саноат ҳом ашёлари етишириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларига кўра, мамлакатимизда юқори ўринлардан бирида туради. Шу боисдан ҳам дунёning кўплаб нуфузли компания ва фирмалари вилоятта ишонч билан сармоя киритмоқда.

Жумладан, Япониянинг "Мицуй" фирмаси билан ҳамкорликда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жаҳон андозалари даражасида таъмирланмоқда. Бу лойиҳанинг қиймати 178 миллион 300 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, у амалга ошгач, йилига қарийб 1 миллион 700 минг тонна дизель ёқилғисини олтингутуртдан тозалаш, энг муҳими, ҳар йили хорижга 600 минг тонна дизель ёқилғиси ва 25 минг тонна олтингутурт экспорт қилиш имкони туғилади.

Тошлоқ туманида йилига 8 минг 700 тонна калава ишларирадиган "ДЭУ Текстайл Компани" корхонаси ишга туширилди. Охунбобоев туманида эса бу корхонанинг тўкув фабрикаси барпо этилди.

Енгил саноат соҳасида Фарғона шаҳрида Жанубий Кореянинг "Кабул Текстайлз" компанияси билан ҳамкорликда

Фарғона тўқимачилик комбинатини янгидан реконструкция қилиш, Кўқонда Германия ва Америка фирмалари иштирокида – "КўқонТекс", Бешариқда Германия ва Туркия билан биргаликда "БешТекс" кўшма корхоналарини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларга бўлган талабни тўлароқ қондириш мақсадида Фарғонадаги "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмасида Франциянинг "Кребес-Спейшшим" компанияси билан лойиҳа қиймати 36 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган реконструкция ишлари бажарилмоқда. Чехиянинг МБНС фирмаси билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 58 миллион 400 минг доллар бўлган шартнома асосида қурилиш-тъамирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар иккала кувватни 2001 йилда ишга тушириш режалаштирилган.

Англиянинг "Бектел Интернейшнл ИНК" компанияси билан аммиак, мелиамин ва карбамид ишлаб чиқарувчи цех қурилмоқда. 2002 йилда ишга тушириш мўлжалланган лойиҳанинг умумий қиймати 424 миллион долларга teng.

Бундай корхоналарни собиқ шўро замонида, ҳатто, тасаввур қилиб бўлмасди. Фарғона шаҳрида ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишловчи заводлар, Кувасой цемент заводи, Исфайрам чинни буюмлар корхонаси вилоят иқтисодий салоҳиятида асосий ўринни эгаллайди. Бу – вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб бораёттанида яққол намоён бўлмоқда.

Аниқроқ айтсақ, вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1995 йилда 30 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб бу кўрсаткич 101 миллиард сўмга етди, яъни 3,3 баробар ўди. Шу йилнинг 11 ойида эса 130 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Азиз биродарлар!

Истиқлол йилларида вилоятда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, бозор инфраструктурасини яратиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигидаги ялпи маҳсулотнинг 98 фоизи мулкчиликнинг нодавлат туридаги хўжаликлар ҳиссасига тўғри келаёттани ана шу ўзгаришлар натижасидир.

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

Фарғоналийк деҳқонларнинг меҳнатсеварлиги, тадбиркорлиги мамлакатимизда яхши маълум. Улар қаерга нима экишни, қачон экишни жуда яхши билишади.

Масалан, Қува, асосан, анорчилик, кўчат етиштириш, Олтиариқ ўзининг бодринг, турп, айниқса, узуми билан, Бувайда анжир, помиз ва девзира гуручи, Риштон, Фарғона ва Сўх туманлари эса шифобаҳаш қандак ўриклари билан машҳурдир.

Мазкур туманлар аҳолиси ўз томорқаларидан бир йилда 3-4 марта ҳосил олаётгани таҳсинга сазовордир.

Вилоят галлакорлари бу йил 399 минг тонна дон, пиллакорлар эса 2 минг 901 тонна пилла етиштириб, давлат буюртма режаларини ошириб бажардилар.

Вилоятда фермер хўжаликлари ривожланмоқда. 1991 йилда бор-йўғи юз нафар фермер иш бошлиган бўлса, бугун 2053 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги улуши 60,5 фоизни ташкил этмоқда. Вилоят аҳолисининг 500 минг нафари деҳқон хўжалигига меҳнат қўлмоқда.

Мулкка эгалик ҳисси деҳқон хўжалиги аъзоларининг ерга муносабатини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бунга олтиариқлик Расул Мамажоновни мисол қилиб келтириш мумкин. Шу йилда 14 сотих экин майдонида уч марта ҳосил етиштириб, 1 миллион сўмдан зиёд соф даромад қилди. Бунинг сири оддий: мулк эгаси қанча кўп меҳнат қилса, изланса, тадбиркорлик қилса, шунга яраша даромад олишини яхши билади. Мулк эгасини назорат қилиш, унга ақл ўргатиш, ишлашга даъват этишга ҳожат қолмайди.

Фарғона туманидаги Шукурмирзо Аҳмедов бошлиқ "Чорвадор", Қува туманидаги "Эркин", "Қосимкарвон", Бувайда туманидаги "Мададкор" каби фермер хўжаликлари пахта, галла ва чорвадан юқори кўрсаткичларга эришаётганиларининг сир-астори ҳам мулкка эгалик ҳиссининг қарор топганлигидан далолат.

Шу ўринда мени кўпдан ўйлантираётган бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Фермер хўжаликлари

ўзининг иқтисодий афзалликларини кўрсатаётган бўлишига қарамай, мана, тўртингчи йилдирки, вилоят пахтакорлари шартнома режаларини улдалай олмаяптилар.

Тўгри, баҳор ҳавоси дехқонларимизни доим ҳам сийлайвермайди. Лекин, мен шунга аминманки, асл фарғоналик пахтакор дехқончиликда ота-боболаримиз тажрибаларига таяниб, тадбиркорлик билан табиат инжикликларини ҳамиша енгиг келган. Ҳамма гап изланиш, интилиш, ташаббускорлик етишмаёттанида. Агротехника қоидалари ўз вақтида ўтказилмаёттанида. Тезпишар юқори ҳосилли навларни танлашга етарлича эътибор берилмаётганида.

Энг муҳими, дехқонларимизнинг бутунги дарду ташвишларидан хабардор бўлиш, хўжалик — ширкатларга эркинлик бериш, дехқонларда ерга эгалик ҳиссини тарбиялаш ишларига, минг афсуски, кўпинча юзаки ёндашилиб, ўзибўларчилликка ташлаб кўйилган.

Аввало, раҳбарлик курсисида ўтирганларнинг узоқни кўриш, аниқ мақсадли режаларни тузиш ва уларни бажаришга, халқни, одамларни шу ишга жалб қилишга курби етмаяпти. Бундай раҳбарларга ташкилотчилик, талабчаник сиёсатини ўтказишга қодир бўлиш каби хислатлар етишмаяпти.

Доно халқимиз ҳамма нарсадан хабардор. Оёғи ердан узилган, халқ ташвишларидан йироқ, кўпроқ ўзига зеб бериш билан овора бўлиб қолган одам охир-оқибатда эл назаридан қолиб кетади, ўзининг хурматини йўқотади. Бундай ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унугмаслиги керак.

Қадрли Фарғона аҳли!

Мен илгарилари ҳам кўп айтганман, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаатларини кўзлаб, унинг қадр-қимматини жойига кўйиш, турмушини яхшилаш учун амалга ошириляпти.

Хўш, вилоядта ислоҳотлар одамлар турмушига қандай таъсир кўрсатяпти?

Юқорида қатор саноат корхоналари бунёд этилаётгани ҳақида гапирдим. Бу минглаб янги иш жойлари дегани. Жаҳон андозаларига мос маҳсулот дегани, яъни одам-

ларга маош дегани, мамлакат иқтисодий салоҳияти дегани. 1989 йилдан ҳозирга қадар вилоятда 327 мингдан зиёд оиласа жами 60 минг гектардан ортиқ ер ажратилди.

Кейинги саккиз йил ичидә аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. 1991 йилда вилоят миқёсида 37 фоиз хонадон газлаштирилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 80 фоизга етди. Бир сўз билан айтганда, 8 йил давомида газ таъминоти икки баробардан кўпроқ ўсади.

Шу давр ичидә аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 69 фоиздан 86 фоизга етди.

Янги асрнинг дастлабки беш йилида вилоятда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 90 фоизга, табиий газ билан таъминланиш эса 86 фоизга етади.

Мұхтарам дўстлар!

Барчангизга маълум: истиқболимизнинг бошиданоқ таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, академик лицей, касб-хунар коллежлари сонини кўпайтириш, шу билан бирга, болаларимизга таълим-тарбия бераётган муаллимлар, мұхтарам устозлар, илму фан соҳасида ишилаётган илмий ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш — бутунги кунда давлат сиёсатимизнинг узвий қисмига айланмоқда.

Ўтган саккиз йил давомида вилоятда қарийб 162 та мактаб, 55 та боғча бинолари курилди. Ўтган йили Фарғона шаҳрида 370 ўринли академик лицей, 600 ўринли касб-хунар коллежи барпо этилди.

Бу йил эса 11 та касб-хунар коллежи ташкил қилинди. 2005 йилгача яна 18 та академик лицей, 152 та касб-хунар коллежи курилади.

Ҳозир фарғоналик 24 нафар ёш йигит-қиз чет элда таълим олмоқда. Шу пайтгача 54 нафар талаба хорижий мамлакатларда ўқишини битириб келиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда.

Барчамизга аён бўлиши керак: мамлакатимизнинг келажаги, ўзбек миллиатининг, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай жой олиши бугун ёшларга берастган тарбиямиз, кўрсатаётган фамхўрлигимизга боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятнинг қишлоқ жойларида эски тилдаги, ҳали компьютерлар билан жиҳозланмаган, чет тилларни ўқитиш талаб даражасида йўлга кўйилмаган мактаблар ҳам борлиги бу борада кўп иш қилишимиз лозимлигини кўрсатади. Бундай мактабларни таъмирлаш, замонавий ўкув воситалари билан жиҳозлаш, муаммоларини қисман мадаллий бюджет, ҳомий ташкилотлар ва корхоналар ҳисобидан ечиш йўлларини излаш керак.

Хабарингиз бор, соғлом авлодни тарбиялаш масаласининг мамлакат истиқболида туттган ўрнини ҳисобга олиб, биз 2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилдик. Бу борада маҳсус Давлат дастури ишлаб чиқилади.

Ушбу боят муҳим масала бўйича вилоятда бирмунча ишлар қилинмоқда.

Мустақиллик йилларида 57 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилди. Фарғонада ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш билим юрти очилди. Республика шошилинч тиббиёт илмий марказининг Фарғона вилоят филиали ишга туширилиши арафасида. Бу тиббий муассаса замонавий медицина ускуналари билан таъминланган.

Пири бадавлат отахону онахонларимиз ҳар бир оиласизга файзу барака баҳш этади. Ҳалқимиз: "Қариси бор ўйнинг париси бор", — дейди. Фарғона вилояти юз ёш ва ундан ортиқ умр кўраётганлар сони бўйича республикада энг юқори кўрсаткичга эга. Бугунги кунда вилоятда 522 нафар ана шундай ёши улуф инсонлар яшайди. Бундан биз ҳар қанча фурурлансак, арзайди. Илоҳим, уларнинг умрларини Аллоҳ зиёда қилсин, ана шундай улуф ёшларга етиш ҳар биримизга насиб этсин!

Тўғри, бу юрганинг ҳавоси тоза, иқлими мўътадил, мева-чевалари сероб. Аммо узоқ умр кўриш учун булар камлик қилади. Менимча, бунинг асосий сабаби, фарғоналиклар-

нинг багрикентлиги, кўнгли тозалиги, бир-бирларига меҳроқибатли бўлганлигидадир.

Фарғоналиклар бир гапириб, икки куладиган, бир-бирларига шодлик, қувонч улашадиган халқ. Бирорни асоссиз ранжитиш, бирорга озор бериш, камситиш, кўпол муомалада бўлиш, бирор ҳақида ёмон гапириш фарғоналикларга ёт одат.

Агар вилоятда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, тиббий масканлар қурилишига янада жиддий эътибор берилса, ҳар бир фуқаро онгида соғлом турмуш кўникмалари шаклланса, ишончим комилки, ҳам рӯдан, ҳам жисмонан баҳувват юртдошларимиз сони янада кўпайди.

Азиз дўстлар!

Маълумки, соёлом авлодни вояга етказиш, ёшларни мард ва жасур, матонатли қилиб тарбиялашда спортнинг аҳамияти бекиёс. Фарғонада спортни, айниқсан, футболни ривожлантиришга эътибор чакки эмас. "Нефтьчи" жамоаси, бир неча йилдирки, мамлакат чемпионатида пешқадамлар сафида бормоқда. Тўрт марта мамлакат чемпиони, икки марта Узбекистон Кубоги соҳиби бўлиш ҳали бирорта футбол жамоасига насиб эттаний йўқ.

Шунингдек, вилоятда стол тенниси бўйича умумжадон ўйинлари голиби Нилуфар Сотиболдиева, енгил атлетикачилар Рафаэль Исломов, Антон Ряхов, Эверест чўққисини забт этган альпинистларимиздан бири Сергей Соколов, бокс бўйича жаҳон Кубоги мусобақаларида бронза медалини кўлга киритган Дилшод Йўлдошев сингари спорт юлдузлари бор.

Аммо тўғрисини айтиш керак, фарғоналик йигит-қизлар янада улкан ғалабаларга эришишига қодир. Афсуски, айрим туманларда спортнинг саноқли турлари фаолият кўрсатмоқда, спорт майдонларига умуман эга бўлмаган қишлоқлар оз эмас. Айрим туманлар марказларидағи стадионлар кўпинча бўш туради, камдан-кам ҳолларда омавий мусобақалар ўтказилади.

Фарғонада ёшлар кўп, истеъоддлар етарли. Шундай экан, нега бу ерда спорт мактаб-интернати ёки олимпия ўринбосарлари тайёрлаш билим юртини очиш мумкин

эмас? Ташаббус кўрсатинглар, бундай ташаббусларни ҳукумат томонидан қўллаб-куватлашга ҳар доим тайёрмиз.

Хурматли юртдошлар!

Шу ўринда сизларнинг эътиборингизни энг муҳим, эртанги истиқболимизни ҳал қилувчи масала — муаммоларга жалб қўлмоқчиман.

Энг муҳим муаммоларимиздан бири — бу аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиладир. Аҳолининг ўсиши дараҳасига аҳамият берсак, бу муаммо ўта долзарблиги аён бўлади. Ҳар йили вилоят аҳолиси ўртacha 46 минг кишига кўпаймоқда. Ҳозир вилоятда истиқомат қилаётган 2 миллион 640 минг аҳолининг 45 фоизи 18 ёшгача бўлган йигит-қизларни ташкил этади.

Фарғона вилояти ёшлари орасида иш излаб бошқа вилоятларда юрганлари ҳам оз эмас. Ҳатто, айрим ёшлар ойлаб қаёқладир изсиз кетади-ю, бу на ота-онани, на маҳалла-кўйни, на ўша жойлардаги раҳбарларни ташвишга солади.

Энг ачинарлиси, айрим ёшларимиз бекорчилик оқибатида, ота-она, маҳалла-кўйнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги сабабли муқаддас динимизни ниқоб қилиб олган, ғаразли сиёсий мақсадларни кўзлаб иш олиб бораётган хориждаги турли экстремистик кучларнинг таъсирига, тузогига тушиб қолишибди. Бундай кучларнинг нақадар ёвуз мақсадлари борлигини кейинги пайтда Қирғизистоннинг Боткент ва Тошкент вилоятида рўй берган воқеалар ҳам кўрсатиб турибди.

Шунинг учун бу масала кенг жамоатчиликнинг, бутун ҳалқимизнинг доимий дикқат-эътиборида бўлиши керак.

Айниқса, Фарғона вилоятининг чегара ҳудудида жойлашганини эътиборга оладиган бўлсак, бу муаммонинг нақадар жиддий эканлиги аён бўлади.

Мана шундай ёвуз ҳаракатларнинг олдини олиш, ёшларимизни бегона таъсиrlардан ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун ҳам уларнинг муаммоларини ечиш зарур.

Жумладан, уларни иш жойлари билан таъминлаш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш борасида вилоятда қандай имкониятлар мавжуд?

**Биринчи имконият.** Вилоят унумдор ерга, етарли оби-  
хаёт захирасига эга. Ана шу имкониятлардан самарали  
фойдаланиш, энг аввало, иочор хўжаликлардаги ерларни  
ҳақиқий эгасига, яъни деҳқон ва фермер хўжаликлариға  
бериш, бу борадаги қонуларга қатъий риоя қилиниши-  
ни таъминлаш.

Боғдод, Бешариқ, Учкўприк каби туманларда 2 минг  
ектарга яқин деҳқончилик қилишга яроқли ерлар бор.  
Бу ерларни ўзлаштириш орқали минглаб одамларни иш  
билиш таъминлаш мумкин.

Вилоятда ўз ечимини кутаётган яна бир муаммо —  
Сўх сув омбори қурилиши суръатини жадаллаштириш,  
зарур маблағ билан таъминлашда узилишларга йўл  
қўймаслик чора-тадбирларини кўриш лозим. Бу иншоот  
лойиҳа қуввати тўла амалга оширилса, 9 та туманда  
сув таъминоти яхшиланади.

Тоғолди туманларида чорвачиликни тубдан ислоҳ этиш  
чора-тадбирларини кўриш талаб қилинади. Бу борада им-  
коният етарли бўлишига қарамай, вилоят чорвачилигидаги  
аҳволни қониқарли, деб бўлмайди.

Чорвачилик бўйича фермер хўжаликларини кўпайти-  
риш, уларни кўллаб-қувватлашнинг янги имкониятлари-  
ни яратишни бугун ҳаёт ўзи талаб қилмоқда.

**Иккинчи имконият.** Кишлоқ жойларида қишлоқ хўжа-  
лиги маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган ўрга ва кичик  
корхоналар тармогини кенгайтириш зарур. Айниқса, боғ-  
дорчилик, полиз, сабзавот маҳсулотларидан харидоргир  
тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларидан фой-  
даланишини вилоятда қониқарли, деб бўлмайди. Бу соҳа-  
даги катта имкониятларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, ви-  
лоят миқёсида алоҳида дастур ишлаб чиқиши ва амалга  
ошириш мақсадга мувофиқдир.

**Учинчи имконият.** Вилоятдаги қатор йирик корхона-  
ларда янги технологияга ўтиш суст бормоқда. Ишлаб чи-  
қариш қувватининг ўртача 60 фойзидан фойдаланилмоқ-  
да. Етиштирилаётган маҳсулотлар сифати пастлиги учун  
омборларда туриб қолмоқда.

Бундай корхоналарга чет эл сармояси жалб этилса, улар таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланса ва тўла кувват билан ишлаши йўлга кўйилса, янги иш жойлари очилади, одамлар доимий даромад манбаига эга бўлади. Бу кўп жиҳатдан вилоят мутасадди раҳбарларининг гайрат-шилоатига, соҳа мутахассисларининг ишбилармонлигига боғлиқ эканини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

**Тўртнинчи имконият.** Фарғона вилоятида миллий хунармандчиликнинг атлас тўқиши, кулолчилик, дўппидўзлик, сандиқсозлик, ёғоч ўймакорлиги каби турлари қадим-қадимдан ривожланган. Риштон кулолчилик мактаби вакиллари Иброҳим Комилов, Рустам Усмонов, Йўлдошли Полвонов, қўқонлик ёғоч ўймакор Ҳасанжон Умаров, ганҷкор Жамолиддин Эркабоев, каштадўз Садикон Шомуродова, марғилонлик дўппидўз Турсунхон Норматова каби кўли гул мураббийлар ана шундай анъаналарни авайлаб-асраб, ривожлантириб келишмоқда. Бу соҳани ёшларга бажонидил ўргатишни истовчи яна юзлаб моҳир хунармандлар бор.

Бу соҳада бор имкониятлардан кенгроқ фойдаланиб, хунармандларимизга мини кредитлар беришни такомиллаштириш, уларга берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўриши зарур.

**Азиз ватандошлар!**

Мен хавфсизлик, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи биз учун нақадар дол зарб эканлигини яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Буни яқинда кўшни давлат худудида юз берган воқеалар ҳам кўрсатиб турибди.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчиликни ўзига қурол қилиб олган турли қўпорувчи кучлар ва оқимлар айнан Фарғона водийсини ўз мақсадларига етиш учун қулай макон, деб билмокдадар.

Бундай нотинч, таъликали бир даврда мен Ватанимиз мудофаа қудратини янада кучайтириш, армиямизни мустаҳкамлаш, сарҳадларимизни ишончли ҳимоя қилиш ва

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашни энг муҳим вазифа, деб биламан.

Бугун фуқароларимизнинг тинч ҳёти ва осойишталигини ҳимоя қилиш, фарзандларимизнинг эртаниги кунини ва юргимиз осмонининг доимий мусаффолигини таъминлаш йўлида қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда ва бундан кейин ҳам кўрилади. Сизнинг кўз олдингизда чегараларимизни мустаҳкамлаб, қайта тиклаяпмиз, қўшинларимиз тузилмаларини такомиллаштириб, уларни мақбул равища жойлаштиряпмиз ва замонавий куроллар билан таъминлаяпмиз.

Яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш умумхалқ иши, барчамизнинг, шу юртда яшаётган инсонларнинг муқаддас бурчидир.

Шундан келиб чиқиб, мен сизларни бир лаҳза, бир сония ҳам огоҳликни йўқотмасликка, хоҳ иш жойида бўлсин, хоҳ ойлада, кундалик турмушда амалий ишларингиз, ўз шахсий намунангиз орқали мамлакат хавфсизлигини, жамиятимиз ва давлатимиз барқарорлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшишга чақираман.

Мұхтарам дўстлар!

Фарғоналиклар — катта орзу-мақсадлар билан яшашга ўрганган, ғайратли, шиҳоатли халқ. Фарғоналиклар — муаммолардан, синовлардан чўчимайдиган, ўзига ишончи кучли халқ. Азал-азалдан ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги билан иззат-хурмат, обру-эътибор топиб келган халқ. Ўз оғирлигини биронга юкламаган, бироннинг марҳаматига кўз тикиб турмаган халқ. Бундай олижаноб ва мард инсонлар ўз баҳту саодатини ўз қўли билан яратишга қодир.

Сўзимнинг ниҳоясида сиз — азизларга дилимдаги бир гапни айтмоқчиман. Унгтманг, Фарғона вилояти республикамизнинг таянч тоғларидан бири ҳисобланади. Сизларни ҳар доим эслаганимда, сизлар билан ҳар гал учрашганимда, менинг ҳам қалбим тоғдек кўтарилади. Мен Фарғона халқига ўзгача бир меҳр-муҳаббатим, хурмат-эҳтиромим борлигини яширмайман.

Барчангизга соғлиқ-саломатлик, куч-куват, баҳт-саодат, хайрли ишларингизда омад, хонадонларингизга эсон-омонлик, кут-барака тилайман! Яратганинг ўзи барчангизни паноҳида сақласин!

*Фарғона вилояти сайловчилари вакиллари  
билим учрашувда сўзланган нутк,  
1999 йил 18 декабрь*

---

## **ВАТАН ОЗОДЛИГИ, ХАЛҚИМНИНГ ОМОНЛИГИ, ЎРТИМНИНГ РАВНАҚИ, ҲАР БИР ОИЛА ФАРОВОИЛИГИ – МЕН УЧУН ОЛИЙ САОДАТ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Аввало, барчамиз учун муқаддас бўлмиш Рамазон кунларида сиздек қадрдоnlарим билан соғ-омон кўришиб турганимдан баҳтиёрман.

Менинг ҳаётимнинг ҳеч унунтилмас даврлари билан узвий боғланған мана шу мұғтабар Қашқадарё заминини, мана шу воҳани менинг она юртим, деб умримнинг охиригача фууруланаман, фахрланаман. Бу юрт меҳрини қалбим тўрида доимо сақлаб юраман.

Қадрли дўстлар!

Мен Қашқадарёда иш бошлаган пайтимда оқсоқоллардан бир ривоят эшитган эдим.

Яъни, соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз пирлари Саид Баракани Самарқандда олиб қолиб, у кишининг инилари – Саид Нематиллони тогнинг у томонига – Қашқадарёга юборган эканлар. Самарқандда – барака, Қашқадарёда – неъмат, деган нақл ўшандан қолган, дейишади.

Дарҳақиқат, бу гапда жон бор. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: дунёда яна Қашқадарёдай бой-бадавлат юрт ўзи борми? Фалла, пакта, чорва, мева-сабзавот, полиз, нефть, мармар, туз, курилиш материаллари – бу заминдаги бойликларни санайверсак, рўйхатнинг охiri бўлмаса керак. Қисқа қилиб айтганда, Қашқадарё – мамлакатимизнинг кўп-кўп табиий захиралари жойлашган худудларидан бири, улкан имкониятларга эга бўлган, гўзал ва бетакрор. Аллоҳнинг назари тушган макондир. Ва ўз юртини обод этиб, шу воҳага садоқат билан яшаётган мард ва жасур инсонлар Ватанидир.

Мамлакатимиз бўйича қазиб олинаёттан табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг 92 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссаси-

га тұғри келади. Толлимаржон ГРЭСи, Муборакгаз, Шұртангаз, Күкдұмалоқ нефть кони ва бошқа иншоотлар Қашқадарё вилоятининг мамлакатимиз иқтисодий тараққиётiga күштаёттан жуда катта ҳиссасини күрсатыб турибди.

Хозирги кунда вилоядта 142 та йирик саноат корхонаси фаолият күрсатмоқда. Муборак газни қайта ишләш заводи, Шұртан газ-кимә мажмуи, Косон ва Қарши ёр экстракция заводлари, Шаҳрисабз консерва заводи, пиллакашлик комбинати, Қарши тикувчилик фабрикаси етакчи саноат корхоналари қаторига киради.

Кейинги йилларда вилоядта 60 га яқин саноат корхонаси барпо этилди. Күкдұмалоқда кунига 18 миллион куб метр газни ҳайдайдыган компрессор станцияси, "Муборакгаз" заводидаги бир йилда 8 миллиард куб метр газни қайта ишлайдыган замонавий курилма, Шаҳрисабздаги тикувчилик фабрикаси ва мева шарбати тайёрлайдыган корхона, Қамаши туманиндағи ғишт заводи сингари ўнлаб саноат иншоотларининг куриб ишга туширилгани нафакат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишша хизмат қылмоқда.

Бугун барпо этилаёттан Шұртан газ-кимә мажмуи мамлакатимиз халқ хұжалиги, умуман, иқтисодий салоҳиятимиз юксалиши учун алоқида мұхим ақамиятта эга. Бу корхона бир йилда 125 минг тонна полиэтилен хом ашёси, 103 минг тонна конденсат ва 142 минг тонна суюлтирилған газ мәсулолтлари ишлаб чықаради.

Корхона курилиштага АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа давлатларнинг нұфузли компаниялари жалб этилиб, 1 миллиард 300 миллиондан күлпроқ АҚШ доллары миқдоридаги – үзимизга тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ҳажмдаги сармоя сарфланиши кўзда тутилган.

Бу улкан саноат мажмуи тұла қувват билан ишлай бошлагач, нафақат полиэтилен хом ашёси ва пленка, айни вактда үй-рўзгор буюмлари, газ ва сув кувурлари, техник ускуналар каби халқ хұжалиги әхтиёжлари учун зарур мәсулолтарни тайёрлаш имкониятига эга бўламиз. Насиб этса, келгуси йил охирида мажмуанинг биринчи навбати ишга тушгач, 2 мингта яқин янги иш ўринлари очиласи.

Иқтисодиётимизда истиқболли ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариши мақсадида чет эл инвестициялари иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш бизнинг бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир.

Хозирги вақтда вилоят бўйича 20 та қўшма корхона фолият кўрсатиб, уларда жами 1 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон-Британия ҳамкорлигидаги "Мевалар камалаги", Ўзбекистон-Сингапур иштирокидаги "Карши ёғ" қўшма корхоналари маҳаллий ҳом ашёни қайта ишлаш ҳисобидан маҳсулот чиқариб, катта даромад топаёттани эътиборга моликдир.

Қўптармоқли ишлаб чиқариш секторининг яна бир тармоғи — транспорт коммуникациялари Ўзбекистон ҳудуди ва ташқарисидаги хўжалик муносабатларини амалга оширишда мұхим аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода Фузор — Бойсун — Кумқўргон темир йўли курилишининг нафакат иқтисодий-ижтимоий, керак бўлса, сиёсий аҳамияти ҳам борлигини бу ерда ўтирганлар, ўйлайманки, яхши тушунади.

Умумий узунлиги 223 километрни ташкил этадиган бу йўл тўлиқ ишга тушса, мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида жуда катта ўзгаришлар рўй беради.

Шуни барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, бу йўл, аввало, Қашқадарё воҳасининг ривожига, керак бўлса, мана шу ҳудудда жойлашган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолисининг ижтимоий тараққиётига катта ижобий таъсир ўтказади. Одамларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишда, ер ости бойликларини ўзлаштиришда, янги-янги корхона ва иш жойлари ташкил этишда унинг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Бу йўл кўп йиллар давомида орзиқиб куттилган имкониятларни рўёбга чиқаришда улкан омил бўлиши муқаррар.

Маълумки, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг Дехонобод туманидаги Тепақўтон калий тузларини қайта ишлаш заводини барпо этиш тўгрисидаги қарори эълон қилинди. Германия билан ҳамкорликда куриш кўзда тутилган бу корхона ишга тушгач, йилига 500 минг тонна калий ўғити ва 500 минг тонна ош тузи ишлаб чиқаради.

Табиийки, бу маҳсулот ана шу қурилаётган янги темир йўл тармоги орқали ташилади. Ўйлайманки, шу йўл атрофидаги ҳали кўпгина шундай корхоналар пайдо бўлади.

Айни пайтда мазкур йўлнинг 56 километрлик бўлагида қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

**Мұхтарам дўстлар!**

Халқимиз дастурхонини мўл-кўл қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, турли хил ноз-неъматлар билан таъминлашда саховатли Қашқадарё заминининг ўз ўрни бор. Вилоятда пахта, ғалла, полиз экинлари, мева-сабзавот етиширувчи тармоқлар яхши ривожланиб бормоқда.

Буни мамлакатимизда тайёрланадиган ялпи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг 10,2 фоизи, шу жумладан, пахтанинг 10,6, ғалланинг 11,1, қоракўл терининг 19 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келиши ҳам кўрсатиб турибди.

Маълумки, Қашқадарё мамлакатимиз бўйича энг кўп ғалла етишириб берадиган вилоятимиздир. Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигини таъминлашда қашқадарёликларнинг алоҳида ўрни, жуда катта ҳиссаси бор, деб айтсан, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Вилоят ғаллакорлари бу йил ҳам 505 минг тоннага яқин дон етишириб, давлатга ғалла сотиши шартнома режасини шараф билан бажардилар.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, сиз орқали мардонавор меҳнат намуналарини кўрсатган вилоятнинг заҳматкаш деҳқонларига, бутун Қашқадарё аҳлига чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Албатта, бу ютуқлар билан бирга Қашқадарё пахтакорларининг сўнгти икки йил давомида ўзини кўрсата олмагани ва белгиланган мэрраларга эриша олмагани ҳакида, бунинг сабаби тўғрисида гаплашиб олишимиз керак, деб ўйлайман. Лекин бу ҳолатнинг негизига етиб бориш, уни бартараф этадиган зарур чора-тадбирларни кўриш мақсадида биз алоҳида вақт топиб, тегишли хуносалар чиқаримиз керак.

**АЗИЗ ЙОРГДОШЛАР!**

Шу нуқтаи назардан қараганда, йўл қўйилаётган оқсоқлигимиз сабаби, аввало, олиб борилаётган исло-

ҳотларнинг иш услубимизга етарли даражада амалий тасир кўрсатмаётгани билан изоҳланади. Демоқчиманки, ислоҳотларнинг самараси дехқонга, дехқон хўжалиги га, фермер, ширкат хўжалигига нақадар эркинлик берилишига, уларда ерга эгалик ҳисси шаклланишига, мен мана шу тупроқ, мана шу ернинг эгасиман, шу ер, шу бойлик менини, шу ер менинг оиласини, эл-юртимни боқади, деган тушунча, кайфият пайдо бўлишига борлиқ.

Шунга эришсак, одамларимиз, дехқонларимиз онгидаги мен шу ерни боқсан, ер ҳам мени боқади, деган тушунчалар мустаҳкамланади.

Лекин бу маҳсадларга эришиш учун биз куруқ гашлардан амалий ишларга ўтишимиз зарур. Қабул қилинган барча қарор, фармон ва қонунларни амалда жорий этишимиз даркор. Йўлимизда тўсиқ бўлиб турган асоратлардан воз кечишмиз, бир сўз билан айтганда, ҳәётимизда, ҳар қайси инсон, оила, ҳар қайси жамоа ҳәёти мисолида адодлат ҳукмронлигини намоён қилишимиз, буни амалда кўрсатишмиз керак.

Агар шундай қилмасак, барча даъватларимиз, катта минбарларда туриб қилган чакириқларимиз куруқ гашга айланиб қолиши, улар олиб бораётган сиёсатимизни обрўсизлантириб қўйиши муқаррар.

Шуни тан олишимиз керакки, вилоят қишлоқ хўжалигига фермерлар ҳаракатини жонлантириш борасида кўпгина ишлар қилингити. Вилоят бўйича бугунги кунда 1700 фермер хўжалиги бўлиб, уларга 45 минг 170 гектар ер ажратиб берилган. Жорий йилининг ўзида фермер хўжаликлари сони 680 тага кўпайиб, уларга қўшимча тарзда 18 минг 500 гектар ер берилди.

Ерни ҳақиқий эгасига бериш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида охирги пайтда 14 минг 660 та иш ўрни ташкил этилди.

Фермер хўжаликларига кўрсатилаётган эътибор ва имтиёзлар натижасида меҳнат самарадорлиги ошиб бораётганини куйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин.

Яккабоғ туманидаги Бўтабой Шомуродов бошчилик қилаётган "Соат" фермер хўжалиги жорий йилда 13 гек-

тар ердан 64 центнердан галла олган бўлса, Нишон туманинаги Зиёдулла Фармонов етакчилик қилаётган фермер хўжалиги пактадан 40 центнер, галладан 53 центнер ҳосил олишга эриши. Ваҳлонки, вилоятдаги жамоа хўжаликларида ўртача ҳосилдорлик пакта бўйича 22 центнерни, галла бўйича эса атиги 26 центнерни ташкил этади.

Нафақат Қашқадарё, балки бошқа вилоят ва туманларга ҳам ҳос бўлган бир ҳолатдан барчамиз аниқ бир хуноса чиқариб олишимиз даркор. Сурункасига режа ва мажбуриятларни бажармайдиган, қарзга ботиб кетган, ўз ишчилари, адолиси, ҳалқини боқишга курби етмайдиган хўжаликларга бундан кейин бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ.

Аввало, давлатимиз бундай хўжаликларга санация усули ва услуби орқали керакли барча ёрдам ва имтиёзларни бериб, хўжалик раҳбарлиги лавозимида ўтирганларни тадбиркор, ишнинг негизини, кўзини биладиган одамлар билан кучайтириб, барча имкониятларни кўриши керак.

Шу билан бирга, биринчи навбатда, фермер хўжаликларининг сонини кўпайтириш, уларга янада кенгроқ янги имтиёз ва имкониятлар туғдириш чораларини кўриш зарур, деб ўйлайман.

Яна бир масала — бу деҳқон хўжаликларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммодир. Биз бу борада қонун қабул қўлганимизни биласиз. Лекин очигини айтиш керак, деҳқон хўжалигининг ўзи нима эканини ҳали кўлчилик тушуниб етгани йўқ.

Хўжалик юритишининг бу шаклини жорий этишдан мақсад — ер ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш билан бирга, деҳқон хўжалиги аъзоларининг кафолатли ижтимоий ҳимоясини таъминлашдан ҳам иборатдир.

Содда қилиб айтганда, бу усул орқали деҳқонларининг ўз томорқа хўжалигида ишлаб, даромад тошиши ва иқтисолиётимизнинг ривожига ҳисса қўшишлари билан бирга, берилган барча имкониятлардан фойдаланиб, банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлиш, кредитлар олиш, вақти келганда, уларга кексалик нафақасини тайинлаш, бетоб бўлиб қолганида, меҳнатта яроқсизлиги учун ҳақ тўлаш ва шу каби қатор ижтимоий ҳимоя воситаларидан баҳраманд қилиш муаммоси ҳал этилади.

Шундай бўлса-да, вилоятда ҳозирги вақтда юридик шахс мақомига эга бўлган дехқон хўжаликлари умумий дехқон хўжаликварининг атиги 1 фоизини ташкил этиши бу бора-да ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини кўрсатади.

Мұхтарам юртдошлар!

Қашқадарё вилоятида ирригация ва мелиорация со-  
ҳасида ҳам ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар жуда  
кўп.

Аввало, вилоятдаги 214 минг гектар майдонда ер ости сувларини чиқариб юбориш зарурати мавжудлигини ай-  
тиш керак. Шу мақсадда қурилган 61 километр узунлик-  
даги Сечанкўл магистрал зовурини қайта таъмирлаш ло-  
зим. Ҳозиргача унинг 25 километри қайта қурилди. Қол-  
ган 36 километрини қайта қуриш тўғрисида қабул қилинган  
хукумат қарорининг белгиланган муддатда бажарилиши-  
ни таъмирлаш зарур.

Маълумки, Қашқадарёдаги экин майдонларининг ак-  
сарият қисми насослар ёрдамида Амударёдан олинадиган  
сув билан сугорилади.

Шу боис Қарши магистраль каналидаги ноёб насос  
агрегатларини, катта босимли кувурларни, канал ўзанини  
тубдан таъмирлаш вазифаси кун тартибида турибди.

Албатта, бу жуда улкан ишни бирданига бажариб  
бўлмайди. Шунинг учун ҳам уни босқичма-босқич ҳал  
этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қаро-  
ри қабул қилинган. Унда канални реконструкция қилиш,  
зарур асбоб-ускуналар ва техника воситаларини тендер  
асосида сотиб олиш кўрсатиб ўтилган. Тегишли вазир-  
лик ва идораларга 2005 йилгача бўлган инвестиция дас-  
турларини шакллантиришда мазкур иншоот учун сарф  
бўладиган сармоялар микдори ва манбанини аниқлаш ваз-  
ифаси топширилган. Бу вазифанинг бажарилиши Тол-  
лимаржон сув омбори ҳавзасида зарур сув ҳажмини  
тўплаш имконини ҳам беради. Нафакат Қашқадарё ви-  
лояти, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиёти учун ул-  
кан аҳамиятта эга бўлган бу магистрал канални тубдан  
таъмирлаш ишини сизлар билан биргаликда охирига ет-  
казамиз, иншооллоҳ.

### Мұхтарам дүстлар!

Вилоятнинг умумий ер майдони қарийб 2 миллион 857 минг гектарни ташкил этса, шунинг 1 миллион 381 минг гектари яйловлардан иборат.

Вилоят бўйича 1996 йили 572 минг бош қорамол бўлган бўлса, айни пайтда бу рақамнинг 22 минг 200 бошга кўпайгани, шу даврда қўй-эчкилар сони 1 миллион 829 мингдан 1 миллион 961 мингта еттани бунинг тасдигидир. Кўриниб турибдики, Қашқадарёда чорвачиликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар бор. Шуни эътиборга олсак, чорвачиликда ҳам фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, ем-хашак, озуқа базасини мустаҳкамлашга доир қарорларнинг ижросини таъминлаш зарур.

Хурматли Қашқадарё аҳли!

Қашқадарё иқтисодиёти, унинг равнақи ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Бу ерда қандай ютуқларга эришаётган бўлсан, уларнинг замирида халқимизнинг, аввало, қашқадарёликларнинг улкан бунёдкорлик меҳнати ва ғайрати мужассамдир. Мана шундай меҳнаткаш ва задматкаш халқнинг ғами ва ташвишларига ҳамдard бўлиш, унинг оғирини енгил қилиш барчамизниң муқаддас бурчимиздир.

Мен аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида, бу масалани ҳал этиш ҳаётимизда қандай катта ўзгаришларга олиб келиши тўғрисида кўп бор айтганман. Хонадонга газ ва ичимлик суви келиши билан уй бекалари бўлган мұхтарама аёлларимизнинг оғири енгил бўлибина қолмасдан, айни вактда рўзгор тутиш маданияти, умуман, ҳаёт даражаси ҳам тубдан ўзгаради. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган катта-катта ишлардан хабарингиз бор.

Хусусан, Қашқадарё вилоятида ҳам аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан бир қанча тадбирлар бажарилди. Агар 1991 йили вилоят бўйича аҳолининг газ таъминоти 25,4 фоизни ташкил қилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 56 фоизга етди. Кўриб турибмизки, кейинги саккиз йил ичида бу соҳадаги ўсиш икки баробардан ортиқ бўлган. Бу ўз-ўзидан бўлмаганини, унинг замирида қанча меҳнат ва маблағ ётганини ҳар биримиз яхши биламиз. Аммо бу рақам мамлакат миқёсидаги уму-

мий күрсаткычдан ҳамон орқада экани бизни қониқтири-  
майды.

1991 йили Қашқадарё ақолисини тоза ичимлик суви  
билин таъминлаш даражаси 53 фоиз бўлган бўлса, бугун-  
ги кунда 74 фоизга етди.

2005 йилгача бўлган даврда вилоятдаги шаҳар ақоли-  
сини ичимлик суви билан таъминлашни 100 фоизга, қишлоқ жойларда эса 84 фоизга етказиш, табиий газ бўйича  
ҳам шаҳарда 100 фоиз, қишлоқ жойларда эса 82 фоиз на-  
тижага эришиш кўзда тутилмоқда.

Қадрли биродарлар!

Қашқадарё вилояти — ақоли сони тез ўсиб бораётган  
худудларимиздан биридир. Ҳозирги кунда вилоятда 2 мил-  
лион 166 минг киши истиқомат қиласи. Ҳисоб-китоблар-  
га кўра, ҳар йили вилоят ақолиси 40 мингта кўпаймоқда.  
Бу эса одамларни иш билан таъминлаш, боғча, мактаб,  
шифохоналар, уй-жой, газ-сув, йўл масалалари ҳақида  
ҳозирдан бош қотиришни тақозо қиласи.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятда янги иш ўрин-  
ларини очиши юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқ-  
да. Жорий йилнинг 11 ойи мобайнида 30 мингдан зиёд  
киши янги ташкил этилган иш ўринларига жойлаштирил-  
ди. Лекин ҳали кўпгина одамлар, аввало, ёшлар бандлик  
хизматларида рўйхатда тургани муаммонинг накадар дол-  
зарблигини кўрсатади.

Бу масалани ҳал этиш учун вилоятда максус дастур  
асосида иш олиб борилмоқда. Мазкур дастурга биноан,  
2005 йилгача яна 160 мингдан ошиқ янги иш ўринлари  
ташкил этиш режалаштирилган. Шундан тахминан 148  
мингтаси янги корхона ва ташкилотлар ҳисобидан, 11  
мингдан кўпроғи эса корхоналарни таъмирлаш ва кен-  
гайтириш ҳисобидан ташкил этилиши мўлжалланмоқда.  
Лекин Қашқадарёда ҳали бу соҳада ишга солинмаган им-  
кониятлар, кўшимча ресурслар кўп. Шулардан бири —  
кичик ва ўрга бизнесни ривожлантиришидир.

Бугунги кунда олиб борилётган ислоҳотлар ҳақида га-  
пирав эканмиз, аввало, мулқдорлар сафини кенгайтири-  
шимиз, уларга ҳар томонлама йўл очиб бериш, айниқса,  
кичик ва ўрга бизнесни ривожлантириш, бизнинг бу соҳа-

даги сиёсатимизнинг бош йўналиши, мазмун-мақсади эканлигини айтишим керак.

Ўз ишнимни очаман, ўз мулкимни яратаман, деб ҳаракат қилаётган одамларнинг йўлини очиб, кўмак ва имтиёзлар бериш, уларни янгича усулда ишлашга ўргатиш, ҳар томонлама кўллааб-кувватлаш – бугунги кундаги энг муддим вазифамиздир.

Хурматли биродарлар!

Кириб келаётган янги – 2000 йилни мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қилганимизнинг замирида, аввало, насл-насабимизнинг соғлом бўлиши, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш ва уларнинг ҳаётини баҳтли-саодатли этиш мақсади ётади.

Шу ўринда тарихий бир мисолни айтиб ўтсам. Мирзо Улугбекнинг асл исми Муҳаммад эканини ҳамма ҳам билмайди. Соҳибқирон бобоси Амир Темур уни доимо "Улугбим" деб эркалагани учун Муҳаммаднинг исми Улугбекка айланиб кетган.

Кўяпсизми, Амир Темурдек буюк инсон ҳам авлодини ўзидан баланд кўрган, мендан ҳам улугроқ бўлсин, деб ният қилган.

Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно, ақлли ва, албатта, баҳтли бўлишлари керак, деганимда мен ҳам шу ниятни назарда туттанман.

Шу маънода Қашқадарё вилоятида ҳам келажагимизни, ўсиб келаётган ёш авлодимиз истиқболини ўйлаб, катта ишлар қилинмоқда. Буни биргина жорий йилнинг ўзида 724 минг квадрат метр ўй-жой, 1 та касалхона, 14 та қишлоқ врачлик пункти, 7 та мактаб, 105 та майший хизмат иншооти куриб фойдаланишга топширилгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Умуман, вилоят бўйича 1991 йилдан бўён 30 та янги касалхона, 31 та қишлоқ врачлик пункти, 191 та мактаб, 32 та боғча қурилиб, аҳолига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда мен бир масала хусусида тўхтадмоқчи эдим. Кейинги йилларда қишлоқ жойларда ҳам кўплаб шахсий ўйлар қурилмоқда. Одамлар орзу-ҳавас билан янги иморатлар, ҳовли-жой қилаётгани яхши, лекин бу борада палапартиш, узокни ўйламай иш тутиш ярамайди. Акс ҳолда,

ҳар бир авлоднинг топған-туттани янгидан иморат куришга кетаверса, ҳеч қачон уларнинг бири икки бўлмайди.

Демоқчиманки, кураётган уйларимиз, аввало, замонавий, мустаҳкам, ҳар томонлама кўркам, бир эмас, бир неча авлодга хизмат қиласидиган бўлиши керак.

Хурматли биродарлар!

Бутун республикамизда бўлгани каби, Қашқадарё вилоятида ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида янги таълим тизими шаклланмоқда. Сўнгти саккиз йил мобайнида 100 нафарга яқин қашқадарёлик ёшлар чет элларда таҳсил олиб қайтишли. 30 нафар иқтидорли ўғил-қизларимиз "Умид" жамғармаси орқали хориждаги нуфузли университетларда таълим олиш имконига эга бўлдилар.

Хозирги кунда вилоятда 1 та академик лицей, 9 та касбхунар коллежи ишлаб турибди. 2005 йилгача яна 10 та академик лицей, 139 та коллеж ишга туширилади.

Карши шахрида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўз бўлимларига эга бўлган шошилинч "Тиббий ёрдам" маркази ташкил этилмоқда. Шу мақсадда 225 миллион сўм миқдоридаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Софлом авлод тарбиясини жисмоний тарбия ва спорт ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Кейинги йилларда кўплаб стадионлар, сузиш ҳавзалари, тенис кортлари барпо этилди. Вилоят марказий стадиони тубдан қайта таъмирлангани футбол муҳлисларига ажойиб совға бўлди. Қарши ва Муборак шаҳарларида замонавий талаблар даражасидаги тенис мажмуи қуриб битказилди.

Буларнинг барчаси қашқадарёлик спортчиларнинг турли мусобақаларда салмоқли натижаларни кўлга киритишда асосий омил бўлиб хизмат қиласиди.

Дзюдочи Алишер Мухторов, оғир атлетикачи Баҳриддин Эргашев, курашчи Баҳром Авазов, каратэчи Шерзод Иброҳимов, курашчи Исом Кенжаев, шахматчи Ирина Тошмуроваларнинг мамлакатимиздаги ва халқаро беллашувларда эришаётган ютуқлари ҳаммамизни қувонтиради. Айниқса, чироқчилик ўн яшар Сарвиноз Эргашеванинг Франция ва Испанияда ўтказилган халқаро шахмат

турнирларида иштирок этгани унинг келажагига катта умид уйротади.

Мұхтарам дүстлар!

Қашқадарё қалқи азалдан бунёдкорлик фаолияти билан донг тараттан. Айниқса, китоблик ва шаҳрисабзлик хунарманд-усталарнинг санъати бутун Ўзбекистонда машхур.

Соҳибқирон Амир Темур қурдирған Оқсарой ўзининг улугворлиги ва гўзаллиги билан шу кунгача киши ақлини лол қолдириб келади. Бу муazzам саройни таърифлаб, тарихчи Шарафиддин Али Яздий: "Кунгурасининг баландлиги чексиздир. У само юлдуzlари билан баҳслаша олади", — деган эди.

Мана шу бунёдкорлик анъаналари Қашқадарё воҳасида бугун ҳам барҳаёт.

Буни кейинги йилларда миллий меъморчиллик услубида барпо этилган Китоб шаҳридаги мұхташам Маданият саройи, Қаршидаги "Мотамсаро она" ёдгорлик мажмуи, темирйўл шоҳбекати, бозоролди хиёбони, Бешкент шаҳридаги Мустақиллик майдони, олтмишдан ортиқ янги борроғлар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Биргина жорий йилнинг ўзида ободонлаштириш ишларига вилоят бўйича 1 миллиард сўмликдан ортиқ маблаг сарфланди.

2000 йилда вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туман марказларини янги тузилган бош режа асосида тубдан ободонлаштириш кўзда тутилгани, айниқса, ибратлидир.

Вилоятда маданият ишларининг ривожи ҳақида гапирганда, бу ерда фаолият кўрсатётган "Мулоқот" ва "Эски маҷит" театр-студияларини эсламаслик мумкин эмас.

Олис бир вилоятда иш юритаётган бу ижодий жамоаларга маҳаллий ҳокимиият, кенг жамоатчилик хайрихољик кўрсатиб, кўллаб-куvvatlagани боис улар Германия, Англия, Миср ва бошқа давлатларда ўтказилган нуфузли ҳалқаро фестивалларда қатнашиб, совринли ўринларни кўлга киритмоқдалар. Бу, албатта, театр санъатимизнинг дунё миқёсида обрў-эътибор топаётганидан далолат беради. Мен бу фидойи санъаткорларни чин дилимдан табриклаб, уларга янги ижодий ютуқлар тилайман.

Мұхтарам дүстлар!

Хар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Қашқадарё заминида бундай инсонлар жуда күп ўтган. Биргина қадимий Насаф шахридан "Насафи" тахаллуси билан шұхрат қозонған ўнлаб фозил зотлар етишиб чиққани бунинг ёрқин далилидир.

Ана шундай мұмтоз шахслардан бири бундан ўн аср муқаддам таваллуд топған Абу ал-Мұйин ан-Насафиейдир.

Ислом қонуншунослигіда, қалом илміда ҳазрати Мотурідійдан кейин турадыган, уннинг мұносиб шогирди бұлған бу аллома ўзининг "Баҳр үл-қалом" китоби билан бутун мусулмон оламида маылум ва машхурдир. Мазкур китобнинг ўтган йили Сурия мамлакатыда нашр этилгани бу ўлмас асар замонлар оша ўз ақамиятини йўқотмай келаеттанидан далолат беради.

Насафлик яна бир улуф зот — юртимиздан чиққан мингдан ортиқ олим уламолар ҳақида қымматли маълумотлар түпланған "Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд" асарининг муаллифи Нажмиддин Умар ан-Насафиейдир.

Бундай фикрларни Азизиддин Насафи, Абул Баракот Насафи, Сайидо Насафи каби ўнлаб азиз инсонлар ҳақида ҳам айтиш мүмкин.

Ағсуски, бу улуф зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали күпчилік билмайды. Қашқадарё воҳасида камол топған мана шундай улуф аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринчи галда, қашқадарёлик зиёлиларнинг бурчидир.

Қашқадарё тупроғидаги Хўжа ибн ал-Жарроҳ, Солмони Пок, Хўжа Шамсиддин Кулол, ҳазрати Башир, ҳазрати Султон, Султон Мирҳайдар, Лангар ота каби ўнлаб зиёраттоҳ ва муқаддас қадамжоларни ҳалқ ихлос билан тавоғ этади.

Бу кўхна заминнинг буюк ўлонлари ҳақида узоқ гапириш мүмкин, лекин улар орасида бир зот борки, у халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қурдатимиз рамзи-дир.

Бу зот мана шу заминда тавалгуд топган, шу заминда униб-ўсган, камолга етган соҳибқирон Амир Темур ҳазратларири.

Тарихда машхур шахслар кўп ўтган, лекин ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темур бобомиздек буюк саркарда, буюк давлат арбоби, илм-фан ва маънавият ҳомийси бўлган?

Бу улуғ зотнинг ҳалқимиз тарихидаги ўлмас хизматларини қадрлаб, уни вояга етказган заминга хурмат-эҳлиромимизнинг ифодаси сифатида Шаҳрисабз шахри Амир Темур ордени билан мукофотланди. Бу ерда соҳибқироннинг муazzам ҳайкали ўрнатилгани ана шу эҳтиромнинг яна бир тимсолидир, десам хато бўлмайди.

Қашқадарё аҳли шавкатли аждодлари билан фаҳрланади, лекин ҳаёт қонуни шундайки, ҳар бир авлод ўзидан яхши ном қолдириши керак.

Дунёдаги энг буюк жасорат — маънавий жасоратдир. Бу ҳақиқатни донгдор замондошимиз, қаҳрамон шоири миз Абдулла Орипов тимсолида яққол кўриш мумкин.

Ўзининг ҳалол меҳнати, ибратли фаолияти билан Қашқадарё номини улуглаган Асқар Холмуродов, Тўлқин Бекмуродов, Карим Шониёзов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Икрома Болтаева, Фароғат Раҳматова, Замира Суюнова, Ўлмас Сайджонов, Раҳматжон Турсунов, Марям Сатторова, Насиба Сатторова каби илм-фан, маданият ва санъат ҳамояндаларини ҳалқимиз хурмат билан тилга олади.

Қашқадарёнинг бугунги салоҳиятида, унинг боғу бўстонга айланишида хизмат қилган минглаб фидойи инсонларнинг ўлмас ҳиссаси бор.

Шу муборак кунларда Қарши чўлини ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатган Чўли Бегимқулов, Бекмурод Усмонов, Николай Каменев, Султон Чегебоев каби юзлаб юртдошлиримизни эсга олиш — барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ана шу эзгу ишларни давом эттираётган муҳтарам оқсоқолимиз Соиб Усмонов, шунингдек, Аъзамкон Ўроқов, Тоир Эргашев, Павел Пак, Аъзам Азимхонов, Иван Дуденко, Рустам Очилов сингари юзлаб замондошлиримизга ҳар қанча таҳсин айтсан, арзайди.

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

Азиз ватандошларим!

Тақдир деймизми, ион-насиба күшилгани деймизми, ҳәётимнинг бир қисми Қашқадарёда кечди. Қизгин мәжнат, орзу-армон, интилишларга бой ўша йилларни ҳамиша миннатдорлик билан эслайман.

Мен бир ҳақиқатни кўп бор айтганман, яна тақрорла-моқчиман: Бу ёргу дунёда шу кунгача мен нималарга эришган бўлсам, аввало, Худонинг инояти, ҳәётимнинг мураккаб кунларида Қашқадарё аҳлиниң менга билдирган чексиз ҳурмат ва ишончи, кўллаб-кувватлашининг натижаси, деб биламан.

Мени ўз фарзандидай кўриб, ион-туз берган, меҳроқибат кўрсатган, яхши-ёмон кунларимда ёнимда турган, раҳбар сифатида камолга етишимга сабаб бўлган меҳнаткаш, бағрикенг, оққўнгил Қашқадарё ҳалқига яна бир бор бош эгиб, таъзим қиласман.

Мен ҳәётимнинг мазмунига айланиб кетган бир гапни сизнинг хузурингизда яна тақрорламоқчиман: мен учун Ватан озодлиги, ҳалқимнинг омонлиги, юртимнинг равнаки, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиласимиң фаровонлигидан ўзга олий саодат йўқ.

Ана шу мақсад йўлида сиз – азизларга, қадрдон Қашқадарё аҳлига, бутун Ўзбекистон ҳалқига бундан буён ҳам силқидилдан хизмат қилишга тайёрман.

*Қашқадарё вилояти сайловчилари вакиллари билан  
учрашуведа сўзланган нутқ,  
1999 йил 21 декабрь*

---

## **БЮОК АЖДОДЛАРИМИЗ ШАВКАТИНИНГ ТИМСОЛИ БЎЛГАН ЮРТ**

Ассалому алайкум, азиз юртдошларим!

Аввало, мана шу муборак рамазон кунларида сиз қадр-  
донлар билан қадимий ва навқирон, азим Самарқанд шаҳ-  
рида дийдор кўришиб турганимдан бағоят мамнунман.

Мана шу муқаддас заминга қадам кўяр эканман, ҳар  
қандай инсон сингари, аввало, қадрдон ҳамюртларимга,  
сиз — азизларга, ўзим туғилиб ўсган гўзал ва бетакрор юр-  
тимга фарзандлик туйфуларимни, меҳр-муҳаббатимни бил-  
дириш, чукур ва самимий хурматимни изҳор этиш мен  
учун катта баҳтдир.

Самарқанд деганда, тасаввуримизда дунёнинг энг  
кўҳна, қадимий тарихи ва шу тарихниң бетакрор, ҳар  
қандай одамниң ҳам қалбини ўзига ром этиб, умрбод  
мафтун қилиб кўядиган буюк намояндалар сиймоси, мо-  
вий гумбазлар, муazzам миноралар ва ўлмас обидалар жон-  
ланади.

Бу муқаддас заминда Имом Бухорий, Имом Мотури-  
дий, Мир Сайид Барака, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми  
Аъзам каби улур алломалар ва азиз-авлиёлар мангу ором  
толган.

Самарқанд деганда, миллий давлатчилигимиз тамал  
тошини қўйган, юртимизни турили оғат-балолардан асраб  
келган Алл Эртўнга, Спитамен, Амир Темур, Мирзо Улуг-  
бек, Бобур Мирзо, Абдумалик Тўра сингари мард ва жа-  
сур аждодларимиз сиймоси кўз ўнгимизга келади.

Самарқанд деганда, азалдан илму урфон бешиги бўлган,  
фан ва маданият, маънавият ва маърифат бутун ҳам юк-  
сак равнақ топаётган нурафшон маконни тасаввур эта-  
миз.

---

Бу замин қадим-қадимдан ўзининг буюк санъати билан Самарқанд довругини бутун оламга ёйган, жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирив келаётган кўли гул усталар, моҳир хунармандлар юртидир.

Самарқанд нафақат ўзининг буюк тарихи ва боқий ёдгорликлари, айни пайтда ўзининг бағрикенг, меҳнаткаш ва меҳмондўст, бағрида юздан ортиқ миллат ва элат вакилларини мужассам этган, ягона, аҳил оила бўлиб яшайдиган ҳалқи билан бутун дунёга танилган.

Қадрли биродарлар!

Самарқанд вилояти иқтисодий таракқиёти, саноат ва қишлоқ хўжалиги салоҳияти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасининг ривожланниш даражаси билан республикамиз иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Бу ерда янги корхоналар қуриш, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш кувватларини барпо этиш суръатлари барчамизни кувонтиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилётган ялпи ички маҳсулотнинг 7,5 фоизи, ялши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 13 фоизи, ҳалқ истеъмоли маҳсулотларининг 13,3 фоизи Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келаётгани буни тасдиқлаб турибди.

Бугун Самарқанднинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари ҳақида гапирав эканмиз, биз, аввало, ҳар томонлама ривожланган индустря-саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, хизмат кўрсатувчи кўптармоқли, катта куч-кудратга эга бўлган иқтисодиётни ўзимизга тасаввур қилишимиз лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгти йилларда кўптармоқли саноат ривожи билан бирга, вилоят қишлоқ хўжалиги барқарор суръатларда ўсиши мамлакатимизнинг эътиборини ўзига тортмоқда.

Вилоят деҳқонлари пахта ва ғалла тайёрлаш бўйича шартнома режаларини сўнгти икки йил давомида биринчилар қаторида бажариб келаёттанининг ўзи бунинг яққол тасдиғи ва ифодаси, десам, ҳеч қандай хаго бўлмайди.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, аввало, Самарқанднинг меҳнаткаш деҳқонларини, бутун вилоят аҳлини ана шу ғалаба ва эришилган марралар билан чин қалбимдан табриклийман.

Мұхтарам дүстлар!

Сүнгти йилларда вилоятда мамлакатимиз халқ хўжалигига янги тармоқ ҳисобланган корхоналар барпо этилмоқда. Бу ўринда туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган "СамҚўчАвто" кўшма корхонасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Барчангизга яхши маълум, бу корхона ихчам автобуслар ва юқ автомобиллари ишлаб чиқаради. У Марказий Осиё ҳудудидаги ягона шундай йирик корхона бўлиб, тўлик кувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига тўрт минг дона автобус ва минг дона юқ автомобили тайёрланади. Келгуси йили заводнинг икки ярим минг дона автомобиль ишлаб чиқариши кўзда тутилмоқда.

1997 йили британиялик шериклар билан ҳамкорликда ишга туширилган "ЎзБАТ" кўшма корхонаси Самарқандда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 23 фойизини ташкил этмоқда.

Корхона жорий йилда 19 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, қарийб 13 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилиши кўзда тутилмоқда.

Вилоятда ўз маҳсулотини дунё бозорига чиқаришини кўзлаб ишлаётган бундай корхоналар оз эмас. Бугунги кунда бу ерда жами 85 та кўшма корхона фаолият юритмоқда.

Айниқса, "Самарқанд-Прага", "Самтелеком", "БелСамгилам", "Афросиёб мармар", "Самарқанд-Сингапур" каби корхоналарнинг сифатли маҳсулот ва хизматлари аҳолига манзур бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоят иқтисодиётига жорий йилда 68 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармоя жалб этилгани, айниқса, эътиборга лойиқ. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан қарийб 10 миллион долларлар кўп демакдир.

Вилоятда иқтисодий начорликка тушиб қолган, лекин ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлган корхоналарнинг

фаолиятини хорижий инвесторлар ёрдамида қайта йўлга кўйиш борасида муайян ишлар қилинмоқда.

Масалан, яқин келгусида Самарқанд кимё заводини Япониянинг "Мицуи" ва "Тоё инжиниринг" компаниялари билан ҳамкорликда 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа асосида икки босқичда қайта жиҳозлаб, йилига 200 минг тоннагача минерал ўғит ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

"Сино" совутгичлар корхонаси негизида "Арсин" ўзбектурк қўшма корхонасини ташкил этганимиздан хабарингиз бор. Бу лойиҳани амалга ошириш учун қарийб 77 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя сарфланди. Бу корхона яқин кунларда жадон бозори талабларига мос келадиган, юксак сифатли маҳсулот чиқара бошлайди.

Ёки кейинги пайтда ичор аҳволга тушиб қолган "Серп и молот" заводи негизида "Самарқанд саковати" қўшма корхонаси ташкил этилди. Кисқа муддат ичida илгор ускуналар билан жиҳозланган бу корхона жорий йилнинг 11 ойи мобайнида 1 миллион 110 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилгани айниқса аҳамиятлидир.

Бундай мисолларни вилоят миқёсида яна кўплаб келтириши мумкин.

**Хурматли Самарқанд аҳли!**

Самарқанд вилоятининг тараққиёт ва ўсиш суръатлари, ҳалқимизнинг даромади ва ҳаёт даражасини, олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини ошириш тўғрисида гапирав эканмиз, биз, аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд бўлган кўпгина резерв ва имкониятлар ҳақида сўз юритишимиш ўринлидир.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари бўйича ўзига хос тажриба мактаблари мавжуд.

Масалан, пахтчилик борасида Пахтачи, галлачилик соҳасида Пойариқ ва Тойлоқ, боғдорчилик бўйича Самарқанд, тамаки етиштиришда Ургут, чорвачилик бўйича Нуробод ва Кўшработ туманларида шаклланган тажриба ва анъаналар бугун мамлакатимизда яхши маълум.

Фалла уругчилиги бўйича Самарқанд тажриба мактаби шаклланниб бораётгани ҳам диққатта сазовордир. Бу ерда яратилган "Улугбек-600" нави тезпишарлиги, турли касалликларга чидамли экани, юқори ҳосилдорлиги билан галлакорларимизга маъқул бўлди. У, айниқса, Самарқанд шароитида яхши натижা бермоқда.

Вилоятда фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳам жадал ривожланаётгани эътиборга молик. Айниқса, Нарпай, Каттакўргон, Булуңғур, Пахтачи ва Самарқанд туманларида яхши фаолият юритаётган намунали фермер-деҳқон хўжаликлари мавжуд. Нуробод ва Кўшработ туманларининг яйловларида чорвачилик фермер хўжаликлари вуждуга келмокда.

Хозирги кунда вилоят бўйича 3 ярим мингдан зиёд фермер хўжалиги, 36 мингта деҳқон хўжалиги, 56 та ширкат хўжалиги фаолият юритмоқда.

Тойлоқ туманидаги "Шодлик" фермер хўжалиги бошлиғи Эргаш Рўзибоев 5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 62 центнердан, жами 31 тонна фалла ҳосили олгани бу борада катта имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

Лекин, шуни афсус билан тан олмоғимиз керакки, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари жойларда тўла-тўқис бажарилаётгани йўқ. Бу борада қоғозбозлик, тўрачилик, хўжакўрсинлик каби иллат ва тўсиқлар, буни ҳам яширишнинг ҳожати йўқ, бавзи жойларда зўравонлик, қонунга хилоф тарзда мансабдорларнинг ўз ҳукмдорлигини ўтказиши, порахўрлик каби ҳолатлар ҳам ҳамон учраб турибди.

Минг таассуфлар бўлсинки, янгиликларга қарши, шу жумладан, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатининг ривожига катта тўсиқ ва гов бўлиб турган эски тизимдан қолган асоратлар ҳақида алоҳида гапиришга тўғри келади.

Бир оддий ҳақиқатни қайта-қайта тақрорлаб айтишга тўғри келади: ислоҳотларнинг асосий маъно-мақсади – биринчи галда деҳқонларимиз онгида мулкка, ерга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларда эгалик ҳиссини қарор

тоңтиришдир. Лекин ҳали бу борада етарли даражада тар-  
фибот ва ташкилий ишлар қилинмаяпты.

Мана шу заминда пешона терини түкиб меңнат қила-  
ёттан ҳар бир инсон, ҳар қайси деҳқон күнглида ерга ва  
мулкка эгалик хисси уйғонмас экан, токи у ўз даромади,  
оиласининг фаровонлиги ва келажаги ўзи меңнат қилаёт-  
ган ернинг ҳосилдорлигига боғлиқ эканини англаб етмас  
экан, қишлоқдаги ислоҳотлар кутилган натижани бермай-  
ди.

Барчамиз учун буни чукур англаб олиш вакти келди,  
деб ўйлайман.

Хурматли дўстлар!

Самарқанд вилоятида, бутун мамлакатимизда бўлгани  
каби, иқтисодиётни мустаҳкамлаш борасида анчагина  
ишлар қилинмоқда.

Лекин шу билан бирга, вилоятда амалга оширилаётган  
ислоҳотларни чукур таҳлил қилиб, танқидий баҳолайди-  
ган бўлсак, аввало, амалдаги иқтисодиётда — саноат, қиши-  
лоқ хўжалиги, курилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳали  
кўплаб камчилик ва ишга солинмаган имкониятлар мав-  
жудлигини тан олишимиз керак.

Бунинг сабаби эса, менимча, бозор инфратузилмасини  
ривожлантириш борасидаги ишларнинг талаб даражасида  
эмаслиги ва бу йўлда жиддий муаммолар борлиги билан  
боғлиқдир.

Бозор инфратузилмаси деганда, мен нимани назарда  
тутмоқдаман?

Бу, биринчи навбатда, шу инфратузилманинг ҳал қилув-  
чи бўгини бўлган банк тизимининг етарли даражада ри-  
вож топмаганидир. Бу ҳолат кўп жойларда банкларда кре-  
дит бериш механизмининг мукаммал эмаслигида намоён  
бўлмоқда.

Банклар ҳали ҳам ўзининг асосий фаолиятини фақат  
тўлов операцияларини бажаришдан иборат, деб билмоқ-  
да. Лўнда қилиб айтганда, айни вактда улар инвестиция  
дастурларини амалга оширишда, реал замонавий ишлаб  
чиқариш кувватларини шаклантиришда фаол иштирок-  
чи бўлолмаяпти.

Нега деганда, бундай вазифаларни бажариш учун банк-ларнинг ўзига етарли даражада бўш маблағларни тўплаб олишга, шу маблағлар ҳисобидан инвестиция жараёнла-рида қатнашишга, кичик ва ўрта бизнес ривожига кўмак беришга курби етмаяпти.

Барча банкларимиз ҳали-бери чет эл банклари билан кучли корреспондентлик алоқаларини ўрнатгани йўқ.

Айни вақтда сизларнинг эътиборингизни яна бир ма-салага қаратмоқчиман.

Бизда ҳанузгача корхоналар ва аҳолига молиявий, ҳисоб-китоб, хукуқий, аудиторлик, лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш ва бошқа хизмат турларини кўрсатадиган молия ва консалтинг идоралари яхши ривожланмаяпти.

Айни ана шу муассасалар бозор муносабатларига йўл очиш билан чекланиб қолмасдан, кичик ва ўрта бизнес вакилларига, ўзининг амалий бизнесини очмоқчи бўлган тадбиркорларга аниқ ёрдам кўрсатишлари, мулкдорлар синфининг оёқда туришига кўмаклашишлари лозим.

Самарқанд шаҳрида ҳам, вилоятда ҳам бундай муассаса ва хизматларга эҳтиёж жуда катта эканига ҳеч шубҳа йўқ. Яна бир бор айтаман: мана шундай бизнес соҳасида ўзини синамоқчи бўлган шахсларга ёрдам берища ҳали-ҳамон биз заифмиз.

Ўзинтиз ўйлаб кўринг, бугунги кунда вилоятда қанчадан-канча одам уй шароитидаги тадбиркорлик, ҳунармандчиллик, дўйипидўзлик, наққошлиқ, кулолчиллик, ёроч ўймакорлиги ва ганчкорлик каби ота-бобомиздан қолган касблар билан шу-гулланишга, ҳалқ анъаналярини давом эттириб, миллий ма-даний меросимизни тикиашга ихтиёр билдирамокда.

Уларга ўз вақтида моддий, аввало, молиявий ёрдам бе-риш, кредит ажратиш, хом ашё таъминотини ҳал этиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг бозорини ташкил қилиш, яъни сотиши масаласи ҳамон катта муаммо бўлиб қолмоқда.

**Хурматли дўстлар!**

Самарқанд туристик бизнесни ривожлантириш бора-сида ҳам улкан имкониятларга эга экани хусусида гапи-риб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйтайман.

Мен туристик бизнес деганда, туризмни шунчаки ривожлантириши эмас, балки кенгроқ тушунчани назарда тутаман.

Бунда гап туризм фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган хизмат кўрсанши ва сервис тармоқларини ривожлантириши ҳақиде бўрмокда. Бу соҳа тараққиёти мамлакатимизга хорижий туристларни кўплаб жалб этиш билан бирга, энг муҳими, катта валюта тушумларини таъминлаши билан юргимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожига улкан ҳисса қўшиши муқаррар.

Туристик бизнес мамлакат иқтисодиётига қандай ижобий таъсир ўтказишини англамоқчи бўлсак, Испания, Италия, Грекия, Туркия, Хиндистон, Миср, Япония каби давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўзимиз учун намуна қилиб олишимиз мумкин.

Ўйлайманки, биз мамлакатимизда туристик бизнес тараққиётига кенг йўл очиб беришимиз керак. Бунга халақит қилаётган барча тўсиқдарни бартараф этиш лозим. Энг муҳими, юқори мансабларда, раҳбарлик лавозимида ўтирганлар бу ҳақиқатни жуда чукур англаб олишлари даркор.

Тан олиб айтиш керакки, бу соҳада муайян ишлар қилинпти, аммо бу ишлар ҳали мутлақо етарли эмас. Мен мана шу масала бўйича маҳаллий ҳокимликлар, манфаатдор вазирлик ва идоралардан аниқ таклифлар кутаман.

**Мұхтарам Самарқанд адли!**

Халқимизнинг эҳтиёжларини таъминлаш, одамларни рози қилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш йўлидаги ёят зарур вазифа — бу аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласи, десак, хато бўлмайди.

Айтиш керакки, кейинги йилларда бу борада салмоқли натижаларга эришилди.

Самарқанд вилояти бўйича 1991 йилгача бўлган даврда аҳолининг 65 фоизи ичимлик суви билан, 45 фоизи табиий газ билан таъминланган бўлса, бугунги кунда аҳолининг ичимлик сув таъминоти 80 фоизга, газ таъминоти эса 85 фоизга еттани катта ютуқдир.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 193 километрга сув, 430 километрга эса газ кувурлари тортилгани бу соҳадаги ишлар изчил давом этайттанидан далолат беради.

2005 йилгача бўлган даврда вилоятда аҳолини газ билан таъминлашни 93 фоизга, ичимлик суви билан таъминлашни эса 85 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Қадрли дўстлар!

Маълумки, Самарқанд вилояти — республикамизнинг аҳолиси энг кўп ҳудудларидан биридир. Ҳозирги вақтда бу ерда 2 миллион 670 минг киши яшайди. Кейинги саккиз йил ичida вилоят аҳолиси 21 фоизга кўпайди. Аҳолининг йиллик ўсиши 1,8 фоиз бўлиб, бу йилига ўртacha 50 минг киши демакдир. Агар вилоят аҳолисининг қарийб 50 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатта олсак, табиийки, аҳолини иш билан банд этиш, унинг даромад топиши, оиласини боҳиши, турмуш шароитини яхшилаши учун имконият яратиб бериш нақадар долзарб масала экани аён бўлади. Мамлакатимизда, жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам бу муаммони ҳал этиш учун Бандлик дастури ишлаб чиқилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганидан хабарингиз бор. Шу мақсадда 2005 йилгача бўлган даврда вилоят бўйича 150 мингта қўшимча янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоятда 31 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилган. Бунинг 23 мингдан кўпроғи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Булар, албатта, яхши кўрсаткичлар, лекин бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам кўп. Ҳусусан, ҳозирча тўла кувват билан ишламаётган "Красний двигатель", "Кинап", "Лифтсозлик" сингари йирик саноат корхоналарининг аҳволини яхшилаш орқали ҳам янги-янги иш жойлари ташкил этиш мумкин.

Ёки Бандлик дастурини амалга оширишда қишлоқ аҳолисига томорқа ерларининг берилгани ва уларнинг миқдори кўпайиб бораётгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда вилоят бўйича жами 182 минг-

дан зиёд оиласа 46 минг гектардан ортиқ ер томорқа сиғатида ажратилгани бу йўлда кўйилган салмоқли қадам бўлди.

Ўзимизга тасаввур қылсак, қирқ олти минг гектар дегани — Европадаги унча-мунча давлатнинг ҳудудидан кам эмас. Хўї, шундоқ экан, биз ана шу катта имкониятдан қандай фойдаланимиз?

Тўғрисини айтганда, бу саволга ижобий жавоб бериши қийин. Ваҳдолонки, бу ҳам одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромад топиши, турли хил маҳсулотларни кўпайтиришнинг самараали бир воситасидир.

Яна бир мисол. Мана шу Тошкент — Термиз йўли — Катта Ўзбек трактини олайлик. Халқаро аҳамиятта эга бўлган бу йўлнинг 350 километрга яқини бевосита Самарқанд вилояти ҳудудидан ўтади.

Бу йўлда яқин келажакда транспорт оқимининг янада кучайишини назарда тутиб, унинг ён-атрофларини ободонлаштириш, кэмпинглар, ошхоналар, ёқилги куйиш шоҳобчалари, кичик-кичик дўкончалар каби турли хизмат кўрсатиш тармоқларини кенг йўлга кўйиш мумкин.

Афсуски, биз ўзимизнинг катта имкониятларимиздан етарлича фойдаланмаямиз.

Азиз дўстлар!

Мамлакатимизда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор берib келинаёттани барчангизга аён.

Шу маънода, 2000 йилни юртимизда Соғлом авлод Йили деб эълон қилганимиз бу борадаги ишларнинг мантикий давомидир.

Чунки ҳар қандай ўзгариш, ислодот ва янгиланиш жарайёлари широvard натижада инсон манфаатларига, унинг ҳар томонлами камол топишига хизмат этиши лозим.

Самарқанд вилоятида ҳам бу борада хайрли ишлар амалга оширилаётгани кишини кувонтиради.

Вилоядда ҳалқ саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 119 та шифохона, 471 та амбулатория-поликлиника фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда 45 та янги поликлиника, 22 та касалхона, 152 та қишлоқ врачлик пункти курилиб, фойдаланишга топширилди.

Масалан, жорий йилнинг ўзида Самарқанд шаҳрида 400 ўринга мўлжалланган "Тез ёрдам" маркази, замонавий кардиология диспансери, вилоят сил касалликлари шифохонасининг янги даволаш бинолари, Каттақўргон шаҳрида 280 ўринли касалхона куриб битказилгани бунга мисол бўла олади.

Муҳтарам юртдошларим!

Самарқанд азал-азалдан илм-маърифат, маданият маркази сифатида бутун дунёда шуҳрат қозонган. Унинг оламга машҳур мадрасаларида Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид, Али Күшчи сингари буюк алломалар сабоқ берган, мавлоно Абдураҳмон Жомий, ҳазрат Алишер Навоий каби улуғ зотлар таълим олган.

Самарқанднинг мовий осмони остида камол топган Мирзо Улугбек, Абулайс Самарқандий, Абдураззоқ Самарқандий, Сўфи Оллоёр, Тоҳирхожа Самарқандий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сиддикӣ-Ажзий сингари илм ва маърифат намояндлари юртимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этганлар.

Самарқанднинг бу борадаги салоҳияти ва нуфузи бутун ҳам тобора юксалиб бормокда. Вилоятда ҳозирги кунда 6 та олий ўкув юрти бўлиб, уларда 14 минг талаба замонавий илм-фан асосларини эгалламоқда.

Бу ерда Ўзбекистон Фанлар академиясининг бўлими, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти каби нуфузли илмий муассасалар ишлаб турибди.

Мамлакатимизнинг илм-зиё салоҳияти ҳақида гапирганда, Марказий Осиёдаги дастлабки олий ўкув юртларидан бири бўлган Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетини тилга олмасдан ўтолмаймиз.

Бу билим даргоҳида 72 йил давомида етук олим ва мутахassisларнинг бир неча авлоди камол топди.

Ушбу кутлув масканга меҳнати сингган, илм-маърифат йўлида ҳалол меҳнат қилган Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий, Иброҳим Мўминов, Воҳид Абдуллаев, Худойберди Дониёров, Нуридин Шукуров сингари инсонларни ҳурмат билан ёд этамиз.

Вилоятдаги яна бир йирик олий ўқув юрти — Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институти мамлакатимизда деҳқончилик илми ва маданиятини юксалтириш ишига кўп йиллардан буён муносаб хисса кўшиб келмоқда.

Самарқанддаги Тиббиёт, Кооператив, Меъморчилик-курилиш институтларининг ҳам юкори малакали, замонавий мутахассислар тайёрлашда алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, айнан мустақиллик йилларида бу ерда янги, навқирон олий ўқув юрти — Самарқанд Чет тиллар институти ташкил этилгани бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур олий ўқув юртларининг барчаси катта салоҳият, ўзига хос илмий ва тарбиявий анъаналарга эга эканлиги, айниқса, муҳимдир.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда, қисқа қилиб айтганда, баркамол авлод, комил инсонларни, ватанпарвар, етук фуқароларни тарбиялашда, мамлакатимизни тараққий этган давлатлар даражасига олиб чиқишида, мана шу олий ўқув даргоҳларида хизмат қилаётган, катта интеллектуал салоҳиятга эга бўлган муҳтарам домла ва ўқитувчиларнинг машакқатли меҳнатини муносаб даражада қадрлаш ва рағбатлантириш давлатимизнинг, жамиятимизнинг юксак бурчи, деб биламан.

Сизларнинг машакқатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни қадрлаш, фаолиятингизни муносаб тақдирлаш, ҳар томонлама руҳингизни кўтариш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида давлатимиз ва ҳукуматимиз ҳали кўп-кўп вазифаларни бажариши лозимлигини ҳам яхши тушунаман.

Бу борада озми-кўпми қилаётган ишларимиз ҳозирча биз орзу қилаётган даражада эмаслигини ҳам биламан.

Сизларни ишонтириб айтаманки, бу масалани ечиш йўлида, қандай имконият бўлса, барчасини ишга солишга тайёрман.

Кимматли дўстлар!

Кейинги йилларда вилоятда таълим тизимини замон талаблари асосида ислоҳ қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан, жорий йилнинг ўзида 17 та янги мактаб, битта академик лицей ва олтита касб-хунар коллежи ёшларни ўз бағрига олди.

2005 йилгача эса бу ерда жами 25 та академик лицей, 190 та касб-хунар коллежи барпо этици мўлжалланмоқда. "Умид" жамғармаси йўлланмаси билан 66 нафар самарқандлик талаба хориждаги нуфузли университетларда таҳсил олиш имконига эга бўлгани ҳам самарқандлик ёшларниң билимга интилиши нақадар кучли эканидан да-лолат беради.

### Азиз дўстлар!

Самарқанд вилояти мөҳир спортчилари билан ҳам донг тараттан. Хусусан, Ҳамроқуловларнинг оиласи шахмат мактаби яхши маълум. Бу оиласининг вакили Ибродим Ҳамроқулов ўтган йили Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган ўсмиirlар ўртасидаги жаҳон биринчилигида чемпионлик унвонини қўлга киритган бўлса, Жўрабек ва Шаҳноза бу йил 14 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги мусобақаларда мамлакатимиз чемпиони бўлдилар.

Яна бир оиласи суолола вакиллари — "Мустақиллик кубоги" совриндори Аслиддин Худойбердиев, XII Осиё чемпионатининг кумуш медали соҳиби Шамсиддин Худойбердиев ҳам юон-рим кураши соҳасида ном қозонмоқда.

Боксчи Дишпод Ёрбеков, самбочи Бобораҳим Қосимов, оғир атлетикачи Виктор Янский, курашчи Дишпод Мансуров, тай-боксчи Диёр Пўлатов, каратэчи опа-сингил Ситора ва Оля Рафиевалар номи бутун мамлакатимиз спорт мухлислари ўртасида машҳурдир.

### Хурматли дўстлар!

Буюк аждодларимиз шавкатининг боқий тимсоли бўлган азим Самарқандни янада обод этиш йўлида сизлар билан бирга кўп-кўп ишларни амалга оширидик. Ишончим комилки, бу эзгу ишлар ҳали келажак авлодлар томонидан эсланади, ўзининг муносиб баҳосини олади.

Айниқса, Самарқанднинг қадимий обидаларини асрар, таъмирлаш масаласига алоҳида эътибор берганимиз — энг хайрли ва савоб ишларимиздан бири бўлди, десам, мубоблаға бўлмайди.

Амир Темур мақбара мажмуини эсланг, аввал қандай ахволда эди?

Соҳибқирон бобомизнинг муборак тўйи шарофати билан бу ер таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шаҳар марказида буюк бобокалонимизнинг муazzам ҳайкалини ўрнатдик. Шу тариқа улуг аждодларимизнинг шаън-шавкатига муносиб баҳо бериб, тарих ва келажак олдидағи ўз фарзандлик бурчимиznи адо этдик.

Хартанг қишлоғида муҳаддислар султони Имом Бухорий хотирасига улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этиб, уни куттуғ зиёратгоҳга айлантирганимиз ҳар бир ватандошимизнинг, бутун мусулмон дунёсидаги иймон-эътиқодли инсонларнинг, юртимизга ташриф буораттган барча меҳмонларнинг олқиши ва таҳсина газовор бўлмоқда.

Бу зиёратгоҳ ҳалқимиз, хусусан, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиласидиган муборак маскан бўлиб қолгани, айниқса, муҳимдир.

Муқаддас ҳаж сафарига отланган ватандошларимиз, аввало, ҳазрати Имом Бухорий қабрини зиёрат этишлари яхши бир одатта айланниб бормоқда.

Мана шу улкан мажмуя қурилишига 1 миллиард 650 миллион сўм миқдорида маблағ сарфлангани бу ерда баҷарилган ишларнинг кўлами ва миқёси нақадар катталигидан далолат беради.

Истиқтол йилларида мана шундай савобли ишларни амалга оширишда бош бўлиш, уларга ҳисса қўшиш насиб этганидан кўпчилик қатори мен ҳам бениҳоя мамнунман. Хусусан, Имом Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, унинг шу шакл ва шу мазмунда бунёд этилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фаҳрланиб юраман.

Яқинда самарқандлик яна бир буюк аллома — қалом илмининг асосчиларидан бири, муҳаддис ва ислом қонуншуноси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллик куттуғ таваллуд тўйини ҳам сизлар билан биргаликда ишончлаймиз, иншоолюҳ.

Самарқанднинг шон-шухратини янада юксалтиришда "Шарқ тароналари" ҳалқаро мусиқа фестивалининг ўрни

ҳам бекиёс бўлмоқда. Қисқа муддат ичидаги мусиқа анжумани дунё миқёсидаги энг нуфузли санъат фестивалларидан бирига айланиб, Ватанимизнинг халқаро обрў-эътиборини оширишга хизмат қилмоқда.

**Мұхтарам ватандошлар!**

Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирганды, Самарқанд шаҳрида темир йўл вокзали, 500 ўринли "Афросиёб" меҳмонхонаси, очиқ ва ёпиқ тенис корти, Амир Темур борги, Хотира борги каби муҳим ижтимоий-маданий аҳамиятта молик иншоотлар барпо этилганини, марказий стадион қайтадан таъмирланиб, эски бозорлар кенгайтирилгани ва янгилари курилганини, япониялик ҳамкорлар сармояси ёрдамида Самарқанд аэропорти халқаро андозаларга мослаб реконструкция қилинганини айтиб ўтиш лозим.

Яқинда Япония ҳукумати томонидан Самарқанд, Хива ва Бухоро аэропортларининг иккинчи навбати курилишини давом эттириш мақсадида яна 28 миллион АҚШ доллари ажратилди.

**Хурматли дўстлар!**

Самарқандлик икки нафар юртдошимиз — ганчкор уста Мирумар Асадов ва ғаллакор Дўстмурод Абдулаевнинг "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга мушарраф бўлгани уларнинг фидокорона меҳнатига берилган муносаб баҳодир.

Самарқанддан етишиб чиққан Ботир Валихўжаев, Эркин Абдукаримов, Юрий Буряков, Мұҳсин Ашурев, Изида Абдуқодирова, Темур Ширинов, Руслан Рўзибоқиев сингари таникли олимлар мамлакатимизнинг илм-зие салоҳиятини оширишга муносаб ҳисса қўшиб келмоқда.

Айниқса, мұхтарам олимимиз Лапас Алибековнинг минтаҳамиздаги долзарб экологик масалаларга, ҳусусан, саҳроланиш муаммосига бағишланган йирик тадқиқоти 1997 йили Франция ва Англия давлатларида ҳам нашр этилиб, халқаро илмий жамоатчиликда катта қизиқиши уйғотганини айтиб ўтиш керак.

Самарқанд замини азалдан истеъод соҳибларига бой. Бутунги кунда Насиба Абдулаева, Мардон Мавлонов,

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

Сафия Сафтарова каби машхур санъаткорлар, Душан Файзий, Барот Бойқобилов, Хосият Бобомуродова, Хуршид Даврон сингари шоирларнинг маданиятишимиз ривожида салмоқли ўрни бор.

Азиз юргдошларим!

Бугун халқимиз, мамлакатимиз буюк ўзгаришлар арасида турибди.

Энг кувончлиси шундаки, биз янги асрга озод ва эркин ҳалқ, мустақил ва кудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз.

Янги юз йилилик халқимиз учун чинакам юксалиш асри, саодат асри бўлгай, иншооллоҳ.

Жонажон Ватанимиз равнақи, ёруғ келажагимиз қандай бўлиши ўз қўнимизда.

Бу ҳакиқатни қўнгилга жо этиб, мамлакатимиз бой ва кудратли бўлсин, фарзандларимиз эркин ва баҳтиёр, фарнови яшасин, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасин, дея фидокорона меҳнат қилаётган сиз — қадрдон ҳамюрларимга, сиз орқали олиҳиммат, бағрикент, бунёдкор Самарқанд ҳалқига яна бир бор таъзим қиласман.

Мана шу муборак кунларда, Янги йил, янги аср арасида барчангизга тинчлик-омонлик, хонадонларингизга кут-барака тилайман.

*Самарқанд вилояти сайловчилари вакиллари билан  
учрашуведа сўзланган нутқ,  
1999 йил 22 декабрь*

---

## МЕТИН ИРОДАЛИ ИНСОНЛАР ЮРТИГА ЭҲТИРОМ

Ассалому алайкум, азиз Хоразм аҳли!

Қадрли юртдошлар!

Мана шу муборак рамазон кунларида, табаррук Хоразм заминида сизлар билан соғ-омон дийдор кўришиш насиб этганидан мамнунман.

Сизлар билан яқинда — миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангубердига бағишлиган тантаналарда учрашган эдик.

Ўшанда юрагимдан, қалбимдан айтган бир галимни яна такрорламоқчиман: Жалолиддин каби она Ватан учун, юрт озодлиги учун жон фидо этишга қодир мард, шерюрак инсонлар, ботир саркардалар қандай заминда камол тоғади, уларни қандай халқ тарбиялаб вояга етказиши мумкин?

Хеч шубҳасиз, Мангуберди сингари метин иродали инсонлар фақат матонатли, маънавий кудрати юксак, юрагида ўти бор халқ орасидан етишиб чиқади.

Мен бу ҳақиқатни бугунги учрашувимизда такроран айтишимнинг, албатта, боиси бор.

Кўп йиллардан бўён Хоразм воҳаси, Хоразм аҳли билан яқиндан танишман. Хоразм юртида қанча-қанча дўстларим, биродарларим, керак бўлса, қариндошларим бор.

Улар қалби, табиати, ўзига хос, ўзига мос хусусиятлари, гуури, қадди-қомати, викор ва салобати билан ажраблиб туради.

Албатта, ташки қиёфа ўз йўлига, лекин бу эл вакиллари билан яқинроқ танишганда, уларнинг қалбida катта гуур, она юргига садоқат, ўз элига жон фидо этиш каби олижаноб фазилатлар мужассам экани яққол сезилади.

Улар дунёнинг ҳеч қаерини, ҳатто, энг сўлим, энг бой масканларни ҳам ўз юртига алмашмайди.

Ёдингизда бўлса, сизлар билан аввалти учрашувлари миздан бирида мен бу тўғрида гапириб, машкур ҳалқ қўшигини эслаган эдим.

Ўша қўшиқнинг: "Ёт элларнинг боғи билан боғчаси Хоразмнинг янтоғича кўринмас", — деган сўзларида бу юрг одамларининг юраги шундоққина кўриниб туради.

Яна бир нарсани ўзимга яхши тасаввур қиласман. Хоразмлик билан дўст бўлиш осон эмас. Лекин дўст бўлиб қолсанг, бу — абадий дўстлик бўлади. Чунки хоразмликлар — оқибатли, аҳдига содиқ ҳалқдир.

Мен илгари ҳам Хоразмнинг барча туманлари, шаҳар-қишлоқларида кўп бўлганман. Госпланда, Молия вазирлигида ишлаган пайтларимда энг чекка Ҳазорасп туманидан тортиб, Гурлангача, Богоғдан тортиб, Янгибозоргача кезиб чиққанман.

Бу воҳанинг оғир табиий шароитига, кучли шамолию жазира маисида иссиғига ҳар ким ҳам дош беролмайди.

Шунинг учун ҳам мана шундай ўта мураккаб шароитда шу юртни обод этиб, шу юртни улуғлаб яшаётган, мана шундай вазиятда ҳам пахта, галла етишириш ва бошқа соҳаларда ўзига олган мажбуриятларини шараф билан баҷариб келаётган ҳалққа қанчадан-қанча тасанинолар айтсак арзиди, албатта.

Агарки мендан ҳақиқий қаҳрамонлик намунаси нима, деб сўраганда, хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнати — қаҳрамонлик, деб жавоб берган бўлур эдим.

Қадрли Хоразм аҳли!

Бу гапларни айтишимнинг маъно-мақсади шуки, мен давлат раҳбари сифатида, ҳалқнинг тақдирига биринчи галда жавобгар шахс сифатида шу эл-юртнинг фам-ташвишларини чукур англаған ҳолда, қандай қилиб уларнинг ҳаётини яхшиласам, оғирини сингил қилсам, деган бир савол доим мени қийнайди.

Йил бўйи бир дам тиним билмайдиган, заҳматкаш, фидойи бу инсонларга муносиб турмуш шароити туғдирриб бериш, уларни рози қилиши масаласини доимо юрагимга яқин олиб юраман.

Бу борадаги амалга ошираётган ишларимиз, жумладан, Хоразм вилоятини 2001 йилгача ривожлантириш ҳақида яқинда маҳсус қарор қабул қилганимиз, бугун кўраётган чора-тадбирларимиз, албатта, муҳим.

Лекин мен яхши тушунаман, ишимизни фақат шулар билан чегаралаб бўлмайди.

Бир нарсанни аниқ ишонтириб айтишим мумкин: шу юртнинг тақдирига битилган яхши-ёмон кунларда, унинг бошига тушган барча синовларда мен ҳар доим сиз – азизлар билан бирга бўлишга тайёрман.

### Қадрли дўстлар!

Хоразм ҳақида гап кетганда, воҳа аҳлининг бетакрор санъати, урф-одатлари, шу диёрда яшаб ўтган улуғ-улуг инсонларнинг тарихий ибрати ҳам кўз олдимизга келади.

Бу эл қадим-қадимдан хунармандчилик, деҳқончилик, меъморчилик, илму фан, маданият ва санъат соҳасида ўзига хос мактаб яратганини бутун дунё эътироф этади.

Айниқса, Хоразмнинг шонли тарихи бизда ўтмиш меросимиз билан ҳақли равишда фахрланиш туйғусини ўйғотади. Чунки Хоразм тарихи ўзбек давлатчилиги тарихининг узвий қисмидир, унинг қудрати ва қадимийлиги тимсолидир.

Ана шу бебаҳо мерос бугунги авлод зиммасига буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлишдек улкан масъулият ҳам юклайди.

Мана шу Амударё сувидан баҳра олиб, муқаддас Хоразм тупроғида униб-ўсган, ҳалқимиз тарихида ўчмас из қолдириган Абу Райхон Беруний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Маҳмуд Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний каби мўътабар зотлар жаҳон цивилизациясига, умумбашарий қадриятларга кўшган улкан ҳиссаси билан миллатимизнинг фахру гурурига айланган.

Хоразм заминида бундан ўн аср муқаддам ўз бағрида Шарқнинг буюк олимларини бирлаштирган, инсоният тарихидаги илк академиялардан бири бўлган Маъмун академияси фаолият кўрсатгани ҳам буни тасдиқлади.

Орадан минг йил ўтиб, Хивада Матьмун академиясини қайта ташкил этганимиз аждодларимизнинг бу борадаги анъаналари бугун ҳам давом этаёттанидан далолат беради.

**Мұхтарам дүстлар!**

Хоразм тарихи буюк шахслар, буюк воқеаларга шу қадар бойки, истиқол шарофати билан бу заминда тез-тез катта тўй-тантаналар, байрамлар, халқаро анжуманлар ўтказиб туриш одатий бир ҳолга айланиб қолди.

Бундан икки йил мұқаддам сизлар билан Хива шаҳрининг 2500 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаган эдик. Бу билан биз, аввало, тарихимиз нечоғлиқ бой ва қадимийлигини, ота-боболаримиз қандай бунёдкорлик салоҳиятига эга бўлганликларини, биз кимларнинг авлади эканимизни яна бир бор бугун жаҳонга намоён этдик.

Шу муносабат билан бу мўъжизавий шаҳардаги кўпгина кўхна меъморий обидалар қайта таъмирлангани, 300 миллион сўм маблағ сарфланиб, вилоятда катта ҳажмдаги ободончилик ишлари бажарилгани, янги-янги иморатлар барпо этилгани, Урганч аэропорти замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда реконструкция қилингани, 34 километрли Хива — Урганч троллейбус қатновининг йўлга кўйилгани ана шу бунёдкорлик анъаналарининг давоми бўлди, десак хато бўлмайди.

Эшитишимга қараганда, троллейбус йўли ишга тушгандан кейин Хоразмда ажойиб бир анъана пайдо бўлибди. Оиласи ҳаётга қадам кўяётган ёш келин-куёвлар дўсту ёрлари, яқинлари билан никоҳ куни троллейбусда сайргачиқиб, қадимий ёдгорликларни зиёрат қилишар экан.

Бу ўзига хос анъанани, аввало, ўз юртига меҳр-муҳаббат ифодаси, ўз диёрида бўлаётган ўзгаришлардан фахрланиш, тобора очилиб бораётган юрт чиройидан баҳраманд бўлиш рамзи, деб қабул қилиш ўринлиdir.

**Азиз ватандошлар!**

Хоразмнинг улуғ фарзанди, мумтоз адабиётимизнинг атоқли намояндаси Мұхаммадризо Оғаҳийнинг куни кечашнишонланган 190 йиллик тўйи маданий ҳаётимиздаги катта байрамга айланиб кетгани ҳам бу заминда аждодлар хотираси қанчалар қадр топаёттанидан далолат беради.

Мен бугун сиз — азиз юртдошларимга яна бир хушхабарни маълум қилмоқчиман. Яқинда ЮНЕСКО 30-сессиясининг Баш конференцияси қадимий маданиятизмизнинг буюк ёдгорлиги бўлган "Авесто"нинг 2700 йиллигини ҳалқаро миқёсда нишонлаш ҳақидаги бизнинг тақлифимизни кўллаб-куватлади.

Насиб этса, бу кутлуғ санани бутун мамлакатимизда, шу жумладан, Хоразм заминида ҳам сизлар билан биргаликда тантанали равишда нишонлаймиз.

Мұхтарам дўстлар!

Хоразмликларнинг мамлакатимиз иқтисодий ва мальавий қудратини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапирганда, аввало, вилоятда ислоҳотларнинг бориши, бу борадаги ютуқлар, йўл кўйилган камчиликларга танқидий баҳо бериш, яқин келажакдаги энг муҳим ва устувор ва-зифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз.

Ҳаммангиз яхши биласизки, янги иқтисодий муносабатлар биринчи галда ҳалқ ҳўжалиги тизимида туб таркибий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади.

Бу борада Хоразм вилоятида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Ҳусусан, бозор ислоҳотларини жорий этиш жараённида 1 минг 200 дан ортиқ корхона давлат тасарруфидан чиқарилиб, бошқа мулк шаклларига ўтказилди. Ҳозирги кунда бу ердаги ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши 88 фойзни ташкил этайдиган ана шу ўзгаришлар натижасидир.

Вилоятдаги "Хива гилами" ҳиссадорлик жамияти шу йилнинг ўзида 2 миллиард 214 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Ҳиссадорлик жамиятининг эрганги режалари ҳам саломоқли. Бу ерда Германиянинг "Промотекс" фирмаси билан ҳамкорликда "Хива-карпет" кўшма корхонаси тузилиб, 2001 йилдан юксак сифатли маҳсулот чиқара бошлиди. Умумий маҳсулот ҳажми 1,6 баробарга кўпайиб, унинг 50 фойзи экспорт қилинади. Шу тариқа Хоразм гиламининг шуҳрати янада ортади, деб айтишга асос бор.

Сўнгги йилларда вилоятда янги-янги саноат корхоналари ишга туширилмоқда. Йилига 2 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот тайёрлай-

диган замонавий линияга эга бўлган Гурлан тўқимачилик мажмуи, Ҳазораспдаги йилига 43 минг тоннадан зиёд шакар ишлаб чиқарадиган заводнинг курилиб ишга туширилгани иқтисодиётимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, вилоятда мавжуд саноат корхоналарини янги технологиялар билан жиҳозлаб, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Хусусан, иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган Урганч экскаватор заводида вазиятни ўнглаш учун амалий тадбирлар кўрилмоқда. Буларнинг барчаси 2001 йилга бориб, бу ерда ҳар йили 150 та экскаватор ишлаб чиқариш имконини беради.

Шунингдек, "Феруз" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш мақсадида Германиянинг "Пфафф Зингер" фирмасининг ускуналари ўрнатилмоқда. Бу линия келгуси йили ишга тушгач, йилига 300 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш кувватига эга бўлади. Ўз навбатида кўшимча равишда 200 та янги иш ўрни очилади.

Вилоятда чет эл сармояси иштирокида қўшма корхоналар ташкил этишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган 23 та қўшма корхона фолият кўрсататгани – бунинг далилидир.

Ўзбекистон-Италия ҳамкорлигига тузилган "Даритал лимитед" фабрикасининг дастлабки бежирим ва сифатли маҳсулотлари истеъмолчилар эътиборини қозона бошлиди. Корхона тўла ишга тушгач, бу ерда йилига 800 минг жуфт пойафзал чиқарилади.

Шунингдек, "Кока-Кола ичимлиги", "Хоразм-Мавера пласт", "Хонқа-Шуя", "Шамеш" қўшма корхоналари ҳам бугунги кунда вилоят саноатини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Коммуникация тизимини замон талаблари даражасига кўтариш мамлакатимиз учун устувор аҳамиятга эга. Шунуктаи назардан қараганда, Хоразмда 15 миллион АҚШ долларли миқдоридаги чет эл сармояси сарфланиб, 71 минг-

дан ортиқ рақамли замонавий автомат телефон станцияси ишга туширилгани катта воқеа бўлди.

Лекин, шу билан бирга, вилоятда коммуникация борасида айрим долзарб муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳозирги кунда вилоят халқ хўжалиги учун зарур бўлган юклар Туркманистон ҳудудидан ўтадиган темир йўл орқали олиб келинишини яхши биласизлар.

Бунинг учун, албаттага, кўшни давлатга катта миқдорда йўл ҳақи тўланади. Масалан, фақат минерал ўғитларни ташиб келтириш учун йилига 400 миллион сўмгача маблаф сарфланаётгани бу масаланинг биз учун нечоёлик аҳамиятли эканини кўрсатади.

Хабарингиз бор, бу муаммони мамлакат миқёсида ҳал этиш учун катта сармоя сарфлаб, Учқудук – Султон Увайстоф – Нукус темир йўлини барпо этмоқдамиз. Унинг янги курилаёттан Учқудук – Султон Увайстоф бўлаги 341 километрни ташкил этади.

Мана шу коммуникация тармоғининг узвий қисми бўлган Шовот – Жумуртоғ темир йўли қурилиши ниҳоясига етса, сизнинг вилоятингизни бевосита Нукус йўналиши билан боғлаш имконияти вужудга келади. Ҳозир 48 километрлик бу йўлнинг 12 километри қуриб битказилди. Колган қисмida эса иш давом этмоқда.

Насиб этса, 2004 йили бу темир йўл ишга тушгач, барчамиз учун, айниқса, Хоразм ва қорақалпоқ ҳалқи учун мана шу воҳани янада обод этишга, қанчадан-қанча янги корхона ва ташкилотлар, янги иш жойлари пайдо бўлишига, бир сўз билан айтганда, шу эл-юртнинг оғирини енгил қилишга имкон туғилади.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчи-ман.

Маълумки, Урганч шаҳридаги ўт ўриш машиналари ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти айни кунларда тўла қувват билан ишламаяпти. Унинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида бу ерда лавлаги етиштиришида ишлатиладиган техника воситалари ишлаб чиқариш, "Ўзкейсмаш" ва Германиянинг "Клаас" ва "Лемкен" фирмалари билан ҳамкорликда тузилган кўшма корхоналар учун бутловчи қисмлар тайёрлаш бўйича техник-иктисодий асос-

лар ўрганилмоқда. Белгиланган режага кўра, 2004 йилга келиб бу корхонанинг куввати 3 баробар ортади.

Шунингдек, Питнак шаҳридаги автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси имкониятларидан ҳалқ ҳўжалиги мақсадларида фойдаланиш масаласи ҳам бугунги кун тартибida турибди. Бу борада ҳукумат томонидан вилоят ҳокимлиги ва "Ўзавтосаноат" уюшмасига топшириқ берилган. Ҳозирги вақтда тегиши мутахассислар бу муаммони ҳал қилиш йўлларини, уларнинг иқтисодий жиҳатдан қай даражада мақсадга мувофиқлигини ўрганмоқда. Мен бу масаланинг ечими бўйича аниқ таклифларни кутаман.

Азиз биродарлар!

Вилоятда пахта, галла, шоли, пирла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар фидокорона меҳнат, деҳқончилик соҳасидағи бой тажрибаларнинг самараси, десак, янглишмаймиз.

Айниқса, мамлакат бўйича шолидан энг юқори ҳосил олаётган вилоят деҳқонларининг бу йил қарийб 123 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, шундан 70 минг тоннасини давлат шартномаси асосида сотгани ҳаммамизни кувонтируди.

Нега дегандা, гуруч, хусусан, Хоразм гуручини ҳалқимиз нечоғлиқ қадрлашини ҳаммангиз яхши биласиз. Чунки ўзбекнинг нимаси кўп — тўй-ҳашами, меҳмондорчилиги кўп. Бу маросимлар, табиийки, миллий таомимиз бўлган паловсиз ўтмайди.

Шу ўринда сизлар тайёрлайдиган хоразмча паловни бир марта татиб кўрган одам шу таомга умрбод ихлос кўяди, десам, хато бўлмайди.

Хоразм шароитида деҳқончилик ҳақида, унинг самарадорлигини ошириш ҳақида гап борар экан, сўз, аввало, мелиорация ва ирригация соҳасини такомиллаштириш, ер ва тупроқни, биринчи галда, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш хусусида бориши табиийдир.

Азал-азалдан ҳам шу масала, шу муаммо жуда долзарб бўлиб, деҳқончиликда ҳар томонлама ҳал қилувчи омил бўлиб келган.

Маълумки, Хоразм заминида милоддан аввалги VIII—VII асрларда ҳам узунилиги 60—70 километр, эни эса 35—

40 метр бўлган каналлардан иборат мукаммал ирригация иншоотлари ва тармоқлари ёрдамида деҳқончилик ишлари олиб борилган.

Бугунги кунда бу соҳада кўп ишлар қилинмоқда, лекин, яхши биламанки, бу борада, яъни ернинг унумдорлигини ошириш, аввало, тупроқнинг шўрини ювиш, ерости сувини пасайтириш масаласида керакли тадбирларни амалга ошириш учун Хоразм вилоятига ёрдам беримиз зарур.

Шу муносабат билан жорий йилнинг май ойида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "1999–2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида"ти қарорининг бажарилишидан келиб чиқиб, йил якуни ҳамда янги мавсумга тайёргарлик нуқтаи назаридан, аввало, вилоятда мелиоратив ишларни яхшилаш учун тегишли таклифлар тайёрласак, мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлайман.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар кўплаб фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Хозирги кунда вилоят бўйича 1 минг 300 га яқин фермер хўжалиги, 130 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги бўлиб, уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи кўпайиб бормоқда. Келгуси йили бу кўрсаткич 75 фоиздан ошиши кутилмоқда.

Айтиш мумкинки, бунда заرار билан ишлаетган 8 та жамоа хўжалиги негизида 531 та фермер ва 2 мингта яқин деҳқон хўжаликларини ташкил этилиши ҳам муҳим омил бўлади.

**Азиз юртдошлар!**

Бугун Хоразм вилоятида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, келажагимизнинг пойdevорини барпо этиш, ҳаётимизни янада обод қилиш йўлидаги асосий бунёдкорлар — мана шу юртнинг заҳматкаш, кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан қараб яшаётган халқидир. Бу ишга ўзининг ҳалол меҳнати билан муносиб ҳисса кўшаётган ҳар бир юртдошимиздир. Мен бу ўринда уста пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувоқов,

машхур ғаллакорлар Мадрим Алимов ва Пўлат Исмоилов, тикувчи Саодат Нуруллаева, кулол Султон Отажонов, муҳандис Владимир Никитин, врач Нурулла Бекжонов, муаллима Аноргул Маҳмудова каби фидойи инсонларнинг номларини ҳурмат билан алоҳида тилга олмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Қилинган ишларимизни танқидий баҳолаб, эртанги реваларимиз ҳақида гапирап эканмиз, аввало, ҳаётимида йўл қўяётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга, ишга солинмаган имконият ва резервларга кўпроқ эътибор қаратишимиш зарур, деб ўйлайман.

Олдимизда турган муаммолардан энг муҳими — бу ишсизлиқдир.

Бугун вазият шундай бўлиб қолмоқдаки, агар биз, аввало, мутасадди ва масъул раҳбарлар, турли мансабдорлар шу масалани ечолмас эканмиз, ёшларимизга — ҳаётга катта умид билан қадам қўяётган ўғил-қизларимизга муносиб иш жойлари топиб беролмас эканмиз, билиб қўйинглар, хотиржам бўлишга, тинч юришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Хозирги кунда Хоразм шароитида бу масала фоят муҳим иктисадий-ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Барчамиз, ким қаерда, қайси лавозимда бўлмасин, яхши англаб олсинки, бу масалани юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлайдиган вазифа даражасига кўтаришимиз даркор.

Бу масалани етишда жойларда талаб жуда қаттиқ бўлади.

Бугун Хоразм вилоятида 1 миллион 300 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қўлмоқда. Ҳар йили аҳоли сони 25 мингта кўпайиб бормоқда. Вилоят аҳолисининг 45 фоизини меҳнатта лаёқатли ёщдаги фуқаролар ташкил этади. Демак, уларнинг меҳнат қилиб, ўз оиласини боқишишлари, даромад топишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак.

Бунинг учун эса кўплаб янги иш ўринлари барпо этиш ва уларга қишлоқ хўжалигидаги ортиқча кучларни, айниқса, ёшларни кенг жалб этишни бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга жуда кескин қилиб кўймоқда.

Шу нуқтаси назардан қараганда, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олиб ўтилган қарори муҳим аҳамиятга эга. Унда аҳолини иш билан банд этиш, кўшимча иш ўринлари очиш, янги ерларни ўзлаштириб, дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш натижасида, вилоятда 100 мингдан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилади. Шунингдек, 3 минг гектар янги ер ўзлаштириш, 10 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари бажарилади.

Шу мақсадда миңтақалароро сув омборлари, магистрал канал ва коллекторларни куриш, қайта таъмирлаш ишларига етарли даражада маблағ топишни таъминлаб бериш — шуни аниқ айтиб кўйишим керакки, биринчи навбатда Ўзбекистон хукумати, Макроиқтисодиёт ва Молия вазирлеклари, Хоразм вилоят ҳокимлиги зиммасига юкланди.

Хурматли дўстлар!

Маълумки, иқтисодиётдаги ютуқлар ва ижтимоий соҳанинг ривожи бир-бири билан чамбарчас боғлик. Бунда биринчи галда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Агар 1991 йили вилоят аҳолисининг табиий газ таъминоти 66,5 фоиз, ичимлик сув таъминоти эса 55 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич газ бўйича 90, сув бўйича 67 фоизни ташкил қилмоқда.

Ийл бошидан бўён уч ярим мингдан ортиқ хонадонга табиий газ келтирилгани, бу эса қанча-қанча оиласалар турмушига ўзгариш олиб киргани, муҳтарама аёлларимизнинг оғирини енгил қилганини тасаввур этиш қийин эмас.

Бу борада катта ўзгаришга эришган бўлсак-да, табиийки, аҳолининг сув билан таъминланиш даражаси ҳали бизни қониктирумайди. Бу масалада ҳали-бери ечилмаган кўп муаммолар бор. Бу борада ҳали кўп ишлашимиз керак.

Курилиш-таъмирлаш ишларида давлат томонидан амалга ошириладиган тадбирлар билан бир қаторда, одамларимиз, халқимизнинг ташаббус ва мустақил интилишларига ҳам суюнамиз.

Масалан, сүнгти ўн йилда вилоят бўйича якса тартибда уй-жой куриш учун 23 мингта яқин оиласа қарийб 5 ярим минг, қўшимча томорқалар учун эса 17 минг гектардан ортиқ ер ажратиб берилди. Бу — қанча-қанча янги оиласа ҳовли-жойга эга бўлди, қўшимча даромад топиш имконини кўлга киритди, демакдир.

Хозирги кунда вилоятдаги 24 миллион квадрат метрдан иборат туаржой фондининг тўртдан бир қисми, яъни 6 миллион квадрат метри айнан сўнгти йилларда бунёд этилгани буни тасдиқлаб турибди.

Азиз дўстлар!

2000 йилни мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қылганимиз барчангизга яхши маълум. Албатта, ҳали бу борада маҳсус дастур ишлаб чиқиб, унинг асосида белгиланган кўп-кўп вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоят аҳолисининг, айниқса, бизнинг суюнчимиз ва таянчимиз бўлган ёшлиаримизнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг билим олиши ва тарбияси билан боғлиқ ишларни янада яхшилаш зарур.

Бугунги кунда вилоятда 53 та касалхона ишлаб тургани, жумладан, сўнгти йилларда 10 та касалхона, 83 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та соёломлаштириш мажмуи ва 1 та сиҳатгоҳ бунёд этилгани бу борада сезиларли ишлар қилинаётганидан далолат беради.

Шунингдек, жорий йилда Урганчда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган юрак-қон томири жарроҳлиги бўйича марказ ташкил этилди, вилоятнинг барча туманларида шошилинч тиббий ёрдам бўлимларининг фаолияти йўлга қўйилди. Урганч шаҳрида ҳам шошилинч тиббий ёрдам маркази тез кунларда беморларга хизмат кўрсата бошлади.

Муҳтарам юртдошларим!

Биз маънавий ҳаётимизни янгилаш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласига нақадар катта зътибор бераётганимиз ўзингизга яхши маълум.

Негаки, фақат чинакам маърифатли инсонларгина ўз Ватанини тараққий топтиришга, уни кўз қорашибидай ас-

раб-авайлашга, дунёда ўзига муносиб ўрин эгаллашга қодир бўлади.

Бу эса устоз ва мураббийлар, ота-оналар, бутун жамият зиммасига катта масъулият юклайди. Фарзандларимизнинг ўз қобилияtlарини ҳар томонлама намоён этиши, бошлаган улкан ишларимизнинг давомчилари бўлиши, келажакда баҳти ҳаёт кечириши учун давлатимиз, жамиятимиз, халқимиз ҳеч нарсани аямайди.

Шу мақсадда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан, Хоразм вилоятида ҳам мустақиллик йилларида 100 га яқин янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ҳозирги кунда вилоятда 1 та академик лицей, 6 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. 2005 йилгача бўлган даврда эса 6 та академик лицей, 95 та касбхунар коллежи барпо этилади.

Мен 1996 йили Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида: "Гурланлик ёки хивалик, ҳазорасплик ёки хонқалик болалар, Худо хоҳласа, Оксфорд ёки Гарвардга бориб таълим олади, дунёнинг манаман деган олим одамлари билан бемалол баҳслашадиган бўлади!" — деб ишонч билдирган эдим.

Мана, бутун ўша ниятларимиз ижобат бўлиб, биргина "Умид" жамғармаси орқали хоразмлик 23 йигит-қиз хориждаги нуфузли университетларда таълим олиш имкониятига эга бўлди.

Ишончим комилки, давлатимизнинг иқтисодий салоҳияти ортгани сари, бундай тарабаларнинг сафи ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораверади.

Кейинги уч йил мобайнида хоразмлик 25 нафар ўқувчи республика олимпиада ва спартакиадаси ғолиблигини қўлга киритиб, олий ўқув юртларига тўғридан-тўғри қабул қилингани ҳам вилоят ёшлиарининг қобилияти ва интилувчанлигидан далолат беради.

Шу маънода, ёшлиаримизга таълим ва тарбия берадиган одамларнинг хурматини жойига қўйиш, уларга муносиб шароит яратиб бериш — энг долзарб вазифамиз бўлмоғи керак. Чунки бола тарбиясида мураббий-муаллимларнинг жавобгарлиги ота-она масъулиятидан асло кам эмас.

Мамлакатимиз, жумладан, Хоразм вилоятида ҳам бу соҳада муайян ишлар амалга оширилди.

Масалан, вилоятдаги ҳалқ таълими соҳасида ишлайдиган 3 мингта яқин ходимнинг яшаб турган уйи белул хусусийлаштириб берилгани, кейинги йилларда 500 га яқин муаллимга хусусий тартибда уй қуриш учун ер майдони ажратилгани, ҳозирги кунда 37 мингта яқин педагог ходим коммунал хўжалик хизматидан имтиёзли фойдаланаётгани бунинг далилидир.

Жамиятимизнинг маънавий-маърифий юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган инсонларни, аввало, мактаб, лицей, коллежлар, олий ўкув юртларининг ўқитувчи ва домлаларини, илм-фан соҳасида ишлаётган ходимларни қўллаб-кувватлаш, уларга керакли моддий шароит тутдириб бериш — барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Хурматли ватандошлар!

Хоразм вилоятининг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида туризм соҳасини ривожлантириш муҳим омил бўлиши мумкин.

"Очиқ осмон остидаги музей" деб шуҳрат топган қадими Хива шаҳридаги тарихий ёдгорликлар ҳар қандай кишини ҳам ҳайратта солиб, мафтун этиб қўйиши шубҳасиз. Жорий йилда бу ерга жами 38 минг, шундан 18 минг хорижий сайёҳ ташриф буюргани ҳам бу фикрни исботлаб турибди.

Лекин бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Туристик бизнесни кенг йўлга қўйиши мақсадида, аввало, ҳалқаро талабларга жавоб берадиган хизмат кўрсатиши тармоқларини такомиллаштириш зарур.

Шу мақсадда 2001 йилгача Хива ва Урганч шаҳарларида Швейцариянинг "Фриза инжиниринг" компанияси билан 200 ўринли "Феруз" меҳмонхонасини, Франциянинг "Буиг" компанияси билан ҳамкорликда 120 ўринли, шунингдек, "Кока-кола" компаниясининг 120 ўринли янги меҳмонхоналарини бунёд этиш мўлжалланмоқда.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши ўз навбатида сайёҳлик бизнесини ривожлантириши ва қўллаб янги иш ўринлари очиш имконини беради.

**Азиз дўстлар!**

Аҳолининг соёлиғини мустаҳкамлашда спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти нечоғли катта эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Вилоятда сўнгти йилларда спорт иншоотларининг сони ошиб бормоқда. Бокс бўйича Осиё чемпиони Алишер Рахимов, оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатининг кумуш медаль совриндори Азамат Нурметов каби Ватанимиз шон-шуҳратини бутун дунёга таратадиган, халқимиз номини улувлайдиган ёшларнинг сафлари, ишонаманки, кенгайиб бораверади.

**Муҳтарам юртдошлар!**

Хоразм элининг гўзал бир фазилати бор. Бу ҳам бўлса – уларнинг санъатга бўлган улкан муҳаббатидир.

Ватан гўзлалитини, юксак инсоний туйгуларни авж пардаларда куйлаб ўтган Комилжон Отаниёзовдек буюк ҳофизлар, халфа-бахшилар ижоди халқимиз маданиятининг олтин саҳифаларини ташкил этади.

Ўзингиз айтинг, биродарлар, Хоразмнинг "Сувора"сию "Лазги"си ҳар қандай одамни ҳам беихтиёр мафтун қилиб кўймайдими?

Бугун Хоразм диёрида Ҳожихон Болтаев, Мадраҳим Шерозий, Бола бахши, Отажон Худойшукоров каби бетакрор санъаткорларнинг ижро мактабини давом эттираётган юзлаб истеъоддлар етишиб чиқаётгани барчамизни кувонтиради.

Бугунги кунда ҳам Омон Матжон, Азимбой Сайдуллаев, Матёкуб Кўшжонов, Сайдула Искандаров, Дилором Бобоҷонова, Равшан Қурбонов, Бахтиёр Каримов, Эркин Мадраҳимов, Матназар Абдуҳакимов, Қувондиқ Искандаров, Гавҳар Матёкубова, Коммуна Исмоилова, Тўра Курёзов сингари адабиёт, илм-фан ва маданият намояндалари эл-юрг хурматини қозониб келмоқда.

Албатта, мана шундай ўлмас санъат билан эзгулик туйгулари қалбидан мустаҳкам ўрин олган халқнинг бағри кенг, ниятлари олижаноб, мақсадлари улуғ бўлади.

**Муҳтарам Хоразм аҳди!**

Кўнглимдаги яна бир гапни сизларга айтмоқчиман. Ҳар сафар Хоразмга келгачимда ён-атрофга, кўча-кўйга разм

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

соламан. Ўзгаришларни кўриб, кайфиятим кўтарилади. Мана шу йилнинг ўзида аэропортдан келаверишдаги ра-  
вон йўлнинг икки ёнида икки буюк аждодимиз — Абу  
Райхон Беруний ва Мусо Хоразмий боғларини барпо эт-  
ганингизни кўриб, мамнун бўлдим.

Айниқса, Урганчни обод этиш борасидаги ибратли иш-  
ларингизни бошқа вилоятлардан келиб ўрганса, арзий-  
ди.

Бир шамол турса, Урганчга қанча туз, қанча кум ёғили-  
шини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунга қарамай, кўчалар-  
нинг озодалиги, тозалиги кишини ҳайратда қолдиради.  
Бу ҳам Хоразм аҳлининг меҳнатсеварлиги, табиати поки-  
залигидан яна бир далолат эмасми!

Азиз дўстлар!

Бу умр, бу ҳаёт — бамисоли Амударё сувидек тез оқиб  
ўтиб кетади. Шу қисқа ҳаётда инсондан, сиз билан биз-  
дан фақат эзгу ишлар, оқил ва соғлом фарзандлар, кўркам  
иморатлар, гўзал боғлар, хуллас, яхши ном, яхши хотира  
қолмоғи даркор.

Бунинг учун эса ҳалқ осойишталиги ва фаровонлиги,  
фарзандларимизнинг баҳт-саодати, жондан азиз Ватани-  
мизнинг тараққиёти йўлида барчамиз ғайрат-шижоат билан  
меҳнат қилишимиз зарур.

Ана шу эзгу мақсадлар йўлида ҳаммангизга, менга қадр-  
ли бўлган ёшуллиларга соғлик-омонлик, хуш кайфият,  
хонадонларингизга тинчлик, кутбарака тилайман.

*Хоразм вилояти сайловчилари вакиллари  
билан учрашувда сўзланган нутқ,  
1999 йил 24 декабрь*

---

## **ФУРУРИ ТӨҒЛАРИДЕК БАЛАНД, ЯРАТУВЧИЛИК САЛОҲИЯТИ ЮҚСАҚ ҲАЛҚ**

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!  
Мұхтарам ватандошлар!

Шу муборак кунларда сиз — азизлар билан кўришиб турганимдан хурсандлигимни билдириб, барчангизга, сиз орқали бутун Сурхон воҳаси аҳлига ўз хурмат-эҳтиромиминиз изҳор этишга ижозат бергайсиз!

Бугунги сайловолди учрашувимиздан асосий мақсад — сизлар билан бугун бошимиздан кечираётган ҳаёт ҳақида, шу ҳаётни яхшилаш, янги мэрраларга етиш, олиб бораётган ислоҳотларимизни янада чукурлаштириш ва самарасини ошириш, вилоят аҳли олдида турган мухим вазифалар ҳақида фикрлашиб олишдан иборат.

Сурхон воҳаси ҳақида гап борар экан, авваламбор, бир томони арчазор тоғлар, бир томони бепоён далалардан иборат гўзал, кўёшли бир ўлка, шу ўлкада яшаётган, ўзининг куч-кудратига ишонган, ўзига тўқ эл-юрт кўз ўнгимизда намоён бўлади. Мана шу гўзал, ҳар томонлама бетакрор юргда яшайдиган меҳнаткаш, бағрикенг ҳалқни, очиқ кўнгил, қалби қайноқ одамларни тасаввур этамиш.

Бу элнинг ҳар бир фарзанди кураш тушиб, улоқ чопиб вояга етади. Навқирон йигитлари дўмбира чертиб, бўйсара қизлари чанқовуз чалиб улғаяди. Ўғлонларининг мард ва жасурлиги, қизларининг чечанлиги шундан.

Ўзбекистоннинг бутуни ва истиқболини Сурхондарёсиз, бу ўзига хос воҳа меҳмондўст, орнятли ҳалқининг бой маънавиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Сурхон воҳаси кўҳна тарихи, бетакрор маданияти, нодир тоғилмалари, қадимий осори атиқалари билан бутун дунёга машхур.

Бу тупроқдаги ҳар бир тош, ҳар бир гиштнинг ўз тарихи бор. Зараутсой ва Тешиктош горлари, Боботоғ ва Бойсунтоғ қояларидағи битиклар ва суратлар бу замин жағон цивилизациясининг илк бешикларидан эканига гувоҳлик беради.

Далварзинтепа кўп йиллар мобайнида милоддан олдинги Кушонлар давлатининг пойтахти, Тармита, яъни кўхна Термиз эса Зардӯштийлар давлатининг бош шаҳри бўлгани, унинг номи "Авесто"да ҳам тилга олиниши бунинг яна бир тасдигидир.

Воҳа ҳудудидаги Холчаён шаҳри харобалари, Сополлитепа, Фаёзтепа, Султон Саодат мақбаралари мажмуи, Қирққиз қалъаси, Зартепа қўргони, Жарқўрғон минораси каби ўнлаб обидалар бу ерда жуда олис замонлардаёқ юксак тараққиёт мавжуд бўлганидан далолат беради.

Сурхондарё — шу ўлкада яшаб ўтган алломалар, азизавлиёлар, уларнинг қутлуг қадамжолари билан ҳам муқаддас юрт. Ислом дунёсидаги олти буюк муҳаддиснинг бири Абу Исо ат-Термизий, улуғ шайх ва қомусий аллома Ҳаким Термизий, машҳур шоир Собир Термизий каби шу заминда камол топган зотлар унинг шуҳратини оламга тараттанилар.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик йилларида, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Сурхон воқасида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Бу янгиланиш замонавий лойиҳалар ва миллий меъморчилик услубида курилган кўплаб маданий-майший бинолар, мактаблар, боғчалар, янги тураржой бинолари, саноат иншоатлари, гузарлар мисолида намоён бўлмоқда.

Яқинда сизлар билан ҳалқимизнинг бебаҳо маънавий мулки бўлган "Алномиш" достонининг минг йиллигини ҳалқаро миқёсда кент нишонлаганимиз, шу қутлуг сана шарофати билан муҳташам "Алномиш" ёдгорлик мажмуини барпо этганимиз маънавий ҳаётимиздаги энг унугли мас воеалардан бири бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ушбу қутлуг санани шундай ғоят юксак даражада ўтказишда, узоқ ва яқин кўшни ҳудудлардан келган меҳмонларимизни лол қолдириб, қади-

мий ўзбек санъатини намоён этган барча ташкилотчилар, ижодкор ва ижрочиларга ўзимнинг алоҳида самимий ташаккурларимни билдиришга рухсат эттагисиз!

**Қадрли биродарлар!**

Сурхондарё вилояти мамлакатимиз иқтисодиётидага ўзига хос салоҳиятта эга. Гарчи бу ерда дәҳқончилик етакчи соҳа ҳисобланса-да, саноат ҳам ривож топиб бораётгани эътиборга моликдир.

Вилоятда жорий йилда қарийб 30 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бунда нодавлат секторининг улуши 92 фоизни ташкил қилгани саноатда бозор муносабатлари тобора мустаҳкам қарор топаёттанини кўрсатади.

Бугунги иқтисодий тараққиётда замонавий технология ва хориж сармояси, яъни қўшма корхоналар фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Вилоятдаги Жаркўргон йигириув-тўкув фабрикаси, Шўрчи ун комбинати каби корхоналарни чет эл замонавий ускуналари билан қайта жиҳозлаш ҳисобидан ишлаб чиқариш кувватлари бир ярим-икки баробар ошди.

Шунингдек, Хўжаикон туз конида йилига 50 минг тонна ош тузи ишлаб чиқарувчи корхона, Денов ёғ-экстракция заводида 10 минг тонна совун ишлаб чиқариш кувватига эга янги линия курилгани, Музработ туманида лойиҳа қиймати 500 миллион сўмдан зиёд замонавий "Автокемпинг" мажмуи бунёд этилгани бу борада муайян ишлар қилинаёттанидан далолат беради.

Хозирги кунда вилоят бўйича 27 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. "Сурхонтелеком", "Ўздунробита", "Сурхон-Ажанта фарма лимитед" корхоналари шулар жумласидандир.

Қўшма корхоналар томонидан шу йилнинг ўн бир ойида 760 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Лекин, шуни ҳам қайд этишимиз керакки, бу кўрсаткич республикадаги жами қўшма корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг атиги ярим фоизини ташкил этади.

Бунинг объектив ва субъектив сабаблари борлигини биламиз, албатта. Теварак-атрофимиздаги, хусусан, жа-

нубий күшнимиз Афғонистондаги узоқ йиллик урушлар, сиёсий бекарорлик Сурхондарёни бирмунча ёпик ҳудудга айлантириб кўйғанлиги ҳам — афсуски, аччиқ, ҳақиқат.

Бу ҳол Термиз орқали хорижий давлатларга чиқадиган транспорт, алоқа коммуникацияларини йўлга кўйишдек стратегик режамизни орқага суриб келмоқда. Вилоятда чет эллик сармоядорлар билан фаол ҳамкорлик қилиши мизга ҳам ҳалақит беряпти.

Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистонда тинчлик ўрнатишига қаратилган ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланаёттанидан яхши хабардорсиз.

Вақти келади, ишонаман — биз учун жанубга, албатта, йўл очилади. Биз бу борада бутун жаҳон ҳамжамияти, буюк давлатлар, кўшни давлатлар билан биргаликда зарур чоратадбирларни кўряпмиз. Бир йил ўтар, беш йил ўтар, шу қадимий Афғонистон заминида, албатта, тинчлик ва осойишиштаги ўрнатилади, нафақат ўзимиз, балки қўпладаб бошқа давлатлар ҳам Термиз орқали жанубий йўналиш бўйича дengiz ва океангча чиқиши имкониятига эга бўлади. Ўшанда вилоят инфратузилмаси тубдан ўзгаради, замонавий ишлаб чиқариш, савдо, хизмат қўрсатиш тармоқлари ривожланади, энг муҳими, хорижий сармоядорлар ҳам бекавотир бўлиб, бу ерда ҳамкорлик ишларини кучайтиради.

Термиз янада гўзал, янада обод шаҳарга айланади. Вилоятнинг иқтисодиёти гуркираб ривожланади.

Мұхтарам дўстлар!

Бугунги куннинг энг устувор ва долзарб вазифаси — ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш, авваламбор, ҳалқимизнинг, одамларимизнинг қалбида бунёдкорлик ишларига интилиш ва рагбат уйғотиш, тадбиркорлик ҳаракати йўлидаги тўсикларни бартараф этиш билан узвий боғлиқ, деб биламан.

Сурхондарё иқтисодиётини ривожлантириш, уни янги замонавий поронага кўтариш борасида олдимизда турган вазифа ва режалар йирик ва масъулиятлайдир.

2005 йилгача вилоятда бир неча саноат корхонаси куриш режалантирилгани эътиборга молик. Жумладан,

Денов туманида йилига 16 минг тонна шакар, 2 минг тонна истеъмол спирти ишлаб чиқариши кувватига эга завод барпо этилади.

Жарқўрғон туманида йилига 7,5 тонна йод ишлаб чиқарувчи корхоналар мажмуи, Туркия билан ҳамкорликда кунига 140 тонна ун ишлаб чиқарадиган комбинат қурилди. Олтита туманда эса кунига 1200 тонна дон тозалаш имкониятига эга бўлган корхоналар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, йилига 60 тонна хлор ишлаб чиқарувчи Шеробод — Ҳўжаикон заводини ишга тушириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Бундай режалар ҳақида галирар эканмиз, аҳолимизнинг турмуш фаровонлигини кўтариш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар қандай амалга оширилаёттанига боғлиқ эканини яхши англааб олишимиз даркор.

Сурхондарё қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахта, галла ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш бўйича республикамизда катта имкониятларга эга.

Вилоят азалдан ширин-шакар ноз-неъматлари билан довруғ таратган. Дашибод анори, Ҳазорбое хурмоси, Галлашқон қовунлари, Олтинсой узумидан бир марта татиб кўрган киши бу юртга умрбод маҳлиё бўлиб қолади.

Бу имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиш учун қишлоқ хўжалигида ҳозирги вақтда заар кўриб ишлаётган давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнида мулкчиликнинг янги турлари — ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари пайдо бўлмоқда, оила пудрати кенг кўламда жорий этилмоқда.

Агар 1991 йили вилоятда 83 та совхоз, 54 та колхоз бўлган бўлса, ҳозир уларнинг неғизида 42 та ширкат хўжалиги, 106 та жамоа хўжалиги, 2 минг 700 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Бу ўзгаришлар дастлабки ижобий натижаларни бера бошлади. Кумқўрғон туманидаги "Бешқаҳрамон" жамоа хўжалиги пахтакорлари гектаридан 37 центнердан, Денов туманидаги "Ҳазорбое" хўжалиги пахтакорлари гектаридан 38,7 центнердан ҳосил кўтаришди.

Музработ туманидаги Абдусалом Фаниев бошлиқ фермер хўжалиги эса 32 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 47,8 центнердан ҳосил олиб, йилни 2 миллион 500 минг сўм соф фойда билан якунлади.

Шўрчи туманидаги Тўхта Эшнимов бошчиллик қилаётган "Ургабўз" фермер хўжалиги ҳам 40 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 44 центнердан ҳосил кўтариб, 2 миллион 100 минг сўм соф фойда олгани янги иқтисодий муносабатларнинг афзалигини исботлайди.

Вилоятда ҳозирги кунда 282 минг 600 дан зиёд оила шахсий томорқага эга бўлиб, шулардан 108 минг 500 дан кўпроғи дехқон хўжалиги сифатида иш юритмоқда.

Ангор туманидаги Кўзи Тўлаков жамоа хўжалигидаги яшайдиган Биноқул Авазов 35 сотих ерда сабзавот етишириб, 1 миллион 550 минг сўм, Чори Тўлаганов эса 35 сотих ердан 1 миллион 140 минг сўм даромад қилгани дехқон хўжаликлигининг катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатади.

Азиз дўстлар!

Яна ва яна бир бор шуни алоҳида таъкидламоқчиман: юқорида зикр этилган далиллар шуни кўрсатиб турибдики, юртимиизда, ҳар қайси вилоятда, туман ва жамоада ер ҳақиқий эгасини топса, мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарса, дехқонга хайрикоҳлик, қўллаб-кувватлаш бўлса, юқсак ижобий самараларга эришиш мумкин!

Бу натижалар ҳар биримизни қувонтиради, албатта. Лекин йилига икки-уч марта ҳосил олиш имконияти мавжуд бўлган куладай иқдим шароитида, мана, бир-неча йилки, Сурхондарё вилояти давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажара олмаётгани ҳам — ҳақиқат. Бу йил ғалладан кўтарилган ҳосилнинг салмоғи ҳам — барчангизга маълум.

Тўғри, табиий оғатлар, баъзи жойларда сув танқислиги, ернинг шўрлангани, гармсел каби қийинчиликлар мавжудлигини инкор этолмаймиз.

Аммо асосий сабаб бунда эмас. Қаердаки дехқончиликка оқилона ёндашилса, ота-боболар тажрибасига суюниса, серҳосил, касалликка чидамли навларни ташлаш ва районлаштиришга етарлича эътибор қаратилса,

агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинса, энг муҳими, дәхқонга эркинлик берилса, ўйлайманки, бу муаммоларнинг ечими албатта топилади.

Аччиқ бўлса-да, бир гапни очиқ айтмоқчиман. Вилоятда ҳақиқий мулк згаларини шакллантиришга, дәхқоннинг ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлигига ров бўлаётган тўрачилик, қонунга беписандлик, расмиятчилик каби эскича иллатлар ҳамон учраб турибди.

Очиғини айтишимиз керак. Жойларда тартиб-интизом, ташкилотчилик ва талабчанлик етишмайди, иш ўзибўларчиликка ташлаб кўйилган. Йўл кўйилган нуқсон ва камчиликларни атрофлича, чуқур таҳдил қилиш, масаланинг илдизига етиб бориш, амалий хулосалар чиқариш, интилиш, изланиш, ташаббус етишмайди. Аввало, раҳбарлик вазифасида ўтирганларда!

Бир нарсани яхши англаб олишимиз даркор. Кечаги билим, кечаги савия билан бугун яшаш, раҳбарлик лавозимида ўтириш мумкин эмас.

Азиз юртдошлар!

Бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз, амалга ошираётган ислоҳотларимиз, нимаки иш қилаётган бўлсак, ҳамма-ҳаммаси одамларимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган.

Мисол учун, аҳолининг энг зарур ҳаётий эҳтиёжларидан бўлган газ ва ичимлик суви таъминотини олайлик. 1991 йилда Сурхондарё вилоятида аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси атиги 13,6 фоиз эди. Бу кўрсаткич бугун 55,5 фоизга етди. Ўша даврда ичимлик суви билан таъминлаш 50 фоиз атрофида бўлган бўлса, эндиликда бу рақам 75,4 фоизни ташкил этади.

Бу кўрсаткичларга эришиш, албатта, осон бўлган эмас. Бунинг учун кўп куч-кувват ва, аввало, маблағ талаб қилинади. Лекин бутунги кунда бундай натижалар бизни қониктирмайди.

2005 йилгача вилоят аҳолисини табиий газ билан таъминлашни 86 фоизга, ичимлик суви билан таъминлашни 85 фоизга етказиш режалаштирилган. Бунга эришиш учун ҳали кўп-кўп ишлапшимиз керак.

Давлатнинг инсонпарварлиги, энг аввало, қариялар ва ногиронларга, ёрдамга муҳтоҷ одамларга кўрсатилаётган эътибор, меҳр-мурувват, саковат билан белгиланади.

Биргина Сурхондарё вилоятида жорий йилда давлат бюджетидан пенсия ва нафақа учун салкам 8 миллиард сўм, кам таъминланган оиласаларга 214 миллион 800 минг сўм, бокувчисиз қарияларга 11 миллион 800 минг сўм маблағ ажратилгани ҳам инсон манфаатлари биз учун ҳар нарсадан устунилигини кўрсатади.

Яна такрор айтаман: ислоҳотлардан кўзлаган бош мақсадимиз — одамларни рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат.

Ўтган саккиз йил мобайнида вилоятда 134 мингдан ортиқ оиласа 36 минг гектардан зиёд ер томорқа учун ажратилганини ҳам шу мезонлардан келиб чиқиб баҳолаш керак.

### Хурматли дўстлар!

Адолининг ижтимоий ҳимояси деганда, мен, энг аввало, одамларни иш билан таъминлашни тушунаман. Ишсизлик пайдо бўлган жойда ҳам ижтимоий-иктисодий, ҳам маънавий муаммолар туғилади. Тўғри, ҳозир Сурхондарё водасида ишсизлик республикамиздаги айрим вилоятлардагидек кескин эмас. Аммо биз бундан ўн-йигирма йил нарини, келажакни ўйлаб иш юритишмиз лозим.

Чунки Сурхондарё адолининг ўсиши бўйича республикамизда энг юқори ўринда туради. Воҳада аҳоли сони йилига 35-40 минг кишига кўпаймоқда. Шунинг учун, биринчи навбатда, кўплаб янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, қишлоқ жойларида фермер ва деҳқон хўжаликларини, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш талаб қилинади.

### Кадрли дўстлар!

Маълумки, вилоят иқтисодиётини янада ривожлантирища коммуникация масаласи энг долзарб муаммолардан биридир.

Сурхондарё уч томондан хорижий давлатларга чегарадош. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан ягона автотранспорт йўли — Катта Узбек тракти орқали бор-

ланган. Қиши ойларининг қорли-туманли, баҳор мавсумининг сел оқимлари кучайган паллаларида транспорт қатновида узилишлар рўй бермоқда.

Темир йўл транспорти орқали вилоятта келтирилаётган ва четта чиқарилаётган халқ хўжалиги юклари эса 194 километр масофада Туркманистон ҳудудидан ўтади. Бу эса уларнинг транспорт харажатлари ва бошқа тўловлар ҳисобидан уч-тўрт марта қимматлашувига сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммоларни ечиш, авваламбор, ҳалқимизнинг оғирини енгил қилиш, воҳа ривожига катта туртки бериш мақсадида биз аниқ чора-тадбирларни амалга ошираётганимиздан хабарингиз бор, деб ўйлайман. Курилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётган Фузор – Бойсун – Кумкўргон темир йўли белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши билан бу муаммо ечилади.

Шунингдек, Катта Ўзбек трактининг Дехканобод – Сайроб довони орқали ўтадиган транспорт йўлини кенгайтириш, таъмирилаш ва қайта қуриши ишларини ҳам давлат дастурига киритиб, молиявий манбаларини аниқлаштириб олиш зарур, деб ҳисоблайман.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган истиқбол дастурига кўра, вилоядта 2005 йилга қадар салкам 6 минг гектар янги ер ўзлаштириш мўлжалланган.

Бугунги кунда бир қанча туманларда сув ва электр энергияси таъминотини яхшилаш масаласи 500 миллион куб метр сифимга эга бўлган Тўполон сув омбори ва 175 меговатт кувватга эга гидроэлектростанция курилиши билан боғлиқ бўлиб турибди.

Хусусан, сув омбори 100 минг гектардан ортиқ ернинг сув таъминотини яхшилаш ҳамда кўшимча равишда 25 минг гектар атрофида янги ерларни ўзлаштириш имконини беради. Бу ҳар икки иншоот ҳам 2005 йилгача босқичма-босқич тўлиқ ишга туширилади.

Ҳозирги пайдада талабга жавоб бермаётган Боботоғ насос станцияси ёнида янги насос станцияси куриб ишга туширилса, ушбу ҳудудда 18 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади. Кўшимча яна 20 минг гектар янги ерни ўзлаштириш имкони яратилади.

Бу борадаги ишлар кўламини ўзимизга яққолроқ тасаввур қилиш учун Шерободдарё ўзанида сел сувлари тўпланаидиган сув омбори барпо этилишини ҳам эътиборга олайлик. Бу режа амалга ошса, дарёнинг ўнг қирғоғидаги 2 минг гектар ва Занг каналидан сув ичадиган 1 минг 200 гектар ерни суғориш ҳамда салкам 4 минг гектар қўшимча ерларни ўзлаштириш имконияти вужудга келади.

Бу лойиҳалар ичидаги Хўжаипок — Термиз сув қувурининг иккинчи навбати қурилишини жадаллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Нега деганда, мазкур сув қувури, вилоятнинг бешта туманидан ташқари, Термиз шаҳри ақолисининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиради.

Кейинги долзарб масала — ерларнинг мелиоратив долатини яхшилаштириш. Вилоятда 6 минг гектар экин майдони кучли шўрланган, сув таъминоти оғир, гектаридан атиги 8-10 центнердан пакта ҳосили олинаётган унумсиз ерлар ҳам мавжуд.

Аҳоли истиқомат жойлари, хусусан, қишлоқлар ичидаги ўтган дренаж-коллектор ва зовурларнинг кўмилиб қолганлиги сабабли томорқа ерлар ҳам шўрланган. Натижада шахсий хўжаликлар олаётган ҳосилга ҳам путур етмоқда.

Тегишли ихтинослаштирилган сув қурилиши идоралари ва шунга курби етадиган хўжаликларга янги экскаваторлар, дренаж ювиш техникалари сотиб олиш учун, кепрак бўлса, имтиёзли кредитлар ажратиш масаласини, албатта, кўриб чиқиши лозим, деб ўйлайман.

Хурматли Сурхон аҳли!

Маълумки, Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи экологик муҳитга жиддий зарар етказмоқда. Бунинг натижасида чегарадош туманларда қишлоқ хўжалиги экинлари, чорвачилик ривожи ва боядорчиллик ҳосили кескин пасаймоқда. Сарисиё туманида эса, умуман, пилла етиштириб бўлмай қолди.

Ўзбекистон раҳбарияти ушбу муаммога жиддий эътибор қаратиб келяпти. Бизнинг саъй-ҳаракатимиз туфайли Тожикистон ҳукумати билан алюминий заводининг эко-

логик ҳолатини яхшилаш юзасидан ҳамкорлик түғрисида битим имзоланиб, маҳсус дастур ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан шу йилнинг апрель ойида бу масала бўйича Сариосиё туманида ҳалқаро анжуман ўтказилганидан хабардорсиз.

Афсуски, Тожикистондаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий вазият яқин вақтгача бекарор бўлиб келгани мазкур муаммони тезроқ ҳал этиш имконини бермади.

Тожикистон тарафини биргаликда керакли чора-тадбирлар кўришга фаол жалб этиш, бу долзарб масалани узил-кесил ҳал қилиш — биз учун кечиқтириб бўлмас вазифадир. Бу вазифани, албатта охирига етказиш устида иш олиб борамиз.

Азиз биродарлар!

Мамлакатимизнинг эртанги куни, миллатимиз тақдирни доно ва билимдон, ўз шаъни ва қадр-қимматини англаб етадиган баркамол авлод тарбиясига боғлиқ.

Агар одам ҳаётда яхши из қолдирмоқчи бўлса, жамиятта, юртига наф келтиришни истаса, авваламбор, ўз мустақил фикрига эга бўлиши, соғлом дунёқарашга таяниб яшаши керак. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шундан иборат.

Вилоятда таълим-тарбия тизимини ҳозирги кун талаблари, ҳалқаро андозаларга жавоб берадиган тарзда ислоҳ этиш юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда 1 та университет, 14 та ўрта-маҳсус ўқув юрти, 2 та академик лицей, 7 та касб-хунар коллежи ва 806 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда.

2005 йилга қадар вилоятда яна 5 та академик лицей, 121 та касб-хунар коллежини ишга тушириш мўлжалланган.

"Умид" жамғармаси йўлланмаси билан 1997 йилдан бўён сурхондарёлик 18 нафар талаба чет элларга ўқишга юборилди.

Шу билан бирга, бошқа вилоятларга нисбатан чет элларда таълим олаётганларнинг сони кам бўлганини, аввалио, вилоятда хорижий тилларни ўргатишга эътибор суст-

лиги, малакали мутахассислар етишмаслигидан кўриш ҳам мумкин. Аксарият қишлоқ мактабларининг моддий-техника базаси ночор. Замонавий ўкув жиҳозлари билан тъминланмаган.

Хулоса шуки, биз замон талабига мос мутахассислар тайёрламоқчи эканмиз, биринчি навбатда, ўкув юртларимизнинг қиёфаси, моддий-техника ва ахборот базаси ҳам замонавий бўлиши ҳақида жиҳдий қайғуришимиз лозим.

Хурматли дўстлар!

Ҳабарингиз бор, биз 2000 йилни мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қилдик.

Соғлом авлод орзуси қадим-қадимдан ҳалқимиз, миллатимиз қалбida яшаб келади. Лекин бу орзуни умуммиллий ғояга айлантириш, уни тўла рӯёбга чиқариш имконияти фақат Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнгтина юзага келди.

Ҳозир вилоят қишлоқларида замонавий ускуналар билан жиҳозланган 61 та врачлик пункти тиббий хизмат кўрсатмоқда. Ҳолбуки, саккиз йил муқаддам воҳадаги биронта қишлоқда бундай врачлик пунктларини орзу қилиб бўлмасди.

2005 йилгача бўлган даврда яна 124 та қишлоқ врачлик пункти куриш режалаштирилган. Шу билан бирга, ҳукумат дастурига биноан, келгуси йили Термиз шаҳрида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган шошилинч тиббий марказ ҳам иш бошлайди. Барча туманларда ушибу марказнинг бўлимлари ташкил этилади.

Ешларни соғлом, матонатли, жасур қилиб тарбиялашда спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти бекёс. Сўнгти йилларда вилоятда бир қанча янги спорт иншоатлари барпо этилди. Термиз шаҳрида ҳалқаро андозаларга мос тенинс мажмуи қад ростлади. Барча туманларда замонавий тенинс кортлари курилди.

Ҳаким Термизий хотирасига бағишлаб 1993 йилдан бўён кураш бўйича ўтказилаёттан ҳалқаро турнирнинг нуфузи тобора ошмоқда.

Сурхон заминида миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиевдек кураги ерга тегмаган пол-

вонлар, самбо бўйича Осиё чемпиони Ботир Ҳасановдек ўғлонлар етишиб чиқиб, ҳалқимизнинг фахру фурурига айланганини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Аммо менинг сизларга бир саволим бор: Алломишлиларнинг Ойбарчинлари қани? Қизларимизнинг ғолибликтан мамнун чехраларини катта мусобақаларда қачон кўрамиз?

Сурхондарёдай катта бир вилоятдан футбол бўйича олий табақада биронта жамоа йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятда табиатан соғлом, бакувват йигит-қизлар кўп. Уларга шароит, мунтазам шуғуланишлари учун имконият яратилса, бу юртдан дунёни ҳайратга соладиган яна кўплаб спортучилар чиқишига аминман.

Қадрли дўстлар, биродарлар!

Сурхон воҳасининг жуда кўп бетакрор ва ноёб бойликлари, нозу неъматлари бор. Лекин шу юртнинг баҳту саодатини таъминлаш йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган инсонлар алоҳида эътибор ва ҳурматга сазовор.

Уста пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев, Ўзбекистон ҳалқ рассоми Рӯзи Чориев, Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi Шукур Холмирзаев, таниқли ижодкорлардан Эркин Аъзам, Усмон Азим, Шафоат Раҳматуллаева, машҳур баҳши Шоберди Болтаев, олимлардан Назар Тўраев, Ҳасан Бўриев, Нурислом Тўхлиев, хонанда Сайёра Қозиева, кўли гул ҳунарманд Нарзулло Жўраев ҳалқимизга хос ана шундай фазилатларга эга Сурхон элининг вакиллариdir.

Сурхондарёнинг ўзига хос яна бир ноёб бойлиги – бу унинг кўпни кўрган, ҳаётнинг не-не синовларидан ўтиб келаётган нуронийлариdir.

Вилоятда ҳозирги кунда бир асрдан зиёд умр кўрган 74 нафар пиру бадавлат инсон яшайти. 117 ёшли сариосиёлик Ҳожар момо Бобоева, 112 ёшга тўлган музработлик Бўри момо Ҳазратова ана шундай мўътабар оналаримизdir. Илөё, уларнинг умрлари янада зиёда бўлсин, барчамизни ҳам шу улуғ ёшларга етказсин!

Бу табаррук инсонларнинг узоқ умр кўриш сирлари билан қизиқсангиз — улар, энг аввало, ҳалол-пок яша-

ганлари, ҳаром-харишдан, ғараз ва ҳасаддан ўзларини асраганликлари, яхшилик, яхши ният билан умр кечиргандарига ишонч ҳосил қиласиз.

Бундай соғлом турмуш тарзини халқимиз орасида, айниқса, ёшларимиз ўртасида кенг ёиши жамоатчилигимиз, биринчи галда, махалла қўмиталаримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir.

Соғлом авлод тарбияси пойдеворини миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ота-боболаримизнинг ҳәтий тажрибалари асосида курсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Азиз дўстлар!

Сўзимнинг ниҳоясида эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. Маълумки, Сурхондарё географик ўрнига кўра мамлакатимизда муҳим стратегик ҳудуд ҳисобланади.

Биз атрофимиздаги мамлакатларда содир бўлаётган нотинчлик, ўзаро тўқнашувлар, диний экстремистик кучларнинг хуружларига бефарқ қарай олмаймиз.

Биз кўшни давлатлардан мамлакатимизга кириши мумкин бўлган қурол-яроп, наркотик моддалар ва ғаразли кучларнинг йўлини тўсишда Сурхондарё вилоятини қалқон деб биламиз.

Албатта, Сурхондарё воҳасини, бутун мамлакатимизни қўриқлаш, халқимизнинг тинчлигини сақлашда, ёвуз кучлардан асрашда биз, аввало, қудратли, бугунги замонавий талабларга жавоб берадиган ҳарбий кучларимизга суннамиз.

Лекин бир ҳақиқатни барчамиз доимо ёдда тутишимиз шарт. Мамлакатимизнинг тақдири, чегараларимизнинг дахлсизлиги шу ҳудудда яшайдиган фуқароларимизнинг хушёр ва сергаклигига ҳам борлиқ. Шу маънода мен Сурхоннинг ҳар бир фуқаросини, ҳеч муболагасиз, Ватанимиз чегараларининг хушёр посбони, мард қўриқчиси, деб айта оламан.

Такрор бўлса-да, яна бир бор айтмоқчиман: тинчлигимизга, осойишта ҳаётимизга ҳавф солмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз, қора кучларни тийиб кўйишга қудратимиз етади.

## ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

---

Фақат бундай ғаламислар, ақли-хүшини йўқотган ман-күртлар тузогидан, охир-оқибат ҳалокатта олиб борадиган бузғунчилик йўлидан фарзандларимизни асраримиз керак.

Ҳурматли Сурхон аҳли!

Ҳабарингиз борки, яқинда Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини сизлар билан ҳалқаро миқёсда кенг нишонлаймиз. Ана шу қутлуг санага бағишилаб нафақат Термизни, вилоятнинг барча жойларини янада обод ва кўркам қилиш мақсадида кўплаб янги-янги муҳташам бинолар курамиз, гўзал боғ-роғлар барпо этамиз.

Сурхондарё ҳалқи — фурури тоғларидек баланд, изланувчан, яратувчилик салоҳияти юксак ҳалқ.

Сурхондарё ҳалқи — қадим урф-одатларни, минг йиллик анъаналарни асрлар оша кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, бойитиб келаётган ҳалқ.

Йигитлари Алломишдек паҳлавон, қизлари Ойбарчиндек кўркам, қариялари Термизий боболаримиздек донишманд, иймон-эътиқодли ҳалқ.

Бундай ҳалқ — ҳар қанча иззат-икромга муносиб. Бундай ҳалқ билан ҳар қандай қийинчиликларни енгигб ўтиш, олижаноб мақсадлар, катта-катта мэрраларга етиш мумкин.

Мана шу жамики эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида барчангизга, сизлар орқали бутун Сурхондарё аҳлига соғлиқ-омонлиқ, баҳт-саодат, қут-барака, янги-янги зафарлар тилайман!

*Сурхондарё вилояти сайловчилари вакиллари билан  
учрашувда сўзланган нутқ,  
1999 йил 25 декабрь*

---

## ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ – МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК, МИЛЛАТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ТОТУВЛИГИНИ КЎЗ ҚОРАЧИГИДАЙ АСРАЙЛИК

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Мұхтарам юртдошларим!

Сиз – азизлар билан тарихий сана – 2000 йил арағасида, муқаддас Рамазон кунларида соғ-омон дийдор кўришиб турганимдан хурсанд бўлганимни, барчангизга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига ўзимнинг самимий хурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар!

Яхши биласизлар, Ватанимиздаги ҳар бир вилоят, туман, ҳар қайси шаҳар-қишлоқ – барчасининг ўзига хос қиёфаси, файзу таровати бор. Шулар орасида Тошкент вилояти алоҳида ажралиб туради.

Аллоҳ таоло Ўзбекистон дейилмиш муқаддас юртимизга нимаики, қандай бойликлардан, неъматлардан ато этган бўлса, барча-барча файзу бараканинг ифодасини мана шу мўътабар юртда кўриш мумкин.

Тошкент вилояти деганда, кўз олдимизда Чотқол, Ўғам, Чимён каби тоғлари, серҳосил далалари, улкан саноат корхоналари, замонавий шаҳарлари, файзли қишлоқлари, сўлим боғ-роғлари бўлган гўзал бир воҳа намоён бўлади.

Бу бетакрор заминда уч фаслни – қиш, баҳор ва ёз манзараларини бир вақтда учратиш мумкин, десак, асло муболага бўлмайди.

Бекободу Чиноз боғларида чиллаки чумак урганида, Бўстонлиқ ва Паркент тоф ёнбагирларида бодом эндиғина гулга киради. Оҳангароннинг лалми ерларида галла ўрими бошланганда, Бўка ва Пискент туманларидағи дехқонлар буғдойни ўриб-янчиб, омборларга жойлаётган бўлади.

Иқлим шароити ҳам, географик ўрни ҳам ана шундай ноёб бўлган бу воҳада яшаётган вилоят ҳалқи ҳақида мен алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Юздан ортиқ мислат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаб, меҳнат қилаётган бу маконни кезсангиз, одамларнинг турли тилларда, ранг-баранг шеваларда сўзлашаётганига гувоҳ бўласиз.

Бу юртда мамлакатимизнинг турли жойларига хос хусусиятлар, урф-одатлар ажойиб бир шаклда мужассам топган.

Ўзбекча, русча, татарча, тоҷикча, корейсча, қозоқча, қирғизча ва ўнлаб бошқа тилларда гапирадиган, лекин ягона мақсад, пок ниyat билан яшаётган инсонларнинг орзу-интилишлари, бир-бирига бўлган меҳр-оқибатлари-га ҳар қанча ҳавас қиласак, тасанио айтсак, арзайди.

Қисқа қилиб айтганда, Тошкент вилоятида катта салоҳиятта эга бўлган, меҳнаткаш, ишнинг кўзини биладиган, омилкор, хушфеъл, аҳил ва тотув ҳалқ яшайди.

Қадрли дўстлар!

Бу воҳа Буюк ипак йўлидаги илм-фан, ҳунармандчилик, маданият тараққий этган маконлардан бири бўлгани тарихдан маълум.

Хўжакент яқинидаги ғордан топилган тош даврига мансуб одам суюгининг қолдиқлари ва қоялардаги суратлар бу воҳада аждодларимиз жуда узоқ замонлардан бери яшаб келганидан далолат беради.

Буни буюк аллома Мұхаммад Хоразмий, машхур тарихчи Табарий, жўғрофия олими Истаҳрий ва бошқалар қолдирган мұхим маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Бу ерда ясалган ҳунармандчилик ва заргарлик буюмлари, қурол-аслаҳалар бутун Шарқда шуҳрат қозонган. Бизгача етиб келган "Худуд ал-олам" номли тарихий китобда: "Чоч — бу катта вилоят, ҳалқи жанговар ва сакийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади", — деган сўзлар битилгани ҳам буни яққол исботлайди.

Бу муқаддас замин ўз тарихида тақдирнинг кўп-кўп синовларини, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирган мўгуллар босқини каби бало-қазоларни ҳам бошидан кечирган.

Тарихий манбадарнинг шоҳидлик беришича, фақат соҳибқирон Амир Темур даврига келиб, воҳада қайтадан ривожланиш бошланган. Кўшлаб шаҳар-қишлоқлар янгидан қад ростлаб, обод бўлган.

Шу маънода вилоят худудидаги машқур сўфий аллома Ойхўжа ибн Тожхўжа — Занги ота мақбарасининг бунёд этилиши билан бөглиқ ибратли тарихий воқеалар теран рамзий маънога эга, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Маълумки, бобомиз Амир Темур ҳазрат Яссавийга мақбара қуриш ҳаракатини бошлаганида, нима учундир, иш ҳадеганда юришавермаган. Бу ҳолнинг сабабини билолмай, ҳайрон бўлиб юрганида, у бир кечаси туш кўради. Тушида нуроний бир зот Яссавийга мақбара қуришдан аввал Занги отанинг қабрини обод қилиш лозимлигини соҳибқирон бобомизга аён қиласди.

Шунда Амир Темур Занги ота руҳини шод этиш учун мақбара тиклашга киришида. Бу муҳташам ёдгорлик мажмуининг қурилиши кейинчалик Улуғбек Мирзо томонидан охирига етказилади.

Кўряпсизларми, азиз дўстлар, Тошкент вилоятининг худудида қандай буюк зотларнинг қадамжолари бор. Бу ривоят ушбу заминнинг нақадар муқаддаслигига бир мисол, холос.

Бутун ислом дунёсида маълум ва машҳур Занги ота мажмуининг кейинги йилларда тубдан қайта таъмирланниб, гўзал ва обод бир зиёратгоҳга айлантирилгани вилоят аҳлининг савобли ишларидан биридир.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, ота-боболаримизнинг, муқаддас аждодларимизнинг қадамжоларини обод этишига, Занги отанинг табаррук мақбара ларини тиклашга бошқоп бўлган, унга муносиб ҳисса қўшган барча юртдошлиримга ташаккур айтаман.

Бу муқаддас заминда муборак излари қолган Хожа Аҳорор Валий, Шайх Умар Богоистоний, Абу Бакр Шоший, Абу Сулаймон Банокатий, Хофиз Кўйкий каби зоти шарифларнинг ҳар бири ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Уларнинг эзгу анъаналарини давом эттириб, эл шаънини улуғлаб ижод қилган Сидқий Хондайликий, Элбек,

Музайяна Алавия каби бизга замондош бўлган илму ижод намояндаларининг номини халқимиз бутун ҳурмат-эҳтиром билан хотирлайди.

Тошкент вилоятида туғилиб камол топган Маҳмуд Мирзаев, Тўхтамурод Жўраев, Алибек Рустамов каби ака демик олимлар, машкур фазогир Владимир Жонибеков, шунингдек, Ўткир Ҳошимов, Шарифа Салимова, Эргаш Раимов, Ориф Одилхонов, Барот Исроилов, Маҳмуд Ториров сингари ижодкорлар, халқ ҳофизимиз Очилкон Отаконов, таниқли бастакор Анор Назаров, хушвоз хонанда Мавлуда Ойнакулова сингари санъаткорлар мамлақатимизнинг илм-фан, маданият ва санъат тараққиётига муносиб ҳисса кўшмоқдалар.

Мен бу ўринда янгийўлилк ёзувчи ВалиFaфуровнинг номини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу матонатли инсон Иккинчи жаҳон урушида оғир яраланиб, кўзи ожиз бўлиб қолганига қарамай, вафо ва садоқатни тараннум этувчи ҳаққоний асарлар яратиб, авлодлар хотирасида ёрқин из қолдирди.

Азиз дўстлар!

Тошкент вилояти, юқорида айтиб ўтганимдек, улкан ва ноёб салоҳиятта эга. Бу ердаги беҳисоб имкониятлар, ривожланган коммуникация тармоқларини оласизми, шаклланган инфратузилмани оласизми, сув таъминоти ёки юксак малакали кадрларни оласизми — буларнинг барчаси Тошкент вилоятида мавжуд.

Бугунги кунимиз ва эртанги ҳаётимизнинг тараққиёти устида ишлайтган, илму фан ва маърифат соҳасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган кўплаб ташкилотларнинг хизматини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Вилоят ҳудудида биргина қишлоқ ҳўжалиги муаммолари билан шугулланувчи ўндан ортиқ илмий текшириш институти, нуфузли тадқиқот марказлари ишлаб турибди.

Бу ерда ўсимликлар генетикаси, шоликорлик, картошка ва сабзавотчилик, пахтачилик ихтисослашган бир қатор илмий тадқиқот институтлари, Шредер номидаги Узумчилик ва боғдорчилик илмий-иштаб чиқариш бирлашмаси, республикамизнинг барча вилоятларига мутахассис-

лар тайёрлаб берәётган, мамлақатимизда ягона бүлган Аграр университет фаолият күрсатмоқда.

Шу нүктай назардан Тошкент вилояти халқ хұжалиғи соқасыда пайдо бұлаёттан барча янгилік ва ихтиrolарни синаб күрадиган кагта бир тажриба майдони, деб ном олған бўлса, бу ҳам табиий бир ҳолдир.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги кунда Тошкент вилояти мамлақатимизнинг са-ноат юқори даражада ривожланган минтақаларидан би-рига айланиб, республика саноат маҳсулотининг 11,5 фо-изини, электр энергиясынинг 45 фоизини, күмірнинг 98 фоизини, цементтінг 43 фоизини, пұлат ва металл про-катининг 100 фоизини, раңгли металларнинг асосий қис-мини ишлаб чықармоқда.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Бекобод метал-лургия комбинати, "Аммофос", "Электрокимёсаноат", "Ўзбекрезинотехника" ишлаб чықариш бирлашмалари син-гари корхоналар маҳсулоти жағон бозорлари ва күргазма-ларида олтин медаллар билан тақдирланганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Кейинги йилларда вилоятда замонавий технологиялар билан жиҳозланган күплаб янги кувватлар ишга туширилди.

Жумладан, Тўйтепадаги 22 минг тоннага яқин калава ип ва 15 миллион метр мато ишлаб чықарадиган "Кабул-Ўзбек компани" күшма корхонаси, Ангрендаги "Ўзбекре-зинотехника" диссадорлик жамииятига қарашли йилига 400 минг дона шина ишлаб чықарадиган корхона, 1 миллион тонна каолинни майдалаш ва бойитишга мўлжалланган "Каолин" күшма корхонаси, Янгийўл ва Чирчик шаҳарларида замонавий пойафзал фабрикалари барпо этилди.

Истиқбол режалари ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, Давлат инвестиция дастурига мувофиқ Ўрта Оси-ёда ягона ҳисобланган Бекобод металлургия комбинатида 2001 йили 100 минг тонна пұлат шар ва металл прокат тайёрлаш кувватлари ишга тушади. Натижада 30 миллион АҚШ доллары миқдорида валютани тежаш имкони туғилади.

Шунингдек, Янгийўл шаҳрида қоғоз целлюлозаси фабрикаси, "Чиноз тўқимачи" қўшма корхонаси, Янгийўл ва Фазалкент шаҳарларида хорижий сармоялар иштирокида болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар курилиши жадал олиб борилмоқда.

Замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида вилоятда четта маҳсулот экспорт қилувчи саноат корхоналари сони 31 тадан 56 тага етди. Экспорт ҳажми 3,6 баробар ошиди. Унинг таркибида пахта толасининг улущи камайиб, қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажми ортиб бораёттани, айниқса, муҳимdir.

Вилоятда хорижий сармоялар иштирокида 111 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 11 ойида улар 13 ярим миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Айниқса, Жанубий Корея иштирокида тузилган "Кабул-Ўзбек компани", Чехия билан ҳамкорликдаги "Кеннаф", Буюк Британия иштирокидаги "Конмит", Ўзбек-Германия "Кибо" қўшма корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Қўшма корхоналар 1992 йили атиги 2 миллион 300 минг АҚШ доллари микдорида маҳсулот экспорт қилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 27 миллионга етди.

Лекин бу вилоят умумий экспорт ҳажмининг бор-йўги 10 фоизини ташкил этиши ҳали чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорликда жаҳон бозорида ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида катта ишлар қилишимиз кераклигини кўрсатади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бозор муносабатларининг асосий шарти — хусусий лаштириш жараёни бошлангандан бўён вилоятдаги 7 минг 385 та давлат корхонаси ёки унинг бир қисми акциядорлик жамияти, жамоа ва хусусий корхоналарга айлантирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунинг ҳисобидан жорий йилнинг 11 ойида 132 ярим миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 78,3 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди.

Ҳозир хусусий лаштириш жараёнида янги босқич бошланди. Бу етакчи тармоқ корхоналарини хусусий лашти-

риш, ҳиссадорлик жамиятлари акцияларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотишдан иборат. Натижада хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали саноатта янги технологияларни олиб кириш имкони вужудга келмоқда.

Қисқа вақт ичиди Олмалиқ майший кимё заводининг 1 миллион 400 минг АҚШ доллари, "Ўзбеккимёмаш" акциядорлик жамиятининг эса 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги акциялари хорижий инвесторларга сотилди.

Ёки яна бир мисол. Ишлаб чиқариш умуман тўхтаб қолган "Дўстлик-1" акциядорлик жамиятининг 35 миллион 400 минг сўмлик акциялари "Виртех-АГРО" қўшма корхонасига сотилганидан сўнг корхонада шу йилнинг ўзида 300 тоннадан зиёд парранда гўшти, 2 миллион дона тухум тайёрланди. Энг муҳими, одамлар иш жойларидан маҳрум бўлишининг олди олинди.

Қадрли дўстлар!

Тошкент вилоятининг кўп тармокли қишлоқ хўжалиги соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар ҳақида гапирав эканмиз, аввало, бу йилнинг ўзида вилоят пахтакорлари ва ғаллакорлари эришган ютуқлар ҳар қанча таҳсинга сазовор эканини айтиш керак.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, 283 минг тонна пахта, 322 минг тонна ғалла етишириб, шартнома режаларини ошириб бажарган вилоят дехқонларига фидокорона меҳнатлари учун чин қалбимдан миннатдорлик ва самимий ҳурматимни билдиришга руҳсат бергайсиз.

Дехқончиликда ижобий натижаларга эришишда ўзига хос мактаб яратган Оққўргон туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги раиси, миришкор пахтакор Эргаш Ниёзов, Паркент туманидаги "Заркент" жамоа хўжалиги раиси, соҳибкор боғбон Тожибой Ризаев, Тошкент тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 45 йилдан бери бригадир бўлиб ишлаб келаётган сабзавоткор Ҳаким Азимов, Қиброй туманидаги илгор фермер Курбон Ҳожиев сингари фидойи инсонларга ҳар қанча таҳсин айтсан, арзийди.

Вилоядада жорий йилда пахта йиғим-терими укошқоқлик билан ташкил қилинганини алоқида қайд этиш лозим.

Етиштирилган ҳосилнинг 20 фоизга яқини асосан замонавий "Кейс" комбайнлари ёрдамида териб олингани уларнинг иш унуми юқори эканини яна бир бор тасдиқлади.

Хурматли юртдошлар!

Халқимизда "Сара уруғ – ҳосил бўлуг", деган доно нақл бор. Шу маънода, вилоятда пахта уруғчилиги маркази ташкил этилганилиги ҳам эътиборга лойикдир.

Бу борада Тошкент вилоятида бой тажриба тўплланган. Машхур селекционер олим Содиқ Мираҳмедов вилгта чидамли "Тошкент" пахта навларини айнан шу вилоятда яратгани барчамизнинг ёдимизда. Бинобарин, бу соҳадаги ишларни узлусиз давом эттириш, ҳар бир минақага хос ва мос навларни топиш ва синааб кўриш керак. Афсуски, ҳозирги кунда вилоят ҳудудидаги пактачилик, мева-сабзавотчилик ва уруғчилика ихтисослашган илмий тадқиқот институтларининг имкониятларидан тўла фойдаланиляпти, деб бўлмайди.

Вилоят қишлоқ ҳўжалигига мулкчиликнинг турли шакллари — фермер, дехқон ҳўжалиги, оила пудрати кенг қўлланыляпти. Шу ўринда 14 мингдан зиёд оиласвий пудратчилар вилоят ғалла хирмонига баракали ҳисса қўшаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Ўтган даврда вилоятдаги 212 та қишлоқ ҳўжалиги корхонасидан 70 таси ширкат ҳўжалигига айлантирилган эди. Ишловчиларнинг сони чекланганлиги, харажатларнинг меъёрлар асосида бўлиши, пировард натижага қараб меҳнатта ҳақ тўланиши оқибатида аксарият ҳўжаликларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланди.

Пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган ҳўжаликларнинг ярми 1998 йилни 1 миллиард 765 миллион сўм зарар билан якунлаган бўлса, 1999 йилда бу ҳўжаликлар 1 миллиард сўмга яқин соф фойда олгани бу усульнинг ҳар томонлама афзаллигидан далолат беради.

Бугунги кунда ялпи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажмидаги фермер ва дехқон ҳўжаликлари салмоғи 68 фоизни ташкил этмоқда. Ҳўжалик юритишнинг бу усули изжобий самара беришига одамлар амалда ишонч ҳосил қилаётгани энг муҳим натижадир.

Биргина мисол. Ўрта Чирчиқ туманидаги "Усмон" фермер хўжалиги 1999 йили пахтадан 5 миллион 201 минг сўм, ғалладан эса 868 минг сўм фойда кўргани, фидохорона меҳнатлари учун фермер Ёрмат Усмонов мустақиллик байрами арафасида "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланган бунинг яққол тасдиғи, десак, хато бўлмайди.

Хурматли вилоят аҳли!

Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигининг самарасини ошириш, унинг истиқболи ҳақида, бу борада маъжуд бўлган барча имкониятларни ишга солиш ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, аввало, пахтачилик, ғаллачилик тармоқлари ҳақида бош қотиришимиз табиийдир. Нега деганда, мамлакатимизни, ҳалқимизни боқадиган ва катта валюта тушумини берадиган мана шу тармоқлардир.

Бу ҳақда алоҳида гапириш керак. Аммо бугунги кунда катта имкониятлар ишга солинмаётган соҳалар ҳақида гапирганда, аввало, вилоятнинг боғдорчилик ва сабзавотчилик тармоқларига эътибор қаратиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Пойтахт вилоятидаги нафакат кўпгина хўжаликларнинг, балки Паркент, Тошкент, Қиброй каби кўпгина туманларнинг тақдирини, шу ҳудудларда яшайдиган аҳолининг ҳаётини ҳал қўлувчи тармоқ — бу боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик соҳаларидир. Буни унутмаслигимиз керак.

Ризамат отадек буюк боғбонлар таълимини олган воҳа миришкорлари Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятининг йирик шаҳарлари аҳолисини қишин-ёзин сара мева ва сабзавот билан таъминлаш бўйича катта тажриба ортирган.

Хусусан, Зангиота, Қиброй, Янгийўл, Тошкент туманлари аҳолиси иссиқхоналарда помидор, бодринг, лимон ва хилма-хил кўқатларни етиштиришнинг ҳақиқий устаси бўлиб танилган. Бу туманларнинг заҳматкаш дехқонлари ҳар йили шаҳарликлар дастурхонига 145 минг тонна сабзавот, 15 минг тонна картопка, 17 минг тонна мева, 10 минг тонна узум етказиб бермоқда.

Бироқ бу 2,5 миллионлик пойтахт ақолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли эмас.

Шуни ҳам очиқ айтиш керакки, сўнгти 4-5 йил давомида вилоятнинг Тошкент шаҳрига яқин бўлган туманларида маълум микдордаги ерлар Тошкент шаҳри худудига кирди. Бундан ташқари, ушбу туманлардаги аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш учун томорқа ажратилиши натижасида анчагина ерлар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетди. Буларнинг барчасини тан оламиз.

Лекин, шу билан бирга, бу соҳани такомиллаштириш, унинг самарадорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, энг муҳими, этиштирилаётган маҳсулотни тежамкорлик билан ва оқилона қайта ишлашда, уни сифатли, замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолда харидорларга, шу жумладан, чет мамлакат харидорларига таклиф қилишда ҳали кўпгина фойдаланилмаган имкониятлар борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги, Макроиктисодиёт вазирларлари ҳамда "Ўзмевасабзавотузумсаноат" холдинги раҳбарлари вилоят ҳокимлиги билан биргаликда мева ва сабзавот этиштиришни кўпайтириш имкониятларини кўриб чиқишилари керак. Биз бу тўғрида улардан амалий таклифлар кутамиз.

Азиз дўстлар!

Истиқдол йилларида Тошкент вилоятида иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида қилинган ишлар, тўпланган тажриба ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин, менинг фикримча, бугун эришган ютуқларимизни эътироф этишдан кўра, кўпроқ мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳақида ўйлаш керак.

Юқорида таъкидланганидек, вилоятда бой минерал хом ашё, энергетика ресурслари ва қишлоқ хўжалиги хомашёлари бор. Шу сабабли вилоят экспорт салоҳиятини ошириш, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш, йирик корхоналар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз лозим.

Маълумки, Тошкент вилоятида собиқ марказ манфатларидан келиб чиққан ҳолда курилган айрим йирик корхоналар бизнинг саноат тизимимиз билан узвий боғланмаган эди. Айнан шу корхоналарнинг янги иқтисодий шароитта мослашуви анча қийин кечмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар на ички, на ташки бозорда ўз харидорини топяпти.

Натижада жорий йилнинг 11 ойида республикамизнинг йирик индустрисал марказлари ҳисобланган Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш камайди.

Вилоят саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш атиги 56 фоизни ташкил этаетгани барчамизни ташвишга соладиган ҳолдир. Машинасозлик мажмуида эса айрим маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 20 фоизга ҳам етмайди.

Бундай вазиятнинг асосий сабабларидан бири корхоналарда фойдаланилаётган машина ва асбоб-ускуналар, технологик линияларнинг 50-60 фоизи эскириб қолганилиги билан боғлиқ. Табиийки, бундай ишлаб чиқариш воситалари билан замонавий, сифатли, бозорталаб маҳсулотлар тайёрлаш мумкин эмас.

Муаммонинг ечими битта: ушбу корхоналарнинг ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотини танқидий баҳолаш, уларнинг харидори топилмайдиган бўлса, ишлаб чиқариш қувватларини мутлақо янги харидоргир маҳсулот чиқаришга мослаштириш зарур. Бу масаланинг энг муҳим ечими — корижий сармоядорлар ва шерикларни топиб, уларни барча йўллар билан ҳамкорликка жалб қилиш, ўзаро манфаатли алоқа боғлашдан иборат.

Шундай таклифлар асосида вилоят бўйича 2005 йилга ча белгиланган маҳсус дастур тузиш керак, деб ўйлайман.

**Яна бир масала** — вилоятдаги экология муаммоси ҳақида тўхталиб ўтиш шарт, деб ўйлайман. Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларида ҳавонинг ифлосланиш даражаси меъёрдан юқори. Воҳанинг асосий сув артерияларидан бири бўлган Чирчиқ дарёси

корхона ва хонадонларнинг чиқинди сувлари билан ифлосланиб бораётгани юят ачинарлидир. Ўзингиз айтинг, биродарлар, ҳаёт манбаи бўлган, ҳар томчи суви олтинга тенг Чирчикдек дарёга бундай муносабатда бўлиш ношукурлик, гуноҳи азим эмасми?

Республика ҳукумати 2005 йилгача бўлган даврда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Милий дастур қабул қилганидан хабарингиз бор. Унда вилоят экологик муаммоларини ҳал қилиши йўллари ҳам аниқ кўрсатиб берилган.

Вилоят раҳбарияти ва жамоатчилик ушбу дастурнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиши керак. Айни пайтда, атроф-муҳит ва оқар сувларни ифлос қилганлик учун жавобгарликни ошириш, қонунни бузабётган корхоналар раҳбарларига нисбатан қаттиқ чоралар кўриши лозим.

Хурматли дўстлар!

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси барчамизнинг дунёқарашимиз, тафаккуrimizning нақадар кенглиги ва замон таълабларига жавоб берабёттанига, тўрачиллик, локайдлик, тъмагирлик, боқимандалик каби иллатлардан қанчалик тез ҳолос бўлишимизга боғлиқ бўлиб турибди.

Тафаккуrimizning ўзгариши ҳақида кўп гапирамиз. Лекин шу тафаккурнинг юксалиши одамларнинг турмуш шароитини ўзгартириш, уларнинг ҳаёт даражасини ошириш, кундалик муаммоларини ечиш, дардига малҳам бўлиш билан нақадар чамбарчас боғланганига камдан-кам ётибор берамиз.

Яна ва яна бир бор тақроран айтмоқчиман ва шунга ётиборингизни жалб қилмоқчиман. Бугунги кунда бизнинг энг муҳим, ҳал қилювчи вазифамиз — аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, ҳар бир оиласининг муносаби ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Этибор берган бўлсангиз керак, менинг сайловолди дастуримда биринчи ва бугунги кунда энг долзарб вазифамиз деб кўйилган масала — яқин беъз йил давомида ишчиларимизнинг иш ҳақини уч ярим баробар ошириш,

аҳоли жон бошига түгри келадиган ўртача даромадни тахминан икки марта күпайтириш кўзда тутилган.

Одамларнинг ҳаётини яхшилаш мақсадида вилоят бўйича кейинги йилларда 95 мингдан зиёд оиласа якка тартибда уй-жой қуриш учун 22 минг гектарга яқин ер берилгани, умумий майдони 3 миллион квадрат метрдан ортиқ янги квартиralар курилиб, 39 минг оила уйли-жойли бўлгани бу борадаги ишларнинг амалий кўринишидир.

Аҳолининг даромади ошиб бораётганини сўнгти йилларда вилоятдаги шахсий енгил автомобиллар сони 41 мингтага кўпайгани ҳам кўрсатиб турибди. Вилоят бўйича ҳар минг кишига 55 тадан шахсий автомобиль түгри келиши ҳам аҳоли турмуш даражасининг ўзига хос кўрсаткичидир, деб баҳолаш мумкин.

Кейинги йилларда вилоятда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 5 минг километрдан ортиқ табиий газ ва минг километрдан ортиқ ичимлик суви қувурлари фойдаланишига топширилди. Шу йиллар мобайнида аҳолини газ билан таъминлаш даражаси 52 фоиздан 79 фоизга, сув билан таъминлаш эса 75 фоиздан 90 фоизга етди. 2005 йилгача яна 4 минг 200 километр табиий газ, 800 километрдан зиёд ичимлик суви қувурлари тортиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, ҳали табиий газ ва тоза ичимлик суви етиб бормаган аҳоли пунктлари ҳам бор. Албатта, олис тоғ қишлоқларига қувур тортиб, газ ва сув етказиб бериш осон эмас. Буни тушуниш, англаш мумкин.

Лекин ҳозирча энергиянинг бошқа манбаларидан фойдаланиш, аҳолини етарли кўмир ва суюлтирилган газ билан таъминлаш мумкин-ку! Бунинг учун барча имкониятлар бор. Фақат маҳаллий ҳокимиёт раҳбарлари бу масала билан жиддий шуғулланишлари керак.

Хурматли биродарлар!

Мамлакатимиздаги энг муҳим масала — аҳолини иш билан таъминлаш масаласидир. Ҳар бир ишсиз фуқаро нафақат ўз оиласи, балки давлат, жамият учун бир муаммо демакдир. Ишсизлик масаласини ҳал этиш биринчи

галда мамлакат осойишталигига даҳлдор масала, деб қаралиши шарт.

Шу мақсадда Тошкент вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш, уларни янги касб-хунарларга ўргатиш борасида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги иш жойлари ташкил қилиш дастури ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 11 ойида 28 мингдан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилди.

Лекин шуни тан олишимиз керакки, бу муаммони ечишда амалга оширилаётган ишлар бизни қониктирмайди.

Энг ачинарли томони, қишлоқ жойларида аҳолига миший хизмат кўрсатиш тизимини, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, шунинг ҳисобидан бўш ишчи кучларини иш билан банд қилиш масаласи талаб даражасида, деб бўлмайди.

Вилоятда 2005 йилгача белгиланган 155 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш мақсадига эришиш учун ҳали кўп-кўп ишларни қилишпимиз зарур.

**Азиз дўстлар!**

Аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш ва жамиятни ислоҳ қилиш сиёсатининг беш тамойилидан биридир.

Шу йилнинг ўзида кам таъминланган оиласларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида вилоятда 2 миллиард 400 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлангани ҳам ана шундан далолат беради.

**Хурматли жамоа!**

Бугун босиб ўтган йўлимиз, бошимиздан кечирган йиллар ва дамларни бир-бир кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, кўлга киритган ютуқларимизда мана шу залда ўтирган кексалар, мамлакатимиздаги барча фахрийлар, жумладан, Тошкент вилояти фахрийларининг бекиёс ҳиссаси борлиги маълум бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига алоҳида хурмат-эҳтиромимни билдиromoқчиман.

Вилоятда 290 мингдан зиёд пенсионер ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлиб, уларга нафақалар ўз вақтида тўланмоқда. Айни пайтда, ёлғиз қариялар, бокувчи-

сини йўқотган оиласлар ва ногиронларга ҳомийлар ҳисобидан ҳам йил давомида 67 миллион сўм кўшимча ижтиёмий ёрдам уюштирилгани эътиборга сазовор.

Хабарингиз бор, яқинда Вазирлар Маддамаси 2005 йилгача бўлган даврда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтиёмий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида Даастур қабул қилди.

Унда ҳар бир туманда бундай кексалар учун дам олиш ва соғломлаштириш марказлари ташкил этиш, уларга жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари эътиборини қаратиш, электр энергияси, газ, квартира тўловлари, транспортда юриш, дори-дармонлар билан тъминлашда енгилликлар бериш кўзда тутилган.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Биз эзгу ният билан 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилдик. Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойdevорини, фаровон ҳаёт асосини куриш, демакдир.

Ҳозирги вақтда вилоятда 102 та касалхона, 350 дан ортиқ поликлиника, 167 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 60 дан ортиқ дам олиш масканлари фаолият кўрсатадеттани бу борадаги жiddий ишлардан гувоҳлик беради.

Сўнгти йилларда б ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 14 та касалхона, 34 та қишлоқ врачлик пункти, 30 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 та дам олиш маскани куриб, фойдаланишга топширилди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини малакали мутахассислар, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тъминлаш яхшиланди.

Табиийки, Соғлом авлод йили муносабати билан бу соҳага эътибор янада кучаяди. 2005 йилгача вилоятда яна 60 та қишлоқ врачлик пункти курилади. Бунинг учун 3 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилоқда.

**Азиз дўстлар!**

Вилоятда ҳар йили ўргача 35 минг чақалоқ дунёга келмоқда. Биз бугун ёшларимиз тимсолида бутун миллат ва мамлакатимиз келажагини кўрамиз.

Шу нүктай назардан қараганда, вилоятда мустақиллик йилларида 73 та болалар боғчаси, 67 та янги мактаб биноси бунёд этилгани алоҳида аҳамиятта эга.

Бу йил Янгийўл шаҳрида 750 ўқувчига мўлжаллаб очилган замонавий академик лицей ва 7 та касб-хунар коллежи қурилиши учун 3 миллиард 145 миллион сўмлик маблағ сарфланди. 2005 йилгача вилоятда жами 9 та академик лицей, 146 та касб-хунар коллежи барпо этилади.

Кейинги йилларда "Умид" жамғармаси ёшларимизнинг билими ва истеъодини энг юксак ҳалқаро талаблар асосида баҳолайдиган бир мезон бўлиб қолди. Бу жамғарма орқали чет эллардаги нуфузли университетларда билим олиш ҳуқуқини кўлга киритган ёшлар орасида Тошкент вилоятидан 45 нафар фарзандимиз борлиги ҳаммамизни кувонтиради.

Биз кейинги йилларда жисмоний тарбия ва спорт ривожига нақадар катта эътибор беражтанимизни яхши биласизлар.

Бу йил, айниқса, вилоят футбол ишқибозлари учун кувончили бўлди. "Дўстлик" жамоаси мамлакат чемпиони деган шарафли унвонни кўлга киритди. Шунингдек, келгуси мавсумдан вилоятнинг 4 та футбол жамоаси олий лигада иштирок этиш имкониятига эга бўлгани ҳам бу ерда спортнинг мазкур турига жиддий эътибор берилаётганини кўрсатади.

Шу йилнинг ўзида биргина Тошкент вилояти спортчилари жадон чемпионатларида 2 та олтин, 4 та кумуш, 25 та бронза, Осиё чемпионатларида эса 5 та олтин, 21 та кумуш, 4 та бронза медалларини кўлга киритгани бунинг яна бир тасдиги эмасми, азиз дўстлар?

Мен жадон чемпионлари Аъзам Абдумавлонов, Леонид Ли, Осиё чемпиони Рустам Саидов каби азamat спортчиларимиз номини алоҳида тилга олиб, уларнинг барчасини бағримга босиб, самимий кувончимни билдирамоқчиман.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Албатта, турли спорт турлари бўйича жадон, олимпия чемпионлари чиқиб, Ватанимиз довругини

дунёга тараннум этаёттани, ўйлайманки, мана шундай эришилган ибратли ютуқларимиз олдимизда турган мұхим масалани, яғни спортни оммалаштириш, айниңса, ёшларни жисмоний тарбияга кенг жалб этишдек вазифани ечишга пойдевор бұлади.

**Азиз юргдошлар!**

Мустақиллик йилларида ота-боболаримиздан қолған сахиілік, сағоват каби фазилатлар ҳам ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Қибрай тұманида ҳашар йўли билан кексалар оромгоҳи, бошқа бир қанча тұмандарда эса мактаблар курилғани, айниңса, ибратлидир.

Зангиота тұманидаги Назарбек мақалла күмітаси раиси Хайрулла Садыуллаев ўз маблаги ҳисобидан күркем гузар кириб бергани, дозирги күнде бу тиниб-тинчимас инсон мақаллада спорт майдони қуришга бош-қош бұлаёттани барчамизни күвонтиради.

Еки Оқкүргөн тұманидаги "Ўзбекистон" жамоа хұжалиғи аъзолари ўрта ва олий ўкув юргларыда таылым олаётгандар фарзандларига махсус стипендия белгилаб, бу мақсад учун 2 миллион сүм маблағ ажраттани ҳам эътиборға мөллик. Мен бу инсонларға ташаккур айтаб, умрингиздан барака топинг, демоқчиман. Ана шундай сағоватли одамларимиз бор экан, юргимизда мәхр-օқибат түйгулары яна-да кучайшы шұбхасиз.

**Хурматли дүстлар!**

Хар қандай мамлакаттинг тараққиети ва дунёдаги обрү-эътибори, аввало, шу эл-юрге қарор топаёттандын тинчлик осойиштасынан, шу ерда яшайдын барча миллат ва элаттарнинг тотувлигига борлық.

Шу маңнода, биз, энг катта бойлигимиз — бу мамлакатимиздеги тинчлик, миллаттар ва фуқаролар тотувлигидир, деб доимо фахрур гуур билан тақрорлаймыз.

Тошкент вилоятида қарор топған миллатлараро дүстлик ҳақида гапирғанда, ҳалол ва фидокорона мөхнати билан обрү-эътибор қозонған Олмалиқ кон-металлургия комбинаттинг бош директори, рус Виталий Николаевич Сигедин, шу комбинаттинг экскаваторчи-си, Ўзбекистон Каҳрамони, ўзбек Жонсаид Турсунов,

вилоят Бандлик хизматининг бошлиғи, республика қозоқ миллий маданият марказининг раҳбари Турсунмат Холбоев, Куйи Чирчиқ туманидаги Тошовул жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, корейс Александр Сергеевич Ким, Ангрен картон-қоғоз акционерлик компаниясининг раиси, крим-татар фарзанди Шевкет Асманов каби кўплаб инсонларнинг номлари хурмат билан тилга олиниди.

**Азиз биродарлар!**

Маълумки, Тошкент вилояти мамлакатимизнинг чегара худудларидан ҳисобланади. Вилоятнинг Тожикистон, Кирғизистон ва Қозоғистон билан чегарадош экани бу ерда яшайдиган аҳолига, энг аввало, барча бўғинилардаги раҳбар ходимлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Хабарингиз бор, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил этилган пайтда унга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги чегараларга том маънодаги давлат чегараси мақоми берилмаган эди. Йўқисодий ва маданий интеграцияни кучайтириш, одамларга қулайлик яратиш мақсадида шундай қарорга келинганини, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши биласиз.

Лекин бутун ҳаёт олдимиизга қўяётган вазифалар, дунёниг катта сиёсати билан боғлиқ бўлган, нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизга жиддий хавф солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик каби хатарлар биздан қатъий чоралар кўришни, биринчи навбатда, сарҳадларимизни мустаҳкамлаш масаласига ниҳоятда жиддий эътибор беришни талаб қилмоқда.

Шу мақсадда мамлакатимизда маҳсус Чегара қўшинлари давлат қўмитаси тузилиб, бу муҳим масала юзасидан кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Янгиободда рўй берган воқеалар хавфсизлик ва мудофаа масалалари доимо дикқат марказимизда бўлиши зарурлигини яна бир бор исбот этди. Куролли кучларимиз ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг тезкор ҳаракатлари туфайли тингчилгимизни бузишга интилган ёвуз террорчилар гурӯҳи яксон қилинди.

Бугун мен сизларнинг ҳузурингизда бу борада чина-кам қаҳрамонлик намунасини кўрсатган барча аскар ва офицерларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билди-раман. Шунингдек, қуролли тўқнашувларда мардларча ҳалок бўлган ҳарбийларимиз ва фуқароларимизнинг оила аъзолари ва яқинларига яна бир бор ҳамдардлик изҳор этаман. Уларнинг иоми ва жасорати ҳеч қачон унтилмайди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз Ватанимиз сарҳадларини бундан бўён ҳам кўз қорашибидай асрой-миз. Кўшни мамлакатлардаги извогарлик ҳаракатларини бизнинг ҳудудимизда ҳам тақрорлашга уринаётган ким-салар қаттиқ адашади. Бирорта ҳам босқинчи ёки террор-чи элимиз осойишталигини бузолмайди. Бунга ҳалқимиз-нинг, ҳамманинг ишончи комил бўлсин.

Айни пайтда, Янгиобод воқеалари бизни янада огоҳ бўлишга, хушёрликни асло йўқотмасликка даъват этади. Юрт осойишталигини, адоли тинчлигини сақлаш фақат қуролли кучлар ва ҳукуқ-тартибот органларининг вази-фаси эмас. Бу — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Маҳалла посбонлари ва чегарачиларга ёрдам берувчи кўнгиллilar ишини янада фаоллаштириш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш — энг долзарб масаладир.

Шу ўринда иқтисодий ҳаётимизга даҳлдор бир масала-лага эътиборингизни қаратмоқчиман. Давлатимиз одам-ларимиз турмушини яхшилаш, уларни ижтимоий мухо-фаза қилиш, зарур маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида тегишли ишларни амалга ошироқда.

Афсуски, айrim ўзимиздан чиққан, инсофини унутган "чаққон"лар ун, ёғ, шакар, гуруч, ёқилғи каби ҳаётий зарур маҳсулотларни ғайриқонуний равишда кўшни мам-лакатларга олиб чиқиб кетишга уринмоқда. Сабаби эса аён: бу маҳсулотларнинг нархи у томонларда бир неча баробар қиммат.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун, ҳалқи-мизнинг топгани ўзига буюриши учун нафақат милиция, божхона ходимлари, балки кенг жамоатчилик, ҳар биримиз жиддий курашмогимиз керак.

### Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, сайловолди учрашувлари муносабати билан мен республикамизнинг барча вилоятларида бўлиб, юртдошларимизнинг амалга ошираётган ишлари, эзгу ниятлари, ўй-фикрлари, уларни қийнаб турган муаммолар билан танишдим.

Бу учрашувлар чоғида шу нарсага яна бир бор амин бўлдимки, Ўзбекистон халқи — бугун онгу шуури, дунё-қарashi, тафаккури бутунлай ўзгарган халқ. У тобеликдан, фикрий қарамлиқдан, боқимандаликдан холос бўлиб, эртанги кунга, ёруғ келажакка ишонч билан қадам қўймоқда.

Ана шундай интилиш, ана шундай азму шиҳоатни бугун сизнинг сиймонгизда, Тошкент вилояти аҳлида ҳам кўриб, сезиб турганимдан ниҳоятда мамнунман.

Тошкент вилоятининг меҳнаткаш, мард, танти халқи — мўъжизалар яратишга қодир, ўзининг нияти холислиги, дили поклиги, ахиллиги, ташаббускор ва тадбиркорлиги билан иззат-хурмат, эътибор қозониб келаётган халқ. Бундай фазилатларга эта инсонларни Яратганинг ўзи ҳамиша кўллаб-куватлади.

Барчангизга яна бир бор ўзимнинг самимий иззат-хурматимни билдириб, сизлар орқали бутун вилоят халқини келаётган Янги йил билан табриклайман. Янги йил барчангизга, хонадонларингизга баҳту саодат, файзу барака келтирсин, иқболингиз янада зиёда бўлсин!

*Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари  
билим учрашувда сўзланган нутқ,  
1999 йил 29 декабрь*

---

## ПОЙТАХТИМИЗ — МУҚАДДАС ОСТОНАМИЗ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!  
Қадрли ҳамшаҳарлар!

Авваламбор, Янги йилнинг мана шу файзли, шукуҳли кунларида сизлар билан соғ-омон дийдор кўришиб турганимдан хурсанд бўлганимни изҳор этмоқчиман, барчангизга самимий ҳурматимни билдиromoқчиман. Тошкентимиз, унинг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти, нуфузи барчамизга маълум.

Тошкент — Шарқ дарвозаси, деб ном олган, улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мавқега эга бўлган, фан, маданият, ижод, илм-зиё салоҳияти юксак равнақ топган, бутун жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг бош шаҳридир.

Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серкуёш диёrimизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган Ватанимиз остонасидир.

Остона, таъбир жоиз бўлса, ер юзининг турли бурчакларидан ташриф буюрган одамлар илк бор қадам қўядиган, унинг жамолига қараб бутун мамлакатга баҳо берадиган, шу эл-юртнинг эзгу-интилишларини, эртанги куни, келажаги қандай бўлишини ифодалайдиган муқаддас маскандир.

Остона — ҳар қайси хонадон, шаҳар, мамлакатнинг, керак бўлса, миллатнинг шаъни, ор-номуси ва гуруридир. Шунинг учун ҳам ўзлигини таниган халқ уни Ватанимизнинг юраги, дея ҳимоя қиласи, қабиҳ ниятили кимсаларни, ёвуз кучларни ҳеч қачон унга яқин йўлатмайди.

Барчамиз, бутун Ўзбекистон аҳли Ватан остонасини янада обод қилиш билан бирга, аввало, уни эл-юргимиз эришган мэрралар, ютуқларнинг ёрқин тимсоли, кўзгуси, деб қабул қиласиз, фахрланамиз.

Азиз дўстлар!

Бир нарсани ҳаммамиз яхши англаймиз. Тошкент тасодифан пойтакт бўлган эмас. Ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида Буюк ипак йўлидаги бу шаҳар коммуникация жиҳатидан Мағрибу Машриқни, жануб ва шимолни том маънода боғловчи муҳим манзил, Турон, Туркистон, Ўрга Осиё заминидаги буюк марказ сифатида маълум ва машҳурдир.

Тошкент 2000 йилдан зиёд узоқ тарихга эга. Бу шаҳар номи эрамиздан олдинги V асрга оид қадимги Хитой ёзма манбаларида, "Авесто"да, Фирдавсийнинг "Шоҳнома" ва Берунийнинг "Хиндистон" асарларида "Чоч", "Шош", Ўрга асрларда эса "Шошкент", "Бинкат" каби шаклларда зикр этилган. Лўнда қилиб айтганда, ўтрок халқ маданияти шаклланган даврлардан бўён бу шаҳар бутун дунёning зътиборини ўзига тортиб келади.

Тошкентнинг ўзига хос фазилатларидан бири шуки, бу шаҳарда қадим-қадимдан иймон-зътиқод, маънавият борасида ибрат бўлган кўплаб буюк зотлар ўтган.

Бу муқаддас замин Қаффол Шоший, Шайх Хованди Тоҳур (Шайхонтоҳур), Шайх Зайнiddин бобо, Хўжа Аламбардор, Иброҳим ота, Кўйлиқ ота каби азиз-авлиёлар ва исломий алломаларни вояга етказгани билан ҳам улуғдир. Бу зоти шарифларнинг мақбаралари бутунги кунда ҳам халқимизнинг, барча мўмин-мусулмонларнинг табаруқ зиёраттоҳи бўлиб келаётгани уларга бўлган катта хурмат-эҳтиромдан далолат беради.

Бу азим шаҳарда ўтмиш фан ва маданиятимизнинг мумтоз вакиллари Бадриддин Чочий, Зайнiddин Восифий, Шарофиддин ибн Юсуф Илокий, Исҳоқ ибн ИброХим аш-Шоший, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, жадидчилик ҳаракатининг Тошкентдаги атоқли намояндайлари Абдулла Авлоний, Мунаввар кори, Абдулла Қодирий, бизга замондош бўлган буюк адаб ва санъаткорлар Мулла Тўйчи

Тошмуҳамедов,Faфур Фулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Юнус Ражабий, Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятov, Шукур Бурҳонов, Карим Зокиров, Лутфихоним Саримсоқова, Манзура Ҳамидова, Ботир Зокиров каби кўп-кўп ҳалқимиз маънавиятига салмоқли ҳисса қўшган улуг инсонлар камол тоғган.

Мұғтарам биродарлар!

Тошкентимиз тимсолида жафокаш ҳалқимизнинг озодлик йўлидаги асрий интилишлари, эзгу орзу армонлари ўзининг учмас ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш керак. Қадим Турон, Туркистоннинг тақдирида нимаики юз берган бўлса, бу жараёнлар кўхна шаҳримиз қисматида бутун мураккаблиги билан акс этган, десак, деч қандай хато бўлмайди.

Тошкент бошига не-не синовлар, кулфатлар тушмади. У араб истилоси бўладими, мўғул босқини, шимолдан келган ғанимлар тажовузи бўладими — барчасига қарши мардона курашди. XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси ҳужумига ҳам биринчи бўлиб кўксини қалқон қилган ҳам, жабрини тортган ҳам мана шу Тошкентимиз ва унинг мард ва жасур ҳалқи бўлди.

Қисмати нечоёли оғир бўлмасин, бу шаҳар доимо зулм ва истибоддаги қарши курашнинг, миллий-озодлик ҳаракатининг бешиги бўлиб келди. Бу ҳакда гапирғанда, биргина 1916 йилги Тошкент кўзғолонининг Ватанимиз тарихидаги аҳамиятини эслаб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент бутун Ўзбекистон каби фронт ортидаги таянч нуқталаридан бирига айланди. Бу ерда мудофаа мақсадида ўқ-дори, курол-яроғ, самолётлар ишлаб чиқарилди. Танклар таъмирланди.

Тошкентликлар жангтоҳларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатибгина қолмай, фронт учун озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб берди. Энг муҳими, Тошкент бутун юртимиз каби қанчадан-қанча уруш жабрини тортган одамларга, етим-есир, бева-бечораларга бошпана бўлгани, уларни ўз бағрига олганини унутиб бўладими?

Қадрли дўстлар!

Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳияти ҳақида гапирғанда, унинг ривожлангансаноати мамлакатимиз

равиқининг таянч устунларидан бири, деб айтсак, мубоблаға бўлмайди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 16 фоизи, саноат маҳсулотининг 20 фоизи, ташки савдо айланмасининг салкам 30 фоизи шаҳар ҳиссасига тўғри келади. Бу ердаги мавжуд 2 минг 350 та корхонанинг қарийб 90 фоизи нодавлат секторига тўғри келиши иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги ишларимизнинг амалий натижасидир.

Шаҳар саноатида юқори технологик жиҳозлар билан таъминланган тармоқлар ва корхоналар етакчи ўрин эгаллади. Айниқса, электроника, самолётсозлик ва машинасозлик соҳалари юқори технологиялар асосида яхши ривожланган. Замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган кўплаб енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида сифатли, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилган.

Кўп йиллар давомида мамлакатимиз салоҳиятига катта ҳисса қўшиб келаётган йирик корхоналар қаторида бугунги кунда чет эл сармояси ва илғор технологиялар асосида жиҳозланган янги-янги ишлаб чиқариш иншоотлари қад ростгламоқда.

Бугун 60 дан зиёд хорижий давлат компания ва фирмалари Тошкент билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ни боғлаган. Бу чет эллик сармоядорларнинг бизга бўлган ишончидан далолат беради.

Хозирги кунда АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Германия, Франция, Италия, Туркия ва бошқа кўпгина давлатлар билан ҳамкорликда барпо этилган "Ўзкейстрактор", "Ўзсматана", "ЎзБАТ", "Кока-кола", "Спектр", "Ўзтексано", "ЎзДЭУ электроникс", "ЎзСамсунг электроникс" каби корхоналар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан мамлакатимиз салоҳиятини ошириш, иқтисодиётимизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Яқинда уларнинг сафига яна бир йирик тўқимачилик мажмуйи – Жанубий Корея билан ҳамкорликда Кўкчада бунёд этилган "Кабул – Ўзбек Компани" кўшма корхонаси қўшилди. Бу корхонанинг ўзига хос жиҳати шундаки,

ишилаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатга бардошли бўлиб, унинг 90 фоизи хорижий давлатларга сотилади.

Курилиш соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, янги замонавий курилиш ва пардоз материалларини чиқарадиган корхоналар шаҳримизнинг бугунги қиёфасини ўзгартираётган, шайтактазлигининг кундан-кунга гўзал бўлишига хисса қўшаётган бунёдкорлик ишларимизга суюнч ва таъянч бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги саноат корхоналари бир йилда 570 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилаётганлигини эътиборга олсак, кейинги йилларда пойтахтимизнинг ишилаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти қанчалик юксалганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Хурматли дўстлар!

Тошкент жаҳон ҳамжамиятида юксак мавқе қозонган Ватанимизнинг маъмурий маркази сифатида бугунги кунда барча бошқарув тизимларини ўз кучогига олган.

Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонаси, 40 дан зиёд давлат әлчиқоналари, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкининг ваколатхоналари, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро ташкилотлар, кўлгина тараққий топган давлатларнинг йирик банк, жамғарма, молия тизимлари ва бўлимлари фаолият кўрсатётгани Ўзбекистоннинг дунё миқёсида эътироф этилаётганидан далолатdir.

Мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ҳақида гап кетганда, дунё сиёsat оламида "Тошкент руҳи", "Тошкент Декларацияси" деган тушунчалар тилга олинади. Бу атамалар "Ўзбек модели" деган машхур тушунча билан уйғунлашиб, бугун мамлакатимиз ва миллатимиз шаъни, халқаро обруэътиборини юксалтироқда.

Маълумки, Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича пойтахтимизда бўлиб ўтган "6+2" гурӯҳининг олий даражадаги учрашувида "Тошкент Декларацияси" қабул қилинган эди.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан бу тарихий хужжатта инсоният тақди-

ри ва келажагига дахлдор бўлган муҳим сиёсий ҳужжат мақоми берилгани бунинг яна бир тасдифидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти пойтахтимизни "Тинчлик элчиси" деган шарафли унвонга муносиб кўргани ҳам Тошкентнинг ҳозирги дунё сиёсатининг марказларидан бирига айланниб бораётганидан далолат беради.

Муҳтарам биродарлар!

Мен пойтахтимизнинг илм-фан, маданият ривожига қўшаётган ҳиссасини инобатга олиб, Тошкентни мърифат-мальнавият ўчоги, десам, шу билан бутун эл-юртимиз фикрини ифодалаган бўлар эдим.

Қадим-қадим замонлардан бу ерда улуғ аждодларимиз инсоният тафаккури хазинасига муносиб ҳисса қўшганлар. Айниқса, кейинги икки асрда Тошкент ҳақиқий илму фан марқазига айланди. Неча-неча олимлар авлодининг изланиши ва илмий қашфиётлари айнан мана шу заминда туғилиб, уларнинг номини, ҳалқимиз обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиков, Сайди Сироҷиддинов, Восил Қобулов, Галина Пугаченкова, Восит Воҳидов, Яҳё Гуломов сингари дунё таниган юзлаб олимларимизнинг номларини ҳалқимиз доимо хурмат билан тилга олади.

Истиқлол йилларида пойтахтимизнинг маданий-мърифий ва илмий салоҳияти янада ошди. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи талабларидан келиб чиқиб, бу ерда Давлат ва жамият қурилиши академияси, Бадиий академия, Ўзбекистон Куролли кучлари академияси, Ўзбекистон Ички ишлар академияси, Жаҳон иқтисадиёти ва дипломатия университети, Жаҳон тиллари университети, Ҳукуқшунослик институти, Ислом университети, Мизлий рассомчилик ва дизайн институти каби бир қатор олий ўкув юртлари ташкил этдик.

Бу ерда ҳозирги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси, фанимиз нуфузини белгиловчи Ядро физикаси институти, "Физика-Кўёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси каби 42 та илмий-текшириш институти фаолият кўрсатадайтгани

мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳар қайси давлатнинг тараққиёти, куч-кудрати унда олий таълим тизими нечоғли ривож топгани билан борлиқдир. Оддимизга қўйган улугвор мақсадларимизга эришишда юксак малакали мутахассис кадрлар ҳал қилувчи аҳамиятта эга эканини ҳаммангиз яхши биласиз.

Ҳозир Тошкент шаҳридаги 6 та университет ва 23 та институтда республикамизниң барча вилоятларидан келган 90 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз таълим олмоқда. Бу мамлакатимиздаги талаба-ёшлиарнинг 50 фоизини ташкил этишини инобатта олсак, Тошкентни ҳеч иккиланмай табалалар маркази, деб аташ мумкин.

Шу ўринда нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё минтақасида кадрлар тайёрлаш ишига улкан ҳисса қўшган Тошкент давлат университети тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз, деб биламан.

Яқин қўшиларимиз Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистонда дастлабки университетлар ташкил этилишида таянч вазифасини ўтагани, дунёнинг турли мамлакатларидан келган ёшлар бу ерда таълим олгани бу табаррук даргоҳнинг юксак илмий имкониятидан далолат беради.

Шу муносабат билан сизларнинг дикқатингизни тарихий адодатни тиклаш билан боелиқ бир масалага қаратмоқчиман. Яқингача шу университетнинг ташкил этилиши ҳам ўзингизга маълум бўлган "доҳий улуф Ленин" номи билан боелаб келинди.

Ҳолбуки, яқинда аниқланган тарихий манбалар асосида барчамиз учун аён бўлган бир ҳақиқатни қайд этишимиз зарур. Тошкент университети 1920 йилда Россиядан келган "большевойлар" вакиллари томонидан эмас, балки 1918 йилда фидойи маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов ташабуси билан Туркистон халқ миллий дорилфунуни сифатида фаолият бошлаган.

Бу ҳақиқатни бутун жамиятимиз, айниқса ёшлиаримиз билиши керак, деб ўйлайман. Бу тарихий воқеа университет пештоқига алоқида лавҳа қилиб ёзиб қўйишга муносаб.

Бугун мана шу фурсатдан фойдаланиб, сиз — азизлар хукмига бир таклифни ҳавола этмоқчиман. Яъни Тошкент университетига Ўзбекистон Миллий университети номини беришни таклиф қиласман.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳеч шубҳасиз, миллат маънавиятиниң юксалишида, миллий яға ва мағкуранинг щаклланишида, одамларимиз тафаккурининг янгиланишида, уларнинг ҳаётга муносабатини ўзгартиришда ижод аҳлиниң хизмати бекиёсdir. Айниқса, жамият янгиланаётган ҳозирги шароитда эркин сўз, фикр ва озод инсон дунёқараши ўта муҳим аҳамият касб этади.

Истеъдод соҳиблари томонидан яратилаётган адабиёт, санъат ва рассомлик асарлари ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоғи даркор. Демоқчиманки, ҳалқнинг ўзлигини англиши, гурурини ўйроши, одамлар қалбida олижаноб туйғуларни камол топтириш ҳалқ севган маданият ва санъат арбобларининг муқаддас бурчидир.

Ўзингиз ўйланг, азиз биродарлар, мустабид тузум замонида қаҳрамон шоирларимиз Абдулла Ориповнинг "Ўзбекистон", Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" шеърлари ни ўқиб, не-не қалблар ҳаяжонга тушмаган, фурур ва ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошмаган.

Ёки отахон адабимиз Саид Аҳмаднинг "Келинлар кўзгрони" асари олис Америкада намойиш этилиши ҳақиқий санъат намунаси ҳамма жойда бирдек қадрланишини кўрсатмайдими?

Ҳақиқатан ҳам, бу ўринда Тошкентимиз бағрида ўзининг Аллоҳ ато эттан истеъдодини намоён қилиб, маданият, адабиёт ва санъат соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки бугун дунёда шуҳрат қозонган юзлаб, минглаб азиз инсонларнинг номини фахр билан тилга олишимиз мумкин.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, шундай катта обрў топган маданият арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалирига ҳалқимиз номидан ҳурмат-эҳтиром билдириб, уларнинг ижодига катта ютуқлар тилашга ижозат бергайсиз.

Дунёда ўзининг муносиб ўрнига, обрўйига эга бўлишни истаган ҳар қайси халқ, миллат, давлат маданият ва маънавият ривожига алоҳида эътибор беради. Бу борадаги саъӣ-ҳаракатларимизнинг натижасида мамлакатимиз вакиллари турли халқаро анжуманларда, кўрик-танловларда иштирок этиб, санъат муҳлислари эътибори ни қозонаётгани бизни қувонтиради, ғуруримизга ғуур кўшади.

Биргина мисол. Тошкентлик саккиз ёшли рассом қизимиз Диёра Ҳасанованинг Америка Кўшима Штатларида ўtkазилган "Болалар санъати – 2000 йилга" халқаро фестивалида у чизган расм фестивал эмблемаси этиб тасдиқлангани ва бош совринни кўлга кириптгани, аввало унинг умидли иқтидор соҳибаси экани, қолаверса, санъатимиз ривожига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг тасдиғи эмасми?

Кейинги йилларда санъаткорларга ижодий муҳит, кулай шарт-шароит яратиш учун "Ўзбектеатр", "Ўзбекнаво", "Ўзбекраңс" ижодий бирлашмалари тузилди. Улар Тошкентда фаолият кўрсатаётган Алишер Навоий, Ҳамза, Муқимий, Аброр Ҳидоятов, Ёш томошабинлар ва Рус драма театрлари билан биргаликда халқимизнинг маънавий камолотига салмоқли ҳисса кўшмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, кўнглимдаги бир гапни сиз – азизларга очиқ айтмоқчиман. Бизнинг фидойи маданиятимиз заҳматкашларидан қарзимиз кўп. Чунки ҳақиқий истеъодд ҳар куни туғилавермайди.

Шу боис улар давлатнинг, жамиятнинг доимий эътиборида бўлиши керак. Албатта, мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари ортани сари, бу борадаги муаммоларни ҳам босқичма-босқич ҳал этиши имкониятлари кўпаяди. Бу соҳа ҳамиша давлатимиз сиёсатининг марказида туради.

Хурматли ватандошлар!

Мустақиллик йилларида Тошкент том маънода бунёдкорлик марказига айланди. Бу ерда ўзига хос мезморий мактаб яратилди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Кейинги йилларда қад ростлаган муҳташам бинолар, барча қулайликларга эга бўлган бозорлар, кенг ва мустаҳ-

кам кўпприклар, кўкаламзор боғлару майдонлар шаҳримиз кўркига кўрк кўшиб турибди.

Буюк муғташам ҳазрат Алишер Навоий номидаги Миллий боф, муғташам Амир Темур ҳайкали, Темурийлар даври тарихи давлат музейи, Хотира майдони, Бобур боғи, "Юнусобод" теннис корти, "Интерконтиненталь-Тошкент", "Шератон-Тошкент" меҳмонхоналари, Давлат Марказий банки, Миллий банк, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бинолари бугун кимнинг ҳавасини келтирмайди, дейсиз?

Бу муғташам бинолар дунёдаги ҳар қандай кошоналар билан бемалол беллаша олади, ҳатто, кўпларга намуна бўлишга муносибdir.

Кейинги йилларда ана шундай юзлаб кўркам ва салобатли бинолар барпо этилгани пойтактимизда биз амалга ошираётган бунёдкорлик ишларининг кўлами нақадар кенг эканидан далолат беради.

Пойтактимизда кейинги йилларнинг ўзида 500 километр масофада янги йўллар барпо этилди. Тошкент метрополитенининг учинчи навбати ҳам ҳадемай ишга туширилади.

Шаҳарда транспорт қатновини яхшилаш мақсадида Корасарой, Сабон ва Форобий даҳаларини кесиб ўтадиган равон йўллар, Юнусобод, Кўйлик, Ҳадра ва Олой бозори худудида замонавий кўпприклар, ер ости йўллари бунёд этилди. Улар ўзининг салобати, меъморий ечимларининг мукаммалиги, кўркамлиги, энг муҳими, адолига кулайлиги билан диққатни тортади.

Айниқса, Космонавтлар проспекти, Нукус ва Фаргона йўли кўчаларида қурилган замонавий йўллар шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Юнусобод ва Кўйлик даҳаларида бўлганидек, йўллар туашадиган жойларда мустаҳкам ва салобатли кўпприклар, икки погонали йўлларни янада кўпроқ курсак, аввалио, транспорт қатнови учун кулай шароит яратилади. Қолаверса, бунинг экологияга, атроф-муҳит муҳофазасига ҳам катта ижобий таъсири бўлади.

Маълумки, кўприк қуриш дунёдаги энг савобли ишлардан бири сифатида улугланади. Чунки кўприк фақат қатновни кулайлаштириш воситасигина бўлиб қолмай, дилларни дилларга боғлади. Колаверса, бугун биз бунёд этаётган кўприклар шаҳримиз мейморий гўзаллигини ошириша алоҳида аҳамиятта эга.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Тошкентда давлат ва адоли ҳисобидан уй-жой қуриш тажрибаси яхши самара бераётир. Шаҳарда ҳар йили 500 минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бунда маҳсус ташкил этилган "Уйжойжамғармабанки"нинг ҳиссаси сезиларли бўлаётгани дикқатга сазовордир.

Умумий майдони 20 гектардан зиёд бўлган янги ҳайвонот бори ҳам ҳамшаҳрларимиз ва меҳмонларнинг, хусусан, жажжи фарзандларимизнинг энг севимли истироҳат масканларидан бирига айланди.

Ақолига хизмат кўрсатишнинг яна бир тури — телефон-алоқа соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Бугун ярим миллион хонадонга энг замонавий чет эл ускуналари билан жиҳозланган 68 та телефон тармоғи хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, пойтахтимизда дунё ахборот оламига кенг йўл очган интернет тармоғи ҳам изчил йўлга кўйилганини таъкидлаш жоиз.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда Тошкент афсоналардаги деқ яшариб ва яшнаб, бор гўзаллиги ва муҳташамлиги билан мустақил, келажаги буюк давлатга хос ва мос ҳақиқий пойтахт шаҳарга айланмоқда.

**Мұхтарам биродарлар!**

Пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилган ишлар тўғрисида кўп гапириш мумкин. Лекин бош шаҳримизнинг ўзига хос долзарб муаммолари ҳам борки, бу ҳақда фикрлашиб, уларнинг ечимини топиш борасида маслаҳатлашиб олиш фойдадан холи бўлмайди.

Мисол учун Эски шаҳар билан боғлиқ масалаларни олиб кўрайлик.

Эски шаҳар деганда, биз, аввало, нималарни тасаввур қиласиз? Ўйлайманки, аввало, шу ҳудудда яшайдиган аҳолининг оғирини енгил қилиш, шу даҳаларни ободон-

лаштириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб беришдек муҳим вазифалар кўз ўнгимиздан ўтади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз — азизларга бу масалага боғлиқ бაъзи бир бошимдан ўтган дамларни эслатмоқчиман.

Мамлакат раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки пайтларда пойтахтимизни ривожлантиришнинг бош режаси билан атрофлича танишдим. Кейин шу ишга мутасадди раҳбарлар билан Эски шаҳарнинг тор, эгри-буғри Зарқайнар кўчасидан Эски Жўвагача пиёда айланиб, бу ердаги кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни аникладик.

Уларниң бир қисми маҳсус хукумат қарори асосида ҳал этилди. Хусусан, Корасарой, Сағбон, Форобий кўчалари икки баробар кенгайтирилди. Қоратош, Кўмиричи, Чақар маҳаллаларида барча қулайликка эга бўлган замонавий тураржой бинолари барпо этилди. Натижада 5 мингдан зиёд оила янги замонавий уйларга кўчирилди.

Энг муҳими, троллейбус линиялари тортилиб, транспорт хизмати яхшиланди. Эски Жўва бозори кенгайтирилиб, қайтадан курилди. Булар Эски шаҳарда режалаштирилган ободончилик ишларининг дастлабки босқичи бўлди.

Бу борада ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар жуда кўп. Маълумки, Эски шаҳар ҳамон Тошкентнинг аҳоли зич яшайдиган худудларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳар бир ҳовлида деярли 8-10 кишидан иборат 2-3 тадан оила яшайди. Уларга янги уй-жой керак. Бундан ташқари, коммуникация тармоқларини ўтказиш, болалар боғчалари, мактаблар, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший иншоотлар куриш керак. Бу, албаттга, катта маблағ талаб этади.

Табиийки, бундай ишларни бирданига, бир-икки йилда амалга ошириб бўлмайди. Буни яхши тушунишимиз керак. Шунинг учун, бу масалаларни босқичма-босқич ечиш устида изчил иш олиб борамиз.

Режага кўра, биринчи галда бу йил Қоратош мавзесини қайта куриш ишларини якунлашимиз лозим. Келгуси беш йил давомида эса, Абай, Фурқат, Навоий ва Ўзбекис-

тоң күчалари оралиғида жойлашган Эгарчи, Хизматчи, Үқчи маҳаллалари үрнида шарқона мөмкіншілдегі услубдаги замонавий молия, банк, савдо мажмуалари, мәжмөнхоналар бунёд этиш күзде туғилмоқда.

Яна бир мұхым масала шундан иборатки, Эски шаҳарнинг Сағбон, Қорасарой, Форобий, Самарқанд дарвоза күчалари оралиғида режасиз курилган уйлар та-лайгина. Буларни таъмирлап, баъзи бирлари үрнида янги иморатлар куриш мақсады мувофиқдир. Шу маънода бу хонадонларга курилиш материаллари билан амалий ёрдам бериш, лойиҳа билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда күмаклашиш, зарур бўлса, ссуда ажратиш лозим, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, кўп болали оиласаларга янги уй-жой куришлари учун ер ажратишни ҳам унугтаслигимиз керак.

Биз Эски шаҳар аҳолисининг турмушини яхшилаш, уларга барча қулайликлар яратиш учун амалий ёрдами-мизни аямаймиз. Янги күчаларнинг иккى четида замонавий уй-жойлар, маданий-маишӣ ва маъмурый иншоотлар барпо этилади. Шу билан бирга, Эски шаҳарнинг ичидаги маҳаллаларга мұхандислик коммуникациялари ўтказилади.

Маълумки, Эски шаҳар билан Юнусобод ўртасидаги транспорт ҳаракатини тубдан яхшилаш мақсадида узунлиги 800 метрдан ортиқ кўприк курилмоқда. Ҳадемай, Абдулла Қодирий ва Faфур Гулом күчалари кесиштан жойда ҳам иккى қаватли кўприк барпо этилади.

Абдулла Қодирий боғи ҳам тубдан қайта таъмирланиб, маданий, истироҳат иншоотлари билан бирга спорт-соғломлаштириш мажмуаси бунёд этилади.

Бу ерда замонавий академик лицей ва касб-хунар колледжлари, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ечишга хизмат қиласиган саноат корхоналари барпо этиш ҳам режалаштирилган.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмасам, бўлмайди.

Табиийки, ҳар қайси воҳа, ҳар бир шаҳар ўзига хос жиҳатларга, бетакрор ҳаёт тарзига эга.

Шу маънода Тошкентни Тошкент қиласиган, унга файзу тароват бағишилайдиган қадимий шаҳримизнинг даҳалари, маҳаллалари, дарвозалари, десак, хато бўлмайди. Эски шаҳар — қадимиийлик, миллийлик тимсолидир.

Тарихдан маълумки, Тошкентда қадимдан Шайхонтохур, Себзор, Бешёоч ва Кўкча деб аталган тўртта даҳа бўлган. Шунингдек, шаҳарнинг ўн иккى дарвозаси бўлиб, улар Самарқанд дарвоза, Сабон дарвоза, Чигатой дарваза, Камолон дарвоза, Кўкча дарвоза каби номлар билан аталган. Бу жой номларининг ҳар бири тарихимизнинг бир парчаси бўлиб, уларни ота-боболаримиз бизга қолдирган мерос сифатида қабул қиласиз.

Бундан чиқадиган табиий бир хуласа шуки, бу мўътабар меросни биздан кейинги авлодлар ҳам эслаб юришлари керак.

Ахир, Ц-1, Ц-2, Ц-15 каби ясама, мавхум “ном”лар нимани англатади?

Холбуки, тарихий номларда аждодларимизнинг кимлиги, уларнинг қандай ҳунармандчилик турлари билан шукуллангани ўз ифодасини топган. Қаранг, Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоғ деган маҳалла номларининг ўзи бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганидан, қадимий ва ўтроқ ҳалқимизнинг маданий даражаси нечоғли юксак бўлганидан далолат бермайдими?

Шу нуқтаи назардан қараганда, пойтахтимизда миллий хусусиятларимизга, тарихимизга мутлақо даҳли бўлмаган номлар ўрнига Миробод, Ракат, Мингўрик, Ҷархонариқ, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Зарқайнар каби кўплаб тарихий номларининг тиклангани ҳам ўзлигимизни англашга дисса кўшмоқда.

Айтмоқчиманки, Тошкентда амалга оширилаётган эски жой номларини тиклаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш даркор.

Тўғри, пойтахт, албатта, замонавий бўлиши керак. У давр билан ҳамқадам, ҳамнафас ривожланиши керак. Лекин, шу билан бирга, ҳаётимизни тўлдирадиган, бойитадиган, унга маъно-мазмун баҳш этадиган тарихий қад-

риятларимизга содиқ қолиш, уларни асраб-авайлаш, янги авлодларга бешикаст етказиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз-дир.

Мен бир нарсани алоҳида тақрорлаб айтмоқчиман. Тошкент минг бор гўзал ва сўлим бўлмасин, дунёдаги энг замонавий шаҳарлар билан тенг бўлмасин, лекин Тошкент ҳамиша Тошкентлигини сақлаб қолиши керак. Яъни, лўнда қилиб айтганда, Тошкентнинг бетакрор қиёфасини сақлаб қолсак, ўйлайманки, келажак авлодлар ҳам биздан рози бўлади.

Шаҳар ҳам бамисоли тирик вужуд, унга ҳам доимий эътибор, меҳр керак, унинг ҳам муаммоларини ҳал этиш, носоз жойларини тузатиб бориши зарур. Бу ҳар биримиздан, аввало, пойтактимиз ҳаёти учун жавобгар бўлган раҳбарлардан катта меҳнат ва масъуллият, аввало, ўз юртига меҳр ва садоқат талаб қиласди.

Азиз дўстлар!

Тошкентнинг келажаги ҳақида ўйлагандан, одамларни иш билан банд қиласдиган корхоналар барпо этишдан ташкари, сервис — хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириши алоҳида аҳамиятта эга, деб ўйлайман. Нега деганда, ривожланган давлатларда аҳолининг 60-70 фоизи ана шу соҳаларда меҳнат қиласди. Бизда эса бу рақам ҳозирча 10-15 фоиздан ортмайди.

Шу нуқтаи назардан, биз хизмат кўрсатиш соҳаси деганда, бугунги кунда нимани тушунамиз?

Одамларнинг турмушини яхшилайдиган, уларнинг рўзгорида қулийлик яратадиган, турли эдтиёжларини таъминлашга қаратилган, вақтини тежайдиган, айниқса, оиласизнинг, аёлларимизнинг оғирини енгил қиласдиган хизмат турларини тушунамиз.

Бизнес инфратузилмаси деганда, биз, аввало, хизмат кўрсатиш соҳаларини, маданий-маший масалалар ва юмушларимизни ечиш билан бирга, замонавий банк, савдо, молия инфратузилмасини ҳам кўзда тутамиз.

Қадрли юртдошлар!

Биз бугун сиёсий-ижтимоий ҳаётимизни демократия андозаларига муносиб эркинлаштириш йўлида қадам

қўяётган эканмиз, биринчи навбатда, давлатимиз, давлат идоралари ўзига олган хукуқ ва вазифаларни аста-секин, босқичма-босқич нодавлат, ижтимоий, ўзини ўзи бошқарадиган, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалайдиган ташкилотларга топширишимиз, уларга кўпроқ ишонч билдиришимиз даркор.

Бу — сиёсий ҳаётимизни, давлатни бошқариш сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш, янгилаш йўлидаги асосий таомил, муҳим йўналишимиздир. Бундай нодавлат жамоат идоралари орасида халқимизнинг миллий табииати, азалий анъаналарига асосланган маҳалла бошқарувининг ўрни бекиёс. Буни пойтахтимизда ташкил этилган 445 маҳалла фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, кейинги йилларда маҳалланинг нуфузини кўтариш, маҳалла оқсоқоллари ва фолларининг хукуқини кенгайтириш, масъулиятини ошириш борасида талай ишлар қилинди.

Хусусан, юздан ортиқ замонавий ва обод маҳалла гузарлари барпо этилди. Улар телефон алоқаси ва бошқа коммуникация тармоқлари билан таъминланди. 100 километрдан зиёд ичимлик суви узатиш, 350 километрга яқин канализация, 440 километр узунликда газ узатиш тармоқлари курилиб, фойдаланишга топширилди.

Шайхонтохур туманидаги "Қоратош", Мирзо Улуғбек туманидаги "Нур", Сирғали туманидаги Амир Темур маҳалла гузарлари ўзининг шинам ва гўзаллиги билан ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради.

Маҳалла кенг халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи кўприкдир, десак, янглишмаймиз. Бугунги кунда эҳтиёжманд, кўп болали оиласаларга кўрсатилаётган моддий ёрдам айнан фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари томонидан тақсимланаётгани ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Чунки маҳалла ким қандай шароитда яшаяпти, ким ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтожлигини яхши билади. Маҳалла орқали ёрдам кўрсатишнда адолат тамойили бузилмайди. Шу йўл билан кам таъминланган оиласаларга 1998 йилда 1 миллиард сўмдан зиёд, ўтган йили эса қарийб 2

миллиард сўм ёрдам пули берилгани дикқатта сазовордир.

Саховат, меҳр-шафқат, муҳтожлар ҳолидан хабар олиш ҳалқимизга хос бўлган энг эзгу фазилатлардир. Юртимизда бундай олижаноб инсонлар тобора кўпайиб бораётгани ибратлидир. Бунга мамлакатимизда ўтказилаётган муруват кунлари ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, етим болаларга, ногиронларга, ҳурматли қарияларимизга меҳр-мурувват кўрсатиб, ҳайр-эҳсон қилаётган меҳнат жамоаларига, барча саҳий инсонларга миннатдорлик изҳор этишни ўз бурчим, деб биламан.

Маҳалла, ҳеч шубҳасиз, юртимиздаги тинчлик ва осо-йишталикни сақлашда бизнинг таянчимиз ва суюнчимиздир. Бугунги кунда 4 минг 500 нафардан зиёд маҳалла посбонлари ўз уйлари, ўз маҳаллаларининг хавфсизлигини сақлаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Бундай ҳайрли ишларга бош-қош бўлиб турган, одамлар аҳволидан доимо хабардор бўлган маҳалла фаоллари, табиийки, эл-юртнинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқдалар. Шу боис 20 нафардан зиёд маҳалла оқсоқоли Ватанимизнинг олий мукофот ва унвонларига сазовор бўлди.

Тошкент аҳли Сайднаби Сайдкаримов, Абдусалом Атаматов, Сайфулла Оқмирзаев, Муборак Юнусхўжаева, Эгамназар Қодиров, Тоҳир Муслимов, Йўлдош Абдураҳмонов, Даврон Шораҳмедов, Тўхтажӯжа Эшхўжаев, Маҳмуджон Турсунов, Хайрулла Мўминов, Марат Фуломов каби мўътабар инсонлар номини миннатдорлик туйгула-ри билан тилга олиши бежиз эмас.

Биз маҳалла фаолларининг ҳукуқини янада кенгайтириш, уларга тегиши имтиёзлар бериш, шу билан бирга уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида маҳсус Фармон чиқардик, Конун қабул қилдик. Афсуски, айрим маҳалла фаоллари бу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаяптилар. Кўп ҳолларда, очиқ айтаман, туман, шаҳар ҳокимликлари маҳалла вакилларига бошқарув ваколатини беришга тўсқинлик қилиб, оёқ тираб турибдилар. Мен бунга асло рози эмасман.

Кўпчилик маҳалла оқсоқоллари ташкилотчилик, хўжалик ишлари билан бир қаторда, аввало, ўз-ӯзини бошқариш масалалари билан кўпроқ шуғулланишилари керак, деб ўйлайман. Шунингдек, фуқаролар йигинларининг меҳр-мурувват, ёшлар тарбияси, жиноятчиликнинг оддина олиш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ги бугунги фаолиятини ҳам кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга курби етади.

Шу маънода, унинг мавқеви кўтариш — нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки улкан тарбиявий ва маънавий масаладир. Биз маҳалла тизимиға шу нуқтаги назардан қарашмиз лозим.

Пойтахтимиз ҳаётидаги яна бир масала устида алоҳида тўхталиш лозим, деб ҳисоблайман.

Маълумки, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам йиллар давомида мураккаб муаммолар тўпланиб қолган. Бу ҳам катта маблаг талаб этадиган иш.

Тўғри, кейинги йилларда бу борада анча ишлар қилинди. Шаҳар бўйича иситиш тармоқлари 327 километрга, газ тармоқлари 1000 километрга, водопровод тармоқлари 250 километрга, канализация тармоқлари эса 600 километрга узайтирилди.

Тошкент ГРЭСидан иситиш марказларига 15 километр узунликдаги сув қувури тортилиши натижасида Юнусобод туманидаги хонадонларни иссиқ сув билан, йирик сув тақсимлаш тармоғининг ишга туширилиши эса Чилонзор ва Акмал Йикромов туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминалашни яхшилади.

Шаҳримиз фуқаролари билишлари керакки, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида коммунал хизматлар ҳақининг каттагина қисми давлат бюджети томонидан қоспландмоқда. Фақатгина кейинги беш йил ичida давлат томонидан шу мақсадлар учун 36 миллиард сўм дотация ажратилди.

Пойтахтдаги уй-жой биноларини таъмирлаш бўйича ҳам муаммолар оз эмас. Ҳозир шаҳар уй-жой фондида 9 минг 260 та кўпқаватли бино бор. Уларнинг 60 фоизидан

ортиги 20 йил аввал курилган бўлиб, капитал таъмирлашга муҳтож.

Кейинги йилларда 3 мингта яқин кўпқаватли бинолар тўла таъмирланниб, 120 минг кишининг яшаш шароити яхшиланди. Ҳар йили ўртача 500 та кўпқаватли уй таъмирланмоқда. Лекин ҳозир 2 минг 100 та кўпқаватли уй таъмир талаб эканлигини ҳисобга олсақ, бу соҳадаги ишларни кескин кучайтириш зарурлиги аён бўлади.

Яна бир масала. Маълумки, пойтакт, айниқса, унинг марказий қисми инфратузилмасининг жадал ривожланаёттанилиги шаҳар электр таъминотини янада кучайтириши талаб этмоқда. Бунинг учун яқин орада умумий куввати 490 минг киловатт амперлик 3 та йирик подстанция курилиши зарур.

Тошкентта келган ҳар бир киши шаҳарнинг нечоёли озодалиги, саронжом-саришталигига қараб халқимизнинг дидига, маданий савиясига баҳо беради. Шу маънода пойтактимизнинг санитария ҳолатини яхшилаш, атроф-муҳит тозалигини саклаш, экология соҳасидаги энг муҳим вазифалардан ҳисбландади.

Бу борада маълум ишлар қилинмоқда. Хусусан, коммунал ҳўжалигига хорижий валюта ҳисобидан 240 та катта сифимли чиқинди ташувчи машина келтирилди. Чиқиндилар учун мўлжалланган пластмассали контейнерларни ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

Ҳозир шаҳарнинг тоза ва озодалигини тўла таъминлаш мақсадида Жаҳон ҳамда Европа тараққиёт ва тикланиш банклари билан 43 миллион АҚШ доллариллик лойиҳа имзоланди. Ушбу лойиҳа бўйича майший чиқиндиларни ташиш учун 300 та машина ва механизм хариц қилинади.

Бу ишлар масаланинг бир жиҳати. Аммо муаммонинг иккинчи томони — шаҳар чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамон қониқарсиз аҳволда. Тараккӣ этган давлатлар тажрибаси асосида майший чиқиндиларни қайта ишлайдиган замонавий корхона қуриш масаласини ҳал этиш зарур.

Шаҳар уй-жой фондидан фойдаланишда яна битта муаммо туғилмоқда. Биз ишчилар шаҳарчаси деб атайди-

ган Самолётсозлар, Тракторсозлар, Тўқимачилар мавзеларидағи йирик саноат корхоналарининг 500 дан ортиқ тураржой бинолари кейинги йилларда шаҳар балансига ўтказилди.

Бу ўй-жойларнинг аксарият қисми узоқ йиллар давомида таъмирланмаганилиги сабабли аҳоли яшапи учун деярли яроқсиз аҳволга тушиб қолган. Корхоналар раҳбарлари ўз тасарруфидаги уйларни шаҳар балансига ўтказиш билан муаммодан кутулдим, деб ўйламасликлари керак. Балки шаҳарнинг мутасадди ташкилотлари билан бирга уларни капитал таъмирлашда иштирок этишлари зарур. Чунки бу уйларда уларнинг ишчи-хизматчилари яшайди.

Шаҳарни замонавий, қулай ва шинам транспорт воситалари билан таъминлашта катта маблағ сарфланмоқда. Ҳозир Германия ва Жанубий Кореядан келтирилган 527 та замонавий автобуслар, Чехиядан келтирилган 150 та троллейбус, 50 та трамвай, Самарқандда ишлаб чиқарилган 160 та "Отайўл" автобуслари шаҳарликларнинг узогини яқин қилмоқда.

Жорий йилда чет эл инвестициялари ҳисобига 55 та "Мерседес-Бенц" автобуси, 100 та троллейбус ва 74 та трамвай сотиб олиш мўлжалланмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида йўл ҳақининг кескин ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида шаҳар транспортига ҳар йили 1 миллиард сўм миқдорида дотация ажратилмоқда.

Шаҳарда транспорт хизматини янада яхшилаш борасида қилинадиган ишлар ҳали талайгина.

Масалан, Сирғали йўлдош шаҳарча сифатида ташкил топгандан бўён аҳоли сони бир неча баробар ошиб кетди. Уларга транспорт хизматини янада яхшилаш учун метронинг "Чилонзор" йўналиши билан боғлайдиган тезюарар трамвай йўлини куриш зарурати кун тартибида турибди.

Шунингдек, Юнусобод даҳасида истиқомат қиласидаган 300 минг аҳолига транспорт хизмати соҳасида қулайлик туғдириш учун Тошкент метросининг учинчи навбатини куриш ишлари давом этмоқда. Лекин, очиқ айтаман, бундай қурилишлар катта маблағ талаб этади.

Биз мана шундай халқимизнинг оғирини енгил, узинни яқин қиласидиган кўпгина лойиҳа ва режаларни амалга ошириш мақсадида керакли маблағ ва сармоялар топиш йўлида тўхтосиз иш олиб бормоқдамиш.

**Азиз дўстлар!**

Бугун олдимизда турган кўпгина муаммолар ҳақида гапирганда, илму фан ривожи ва шу йўлда давлатимиз, жамиятимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор, ажрати-лаётган маблағ ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ўринда мамлакатимиз олимларининг салоҳияти ниҳоятда юксак эканини таъкидлаш керак. Бугунги кунда дунё тан олган олимларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Улар орасида ўнлаб нуфузли халқаро Академияларнинг аъзолари бор. Такрор айтаман, биз бугун кучли илмий салоҳиятга эгамиш.

Аммо бу салоҳиятни рўёбга чиқариш учун илму фан муассасаларини кўллаб-куватлаш, синов лабораториялари, ноёб асбоб-ускуналар, керак бўлса, тажриба заводлари зарур. Бу ишлар эса анча-мунча маблағ талаб қиласи. Буни барчамиз яхши англаймиз. Лекин, очиқ тан олиб айтишим керакки, бу вазифани тўла-тўқис амалга ошириш учун ҳозирча бизда зарур миқдорда маблағ етишмаяпти.

Шуни барчамиз яхши тушуниб, англаб олишимиз даркор: мамлакатимиз, Ватанимиз тараққиёти, унинг бошқалардан кам бўлмаслиги ҳақида, халқимизнинг буюк келажаги ҳақида режалар тузар эканмиз, илму фан тараққиётини таъминламасдан, бунга керакли шароит туғдириб бермасдан эзгу мақсадларимизга эришиш қийин. Бу йўлда, аввало, тараққий топган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини боғлашимиз, улар билан ҳамжиҳатликда ишлашимиз лозим.

**Мұхтарам дўстлар!**

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакатdir. Биргина пойтахтимизнинг ўзида бугунги кунда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиши ҳам шу фикримизни тасдиғидир.

Ҳозирги кунда Тошкентда 100 дан зиёд турли миллат вакилларининг миллий-маданий марказлари фаолият

олиб бораётгани ибратлидир. Уларнинг жамиятдаги мўътадилликни таъминлаш, шунингдек, она тилларини ўрганиш, миллий урф-одат ва анъаналарни қайта тиклаш борасида олиб бораётган ишлари ҳар жиҳатдан эътиборга молик.

Парламентимизнинг янги таркибига рус, қозоқ, қирғиз, тоҷик, арман, корейс ва бошқа бир қатор миллат вакиллари сайлангани ҳам бор ҳақиқатни айтиб турибди.

Албатта, қардош миллат вакилларининг барча соҳада ҳақ-хукуқи ва эркинликларини кафолатлаш бундан кейин ҳам сиёсатимизнинг узвий қисми бўлиб қолаверади.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан маданий-мърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг самарали иш олиб бораётгани ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Кенгаш ўтган йилнинг ўзида 36 та хорижий мамлакатлардаги дўстлик жамиятлари билан алоқа ўрнатгани унинг имкониятлари кент эканлигини кўрсатади. Унинг АҚШ, Германия, Хитой, Туркия, Австралия, Саудия Арабистони каби давлатлардаги ватандошларимизнинг 15 га яқин жамиятлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга кўйгани диққатга сазовор.

Қадрли дўстлар!

“Эл соелиғи – юрг бойлиги” деб бежиз айтилмаган. Кейинги йиллар ичida пойтахтимизда 15 та замонавий шифохона, 29 та поликлиника ва қатор тиббий пунктлар барло этилгани пойтахтимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш бош масалалардан бири эканидан далолат беради.

Барча соҳаларда бўлгани каби, республикамиз тиббиёти равнақида ҳам Тошкентнинг ўз мавқеи, кучли салоҳияти бор. Айниқса, замонавий жиҳозларга эга бўлган щошибинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази ташкил этилгани нафақат пойтахтимиз, балки бутун республикамиз аҳолиси кўнглидаги иш бўлди.

Лекин, очигини айтганда, тиббиёт соҳасида кўп-кўп муаммолар йигилиб қолгани ҳам сир эмас. Бу борадаги ислоҳотлар суст бораётганини инобатта олиб, биз маҳсус ҳукумат дастурини ишлаб чиқдик. Ўйлайманки, уни ҳаёт-

га татбиқ этиш жараёнида тиббиёт соҳасидаги мавжуд мұммолов босқичма-босқич ҳал этилади.

Биз 2000 йилни Соғлом авлод йили, деб зылов қылдик. Бундан мақсад — нафақат жисмонан, балқи ҳар тарафла-ма, аввало, маънавий соғлом, баркамол авлод тарбиясига бутун дикқат-эътиборни қаратышдан иборатдир.

Тошкент шаҳри аҳолисининг қарийб 45 фойизини ёшлилар ташкил этиши олдимизга күп-күп вазифалар қўяди. Чунки ҳар бир ёшнинг ўзи — бир дунё. Биз фарзандларимиз онгига она юрт манбаати, ҳалқ озодлиги, мамлакатимиз ободлиги энг муқаддас қадрият эканини сингдира боришимиз, уларни комил инсонлар қилиб вояга етказишимиз, шу тариқа Ватан келажаги ва тақдирини ишончли қўлларга топширишимиз даркор.

Ватанимиз истиқболи фарзандларимизнинг қандай инсонлар бўлиб этишишига боғлиқ.

Давлат шу мақсадни кўзлаб амалга ошираётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар учун жуда катта миқдорда маблағ ажратмоқда.

Бугунги кунда пойтахтда 14 та академик лицей, 15 та касб-хунар коллежи йигирма мингдан зиёд ёшларимизга билим бермоқда.

Бу эзгу ишларимизнинг бошланиши, холос. 2005 йилгача Тошкентда яна 40 та академик лицей, таҳминан 80 та касб-хунар коллежи барпо этиш кўзда тутилган. Бу маърифат ўчоқларида 85 минг нафар фарзандимиз таълим олади.

Иқтидорли ёшларнинг чет элларда таълим олишини кўллаб-кувватловчи "Умид" жамғармаси орқали тошкентлик 164 нафар йигит-қиз хориждаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил кўрмоқда. Чет эллардаги университетларни битирган 39 нафар йигит-қизимиз эса бугун энг нуфузли ташкилотларда хизмат қилмоқда.

Хурматли Тошкент аҳли!

Ёшларимиз тарбияси ҳақида гапирганда, оғир бўлса ҳам, ўтган йили рўй берган фожиали воқеалар ҳақида тўхталиш жоиз, деб биламан. Чунки ҳалқимизнинг тинчлигини, бунёдкорлик ишларини кўра олмайдиган ёвуз кучлар ай-

нан ҳали онги шаклланмаган айрим ёшларимизни тўғри йўлдан тойдирив, улардан тажовузкорларни, террорчиларни тайёрлаб, ўз Ватани, ўз ота-онасига қарши кўймокда.

Ўтган йилнинг 16 февраль куни муддиш фожиа содир этган, бегуноҳ юртдошларимиз ҳаётига зомин бўлган ким-саларнинг аксарияти ёшлар экани ачинарлидир.

Февраль воқеалари ҳар биримизнинг иродамизни синовдан ўтказди. Ўз эътиқоди йўлида собит, матонатли бу халқни ҳеч қандай куч ҳеч қачон енга олмаслигини бутун дунё кўрди.

Ўша оғир кунларда сабот ва ҳамкиҳатлик билан менга тоғдек таянч бўлганингиз, бу улуғ инсоний фазилатингиз учун сиз — азиз пойтахт аҳлига, бутун элим, халқимга яна бир карра таъзим қиласман.

Тиф яраси битади, лекин дил яраси битмайди, деган гап бежиз айтилмаган. Мана, кўпорувчилар портлатган бинолар аввалидан ҳам чиройли қиёфага эга бўлди, жабр кўрган оиласарга янги уйлар куриб берилди. Аммо бегуноҳ ҳалок бўлганинг армони оила аъзолари, яқинлари — ҳеч биримизнинг дилимиздан ҳеч қачон кетмайди.

### Мұҳтарам юртдошлар!

Софлом, баркамол авлод камоли спорт ва жисмоний тарбия билан узвий боғлиқ. Шу билан бирга спорт ҳамма замонларда ҳам мамлакатни жаёнга танитишнинг муҳим воситаси бўлиб келган.

Миллий спортизмнинг озод ва эркин ривожланиши, жаён майдонида ўзига мос ўрин эгаллаши учун имкониятлар ниҳоятда чеклаб кўйилган шўро замонида ҳам тошкентлик жаён чемпионлари: боксчи Руфат Рискиев, самбочи Сайфиддин Ҳодиев, олимпиада чемпионлари баскетболчи Равила Салимова, волейболчи Вера Дуюнова каби ҳамюртларимиз номи машқур эди.

Бугун эса жаённинг кўплаб нуфузли ҳалқаро спорт анжумандлари тошкентлик йигит-қизлар иштирокисиз ўтётани йўқ. Улар ўзларининг тенгсиз маҳоратларини на-мойиш этиб, дунёни ҳайратта солмоқдалар.

Жаёндаги кучли спортчилар орасида биринчиликни кўлга киритиш, она Ватан шон-шавкатини дунёга ёйиш,

Ўзбекистон байробини боши узра баланд кўтариш ҳар қандай кишидан мисли кўрилмаган меҳнат, чидам-бардош, шижоат ва матонат талаб қиласди.

Бокс бўйича 10 марта жаҳон чемпиони, ўзбек спортининг фахри бўлган Артур Григорьян, матонатли қизимиз, Олимпия чемпиони Лина Чирязевани бугун бутун дунё билади.

Энг ёш гроссмейстерлардан бири Рустам Қосимжонов, тенинчи қизимиз Ирода Тұлаганова, кикбоксингчи Олмаз Юсупов, футболчи Миржалол Қосимов, тайэквандочи Элдор Нурухонов каби спорт юлдузлари эришаётган ютуқлар билан ҳар бир юртдошимиз ҳақли равишда ифтихор қиласди.

Шу ўринда, ҳеч шубҳасиз, спортни ривожлантириш борасида пойтахтда кўп-кўп ишлар қилинганини қайд этиб ўтиш жоиз, деб биламан. Кейинги йилларда жаҳон андо-залирга тўла жавоб берадиган Юнусобод тенис корти, "Жар" спорт мажмуи ва бошқа қатор иншоотлар барпо этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Тенис бўйича Президент кубоги халқаро турнири, ўзбек миллий кураши бўйича биринчи жаҳон чемпионати, бокс бўйича Осиё биринчилиги каби кўплаб анъанавий спорт мусобақалари мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат кўшибгина қолмай, жаҳон спорт оламида янги саҳифалар очмоқда.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун ҳар бирингизни: "Тошкентнинг эртанги қиёфа-си қандай бўлади?" — деган савол қизиқтириши табиий. Бу ҳақда гапирганда, энг аввало, шуни айтиш керакки, Эски шаҳардаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари кенг кўламда давом эттирилади.

"Алпомиш" спорт саройи негизида Марказий Осиёда ягона бўлган халқаро савдо-кўргазма мажмуи қад ростлайди.

Шу билан бирга, шаҳримиз кўркига кўрк кўшадиган янги сайилгоҳ ва боғ-роғлар, Бўрижар анҳори соҳилида савдо, дам олиш ва умумий овқатланиш мажмулари барпо этилади. Келажакда Миллий боғимиз янада кенгайиб, бойиб, унинг ҳудуди қарийб 100 гектарга етади.

Яқин йиллар ичида Япониянинг "Сумитомо корпорейшн" компанияси билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 200 миллион АҚШ долларига тенг бўлган "Куруқлик порти" ва саноат шаҳарчаси барпо этилади. Бу ерда 20 минг киши иш билан таъминланади.

Бошлиган хайрли ишлардан яна бири — Юнусободда, Бўзсув бўйида Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган қатагон курбонларига бағишланган "Шаҳидлар хотираси" мемориал ёдгорлигидир. Ишонаманки, юртдошларимизга ниҳоятда маъқул тушган пойтахтимиздаги Хотира майдони каби бу ер ҳам ҳалқимизнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бирига айланади.

Хабарингиз бор, Тошкент давлат консерваториясининг замонавий талабларга жавоб берадиган янги биноси бунёд этилмоқда. Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, Миллий тасвир галереяси куришилари ҳам истиқбол режаларимиздан ўрин олган.

Насиб этса, эрта-индин Чилонзорда биринчи навбатининг лойиҳа қиймати 80 миллион АҚШ долларига тенг бўлган Олимпия мажмуаси пойдеворига ғишт қўйилади.

Булар Тошкент истиқболини ўйлаб қилинаётган ишларимизнинг бир қисми, холос.

Хурматли пойтахт аҳли!

Шу юксак минбардан туриб сиздек қадрдон юртдошларим олдида ҳисобот берадиган эканман, агарки, мендан: "Сизнинг раҳбарлик фаолиятингиз йилларида қилган энг муҳим, энг буюк ишларингиз нималар бўлди?" — деб сўралса, мен шундай жавоб берар эдим:

"Мана шу Ўзбекистон дейилган муқаддас заминда яшаётган инсонларни қадрладим, ардоқладим.

Ўзбек, ўзбек миллати, ўзбек ҳалқи номини улугладим, бутун дунёда унинг хурматини жойига қўйдим. Бу менинг ҳаётим маъноси, умрим мазмунига айланиб қолган".

Мухтарам биродарлар!

Мен бир нарсани ҳеч қачон яширмайман. Тошкентни, тошкентликларни яхши кўраман, севаман.

Мен "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деганда, энг аввало, ҳалқимизнинг, жумладан, Тошкент аҳлининг

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

олижаноб фазилатларига, бунёдкорлик салоҳиятига, эртаниги янада ёруғ кунларга бўлган қатъий ишончига сужнаман.

Шундай гўзал ва муқаддас юрганинг, шундай буюк халқ-нинг фарзанди эканимдан, унга хизмат қилиш баҳтига мужассар бўлаёттанимдан фаҳранаман, ризқ-насибамни шу азим шаҳарга сочгани учун Аллоҳга шукроналар айтаман.

Бундай халқ учун хизмат қилиши йўлида бор куч-имкониятимни, тайрат-шижоатимни, керак бўлса, ҳаётимни бағишлиш мен учун катта баҳтдир.

Азиз қадрдонларим!

Барчангизга соғлиқ-омонлик, хонадонларингизга кутбарака тилайман!

Яқинлашиб келаётган муқаддас Рамазон ҳайити ҳаммангизга муборак бўлсин!

Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Эзгу ишларимида Яратганинг ўзи мададкор бўлсин!

*Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари  
билим учрашувда сўзланган нутқ,  
2000 йил 6 январь*

---

## ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Хурматли депутатлар!

Энг аввало, сизларни демократик тамойиллар асосида ўтган сайловларда Фаргона вилояти аҳли ишончини қозониб, вилоят Кенганини депутатлигига сайланганингиз билан чин юракдан табриклийман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, баҳт-саодат, халқ фаронслиги йўлидаги ишларингизда омад тилайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мен сизларга олдин ҳам айтган бир ҳақиқатни эслатиб кўймоқчиман: депутат зими масига жуда катта вазифа ва масъулият юкландиган. У вилоятдаги ижтимоий мухитта фаол таъсир кўрсатмоғи, вилоят раҳбарларининг, жумладан, ҳокимнинг ҳам фаолиятини назорат қилиши, ҳокимликнинг ишини холисона баҳолаб, камчилик ва нуксонлар ҳақида рўйирост гапириши, буларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалаларида намуна бўлмоғи лозим.

Депутатни халқ сайлайди. Халқнинг, сайловчиларнинг ишончини оқлаш, улардан, аввалимбор, ҳақиқий юртпарварликни, ҳалол, фидойи бўлишни, хузур-ҳаловатдан возкечишни, одамларнинг оириини енгил қилиш, ахволидан ҳабардор бўлиш, тақдирига куйинчаклик билан ёндошиш, лўнда қилиб айтганда, том маънода халқ дарди билан яшашни талааб этади.

Биз XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатнимизни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқдик, ислоҳотларни чукурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор йўналишларни аниқ-равшан белгилаб олдик.

Бу устувор йўналишларнинг барчасини ўзига қамраб олган энг муҳим вазифа — мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳётини, давлат ва жамият курилиши жараёиларини янида эркинлаштиришдан иборатdir.

Бу — аслида давлат курилишида бошқариш ишларини ва маълум даражада ваколатларни аста-секин марказдан пастдаги бошқариш бўғинларига бериш, шунинг ҳисобидан уларнинг фаоллигини ошириш, шу жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимликлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, аввало, маҳалла тузилмалари, шунингдек, жамоат тузилмалари ваколатларини босқичма-босқич амалга ошириш ва уларга кўпроқ ишонч билдириш, деган маънони ифодалайди.

Албатта, марказий давлат тузилмалари, ҳукумат, тегишли вазирликлар тасарруфида ўзига хос муҳим вазифалар қолаверади. Шу жумладан, конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақилиги ва худудий яхлитлигини, унинг сарҳадларини ҳимоя қилиш, юрт ҳавфсиэзлигини сақлаш, ҳукуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини, молия-банк, нул муомаласини таъминлаш, инсон ҳукуқлари ва эркинликларига, мулк эгаларининг ҳукуқларига, иқтисодий фаолият эркинлигига кафолат бериш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби вазифалар ва бир қатор стратегик аҳамиятта молик масалалар қолиши, табиийдир.

Лекин бир нарсага аминман: маҳалла жамоаларига, унинг муаммо ва ташвишларига яқин бўлган идора ва ташкилотларга кўпроқ суняниш ва таяниш керак. **Бу стратегик сиёсатимизнинг қатъий йўналиши бўлиши муқаррар.**

Шуни ҳам холисона тан олишимиз керакки, бугунги кунда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ва ҳокимликларга ўз худудларини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш соҳасидаги амалий фаолият олиб бориш учун берилган зарур ҳукуқлардан самарали фойдаланиш ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Ҳар қандай эркинлик замирида катта масъулият ҳам борлигини сизлар яхши тушунасизлар, деб ўйлайман.

Демоқчиманки, республикамиэнинг ҳар бир вилоятида эришилаётган ютуқлар ҳам, йўл қўйилаётган камчи-

ликлар ҳам, энг аввало, шу вилоят раҳбарлари, маҷаллий Кенгаш депутатларининг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, юртпарварлиги, керак бўлса, қатъиятлилиги ва мардлиги билан бевосита боғлиқдир.

Муҳтарам дўстлар!

Ёдингизда бўлса, бундан уч йил муқаддам — 1997 йил 14 февралда бўлиб ўтган вилоят Кенгашининг сессиясида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга халақит берадётган сабаблар ҳақида очиқ гашлашиб олган эдик.

Шунингдек, бир ой муқаддам шу ерда ўтган сайловолди учрашувида ҳам Фарғона аҳлиниң амалга ошираётган ижобий ишлари, мамлакат тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасини таъкидлаш билан бирга, ўз вақтида ҳал этилмаган ва ҳаммамизни ташвишлантираётган бир қатор муаммолар мавжудлиги, уларни батафсил ўрганиб, таҳлил қилиш ва ечимини топиш зарурлиги хусусида тўхтабиб ўтган эдим.

Кейинги таҳлиллар вилоятда ислоҳотларнинг изчилигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида сезиларни ўзгаришлар рўй бермаганини кўрсатмоқда.

Ўйлайманки, бугун бундай вазиятдан чиқишининг, вилоят иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлашнинг йўлларини қидириш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, ишимишининг самарасини ошириш — барчамизнинг, шу юртда яшаётган инсонларнинг, аввало, халқимиз ишонган депутатларнинг бурчидир.

Имкониятлар ҳақида гапирав эканмиз, биринчи навбатда, куйидаги масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак деб ўйлайман.

Аввало, адолиси кўп ва тифиз, ер майдони чекланган Фарғона вилояти учун ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишининг асосий йўлларидан бири, бу — саноатни бутун чоралар билан ривожлантиришдир.

Афсуски, ҳозирги пайтда мавжуд саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмаялти. Оқибатда ўтган 12 та йирик саноат

корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 582 миллион сўмга, 11 та саноат корхонасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 286 миллион сўмга пасайиб кетди.

Бу ҳолни Қувасой шаҳридаги “Кварц” ҳиссадорлик жамияти, Фарғона фурон биринчлари ва сунъий тола заводлари, Учкўпrik ва Бувайда туманларидағи тикувтрикотаж, йигириув-тўқув ҳиссадорлик жамиятлари ва “Ўзсаламан” қўшма корхонаси мисолида ҳам кўрамиз.

Нефт-ёнилғи материаллари, маъданли ўғит, кимёвий тола, қурилиш ашёлари, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган йилларга нисбатан анча камайди. Ҳатто республикада тилга туштан “Ўзсаламан” қўшма корхонасида пойафзал ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 17 фоиз пасайди.

5 та саноат корхонаси ўтган йилни жами 653 миллион сўм иқтисодий зарар билан якунлади. 1 миллиард сўмдан ортиқ микдордаги тайёр маҳсулот омборларни банд қилиб ётганининг ўзи ҳам бир қатор саноат корхоналари раҳбарлари бозор талабарини ҳисобга олмасдан, ҳамон эскича услубда ишлаб келаётганидан далолат беради.

Энг ачинварлиси шундаки, бир қатор саноат корхоналари ва ҳиссадорлик жамиятларида мулк шакли ўзгарди, аммо раҳбарларнинг фикрлаш тарзи ўзгармасдан қолди. Ахир акцияларни сотиш ҳисобига корхоналарга янги технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эътиборсизлик билан қаралаётгани, вилоят бўйича ҳозиргача 400 миллион сўмлик акциялар сотилмай ётгани учун ким жавоб беради?

Вилоядда чет эл сармояларини жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил этиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Ҳозиргача 9 та туманда бирорта қўшма корхона очиш режалаштирилмагани ҳам буни кўрсатиб турибди.

Рўйхатдан ўтган 59 та қўшма корхонанинг 38 тасигина фаолият кўрсатиپти, холос.

Ишбилармон ва тадбиркорларни қўллаб-куватлаш, уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш, имтиёзли кредитлар билан таъминлашта ҳам етарли эътибор берилма-

ётирилген. Натижада вилоят бүйича рўйхатдан ўтган 14 минг 317 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг 6,5 мингтаси турли сабаблар билан тутатилган, 1 минг 644 таси вактинча фаолият кўрсатмаяпти.

Ишлаб турган бундай корхоналарнинг кўпчилиги эса ишлаб чиқариш билан эмас, балки кўпроқ савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланмоқда.

#### Қадрли биродарлар!

Биз адолини иш билан таъминлаш тўғрисида кўп гапирамиз. Лекин вилоят бўйича янги иш жойларини ташкил этиши ҳамон энг асосий ва долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Бу масалани ҳал этишига мутасадди ташкилотлар жиддий эътибор бераёттани йўқ. Вилоятда 1999 йили бор-йўғи 31 минг иш жойи ташкил этилди, холос. Ҳолбуки, бу ерда ишсизлар сони амалда бундан бир неча баробар кўп.

Яна бир ачиниарли ҳол. 1998 йилга нисбатан умумтазлим мактаблари, тиббиёт муассасалари курилиши икки баробар, қишлоқларга газ тармоқларини ўтказиш эса 15 фоиз камайтан. 1996-2000 йилларга мўлжалланган қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури бўйича белгиланган Охунбобоев, Ёзёвон, Сўҳ туманларида газ тармоқларини тортиш режаси зўрга 50–80 фоиз атрофига бажарилди.

Вилоятда кўп йиллардан бери курилиши тугалланмаган 127 та обьект мавжуд. Шундан 26 таси соғлиқни сақлаш, 29 таси эса ҳалқ таълими муассасалари эканлиги ачиниарли ҳол.

#### Хурматли депутатлар!

Қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни қанчалик юксаклиги тўғрисида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман. Бу соҳа вилоят иқтисодиётининг ҳам асосий тармоғи ҳисобланади.

Лекин қишлоқ жойларда ислодотларни чукурлаштириш борасида қабул қилинган ҳукуқий ва меъёрий хужжатларнинг етарли даражада ҳаётга татбиқ этилмаётгани, мулкка эгалик масалалари ўз ечимини тошмаётгани, деҳқонлар меҳнатини хўжалик фаолиятининг пировард на-

тижалари билан боғлайдиган иқтисодий механизм амалда қўлланилмаётгани, айниҳса, моддий манфаатдорлик тамойиллари бузилаётгани қишлоқ ҳўжалиги ривожига жиддий тўсқинлик қўлмоқда.

Афсуски, вилоят ҳокимлиги, бу соҳага мутасадди раҳбарлар замон талабини ҳис этмаяптилар. Буни куйидаги ҳолатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Сўнгти тўрт йилда энг асосий тармоқ — пахтачиликда шартнома режаларини бажармаслик вилоядда одат тусига кирди. 1996 йили бу кўрсаткич 80,3 фоизни, 1997 йили 98 фоизни, 1998 йили 77,5 фоизни, 1999 йили 85,7 фоизни ташкил этди. Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик беш йил давомида 4 центнерга пасайди.

Ўтган ҳўжалик йилида пахтачилик билан шуғулланадиган 14 та тумандан атиги 2 таси — Олтиариқ ва Фарғона туманларигина шартнома режасини бажарди, холос.

Бир ҳыл шароят ва имкониятга эга бўлган қатор туманларда ҳосилдорликкунинг пасайини нохуш анъанага айланаб бораёттани жуда ачинарли ҳолдир. 1997 йили ҳар гектар майдондан 28—31 центнердан ҳосил олган Бувайда ва Дангарга туманларида ўтган йили ҳосилдорлик 22—23 центнерга тушиб қолди.

Вилоядда сўнгти йилларда дон етиштириш ҳам сезиларли даражада камайиб кетган. Дон етиштириш режаси 1996 йили 89, 1997 йили 91,7, 1998 йили 83,2, 1999 йили эса 75,8 фоиз бажарилди, холос. Беш йил давомида сугориладиган майдонлардан олинаёттан дон ҳосилдорлиги гектарига 33—37 центнердан ошмаяпти. Ёзёвон ва Риштон туманларида эса бу кўрсаткич атиги 25—27 центнерни ташкил этмоқда.

Бунинг асосий сабабларини агротехника тадбирларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмасдан, шўри ювилмасдан, уларни экишга тайёрламасдан уруғ сепилаётгани, техника воситаларининг ўрим-йигим мавсумига ўз вақтида сифатли ҳозирлаб қўйилмаганидан излаш керак.

Бу ҳақда доимо куйиниб гапирамиз. Лекин аҳвол ўзгармаяпти. Бир қатор туманларда ўтган йилларнинг хатола-

рини такрорлаш давом этмоқда. Бағдод, Сўх, Бувайда, Дангарा, Тошлоқ, Ўзбекистон туманларида кузги дон экиш ишлари сабабсиз равишда чўзиб юборилганига нима деса бўлади?

Катта имкониятлар борлигига қарамасдан вилоятда картошка, сабзавот етиштиришда ҳам сезиларни ўзгариши бўлмаяшти, мева етиштириш 1995 йилга нисбатан 2 ярим баробар, узум етиштириш эса 6,5 минг тоннага камайиб кетган.

Пиллачиликни ривожлантиришга ҳам етарли аҳамият берилмаяшти. Оқибатда ўтган йили 1995 йилга нисбатан 1600 тонна кам “кумуш тола” тайёрланди. Шу муносабат билан сизларнинг зътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири, аввало, қишлоқ жойларида мужикка муносабатнинг ўзармаётганида, хусусан, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмаётганида деб биламан. Чунки ер ҳақиқий дехқоннинг қўлида бўлса, ундан кутилган дараҷада ҳосил олиш мумкин.

Холбуки, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ҳақида гап кетганда, расмий ҳисоботларда Фарғона вилоятида 165 та жамоа ва ширкат хўжалиги, 2 минг 113 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатётгани, мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топаётгани қайд этилади.

Агар чиндан ҳам шундай бўлса, унимдор ер ҳақиқий дехқон қўлига тушган бўлса, унинг самараси қани? Нега ҳосилдорлик йил сайин камаймоқда? Ерга ишонган, ерга суннган дехқоннинг нега косаси оқармаяшти?

Бунинг сабаби шундаки, вилоятда, аввало, қишлоқ хўжалигига оид қонунлар пала-партиш тарзда турмушга татбиқ этилмоқда. Қонун талабларнинг бажарилшини ҳеч кимни қизиқтираётганий ўқ. Жамоа ёки ширкат хўжалигига ишлар жамоа хоҳиш-ихтиёри билан эмас, балки юқоридан тайинланган раҳбарнинг якка ҳокимлигига олиб борилмоқда.

Оқибатда дехқон ўз тажрибасига сунниб, иқлим, ер шароитига қараб эмас, балки буйруққа биноан ишлашга

мажбур бўлмоқда. Иш илмий асосда ташкил этилмаганлиги, уругчиликка эътибор сустлиги сабабли унумдор ерлардан ҳам паст ҳосил олинимоқда.

Яна бир мисолга эътибор беринг. Вилоят бўйича 17 та хўжалик санацияга тушган эди. Давлат томонидан молијавий ёрдам кўрсатилганига қарамасдан, бу хўжаликлардан 14 таси пахта, 8 таси дон етиштириш шартнома резжаларини бажара олмади. Чунки бу борада ҳам мутасадди раҳбарларда янгиликка интилиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини излаш, ташаббускорлик етишмаяпти.

Вилоятдаги 17 та жамоа хўжалиги ширкат уюшмаларига айлантирилган бўлсада, улардан 66 тасига ҳалигача мулкий пай гувоҳномалари тарқатилмаган. 53 та фермер хўжалиги эса ҳар хил сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган.

Кишлоқ хўжалиги соҳасидаги бундай камчиликларнинг сабаби аввалимбор раҳбар кадрлар масаласига бориб тақалади. Сўнгти уч йил мобайнида вилоятдаги 106 жамоа ва ширкат хўжалиги раҳбари алмаштирилганлиги, бу борада жиддий камчиликлар мавжудлиги ҳали ҳамон маъмурий буйруқбозлик усуллари бартараф этилмаганлигидан далолат беради.

Қадрли депутатлар!

Кишлоқ хўжалиги соҳасининг йил сайин орқага кетаётгани албатта аҳолининг турмуш даражасига ҳам салбий таъсирини ўтказади. Ўз меҳнатининг самарасини кўрмаган, вақтида маош ололмаган, рўзгорини тебратишга қийвалиб қолган фуқаронинг кўнглида албатта раҳбарлардан норозилик кайфияти туғилади. Буни яширишнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун ҳам барча даражадаги раҳбарларнинг энг асосий бурчи мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиши ва унинг самарасини кўриши учун шароит яратиб беришдан иборат бўлиши керак.

Бунинг учун эса вилоятда етарли имкониятлар бор.

Афсуски, юқорида кўтарилган масалалар биринчи марта тилга олиниётгани йўқ. Вилоят Кенгашининг 1997 йилги сессиясида ҳам бу ҳақда сўз юритилган, бу янги сайланган ҳокимлар олдига вазифа қилиб қўйилган эди.

Бироқ ҳалигача кўп соҳаларда муаммо муаммолигича, вазифа вазифалигича қолиб кетмоқда.

Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, мен Президент бўлиб, менга ишонч билдирган ҳалқнинг ҳаёти учун жавобгар шахс бўлиб, бундай ҳолга тоқат қилишим мумкинми? Албатта йўқ.

Хурматли депутатлар!

Сўнгти йилларда турли сабаблар билан вилоятингизда бир неча марта бўлишимга тўғри келди. Ҳар сафар мард, танти, меҳнатсевар ва саҳоватли фарғоналиклар билан учрашганимдан, дийдорлашганимдан беҳад хурсанд бўламан.

Аммо шу ўринда аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Менинг назаримда, йил сайин **Фарғонадан** **Файз-барака** кўтарилаётгандек, вилоят аввалги мавқенини, илгариги жозибасини, тароватини йўқотаётгандек туюлади ва бу кўнглимни ғаш қиласиди.

Бу ҳолатнинг сабаби нимада экан, деб ўйлайман, қийналаман. Шунда, истайманми-йўқми, гап раҳбарларга, аввало, вилоятнинг биринчи раҳбарига, унинг иш услубига бориб таҳалади.

Бу фикрнинг исботини республика Олий Мажлисига ўтказилган сайловларда З нафар ҳокимнинг етарли овоз ололмасдан, депутатликка сайланмай қолганлигига ҳам яққол кўриш мумкин. Шунинг ўзи ҳам айрим раҳбарлар аллақачон ҳалқнинг эътиборидан қолганини, ишончини йўқотганини очиқ-ойдин кўрсатмайдими?

Ҳалқимизда “Ўтган кунингни унутма, эски чоригингни куритма” деган ибратли бир мақол бор. Бу – аслида ким эканлигинингни, мансаб курсисига ўтирумасдан олдин ким бўлганлигинингни, лавозимдан тушгач, ким бўлажагингни унутма, камтар бўл, қадамингни билиб бос, ҳалқнинг наридан қолма, деганидир.

Бу ҳамманинг, айниқса, катта-кичик раҳбарларнинг доим ёдida туриши керак.

Вилоятдаги биринчи раҳбарнинг мавқеи, салоҳияти, энг аввало, иқтисодий ислоҳотларни қай даражада амалга ошираётгани, ундан одамларнинг қай даражада рози бўлаётгани билан ўлчанади.

Бунёдкорлик, тараққиёт бор жойда, ҳалқнинг руҳи кўтарилади, келажакка умиди кучаяди.

Иқтисодиёт орқага кетаётган жойдан эса, ободончиликни ҳам, кенг кўламдаги бунёдкорликни ҳам кутиш бефойда. Бундай жойда ҳалқ ҳам раҳбарлардан рози бўлмайди.

Кейинги йилларда Фарғона вилояти нафақат саноат, нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси, балки қурилиш ва ободонлаштириш ишларида ҳам бошқалардан орқада қолмокда.

Наҳотки, фарғоналий докимлар ва бошқа раҳбарлар республиканинг бошқа ҳудудларида рўй берәётган ўзгаришларни кўрмаётган, қалбларида ҳавас уйғонмаётган бўлса!?

Узоқча бормай, кўнглинига келмасин-у, шундоқ сизларга қўшни бўлган Андижон вилоятини олайлик. Иқлими, ер-суви, одамларнинг табиати, меҳнатсеварлиги бир хил, аммо ўсиш, ўзгаришда катта фарқ бор.

Нега бундай? Нима, Фарғона вилояти раҳбарларининг ҳаваси, ғуури, орияти йўқми?

Ҳавас бўлиши мумкин, лекин лаёқат бўлмаса, ҳалқнинг бошини қовуштиришга, гайратини қўзғашга укув, бошқача қилиб айтганда, ташкилотчилик бўлмаса — фойдаси йўқ экан.

Эсингизда бўлса, биз бундан уч йил илгари вилоятга янги ҳокимни тайинлаганимизда, зиммасига қандай масъулиятли вазифа юкланаётганлигини очиқ айтган эдик. Унга катта ишонч билдирган эдик. Ўтган давр мобайнинда унга камчиликларни тузатиш бўйича таклифлар, маслаҳатлар бердик. Афсуски, у ўз вақтида айтилган танқид ва таклифлардан тўғри хулоса чиқара олмади. Йирик муаммоларни ҳал этишда лоқайдликка йўл кўйди.

Шу сабабларга кўра, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессияси кун тартиби муҳокамасига ташкилий масала қўйилган экан, вилоят ҳокими Нўъмон Шодиевич Мўминовни вазифасидан озод этишни кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Ўйлайманки, вилоят тараққиёти, келажаги, ҳалқнинг манбаати шуни тақозо этади.

### Азиз дўстлар!

Фарғона ҳалқига меҳр-муҳаббатим баландлигини ҳаммангиз яхши биласиз. Мен ўзим севган, қадрлаган элнинг тинч ва осойишга, фаровон ва баҳти ҳаёт кечиришини, ўз меҳнатларининг роҳатини, ўстираёттан фарзандларининг орзу-ҳавасини кўришини чин юракдан истайман.

Шунинг учун ҳам турмушдаги қийинчиликларни тезроқ бартараф этсак, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириб, ҳалқимизнинг фаровонлигига эришсак, ҳар бир оила бой-бадавлат турмуш кечирса, деб ниyat қиласман.

Бу мақсадга эришиш учун эса ишимиздаги камчиликларни тезроқ бартараф этишимиз, бир тан, бир жон бўлиб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилишимиз, белгилаган режаларимизни бажаришимиз, кўзлаган мэрраларимизга тезроқ этишимиз лозим.

Мен азиз фарғоналиклар куйиниб айтган сўзларимдан, танқидий мулоҳазаларимдан ўзларига тегишли хулосалар чиқарадилар ва барча соҳаларда ўзгариш ясайдилар, деб катъий ишонаман.

Шу мақсад йўлида барчангизга куч-куват, гайратшижоат ва омад тилайман!

*Иккичи чоқириқ ҳалқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи сессиясида сўзланган нутқ, 2000 йил 15 январь*

---

## ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

Азиз ватандошлар!  
Хурматли халқ депутатлари!  
Мұхтарам мәхмөнлар!

Аввало, мана шу юксак ва мұйтабар минбардан туриб, менга катта ишонч билдириб, мамлакат Президентлигига сайлаган барча сайловчиларға, бутун халқимизге чин қалбимдан самимий миннатдорчilik изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Буни фақат расмий нұқтаи назардан айттылган гап деб билмаслитингизни, балки менинг юрак-юрагимдан чиққан дил изҳори, деб қабул қилишингизни истайман.

Үзимнинг бу юксак лавозимга сайланишимни мен қандайдыр шахсий ғалаба ёки ютуқ деб эмас, балки мустақиллик йилларида изчил олиб бораёттан ташқи ва ички сиёсатимизнинг тантанаси, халқимизнинг ўзи танлаб олған тараққиёт йўлига қатъий ишончидан яна бир далолат, деб биламан.

Сайловолди жараёнларида, сайловлар чоғида оддий сайловчилар, оддий фұқаролар томонидан билдирилган фикрлар, бошидан турли синовларни кечирган, күп-күп раҳбарларни кўрган, бир сўз билан айтгаңда, ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини татиган кишиларнинг чин кўнгилдан айтган сўзларини эшлитиб, одамнинг қалбини беихтиёр шундай бир туйгу, ҳиссиёт чулғаб олар эканки, буни сўз билан ифода қилиш қийин.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу тарихий дақиқаларда бутун халқимизга қалбимдаги тўлиб-тошиб турган гапларимни айтмоқчиман: менга билдириган хурмат-эҳти-

ромингизни, юксак ишончнингизни қадрлайман, умрбод юрагимда сақлайман.

Мен ҳаётимни сизларсиз асло тасаввур қилолмайман. Сизларнинг тақдирингиз – менинг тақдирим. Сизларнинг баҳтингиз – бу менинг баҳтимдир.

Мұхтарам халқ нойблари!

Бугун биз мустақил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаёти-да мұхим ўрин ва мавқега, юксак обрўга эга бўлган, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида катта хизмат қилаётган Олий Мажлисимиzinинг янги чақириқ биринчи сессиясининг очилишида иштирок этяпмиз.

Шу фурсаатдан фойдаланиб, сиз – азизларни халқимизнинг ишончига сазовор бўлганингиз билан чин юрақдан муборакбод этаман. Она Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда сизларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, катта омадлар тилайман.

Биз бугун мустақил тараққиёт йилларида тўплаган таж-рибаларимизга таяниб, ҳаётимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш йўлида давлат ва жамият курилишининг энг асосий мақсад ва вазифаларини, оддимизда турган биринчи галдаги мұхим масалаларини аниқлаб олмоғимиз зарур.

Содда қилиб айтганда, яқин келгусидаги фаолиятимизнинг бош мақсад ва мазмунини белгилаб олишимиз керак.

Бу – сиз билан бизнинг, одамлар ўз тақдирини, мамлакат истиқболини, юрт фаровонлиги ва осойишталигини, ҳар бир хонадон ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш вазифасини ишониб топширган халқ вакилларининг муқаддас бурчидир.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгарылыш бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакилантиришдан иборат.

Бу – лўнда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўронча нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш.

Мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг барча ҳукук ва эркинликлари ка-

*фолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш йўлни изчил давом этишини демакдир.*

*Шу билан бирга, биз ҳалқимизнинг асрий олижаноб айъаналарига, мұқаддас динимизнинг инсонпарварлық мөхиятига, миллий қадрияттаримизга доимо содиқ қолишими демакдир.*

Табиий савол туғилади: бу улуғвор мақсадларга, орзуниятларимизга эришиш учун жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ этишининг ҳозирги янги босқичида биз ўз олдимизга қандай вазифаларни кўйишимиз керак?

Қайси масалалар давлат, ижтимоий тузилмалар ва маҳаллий ҳокимлик идораларининг дикқат марказида турмоги, парламентимиз қонунчилик фаолиятининг асосини ташкил этмоғи лозим?

### I. Сиёсий соҳада:

Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чукурлаштириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, унинг изчилиги ва самарасини таъминлаш — мамлакатимизда амалга ошириләтган сиёсий ислоҳотларнинг мазкур босқичида олдимизда турган энг долзарб вазифадир.

Бу борада куйидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор беришимиз зарур:

**Биринчи.** Мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият курилишини эркинлаштириш.

Бу жараёнда, аввало, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рӯёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратиш лозим.

Бунда одамларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, ўз манфаатларини рӯёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш хукукини ривожлантириш ва амалда намоён қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қара-ма-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўргасидаги мувозанатни

таъминлайдиган самарали механизмни шакллантирсак, ҳаётимизнинг барқарор ва мустаҳкам тараққиётини муқаммал кафолатлаган бўлар эдик.

**Иккичи.** Шунга эришиш керакки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўп partiya вийлик мухити қарор топиши даркор.

Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим.

Амалдаги кўп partiya вийлик -- бу ҳар хил қарааш ва гоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир.

**Учинчи.** Нодавлат тузилмалар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор толтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вазифасини бажариши керак.

**Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаолиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур.**

**Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини омириши, уларга кўпроқ ҳукуклар бериш катта аҳамият касб этади.**

Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ҳам айнан мана шу масала ташкил қиласди.

**Тұрттыңчи. Жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашибалар ранг-баранглиги, уларни әркин ифода этиш шароитини таъминлаш.**

Бунда, мен яна тақрор айтаман, оммавий ахборот воситалари жамиятимиздә ҳақиқиit “тұрттыңчы қокимият”та айланышы, фуқароларнинг сиёсий ҳукуқ ва әркинликларини рүебга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак.

Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини әркин ифода қилиш, ахборот олиш, давлат ва жамият курилишининг ўта мұхим масалаларини мұхокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш демакдир.

**Бешинчи. Инсон ҳукуқлари ва әркинликларини, одамларимиз онгіда демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.**

*Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобиляятыға таяниб яшайдиган, атрофидә рўй берастган соқеа-ходисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий мағафаларини мамлакат ва ҳалқ мағафалари билан ўйғун ҳолда кўрадиган әркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор.*

Айни вақтда фуқароларнинг ҳукуқ ва әркинликларини ҳимоя қилишга қаратилған давлат ва жамоат ташкилотлари тизимини янада такомиллаштириш лозим.

## II. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида:

Биринчидан, қокимият тизимлари бўлинишининг конституцион принципига амал қилинишини таъминлаш. Конун чиқарувчи қокимият — Олий Мажлис ва жойлардаги вакиллик органлари бўлган вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг Конституция ҳамда қонунларда уларга берилган ваколат ва назорат вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишига эришмоқ зарур. Суд қокимиятининг мустақиллигини ва фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш даркор.

Давлат қурилиши муаммолари ҳақида гапирав эканмиз, шуни яхши англаш олишимиз лозим: давлатнинг куч-

қудрати бошқарувнинг барча ваколатларини ўз зиммасига олиши ҳамда давлат идораларининг ҳукм ва тазийәттаги орган сифатидаги вазифаларини кучайтириш билан белгиланмайди.

*Давлатнинг куч-қудрати – аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатилиши учун шартшароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳияттини рӯёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинилиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб беринг қобилияти билан ўтчанди.*

Иккичидан, маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини кучайтириш.

Бутунги кунда мамлакатимизда маъмурий бўлиниш ва ҳокимият тузилмалари бошқарувнинг етарли даражада ихчам тизими ишлаб чиқицди. Уларнинг юқоридан қўйига ва ўзаро муносабатлари тартиби белгиланди.

Эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги демократик ва бозор ислоҳотларини амалга оширишга тўсиклов бўлиб турган бошқарувнинг кўпгина ортиқча маъмурий ва бюрократик бўғинлари, давлат ва идора тузилмалари ўзгартирилди ёки тутатилди.

Шу билан бирга, марказда ва жойларда амалдаги бошқарув тизимининг ҳар бир бўгини ўз вазифаси, ваколатлари ва масъулиятини яхши ва чукур англайдиган, уни юқори малака билан бажарадиган яхлит самарали механизм сифатида фаолият кўрсата олмаётганини ҳам тан олиш керак.

Бу бошқарув бўғинлари ижтимоий тараққиёт ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг долзарб ва истиқболли муаммоларини ҳал этиш ўрнига кўпинча кераксиз назорат ва буйруқбозлик билан шуфулланмоқда.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида суюги қотган ижрочилар қарор қабул қилишда мустақил, масъулиятни зиммасига олган ҳолда фаолият ва ташабbus кўрсата олмаяпти. Улар ҳамон юқоридан кўрсатма кутиб ўтириш одатидан халос бўлолмаяпти.

Биз давлат тузилмалари ва хукуқни муҳофаза қилиш идораларидағи нохуш ҳолатлар — ақоли күз ўнгидә ҳокимиятни обруқсизлантираётган пораҳүрлик, таъмагирлик ва коррупция күринишлари билан бундан буён асло муроса қила олмаймыз.

Биз бундай иснод келтирувчи ҳодисаларга қарши бутун жамият билан биргаликда кескин курашмоғымыз даркор.

*Бу ерда гап мамлекатимизда демократия тамоилиларга асосланған, аевало, амалдаги Конституция ва қонуктарга мұвоғиқ фаолият юритадиган, ҳеч қандай мансабдорлар, ҳатто, зиярәт күзгә күринган вазифада ўтирган шахсларник ҳам субъектив ҳоҳшы-истегінде қарал бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз маҳиятига кўра жамиятимизнинг оғзи сизжисига ҳалақит берадиган барча иллат ва эски асоратларни бартараф этишига ҳурби стадиган самарали тизимни бужудга келтириши ҳақида бормоқда.*

Шу билан бирга, бу тизим инқилобий ур-йиқитларсиз, тадрижий ривожланиш асосида, умуминсоний ва миллий тараққиёт қадриятларига таянган ҳолда фаолият кўрсатиши даркор.

Учнинчидан, ана шу тамоилилардан келиб чиқиб, биз кадрларни таңлаш, жой-жойига кўйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштиришимиз зарур.

*Бунда муайян лавозимга муносиб номзодлар орасидан энг муносибили таңлаш йўлидан боришимиз керак. Бунинг учун, биринчи наебатда, истеъододли, изланувчан, замонавий билимга эга, Ватанга, она заминимизга садоқатли ёшларга сўзда эмас, амалда кенг йўл очиб боришимиз шарт.*

Бу масала барча замонларда ҳам ҳеч қачон осонликча ҳал бўлган эмас. Одатда, бундай пайтларда субъективизм, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, қариндош-уруғчилик алоқалари ва бошқа кўп-кўп иллатлар намоён бўлади.

Афсуски, бу муаммони ҳал этишининг тайёр йўл-йўриклигини топиш қийин. Шунинг учун кадрлар таңлашнинг объектив тарзда ишлайдиган тизимини шакллантириш

йўлида кент жамоатчилик билан биргаликда ҳали кўп ишлашимиз зарур.

Бу борада етакчи шимий марказлар, ўкув даргоҳлари, турли муассаса ва идораларда мамлакатимиз тараққиёти билан боғлиқ мұхим ва долзарб, ҳал қылувчи муаммолар таҳлилига бағишиланган амалий семинарлар ўтказишнинг аҳамияти катта, деб ўйлайман.

Айни вактда буидай семинарлар мунтазам фаолият кўрсатиши, уларга имкон қадар кўпроқ истеъдод эгаларини жалб этиш лозим.

### III. Иқтисодиёт соҳасида:

Биринчидан, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш.

Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни англатади.

*Иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа — энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини — функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат.*

*Айниқса, хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш лозим. Умуман, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмиларига кўпроқ эркинлик бериш зарур. Бунинг учун тегимли хукуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратишмиз керак.*

Асосий эътиборни институционал ўзгаришларга, молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чукурлаштиришга, ривожланган бозор инфратузилмасини яратишга, рақобат мұхитини шакллантиришга қаратмомиз даркор. Банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, бу соҳадаги ислоҳотларни чукурлаштириш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш талаб этилади.

Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим.

Бозор инфратузилмасига хос барча муассасаларнинг ривожланиши устувор аҳамият қасб этмоғи зарур. Бунда бизнес хизмати билан узвий боғлиқ бўлган консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, сұфурта тизимлари ва бошқа тузилмалар фаолиятини кучайтириш мұхим аҳамият қасб этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ташқи иқтисодий фаолиятни, биринчи галда, валюта бозорини эркинлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Биржадан ташқаридаги валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, тијорат банкларининг валюта захираларини кўпайтириш — бугунги кундаги бош йўналишдир.

Биз яна бир мұхим вазифа — миллий валютамизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини, яъни конвертациясини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитларни яратмоғимиз даркор.

Бунда аҳолига ва корхоналарга валюта қийматининг ўзариди туриши натижасида таъсир этиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ҳимоя қиласидан тегишшли кафолатларни яратиш, алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда давлат валюта захираларини шакллантириш алоҳида аҳамиятта эга.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнини янада чукурлаштириш ва шу асосда аманда мулкдорлар синфини шакллантириш. Бу жараёнга тармоқни ташкил қилувчи ийрик корхоналарни жалб этиш.

*Биз — хусусий мулкнинг миңеси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш тарафдоримиз.*

*Дунё тажрибаси шундан далолат берадеки, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчилликни ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласиди.*

*Бу мұаммо, бу масаланинг қышлоқ ҳўжалик соҳасида ечилиши, яъни дехқоннинг ерга, мулкка, ўзи ишлаб чиқараладиган.*

*диган маҳсулотга эгалик ҳиссиётини қарор топтириш ало-хода аҳамият касб этади.*

Учичидан, мамлакат иқтисодиётiga хориж сармоясими, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳукуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш тақозо этилмоқда.

Хориж сармоясимиning иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларда, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация жарабёнини жадаллаштиришда фаол иштирок этишига эришмоғимиз зарур.

Салоҳиятли хорижий шерикларимиз билан яна ҳам фаол ва изчил иш олиб бориш, улар билан ҳамкорликда замонавий, дунё бозорида рақобатта бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги янги қўшма корхоналар тузиш лозим.

*Шунга эрмисиши керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда бизнес билан шугууланишга интилганининг барчаси учун энг маъқул ва қулай иқтисодий макон бўлиб қолсин.*

Тўртингидан, кичик ва ўрга бизнес иқтисодий тараққиётимизда устувор ўрин олиши даркор.

*Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялни ички маҳсулот ишлаб чиқартида нафақат ҳал қылувчи маёзе эгаллаши, айни вактда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айлананишга эришмоғимиз лозим.*

Кичик ва ўрга бизнес ҳамда тадбиркорлик хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини сифатли қайта ишлаш, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, аҳолига хизмат кўрсатишда муҳим ўрин эгаллаши керак.

Кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиш лозим. Бунинг учун кичик ва ўрга корхоналарни тузиш шартларини соддалаштириш, тадбиркорлик тузилмаларининг хом ашё ва кредит захираларидан, асбоб-ускуна ва материаллардан доимий фойдалана олиши тартибларини эркинлаштириш даркор.

Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг банклар, бошқа бозор тузилмалари ва йирик корхоналар билан кундалик алоқаларини амалда мустаҳкамлаш, уларни ҳақиқий шерикчилик муносабатларига айлантириш лозим.

Кичик ва ўрта корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг мамлакатимиз ичкарисида ҳам, хорижда ҳам бозорини ташкил қилиб бериш, тегишли савдо шароитларини вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратишимиш зарур.

*Энг асосийси — кичик бизнесни унинг хўжалик фаолиятига асоссиз равишда арада шудиган, уларни қўллаб-куватлаш ва ривожлантишига ёрдам кўрсатиш ўрнига, ҳалакит берадиган турини хил назорат идораларини тартибга чақиришимиз керак.*

Шу билан бирга, кичик бизнес соҳаси учун билимдон, юқори малакали бошқарувчи қадрлар тайёрлашни ташкил этиш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бешинчидан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимиға кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида рақобатбоп ва экспортбоп тайёр маҳсулотларнинг тури ва саломгини кўпайтишишимиз, жадал ҳаракат қилиб, жаҳон бозоридан ўзимизга муносиб мустаҳкам ўрин эгаллашимиз керак.

Бунинг учун мавжуд омил ва имтиёзларга кўшимча равишда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириши, рақобатта бардошли маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишни рағбатлантиришга қаратилган аниқ чоратадбирларни амалга оширишимиз керак.

Олтингчидан, мамлакатимиз иқтисодий мустақилигиги ни янада мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Бу, ўз навбатида, бой табиий захираларимиз, минералхом ашё, меҳнат ресурсларимиздан, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланишини тақозо этади.

Иқтисодиётда мукаммал технологик жараённи ўз ичи-  
га олган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва  
қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сифатли қайта ишлайди-  
ган кувватлар етакчи ўринда туриши зарур.

Бу жараёнда маҳаллий хом ашё ва табиий имкониятлар  
асосида ишлайдиган, илғор замонавий технологияларни  
жорий этган ҳолда, нафақат ички, айни вақтда ташки бо-  
зорда ҳам рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чи-  
қарувчи тармоқларга асосий эътибор қаратилиши керак.

*Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаларими ривожлантириш,  
уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтириш зарур. Чун-  
ки бу соҳа янги иш ўримлари, хусусан, қишлоқда иш жойла-  
ри яратишминг мұхым омилендириш.*

Энг асосийси, одамлар турмуш даражасининг ўсиши  
хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожига боғлиқ бўлиб, у  
аҳолининг даромадларини оширишда ҳам салмоқли ман-  
ба бўлиб хизмат қиласи. Афсуски, биз бу имкониятдан  
ҳали тўлиқ фойдалана олмаяпмиз.

#### IV. Маънавият соҳасида:

*Биринчидан. Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз — миалий  
қадрларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миалий юя  
ва мағжурани шакллантириш, мұқаддас динамизминг маъ-  
навий ҳәётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мус-  
тақилич ыншаридан боллаган эзгу ишларимизни изчилик  
билан давом этитириш, уларни янги босқичга кўтариш ва  
татысирчанлигини кучайтиришдир.*

Ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос  
хусусиятларини инобатта олган ҳолда, умумий гаплар би-  
лан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш  
дикқатимиз марказида бўлиши шарт.

Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади — ий-  
мон-эътиқоди бутун, иродаси бакувват эркин фуқаро маъ-  
навиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга  
эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий та-  
факкурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил ин-  
сонни тарбиялашдан иборат.

**Иккичи масала — жамиятимизда шаклланиб бораётган кўпартиявийлик, кўпфикрлилик шароитида ҳар қайси фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қила олиши жамиятимизда рўй берадиган демократик ўзгаришларнинг негизи бўлмоғи керак.**

**Лекин турли қарашиб фикрга эса бўлган ижтимоий қатлемалар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғулаштирувчи тоя — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ҳалқ манфаати — барчамиз учун бирдек муқаддас бўлниши шарт.**

Том маънода мана шундай олижаноб туйгулар миллий тоя ва миллий мафкурамизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор.

Бу борада бугун шакл топаётган миллий мафкура концепциясини минг йиллик миллий қадриятларимизни хозирги замон умумбашарий талаблари билан уйғулаштирган ҳолда яратиш ва одамлар тафаккурига сингдириш олимларимиз, файласуф ва сиёсатшуносларимиз, умуман, илмий жамоатчилигимизнинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

**Учинчидан. Биз ислом дини ота-боболаримиз дини эканни, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диннат, ҳам маърифат эканни доимо юксак қадрлаймиз. Ҳалқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диннамизни мухтасар ифодалаб, айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Динга ҳурмат ва эътиқод — биз учун ўлмас қадриятдир.**

Шу муносабат билан такрор айтаманки, биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Айни пайтда муқаддас динимиз шаънига доғ тушиromoқчи бўлган, ундан гаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишини истайдиган кимсалар ва кучлар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз.

**Тўртинчидан. 2000 йилни Соглом авлод йили деб зълон қилганимизнинг маъно-мазмунини, нировард аҳамиятини чукур англаган ҳолда, бу мақсадларимизни нафақат жорий йилда, балки келгуси даврда давлат сиёсати даражасига**

*күтариб, умумхалқ эзгу ҳаракатига айлантиришимиз даркор.*

Оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш масаласида аввал бошлаган ишларимизни амалда давом эттириб, янада юксак даражага кўта-ришимиз зарур.

**Бешинчидан.** Оддимизга кўйган энг эзгу мақсадларимиз билан узвий боғланган бугунги кундаги яна бир фоятда долзарб масала – Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш ва кучайтириш бундан бўён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Бу масала марказда ва жойлардаги давлат ва жамоат ташкилотларининг, биринчи галда, барча катта-кичик раҳбарларнинг энг муҳим вазифаси ва бурчи бўлмоғи зарур. Уларнинг фаолиятини, обрў-эътиборини баҳолашда бу масала ҳал қилувчи мезон бўлишини ҳеч ким унумаслиги лозим.

**Олтинчидан.** Яна бир муҳим вазифамиз – бу Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришга кўмаклашиб, уларга яратиб берилган имконият ва шароитларни янада кенгайтиришдан иборат. Шу орқали юртимизда қарор топган милллатлараро тутувлик ва барқарорликни саклаш, уни кўз қорачиғидай асрар – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Еттингчидан.** Ота-боболаримиздан колган эзгу удумга мувофиқ, кексаларга хурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний қадриятни янги мазмун ва амалий ишлар билан бойитиш ва мустаҳкамлаш зарур.

Нуроний отахонларимиз, мунис оналаримизга ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиш, жажжи гўдакларга, азиз фарзандларимизга замӯрлик қилиш, уларни ардоқлашдек ҳалқимизга хос бўлган, асрлар давомида сақланиб келаётган олижаноб одатга ҳар биримиз содик бўлишимиз, уни асрар-авайлашимиз, ривожлантиришимиз ҳам фарз, ҳам қарзdir.

**V. Суд-хукуқ соҳасида:**

**Биринчидан.** Ҳукуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий хужжатларни танқидий баҳолаган ҳолда, ҳукуқий давлатни шакллантириши борасида биринчи галда қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий хужжатларни аниқлаб олишимиз керак.

**Иккинчидан.** Давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувининг барча бўғинларида қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи тизим яратиш учун зарур чора-тадбирларни кўришимиз лозим.

Бу, биринчи навбатда, қонунни ҳимоя қилувчи ва унинг ижроси назоратини таъминловчи органларга тааллуклидир. Яъни, ҳукуқ-тартибот органларининг ўзи қонунларга сўзсиз риоя қилишини таъминлашмиз лозим.

**Учинчидан.** Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоли сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиш керак.

**Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоги ва бунинг учун адвокатура идораларининг мақденини кўтарниш даркор.**

Суд ислоҳотини ўтказиши жараёнида жиноий ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бу масалаларни ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш зарур.

Бу, албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлитини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди.

**Тўртнинчидан.** Аҳодимиз, айниқса, ёшларнинг ҳукуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини кенг кўламда амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлайман. Токи ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳукуқини билсин ва уни ҳимоя қила олсин.

## VI. Ташқи сиёсат соҳасида:

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятининг асосини давлат миллӣ манфаатларининг устуворлиги, ҳалқаро ҳукуқ мезонлари, тенглик ва бошқа мамлакатларниң ички ишларига аралашмаслик, барча баҳсли масалаларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш каби жаҳон миқёсида эътироф этилган тамойиллар ташкил қиласди.

Ташқи сиёсатни амалга оширишдаги асосий вазифалар бундан бўён ҳам ўзгармасдан қолади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг яқин келгусидаги устувор йўналишлари кўйидагилардан иборат:

Биринчидав, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш.

Бугунги кунда бизнинг барча ташабbus ва саъй-ҳараларимиз минтақамизга тажовузкорона ҳатти-ҳаракатлар, диний экстремизм, ақидапарастилик ва ҳалқаро террорчиликнинг ёйилиш хавфи кучайиб бораёттанини кенг жамоатчиликка тушунтиришга қаратилмоқда.

Тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро тутувлик ва минтақамиз ҳалқлари ҳамда давлатларининг анъанавий дўстлигига, ҳамхидатлигига таҳдид соловчи бу жиддий хавфни бартараф этиш бўйича кўшини мамлакатлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўриш — бугунги кунда энг долзарб вазифамиздир.

Марказий Осиёда ядро куролидан ҳоли бўлган худудни барпо этиш ташабbusини амалга ошириш минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Бу ҳақдаги Шартномани тайёрлашдаги доимий иштироки ва ёрдами учун биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, ядро куролига эга бўлган қудратли давлатларга, барча манфаатдор мамлакатларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Иккинчидан, кўп йиллар давомида чўзилиб келаётган афғон муаммосининг ҳал бўлиш масаласи барчамизни ташвишга солмоқда. Бунинг натижасида кўпорувчилик, ҳалқаро террорчилик, наркобизнес, минтақамиз ва унинг ташқарисига ноқонуний йўллар билан курол олиб кириш ва

сотиш каби хавф-хатарлар сақланыб келаётганини биз яхни англаб олишимиз даркор.

Шу муносабат билан биз “6+2” гурухига аззо мамлакатлар томонидан қабул қилинган “Афғонистондаги мажарони тинч йўл билан бартараф этиш принциплари ҳақидаги Тошкент декларацияси”ни кўпмиллатли Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик йўлларини излашнинг универсал дастури, деб биламиз.

Мазкур декларацияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида қабул қылгани учун бу нуфузли ташкилотга ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Афғонистон муаммосини ҳал қилишга Покистоннинг янги маъмурияти ижобий ёндашаёттани мазкур масалани тезроқ ечишга самарали таъсир этади, деган умиддамиз.

Учичидаи, *биз шунга аминмизки, мамлакатимизда ривожланган базор иқтисодиётига асосланган фаровон демократик давлат барпо этишдек олий мақсадга эриншомимиз учун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг мінъ ёсда интеграциялашувини таъминлаш зарур.*

Жаҳоннинг энг тараққий топган мамлакатлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш, етакчи халқаро иқтисодий, молиявий ҳамда инсонпарварлик ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараённининг ажralmas қисмидир.

Америка Кўшима Штатларидек улкан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятта эга бўлган мамлакат билан ҳар томонлама муносабатларни бундан кейин ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш — биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга.

Биз бундан бўён ҳам мамлакатимизнинг етакчи Европа давлатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳаракатимизни аямаймиз.

Иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқаларга, шунингдек, изчил сиёсий мулоқотларга кенг имкониятлар очиб берадиган Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги Битимнинг амалга оширилишига алоҳида аҳамият берамиз.

Осиё миңтақасидаги давлатлар билан, аввало, Япония, Корея Республикаси билан күп қырралы ҳамкорлигимиз ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, күшнимиз ва дүстимиз бўлган буюк давлат — Хитой Халқ Республикаси билан алоқаларимиз тобора мустаҳкамланаётгани бизга катта мамнуният баҳш этади.

Россия билан тарихан қарор топган иқтисодий, маданий, дўстлик алоқаларимиз Ўзбекистон учун, қолаверса, бугун миңтақамиз учун ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган.

Шуни таъкидлашни истардимки, тенглик, ўзаро манфаатдорлик асосига курилган, икки давлат орасидаги күп томонлама ҳамкорлик, стратегик шерикликни кучайтириш учун бугун янги имкониятлар пайдо бўлаёттани ҳар икки томон — Россия ва Ўзбекистон манфаатларига ҳам мос келади.

## VII. Ҳавфсизликни таъминлаш соҳасида:

*Демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, маънавий тараққиётга эришин, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг асосий шарти ва гарови — мамлакатимизнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида то туаликни сақлаш ва кўз қорачигидай асраршадир.*

*Бу ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз керак.*

Бугунги кунда бизнинг миңтақамиз, шу ҳудудда жойлашган мамлакатларни демократик, хукукий, дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган турли хил экстремистик кучлар ва марказларнинг бу ердаги ҳавфсизликка раҳна солиши учун кўз тиккан жойи бўлиб қолмоқда.

Бу ёвуз кучлар диний экстремизм ва халқаро террорчиликни миңтақамизга ёйишга уринаётгани шундан да-лолат беради.

Гиёҳванд моддалар ва курол-яроғларни ноқонуний йўллар билан олиб ўтиш ва сотиш нафақат миңтақамиз, балки бугун дунё ҳавфсизлигига жиҳдий таҳдид солмоқда.

Минтақамизда ва дунёда юзага келган вазият бугунги кунда биздан чегараларимиз дахлсизлигини, мамлакатимизнинг худудий яхлитлигини, Ўзбекистоннинг изчил ва барқарор тараққиётини амалда таъминлашга қодир бўлган хавфсизлик тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш учун куйидаги масалаларни ҳал қилиш алоҳида аҳамият қасб этади:

*Биринчи. Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлагига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қызувчи тажсовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиши борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу йўлдаги савъ-ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимdir.*

Бу хавфни бартараф этиш учун одамларнинг, мана шу худуддаги мамлакатлар жамоатчилигининг ҳушёргиgi и faoliyigini kuchaytireshga qaratilgan chora-tadbirlarни amalga oshiriш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Халқларимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойиштариликка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чукур сингдирив бориши керак.

Халқларимиз тафаккурида юксак ахлоқий-маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши курашга сафарбар этиш зарур.

Мен Марказий Осиёда яшовчи турли миллат ва элатларнинг асрлар мобайнида шаклланган маънавий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш минтақамиз хавфсизлигининг муҳим шарти эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

*Иккинчи. Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий ҳамкорлик миқёсларини ҳар томонлама кенгайтириш.*

Биз иқтисодий лойиҳаларни, биринчи гаъда, минтақанинг бой табиий захираларидан, энергетика ва сув манбаларидан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ

ва нефть тармоқларини барпо этиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш каби соҳаларга тегишили аниқ лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш борасида куч ва имкониятларимизни бирлаштиришимиз лозим.

Айнан мана шу соҳаларда ҳамкорлик қилиш Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг манбаатларига мос келиши шубҳасиз. Бу ҳамкорлик бутун минтақанинг кучли ижтимоий-иқтисодий юксалишига, шу билан бирга, унинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва ривожланишига мустаҳкам асос яратган бўлур эди.

*Учинчи. Ягона давлат сиёсати асосида армия, чегара ва ичка қўшимларимизни босқичма-босқич ва изчили ислоҳ этиши.*

Биз энг юксак талабларга жавоб берадиган, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли тарзда ҳимоя қила олишга қодир, тезкор, етарли даражада таъминланган ва яхши куролланган, профессионал тайёргарликка эга бўлган Куролли Кучларимизни шакллантиришимиз даркор.

**Тўртинчи.** Давлат чегараларимизни янада мустаҳкамлаш ва унга тегишили ишшоотларни барпо этиш.

Давлат чегараларини кўриқлаш ва ҳимоя этишга қаратилган бутун тизим мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини саклаши, бузғунчи-террорчи гурухлар ва қўпорувчи унсурларнинг сарҳадларимиздан ўтишига йўл қўймаслиги, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манбаатлари ҳимоясини таъминлаши шарт.

**Бешинчи.** Хавфсизликнинг бўлинмас ва яхлитлиги ҳақидаги бош принципга таяниб, Террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ барпо этишга оид Ўзбекистон ташаббусини амалга ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш.

Марказий Осиёдаги барқарорлик ва тинчликни издан чиқариши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича бу муҳим масалага халқаро тузилмаларнинг эътиборини ошириш борасидаги таклифларимизни амалда жорий этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш даркор.

**Олтичи.** Ҳукуқ-тартибот органлари тизимини ислоҳ этиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш.

Жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, биринчى галда, маҳаллаларнинг ролини янада ошириш зарур.

Маҳалла кўмиталарининг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа файриқонуний хатти-ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлидаги сайд-ҳаракатларини кўллаб-кувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда биз “Чегара посбонлари” ва “Маҳалла посбонлари” каби фуқаролик тузилмаларининг кучли салоҳиятидан тўла фойдаланишимиз лозим.

Бу тузилмалар сафига кенг оммани жалб этиш, уларнинг тайёргарлигини кучайтириш ва чегара қўшинлари ҳамда ҳукуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлигини таъминлашимиш зарур.

*Жамоат тартибини ва фуқароларнинг ўз шахсий хавфсизлигини сақлами уларнинг хушёр ва огоҳлигига, теварак-атрофида рўй берадиган воқеаларга фаол муносабатига нақадар боек, эканини одамларнинг онгига етказиш ўта муҳимдир.*

*Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда, умумий хонадонимиздаги тинчлик ва осойиншатликини асрараш йўлида аҳоли фаолигини ошириш лозим.*

*Азиз юртдошларим!*

*Халқимиз, миллатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз. Шуни унутмаслигимиз керакки, ягона Ватанимизнинг равнаки, юртимиз тинчлиги ва фаровон келаражагимиз фақатгина ўзимизнинг кўллимиздадидир.*

Захматкаш ва фидойи халқимизнинг меҳнати, эзгу интилишлари билан кириб келаётган янги юз йиллик юрти-

## **ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ**

---

миз учун чинакам юксалиш ва саодат асри бўлғай, иншо-оллоҳ.

**Азиз қадрдонларим!**

Инсон учун халқнинг ишончи, меҳр-муҳаббатига са-зовор бўлишдан ортиқ баҳт йўқ. Бугун мана шу юксак ва мўътабар минбардан туриб, кўлимни кўксимга кўйиб, менга билдирган улкан ишончи, хурмат-эътибори учун меҳнаткаш, бунёдкор, бағри кенг ва доно халқимизга таъ-зим қиласман.

Мен ўзимнинг энг эзгу мақсадим, ҳаётимнинг маъно-мазмунини бошлиган ижобий ишларимизни давом этти-риш, ҳар бирингизнинг эртанги кундан кутаётган орзу-умидларингизни рӯёбга чиқариши йўлида хизмат қилиш, деб биламан.

Мен учун бундан бошқа олий мақсад, бошқа улуғ сао-дат йўқ.

Барчангизга соғлиқ-омонлик, хонадонларингизга кут-барака тилайман.

**Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**

**Эзгу ишларимизда Яратганинг ўзи мададкор бўлсин!**

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлисининг  
биринчи сессиясидаги маъруза,  
2000 йил 22 январь*

---

## **ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИККИНЧИ ЙИФИЛИШИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

**Ассалому алайкум, азиз дўстлар!**

**Мұҳтарам халқ депутатлари!**

Сизларга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси ва “Вазирлар Маҳкамаси ҳақида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси янги сайдланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Конституциямизга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг янги таркиби Президент томонидан Олий Мажлис депутатлари тасдигига кўйилади.

Ҳукуматнинг янги таркиби ҳақида гапиргандা, мен бу масаланинг кўйидаги муҳим томонларига сизларнинг алоҳида эътиборингизни жалб қўлмоқчиман.

Аввало, бугунги кунгача фаолият кўрсатган Вазирлар Маҳкамасининг сон жиҳатдан таркиби тўғрисида айтиб ўтиш жоиз.

Маълумки, олдинги таркибда ҳукумат аъзоларининг сони ўтиз етти нафардан иборат эди. Яъни Бош вазир ва унинг муовинлари, ўн бешта вазир ва ўн битта давлат қўмитасининг раиси лавозимлари бор эди.

Конституциямизнинг 98-моддасига биноан Қорақалпогистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Бугун Олий Мажлис тасдигига Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ўтиз тўрт лавозимдан иборат ҳолда таклиф қилинмоқда.

Учта лавозим, шу жумладан, Бош вазирнинг битта ўринbosari ва икки нафар давлат қўмитаси раиси лавозимла-ри қисқартирилмоқда.

Бош вазирнинг транспорт ва алоқа соҳалари бўйича муовини лавозими қисқартирилиб, унинг вазифалари Бош вазирнинг энергетика соҳасини бошқарадиган ўринбосари зиммасига юклатилмоқда. Давлат ўрмон кўмитаси билан Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат кўмитаси қисқартирилди.

Давлат ўрмон кўмитаси ўрнига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида Бош бошқарма ҳамда Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат кўмитаси ўрнига маъсус агентлик ташкил қилиниши кўзда тутилмоқда.

Эътибор берган бўлсангиз, Бош вазирнинг янги таркибда қолаётган тўқиз ўринбосаридан тўрт нафаригина бевосита мана шу ишни, яъни Бош вазир муовини вазифасини бажаради. Қолдан бештасига эса улар бошқарадиган соҳаларнинг аҳамияти ва мавқеига қараб, уларнинг таъсирини кучайтириш мақсадида Бош вазир муовини лавозими кўшимча тарзда берилган.

Бутун сизнинг тасдиғингизга тавсия қилинаётган таркибда, шунингдек, Бош вазир ўринбосари – Макроиктисодиёт ва статистика вазири вазифасини бажарувчи шахсга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари мақоми берилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, тавсия этилаётган номзодлардан фаҳаттина икки нафари – Мираброр Усмонов ва Дилбар Гуломова Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида тасдиқланган бўлиб, қолган Бош вазир ўринбосарлари эса бу лавозимларга кейин тайинланган.

Ўтган давр мобайнида ўзига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажаролмаган, ишда ўзини кўрсата олмаган бир қанча ҳукумат аъзолари бошқа ишга ўтказилди ёки лавозимидан озод этилди.

Ўз навбатида ҳозирги замонавий талабларга жавоб берадиган, янгиликка интиладиган, амалий ишлари билан кўзга кўринган ёш кадрлар раҳбарлик лавозимларига тайинланди ва бугунги кунда бу юксак ишончни оқлашга ўзиши, ўз фаолияти билан ҳаракат қилмоқда.

Бу ўзгаришларни Олий Мажлис депутатлари ўз ваколатига асосан тасдиқлаган ва бу ҳақда жамоатчилигимиз хабардор.

Бугун иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясиға янгидан тасдиқланётган номзодлар қаторида Бош вазир ўринбосарларидан – Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажараётган Ўқтам Исмоилов номзоди қўйилмоқда. Айни вактда, у Бош вазир ўринбосари лавозими билан бирга Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раислигига тавсия этилмоқда.

Бу номзодни таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир. Нима деганда, уни кўпчилик депутатлар яқиндан танийди, деб ўйлайман. Бу киши олдин ҳам мамлакатимиз миқёсида кўп раҳбарлик вазифаларини, шу жумладан, Бош вазир ўринбосари вазифасини ҳам бажарib келган.

Энди вазирликлар ва давлат қўмиталарига тўхталиб ўтсак.

Вазирликлар ва давлат қўмиталари раҳбарлигига тавсия этилаётган номзодларнинг фақатгина беш нафари биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида, ўн тўрт нафари кейинги сессияларда тасдиқланган.

Қолган беш нафар номзод эса янгитдан сизнинг тасдигингизга ҳавола этилмоқда.

Шундай қилиб, бугун сизнинг тасдигингизга Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ва шу лавозимларга кўрсатилаётган номзодлар қўлингиздаги маълумотлар бўйича тавсия қилинмоқда.

Яъни:

1. Бош вазир лавозимиға Султонов Ўткир Тўхтамуродович;
2. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари – Макроиқтисодиёт ва статистика вазири лавозимиға Ҳамидов Бахтиёр Султонович;
3. Бош вазир ўринбосари – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимиға Олимжонов Бахтиёр;
4. Бош вазир ўринбосари лавозимиға Исаев Анатолий Нигматович;
5. Бош вазир ўринбосари – Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси лавозимиға Исмоилов Ўқтам Кўчкорович;

6. Бош вазир ўринбосари лавозимига Кароматов Ҳами-  
дулла Сайдуллаевич;

7. Бош вазир ўринбосари лавозимига Отаев Валерий  
Йўлдошевич;

8. Бош вазир ўринбосари лавозимига Усмонов Мир-  
аброр Зуфарович;

9. Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон автомобиль  
йўллари куриш ва фойдаланиш давлат-акционерлик кон-  
церни бошқарувининг раиси лавозимига Юнусов Рустам  
Расулович;

10. Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қиз-  
лар кўмитаси раиси лавозимига Фуломова Дилбар Муҳам-  
мадхоновна номзодлари тавсия этилмоқда.

Вазирлар ва Давлат қўмиталари раислари лавозимига  
эса:

11. Адлия вазири лавозимига Полвонзода Абдусамад  
Абдулхамидович;

12. Ижтимоий таъминот вазири лавозимига Обидов  
Оқил;

13. Ички ишлар вазири лавозимига Алматов Зокиржон;

14. Коммунал хизмат кўрсатиш вазири лавозимига  
Муҳаммедов Фофуржон Каримович;

15. Маданият ишлари вазири лавозимига Жўраев Хай-  
рулла;

16. Меҳнат вазири лавозимига Иброҳимов Шавкат Фу-  
ломович;

17. Молия вазири лавозимига Азимов Рустам Содико-  
вич;

18. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири лавозимига Фу-  
ломов Саидахрор Саидаҳмедович;

19. Соғлиқни саклаш вазири лавозимига Назиров Фе-  
руз Фофурович;

20. Ташқи ишлар вазири лавозимига Комилов Абдула-  
зиз Ҳафизович;

21. Ташқи иқтисодий алоқалар вазири лавозимигаFa-  
ниев Элёр Мажидович;

22. Фавқулодда вазиятлар вазири лавозимига Қосимов  
Баҳодир Эргашевич;

23. Халқ таълими вазири лавозимига Йўлдошев Жўра Фаниевич;
24. Энергетика ва электрлаштириш вазири лавозимига Шоисматов Эргаш Раҳматуллаевич;
25. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси лавозимига Хўжаев Баҳодир Эргашевич;
26. Давлат божхона қўмитасининг раиси лавозимига Орипов Сайдазим;
27. Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасининг раиси лавозимига Аҳмедов Нурмуҳаммад;
28. Ер ресурслари давлат қўмитасининг раиси лавозимига Курбонов Эргаш;
29. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси лавозимига Маҳситов Баҳодир;
30. Давлат матбуот қўмитасининг раиси лавозимига Шоғуломов Рустам Шомуродович;
31. Давлат солиқ қўмитасининг раиси лавозимига Хўжаев Ботир Асадуллаевич;
32. Фан ва техника давлат қўмитасининг раиси лавозимига Ҳабибуллаев Пўлат;
33. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси лавозимига Тешаев Фоғуржон Қодирович номзодлари тавсия этилмоқда.

Уларнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти ҳақидаги маълумотнома сизларга тарқатилган.

Мудофаа вазири лавозимига номзод Олий Мажлиснинг кейинги сессиясига киритилади.

Яна бир мұдым масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Барчамизга маълумки, иқтисодиётимизнинг энг йирик, ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлган қишлоқ хўжалик содасининг ривожи ўзига алоҳида эътиборни талаб қиласди.

Шунинг учун ҳам бу тармоқни аввало маблаг билан тўлиқ таъминлаш, бу соҳага сармояларни тортиш, унинг молиявий аҳволини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, иқтисодий муаммо ва жумбоқларини ечиш ва қўмаклашиш мақсадида бу вазифа ва масъулият шу соҳани бошқарадиган Олимжонов Бахтиёр билан бирга Бош вазир-

нинг биринчи ўринбосари Ҳамидов Бахтиёр зиммасига юклатилади. Балки шу мақсадда ҳам Ҳамидовга Бош вазирнинг биринчи мувонини вазифасини топшириш кўзда тутилмоқда.

Хурматли депутатлар!

Азиз дўстлар!

Бутун Вазирлар Маъқамасининг янги таркиби ва шу лавозимларга кўрсатилаётган номзодларни Олий Мажлис тасдигига ҳавола қиласар эканман, сиз – ҳалқ’ноибларида табиий бир савол туғилиши мумкин: “Хўп, ҳукуматнинг янги таркиби биз учун аён бўлди, қайси вазифа нима учун кераклигини ўзимизга тасаввур қила оламиз. Лекин бу номзодлар ўзларининг инсоний хусусиятлари, курби-қобилияти жиҳатидан мана шу вазифаларга қай даражада муносиб?”

Хурматли ҳалқ ноиблари!

Бундай ташвишлар, бундай саволлар туғилишига асос борлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Негаки, ҳозирги шароитда, ўта масъулиятли бир даврда, ҳаёт мураккаблашиб, ҳалқаро аҳвол, ички ва ташки вазият тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда аввало раҳбарларга, биринчи навбатда энг юқори вазифаларда ўтирганиларга, жумладан, ҳукумат аъзоларига, бир сўз билан айтганда, етакчилик вазифасини ўз зиммасига олган шахсларга замон талаблари кундан-кунга ошиб бораётганини пайқаш, англаш қийин эмас.

Бугунги ўтиш даврида, яъни, олдин умуман кўрмаган, бошпомиздан ўтмаган муаммоларни ечишда, ноаниқ, мураккаб, илк бор дуч келаётган масалаларни ҳал қилишда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотларни қатъият билан амалга оширишда оғир масъулият аввалимбор ҳукумат аъзоси бўлган одамлар зиммасига тушади.

Ватанимиз ўз тараққиёти йўлида янги уфқлар ва янги мақсадларга интилаётган бир пайтда, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, яъни, ҳаётимизни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш даврида бу жавобгарлик ниҳоятда ортади.

Бугун шу лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар бир ҳақиқатни чукур англаб, ўз онгидан, юрагидан ўтказишилари керакки, одамларимизнинг эртанинг ҳаётдан кутаёттан орзу-умидларининг рўёбга чиқиши, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги бу раҳбарларнинг ўз вазифасини ҳалол ва малакали бажаришига, қолаверса, фидойилигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Одамлар ҳар қандай раҳбарни биринчи галда унинг фаолияти, ишнининг амалий натижасига қараб баҳолайди. Куруқ савлат ва баландпарвоз гашлар билан эмас, фақат шу ҳисобидан раҳбар обрў топиши, хурмат қозониши мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун тавсия этилаётган ҳукумат аъзоларига баҳо берар эканмиз, адолат юзасидан шуни таъкидлашимиз керакки, охирги тўрт-беш йил давомида ҳаётимизда қандай натижа ва ютуқларга эришган бўлсан, ўйтайманки, бунда зиммасига юклатилган вазифаларни ўз ўрнида адо этаётган вазирлар, қўмиталарнинг раислари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари ҳиссаси борлигини инкор этиб бўлмайди.

Ишда қандай айрим хатолар, муайян камчиликлар бўлмасин, кўз ўнгимизда амалга оширилаётган улкан ижобий ўзгаришларни тан олмаслик инсофдан бўлмайди.

Бугун мамнуният билан эътироф этишимиз керакки, жамиятимиз ҳаётида, жамоатчилик онгига олдинги бепарволик, лоқайдлик ўрнига, раҳбар шахс қандай мезонларга жавоб берини зарурлиги ҳақида аниқ ва қатъий фикр шаклланиб бормоқда. Одамларимиз олис қишлоқда ёки катта шаҳарда яшашидан, ишчи ёки зиёли эканидан қатъи назар, ҳозирги вақтда раҳбарларга алоҳида талаб кўзи билан қарамоқда.

Одамлар раҳбар курсисида ўтирганлардан биринчи навбатда:

Авваламбор, унинг ватанпарвар ва юртпарварлик фазилатларига эга бўлиши, она юртини чин қалбидан севиши ва ардоқлаши, эл-юрти учун ўзини аямаслиги, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлишини,

Ўз касб-корининг устаси, шу ишнинг чинакам билим-дени, бу борада бошқаларга ўринак бўлишини кутади.

Жамоатчилик, халқ раҳбар шахснинг мустақил дунё-қараши, кенг фикрлаши, узоқни кўра билиш қобилияти билан бошқалардан ажralиб туришини,

Иймон-эътиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, ор-номусли, ҳаром-хариш ишлардан ҳазар қиласиган, изланувчан, ташаббускор, тадбиркорлик фазилатига эга бўлишини, ташкилотчи, талабчан ва қатъиятли бўлишини истайди.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг: “Ишибилармон, мардлик ва шихоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбirsиз, лоқайд кишилардан афзалдир”, деган ҳикматининг бугун ҳам ниҳоятда долзарб эканини барчамиз сезиб-англаб турибмиз.

Халқимиз ўзини раҳбар деб биладиган одам, аввало, инсонни яхши кўриши, инсонни ардоқлашини ҳоҳлади. Одамларнинг ғам-ташвишларини юрагидан ўтказиб, уларнинг дардига дармон бўлмоини орзу қиласи.

Ҳаётнинг кўп асрлик тарихи ва кундалик турмушимиизда кўз ўнгимиздан ўтадиган кўп мисоллар, аччиқ сабоқлар асосида айтишимиз мумкин: ҳар қандай раҳбарлик мансабига кўтарилган одамни синайдиган оғир имтиҳонлардан бири шуки – атрофдаги уни ўраб оладиган хушномадгўй, лаганбардор, лаббайчиларнинг сохта мақтovидан ўзини сақлаб, мана шундай имтиҳонлардан одамийлигини, инсоний қиёфасини йўқотмасдан чиқишидир.

Халқимиз одамни синамоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр, деб бежиз айтмаган,

Агар раҳбар мана шундай талабларнинг ҳаммасига эмас, лоақал бир қисмига жавоб бера олса ҳам, албатта, бағри-кенг элимиз бундай одамни ардоқлади, бошига кўтаради, уни ҳимоя қилишга, унинг учун ҳатто жонини ҳам беришга тайёр бўлади.

Очиқ айтиш керакки, барчамиз ҳам ҳали бу юксак талабларга тўла жавоб бера олмаймиз. Лекин одамларимиз айнан шундай фазилатларни биздан – раҳбарлардан кутишини ҳеч қачон унумаслигимиз керак.

Афсуски, лавозим, вазифани худди ота-бобосидан қолган меросдек биладиган раҳбарлар ҳам учраб туради. Ҳаётимизда шундай кимсалар ҳали оз эмаслигини тан олишимиз ва бу каби ҳолатларга қарши курашмогимиз зарур.

Сизнинг тасдигингизга тавсия этилаётган номзодларнинг асосий заиф томонлари нимада, деб сўрасангиз, буни ҳам очик айтишпим мумкин.

Бу камчиллик Бош вазир Султоновга ҳам, бошқа ҳукумат аъзоларига ҳам тегишли бўлиб, уларда кўпинча масъулиятни ўз зиммасига олиш, доимо қатъиятли бўлиш хусусияти етишмайди.

Буларнинг ўзи яхши, билимдон, ҳамма нарсани тушунадиган, замон талабларини биладиган, одамлар билан муомаласи ҳам жойида бўлиши мумкин. Охирги йилларда, ўта мураккаб шароитда жамиятимизни янгилаш ва ислоҳотларни ҳаётта татбиқ қилиш йўлида бу инсонларнинг анчагина тажрибага эга бўлганини ҳам тан оламиз.

Лекин, мен шуни алоҳида ургу бериб айтишпим керакки, ҳукумат аъзоси бўлган бдамнинг, содда қилиб айтганда, отниң калласидай юраги бўлиши керак. У зарур пайтда масъулиятни ўзига ола билиши шарт. Бугун ҳаёт шуни тақозо қилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Биз Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи мажлисида наъбатдаги устувор мақсад ва йўналишларимизни аниқ белгилаб олдик. Ҳаётимизни эркинлаштириш, бошлаган ислоҳотларимизни чуқурлаштириш борасида парламент ва ҳукуматнинг вазифаларини олдимизга аниқравшан қилиб кўйдик.

Бугун жойларда бўлаётган мұҳокамалар, фикр алмашувлар шуни кўрсатяптики, ҳалқимиз бу соҳадаги йўлимизни кўллаб-куватлаяпти, унга ишонч билдирияпти.

Ҳаёт тез суръатлар билан давом этмоқда, унинг талаблари кескин ўсмоқда. Замоннинг бундай шиддатига чидаш, давр талаблари олдида заиф бўлмасдан юрти учун, Ватани учун ўзини аямай меҳнат қиласидиган фидойи инсонларгина бугун бу ҳаёт тўфонларига, ҳаёт синовларига бардош бера олиши мумкин.

Бу – аниқ. Бунга ҳаммамиз икрор бўлишимиз керак.

Шу муносабат билан мен яқинда телевидение орқали берилган бир кўрсатувда муҳтарам шоири миз Эркин Воҳидов айтган бир фикрни эслатишни ўринли деб биламан.

Яъни, у кишининг, ўзимизнинг ўзбекларда дўйинни олиб қўйиб бир суҳбатлашайлик, гурунглашайлик, деган гап бор, лекин бугун нафақат гаплашиш, нафақат гурунглостиш, балки ишлаш, ҳаракат қилиш вақти келди,— деган сўзлари, даъвати бутунги замонда жуда долзарб эканини исбот қилиб беришга ҳожат йўқ, деб ўйтайман.

Азиз юртдошлар!

Шуни унумтмайликки, бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир. Амал ҳам, мол-дунё ҳам, шон-шуҳрат ҳам ўтиб кетади. Фақат ҳалқ, ҳалқнинг хотираси доимо яшайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ана шу ҳалқ хотирасида ўзидан яхши ном, эзгу ва савобли ишлар қолдириш ҳақида ўйлаши керак.

Бизнинг заҳматкаш ва олижаноб ҳалқимиз бугун сизу биздан — ўзи ишонч билдирган инсонлардан ана шундай амалий ҳаракатларни кутмоқда.

Шу гўзал Ватанимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини ечиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, юртимизнинг тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан рози қилиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ана шу эзгу мақсад йўлида сиз азизларга сиҳат-саломатлик ва куч-ғайрат тилайман.

---

## **ИСЛОҲОТЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИДАГИ МАЪРУЗА**

Хурматли кенгаш қатнашчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро му-  
вофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг бугунги маж-  
лиси кун тартибига битта, лекин кенг қамровли ва ҳал  
қилувчи масала, яъни мамлакатимизда амалга оширилаёт-  
ган иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш ма-  
саласи кўйилган.

Айнан шу масаланинг кун тартибига қўйилгани нима  
 билан изоҳланади? Унинг долзарблиги нимада?

Бунинг бир неча сабаблари бор.

Биринчидан, биз мустақилигимизнинг дастлабки йил-  
ларида иқтисодиётни ислоҳ қилишининг устувор йўналиш-  
лари бўйича ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни  
асосан амалга ошириб бўлдик.

Мамлакатимиз чукур иқтисодий таназзул давридан ўтиб  
олди, макроиктисодий ва молиявий барқарорликка эриши-  
ди, иқтисодий ўсиш учун зарур шарт-шароитлар яратили-  
ди.

Ижтимоий-иктисодий ҳаётимизда туб таркибий ўзга-  
ришлар амалга оширилди. Ҳусусий мулкчиликнинг  
хукуқий асослари яратилди ва у ҳаётимиздан мустаҳкам  
ўрин эгаллади. Амалда кўпукладли иқтисодиёт шакллан-  
моқда.

Нодавлат сектори аксарият тармоқларда, умуман иқти-  
содиётимизда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Кўпги-  
на давлат корхоналари мулкчиликнинг ҳусусий ёки ҳис-  
садорлик шаклларига ўтди.

Иқтисодиётнинг бошқарув тизими тубдан ўзгартирилди. Тармоқ вазирликлари тутатилиб, ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларини бошқаришнинг бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритиш талабларига кўпроқ мос келадиган янги тизими ташкил этилди. Бозор инфратузилмаси асослари барпо қилинди.

Иккинчидан, республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг пойдевори бўлиб хизмат қиладиган, уларнинг орта қайтмаслигини кафолатлайдиган мустаҳкам хукуқий замин яратилди.

Учинчидан, мустақиллик йилларида одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Турмуш даражаси, оиласининг фаровонлиги, энг аввало, ўзига боғлиқ эканини тушуниб етаётган одамлар тобора кўпайиб бормоқда.

Тараққиётимизнинг бугунги босқичида инсон омили жамиятимизни ҳаракатта келтирувчи кудратли кучга айланди. Унинг янада ривожланиши ва янги қирраларининг очилиши учун барча зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш, яъни тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ҳар бир кишининг ташаббус кўрсатиши учун кенг имконият яратиш талаб этилмоқда.

Тўртингчидан, Ўзбекистон бутун дунёда халқаро ҳукуқ ва жаҳон ҳўжалик алоқаларининг тенг ҳукуқли субъекти сифатида тан олинди ва унинг бу мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда.

Шу билан бирга, биз жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўпдан-кўп муаммолар мавжудлигини ҳам инкор этолмаймиз. Бу муаммолар қонунчилигимизни янада такомиллаштириш ва халқаро ҳукуқ мезонларига мослаштириш, ташки иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш билан боғликдир.

Бешинчидан, маъмурий-буйруқбозлиқ, бюрократик тизимнинг асоратларидан тўла халос бўла олмаган амалдаги ҳўжалик юритиш механизми ташаббус ва тадбиркорликнинг кенг ёйилишига, товар, меҳнат ва капитал бозорининг етарли даражада такомиллашувига имкон бермаяпдир.

ти. Айниқса, унинг меҳнатни, юқори пировард натижаларга эришишни рағбатлантира олмаётгани билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Олтинчидан, юргимизда кўшпартиявийлик ва муқобиллик асосида Республика Президенти ва қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасида ўтказилаётган ислоҳотларни изчил ривожлантириш ва янада чукурлаштиришга қаратилган хоҳиш-истагини яна бир бор намоён этди.

Бизнинг асосий ва муқаддас вазифамиз — одамларнинг ана шу ишонч ва умидларини оқлашадир. Халқимиз ўз олдига кўйган юксак мақсадлар — демократик жамият, жаҳон хўжалик тизими билан кенг кўламда интеграциялашган, барқарор бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳукуқий давлат қуриш борасида барча чора-тадбирларни қўриш, зарур шарт-шароитларни барпо этишдан иборат.

Ва ишоят, бугун замоннинг ўзи, ҳаётнинг ўзи биздан бу йўлда янги, янада аниқ, қатъий қарорлар қабул қилишни талаб этмоқда.

Биз янги аср бўсағасида, янги минг йиллик арафасида турибмиз. Бизнинг келажагимиз, бизнинг олдинга интилишимиз, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида туттан ўрни бугунги кунда кўп жиҳатдан туб ўзгаришларни тақозо этаётган замон талабларига мос келадиган қарорлар қабул қилиш йўлида қандай қадамлар кўйишимизга боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳозир ҳаётимизнинг барча жабдаларини, биринчи галда иқтисодий соҳани ислоҳ қилишни чукурлаштиришнинг янги, янада муракқаб, айтиши мумкини, янада масъулиятли босқичи олдида турибмиз.

Шу нарса аниқки, агар биз ислоҳотларни чукурлаштирумасак, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш учун зарур ҳукуқий, ташкилий ва амалий шарт-шароит яратмасак, фақатгина шаклланган мавжуд вазият билан чекланиб қолсак, айрим тармоқ ва соҳаларда ислоҳотлар суст бораётганига нималар сабаб бўлаётганини атрофлича таҳлил

қилмасак, бу ҳол иқтисодиётни барқарорлаштиришга эмас, балки унинг бир жойда депсиниб туриб қолишига олиб келади.

Шубҳа йўқки, бундай вазиятда бизнинг ривожланишдан тўхтаб қолишимиз муқаррардир. Чунки баландпарвоз чақириклар ва қуруқ дъяватлар билан амалда олға сил-жинни таъминлаб бўлмайди.

Бу мени ғоят ташвишлантиради. Шу боис, сиз, ушбу анжуман иштирокчиларига, барча жамоатчиликка мурожаат қилиб, биз бугун масъулиятли ва мураккаб бир вазиятда турганимизни тушунишингизни, энг муҳими, англаб етишингизни истайман.

Афсуски, биз жамиятни, биринчи навбатда, иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида эришган ютуқларимизни таъкидлаш билан чекланиб қолмоқдамиз. Албатта, бу натижаларни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу бизнинг бойлигимиз, аникроғи, тарихимиздир.

Шуни қайта-қайта таъкидлашга тўғри келадики, биз ана шу ютуқларимиз билан ўзимизни тинчлантиргандек, ўзимизга ўзимиз тасалли бергандек бўламиз.

Тўғри, ютуқлар, муваффақиятлар ҳақида холосона гапириш керак. Лекин, аввало, мавжуд муаммолар, бизнинг олға интилишимиизга халақит берәётган камчиликлар, ислоҳотлар йўлидаги тўсик-ғовлар, ҳали ҳануз ишга солинмаган резерв ва имкониятлар ҳақида кўпроқ бош қотиришимииз лозим.

Энг муҳими шундаки, биз бугунни эмас, эрганги истиқболни ўйлаб яшшимиз керак. Ўз келажагимизни аниқ ва равшан тасаввур этишимиз, эртани кўзлаб, бугунги мавжуд муаммоларни зудлик билан ечишимиз даркор.

Мен оддий бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истайман: эркинлаптириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш – бу бизнинг олға интилишимиизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишининг асосий шартидир.

Бу муаммонинг иккинчи жиҳати ҳам бор.

Шу нарсани қайта-қайта такрорлашга тўғри келмоқда: Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими

бидан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, энг муҳими, хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётiga жалб этмасдан туриб, яъни мен айтмоқчиманки, банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда чет эл капиталиниң иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин. Бу ҳам барчамиз учун тушунарли бўлиши керак.

Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичидаги асосий ۋازифалар айнан мана шу масалалардан иборат. Бугунги анжуманимизнинг моҳият эътиборини ҳам ана шу икки масала белгилайди.

Бу ғоят муҳим масалаларни мудокама этиш учун биз бугунги йиғилишга нафақат Идоралараро кенгаш аъзоларини, балки, дүстларимиз — халқаро молия, иқтисодий ва юридик ташкилотлар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган нуфузли халқаро банк ва компанияларнинг вакиллари ҳамда мамлакатимизда самарали фаолият кўрсатаётган йирик қўшма корхона раҳбарларини ҳам таклиф этганимиз шу маънода табиийдир.

Биз сизларнинг Ўзбекистонда олиб бораётган фаолиятингиз учун, айнан ўз қизиқишиларингиз, ўз келажагингизни Ўзбекистон билан боғлаганингиз учун чукур миннатдорчилик билдирамиз. Сизларнинг амалга оширган ишларингизни муносиб баҳолаймиз. Сизларнинг бир қатор долзарб масалаларни ҳал қилишга, биринчи навбатда бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва умуман, бизнинг жамиятимизни демократлаштириш жараёнига имкон даражасида ҳисса қўшаёттанингиздан миннатдормиз.

Биз сизнинг иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш ишига янада кўпроқ қўмаклашиш борасидаги саъй-ҳараратларингизни юксак қадрлаймиз ва бунга алоҳида аҳамият берамиз.

Биз ўз навбатида сизлар каби Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий тузилмалар, компания ва банклар, халқаро ташкилотлар вакилларининг ўз манфаатларини

тўла рўёбга чиқаришлари учун барча имкониятларни ишга солишга тайёрмиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизларга шуни маълум қилмоқчиман: мен шахсан Президент сифатида хорижий ҳамкорларимиз олдида турган, улар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ўз вақтида ечиш ва бартараф этишини ўз вазифам, деб биламан ва керак бўлса, сизларнинг Ўзбекистондаги фаолиятингиз учун энг кулай шарт-шароит яратилишига кафолат бераман.

Азиз дўстлар!

Энди Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ биринчи сессиясида мен баён этган, биз учун ўта долзарб бўлган айрим масалалар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, келгусида ҳам иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчилик билан амалга ошириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш деганда биз нимани назарда тутмоқдамиз?

Бу, аввало, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақалигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш.

Бугун хусусий тадбиркорларнинг ўзига жуда қийинчилик билан йўл очаёттани, бозордан ўз ўрнини эгаллашда аксарият ҳолларда давлат идораларидағи амалдорлар ва бюрократларнинг лоқайдлигига дуч келаёттани бизни ташвишлантиради.

Хўжалик юритишнинг бошқарув механизми, бу борадаги қонунчилик асосларининг етарли даражада мукаммал эмаслиги натижасида давлат, маҳаллий ва назорат органларининг ўз ваколат ва ҳукуқларини суистеъмол қилиб, қонунга зид равишда корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиш ҳолларига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Биз давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига ара-

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

лашувини чеклашни иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидаги асосий вазифалардан бири, деб биламиз.

Биз хусусий бизнесста, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига янада кўпроқ эркинлик бериш тарафдоримиз. Бунинг учун тегишли хукуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишимиш керак.

Бунда асосий эътиборни институционал ўзгаришлар жараёнларини чукурлаштиришга қаратиб, бошқарув тизимини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Очиқ тан олиш керак: бу борада, айниқса, бошқарув тизимини эркинлаштириш, барча бўғинларда, яъни қичик бизнес билан шугулланабетган оддий тадбиркордан тортиб, марказий иқтисодий органлар раҳбарларининг замонавий менежмент асосларини эгаллашида ҳал қилинши лозим бўлган қатор муаммолар бор.

Биз иқтисодиётни эркинлаштириш деганда банк ва молия тизимини бундан буён ҳам ислоҳ қилинши назарда тутамиз. Албатта, бу борада кўпгина ишлар қилинмоқда. Лекин биз бу жараёндаги ишлар ҳали ниҳоясига етмаган, деб ҳисоблаймиз. Банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш лозим.

Банклар инвестициялаш жараённининг асосий бўгини, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, уларнинг ривожланишидан маффаатдор бўлмоғи керак.

Биз банкларимизни кенг миёсда хусусийлаштиришни мўлжаллаяпмиз. Бу борада ҳам сизларнинг фаол иштирокингизни, банкларнинг устав фонdlаридағи капиталингиз микдорини кўпайтириб боришингизни қутамиз.

Биз кўшма банклар ташкил қилиш, чет эл банкларининг ваколатхоналарини очиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига катта эътибор беряпмиз. Ва бу борада яна қандай зарур чоралар кўришимиз кераклиги ҳақида сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни ҳам эшитишни хоҳлардик.

Иккинчидан, мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш ҳақида гапирганимизда

иқтисодиётимизнинг асосий негизини ташкил этувчи соға – қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи бизнинг дикқат марказимизда турмоги лозим.

Бунда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар қишлоқ ҳаётида рўй берастган жараёнларга, айниқса, мулкчилик масалаларига қай даражада чукур таъсир қилаётганини танқидий кўз билан баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Тан олиб айтиш керакки, ушбу масалалар қонунчилик нуқтаи назаридан қатъий ҳал этилганига қарамасдан, амалиётда, ҳаётида қишлоқдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектларга нисбатан ўзининг мантиқий якунини топмаяпти.

Афсуски, кўп нарсалар қоғозда қолиб кетмоқда. Ҳамон тармоқда расмиятчилик ва тўрачилик, хўжакўрсинга ишлаш ва кўзбўямачилик ҳоллари кўп. Энг ёмони, жойларда бозор иқтисодиёти тамойилларини яхши билмаслик ва профессионал малакага эга эмаслик каби салбий ҳолатлар кўпроқ намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, биз ўзимиз учун шуни аниқлаб олишимиз керакки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва колхозлар ўрнига ширкат хўжаликларини шакллантириш, жамоада пайчилик муносабатлари ва оила пудратини жорий қилиш асосида қишлоқда мулкчилик шаклларини ўзгариши масалалари ётади.

Деҳқонлар тафаккурида ҳақиқий хўжайинлик, ўз ерига ва етиштирган маҳсулотига эгалик туйгусини тарбиялаш тўғрисида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Давлат мулкчилигига асосланган, эски, ўзини оқламаган муносабатлар ўрнига хўжалик юритишнинг барча бўғинларида (декончилик қилинадиган ерларни) мерос қилиб қолдириш хукуқи берилган ижара мулкчилигини жорий қилиш лозим.

Такроран айтаманки, ижара ва шартнома муносабатлари ширкат ва фермер хўжаликлари учун асосий ва ҳал қуловчичи омил ҳисобланади. Оила пудратининг асосини ижара ва ижара муносабатлари ташкил этмоғи лозим. Токи, оила пудрати одамларимизнинг ерга, мулкка ва қишлоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга муносабати-

ни, энг асосийси, меҳнатта бўлган рағбатини бугунлай ва тубдан янгилаши зарур.

Бу ўринда энг муҳими — ҳар бир субъект учун шартнома муносабатларининг амалда аниқ ва тушунарли бўлган механизмини ишлаб чиқиши ва жорий этишдир. Янада муҳими — хўжалик юритиш ва бошқарувнинг барча бўғинларида уларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан ҳар бир томоннинг масъулияти ва назорат масалаларини ҳал қилишдир.

Яна бир масалани алоҳида таъкидлаб айтишни истар эдим. Яъни, қишлоқ хўжалиги нафақат эътиборга, балки, энг аввало, давлатнинг мунтазам амалий қўллаб-кувватлашига муҳтоҷ бўлган тармоқдир. Буни ҳамиша ёдда саклапшимиш лозим.

Шу нарсани аниқ тасаввур қилиб олишимиз керакки, бундай ўта долзарб вазифаларни ҳал этмасдан туриб қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотларининг муваффакиятига умид боғлай олмаймиз.

Учинчидан, биз бозор инфратузилмасини, бизнесга хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган унинг барча институтлари — консалтинг, маркетинг, инжинииринг, лизинг, сугурта тизимлари фаолиятини ривожлантиришини устувор вазифа деб биламиш.

Республикада бозор инфратузилмасининг асослари яратилган, аммо улар ҳали ҳануз корхоналарнинг бозор шароитига кенг ва фаол мослашувига кўмаклашувчи механизмга, бу жараённи тартибга солувчи ҳақиқий восита-га айлангани йўқ. Биз иқтисодиётни бошқаришнинг ўз даврини ўтаб бўлган эски давлат тизими ўрнига бозор иқтисодиётига мос институтлардан ташкил топган мустаҳкам тизимни тезроқ яратиш тарафдоримиз.

Тўртинчидан, биз кичик ва ўрга бизнесни ривожлантириш устувор йўналиш бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда кичик ва ўрга бизнеснинг иқтисодиётимиздаги мавқеи ва ўрни бизни қаноатлантирумайди.

Бугун кичик ва ўрга бизнес корхоналарини ташкил этиш жараёни қандай амалга ошаётгани, тадбиркорлик тузилмаларининг хом ашё, кредит ресурсларидан, асбоб-

ускуна ва материаллардан, ўз маҳсулотларини бозорга чиқариш имкониятларидан тўла фойдалана олмаётгани бизни қониқтирамайди.

Биз кичик, ўрта ва хусусий бизнес ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, балки унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида иш билан таъминлашда муҳим омилга айланышини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўймокдамиз.

Бугунги кунда эндиғина иш бошлиётган тадбиркорларга молиявий ёрдам бериш, хусусан, кичик кредитлар ажратиш тизимини яратиш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Токи ўз ишини бошлиётган одам уни қўллаб-куvvatлашларига, унга ёрдам кўрсатишларига, жамиятнинг ўзи унинг муваффақиятидан манбаатдор эканига ишонч ҳосил қилсин. Оддийгина қилиб айтганда, агар инсон, аввало, ўз кучи ва имкониятларига таянган ҳолда, ўзи ҳамда оиласини таъминлашга ҳаракат қилаётган бўлса, жамият ва давлат четда қараб туриши мумкин эмас. Бундай одамга ҳар томонлама ёрдам бериш барчамизниң бурчимиздир.

Кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш, бу тизимнинг самарали ишлаши учун қулай шарт-шароит яратиш, уларниң фаолиятини турли хил текширувчи ва назорат қилувчи идораларни тартибга чакириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда биз кичик бизнес соҳаси учун билимдон, малакали бошқарув кадрларини тайёрлашга алоҳида эътибор берамиз.

Мен иқтисодиётининг асосини кичик ва хусусий тадбиркорлик ташкил қиласидиган давлатларнинг вакиллари бўлган чет элилк меҳмонларимиз ўз мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб, биз бу йўналишда қўшимча яна қандай чоралар кўришимиз лозимлиги тўғрисида фикр билдиришларини истардим.

Бешинчидан, биз учун иқтисодиётда аниқ мақсадларни кўзлаб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш стратегик аҳамиятта эга. Бу борада биз аниқ-равшан структу-

ра сиёсатини олиб боришимиз лозим. Ушбу сиёсат, аввало, мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш, бой табиий, хом ашё ва меҳнат ресурслари, интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўла ва самарали фойдаланишга йўналтирилган бўлиши даркор.

Муқаммал технологик жараёнларни ўз ичига олган, илғор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, нафақат ички, балки, ташки бозорда ҳам рақобатга бардош берадиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи кувватлар иқтисодиётда етакчи ўрин эгаллашига эришишни биз ўз олдимизга маҳсад қилиб қўйтганимиз.

Биз хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратамиз. У ҳали иқтисодиётимиз таркибида муносиб ўрин эгаллагани йўқ.

Бу соҳада ҳам мазкур муаммони ечишининг йўллари ва имкониятлари тўғрисидаги сизнинг фикр-мулоҳазаларин-гизни билиш биз учун жуда муҳимдир.

Мен яна иккита ҳал қўйувчи масала тўғрисида алоҳида тўхтамоқчиман.

Аввало, биз мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни, хусусийлаштириш жараённiga чет эл капиталини жалб этишни кафолатлаш ва рағбатлантириш учун яна қандай шарт-шароитлар яратиш лозимлигини билишни истардик. Чунки биз хорижий сармоянинг иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларда, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жизозлаш ва модернизация қилиш жараёнини жадаллаштиришда фаол иштирок этишининг тарафдоримиз.

Бугунги кунда чет эл инвестицияларининг асосий қисми бевосита қукумат кафолати остида мамлакатимизга киритилаёттани бизни қониқтирумайди. Ҳозиргача бевосита йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми уларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжга мос эмас. Чет эл инвесторларининг ишлаб чиқариш объектларини тўла сотиб олиб уларга эгаллик қилиши, корхоналар акцияларини харид қилишдаги иштироки жуда суст бормоқда.

Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда бизнес билан шугууланишга интилганларнинг

барчаси учун энг маъкул ва қулай иқтисодий макон бўлиб қолсин.

Шу муносабат билан савол туғилади: сизнинг бизнесингиз тадбиркорликни эркинлаштириш нуқтаи назаридан янада ривожлавиши учун яна қандай шароитлар яратиш керак? Келгусида сизга яна қандай кафолатлар бериш лозим? Истиқболдаги ҳамкорлик нуқтаи назаридан хорижий ҳамкорларимизни биздаги ишлаб чиқаришининг яна қайси сода ва тармоқлари кўпроқ қизиқтиради?

Иккичи масала, яъни иқтисодиётимиздаги ислоҳотлар айниқса дозирги даврда биз учун алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодиётни эркинлаштириш ташки иқтисодий фаолиятни, биринчи галда, валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютамиззининг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Ушбу масалани ҳал этиш борасида сўнгти йилларда бир қанча ишлар амалга оширилди. Асосий экспорт маҳсулотимиз, валюта тушумимизнинг мудим манбанини ташкил қиладиган пахта толаси, олгин, рангли металларнинг жаҳон бозоридаги ноқулай конъюнктура ҳолатига қарамасдан, сўнгти икки йил давомида биз ўз олтин-валюта захираларимиз ҳажмини тўлов қобилиятимизни кафолатлайдиган даражада сақлаб туришга эришдик.

Кейинги йилларда валюта мажбуриятлари бўйича тўловлар таркиби ва механизми, конвертация механизми сезиларли даражада ўзгартирилди. Ҳозирги кунда марказлашган валюта ресурслари ҳисобидан фақат ҳукумат мажбуриятлари бўйича ажратилаётган бюджет маблағлари конвертация қилинмоқда. Колган барча операциялар биржадан ташқари валюта бозорида конвертация қилинмоқда.

Шу боис, биз учун боли йўвалиш – биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустақкамлаш, тиҷорат банкларининг валюта ресурсларини қўпайтириш ҳисобидан улар ҳеч қандай лицензия ва квоталарсиз хоҳлаган вақтда ўз мижозларига валюта операциялари бўйича хизмат кўрсатишни таъминлашдан иборат.

Биз ушбу муаммони бартараф этиши мақсадида алмашув курсини унификациялаш, тез орада мувозанатли алмашув курсига эришишга көттә эътибор беряпмиз.

Бунда аҳолига ва корхоналарга валюта қийматининг ўзгариб туриши натижасида таъсир қилиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ҳимоя қиласидан тегишли кафолатларни яратиш, алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда давлат валюта захираларини шакллантириш алоҳида аҳамиятта эгадир.

Яна бир масала: мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида валюта сиёсатини эркинлаштиришдан ташқари яна қандай тадбирларни амалга ошириш мумкин?

Биз ўз олдимизга иқтисодиётнинг барча тармоқларида экспортбоп тайёр маҳсулотлар ҳажми ва турларини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйтганимиз. Бунга эришиш учун мавжуд омил ва имтиёзларга қўшимча равишда яна қандай аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз ва жорий этишимиз даркор? Экспортбоп товарларнинг ташки бозорга эркин чиқишини таъминлаш учун қандай тегишли инфратузилма ташкил қилиш керак?

Мен бу саволларга жавобни бугунги анжуманда иштирок этатгандан, юртимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг раҳбарлари ва вакилларидан эшитишни истардим.

Азиз дўстлар!

Бу ерда кўтарилиган масалаларнинг кўпчилиги биз учун янгилик эмас. Уларнинг ечимини топиш борасида мутгасил иш олиб боряпмиз. Лекин биз бугун тараққиётимизга халакит бераттага, исходотларнинг ана шу йўналишидаги маъкуд тўсиқ ва говларнинг сабабларини чукурроқ ўрганиш, уларни бартараф этишини ўз олдимизга вазифа қилиб қўймоқдамиз.

Шу билан бирга, биз иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини амалга оширишда имкон қадар қулаги шарт-шароит яратишдан манфаатдормиз.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири — бу асосий устувор йўналишларни аниқлаштириш, конкрет мэъ-

но-мазмун билан тўлдириш, уларни рўёбга чиқаришининг ҳаракатлантирувчи механизмини, кучли рагбат ва кафолатлар тизимини яратишдир.

Бир сўз билан айтганда, гал иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишларини амалга оширишнинг аниқ дастурини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда. Мен сизлардан ушбу масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларингиз, аниқ таклиф ва тавсияларингизни беришингизни истардим.

Мен сизларнинг барчангизни очиқ-ойдин ва ошкора мулоқотта чорлайман. Албатта, бир йигилиш доирасида ҳамма масалаларни ҳар тарафлама ва чуқур муҳокама қилиш, барча муаммоларни ҳал этишнинг иложи йўқлигини биз яхши тушунамиз. Келинглар, шу анжуманини сизлар билан ҳамкорликда амалга оширадиган калта ишларимизнинг дастлабки босқичи, илк қадами, деб ҳисоблайлик.

Шу муносабат билан мен сизлардан ҳамда Ўзбекистонда ўз бизнесини амалга оширишдан манфаатдор барча ишбилармонлардан бугунги муҳокама қилинган ва иқтисодиётни ислоҳ этишнинг бошқа муҳим масалалари бўйича ўз таклифларини Идоралараро кенташ ишчи органи — Президентнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси хизматига ёзма равишда топширишларини сўрайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2000 йил 1 февраль

---

## **ИҚТІСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ – ЭҢГ МУХИМ ВАЗИФАМИЗ**

**Хурматли йиғилиш қатнашчилари!**

Мамлакатимизнинг 1999 йилдаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, иқтисодиётни ислоҳ этиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳақида гап кетар экан, аввало, бир нарсанни мамнуният билан таъкидламоқчиман: ўтган йили ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишлари бўйича кўзда тутилган макроиқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар асосан бажарилди.

Хўш, бир йил мобайнида айнан нималарга эришдик?

Биринчидан, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш таъминланди. Молиявий аҳволни яхшилаш ва пул-кредит тизимини сезиларли даражада мустаҳкамлашга эришилди. Ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга ортди. Мўлжалланган кўрсаткичлар доирасида ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши саноатда – 106,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 105,9 фоизни, чакана товар айланиши эса 110,5 фоизни ташкил этди.

Давлат бюджетининг камомади 1,8 фоиз бўлди. Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1,9 фоизни ташкил этди. Накд пул эмиссияси 10,2 фоизга тенг бўлди.

Банк тизимининг умумий активлари 48 фоизга ортди. Жами активларнинг 57 фоизи узоқ ва ўрта муддатли кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўргасидағи ўзаро тўлов механизми анча мустаҳкамланди. Бу эса ўз навбатида корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш, иқтисодий начор корхоналарни тугатиш имконини берди.

Республика корхона ва ташкилотларининг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари микдори йил давомида 76 миллиард 800 миллион сўмдан 1 миллиард 800 миллион сўмга қисқарди. Мониторинг назорати ўрнатилган 22 та вазирлик ва идора 2000 йилнинг 1 январига қадар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларидан амалда ҳалос бўлди.

Ўтган йили иқтисодий начор корхоналарни банкрот деб эълон қилиш жараёни фаоллашди. Хусусан, хўжалик судлари томонидан 995 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Бу – 1998 йилдагига нисбатан 548 та кўп демакдир.

Банкротликка учраган бир минг олтита корхона тугатилди. Банкрот бўлган корхоналарнинг 2 миллиард сўмликдан зиёд мол-мулки савдога кўйилди. Кредиторларнинг 837 миллион 500 минг сўмлик қарзи ундириб берилди.

Корхоналарни банкротлик ҳолатига тушириб кўйгани, ишга лоқайд муносабати ва хизмат лавозимини суистемол қилгани учун хўжалик судлари томонидан 95 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғаш ҳақида қарор чиқарилган.

Кишлоқ хўжалик корхоналарининг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида 1999 йилда Молия вазирлиги қошида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича ҳисоб-китоб ишларини йўлга кўйиш мақсадида маҳсус жамгарма ташкил этилди.

Ушбу жамгарма орқали 1999 йил ҳосили учун 162 ярим миллиард сўм, жумладан, пахта хом ашёси учун 101 миллиард 300 миллион сўм, галла учун 48 миллиард 600 миллион сўм, шоли учун 12 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга 2000 йил ҳосили ҳисобидан кузги-қишик агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш учун қарийб 32 миллиард сўм, иш ҳақи учун эса қарийб 53 миллиард сўм аванс маблағлари берилди.

Бу — қишлоқ хўжалиги ишларини белгиланган муддатда бажариш жараёнини зарур молиявий ресурслар билан мустаҳкамлаш имконини беригина қолмай, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, деҳқонларга етиштирган маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб ишларини ҳам ўз вактида амалга ошириш имконини яратди.

Учинчидан, таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишининг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. Ўтган йили саноатдаги ўсиш асосан янги ишга туширилган иншоотлар ҳисобидан таъминланди. Янги ишлаб чиқариш тармоқлари ривожи учун 282 миллиард 300 миллион сўм ёки ялпи сармояларнинг 56 фоиздан кўпроғи йўналтирилди. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми бир ярим баробардан зиёдроқ ортди.

Тўртинчидан. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнига иқтисодиётнинг негизини белгилайдиган тармоқларга қарашли ўрта ва йирик корхоналар ҳам жалб қилинди. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришдан 1999 йили тушган маблағ 9 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди. 1998 йили эса бу кўрсаткич 8 миллиард 800 миллион сўм бўлган эди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида тушган маблағнинг 350 миллион сўми корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш мақсадлари учун йўналтирилди.

Давлат мулки бўлган 67 та иншоот, жумладан, мулкий мажмуалар шаклидаги 27 та обьект хорижий инвесторларга сотилди. Сотиб олинган корхона ва акциялар учун хорижий инвесторлар томонидан тўланган маблағ 16 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу — 1998 йилдагига қараганда етти ярим баробар кўп демакдир. Шу билан бирга, хорижий сармоядорларнинг инвестиция мажбуриятлари 238 ярим миллион АҚШ доллари ва 1 миллиард сўмдан зиёдроқни ташкил этди.

Бешинчидан, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун хорижий кредитларни жалб этиш борасида сезиларли ўзгариш-

лар юз берди. Бу эса 1998 йил якунларига бағишилаб ўтказилган йигилишда билдирилган танқидий фикрлардан банклар ва тегишли тузилмалар тұғри хулоса чиқарып олганидан далолат беради.

Кичик ва ўрта бизнесни давлат йўли билан қўллаб-кузватлаш мақсадида дунёнинг энг нуфузли банклари, хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 150 миллион АҚШ доллари, Осиё тараққиёт банкининг 50 миллион АҚШ доллари, Германия тикланиш банкининг 5 миллион немис маркаси миқдоридаги, хуллас, умумий ҳажми 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган кредит маблағлари жалб этилди ва тўлиқ ўзлаштирилди.

Юқорида номи тилга олинган Германия банкининг 15 миллион евро, Халқаро молия корпорациясининг 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги янги кредит йўналишлари очилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан яна 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит йўналишини очиш ҳақида шартнома имзоланди.

Олтичида, мамлакатимизда муҳим ижтимоий дастурлар фаол амалга оширилди.

Масалан, Аёллар манфаатларини рўёбга чиқаришни тъминлаш дастури доирасида хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя этишининг ҳукукий асосларини такомиллаштиришга, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги фаол иштирокини тъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Кадрлар тайёрлап миллый дастурига мувофиқ, қарийб 8 минг ўкувчига мўлжалланган 13 та академик лицей, 58 минг ўкувчига мўлжалланган 90 та касб-хунар коллежи ишга туширилди. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари жорий этилди. Коллежлар учун умумий касб-хунар ва мутахассислик бўйича салкам 1200 та ўкув дастури ишлаб чиқилди ва таълим жараёнита киритилди.

Соглиқин сақлаш соҳасини ислоҳ қилишининг давлат дастурини амалга ошириш жараёнида аҳолига тезкор тиб-

бий ёрдам кўрсатиш тизими шаклланмоқда. Самарқанд, Фарғона ва Андижонда ушбу янги тизим тармоқлари, 30 та шаҳар ва туманда эса унинг бўлимлари ташкил этилди. Бугунги кунда нодавлат секторида қарийб 1600 та хусусий тиббиёт муассасалари фаолият юритмоқда.

Ўтган муддат мобайнида ижтимоий инфратузилма яна-да ривожланди. Тўрт ярим минг километрли газ тармоғи — шундан 4 минг 300 километри қишлоқларда, икки минг километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи — шундан 1 минг 900 километри қишлоқ жойларида ишга туширилди.

### Азиз дўйстлар!

Айни вақтда Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида, Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йигилишида таъкидланганидек, биз асосий эътиборни кўлга киритган ютуқлар таҳлилига эмас, балки ислоҳотлар йўлидан барқарор боришимизга тўсиқ бўлаётган муаммо ва қийинчиликларнинг танқидий таҳлилига қаратишимиш лозим. Айниқса, бугун йил якунини муҳокама қилас эканмиз, энг аввало, мана шу ҳақда гаплашиб олишимиз зарур.

Биринчи навбатда қўйидаги масалаларга аниқлик киритиш керак: биз қайси ишларни қилишга ултура олмадик? Таракқиётимизга нималар тўсиқ бўлмоқда? Биз ҳали фойдаланмаётган яна қандай қўшимча имкониятлар мавжуд?

Мен бугун Вазирлар Маҳкамасининг Мажмуа раҳбарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг худди мана шу масалалар юзасидан аниқ жавоблар беришини истар эдим.

Ўтган йилдаги ишларимиз натижаларини айнан мана шу нуқтаи назардан танқидий баҳолайдиган бўлсак, қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

**Биринчи.** Шуни тан олиб айтиш керакки, 1999 йилга мўлжалланган вазифаларнинг барчаси ҳам тўла-тўқис амалга оширилмади.

Саноат маҳсулотларининг кўпгина турлари бўйича кўзда тутилган ҳажмларга эришилмади. Мавжуд 180 турдаги энг

муҳим саноат маҳсулотларининг 101 тури бўйича ишлаб чиқариш ҳажми камайишига йўл қўйилди.

Экспорт ҳажми ҳам мўлжалдаги даражага етмади. У атиги 83 фоизга бажарилди.

Бунинг сабабини фақат жаҳон бозори конъюнктурасидаги ахволнинг биз учун нокулайлиги билангина изоҳдани мумкин эмас. Ҳамма гап шундаки, бизда маҳсулот экспорт қилувчилар фаолияти ҳам, ташқи иқтисодий фаолият маркетинги ҳам, ташқи бозорга товар чиқаришга хизмат қиласидиган тизим ҳам жуда заиф ташкил этилган.

Экспорт ҳажми бўйича белгиланган топшириқларни бажарища “Ўзқишлоқмашхолдинг” (9,4 фоиз), “Ўзмашсаноат” (10,1 фоиз), “Ўзмевасабзвотузумсаноатхолдинг” (12,9 фоиз), “Ўзкурилишматериаллари” (29,7 фоиз) компанияларига, “Махсусқотишима” (14,2 фоиз), “Ўзавтосаноат” (24,4 фоиз) ўюшмаларига қарашли корхоналар анча орқада қолмоқда.

Тегишли бирлашма ва идораларнинг мутасадди раҳбарлари йўл қўйилган бундай камчиликлар учун жавоб берадиган ваҳт келди. Керак бўлса, мансабда узоқ ўтириб қолган, замон талабларини тушунимайдиган раҳбарларни сергайрат, ташаббускор кадрлар билан алмаштириш зарур.

Шуни тан олиш керакки, бизнинг структура сиёсатимиз кўпинча ўз ҳолиҷа шаклланмоқда. Мамлакатимиз саноати ривожида ўзига хос “локомотив” вазифасини бажариши лозим бўлган тармоқ ва корхоналарни аниқ-равшан белгилаб олишимиз керак.

Соддароқ қилиб айтганда, мазкур тармоқ ва корхоналар ривожи ишлаб чиқаришнинг бутун бир янги тизимларини ўз оргидан тортиб кетиши керак. Четдан келтирилаётган бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналарни ўзимизда ишлаб чиқарадиган корхона ва қувватларни кенгайтириш ва ривожлантиришга яна ва яна зътибор қаратиш керак, деб ўйтайман.

Бундай ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш саноат ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартириб ҳолмай, барча ресурслар ва маҳаллий хом ашёдан янада самарали фойдаланиш, жойларда янги иш ўринла-

ри ташкил этиш, кадрларнинг касб маҳоратини такомиллаштириш имконини беради.

Ана шуларни назарда тутиб, ишлаб чиқаришинг ҳар бир етакчи тармоги бўйича маҳаллий ҳом ашё билан ишлайдиган, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрлайдиган соҳаларни маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой ичидаги 2005 йилгача мўлжалланган мана шундай дастурни тайёрласин.

**Иккинчи.** Ўтган давр мобайнида йўл қўйилган камчиликлар, эришилмаган мэрралар ҳақида гапирав эканмиз, буларнинг негизи, томири, аввало, бошлаган ишимизни охиригача етказмаслик, бўшлик, масъулиятсизлик, расмиятчилик ҳолларига йўл қўйганимизда, малака ва билимнинг саёзлигида, ўзибўларчиликка берилиб кетганимизда деб биламан.

Биз бозор иқтисодиёти асосларини яратдик, лекин, рўйрост айтиш керакки, бозор иқтисодиётига хос янгиланишлар ва исходотлар расмиятчилик билан олиб борилмоқда, кўп ҳолларда шунчаки хўжакўрсинга амалга ошириляпти. Асосан ном ўзгараяпти-ю, мазмун-моҳият ўша-ўша — эскилигича қолмоқда. Бозор муносабатлари механизми суст ишламоқда. Бу ҳол иқтисодиётнинг барча соҳаларида — саноатда, қишлоқ хўжалигига, капитал қурилиш ва бошқа тармоқларда кўзга яққол ташланиб турибди.

Биз кўпинча хусусийлаштириш ҳақида гапирганда, асосий ёзгиборни микдор ўзгаришиларига, дейлик, қанча корхона мулкчилик шаклини ўзgartирганига қаратамиз. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши жараёни бошланганидан бўён 76 мингдан зиёд давлат корхонаси мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтказилганини катта ютуқ сифатида кўрсатамиз.

Лекин, азиз биродарлар, келинг, ўзимизга-ўзимиз бир савол берайлик: нима ўзгарди ва, биринчи навбатда, бу ўзгариш корхоналарнинг фаолияти натижаларига нечоғлик таъсир этди? Таассуфки, аксарият корхоналарда шакл ўзгарган-у, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятида айтишга арзигулик ўзгариш рўй бермади.

Масалан, курилиш материаллари саноатида 66 та корхонадан 14 таси иқтисодий ночор аҳволда. Айниқса, хусусийлаштирилган корхоналар – “Оҳангароншифер”, “Бекободноруда”, “Бекободцемент”, “Сантехкуйма”, “Кулол”, “Бухоро курилиш материаллари” ҳиссадорлик жамиятлари ўта оғир молиявий аҳволга тушиб қолган.

Кўпгина машинасозлик корхоналарида хусусийлаштирилгандан кейин ҳам ижобий ўзгаришлар юз бермаяпти.

“Ўзэлтексаноат” уюшмасига қарашли “Оникс” ҳиссадорлик жамияти жорий йилда 1998 йилги кўрсаткичларининг атиги 72,5 фоизи даражасида маҳсулот ишлаб чиқарган, устига-устак, корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажми кўпайиб кетган.

“Ўзмашсаноат” уюшмасига қарашли “Мелиокурилишмаш” корхонаси 1994 йили ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди, бу ўзгаришдан ҳеч қандай натижа чиқмагач, у шаҳар хўжалик судининг 1998 йил 4 декабрдаги қарорига кўра тутатилди.

Мулкчилик шаклларини ўзгартирган, аммо иш тўғри ташкил этилмагани учун ночор аҳволга тушиб қолган корхоналар сирасига мева-сабзавот саноати тармоғида – “Андижон” ҳиссадорлик жамияти, “Хўжаобод” консерва заводи очиқ ҳиссадорлик жамияти, “Келесшароб” ҳиссадорлик жамиятини, курилиш соҳасида – Тошкентдаги биринчи ва иккинчи уй-жой курилиш комбинатларини, “Ўйхойкурилиш”, “Бошкурилишбутлаш” ва бошقا кўплаб корхоналарни киритиш мумкин.

Иқтисодий ночор корхоналари кўп бўлган тармоқлар ўз қўлларидаги акция пакетларини сотиши, хорижий инвестицияларни бевосита жалб этиш борасида ҳам катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Мисол учун, “Ўзбекмебель” давлат ҳиссадорлик жамияти 1999 йили сотилиши керак бўлган акциялар умумий микдорининг бор-йўғи 26,7 фоизини, “Ўзэлтексаноат” уюшмаси уч фоиздан сал ортигини, “Ўзмашсаноат” уюшмаси эса атиги икки фоизини сотган, холос.

1999 йили давлатга тегишли 22 миллиард 600 миллион сўмлик акциялардан атиги 3 миллиард 800 миллион сўмлиги фонд бозорида сотилган.

Бундай нохуш аҳволнинг бош сабаби корхоналарни хусусийлаштириши мантиқий ниҳоясига етмаганида, яъни самарали ишлайдиган янги мулкдорлар шаклланмаганида, деб биламан.

Мулк шакли номигагина ўзгармоқда, тармоқ бошқарув идоралари корхоналар маъмурияти ва раҳбарлари даражасидаги қаршилик ҳамда айрим ҳолларда мулкдорлар янги авлодининг ўз ҳақ-хукуқини ҳимоя қила олмаслиги оқибатида меҳнатга муносабат ва рагбат ўзгармасдан қолмокда.

Ишнимиздаги энг катта камчилик ва иллат шундан иборатки, корхоналар хусусийлаштирилгандан кейин уларни қўллаб-куватлаш механизми яратилмаган.

Мана шундай вазиятнинг юзага келишида акциядорларниң ишончли вакили бўлган бошқарувчилар ва давлат удуши учун масъул щахсларнинг, қолаверса, Давлат мулк қўмитаси раҳбариятининг ҳам катта айби бор.

Ҳиссадорлик жамиятларида бошқарувнинг том маънодаги корпоратив шаклини ҳозирча жорий эта олмаяпмиз.

Акциядорлар ишончли вакилларининг иш услуби маъмурий буйруқбозлиқ тамойилларига асосланган иш услубидан фарқ қилмаяпти. Ишончли вакиллар бугун амалда тўрачилик тизимининг навбатдаги бўгинига айланниб қолган. Афсуски, қонунларимизда белгиланган, турли юридик ва жисмоний щахслардан танлов асосида малакали бошқарувчиларни саралаб олиш имкониятидан ҳаётда кент фойдаланилмаяпти.

Юзага келган бу нохуш аҳвол учун шу соҳа ишониб топширилган, давлат мулкидан самарали фойдаланиши, муносаб бошқарувчиларни ташлаш ва тавсия этишга мутасадди бўлган Давлат мулк қўмитаси жавоб бериши керак. Албатта, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Мажмуалари раҳбарлари ҳам бундан четда қолмайди.

Келинг, энди қишлоқ хўжалигидаги ислоотлар жараёнига назар ташлайлик. 1999 йили 898 та қишлоқ хўжалиги корхоналари ширкатларга айлантирилди. Уларнинг умумий сони республика бўйича 963 тага етди.

Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижроси-ни тўлиқ таъминлашга, бу соҳада меҳнатни рағбатланти-риш ва моддий манфаатдорлик тамойилларини мустаҳкам-лашга эриша олмадик.

Энг ачинарлиси, 119 та ширкат хўжалиги, яъни барча ширкатларнинг 12,3 фоизи йилни зарар билан якунлади.

Деярли барча туман ва вилоятларда ширкат хўжаликлиари аъзолари, уларнинг раҳбарлари ўртасида сўров ўтка-зилди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, кўпчилик ширкат хўжалиги аъзолари ва раҳбарлари бу ўзгаришлар нима учун қилинаётганини, унинг мазмун-моҳиятини яхши билмайди.

Ислоҳотлардан мақсад — қишиларнинг меҳнатга муно-сабатни ўзгартириш, ҳақиқий мулкдорлик, ижара шартномаси асосида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотта згаллик туйгусини қарор топтириш эканини улар ҳали тўлиқ тушуниб етмаялти. Токи, ҳар бир деҳдон ўз меҳнатининг сифати ва самарадорлигига яраша ҳақ оли-шига, рағбатлантирилишига ишонч ҳосил қиласа экан, шуни билиб қўйинглар, қишлоқда ҳеч қандай жиддий ўзгаришга эришиб бўлмайди.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш борасидаги ишларимизнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Чинакам фермер узоқ муддатга фойдаланиш учун олган ернинг амалда ҳақиқий хўжайинига айланиши керак. Тузилган шартноманинг барча шартлари деҳқон томонидан ҳам, хўжалик ва маҳаллий ҳокимият томонидан ҳам сўзсиз ба-жарилиши зарур. Шартнома мажбуриятларини бузган то-мон, албатта, қонун олдида жавоб бериши шарт. Энг му-хими, давлат қишлоқдаги мулкдорларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаши керак, деб ҳисоблайман.

Биз қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани билан асло муроса қила олмаймиз. Бу иш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Макроқитисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, биринчи навбатда, маҳаллий ҳокимлик-лар жавоб бермоги керак.

**Талаб қаттиқ бўлади. Мен бу масала юзасидан шахсан Б.Олимжоновдан, ҳар бир вилоят ва туман ҳокимларидан аниқ жавоб кутаман.**

**Еки капитал қурилиш соҳасини олайлик.**

Капитал қурилишни ислоҳ қилиш жараёнида кам қувватли, зарар кўриб ишлайдиган 800 га яқин ташкилот тугатилди. Қурилиш саноати, механизациялаш ва транспортга тааллуқли 330 дан зиёд корхона ва ташкилот мустақил фаолият кўрсатиш ҳукуқига эга бўлди. Пудрат усулига тендер савдосини жорий этиш 4 миллиард 700 миллион сўм маблагни тежаш имконини берди.

Шу билан бирга, самарали фаолият кўрсатадиган пудрат ишлари бозори ҳозирча ташкил этилгани йўқ. Тендер савдоси ҳужжатларининг сифати талабга жавоб бермайди. Тендерларни ўтказицда объектларни “ўзига тегишли” қурилиш ташкилотлари ўртасида таъсимлаш, уларнинг нархини олдиндан белгилаб кўйиш, очигини айтганда, бу муҳим тадбирни амалдаги қоидаларга зид равишда,номигагина ўтказишдек кўшлаб нуқсонларга йўл кўйилмоқда. Техник ҳужжатларни тўлғазишдаги камчиликлар қурилиш иншиотлари нархининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, Навоий вилояти, Конимек туманидаги коллежни қайта таъмирлаш қиймати 100 миллион 700 минг сўмдан 147 миллион 300 минг сўмга, Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги академик лицей қурилишининг қиймати 737 миллион 600 минг сўмдан 818 миллион 900 минг сўмга ошган.

Ҳукумат қарорида белгиланганига қарамай, жойларда кўшлаб кам қувватли қурилиш ташкилотлари сақданиб қолмоқда. Масалан, Самарқанд вилоятида йил давомида “Ургутагроқурилиш”га қарашли 391-кўчма колонна 58 минг сўм, “Ўзбектранскурилиш”га қарашли 855-қурилиш бошқармаси 38 минг сўм, 286-хўжаликларро механизациялашган кўчма колонна 41 минг сўмлик ҳажмда пудрат ишларини бажарган, холос.

Сурхондарё вилоятида ҳам шу каби ҳолатни кузатиш мумкин. “Хайробод” хўжалик ҳисобидаги қурилиш бош-

қармаси бир йилда бор-йўғи 61 минг сўм, “Сурхонтаъминот” акциядорлик жамияти 6 минг сўм, “Курилиштранс” акциядорлик жамияти 35 минг сўмлик иш бажарган. Бундай мисолларни бошқа вилоятлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда савол туттилади: кам қувватли, кичик, зарар кўриб ишләётган пудрат ташкилотлари кимга ва нима учун керак? Ким уларни таъминламоқда? Бундай ишларга чек кўйиш вақти етди. Республика прокуратураси раҳбарлигида керакли мутахассисларни жалб этиб, маҳсус комиссия тузишини, текширув итижалари ҳақида бир ой муддатда ҳисобот беришни тошираман.

Ўтган йил давомида тижорат банкларининг капиталини кўпайтириш, барқарор, молиявий жиҳатдан мустаҳкам банк тизимини ташкил этиш борасида муайян ишлар қилинди. Ҳисобот даврида тижорат банкларининг умумий сармояси 1,5 баробар ошди ва 144 миллиард сўмга етди. Бунда банклар томонидан акциядорларнинг 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағи устав капиталига кўшимча равишда жалб этилди. Тижорат банкларининг акциядорлари сезиларли даражада кўпайди. Уларнинг умумий сони 66 минг 800 нафардан 82 минг 300 кишига етди.

Айни шайтда “Савдогарбанк”, “ЎТбанк”, “Туркистонбанк”, “Истиқболбанк”, “Ўқтамбанк” каби банкларда капиталлаштириш жараёни суст бормокда. Банк тизимида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки амалда ҳамон яккацоқим бўлиб турибди.

Банкларнинг инвестиция фаолияти жадал ривожланмаганти. Банклар кредит портфелининг асосий улуши марказлашган ресурслар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳиссасига тўғри келади. Бу -- қурилиш ва ишлаб чиқариш жиҳозлари учун ажратилган кредитларнинг қарийб 60 фоизини ташкил этади.

Янги корхоналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларига инвестиция ажратишни кредитлаш асосан бешта банкда — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ўзсаноаткурилишбанк”, “Пахтабанк”, “Асакабанк” ва “Уйжойжамғармабанк”да жамланган. Колган 28 банк ҳиссасига эса

умумий инвестиция кредитлари ҳажмининг атиги 2 фоиздан зиёддори тўғри келади.

Мен бунинг сабабини, энг аввало, иқтисодий ислоҳотларни жорий этишга масъул бўлган Марказий банк, Давлат мулк қўмитаси, Молия вазирлиги ва бошча муассаса ва ҳукумат тузилмалари қониқарсиз ишлётганида, деб билдираман.

Учинчи. Бизнинг, балки, энг заиф томонимиз шуки, кичик, ўрга бизнес ва хусусий тадбиркорликни талаб дараҷасида ривожлантира олмаяпмиз. Бунга эришиш учун тадбиркорлик, шахсий ташаббус иқтисодий ўсишининг бозор муносабатларига хос курдатли, ички омилига айланиши зарур.

Тадбиркорлар, мулк эгалари синфини — мустақил, ўз хусусий ишига эга кишилар тоифасини шакллантириш ҳам ҳозирча ҳукуматимиз ва маҳаллий ҳокимликларининг бош маҳсади ва вазифасига айланмайшти. Бунинг устига, янги шаклланыётган ижтимоий қатлам — тадбиркор ва ишбильармонлар, кичик ва ўрга корхона эгалари ўз фаолиятларида амалий ёрдам ўрнига лоқайдликка, айрим ҳолларда эса жойларда давлат мансабдорлари ва маҳаллий ҳокимиёт вакилларининг қаршилигига дуч келмоқда.

Биз кичик ва хусусий бизнеснинг аҳамияти, уни рафтаглантириш ва кўллаб-кувватлаш ҳақида кўп гапирамиз. Унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришида муайян ўрин эгаллаши, аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлик муваммосини ҳал этишнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилиши кераклигини қайта-қайта таъкидлаймиз. Бунинг учун кенг қамровли ҳуқуқий асос яратганимиз. Амалда эса нима бўлайти?

Кичик ва ўрга корхоналар улуши ялпи ички маҳсулот ҳажмининг бор-йўғи 12,6 фоизини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида фракт 6,2 фоиз, курилиш соҳасида эса 12,3 фоиздан иборат.

Кичик ва ўрга бизнес корхоналарининг ривожланиб бориши ўрнига биз кўп жойларда бунинг акси бўлган манзарага дуч келмоқдамиз. Ўтган йили кичик ва ўрга бизнес субъектлари сони республикада 3,6 фоизга, жумладан,

Қашқадарё вилоятида — 6,3, Андижонда — 11, Хоразмда — 12, Тошкент шаҳрида эса — 12,6 фоизга камайганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳозирги вақтда 5 ярим минг кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда 28 минг 600 микрофирма фаолият кўрсатмаяпти. Бундай микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар саломиғи Корақалпоғистон Республикасида — 41,4 фоизни, Самарқанд вилоятида — 32,3 фоизни, Навоийда — 26 фоизни, Тошкент шаҳрида — 25 фоизни ташкил этади.

Номлари юқорида зикр этилган вилоят ва шаҳар ҳокимлари, тадбиркорликка ёрдам бериши керак бўлган Давлат мулк кўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбарлари бундай нохуш ҳолатдан нега безовта бўлмаяпти? Нега кўл қовуштириб ўтирибди, нега улар бонг ўрмайди? Энг муҳими, бу мутасаддилар нега зарур чора-тадбирлар кўришмаяпти?

Агар бу хўжалик юритиш субъектлари — кичик ва ўрта корхоналар бир вақтлар жиддий ҳисоб-китобларсиз, шошқалоқлик билан ташкил этилган бўлса, бугунги кунда бу борада биз барча зарур қонунчилик ва ҳукуқий асосларга эгамиз. Шундай экан, бу масалани эндиликда охирига етказишимиз керак. Бу борада фаолиятсизлик, ортиқча кутиб ўтириш порахўрлик ва таъмагирлик учун шарт-шароит яратади, холос.

Идоравий меъёрий ҳужжатлар, низом ва кўрсатмаларни амалдаги қонунчиликдан устун кўриш, ҳатто уларга қарама-қарши қўйиш, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларини чеклаш ҳоллари қачон барҳам топади? Бундай бемазагарчиликларга қачонгача тоқат қиласиз?

Ҳозирги вақтда вазирликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлар томонидан Ҳукумат қарорларига хилоф равища мингдан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар кичик ва ўрта бизнес тараққиётига жиддий тўсик бўлмоқда. Прокуратура органлари томонидан туман, шаҳар ҳокимлари чиқарган ноқонуний ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар устидан 137 та протест келтирилган ва 5 та тақдимнома киритилган. Уларнинг 49 фоизи Самарқанд вилояти, 20 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Маҳаллий органлар ва идоралар тадбиркорларга кўмаклашиш ўрнига ҳар турли тўсиқ ва ғовларни ўйлаб топишмоқда. Уларга бундай ўзбошимчалик қилишга ким хукуқ берди?

Бунга шу замонда ўтирган ҳокимлар қандай жавоб бериси мумкин?

Хатто шунчаликка бориб етишганки, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун лицензия олишга келгандарни газета ва журналларга обуна бўлишга, майший хизмат кўрсатиш корхоналари ассоциацияси каби ҳар хил уюшма, жамғарма, бирлашма ва ассоциацияларга аъзаликка мажбур этишмоқда. Улардан турли тадбирларни ўтказишга маблағ ундириб олишмоқда.

Бундай бемаъни ишларга қатъян чек қўйиш, маъмур-бўйруқбозлиқ, эски, якка партияйнлик тизимидан қолган бу каби иллатларни таг-томири билан сугуриб ташлаш, айбор шахсларни эса сиёсатимизни обрўсизлантираётгани учун жавобгарлика тортиш зарур.

Кичик ва ўрта корхоналарни рўйхатта олиш, тадбиркорларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш муддати ҳамон чўзиб юборилмоқда.

Мавжуд аҳвол таҳлили, жойлардан тушаётган аризалар шундан гувоҳлик берадики, тадбиркорлар ҳанузгача моддий-техника ва ҳом ашё ресурслари ҳамда банклардан кредит олишда қийинчиликларга дуч келишмоқда. Лимит ва квота ажратишнинг мавжуд тизимида тадбиркорларнинг манбаатлари тўлиқ ҳисобга олинмаган.

Бир мисол келтирмоқчиман. Фарғона вилоятида тадбиркорлар бензин ва дизель ёқилғиси олишолмаётганидан шикоят қилишган эди. Ўйлайманки, бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шундай. Масала атрофлича ўрганилганда, бу шикоятлар асосли экани маълум бўлди. Вазирлик ва муассасаларнинг нефть маҳсулотларига бўлган лимити фақат бир фоизга қисқартирилганида, шу йилнинг ўзидаёқ тадбиркорларнинг ёқилғига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун қўшимча имконият юзага келди.

Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит маблағлари ажратиш бўйича турли

хил сансалорликлар давом этмоқда. Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва кредит олиш тиикани куритадиган даражада оғир жараёнга айланган.

Айрим тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит беришдан умуман ўзларини четта олмоқда. Масалан, ўтган йили “Фаллабанк” кредит бериш дастурида кўзда тутилган маблағдан атиги 11 фоиз ажраттан, “Асакабанк”нинг Хоразм бўлими эса кредит бериш дастурида белгиланган 146 миллион 600 минг сўмдан бир сўм ҳам бермаган.

Кичик ва хусусий корхоналарниг хорижий кредит маблагларидан фойдаланиш имкониятлари фоиз даражасининг баландлиги, бизнес режаларни ишлаб чиқицда тажриба етишмаслиги, гаров талаблари ўта юқорилиги сабабли чекланиб қолипти. Ҳатто микрокредитлар ажратишга худди катта инвестиция лойиҳаларига берилаеттган кредитларга хос қаттиқ талаблар қўйилмоқда. Барча босқичларда келишиб бўлинган лойиҳалар бўйича кредит ажратишни расмийлаштиришда ҳам сансалорликка йўл қўйилмоқда.

Марказий банк, тижорат банклари бу масалани батафсил ўрганиб чиқиб, тадбиркорларни кредит билан таъминлаш жараёнини соддалаштиришга қаратилган тартиб ўрнатишлари зарур. Ушбу масала бўйича жорий йилнинг биринчи чораги якунидаги ахборот беришни сўрайман.

Кичик ва ўрта корхоналар ҳисоботи масалаларида ҳам тартиб ўрнатиш вақти келди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳар ойда 15 хилдан кўп ҳисббот топшириши тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолдир. Жумладан, меҳнат биржаси, пенсия жамгармаси, ижтимоий суғурта жамгармаси, бандлик жамгармаси, статистика идоралари, солиқ инспекцияси, банк ва бошқа ташкилотларга ҳисбботлар бериш бюрократик тўсиқлардан бошқа нарса эмас. Бунга озмунча вақт кетадими? Устига-устак, ҳар бир ҳисббот бланкаси учун ҳақ тўлаш зарур. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги бу ишда зудлик билан тартиб ўрнатилиши керак. Ушбу масала бўйича жорий йилнинг биринчи чораги якунидаги ҳисббот беришни сўрайман.

Шуни таъкидлашимииз керакки, кичик ва хусусий бизнессининг кенг ривожланишида бир қатор тўсиқларга дуч келлимоқда. Одамларда тадбиркорлик билан шугулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурй рэкет, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, инобилармовларни устингдан жиной иш қўзғатаман, деб қўрқитиши, зўравошлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда.

Аниқланган ҳар бир гайриқонуний бундай хатти-ҳаралат фавқулодда ҳодиса сифатида баҳоланиши ва жиддий кўриб чиқилиши керак.

Солиқ ва ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари шарьнига доғ тушираётган нопок, худбин ва гаразгўй кимсалардан кескин тарзда ҳолос бўлиш лозим. Афсуски, бундай ноҳуш ҳоллар учраб турибди. Айрим мисолларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Фарғона вилояти Данғара тумани Давлат солиқ инспекцияси инспектори Ф. Соҳибов тадбиркор Г. Тоштемировадан ойлик ҳисботни қабул қилиш чорига пора олгани учун қўлга олинган ва жиной жавобгарликка тортилган. Марғилон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган А. Султонов “Мебель” фирмаси директорини тафтиш ўтказиш билан қўрқитиб, пора олиш мақсадида таъмагирлик қилаётганида қўлга олинган ва шаҳар суди томонидан жиной жавобгарликка тортилган.

Бунга ўхшашиб мисолларни Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятлардан ҳам келтириш мумкин. Ҳар бир бундай қонунбузарлик ҳоллари кенг жамоатчиликка маълум қилиниши керак.

Тадбиркорларнинг манфаат ва ҳукуқларини ҳимоя қилишда хўжалик судларининг ролини сезиларли даражада ошириш талаб этилади. Чунки судлар томонидан айрим жиной ишларнинг асоссиз очилгани учун ёпиш ҳоллари учрамоқда.

Масалан, Миробод туман суди мазкур туман солиқ инспекциясининг текширув акти ва қарори асосида Тошкент шаҳар прокуратураси “Рута” саноат-савдо фирмаси директорига нисбатан қўзғатган жиноят иши бўйича қўйилган айловнинг барча бандларини ноқонуний деб

топган. Солиқ инспекцияси ходимларига нисбатан эса хусусий ажрим чиқарған.

Давлат мулк күмітаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар налатаси, Дәхқон ва фермер хұжаликлари уюшмаси, Бизнес-фонд каби тадбиркорлық ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадыда махсус ташкил этилған тизимлар фаолияттың таалуқтам жиғдидің өнімдерін мавжуд. Уларнинг иши бизни мутлақо қониқтирумайды. Бу тизимлар ёки бутунлай ишламайды ёки, бундан ҳам ёмони, уларнинг ўзлари бюрократик идораларга айланиб қолған. Буннинг илдизиге этиш өткін келди.

Айтилғанлардан хулоса чиқариб, кичик ва ўрта бизнесни күллаб-куватлаш бүйічка Давлат комиссияси мутлақо фаолият күрсатмаганини таъкидлаш зарур. Қисқа муддат ичіда бу комиссия таркибини қайта күриб чиқыш ва кучайтириш лозим.

Шу билан бирга, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорлық амалдаги қонунлар ва мемлекеттегі риоя қылған ҳолда ривожлантириш ҳамда күллаб-куватлаш билан боғлиқ барча масалаларни кечіктірмай ҳал этиш зарур. Бунда асосий мутасаддилік вазифасини мазкур Ҳукумат комиссиясینинг ишгі органды сифатида Ўзбекистон Адлия вазирлиги зыммасига юкلاш лозим, деб ҳисоблайман. Негаки, бутунты қуада тадбиркорлық субъекттердин қонунсизликдан ҳимоя қилиш фавқулодда мұхим вазифа бўлиб турибди.

Тўтуничи. Биз учун мұхим бўлган яна бир масала хусусида алоҳида тўхтамоқчиман. Гал иқтисодиётта чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳақида бормоқда.

Мен яна бир карра таъкидламоқчиман. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини көнгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатта бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш мумкин эмас. Бусиз кучли рақобат шароитида жаҳон бозорларига кириш ва улардан мустаҳкам ўрин эгаллаш амри маҳол.

Мамлакатимизда бугунги кунда хорижий сармоядорлар учун энг қулай инвестиция мұдити барпо этилған. Шуны очық айтишимиз керакки, бу қулайлык ўз самара-сина бермоқда. Күшлаб чет зәл компания ва банклари биз билан шерикликда ишилаш, ўз маблағларини иқтисодиётимизга ётқизиш истагини билдирмоқда, бизни ўzlары учун истиқболли ҳамкор деб тан олмокда.

Ўзлаштирилаёттан чет зәл сармояси ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бунинг яқдод тасдигидир. Хусусан, 1999 йилнинг ўзида иқтисодиёттинг устувор тармоқларида 1 миллиард 324 миллион АҚШ доллары миқдорида чет зәл сармояси ўзлаштирилгани бор ҳақиқатни айтиб турибди. Мамлакатимиздаги барча капитал қўйилмаларнинг 24 фоизини чет зәл сармояси ташкил этаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Келинглар, шу ўринда ўзимизга бир савол берайлик. Мамлакатимизга чет зәл сармояси янада кўпроқ келиши ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун ҳаммамиз ҳам қўлимиздан келадиган барча ишни қиляпмизми? Чет зәллик сармоядорлар билан керакли даражада фаол ишлайпмизми? Бу борада барча зарур шарт-шароит яратилганими?

Афсуски, хорижий сармояларни жалб қилиш ва истиқboldаги сармоядорлар билан ишлапчни ташкил этишда бизда кўплаб ҳал этилмаган муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Акс ҳолда, 1999 йилда ҳукумат кафолати асосида ажратилган хорижий сармоя ва кредитларни ўзлаштириш кўзда тутилганига нисбатан амалда атиги 53 фоизни, бевосита йўналтирилган инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бор-йўғи 32 фоизни ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Чет зәллик сармоядорлар билан иш олиб боришдаги сансалорлик, кўзбўямачилик ва ҳатто ошкора таъмагирлик ҳолатларининг ҳамон учраб туриши бизни қаттиқ ташвишга солади. Шундай фактлар ҳам маълумки, сармоя лойиҳасини ишлаб чиқаётганда айрим уддабурон кимсалар самарадорлик ва лойиҳанинг валюта қийматини қоп-

лаш тамойилига амал қилиш ўрнига, ўз шахсий, гаралли манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўймокда.

Мен, ким қайси лавозимни эгаллаб турганидан қатъи назар, маҳаллий раҳбарлардан торгиб юқори Ҳукумат дарражасидаги ташкилот раҳбарларигача, барча-барчани огоҳлантириб қўймоқчиман: биз бу иллатга қарши шафқатсиз кураш олиб борамиз, уни таг-томири билан куритиб ташлашга курбимиз етади. Бу борада ҳеч кимга шафқат қилинмайди. Биз учун мамлакатимизнинг шаъни-шарафи, қадр-қиммати ва обрў-эътибори ҳамма нарсадан афзалроқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг мажмуа раҳбарларидан, ташкилотлар бошликларидан қайта ва қайта сўрамоқчиман: қачонгача биз ишга бундай масъулиятсиз муносабатда бўламиз, қачонгача ҳафсаласизлик ва сусткашлик қиласмиз? Нега ҳалигача лойиҳаларни техник иқтисодий жиҳатдан асослаш бўйича иш олиб борадиган профессионал лойиҳа-инжиниеринг компаниялари тизими яратилмаяти? Нега ваколатли идораларда техник иқтисодий асосланган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш муддатлари чўзиб юборилмоқда? Нима учун инвестиция лойиҳалари бўйича ишловчи тизимни малакали кадрлар билан таъминлашда сусткашлик қилинмоқда? Бунинг учун ким жавоб беради? Ахир, айнан мана шу ҳолат инвестиция жараёнида тўсикғов бўлиб турибди-ку! Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тузилмалари бу саволларга жавоб топишлари керак.

Бизни чет эл капитали иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги ишлар ҳам қониқтирумайди. Бу соҳада хўжакўрсинлик ҳолатлари жуда кўп. Биз аксарият ҳолларда бундай корхоналар сони кўпайгани, бугунги кунда 3,5 мингтага етгани тўғрисидаги статистик маълумотлар билан мағуруланиб юрамиз.

Келинглар, бу корхоналар қандай фаолият кўрсатаётгани, нима ишлаб чиқараётгани, уларнинг ҳудудлар бўйича қандай жойлаштирилганига танқидий баҳо берайлик. Амалда бу корхоналарнинг атиги 52 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Шундан бор-йўғи 592 таси ёки 31 фоизигина ишлаб чиқариш корхоналари экани бизни ташвишга солмай қўймайди.

Бунинг устига қўшма корхоналарнинг аксарияти йирик шаҳарларда барпо этилган. Мисол учун, республикамизда фаолият кўрсатадиган ва ишлаб чиқаришга ихгисослашган қўшма корхоналарнинг тўртдан уч қисми Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида жойлашган. Кўпгина туманларда, хусусан, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда эса бундай қўшма корхоналар ё умуман курилмаган ёки бори ҳам бармоқ билан санарли экани ачинарли ҳолдир.

Республикамиздаги 163 та қишлоқ туманининг 52 тасида биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганига қандай чидаш мумкин? Қорақалпоғистон Республикасидаги 15 та қишлоқ туманининг 11 тасида биронта қўшма корхона тузилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Сирдарё вилоятида — 8 та, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида — 5 тадан, Сурхондарё вилоятида — 4 та туманга ҳали чет эл капитали мутлақо кириб бормаганига нима дейиш мумкин?

Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш кескин муаммо бўлиб турган туманларда маҳаллий раҳбарларнинг, энг аввало, ҳокимликларнинг фаолиятсизлиги туфайли қўшма корхоналар ташкил этилмаётгани жиддий ташвиш туғдиради ва кишини рањжитади. Улар янги иш ўринлари очиш учун маблағ йўқлигини рўкач қиласи-ю, аммо чет эл сармоясини жалб этиш, замонавий, ихчам қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисида мутлақо бош қотирмайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ўта муҳим бўлиб тургани ҳолда биронта қўшма корхона ташкил этилмаган Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Кўнғирот, Чимбой, Қашқадарё вилоятининг Касби ва Нишон, Навоий вилоятининг Нурота ва Навбаҳор, Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Сирдарё вилоятининг Боёвут, Мирзаобод ва Ховос, Фарғона вилоятининг Бувайдা, Учкўприк ва республиканинг бошқа бир қатор туманлари ҳокимлари қаёққа қарамоқда?

Шуни қатъий айтаманки, агар бу раҳбарлар ана шу вазиятдан чиқиши йўлини топмаса, ўзлари эгаллаб турган лавозимларда қолишга мазнавий жиҳатдан ҳаки йўқ.

Хорижий сармоядорларнинг республикамизга келиб, ўзлари ҳамкор излаётгани, шу мақсадда маҳсус бизнес-семинарлар ўтказаёттанига гувоҳ бўлиб турибмиз. Биргина сўнгти икки йил мобайнида шундай семинарлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жizzах вилоятлари ҳамда Фарғона водийисида бўлиб ўтди. Минг афсуски, улар биздаги бефарқлик, тўрачилик, бокибекамлик каби иллатлар туфайли бирон-бир натижага эриша олмай қайтиб кетишмокда. Хўжакўрсенилик учун олиб борилаётган бундай тадбирлар ҳеч кимга керак эмас.

Куйидаги мисолнинг ўзиёқ буни тасдиқлайди. Италиянинг “Фата групп” компанияси, бир неча йилдирки, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан агросаноат мажмуи дастурини амалга ошириш бўйича иш олиб бормокда. Ушбу лойиҳа 1999 йил Инвестиция дастурига киритилган эди.

Италия томони ҳозирнинг ўзидаёқ 50 та техник иқтисодий асосномаларни ишлаб чиҳдиш ва уларни пул билан таъминлаш, халқаро эксперталарга ҳақ тўлаш, италиялик мутахассисларнинг 35 марта мамлакатимизга келиб-кетиши, ҳокимлик ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг Италия корхоналарида бўлиши учун катта маблағ сарфлади. Лекин ҳанузгача тайинли бир натижа йўқ.

Асло тоқат қилиб бўлмайдиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Барча поғоналарда ишни шундай ташкил этишимиз керакки, Ўзбекистонга қизиқиши билан қараётган биронта чет эллик сармоядор мамлакатимиздан инвестиция киритиш учун аниқ таклифлар олмасдан, ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетмасин.

**Бешинчи.** Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилувчи инфратузилма етарли дарражада ишламаяшти. Бозор институтлари расман ташкил этилган бўлса-да, аммо яхлит, ўзаро уйғун, энг муҳими, амалий фаолият кўрсатувчи бозор инфратузилмаси ҳали яратилгани йўқ. Бугун биз мавжуд бозор тузилмалари ҳали такомилига етмагани, иқтисодиётни бошқаришининг

кўплаб вазифаларини ўз зиммасига олишга тайёр эмаслигини тан олишга мажбурмиз.

Инфратузилма йўналишларининг қайси тармоини олманг — у сугурта соҳасими, лизинг соҳасими, аудит соҳасими — барчасида аҳвол қониқарли эмас.

Мисол учун, сугурта соҳасини олайлик. Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, кичик ва хусусий бизнес вакиллари, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилари такомиллашган сугурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имконига эга эмас. Бизда ҳозиргача тузилган сугурта компаниялари кафил бўлиш вазифасини бажара оладими? Албатта, йўқ!

Чунки рўйхатдан ўтган 100 га яқин сугурга компаниясидан 30 таси фақат ички бозорда фаолият кўрсатмоқда. Бунинг устига, барча асосий кўрсаткичларнинг 80-90 физи давлат иштирокида тузилган учта компания — “Ўзбекинвест”, “Кафолат” ва “Агросуѓурта” ҳиссасига тўғри келмоқда.

Сугурта компаниялари салоҳиятли мижозларни кўпайтириш, бўш маблағларни жалб этиш бўйича ҳам суст ишламоқда.

Сугурта операцияларининг қарийб 40 фоизини мажбурий сугурталаш ташкил қиласди. Бу айрим давлат-акциядорлик сугурта компаниялари учун доимий даромад манбаига айланаб қолган. Масалан, “Кафолат” сугурта компаниясига 1999 йил учун мажбурий сугурталаш бўйича 290 миллион сўм атрофида сугурта бадали келиб тушган. Бу барча тушумларнинг 45 фоизини ташкил қиласди.

“Мадад” агентлиги эса 30 миллион сўм ёки тушумларнинг 20 фоизини ана шундай бадал ҳисобидан тўплаган.

Айрим сугурта компанияларининг устав маблағлари ва операциялар ҳажми етарли бўлмаган бир шароитда кафолат тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?

Ҳақли савол туғилади. Молия вазирлиги қошида тузилган давлат сугурта назорати қаёққа қарайгти?

Бозор инфратузилмасининг бошқа бир институти — лизинг компаниялари фаолиятини ҳам қониқарли деб

бўлмайди. Ҳолбуки, уларнинг фаол ишлари учун маҳсус қонун қабул қилинди, барча шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги кунда лизинг хизматига алоҳида эҳтиёж сизилмоқда. Ҳусусан, кичик корхоналар, ҳусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари айнан лизинг орқали замонавий ихчам технологияларга эга бўлиши мумкин. Бугун биз учун юят зарур бўлган инвестициялар оқими кучайишга, қишлоқ хўжалиги техникасини, транспорт ва самолётлар паркини янгилашда лизинг амалий восита бўлиб хизмат қилиши зарур.

Бугун республикамизда бор-йўғи 12 лизинг ташкилоти тузилганига, амалда уларнинг фақат тўрттаси лизинг фолияти билан шугулланяёттанига нима деса бўлади? 1999 йилда лизинг компаниялари орқали атиги 20 лойиҳа амалга оширилгани, инвестициянинг умумий ҳажмида лизинг саломорининг мутлақо камлиги билан қандай муроса қилиш мумкин?

Вазирлар Маъкамаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисолий фаолият миллӣ банки ва бошқа манбаатдор идоралар юят қисқа мuddатда лизинг фолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни батафсил ўрганишлари, уни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш юзасидан аниқ тақлифлар киритишлари зарур.

Биз консалтинг, инжиниринг, аудиторлик ва бошқа шунга ухшаган компанияларнинг бозор муносабатлари шароитидаги аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз, афсуски, бу масала да ҳозиргача реал ўзгаришлар кўзга ташланмаяпти.

Ўзингиз ўйланг, республикада бор-йўғи иккита “Ўзинвестлойиҳа” билан “Кимёинвестлойиҳа” маҳсус инжиниринг компанияси рўйхатдан ўтган. Уларнинг иккovi ҳам Тошкентда жойлашган. Аҳвол шундай бўлгач, яна қандай инжиниринг хизмати бозори ҳақида гапириш мумкин? Бундай шароитда инвестиция лойиҳаларини техник иқтисодий асослаш ва экспертиза ишлари умуман қониқарсиз эканидан ажабланмаса ҳам бўлади.

Рўйхатдан ўтган бор-йўғи 85 консалтинг компанияларининг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Бунинг устига уларнинг деярли тенг ярми Тошкентда фаолият кўрсатяпти.

Бир қанча ҳудудларда бундай компаниялар умуман кам: Навоий вилоятида битта, Бухоро ва Ҳоразм вилоятларида иккита шундай фирма ишлайди, холос.

Аудиторлик фирмалари ўтказаёттан тафтишларда кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Улар аксарият ҳолларда хўжалик субъектларини тузилган шартномалар асосида эмас, балки назорат идораларининг кўрсатмаларига биноан тафтиш қўлмоқдалар.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятида ўрганилган 10 та аудиторлик текширувинг олтиласи ҳукуқ-тартибот органлари кўрсатмасига асосан ўтказилгани аниқланди. Бунда аудиторлик текширувига сарфланган харажатлар тўғридан-тўғри текширувчилар бўйнига тушган.

Ҳукуқ-тартибот идораларининг айрим аудиторлик фирмаларини ўз қаноти остига олиб, уларга иш топиб беришдек бундай бемаъни усусларга чек қўйиш керак. Вазирлар Маҳкамаси барча манфаатдор тизимларни жалб этиб, амалдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни танқидий кўриб чиқиши, аудиторларнинг масъулиягини ошириш ва тафтиш қилинаётганларнинг ҳимоясини тъминлашга қаратилган тегишли қўшимчалар ва тузатишлар киритиши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизнесменлар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг маълакасини оширмасдан туриб тадбиркорликни ривожлантириш, бозор муносабатларини шакллантиришни асло тасаввур этиб бўлмайди. Шу мақсадда республикаизда бизнес мактаблари тизими ташкил этилмоқда. Ҳар бир ҳудудда бизнес-инкубаторлар ишлаб турибди. Шу кунгача бизнес-инкубаторларда 12 мингдан ортиқ, жумладан, 1999 йилда 5 мингдан зиёд киши ўқитилди. Аммо бу ҳали етарли эмас.

Шу билан бирга, уларнинг фаолиятида хўжакўрсинга ишлани қаби бир қанча муаммолар мавжуд. Аксарият минтақаларда бу тизим амалда ишлайдиган йўқ. Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида ўқув машгулотлари умуман олиб борилмаган. Бу ҳудудлардаги бизнес-инкубатор субъектлари томонидан

бирон-бир инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаган. Самарқанд, Хоразм, Андижон вилоятларида эса бу ишларга етарли эътибор берилмаётгани туфайли 60 нафарга яқин тадбиркор ўқитилган, холос.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: бу бизнес-инкубаторларда кимлар ўқитилмоқда? Эслатиб қўймоқчиман, бизнес инкубаторларнинг асосий вазифаси – тадбиркорларни, аввало, қўлидан иш келадиган, бизнес билан шугулланмоқчи бўлган дехдон ёки малакали ишчи ва хунармандларни ўқитишдан иборат.

Амалда тадбиркорлар жами ўқиётганларнинг 65-70 фоизидан ошмайди. Ўқиётганларнинг асосий қисми эса турли ташкилот, муассаса, корхона раҳбарлари ва мутахассислари, яъни амалдорларнинг ўзларидан иборат бўлиб қолмоқда,

Бозор иқтисодиётининг турли институтлари фаолиятига баҳо берар эканмиз, Давлат мулк қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар қониқарсиз аҳволда эканини яна бир бор таъкидлашта тўғри келади. Чунки айнан мана шу қўмитанинг фаолияти бозор инфратузилмаси ва тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

**Олтинчи.** Давлат ва ижтимоий тузилмалар, биринчи навбатда, қонунининг бажарилашими таъминлайдиган, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тадбиркорлар ва корхоналарнинг хўжалик фаолиятига поёнуний аралашаётганига асло тоқат дилиб бўлмайди.

Текширувларни тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилгач, уларнинг сони 25 фоизга кисқарди. Лекин, шунга қарамай, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан белгиланган тартибда келишмасдан текширувлар ўтказиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Назорат органлари тадбиркорларни қўллаб-куватлаш ва уларга ёрдам бериш ўрнига ўзларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари билан амалда кичик бизнес ривожига тўсқинлик қилмоқда. Бундай бемаънигарчиллик қачонгача давом этади?

Бу ташкилотларнинг раҳбарлари қаёқда қарамоқда? Улар салбий иллатларга қарши курашиш учун катта ваколатларга эга. Биз, аввало, уларнинг ўзидан қонунга қатъий итоат этишни талаб қиласиз. Қонуни биринчи навбатда ҳурмат қилиши лозим бўлган тизимларнинг ўзи унга ўзи хоҳлаган тарзда муносабатда бўлса, қандай қилиб ҳукукий давлат куриш мумкин? Агар уларнинг манфаатларига мос бўлса, улар қонуни посбонлари-ю, манфаатларига зид келса, қонуни оёқости қилишса, бу қайси мантиқа тўғри келади?

Такрор ва такрор таъкидлайман — қонун барча учун баробар. Қонун олдида ҳамма тенг. Биз қонун устуворлигини ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий тамойилларимиздан бири, деб бекорга белгилаган эмасмиз.

Мен яна бир марта огоҳлантириб қўймоқчиман, ўзбонимчалик билан корхоналар фаолиятига аралашиш бўйича ҳар бир факт қонуннинг қўпол бузилиши, деб баҳоланади ва айбдор шахслар қатъий равнишда маъмурӣ ва жинойи жавобгарликка тортилади. Бу масала бўйича прокуратура идоралари алоҳида жавоб беради.

Шунингдек, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши фақат йўналиш бўйича кўрсатмалар бериш билан чекланиб қолмасдан, бу масалада қатъият кўрсатиши керак.

Хукуматнинг ҳар бир қарори ижросини таъминлаш, шу билан бирга иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва назорат қилиш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмаларига юклатилган. Сиртдан қараганда, барча зарур тузилмалар шаклланган, кадрлар билан таъминланган. Лекин нега хукумат қарорлари бажарилмаяпти?

Чунки бу ерда расмийчилик палак отган: мендан кетгунча, эгасига етгунча, қабилида иш тутилмоқда.

Очигини айтганда, Вазирлар Маҳкамаси мажмуалари йилнинг бир чорагидан иккинчи чорагигача ҳамиша бир хил “боқий” масалаларни кўриб чиқади, номига топшириқлар беради, номига назорат қиласиз. Оқибатда айнан бир хил муаммолар мұхим топшириқ сифатида кун тартибига қўйилаверади, баённомалардан баённомаларга

“кўчиб” юради. Лекин уларнинг ечими бўйича амалий иш йўқ. Энг ёмони, бу деч кимни безовта қилмайди.

Ечимини кутаётган долзарб муаммоларнинг йигилиб қолиши, жойларда содир этилаётган қонунбузарликлар, бемаънгарчиликлар, биринчи навбатда, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг, Мажмуя раҳбарларининг дикқат-марказида бўлиши лозим эмасми! Иқтисодиётимизнинг тақдидири пировард натижада сизларнинг қатъиятингизга, гайрат-шижоатингизга, масъулиятни ўз зиммангизга нечоелик ола билишингизга бевосита боғлиқ эмасми?

Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби бугун ислоҳотлар жараёнига тўсиқ-ғов бўлаётган камчиликларни, эски тизимдан қолган, кечиктирмай бартараф этилиши лозим бўлган ишлатларнинг сабабларини чуқур таҳдил этиши, йўл кўйилган хатолардан тегишли сабоқ чиқариб, амалий чора-тадбирлар кўриши лозим. Энг муҳими, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш мамлакатимиз олдида турган мақсадларга эришишнинг кучли, таъсирчан механизмини яратиши зарур. Ўйлайманки, ушбу мажлис иштирокчиларига ҳалқимиз сиз билан бизга билдирган юксак ишончни оқлаш энг муқаддас бурч, ҳар биримиз учун виждан иши эканини эслатиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Раҳбар одам бошқаларга нисбатан узокроқни кўриши керак. У нафақат бугунни, балки, эртанги кунни аниқ тасаввур этиб ишлаши, келажакнинг ташвиши билан яшавиши зарур. Ҳали кўзга ташланмаган муаммоларни сезиши, кўра билиши керак. Раҳбар унга ишонган одамларни атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, эртага у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини оғоҳ этиб бориши лозим.

Мен Олий Мажлиснинг Иккинчи чакириқ биринчи сессияси биринчи йигилишида, Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йигилишида айтган гапларимни яна такрорламоқчиман. Агарки, биз раҳбарлар мамлакатимизда, дунёда бўлаётган иқтисодий жараёнлардан оғоҳ бўлмасак, бу жараёнлар эртага нимага олиб келиши мумкинлигини олдиндан сез-

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

масак, уни тўғри бадолай олмасак, бугун эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб хотиржамликка берилсак, ютқазамиз.

Эртанги кунимиз фаровон бўлсин десак, тараққий топган давлатлардан кам бўлмасдан ўзимизнинг орзу-мақсадимизга эришмоқчи бўлсак, бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарур.

Тиним билмай, хотиржамликка берилмай, доимо изланиш, изланиш ва яна изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик ҳисобидан яшашимиз керак. Ана шундагина Аллоҳ таоло бизни қўллади, йўлимизни очиб беради. Илгари кўп бор айтганимдек, элим деб, юртим деб, ёниб яшаш ҳар биримиз учун ҳаёт мазмунига айланини даркор.

Ишонаман, беш-үн йил ичida Ўзбекистонимизниг қиёфаси тамомила ўзгариб кетади, қурратига қудрат қўшилади. Насиб этса, ҳаммамиз бунинг гувоҳи бўламиз.

Барчангизга ана шу ээгу мақсад йўлида сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат тилайман!

*1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий  
ривожлантириши якунлари ва 2000 йилда  
иқтисодиётни зерқинлаштириши ва ислоҳотларни  
чўжурлаштиришининг устувор йўналишларига  
багишланган Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамоси мажлисидаги наъруза,  
2000 йил 11 февраль*

---

## **ИЗЛАНИШ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ**

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Хурматли депутатлар!

Энг аввало, сиз, Сирдарё вилояти депутатлари, фаоллари билан дийдор кўришиб турганимдан хурсанд бўлганимни, барчангизга — сиз орқали бутун Сирдарё аҳлига ўз хурматимни издор этмоқчиман.

Маълумки, яқинда мамлакатимиз Олий Мажлиси ва маҷаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Шу жумладан, Сирдарёда ҳам ҳалқ депутатлари вилоят кенгашининг янги таркиби шаклланди. Мен бу кенгашнинг янги таркиби билан танишар эканман, аввало, эътиборли бир жиҳат дикқатимни ўзига тортганини айтишим керак.

Яъни, Сирдарё аҳли, Сирдарё ҳалқи ишонч билдириб сайлаган депутатлар орасида турли миллат вакиллари, ҳар хил касб эталари бўлиб, уларнинг аксарияти кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга, билимли, энг муҳими, ҳалқ ичидан чиқсан инсонлар экани мени шахсан мамнун этади.

Булар орасида бевосита ишлаб чиқариш соҳасининг намояндалари, иқтисодчилар, муҳандислар, тадбиркорлар, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимлари, фермерлар, қишлоқ оқсоқоллари, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг барча тоифа ва қатламларининг вакиллари бор.

Бунинг ўзи вилоятнинг муаммо ва ташвишларини ечаёттанди, энг аввало, шу воҳада яшашётганларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашда уларнинг орзу-умидларини амалга ошириши масалалари атрофлича кўрилади ва албагта ҳал бўлади, деб ишонч билдиришга асос беради, деб ўйлайман.

Боёвут туманидаги Дўстлик қишлоқ фуқаролар йигини раиси Сайдулло Абдуқодиров, Гулистон шаҳар сало-

матлик маркази бош шифокори Татьяна Львовна Плеханова, Гулистон шаҳридаги академик лицей директори Саме Самадов, Мехнатобод туманидаги “Азиз” фермер хўжалиги раҳбари Шаҳзода Дедқонова, Ўзбекистон халқ шоирини Тўра Сулаймон, вилоят электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Абдуманноп Кўчқоров, Мирзаобод туманидаги 21-урта мактаб директори Баҳодир Розиқов, вилоят музиқали театрининг артисти Шафоатхон Раҳматуллаева каби эл-юрг ўртасида обрў-эътибор топган кўпгина инсонларнинг депутатлар сафида борлиги вилоят кенгашининг самарали ишлашига ишонч туғдидари.

Менинг сиз, азизларга қаратиб айтадиган тилагим: барчангизнинг ишингиз ўнгидан келсин, куч-кувват, омад сизларга доим ёр бўлсин!

Хурматли дўстлар!

Сизлар билан ўтган йилнинг декабрь ойида мана шу залда бўлиб ўтган сайловолди учрашувида биз вилоятда қилинган ишларга холисона, танқидий баҳо бериб, келгуси вазифаларимизни белгилаб олган эдик.

Сирдарё воқасини, унинг элини кўпдан бўён ҳийнаб келаётган муаммолар, ўзига хос қийинчиликлар, ишлаб чиқариш соҳаларида ечимини кутаётган, шу юртда яшетган одамларнинг ҳәётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида гов бўлиб турган масалалар ҳақида гаплашиб, келишиб олган эдик.

Булар қаторида, аввало, Сирдарё вилояти ривожига, тараққиётiga жуда катта салбий таъсир етказаётган, барча камчиликларнинг негизида, томирида ётган, йиллар давомида ўз ечимини топмаётган муаммолар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги масалалар эканини ҳаммамиз тан олган эдик.

Улар нималардан иборат? Яна эслатиб ўтмоқчиман:

- вилоятдаги ерларнинг ачинарли мелиоратив ҳолати;
- вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таркибини ўзгартириш зарурлиги;
- қишлоқ хўжалигининг моддий-техника таъминотини тубдан ўзгартириш, янги замонавий технологияларни кўллаш;

— қишлоқ инфратузилмасини, яни қишлоқда яшает-ган адолига күрсатиладиган ижтимоий ва майший хизматни кенг ривожлантириш.

Лекин, бу муаммоларни ечиш билан бирга, вилоятда аввалимбор ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш масалалари кўйилди. Аввало, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ислоҳотлар олиб боришда ҳеч чидаб бўлмайдиган кўпгина ҳоллар:

расмиятчилик, кўзбўямачилик, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, лоқайдлиги, билими етишмаслиги ҳақида гап борган эди.

Қишлоқ ҳўжалик соҳасида мулк муносабатлари ўзгармаёттани, тармоқли бошқараёттан кўпгина раҳбар ва мутахассисларнинг бу масалада чаласаводлиги, олиб борилаётган ислоҳотларнинг маъно-мазмунини, мақсадлари ни билмаслиги ишга катта тўсиқ бўлиб тургани ҳақида очиқ айтиб ўтилган эди.

Фермерлик ҳаракатига, унинг кенг кўламда ривож тошишига тўқинчилик ҳақида, ширкатларни пайчилик асосида ташкил қилинча, ҳақиқий оила пурратини кенг жорий этишда, унинг самарасини оширишда, энг муҳими, дэхонларда эгалик ҳиссини тарбиялашда, ўз ишлаб чиқарган маҳсулотига холисона ва адолатли ҳақ олишида йўл кўйилаётган қарама-қаршилик ва камчиликлар мавжуд экани эътироф этилган эди.

Хурматли депутатлар!

Сизларга маълум бўлиши керакки, аввало, Сирдарё вилояти қишлоқ ҳўжалиги ривожи олдида тўсиқ бўлиб турган масалалар бўйича, уларнинг ечимини топиш, беш-ён йил давомида жорий этишга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш мақсадида, сайловолди учрашувида келишиб олганимиздек, маҳсус ҳукумат комиссияси тузилди.

Бутунги кунда бу комиссия ўз ишини бошлади.

Лекин бир нарсани барчамиз яхши англаб олишимиз даркор. Ҳар қандай дастурлар, жуда чуқур ўйланган, ҳар томонлама келишиб олинган, таъминланган дастурларни ишлаб чиқишимиз мумкин.

Аммо, — буни яна ва тақрор-тақрор айтишим керак, — қачонки, қишлоқ хўжалик соҳасида бозор иқтисодиёти, замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш муносабатларини жорий этмас эканмиз, мулкчилик ма-салаларини, ерга, мулкка, меҳнатта ўз муносабатимизни ўзгартирас эканмиз, биз ҳеч нарсага эришолмаймиз.

Азиз дўстлар!

Қани, келинглар, мана шу масала атрофида — вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожи мисолида батафсил фикр алмасиб олайлик.

Буни ҳеч яширмасдан, сир тутмасдан айтишимиз мумкин, барчамиз тан олишимиз керак: Сирдарё воҳасида қишлоқ хўжалигининг умумий аҳволи кўп йиллар давомида ҳамон мураккаблигича қолмоқда.

Ўтган йили вилоят бўйича 141 минг 300 гектар майдонга пахта, 87 минг 300 гектар ерга ғалла экилган эди. Пахта ҳосилдорлиги вилоят бўйича гектарига 18,8 центнерни, ғалла ҳосилдорлиги эса 21 центнерни ташкил этди.

Кейинги йилларда ғалла етишлиришга зътибор кучайгани, дон экиш учун унумдор ерлар ажратилаётгани яхши, албаттга. Лекин барчамиз бир ҳақиқатни чукур англаб олишимиз зарур: Ўзбекистон шароитида, Ўзбекистон иқлимида, аввало, дунё бозорида доим ҳаридорбоп бўлган, биз учун асосий валюта тушуми манбаи бўлган, шу билан бирга, агар ишни тўғри ташкил қиласиган бўлсак, дехқонларимизнинг ҳам, ҳалқимизнинг ҳам косасини оқартирадиган пахтачилик соҳасини унумаслигимиз керак.

Албаттага, вилоятда шундай майдонлар ҳам борки, у ерда пахтадан куттилган ҳосилни олиб бўлмайди. Шуни инонгатта олиб, республика ҳукумати ўтган йил 26 октябрда қабул қиласиган маҳсус қарорга биноан Сирдарё вилоятидағи Меднатобод ва Мирзаобод каби туманларда ана шундай ерлар ҳисобидан 5 минг гектар майдонга шоли экиш кўзда тутилган.

Шу ва бошқа тадбирлар ана шу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда дон маҳсулотларики кўпайтириш имконини беради. Ўйлайманки, юқорида зикр этилган ҳукумат комиссияси бу масала бўйича ҳам аниқ ил-

мий асосланган қўшимча таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқади.

Кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларнинг аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, вилоятда 3 та туман ва 45 та хўжалик пахта тайёрлаш режасини, 7 та туман ва 80 дан ортиқ хўжалик фалла тайёрлаш давлат буюртмасини бажаргани, Сайхунобод туманидаги “Бирлашган”, К.Султонов номли, Гулистан туманидаги “Уч қаҳрамон” ширкатлар уюшмасида ҳосилдорлик 35-40 центнерга етгани, бу хўжаликларда йил якуни бўйича ширкат аъзоларига 20 мингдан 65 минг сўмгача дивиденд тўланганининг ўзи ҳам бу тармоқни ривожлантириш учун вилоятда катта имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди.

Лекин, бир неча йилдирки, вилоят сурункасига пахта тайёрлаш режаларини бажармай келяпти. Айниқса, Мехнатобод, Ш.Рашидов номли, Мирзаобод, Сирдарё, Оқ олтин туманлари учун пахта тайёрлаш режасини бажармаслик одат тусига кириб қолганини қандай баҳолаш мумкин?

Пахта етиштирадиган 102 та хўжаликнинг аксарияти сўнгти тўрт-беш йилда 60-70 фоизлик маррадан нарига ўта олмаётир.

Ҳосилдорлик йил сайин пасайиб бормоқда.

1999 йилда 26 та хўжаликда 10 центнергача, 14 та хўжаликда эса ўртacha 10-15 центнердан пахта ҳосили олинганига нима деса бўлади?

Мисол учун Мирзаобод туманининг “Мустақиллик”, “Тошкент”, Беруний номли, Улугбек номли, Меҳнатобод туманининг “Ровот”, “Бўстон”, “Фалаба”, Оқ олтин туманининг Тоиров номли, “Чинобод”, “Барлос”, Сирдарё туманининг “Пакгазор”, “Истиқлол”, “Ҳақиқат”, Ховос туманининг “Навбаҳор” хўжаликларида пахгадан бор-йўги 5-7 центнердан ҳосил олинмоқда.

Вилоят бўйича ўтган йили пахтачиликдан 1 миллиард 900 миллион сўм, галлачиликдан эса 200 миллион сўмдан зиёд заарар кўрилгани, 73 та хўжалик йилни заарар билан якунлагани тоқат қилиб бўлмас ҳолдир.

Бундай ҳолатларни яширмасдан, уларнинг сабаби ҳақида очиқчасига гаплашиб олишимиз керак. Энг муҳими, бу ҳолатларга қарши чора кўришмиз лозим.

Сизларга яхши маълум, ўзини ўнглай олмаган, иқтисодий жиҳатдан ноҷор хўжаликларни ҳукумат йўли билан кўллаб-кувватлаш, оёққа турғизиш мақсадида санация тўғрисида қонун қабул қилинди. Сирдарё вилоятида ҳам 1998—99 йилларда 31 та хўжалик санацияга тортилган эди.

Ҳар томонлама моддий ва амалий ёрдам берилаёттанига қарамасдан, бу хўжаликларнинг кўпчилигида ўзгариш сезилмаяпти. Мисол учун 15 та хўжаликда на ҳосилдорликнинг ўсиши бор, на қилинган харажатлар эвазига олинаёттан даромад бор.

Бу янги усулнинг самара бермаёттани битта нарсани — яъни айрим мутасадди раҳбарлар санациянинг мазмунмоҳиятини тўғри тушунмасдан, ҳамон бокимандалик кайфиятида иш юритаёттанини кўрсатади.

Хозир қишлоқ хўжалигига мутасадди бўлган вилоят раҳбарлари, қолоқ туманларнинг ҳокимларидан бу аҳволнинг сабабини сўрасангиз, албатта, сўнгги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганини, шўрланиш кучайланлигини, яна ўнлаб баҳоналарни рўкач қиласади.

Яна бир бор айтаман: албатта, бу ҳолатларни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам борлигини унугмаслигимиз керак.

Яъни, асосий гап, балки ҳал қилувчи жумбоқ — ўзимизнинг ишни ташкил қилишимизда, ерда ишлаётган дедқонга, барча хўжаликларга — у ширкат бўладими, фермер бўладими, дедқон хўжалиги бўладими, эркинлик беришда, деб кўришимиз даркор. Ер ҳамон ўзининг ҳақиқий эгасини топмаёттанида. Бу борада биз барча йўл қўйилган оқсоқликнинг сабабини қидиришимиз керак.

Таассуфки, қишлоқ хўжалигида янгилик киритиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан кўпчилик раҳбарлар юзаки, хўжакўрсинга шуғулланмоқда. Сўнгги йилларда бу соҳани ривожлантириш мақсадида қабул қилинган бир қатор қонунлар ҳаётта изчил татбиқ этилмаяпти.

Шуни ҳам очиқ тан олишимиз керак: вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ўтказиш, аввало, маъмурий-буйруқбозслик, кўп жойларда тепадан туриб кўрқитиш ҳисобидан ва хўжакўрсинг мақсадида олиб борилмоқда. Ҳолбуки барча иқтисодий ислоҳотларниң негизида, аввало, одамларни, деҳқонларни рағбатлантириш, моддий қизиқтириш, ишга муносабатини ўзгартириш ҳисобидан пировард кўзланган натижаларга эришиш мумкин. Такорр айтишга тўғри келади — бунга, аввало, ерга эгалик ҳиссиётини тарбиялаш билангина эришиш мумкин. Ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари учун кенг йўл очиб берилган тақдирдагина равнақ топиш мумкин.

Бу фикр-хуносаларни исбот қилиш учун Сирдарё вилоятининг ўзидан барча мисолларни олиб келиш ўринли, деб биламан.

Боёвут, Гулистон, Сайхунобод туманиндағи ҳар гектар майдондан 35-40 центнердан пахта ҳосили олган фермер хўжаликларининг эришган натижалари, олган даромадлари, иш суръатлари барқарор ўсиб бораётгани ҳақида бу ерда ўтирган кўпчилик депутатлар яхши хабардор, деб ўйлайман.

Мана, битта мисол: Гулистон туманиндағи Абдулазиз Ҳайдаров бошчилик қилаётган “Барлос” фермер хўжалиги ҳар гектар майдондан 37 центнердан пахта, 39 центнердан ғалла ҳосили олиб, йилни 3 миллион 200 минг сўм фойда билан якунлади.

Сирдарё туманиндағи “Тинибек бобо” фермер хўжалиги бошлиғи М. Тинибеков 10 гектар майдонга пахта экиб, 45 центнердан, 8 гектар ғалла майдонидан эса 42,5 центнердан ҳосил олган.

Бу мисоллар ишнинг кўзини билиб меҳнат қўлган одам оғир тупроқ шароитида ҳам мўл ҳосил ундириб, ўзига ҳам, элу юртта ҳам наф келтиришининг тасдиги эмасми?

Бу мухим масаланинг яна бир томони борки, у ҳақда ҳам очиқ гаплашиб олмасак бўлмайди.

Бугун ҳисобот бўйича Сирдарё вилоятида 1 минг 541 та фермер хўжалиги ташкил қилинган ва фаолият кўрсатмоқда. Пахтачилик соҳасида фермерларга ажратилган

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

майдон 39 минг гектарни, ғаллачилиқда эса — 18 минг гектарни ташкил қылади.

Шу муносабат билан биринчи пайдо бұладиган савол табиій. Мана шу ўзини фермер деб әйлон қылған хұжаликтер ҳақиқатан ҳам амалдагы фермерлік ҳаракатында доир қонуи ға нормаларға жағоб берадими? Содда қилиб айтқанда, қанчаси ҳақиқатан ҳам фермер, қанчаси эса ҳали-бери күп жиһатдан фермерлік низоми ға мақомига жағоб бермайди?

Иккінчи мұдым савол.

Хеч ким ҳали-бери текширгани ҳам йүқки, уларға ажратылған ер майдонларидан неча фойзи ҳақиқатда ҳам пахта, неча фойзи ғалла ғасырлары билан банд? Нече фойзи эса ҳисоботда күрсатылған ғасырлар билан банд?

Пакта ғасырлар майдонлар ҳажмини катта күрсатыб, ҳақиқатда эса пахта ўрнинг ғалла ға бошқа турли ўсимліктардан ҳосил ға ҳисобға олинмаган даромадлар олиш ҳоллары борлыгини күтпілдік яхши билади. Пахта ҳосил-дорлиги 5-7 центнерга тушиб қолғанини шунинг ҳисобидан ҳам изоҳлаш мүмкін.

Биз бунинг замирида фақаттына иқтисодий зарап, ерни талон-торож қилиш, ноқонуний іштілек билан даромад олиш у ға түсін, бундай ножұя қалбаки ишлар ҳисобидан, аввало, фермерлік йұнапаштарини, фермерлік ҳаракатини обрағызлантиришга бұлған интилишларни күришимиз даркор.

Нега деганда, ўз еримга әгалік қыламан, деган ҳақиқіт дедең, ернинг унумдорлигини ошириш ҳисобидан ҳам ўзимга, ҳам ойламга, ҳам жамиятта, давлатта наф келтираман, деган қалби, нияти пок одамлар ер ололмасдан четда қолмоқда.

Үйлайманки, бундай нохуш интилишларнинг негизиге етиб борищ, уларни тағ-томири билан узіб ташлашынан күч-кудратимиз етади, албаттада.

Бугунги кунда бир нарса барчамиз учун аён бўлиши шарт.

Сурункасига, күп йиллар давомида ўзига ҳам, давлатта ҳам зарап етказиб келаёттган хұжаликлар билан муроса қилиб бўлмайди.

Пахта етиштиришда 7-15 центнердан, ғаллачиликда 20 центнердан кам ҳосил оладиган хўжаликларга чираб бўлмайди.

Вилоят бўйича бундай хўжаликлар — пахтачилик соҳасида 40 та, ғаллачилик соҳасида 32 тани ташкил қиласди. Шу жумладан, Сайхунобод туманида 10 та, Мирзаобод туманида 8 та, Мехнатобод ва Ховос туманларида 7 тадан, Ш.Рашидов номли туманда 5 та, Оқ олтин туманида 3 та ана шундай пахтачилик хўжаликлари бор.

Ғаллачилик бўйича Гулистон туманида 8 та, Мирзаобод туманида 6 та, Ховос туманида 5 та, Сайхунобод ва Мехнатобод туманларида 4 тадан, Боёвут туманида 3 та, Оқ олтин туманида 2 та ана шундай хўжаликлар мавжуд.

Бу хўжаликлар билан орани очиб кўйишимиш керак. Буларни сақлаб қолишдан нима ва ким манфаатдор? Бундай саволларга жавоб топиб, масалани ечишимиз даркор.

Хўш, бу муаммони нима ҳисобидан ечиш мумкин?

Аввало, мулкчилик масаласини ечиш ҳисобидан. Ка-бул қилинган қонунларга риоя қилиш ҳисобидан.

Фермер ва дедқон хўжаликларига йўл очиб бериш, уларга эркинлик бериш ҳисобидан.

Фермерлик хўжаликларини тушиб, улар асосида фермерлик-тижорат бирлашмаларини барпо этиш ва кўпукладли иқтисодиёт ташкил қилиш ҳисобидан.

Масалани ечиш йўллари жуда кўп. Фақатгина бунинг учун аввал раҳбарлардан изланиш, яна бир бор изланиш, интилиш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик керак. Билим, малака ва фидойилик керак.

Афсуски, кўпгина раҳбарлар дехқонни рагбатлантириш, унга ҳимоячи ва мададкор бўлиш ўрнига, билса-билмаса ишига аралашади, ақл ўргатади, хукмини ўтказиб, гўё ўзининг мансабдор эканини кўрсатади.

Бундай эски тизимдан қолган маъмурий-буйруқбозлиқ услуги билан энди муроса қилиб бўлмайди. Буни ҳаммамиз тушуниб олишимиз керак.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг биринчи сессияси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг якунлари

ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор берганимиз бежиз эмас.

Бу йиғилишларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, йўл кўйилаётган нуқсонлар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида очиқ ва аччиқ гаплар айтилди. Республика ҳукумати аъзолари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари шаънига қаттиқ танқидий фикрлар билдирилди.

Шуни очиқ айтиш керакки, олға боришимизга, кўзлаган мақсадимизга эришишга, ҳалқимиз биздан кутаётган турмуш шароитини яратиб беришимизга тўсқинлик қилаётган, керак бўлса, оёғимизга тўғоноқ бўлиб, орқага тортаётган иллатлар Сирдарё вилоятида ҳам кўп. Уша йиғилишларда баён этилган эътиrozларнинг аксарияти сизларга ҳам бевосита тегишли, десам хато бўлмайди.

Хурматли депутатлар!

Албатта, Сирдарё вилоятида охирги йиллар давомида унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берганини, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини, саноатнинг изчил тараққиётига замин яратилганини ва бошқа барча соҳаларда амалга оширилган салмоқли ишларни ҳеч ким инкор қилолмайди.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида ўнлаб йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётидаги амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар сиёсати туфайли вилоятда ўтган йили ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 17,5 миллиард сўмга етди.

Кўнгина янги саноат корхоналари, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ кўшма корхона ташкил этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида Гулистон, Сирдарё, Янгиер шаҳарларининг, бир қатор туман марказларининг қиёфаси тубдан ўзгарди, кенг ва равон йўллар курилди, миллий меъморчиллик анъаналарига асосланган ўнлаб замонавий бинолар қад кўтарди.

1998-1999 йиллар мобайнида З минг 678 оиласнинг янги уйларда ҳовли тўйларини ўтказгани ҳам вилоят аҳли турмушининг тобора яхшиланиб бораёттанини кўрсатиб турибди.

Лекин, масалага бугунги кун нуқтаи назаридан чуқуроқ қарайдиган бўлсак, қилинган ишлардан қилиниши лозим бўлган ишлар кўплитига иқор бўламиз. Чунки бугунги куннинг талаби, замоннинг шиддатига кўра эришилган ва эришилаётган озгина ютуқдан хотиржамликка берилиш, “инимиз яхши кетяпти”, деб қаноатланиш асло мумкин эмас.

Нафақат юқорида зикр этилган қишлоқ хўжалик соҳасида, агарки, вилоят ҳалқ хўжалигининг бошқа соҳаларидағи жараёнларни ҳам танқидий кўз билан қарайдиган, баҳолайдиган бўлсак, аввало, ислоҳотларнинг самараси, уларни чукурлаштириш масалалари, ишлаб чиқариш тармоқларига, умуман, бошқарища эркинлик беришда ҳали жуда кўп оқсоқликларга, камчилик ва нуқсонларга йўл кўйилгти.

Мисол учун, чет мамлакатлар билан қўшма корхона барпо этиш масаласини оласизми, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик масаласини оласизми, бозор инфратузилмаси ривожини оласизми, банклар фаолиятига назар ташлайсизми – барча-барча тармоқ ва соҳаларда, аввало, янгиланиш, бу борадаги муаммоларни замон талаблари ва андозаларидан келиб чиқсан ҳолда ечимини топиш масалаларида ҳали биз жуда орқадамиз.

Биз, одатда, қўшма корхона деганда, ўзимиздаги мавжуд ҳом ашёларни қайта ишлайдиган, ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқарадиган, нафақат туман, балки вилоят иқтисодиётини ҳам юксалтиришида салмоқли ўрин тутадиган корхоналарни назарда тутамиз.

Афсуски, вилоятда ташкил этилган қўшма корхоналарнинг аксарият қисми бу талабга жавоб бермайди. Бошқача қилиб айтганда, вилоятни саноатлашган ҳудудга айлантиришга хизмат қилмайди.

Бунинг устига, рўйхатта олинган қўшма корхоналардан 9 таси, шу жумладан, Гулистон шаҳрида 4 та, Оқ ол-

тин ва Гулистан туманида 2 тадан, Бойвут туманида эса битта кўшма корхона турли сабабларга кўра фаолият кўрсатмаяпти.

Ширин шаҳрида, Меҳнатобод, Мирзаобод, Ховос ва Шароф Рашидов номли туманларда бирорта ҳам кўшма корхона ташкил этилмаган. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Мен Фарғона вилояти халқ депутатлари кенгаши сесиясида айтган фикримни яна бир бор таъкидламоқчиман: агар қайси туманга хорижий инвестициялар жалб этилмаса, замонавий харидоргир маҳсулот чиқарадиган кўшма корхоналар тузилмаса, бундай туманинг келажаги йўқ.

Мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатида мулкдорлар синфини шакллантириш, ўрга ва кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни кўллаб-куватлаш муддим ўрин тутади.

Лекин вилоят бўйича сўнгти беш йил давомида рўйхатдан ўтган 1 минг 68 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари моддий ва маънавий кўмак йўқлиги оқибатида фаолият кўрсата олмаяпти. Уларнинг бир қисми тутатилиш арафасида тургани боят ачинарлидир.

Маълумки, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришдан кўзлаётган асосий мақсадимиз — маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлайдиган, саноат маҳсулотлари тайёрлайдиган ихчам корхоналар барпо қилиш, шу йўл билан аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишdir.

Лекин ҳозирги вазият вилоятда бу борараги ишларнинг қониқарсиз эканини кўрсатиб турибди. Масалан, ўтган йили имтиёзли кредит олиш учун банкларга 82 та лойиҳа топширилган. Уларнинг умумий қиймати 343 миллион 450 минг сўмни ташкил этади. Банклар бу лойиҳалардан фақат 37 тасини молиялаштириб, уларга 94 миллион 625 минг сўм микдорида кредит ажратган, холос.

Демоқчиманки, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга банклар талаб даражасида ҳисса кўшмаяпти. Банкларнинг бу масалага панжа орасидан қараб келаётгани вилоятда янги иш жойлари очиш, уларга ёшлиарни жалб

этиш, одамларнинг даромад топишлари учун шароит яратиб беришдек долзарб вазифани бажаришда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қадрли юргдошлар!

Биз бугун мамлакатимиз ҳәётининг барча соҳаларини ислоҳ қилмоқдамиз. Ислоҳотларнинг муваффакияти эса ҳалқнинг маънавий камолоти ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода биз Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида белгилаб олган дастурий вазифаларимиз орасида маънавият масалалари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу улугвор вазифаларни амалга оширишда бутун ҳалқимиз, жумладан, Сирдарё аҳли ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини кўшади, албатта.

Демоқчиманки, бизнинг ҳәётимизни янгилаш, одамларимизга муносиб турмуш шароитлари яратиб бериш, баркамол авлодни тарбиялаш бўйича қабул қилаётган дастурларимиз, аввало, ҳалқимизнинг талаб-эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда тузилади. Бу — куни кеча қабул қилинган Соғлом авлод йили дастурига ҳам таалуқлидир.

Табиийки, Соғлом авлод тушунчаси жуда катта мақсад ва амалий ишларни ўз ичига ҳамраб олади. Биз нафақат жисмонан бакувват ёшларни, шу билан бирга, чукур билимга эга, маънавий баркамол, дунёдаги тенгдошлари билан беллашибга, уларга ўзбек ҳалқининг истеъоди ва салоҳиятини намойиш этишга қодир бўлган авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керак.

Бунинг учун эса Сирдарё вилоятида ҳам маънавий-маърифий ишлар соҳасида кескин ва туб ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Одамларимиз, хусусан, ёшларимиз онгига миллий фоя ва мағкурани сингдириш, муқаддас ислом динимизга бўлган соғлом эътиқодни сақлаган ҳолда турли диний-экстремистик кучларга, заарли оқимларга қарши курашиш, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича бошланган ишларни давом эттириш даркор.

Шунингдек, Ўзбекистонда, жумладан, Сирдарё заминида яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, мада-

ниятги, урф-одат ва аньаналарини ривожлантириш учун янада кенг шарт-шароит яратиб бериш, аёлларнинг нуфузи ва мавқеини жой-жойига қўйиш, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний қадриятларни янги мазмун-маъно билан бойитиши — бу борадаги ишларимизнинг ўзагини ташкил этиши керак.

Хурматли биродарлар!

Мен нима ҳақда сўз юритмай, аввало, мамлакатимизнинг, халқимизнинг, керак бўлса, мана шу вилоят аҳлиниң тақдирини ўйлаб гапираман. Бу гапларни ўзимиз айтмасак, камчиликларимизни ўзимиз бартараф қилмасак, четдан бирор келиб ҳал этиб бермайди.

Яна ва яна такрор айтаман: ўз тақдиримиз ўз қўлимизда. Барчамизнинг мақсад-муддаомиз муштарак — озод ва обод Ватан барпо этиш, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳәётини таъминлашдан иборат.

Ўзимизга аниқ ва равшан мақсадларни — эл-юртимиз олдида турган вазифаларни белгилаб олдик. Энди том маънодаги вазифамиз — одамларимизнинг куурини уйғотиши, ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистонимиз учун ифтихор туйғусини тарбиялаш, биргалашиб, бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боелаб ана шу уфқлар сари шаҳдам қадам қўйишидир.

Ишонаман, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ҳәётида салмоқди ўрининг эга бўлган Сирдарё аҳли, бу воҳада яшашётган меҳнаткаш, заҳматкаш, кўп синовларни кўрган, табиат инжикларни, ҳаёт қийинчилклари билан курашларда чиникдан, чўлкуварлар аньнасига содиқ мард халқ бундай даъватларни чин юракдан қабул қиласди ва юртимизни янги босқичларга кўтаришга ўз ҳиссасини кўшади.

Азиз биродарлар!

Бугунги йигилиш кун тартибидағи асосий масалага ўтадиган бўлсақ, у сизлар учун аён бўлса керак. Яъни бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўктаим Исмоиловни Сирдарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилиш ва шу ўринга янги раҳбарни сайлаб олишимиз лозим.

Масаланинг биринчى қисми бўйича қаршилик бўлмаса керак. Лекин расмий нуқтаи назардан буни овозга

кўйиши лозим. Кимдаким бунга рози бўлса, қўл кўтариб тасдиқлашларини сўрайман.

Энди янги раҳбар тўғрисида фикр алмашиб олсак.

Эътибор берган бўлсангиз керак, мен бугун ўз маърузамда билдирган фикрлар, танқидий мулодазаларнинг асосий маъно-мазмунни вилоятдаги кўплаб ижобий ишларни эътироф этиш билан бир қаторда, авваламбор қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида йўл қўйилган катта камчилик ва нуқсоналарни бартараф қилишга қаратилди.

Бугунти кунда агар вилоятнинг нафақат ишлаб чиқариш, нафақат қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларини янги босқичга кўтариш, уларнинг самарадорлигини ошириш, адолининг турмуши даражасини яхшилаш учун, умуман, олдимизда қандай муҳим вазифалар турган бўлмасин, уларнинг барчаси ана шу муаммоларга тақалиб қолаётгани ҳаммамизга аён бўлиши зарур.

Ўқтам Исмоилов ҳақида гапирав эканмиз, у раҳбарлик қилган уч йил давомида вилоят эришган ютуқларни камситмаган, тан олган ҳолда, шуни ҳам очиқ айтишим керак.

Авваламбор, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва самарасини ошириш, мулкчилик мунносабатларини тубдан ўзгартириш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, бугун фаолият кўрсатаётган хўжаликларни пайчилик асосида ширкатларга айлантириш, бир сўз билан айтганда, бу соҳада тадбиркорлик, ишбилармонлик каби янги иш услубига эркинлик бериш борасида кўзланган мақсадларга эриша олмадик. Бу камчиликлар ҳақида маърузада кўплаб мисоллар келтирилди ва улардан ҳам кўра кўпроқ мисолларни ўзларингиз яхши биласиз.

Ана шу ҳолатларни ва юқорида зикр этилган фикрларни инобатга олиб, вилоятга қўйиладиган, сайланадиган янги раҳбар ҳақида кўп ўйлаганимиз, авваламбор, Сирдарё аҳли билан биргалашиб, уларга таяниб-суюниб ишлайдиган, бу ердаги вазиятта янгича кўз билан қарайдиган,

мавжуд камчиликларни бартараф этишга интиладиган одамни топиш — бизнинг асосий мақсадимиз бўлгани сиз, азизлар учун тушунарли бўлиши керак.

Бу ҳақда кўп ўйлаб, фикрлашиб, Сирдарё шароитини ўзига чуқур тасаввур этадиган, уни юрагига яқин қабул қиласдиган, шундай муҳитда ўсиб-чиниқдан ва шунга ўхшаш шароитда ишлаб яхши натижаларга эришаётган раҳбар одамни қидириб топишга уриндик.

Гап Жizzах вилоятининг Зафаробод туманида икки ярим йилдан бўён ҳоким вазифасида ишлаб келаётган Алишер Истроилов ҳақида кетяшти. Ана шу инсонни Сирдарё вилоятининг ҳокими лавозимига тавсия этишга қарор қилдик.

Бу одам 1964 йили ўша пайтда Сирдарё вилояти таркибида бўлган Жizzах шаҳрида меҳнаткаш оиласида туғилган. Ўйлайманки, бу кишининг отасини ҳар иккала вилоятда ҳам кўпчиллик яхши танийди. У ўз вақтида кўп йиллар Гулистан ва Дўстлик туманиларида раҳбар бўлиб ишлаган. Яъни мана шу заминга кўп хизмати сингган.

Агар номзодимизнинг таржимаи ҳолига назар ташласангиз, у “Ташсельмаш” заводида, Молия вазирлигига, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куvvатлаш давлат қўмитасида ўрга бўғиниларда ишлаган. Кейинчалик шу масала бўйича Жizzах вилоят ҳокими-нинг мувонини бўлиб хизмат қилган.

Истроиловнинг Зафаробод туманидаги фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, ўзи ҳам айтиб бериши мумкин, лекин шунга алоҳида эътибор бериш керакки, Жizzах вилоятининг энг оғир туманиларидан бири бўлган Зафаробод кейинги йилларда ислоҳотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда сезиларли натижаларга эришиди.

Шу нуқтаи назардан Сирдарё вилоятидаги аксарият туманлар ҳам Зафаробод сингари чўл зонасида жойлашганини инобатта олсак, уларнинг тупроқ шароити, сув таъминоти ва шу каби бошқа хусусиятлари ўхшашлигини кўрамиз.

Лекин гал фақат бунда эмас. Шуни айтиш керакки, мен Истроиловнинг Зафарободдаги фаолиятини баҳолар

эканман, бу инсонни чўл ҳудудида яшаб меҳнат қиладиган одамлар билан тил топиша олган, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга, қўллаб-кувватлашга, уларнинг дардига дармон бўлишга интиладиган раҳбарлардан бири, деб биламан.

Яна бир муҳим масалага эътибор берган бўлсангиз керак: Истроилов Тошкентда ҳам ишлаган, марказдаги катта-кичик идораларнинг иш услуби ҳам унга таниш. Шунингдек, унинг вилоят миқёсида ҳам, туман миқёсида ҳам ишлаб, муайян тажриба ортирганини ҳисобга олиш лозим.

Масаланинг яна бир томони шундаки, ёшлар бизнинг умидимиз, келажагимиз, уларга йўл очиб бериш керак, деган гапни кўп такрорлаймиз. Агар ёшларга ўз вақтида йўл бермасак, қуруқ гапириб юраверсак, табиийки, улар ўз салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқара олмайди.

Шу маънода, бугунги қароримиз ҳам бу борада амалий ишларга ўтётганимизнинг тасдиғи бўлади. Яъни ёшларга кўпроқ ишониш зарур. Мен шу масалага алоҳида урғу бераман ва сизларни ҳам шунга даъват қилмоқчиман.

Мана шуларнинг ҳаммасини инобатта олган ҳолда, сизлар Истроиловни Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига қабул қилиб, шу ёш раҳбар билан бир ёқадан бош чиқариб ишлайсизлар, унга суюнч-таянч бўласизлар, деб ишонман.

Бу масала юзасидан кўпчилик Сирдарё аҳли, депутатлар, фаоллар билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, шу қарорга келинди ва шу номзодни сиз, вилоят Кенгаши депутатлари қарорига, яъни овозга кўймоқчиман.

Хурматли дўстлар!

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, сизларга яна бир гапни айтмоқчиман. Кеча мен Истроилов билан сұхбатлашганимда унга бაъзи бир маслаҳатларни бердим. Шу мулоҳазаларимни сизлар билан ҳам ўртоқлашмоқчиман.

Биринчи маслаҳат шундан иборатки, авваламбор Сирдарё вилояти аҳли янги раҳбарни яқиндан таниши керак. Яъни янги ҳоким ўзининг амалий ишлари билан одамлар ўртасида обрў-эътибор қозониши керак.

Иккинчи маслаҳат шуки, раҳбарнинг қалби пок, қўли тоза бўлиши кераклигини ҳеч қачон унумаслик лозим. Ҳар қандай гуруҳлар, ургу-аймоқлар билан “йин” қилишдан, улар билан тил бириттиришдан, ишда ошна-оғайнингарчилик алоқаларидан узоқ бўлиш керак. Барчага бир хил кўз билан қараш, кабинетта серқатнов бўлиб оладиган чакқонлардан эҳтиёт бўлиш зарур.

Учинчи маслаҳат шуки, янги келган раҳбар, аввало, вилоятнинг муаммоларини чукур ўрганиши, мавжуд шарроит билан яхндан танишиши, пастдан юқоригача бўлган барча ижтимоий қатламларнинг интилиш ва кайфиятларидан, кам-ташвишларидан ҳар томонлама хабардор бўлиши даркор. Ва шу муаммоларни ечиш йўлларини қидириши лозим.

Тўртингчи маслаҳат шуки, ана шу муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни белгилашда уларни чукур биладиган, ечимини топишга курби етадиган, давлат сиёсатини атрофлича тушунадиган, қўллаб-куватлайдиган раҳбар ва мутахассисларни ўз теварагида жисплаштириши, уларга таяниши зарур.

Бешинччи маслаҳат шуки, ана шу тадбирларни белгилаб олгандан кейин ишни нимадан бошлаш керак? Аввалио, жойларга бориб, меҳнаткашлар билан маслаҳат қилиши, ўз фикр-мулоҳазаларини, қарашларини, амалга ошириладиган чора-тадбирларни оддий одамлар билан ўртоқлашиш лозим. Ва улардан фақат битта нарсани сўраш керак: азиз дўстлар, биродарлар, менга таянч бўлинглар, биргалашшиб мана шу ишларни қиласлик. Агар менга ёрдам бермасангиз, бу ишлар бир ўзимнинг қўлимдан келмайди, деб очиқ айтиш керак.

Яъни унга асосий куч берадиган омил — одамларнинг ишончи ва қўллаб-куватлашидир. Мен авваламбор де-пугатларга, вилоят фаолларига яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман, албатта, янги раҳбарнинг қатъияти, ҳаётга янгича қараши, муаммоларни ечиш йўлида қаттиқўл ва талабчанлиги ҳаммага ҳам ёқавермайди. Бу нарса ҳатто норозилик ҳам уйғотиши мумкин. Буни яхши тушунамиз, албатта.

## ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

Аммо сизларга шуни айтмоқчиманки, янги раҳбарга имкон бериш, унинг ўз салоҳиятини намоён этишига, одамларни бирлаштириб, уларга бош-қош бўлишида унга кўмак бериш керак.

Мен бир нарсанинг тарафдориман: хатбозлик, шико-ятбозлик билан шуғулланмасдан, керак бўлса, мавжуд муаммо ва камчиликларни мана шундай йигинларда ҳал қилиш лозим. Хатбозлик бизга ҳеч қачон яхшилик келтирмаган ва келтирмайди ҳам. У фаҳат мудитни бузади, одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб кўяди, оқибатда эл-кортдан файз, барака кўтарилади. Бунга йўл кўйиб бўлмайди.

Қадрли биродарлар!

Сўзимнинг охирида Сирдарё вилоятининг ҳалқи, барча фаоллари ўз олдиларида турган улуғвор вазифаларни бажаришда куч-ғайратларини аямайдилар, деб яна бир бор ишонч билдиришга рұксат эттагисизлар.

Сизларга шу эзгу йўлда тинчлик-омонлик, хонадонларингизга қут-барака ва фаровонлик, ишларингизга ривож тилайман.

*Ҳазқи депутатлари Сирдарё вилоят қенгаши  
сессиясида сўзланган кутъ,  
2000 йил 22 февраль*

---

## **СОЕЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ – БАРЧАМИЗНИНГ МУҶАДДАС ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ**

**Ҳурматли мажлис қатнашчилари!**

Ҳабарингиз бор, 2000 йилни эзгу мақсадлар, яхши нижтлар билан Соғлом авлод йили деб эълон қилдик. Бу тақлифни, бу ташаббусни бутун халқимиз ва жамоатчилигимиз зўр мамнуният, катта умид билан кутиб олди. Давлат миқёсида маҳсус дастур ишлаб чиқилди.

Албатта, дастур узоқни кўзлаб тузилган. Бу тадбирга кўпдан-кўп мутахассислар, жамоатчилик вакиллари, шу соҳанинг жонкуяр, билимдон кишилари жалб этилди ва улар икки ярим ой астойдил ишлади.

Дастурда кўзда тутилган вазифаларни ҳаётта татбиқ қиласиган, унинг фаолиятини мувофиқлаштирадиган, белгиланган тадбирларни амалга оширишни таъминловчи ҳукумат комиссияси ҳам ташкил этилди. Комиссия аъзолари бутунги йиғинда иштирок этмокда.

Албатта, улар ишни нимадан бошлиш, қандай ташкил қилиш ва қандай чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан маслаҳатлашиб олишган. Лекин, лўнда қилиб айтганда, баландпарвоз гашлардан амалий ишларга ўтиш керак. Бу борада мени қаттиқ безовта қилаётган бир қанча масалалар борки, ҳозир шу хусусда фикрлашиб олсан.

2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилишдан ва умуман, бу тадбирни давлат сиёсати даражасига кўтаришдан кўзлаган мақсадларимизнинг аҳамиятини, миллионлаб одамлар ўзларининг орзу-умидларини шу дастур билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасаввур этаёттанини инобатта олиб, эътиборингизни қўйидаги муҳим масалаларга қаратмоқчиман.

Биринчи масала шуки, кишилик тарихи пайдо бўлганидан бўён, минг йиллар давомида ҳар қандай мамлакатнинг, ҳар қандай миллатнинг, ота-она бўлиш баҳти насиб этган ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат бўлиб келган.

Яна бир карра таъкидлаб айтаман, дунё бор экан, одамзод яшар экан, қандай тизим, қандай давлат бўлишидан қатъи назар, ҳар бир миллат шунга интилади. Инсон оила қургандан кейин Аллоҳ таолодан фарзанд сўрайди ва мана шу болам соғ-омон ўссин, ҳар томонлама баркамол, етук инсон бўлсин, деб орзу-ҳавас қиласи, керак бўлса, бутун ҳаётини зурриётига бағишлади.

Бинобарин, биз 2000 йилни Соғлом авлод йили деб ўйлон қилган эканмиз, шуни яхши англаб олайликки, бу вазифани бажариш, бундай эзгу орзу-мақсадларга эришиш бир йиллик ёки беш-үн йиллик муддат билан чекланмайди, албатта.

Биз бугун мұхқомама қилаётган дастурни тузиш ва амалга оширишдан асосий мақсадимиз, яна бир бор таъкидлайман, соғлом авлод ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариш, бунинг учун мавжуд бўлган барча имконият ва салоҳиятимизни сафарбар қилишдан иборатдир.

Шунинг учун ҳам бугун Соғлом авлод дастури ҳақида гапирав эканмиз, биринчи галда, бу дастурнинг келажакдаги аҳамияти, моҳияти ва амалий таъсири ҳақида сўз юритишимиш даркор.

Энг муҳими шундаки, фақат сизу биз эмас, балки оддий одамлар ҳам, эргага ота-она бўламан, деган умид билан яшаётган йигит-қизларимиз ҳам кўзда тутаётган мақсадларимиз моҳиятини англаб етсин. Юртимизда шундай дастур қабул қилинди, энди унинг амалий таъсирини кундалик турмушимизда сезамиз, деган қатъий ишонч билан яшасин. Орзу-умидлар амалий кўринини касб этсин. Бу дастур ҳар бир инсон ҳаётидаги чинакам ўзгариш ясасин.

**Иккинчи масала** — соғлом авлодни ўстириш — фоят кенг кўламли масала. Ҳаётнинг ҳар бир жабҳаси шу масалага келиб туташади ва айни вактда бу ҳақиқатни исботлайди. Содда қилиб айтганда, ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўзини тутиши, ҳатто юриш-туриши ҳам шунга таъсир кўрсатади. Ким поку ким нопок, ким оиласини қандай йўл билан боқяпти, ким топған-тутганини фарзанд тарбиясига, ким машина ёки ҳашаматли уй-жойга сарфлаяпти — хуллас, ҳаётнинг қайси бир томонига назар ташламант, одамлар ўз фазилатлари ва ёки, аксинча, йўл қўяётган қусур ва камчиликлари билан ёш авлод тарбиясига муайян таъсир ўтказаёттанига гувоҳ бўласиз.

Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, биз қабул қилган дастур қандай вазифани ўтаси керак? Унинг фаолият мезоний доираси қандай? Бу хайрли ишни амалга оширишда кимнинг вазифаси нималардан иборат бўлади?

Тўгри, олдимизда турган вазифаларни ҳаммамиз ҳам озми-кўпми тасаввур этамиш. Лекин мени амалий ишларнинг ҳозирги суръати қаноатлантирмаяпти. Орадан бир-мунча вакт ўтганига қарамай, бу борада муайян тизим яратиш учун деярли ҳеч иш қўлинмаган. Мен ҳар бир ишда авваламбор тизим — тартиб бўлиши лозим, деб ўйлайман. Агар шундай тизим бўлмаса, ҳеч бир ишда самара кўринмайди. Аҳён-аҳёнда ўтказиладиган, бир-бири билан боғланмаган тадбирлар воситасида мақсадга эришиб бўлмайди.

Ҳамон мудимни номудимдан акратга билмаслик, хизмат вазифаси билан дастур юкланаёттган масалаларни чалкаштириб юбориши, масаланинг моҳиятини англаб етмаслик ёки унга панжа орасидан қараш каби ҳоллар кўзга ташланмоқда.

Яқинда телевидение орқали шу масалага бағишиланган кўрсатув намойиш қилинди. Унда бир қатор нуфузли раҳбарлар иштирок этди. Афсуски, бу кўрсатувдан шахсан мен бирон бир фойдали холоса чиқара олмадим.

Албатта, мен ҳали айтган кўламли ишларни, мақсад ва вазифаларни ҳеч шубҳасиз тарғиб этишимиз зарур. Кўзланган натижага эришишда бунинг аҳамияти катта. Чунки бу — кўпчилик билан бўладиган иш.

Лекин қош қўяман деб кўз чиқариш ҳам ҳеч гап эмас. Шўро давридан қолган қуруқ дабдабабозлиқ, масаланинг моҳиятини англаб етмаслик шунга олиб келади. Бояги кўрсатувда айтилишича, нима эмиш, бундан бўён оиласлар режалаштирилар эмиш, болалар туғилишини чеклаш керак эмиш ва ҳоказо.

Соғлом авлод дастуридан кўзда тутилган мақсад шуми, барака топкурлар? Ақлингизни йигиб олиб, ўйлаб гапирсангиз бўлмайдими? Телевидениега одамларни чалғитиш учун чиқиладими? Биз маънавий ҳаётта катта эътибор беряпмиз, ундаи қиляпмиз, бундай қиляпмиз, эртага мана бундоқ бўлади, оиласларни режалаштириш, ундаги бола сонини олдиндан белгилаб олиш зарур деган бемаъни гаплар кимга, нимага керак?

Бир ҳақиқатни билиб қўйинглар: “оиласи режалаштириш” деган гап Ўзбекистонда қатъян ман қилинади. Биз мусулмон халқимиз. Худо берса, ўнга фарзаңд кўрсии, ким бунга қаршилик қила олади? Бизнинг мақсад-муддаомиз — болаларнинг соғ-саломат, касб-хунарли, илмли бўлишига эришишдан иборат.

“Оиласи режалаштириш” деган бемаъни гаплар дастлаб бундан ўн беш йилта бурун кўтарилган, халқимизга анча-мунча ташвиш туғдирган эди. Орадан шунча вақт ўтгач, бу гап яна қаёқдан пайдо бўлди? Ақданми шу? Ахир, бизнинг асосий мақсадимиз авлодлар соғломлигига эришиш эмасми?

Соғлом авлод ва яна бир бор соғлом авлод! Оиласи қанча бола бўлади — буни ота-онанинг ўзи ҳал қиласди. Ҳар ким ўзи ақл билан ўйлаб, саломатликни, имкониятни ҳисобга олиб хулося чиқарсин. Фақат битта шарти бор — тутилган бола соғлом ўссин, улгайиб вояга етгач, жамиятимизнинг баркамол аъзоси бўлсин, янги қуриладиган оиласдан янада соғломроқ авлод бунёдга келсин. Шунга интилсак, ҳар бир инсон ўзидан соғлом фарзаңд, соғлом зурриёт қолдириши кераклигини англаб етса, эҳтимол, вақти-соати келиб биз шундай мамлакатга айланамизки, унда энг соғлом миллат ва элатлар истиқомат қиласди.

Соғлом авлодни вояга етказиш бир йиллик-үн йиллик иш эмас, бунга ҳатто бир авлод умри ҳам камлик қиласи, дейишимнинг маъноси шу. Буни тушунмаслик, қандайдир хомхаёллар билан енгил-елли ташвиқот-тарғибот юритиш наинки дастурни, балки биз кўзда тутган катта мақсадларни ҳам обрўсизлантиради.

Бу масалада менинг қаттиқ ташвишланадиганинг сабаби шундаки, Соғлом авлод дастурининг яратилишида, шундай эзгу мақсаднинг халқимиз ва давлатимиз олдига кўйилишида мен ташаббускор бўлганман, бу ташаббус тақдирига авваламбор мен жавобгарман.

Яна бир нарсани алоҳида таъқидлашни ўзимнинг вазифам деб биламан. Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятининг, шу юргда яшайдигаи ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлом авлод давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори 2-моддасида қайд этилган бир вазифага диққатингизни қаратмоқчиман: “Давлат дастури тошириқларини унда белгиланган муддатларга мувофиқ сўзсиз бажарилиши учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш вазирликлар, идоралар, худудий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳар бир раҳбарининг муҳим инсоний бурчи деб ҳисобланисин”.

Бу сўзлар бекорга ёзилмаган. Тўғрироғи, инсоний бурч ҳақидаги иборани шахсан ўзим киритганим бежиз эмас. Вазирми ёки ундан ҳам юксак мартаба эгасими, бундан қатъи назар, ҳар қандай раҳбарнинг хизмати факат зиммасига юклangan вазифанинг ижроси билан чекланмайди, балки инсоний бурчини қандай ўтаси билан белгиланади. Инсоний бурч дегани нима? Бу – раҳбарми, оддий фуқароми – ўзига худо ато этган бутун ақл-идроқини, куч-кудратини, имконияту борлигини, иймон-эътиқодини авваламбор уни тарбиялаб, оқ юваб-оқ тараб вояга етказган ота-онаси олдидаги қарзини адo этишга сарфлаш, уларни рози қилиш, эл-юртнинг муносаб фарзанди бўлиб яшаш, ҳаётда яхши ном, яхши из қолдириш, халқи ва мамлакатининг манфаатлари, баҳт-саодати йўлида фи-

дойилик кўрсатиш демакдир. Бу — масалага мартаба нуқтаи назаридан эмас, балки инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиб демакдир.

**Учинчи масала.** Ҳар қандай ишнинг аниқ чегараси, мақсади бор, масалани ечиш имкониятлари мавжуд. Шундан хулоса чиқарсак, мазкур дастурда қайд этилган вазифаларниң мезон доираси аниқ белгиланганми?

Ишлаб чиқилган давлат дастури ҳақида гапирганда бир нарсани унугмаслигимиз лозим. Яъни бу дастурнинг аниқ мақсад ва чегарасини белгилаб олиш, уни мамлакатимизда амалга оширилаётган бошқа дастурлар ва қабул қилинган хужжатлар билан чалкаштириб юбормаслик зарур.

Барчага маълумки, бизда жамиятни маънавий юксалтириш, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди ва у ҳаётта татбиқ этилмоқда. Бошқа кўпгина масалалар бўйича ҳам дастурлар ишлаб чиқилган.

Шундай экан, Соғлом авлод дастури бошқа шундай дастурлардан қайси жиҳатларига кўра фарқ қиласи? Унинг алоҳида мақсад-моҳияти борми-йўқми? Бор, албатта. Буни фарқлаш керак. Ҳаммасини чалкаштириб юбориб, ҳаммасини бир қолиғга солиб иш бошлайдиган бўлсак, куруқ гаплардан бошқа натижага эриша олмаймиз.

**Демоқчиманки,** Соғлом авлод дастурининг ўзига хос йўналишлари, уларда кўзда тутилган асосий мақсадлар бор.

Бу йўналишлар нималардан иборат? Уларни амалга ошириш учун қандай имкониятлар мавжуд? Қандай йўл тутиш керак? Қанча маблағ зарур? Асосан қайси идора ва ташкилотлар бунга жалб қилиниши лозим?

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз умумий гапларга берилиб, маънавий ҳаётимизда амалга оширилаётган ишларни бир-бiri билан чалкаштириб юбормаслигимиз керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўз бетакрор ўрни бор. Унда таълим тизимидағи ислоҳотлар билан борлиқ вазифалар белгилаб берилган. Нима мақсадда лицей ва коллежлар кураётганимиз ҳам равшан. Бу борада қанчадан-қанча ишлар қилинди. Шундай экан, барака топкурлар, нима учун буни бошқа дастурдаги вазифалар билан аралаштириш керак? Бу нимага олиб келади? Шунга олиб келадики, униси ҳам, буниси ҳам бажарилмайди.

Яна бир бор таъкидлайман: ҳар бир ишдан кўзланган мақсад, унинг ҳаракат доираси аниқ бўлиши керак. Ҳар бир масаланинг аниқ чегараси ва тайин ижрочиси белгила-ниши, унинг мазмун-моҳиятига яраша маблағ ажратилиши зарур.

Соёлом авлод дастурининг менга олиб келинган би-ринчи варианти жўн ва юзаки, умумий гаплардан иборат эди. Дастурни бир-икки марта кўриб, қайтариб берганим-дан кейин уни такомиллаштириш учун мутахассислар ҳам жалб этилди, биргаликда ўтириб, масалаларни синчилаб ўрганиб чиқдик, фикрлашдик. Бу — мамлакатимизда қабул қилинган бошқа дастурлардан фарқли ўлароқ, айнан соғ-лом авлод тарбиясига оид, яъни ёшлиаримизга оила қуриш нақадар муҳим ва масъулиятли бурч эканини англатади-ган, ҳомиладор аёлни парваришлаш, эъзозлаш, унга тиб-бий хизмат кўрсатиш, моддий таъминотини ташкил этиш нақадар катта аҳамиятта эга эканини халқимиз оигига сингдирадиган дастур бўлиши лозим, деган холосага кел-дик.

Бола туғилгандан кейин у бир ёшга тўлгунича нималар қилиш, қандай тадбирларни амалга ошириш керак? Бола бир ёшга еттандан кейин олти-етти ёшигача уни қандай тарбиялаш даркор? Қандай шароит туғдириб бериш ло-зим? Бунинг учун жамиятимизда қандай ўзгаришларни кўзда тутиш зарур?

Ҳар қандай ўзгариш деганда мен даставвал иккита шартни назарда тутаман. Ўзгариш, аввало, одамлар та-факкурида, онгода юз бериши керак. Бу — бирламчи шарт. Такрор айтаман, биринчи шарт — инсоннинг, ота-онанинг тафаккуруни ўзгартиришдан иборат.

Иккинчи шарт — моддий асосни яхшилаш. Одамлар ҳаётини фаровон қилиш, имкониятларини кенгайтириш, тиббиётнинг моддий асосларини мустаҳкамлаш, яъни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, шаҳарларда, узоқ қишлоқларда ҳам замон талабларига мос шарт-шароит яратиш.

Менинг фикримча, биз, аввало, бу ишлар нима учун қилинаёттанини кенг жамоатчиликка тушунтириб бери-

шимиз, шундан кейин дастурни ҳаётта изчил жорий этиш чораларини кўришимиз зарур.

Ана шу айтилганлардан келиб чиқсақ, олдимизда қандай муҳим масалалар турибди, асосий эътиборни нималарга қаратишимиш зарур, деган табиий савол туғилади.

Биринчи йўналиш – энди вояга етадиган болалар, авваламбор қизларимиз онгида, эртага мен она бўламан, ўғилларимизда эртага мен ота бўламан, деган фикр, бу тушунчанинг масъулияти шаклланилиши керак. Ҳудо умрини, баҳтини берса, бир куни қиз бола она, ўғил бола эса ота бўлади. Буни уларга тушунтириб бориш лозим. Шунга албатта тайёрлаш зарур. Ҳозир ёшларимизга, юқори синф ўқувчиларига шуларни ўргатяпмизми? Бу масалага доир қўлланмалар, адабиётлар борми?

Бу масаланинг ахлоқий томонидан ташқари бошқа жуда кўп нозик жиҳатлари ҳам бор. Соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайдиган мутахассислар буни яхши билади. Ўғил-қизларимиз психологиясида нималарни шакллантириш керак? Узоқ қишлоқлардаги ёшларнинг, дейлик, у ердаги қиз болаларнинг эҳтиёжлари ва оддий талабларини қаноатлантиришга оид шароитлар яратиш тўғрисида ким замхўрлик ҳилади? Эртага турмуш курмоқчи бўлган ёшларимизни нималар кутмоқда? Уларнинг олдида қандай ҳаёт синовлари турибди?

Мен ахлоқий тарбия ҳақида гапираётганим йўқ, дид-фаросат, ибо, шарму ҳаё – бу ўз йўли билан. Мен тиббий нуқтаи назардан ёшларни катта ҳаётта тайёрлаш борасида фикр юритяпман. Ўғил-қизларимиздаги балоғат ёши билан боғлиқ ўзгаришларни кимдир тушунтириб бериши керакми-йўқми?

Мисол учун қиз бола 15-16 ёшга тўлганида унда қандай физиологик ўзгаришлар рўй беради? Бу даврда у ўзини қандай тутиши, нималарга эътибор бериши керак? Шундай пайтда унинг энг яқин маслаҳатчиси она бўлмайдими? Чунки қиз боланинг энг яқин сирдоши – онаси, лекин онанинг ўзи ҳам бунга тайёр бўлиши керак. Маслаҳат бериш учун нафақат ақл-фаросатга, балки зарур билимга ҳам эга бўлиш зарур. Онанинг ўзи буни тушун-

маса, боласига қандай тарбия беради? Бунинг ўзи алоҳида бир катта масала, катта муаммо.

Бундан ташқари, санитария, шахсий гигиена масаласи бор. Бу — қизларимиз учун айниңса мұхим. Мен овлоқ қишлоқ жойлардаги шароитнің күрганман, яхши биламан. Шунинг учун бу ҳақда ҳар доим куюниб гапираман. Қишлоқ жойларда қизлар, ағлларнің турмуш шароитини яхшилаш, уларга керакли барча имконият, шарт-шароитларни яратып бериш, майший хизмат күрсатып тармоқларини күпайтириш зарур.

Иккінчи йұналиш — янги оиласар масаласи. Дейлік, совчилар бұлғуси қуда хонадонига борищди, қыз томон ҳам йигитни маъқул күрди. Йигит билан қыз ўртасидаги муносабат мұқаббатта айланған. Ешлар адду паймон қилишган. Эрта-индин янги оила юзага келади. Лекин оила куриш масъулиятини ёшларимиз түлиқ тушуныб етептими?

Бу мұаммолар ҳақида Оила йилида күп фикрлашдық, анча-мунча амалий ишлар ҳам қишинди. Энди, оила куриш масаласи ҳар бир инсон ҳәётіда — у йигит бұладыми, қыз бұладими — улкан ҳодиса эканини, бу масала шахсий, хусусий доирадан чиқып, ижтимоий ажамият касб этишини көнг жамоатчилікка түшнүтириб боришимиз лозим. Оила куриш дегани фақат иккі инсон ўртасидаги шахсий мұносабат эмас, балки жамиятнинг асосини, айтиш мүмкінкі, энг мұхим бүгінини белгилайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Соғлом оила вужудға келиши учун, энг аввало, жамият за давлат қайруриши, шунга замин яратып бериши лозим. Шундайғана мұстақкам оила дүнёга келади. Оила соғлом бұлса, жамият соғлом, мамлакат құдратли, юрт тинч-осой-шыта бұлади.

Бу борадаги яна бир мұхим масала — қариндош-уруғчилик асосида оила куришнің заарини одамларимизге қай йүсінде түшнүтириб берамиз?

Бугунғи кунда бундай заарарлы қолатнинг олдини олиш учун, тарбиявий воситалардан ташқари, күшімча чоратадбирлар ишлаб чиқсак, керак бўлса, Фуқаролик қолатларини қайд этиш идораларида бўлажак келин-куёвнинг

бир-бирига қариндош ёки қариндош эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганиш тизимини яратиш борасида ҳам ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди.

Мен масаланинг айрим қирраларинигина таъкидлаб ўтяпман. Аммо у жуда жиддий ва кенг ҳамровли эканини ҳар бирингиз яхши тушунасиз.

Шунинг учун ҳам янги ҳаёт остонасида турган йигит билан қизнинг жисмоний-рухий нуқтаи назардан ва бошқа жиҳатлардан соғломлиги ҳақида қайгуриш, бу ҳақда ни-коҳни қайд этишдан олдин бош қотириш мақсадга муво-фиқ бўлади.

Мазкур масалалар, биринчидан, қонунчилик нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши, иккинчидан, жамоатчилик орасида кенг мұҳоммада этилиши лозим. Бу – давлатимизнинг ёш авлод олдидағи, қолаверса, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандлари олдидағи бурчи-ку, ахир. Янги оиланинг пайдо бўлиш жараёни табиий жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам бекиёс ҳодиса. Унгá беларво, лоқайд муносабатда бўлиш асло мумкин эмас.

Учинчи йўналиш – қизларни оналика, она бўлишга алоҳида тайёрлаш масаласи. Қиз бола турмушга чиққач, Аллоҳнинг иродаси билан ҳомиладор бўлиши табиийдир. Бу ҳар бир инсон боласига, ҳар бир оиласага улкан хурсандчилик бағишлайди. Айни вакъда катта масъулият ҳам юклайди. Ҳомиладорлик алоҳида эътибор талаб қилишини отона бўлиш бахти насиб эттан ҳар бир киши яхши билади.

Аммо, афусуски, боланинг сөғ-омон дунёга келиши, сөғлом униб-ўсиши учун зарур шарт-шаронгларни яратиб бериш, ташкил қилиш кераклигини ҳамма ҳам тўлиқ тушуниб етмайди. Бу борада ота-боболаримиздан, доно момоларимиз, бувиларимиздан, ҳаётимизда мавжуд бўлган анъаналар ва бой тажрибалардан, тиббиётимизнинг патронаж – кузатув хизмати каби имкониятларидан нега етарлича фойдаланмаймиз?

Кези келганда бир таклифни айтмоқчиман. Пойтахти-мизда кўп йиллардан бўён фаолият кўрсатаётган Акушер-лик-гинекология илмий тадқиқот институтида амалга оширилаётган кўп-кўп хайрли ва савобли ишлардан хабардорман.

Таклифим шундан иборатки, Фарғона водийсида, мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларида, умуман айтганда, марказдан бошқа жойларда мазкур институтнинг вилоятлараро филиалларини, алоҳида-алоҳида бўлимларини ташкил этиш керак. Бунга аллақачон вақт етган. Ёруғ дунё юзини кўрган чақалоқларга, ҳомиладор ёки эндигини кўзи ёритган аёлларимизга қалтис ҳолатларда тезкор хизмат кўрсатиш, уларнинг саломатлигини тъминлаш ҳаммамизнинг асосий мақсадимизга айлансин.

Акушерлик-гинекология хизматининг ривожланиши умуммаданиятилизнинг юксалишига таъсир ўтказади. Биз бу соҳага зарур бўлган барча маблагни ажратишга тайёрмиз.

Мен Соғлом авлод дастурини ғоят синчилаб кўриб чиқдим. Дастурда фақат поликлиникалар тўғрисида гап боради. Мен масалани бошқача қўймоқчиман. Жойларда ҳали айтганим — Акушерлик-гинекология илмий тадқиқот институтининг филиаллари ва бўлимларини ташкил қилиш ҳамда улар қошида тезкор ва малакали хизмат кўрсатадиган шохобчалар тузиш, акушерлик-гинекология борасида ҳалқимизнинг маданиятини, керак бўлса, мутахассисларимиз, шифокорларимизнинг малакасини ошириш шу соҳадаги нохуш ҳолатларнинг оддини олишда бош омил бўлади.

Тўртингчи йўналиш — бир ёшгача бўлган болаларни вояга етказиш масаласи. Бу ёшда болаларни парваришлаш алоҳида диққат-эътиборни, максус шарт-шароит яратилишини талаб қиласди. Бутун дунёда бир ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим ҳолатлари алоҳида ҳисобга олиниши бежиз эмас. Инсон ҳаётининг биринчи йили энг нозик, энг қалтис давр ҳисобланади. Шу бонс бир ёшгача бўлган болаларга замонавий талабларга мос профилактика хизмати кўрсатиш, уларнинг иммунитетини парваришлаш керак. Бу пайтда бола ҳар қандай дард, касалликка тез чалинади.

Бола бир ёшга тўлгунча онанинг саломатлиги ҳам алоҳида парваришни талаб қиласди. У сифатли ва тўғри овқатланиши, жисмонан оғир ва зарарли меҳнатдан ўзини саклашни зарур.

Бу ҳақда жаҳонда минглаб китоблар ёзилган. Ўзимизда ҳам бутун дунёга тиббий йўлланма берган Ибн Сино-дек алломаларимиздан қанчадан-қанча бой маънавий месрос қолган. Лекин қани улар? Бугунги ўкувчи улардан хабардорми? Биз шу масалада керакли одамларнинг бошини қовуштириб, уларнинг меҳнатини юзага чиқарсан бўлмайдими?

Бешинчи йўналиш – менинг фикримча, бир ёшдан олти-етти ёшгача бўлган болаларни вояга етказишга алоҳида ёндашув бўлиши лозим. Инсон тўқсонга кирадими, юзгами, буни фақат Аллоҳ билади. Худо қанча умр берган бўлса, шунча яшайди. Лекин фанда илмий асосланган шундай тушунча борки, инсон бутун умри давомида оладиган ахборот ҳажмини юз фоиз деб ҳисобласак, олти-етти ёшгача олган информасияси унинг эллик фоизидан кўргонини ташкил қиласр экан. Шу ҳақиқатни ҳар бир оиласа, ҳар бир ота-онага тушунтириб бера олсак, жуда катта ишни амалга оширган бўламиз.

Холбуки, биз бола олти-етти ёшга киргунча унинг тарбияси билан мутлақо қизиқмаймиз. Эргаштириб пахта даласига олиб чиқамиз. У чанг ютиб, пайкалда пилдираб юради. Қандай ўтиради, қандай туради, қай аҳволда овқатланади, нималарга интилади, нималарга қизиқади, қандай ривожланади – афсуски, бу билан ишнимиз бўлмайди. Шундай вазиятда у қандай қилиб керакли бир ахборотни олсин? Қандай қилиб унда фикрлаш қобилияти тадрижий ривожланиб борсин? Ахир, унинг кўз ўнгидаги борликнинг юз очиши, илк ҳаётий тасаввурлар, масалан, қуёш қаёқдан чиқади, қаёқца ботади, қандай нур таратади, ой қаердан пайдо бўлади, одамзод ўзи нима, деган содда, аммо инсон тафаккурида пойdevor бўлиб қоладиган тушунчалар боланинг онигига айни шу даврда сингмайдими? Ахборот олишини орзиклаб кутиб турган, бетўхтов ўсаётган бир пайтда болага, афсуски, биз кўшинчя ҳеч нарса беролмаймиз. Вадоланки, такрор айтаман, одам умри мобайнида тўплайдиган ахборотнинг ярмини айнан шу пайтда олади. Унга керакли шарт-шароитни шу даврда яратиб бермасак, кейин фойдаси кам бўлади.

Бу борада мамлакатимизда мавжуд бўлган вазиятни таҳдил қиласак, танқидий назардан ўтказсак, жойларда кўплаб болалар яслилари ва бокчаларининг ёлиб кўйилгани, ҳар хил тижорат ташкилотларига бериб юборилганини қандай баҳолаш мумкин?

Соғлом авлод йилида шу каби муаммоларни ҳал этишимиш керакми-йўқми? Жойларда — қишлоқ ва туманларда фарзандларимизга тарбия берадиган, яъни уларнинг онгини ўстирадиган, фикран улгайтирадиган мактабгача тарбия муассасалари тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишимиш зарур.

Олтинчи йўналиш — ногирон, тутма касалманд болалар дунёга келишининг ижтимоий сабабларини ўрганиш, бунинг олдини олиш, уларнинг дардларига малҳам бўлиш, бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш; адолининг бу қисми ўзини жамиятимизнинг ҳақиқий аъзоси деб ҳис этиши учун алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; уларни давлатят химоясига олиш.

Баландпарвоз гаплар билан уларнинг оғирини енгил қилиб бўлмайди. Дунёга келган ҳар бир одам умид билан яшайди. Давлат уларнинг орзу-умидлари ушалишига ёрдам бериши керак. Биз ана шундай давлатни дилимизга яқин, ўзимизнинг давлатимиз деб биламиш.

Баркамол фарзанд соғлом оиласидай мұхитда вояга етади. Бунга эришиш учун, биринчи навбатда, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз, авваламбор, ота-оналарнинг онгини, уларнинг фарзандларига бўлган муносабатини ўзгартиришимиз, лозим бўлса, ота-оналарнинг ўзини тарбиялашимиз керак.

Энди оиласидаги мұхит тўғрисида. Аввалимбор, оиласидан вужудга келишида, уни яратища ота-онанинг бурчи ҳақида гаплашиб олсак. Мен мутахассисларга тавсиялар бермоқчи эмасман, лекин яқин қариндош-уруғларнинг куда-анда бўлиши яхшиликка олиб келмаслигини, бундай оиласидарда аксарият ҳолларда касалманд, ногирон болалар туғилишини одамларга тушунтириш керакми-йўқми? Ахир, муқаддас динимизда ҳам бу борада аниқ кўрсатмалар бор.

Бинобарин, оилада соғлом муносабатларни йўлга қўйиш, уларнинг ибратли томонларини кенг тарғиб қилиш лозим. Биз ман қилиш йўлидан эмас, балки ибратли ишларни, ижобий мисолларни ўрнак тариқасида кўрсатиб, бошқаларни шунга эргаштириш йўлидан боришимиз керак. Бу бизнинг, онгли одамларнинг асосий бурчи бўлмоғи лозим.

Айрим ота-оналар дабдабали уй-жойлар қуради, тўкиб-сошиб тўй қидади, қатор-қатор машинали бўлади. Ваҳланки, суриштирсангиз, боласининг қаерда ким билан юриши, вақтни қандай ўтказиши, қандай билимга эга экани на отани, на онани қизиқтиради. Болаларни энг катта бойлигимиз, келажагимиз деб эъзозлаймиз-у, амалда уларнинг тақдирига бефарқ қараймиз.

Бу – фарзандлар тақдирига, ўз келажагига лоқайдликдан бошқа нарса эмас, одамларимиз табиатидаги бутунлай воз кечиши лозим бўлган иллат.

Хар бир ота-она ўз боласига соғлом тарбия бериб вояга етказса, фарзандининг мустақил ҳаётга тоза рӯҳ, оламолам орзу-интилишлари билан қадам кўяётганини кўрса, умри маънога тўлади, ҳаётда армони қолмайди.

Давримиз шиддат билан янгилашмоқда, фарзандларимиз ҳам кўз ўнгимизда улғайиб камол толмоқда. Биз хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам бу жараён давом этаверади. Кишини ўйлантирадиган жиҳати шуки, фарзандларимиз биз истаган, биз интилган, ўз олдимизга мақсад қилиб кўйган даражада ўзгарыштими? Бугун умид билай қараёттан инхолларимиз эртага кутилганидек мева берадими?

Фарх билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон болалири замонга мос, Ватанимизга, ҳалқимизга муносиб равишда ўзгариб бормоқда. Бу бизнинг энг катта баҳтимиздир.

Биз янги мингийилликка кириб бормоқдамиз. XXI асрда қайси давлат курдатли, қайси ҳалқ кучли бўлади? Бу саволга, ахолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамод, ёшлари билимли, ор-номусли, ватаншарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин.

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган. Янги асрда дунё тараққиётини, инсониятнинг қай йўлдан боришини комил инсон-

лар белгилашига шубҳа йўқ. Чунки XXI аср — интеллектуал авлод асри бўлади.

Янги мингийилликда давлатларниңг, халқларниң тақдирини мөддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қиласади. Бундай бойлик устувор бўлган жойга мөддий бойликниң ўзи оқиб келаверади.

Баъзи ривожланган давлатлар ҳәтини кузатиб, ўзимизники билан таққослагандага шуни кўриш мумкинки, улар техника, технология жиҳатидан илгарилаб кетган, аммо маънавий жиҳатдан-чи? Фарзанд ўн саккиздан ошгач, отонасининг уйида яшаётгани учун уларга ижара дақи тўлайдиган мамлакатлар дам бор. Эҳтимол, бундай хусусиятлар баъзи бир халқларга эриш туюлмас, лекин бизнинг миллатимиз буни деч қачон қабул қўлмайди.

Мехр-оқибат, шафқат ва муруват — халқимизга хос энг катта бойлик. Азал-азалдан аждодларимиз, ота-оналаримиз ўз фарзандларига ор-номусдан тарбия берганлар. Ақлини танига ҳар бир ўзбек йигит-қизи ўзини ёруғ дунёга келтирган, оқ юваб-оқ тараган, вояга етказган улуг зотларни бир умр бошига кўтаради, уларни ўз ҳолига ташлаб кўйини исход деб билади. Тилимизда меҳр-оқибат, ор-номус, андиша каби таржимаси бошқа тилларда топилавермайдиган сўзлар мавжудлигининг ўзи халқимиз маънавияти нечоғли юксак эканидан далолат эмасми?

Она Ватанига меҳр-муҳаббати баланд, Ўзбекистонни келажаги буюк давлат деб қарайдиган ва бу борада амалий ишларга тайёр ҳар бир юртдошимиз шуни билиши керакки, соғлом авлодни вояга етказиш барча улуғ мақсадларимизнинг асосидир.

Ким қаерда, қайси лавозимда ишламасин, пировард мақсад нима деб сўралса, табиийки, фаровон, бахтили ҳәёт куриш, деб жавоб беради.

Бахтили ҳәётнинг шарти нималардан иборат? Бахтили ҳәётнинг шарти соғлом мухитда эзгу умидлар билан яшайдиган ёш авлод эмасми?!

Шундай экан, барча саъи-ҳаракатларимизни шу куттулуг мақсадга йўналтиришимиз зарур. Лекин бу фақат давлат ё битта идора, ёки алоҳида шахснинг иши эмас. Шуни

айтишим керакки, бу — бутун жамиятимиз, бутун жамоатчилигимиз зымасидаги долзарб вазифа.

Бугунги учрашувда билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялардан ҳар бир киши керакли хулосалар чиқариб олишига ишонаман.

Бу борада менинг матбуот, айниқса, телевидениедан умидим катта. Чунки юргимизда у кириб бормаган хона-дон йўқ. Шундан келиб чиқиб, мен ҳукумат қарорига шу мавзуга бағишлиланган маҳсус кўрсатувлар ташкил этиш тақлифини киритдим. Бундан кўзда тутилган мақсад — тарбияга дахлдор энг оддий масаладан то энг мураккаби-гача — барчасини тортинасдан, батафсил ва изчил тар-ғиб қилишдир.

Биз оила мадданиятини юксалтириш учун ҳам бу масала-ларга жамоатчилик эътиборини қаратишмиз, уларни ҳаётий мисоллар воситасида телевидениеда, барча оммавий ахбо-рот воситаларида кенг ёритишмиз зарур. Ҳаётда учрайди-ган салбий мисолларни ҳам, ижобий мисолларни ҳам кўрса-тиш керак. Айтайлик, битта оиласда икки бола тарбия топ-моқда. Уларнинг фикрлаш тарзи, тушунчаси қандай ўсялти, дунёқараши қандай шаклланяпти — мана шуларнинг бар-часини батафсил таҳдил этиб бориш зарур.

Масалан, бир бола ҳали тўрт ёшга кирмай туриб бема-лол фикрлайди. Ҳўш, бунинг учун нималар манба бўлмоқ-да, бунинг сири нимада — шулар ҳар томонлама таҳдил қилиб берилса ва бу орқали бошқаларда ҳам қизиқиши, ҳавас уйғотилса, ўйлайманки, фойдадан холи бўлмайди.

Бошқа бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман: бир оиласда беш ёшга тўлган бола бемалол шахмат ўйнайди, шу ёшдаги яна бир бола ота-онасига ёрдамчи. Дунёни англашта, оқни қорадан ажратишга бемалол ақли етади.

Мамлакатимизда таҳминан 4 миллион оила бўлса, шу 4 миллион оила телевизор кўради ва ана шундай тарбия топаётган болаларга албатта ҳавас билан қарайди.

Инсон, албатта, орзу-ҳавас билан яшайди. Ҳасад билан яшайдиганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Улар ҳам шундай ибратли оиласларни кўрса, эҳтимол, ҳасади ҳавасга айланар.

Ногирон болаларга меҳр-саҳоват билан қарайдиган, кўли очиқ кишилар ва уларнинг ибратли, савоб ишларини ҳам тарғибу ташвиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Тошкент шаҳри жамоатчилиги билан сайловолди учрашувида мен шундай саҳоватли инсонларнинг исми шариғини билсам, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида миннадорлик хати ёзишга тайёрман, деб айттаң эдим.

Бундай меҳр-муруватли кишиларнинг ишларини тарғиб қилиш бошқаларнинг ҳам кўнглида эзгу ниятлар уйғошишга ёрдам беради. Ҳар бир одамни, мен ҳам инсонмай, яна қиласан бунчга бойликин тўплаб, уни эргага қаерга олиб кетаман, деб ўйлашга ундаиди.

Нариги дунёга шоху гадо очиқ кўл билан боради. Одамдай бу дунёда қылган савоб ва эзгу ишларигина қолади.

Яна шуни айтмоқчиманки, тарғибот ишларида ҳар бир ихисос, ҳар бир йўналиш бўйича мутахассислардан фойдаланиш керак. Токи ҳар бир кўрсатув, матбуотда чиқиш мазмун-моҳияти билан одамларнинг онги, қалбига етиб борсин.

Агар бу ишни тўғри ташкил эта олсак, ҳалқимизнинг тушунчаси, дунёқараши ва маданиятини юксалтиришга хизмат қиласади.

Бу вазифа ва тадбирларни бажаришда шу соҳа мугасаддиларининг масъулиятини янада ошириш зарур. Бу гап нафақат тиббиёт соҳаси ходимлари, балки адлия содасида хизмат қиласадиганларга ҳам бевосита даҳлдор.

Масалан, Оила кодексимизга бугун яна қандай ўзгартиришлар киритиш керак? Оиладаги мұхитни янада яхшилаш ва инсон ҳуқуқларига кен троқ йўл очиб бериш учун яна нималар қилишимиз лозим — бу ҳусусда адлия соҳаси вакиллари бош қотириши зарур.

Шунингдек, тарбияга бевосита даҳлдор бўлган маҳалла тизими зиммасидаги масъулиятни ҳам янада ошириштимиз керак бўлади. Энди умумий гапларнинг даври ўтди.

Оилада ҳавас қиласа арзийдиган мұхитни яратишда биринчи навбатда маҳалла таъсиричан кучга эга бўлиши керак. Очиқ айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда бу унчалик сезилмаяпти.

Маҳалла, ҳаммамиз биламишки — ўз-ўзини бошқариш идораси. Хўш, у ўз вазифасини тўла бажаряптими?

Масалага шу нуқтаи назардан туриб баҳо бериш керак деб ўйлайман. Маҳалла фақат оилаларда яхши мұхитни

яратиши билан чекланиб қолмай, қайнона, қайноталар билан ҳам мунтазам иш олиб бориши зарур.

Умуман айтганда, бу масалаларнинг ҳал этилишида жойлардаги ҳокимликлар ва соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари ўз вазифаларини сидқилидан бажаришлари лозим.

Шунингдек, хотин-қизлар кўмитаси бу масалага бутун дикқат-эътиборини қаратиши зарур. Агар мазкур кўмита ҳам бу масалани ўз қўлига олса, ўйлайманки, кўп-кўп муаммолар ўз ечимини топади.

Соғлом авлод тарбияси масаласида маънавий меросимиздан, хусусан, муқаддас динимиздан умидимиз катта. Қадим-қадимдан бола тарбиясига ислом динининг таъсири жуда кучли бўлган. Чунки биз ўз динимизни қадрлаймиз, унга суюнамиз. Нима учун деганда, соғлом одам соғлом фикрлайди, соғлом фикрлайдиган одамнига Худога иймон келтиради, эътиқоди соғлом бўлади. Шундай экан, соғлом авлод тарбияси дин учун ҳам жуда аҳамиятли.

Демоқчиманки, имом-хатиблар ўз қавмлари, намозхонлар билан мулоқотларида мана шу масалаларга кўпроқ эътибор беришлари керак. Мен уламоларимизнинг давлатлари одамларга қанчалик кучли таъсир қилишини яхши биламанки, уларга ҳурмат билан қарайман. Куръони маҷидда ёзилган муқаддас суралар, ояти карималар, панду насиҳатларни таржима қилиб бериш билангина чекланмай, уларнинг мазмунни, моҳиятини тушунтиришлари ҳам керак. Дин пешволари, имомлар одамларга янада яқинроқ бўлишлари, улар билан кўпроқ сұхбатлашишлари, мана шу гояларни халқقا етказишлари лозим.

Шуни унумтайликки, дунёда ҳар бир онгли инсон, миллатидан қатъи назар, ўз зурриёти, насл-насаби соғлом бўлишини истайди. Лекин маънавий соғлом бўлган миллатгина соғлом авлодни тарбиялай олади.

Барчангизга ана шу эзгу мақсад йўлида куч-ғайрат тилайман.

*Соғлом авлод дастурини тасдиқлашга багишланган  
мажлисда сўзланган нутқ, 2000 йил 24 февраль.  
(“Тафаккур” журнали, 2000 йил 2-сон)*

---

## **ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ВА ИШЛАШ – ОЛИЙ БУРЧ**

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!  
Хурматли депутатлар!

Энг аввало, қутлуғ Наврӯз байрами кунларида Сиз, азизлар – Сурхондарё вилоятининг вакиллари билан соғомон дийдор кўришиб турганимиздан хурсанд бўлганимни изҳор этиб, Сизларга, Сиз орқали бутун Сурхон аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Мамлакатимизнинг жанубий чегарасида жойлашган, ўзининг бетакрор бойликлари, табиати, тарихи, маданияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, аввало, кўнгли очик, бағрикенг, меҳнаткаш эли билан Сурхон воҳаси барчамизни ўзига мафтун этиши бежиз эмас, албатта. Биз Сурхондарё вилоятини жанубий сарҳадларимизнинг мустаҳкам кўрғони, ҳар қандай ёвуз куч ва ниятларнинг йўлини тўсадиган ишончли қалқон, деб биламиз.

Ўтган йили “Алломиши” достонининг 1000 йиллик тўйини барча жалқимиз билан биргаликда тантана қилганимизда Сурхон воҳасини нафақат юртимиз, балки бутун дунё қайтадан кашф этди. Сурхон аҳлининг нақадар истеъоддли, яратувчилик салоҳияти юксак эканига, қадимий урғодатлар, минг йиллик анъаналаримизни асрлар оша кўз корачигидай асрраб ва бойитиб келаёттанига гувоҳ бўлди.

Сурхондарё табиати, унинг тарихи ҳақида ҳар қанча гапирыскак, бу ерга меҳр кўйиб, уни севиб, шу юртнинг ватаншарвари бўлиб яшаётган ориятли одамларни ҳар қанча улуғласак арзиди.

Азиз дўстлар!

Уч ой муқаддам мана шу залда бўлиб ўтган сайловолди учрашувида биз вилоятдаги аҳволга холисона ва танқи-

дий баҳо бериб, воҳани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш истиқболлари ҳақида гаплашган эдик.

Вилоят олдида турган улкан вазифалар, кўп йиллар давомида ечимини кутиб ёттан муаммолар, мана шу эл-юртни қийнаётган масалалар ҳақида фикр алмашиб олган эдик.

Бугунги кунда бу муаммолар тобора кескинлашиб бориб, Сурхондарё вилоятининг ҳаётида катта тўғаноқ бўлиб, унинг тараққиётига салбий тъсири кўрсатаётганини сезмаслик мумкин эмас.

Кейинги тўрт-беш йил давомида Сурхондарё вилоятида ислоҳотларнинг бориши, ишни ташкил қилиш, иш услуби авваламбор қишлоқ хўжалигида, бошқа тармоқ ва соҳаларда йўл кўйилган катта оқсоқлик барчамизни ташвишга, керак бўлса, хавотирга солаётгани табиийдир.

Бугун замон бизнинг олдимизга қандай масалалар ва талаблар кўймоқда? Биз бу талаб ва вазифаларга жавоб беришга қанчалик қодирмиз? Агарки шу ҳолатда қолаверсак, эрганги кунимиз қандай бўлади?

Қанчалик оғир бўлмасин, бугун шу саволлар атрофида очиқласига гаплашиб олмасак, тегишли хулосалар чиқармасак, эргага кеч бўлиши мумкин.

Ҳеч кимга сир эмас, Сурхондарё вилояти бекиёс салоҳиятта эга. Воҳанинг ер ости, ер усти бойликлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Деҳқончилик қилиш учун сув бор, унумли ер бор, йилига икки марта ҳосил олишга имкон берадиган иқлим шароити, қуёш ҳарорати бор.

Кайси соҳани олмайлик, Сурхоннинг олмаю анорини айтасизми, узуми, хурмою лимонини айтасизми, сабзавот маҳсулотларини айтасизми – буларнинг барчаси бутун мамлакатимизда машхур. Энг мудими, бу ерда миришкор, уста деҳқонлар, уларнинг ҳавас қиласа, ўрганса арзидиган маҳорати бор.

Табиий бир савол туғилади: биз вилоятдаги ана шу салоҳиятдан, ана шу имкониятдан тўла фойдаланаямизми? Умуман биз ҳосилдорлик даражаси, ишнимизнинг самарасидан мамнун бўлишимиз мумкинми?

Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бериб бўлмайди.

Барчамизга яхши маълум: Сурхондарё вилоятининг иқтисодий ривожланишида кўпгина соҳалар бўйича, аввало, пахта ва ғалла етиштиришда режалар сурункасига бажарилмаяпти, ҳосилдорлик камайиб, иш унуми пасайиб бормоқда.

Бу ҳолат вилоятда яшаётган одамларнинг турмуш даржаси, кайфиятига салбий таъсир кўрсатаёттанини инобатга олсак, юқоридаги саволларнинг нақадар ҳаққоний ва ўринли экани, масаланинг шундай қаттиқ кўйилаёттани барчамизга тушунарли бўлади, деб ўйлайман.

Агар сўнгти беш йилни таҳлил этадиган бўлсак, вилоят бўйича пахта ҳосилдорлиги 5,5 центнерга камайганини таассуф билан қайд этишга тўғри келади.

Бунииг натижасида давлатга пахта сотиш режаси 1995 йили 97,5 фоиз, 1996 йили 94,8 фоиз, 1997 йили 90 фоиз, 1998 йили 88,3 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йили янада пасайиб, 81,8 фоизни ташкил этди.

Бошқача айтганда, беш йил мобайнида вилоят давлатта 181 минг тонна пахтани режадагидан кам етказиб берди.

Хусусан, ўтган йили вилоятдаги пахтачиликка иктинослаштирилган туманлардан бирортаси ҳам режани бажара олмади.

Вилоятдаги 143 та хўжаликдан 109 таси режани бажара олмагани, айниқса, Бандиҳон туманидаги “Хўжапок”, “Янги ҳаёт”, Шеробод туманидаги “Истиқбол”, Термиз туманидаги “Каттакум”, Қизириқ туманидаги “Оқжар”, Музрабод туманидаги Навоий номли жамоа хўжаликлари гектаридан 10 центнерга ҳам етказиб ҳосил ололмаганини нима деб аташ керак?

Бундай аянчли аҳвол ғалла етиштириш бўйича ҳам мавжудлигини таассуф билан айтиш керак. Бу соҳага назар ташлайдиган бўлсак, кейинги беш йилда бошоқли дон ҳосилдорлиги 13 центнерга, шоли ҳосилдорлиги 4,5 центнерга пасайиб кетганини кўрамиз.

Давлатга дон сотиш режаси ўтган йили вилоят бўйича 54,8 фоизга бажарилган бўлса, бу кўрсаткич Бандиҳон,

Ангор, Қизириқ, Кумкүргон, Олгинсой, Узун, Шеробод туманларидаги 38-50 фоизда қолиб кетди.

Вилоятдаги ғаллачилик билан шуғулланадиган хўжаликлардан атиги иккитаси ғалла тайёрлаш режасини бажарган, холос.

Олгинсой туманидаги “Ғолиб”, “Хўжасоат”, Узун туманидаги “Хурсанд”, Бандиҳон туманидаги “Дўстлик”, Термиз туманидаги “Учқизил” сингари хўжаликларда ғалла ҳосилдорлиги 5-10 центнер атрофида, 41 та хўжаликда 10 центнер, 52 та хўжаликда эса ўртача 15 центнерни ташкил этди.

Албатта, бу аянчли аҳволнинг сабаби сўралса, айб табиий оғатга — кутимаган “занг” касалига олиб бориб тақалади. Тўгри, бултур вилоятда шундай ҳолат содир бўлганини ҳеч ким инкор этмайди.

Бироқ таҳлиллар мазкур ҳолнинг сабаби фақат бунда эмаслигини кўрсатиб турибди. Ғаллачиликда ҳосилдорликнинг пасайиши фақат ўтган йили рўй бергани йўқ, кейинги тўрт-беш йил давомида кўпгина туманлар ва хўжаликлар учун оммавий “касаллик”ка айланаб қолди.

Бу фикрни бошқа соҳалар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Сабзавот ҳосилдорлиги ўтган йили 1998 йилга нисбатан 8 центнерга камайган, узум етиштириши эса 80 минг тоннадан 55 минг тоннага тушиб кетган.

Сўнгти йилларда боғ майдонлари 1200 гектарга камайган. Оқибатда вилоятдаги мева ва узумни қайта ишлайдиган ўнга яқин корхона тўлиқ кувват билан ишламаяпти. Улар ўтган йили 34 минг тонна ўрнига фақат 11 минг тонна узумни қайта ишлади. Ўтган йили вилоятда 700 гектар ўринига атиги 138 гектар майдонга картошка экилган бўлиб, айрим хўжаликларда гектаридан олинган ҳосил 20 центнерга ҳам етмайди.

Натижада қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволи ёмонлашиб бормоқда. Буни шу йилнинг 1 февралигача бўлган маълумотта кўра, уларнинг дебиторлик қарзлари 2 миллиард 503 миллион сўм, кредиторлик қарзлари эса 6 миллиард 45 миллион сўмдан ортиб кеттанидан ҳам билса бўлади.

Вилоятдаги 47 та жамоа ва ширкат хўжалиги 1999 йилни дэхқончилик соҳаси бўйича 713 миллион 315 минг сўм зарар билан якунлаган. Айниқса, Шеробод туманидаги В.Қодиров номли хўжалик 102 миллион сўмдан зиёд, Денов туманидаги Амир Темур номидаги хўжалик 60 миллион сўмдан ортиқ, Шўрчи туманидаги Дониёров номли хўжалик эса 36 миллион сўм зарар билан чиқкан.

Ахир, бу аҳволда бундай хўжаликларда ишлайдиган, шу ерда яшайдиган одамларнинг тирикчилиги, турмуш шароитини яхшилаш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Вилоятда раҳбарман, шу юртнинг етакчисиман деб герда-йиб юрган кимсалар бу ҳақда ўйлайдими-йўқми?

Ёки чорва соҳасини олайлик. Афсуски, бу борада ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Қорамоллар сони 3 минг 500 тага, соғин сигирлар сони эса 1 минг 38 тага камайган. Ўттан йили чорвачиликдан 118 миллион сўмдан ортиқ зарар кўрилган.

Хўш, вилоят қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликда юзага келган бундай аянчли ҳолатнинг сабаблари нимада?

Бунинг сабаблари кўп, лекин энг асосийлари ҳақида тўхталиб ўтайлик.

Аввало, бу нуқсонлар агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўtkазилмаслиги билан боғлиқ. Ўзингиз айтинг, кузги шудгорлаш пайтида фақат 35 фоиз ерга минерал ўғит солинган бўлса, 50-60 фоиз ер текисланмай қолиб, уруғ қадашга тайёрланмаган бўлса, сугориш ишлари сифатли ташкил этилмаса, қандай қилиб бу майдонлардан белгиланган ҳосилни олиш мумкин?

Ёки бир қатор туманларда бошоқди дон экинлари кучли даражада шўрланган, мелиоратив ҳолати ёмон, 2-3 йил давомида ғалла экиб келинган, ўт босган майдонларга экилаёттанига, техника воситалари мавсумга сифатли тайёрланмаёттанига нима деса бўлади?

Вилоятда уругчилик масаласи билан ҳеч ким жиддий шуғулланмаяпти. Йиллар давомида синовдан ўтган, Сурхон водасининг ер шароитига, иқлимига мослашган, бир вақтлар мўл ҳосил берган уруғ навлари қаёқда қолди?

Гап шундаки, элита уруғ етиштириш билан шугулланадиган хўжаликларга эътибор сусайиб кетган. Касалликларга чидамли, истиқболли янги навларни кўпайтириш бўйича етарли даражада иш олиб борилмаяпти. Энг ачинарлиси, ана шу хўжаликларнинг ўзи агротехника қоидаларига риоя этмаслиги натижасида яхши навларнинг ҳам сифати бузилмоқда.

Хўш, республикамиздаги катта-катта илмий даргоҳларда ўтирган, уруғчилик масаласига бевосита жавобгар бўлган олимлар қаёққа қарайпти?

Ўтган хўжалик йилининг салбий натижалари сабабини суриштирсангиз, вилоят раҳбарлари, боя айтганимдек, фалла “занг” касалига чалинганини важ қилиб кўрсатишади. Аммо қишлоқ хўжалигидаги бундай касалликлар бугун пайдо бўлиб қолганий йўқ-ку.

Хўп, вилоятдаги шу ҳолат юз берибди, лекин ўсимликлар ҳимояси билан шугулланадиган идораларнинг мутахассислари галлакорларни бу оғатдан ўз вақтида огоҳлантириши, керакли кимёвий дорилар ва ускуналар билан таъминлаши, энг мұхими, кимдир бу ишларга бош-қош бўлиши керакмиди-йўкми?

Нима, ғўзанинг кушандаси бўлган вильт касалига чора топган олимларимиз бу касалликнинг олдини ололмайдими?

Ҳамма гап шундаки, бу борада, аввало, масъулиятсизлик, беспарвонлик, ўзизбўларчиллик, лоқайдликка йўл қўйилган.

Афсуски, вилоятда ўтган йилги камчиликлардан ҳалибери хулоса чиқариб олингани йўқ. Фалла майдонларининг бугунги аҳволи бултурги хатолар давом этаётганини кўрсатиб турибди. 96 минг гектар сугориладиган майдонга экилган бошқоли дон экинларининг ривожи аксарият майдонларда ниҳоятда суст.

Бу йил ҳам Ангор, Жарқўрон, Узун туманларида “занг” касаллиги пайдо бўлди. Ҳукумат топшириги билан унга қарши кураш чоралари кўрилмоқда. Лекин бошқа туманлар ҳам хотиржамликка берилмасликлари, бу оғатнинг тарқалиб кетмаслиги учун қатый ва самарали чораларни кўришлари зарур.

Деҳқончилик учун яна бир оғат бўлган чигиртка балосининг бу йил ҳам экинзорларга зарар етказиш хавфи бор. Мутахассисларнинг кузатишича, Шеробод, Бойсун, Музрабод туманлари ҳамда Туркманистон ва Тожикистон билан чегарадош ерларда марокаш чигирткасининг кўплаб тухум қўйгани аниқланган. Бу оғатнинг олдини олиш учун ҳозирданоқ барча чораларни кўриш керак.

Албатта, Сурхондарё вилоятида рўй берадиган оқсоқлик ва нуқсонлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин энг катта камчилик — ишни тўғри ташкил эта билмасликдан иборат.

Вилоятда ҳамон эски тузумдан қолган маъмурий-буйруқбозлик усули яшаб келмоқда. Мутасадди раҳбарларда мулкка, ерга бўлган муносабат ҳамон ўзгармаяпти. Деҳқонда зғалик ҳиссиётини тарбиялаш мақсадида унинг меҳнатини адолатли баҳолаш, уни рағбатлантириш йўқ. Шу туфайли одамларда моддий манфаатдорлик туйғуси шаклланмаяпти. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган, хўжаликлар ва деҳқонларнинг иш юритишдаги мустакиллиги ва эркинлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ҳаётга жорий этилмаяпти.

Мисол қидириб узоққа боришининг ҳожати йўқ. Айтайлик, атиги 10-15 центнердан ҳосил етишириб зарар кўриб ишлаётган жамоа хўжаликларининг ерларини ишнинг кўзини биладиган, омилкор фермерларга бўлиб бериш мумкин эмасми?

Мумкин, албатта. Лекин ана шундай 67 та иқтисодий ноҷор хўжаликнинг ҳар бирини тепасида камида 20-30 тадан бошқарув ҳодими ўтирибди. Табиийки, бу одамлар ўз мансабидан, ўз манфаатидан жудо бўлмаслик учун бу ишга тўқсқинлик қиласди. Бу масалани ҳал этиш бевосита вазифаси бўлган вилоят, туман раҳбарлари эса, афсуски, ўзининг савиляси, билими, қатъиятлилиги, жонкуярлиги этишмагани туфайли бу ҳақда бош қотирмайди.

Деҳқон ҳақиқий маънода ер эгасига, мулк эгасига, ўзи яратадиган бойликтининг хўжайинига айланмас экан, унинг ишида самара бўлмайди, деб ҳаммамиз қайта-қайта гапи-

рамиз, аммо қачон бу борада амалий ишларга ўтамиз? Қачон Сурхондарёда бу масалада ўзгариш бўлади?

Вилоятда сўнгти икки йил давомида 76 та хўжалик мулкий пай ва меҳнатни ташкил қилишининг оиласавий пудрат усули асосида ишлайдиган кооператив-ширкат хўжаликларга айлантирилган эди.

Аммо текширишлар бу ишнинг фақатгина қофозда амалга оширилганини кўрсагмоқда. Ерлар оиласавий пудратчиларга номигагина бўлиб беришган, лекин улар ернинг ўзига қанча муддатта беришганини ҳам билмайди, кўлида бу ҳақда хужжати йўқ.

Холбуки, қишлоқ хўжалигига оид қонунларда бу масалалар очик-равшан ечиб беришган.

Фермер хўжаликларининг аҳволи таҳтил этилганда ҳам жиддий нуқсонлар кўзга ташланади. Бугунги кунда вилоят бўйича 2 минг 814 та фермер хўжалиги бор. Уларнинг пахта етиштиришдаги улуши 36,7 фоизни, галлачиликда эса 25,7 фоизни ташкил этади. Албатта, уларнинг барчаси ҳам бирдек ишлайти, деб бўлмайди.

Акс ҳолда, вилоятда ташкил этилган фермер хўжаликларининг қарийб эллик фоизи амалда мустакил эмаслигига нима дейиш керак? Улар бирон-бир ташкилот ёки корхона билан шартнома тузолмайди, банк операцияларини амалга ошиrolмайди. Чунки уюшма ва хўжаликлар қонунга зид равишда бу хукуқни улардан тортиб олган.

Бундай бемаъни, соглом ақлга тўғри келмайдиган антиқа усусларни ким ўйлаб чиқарди?

Аслида бу уюшмаларнинг бурчи хўжайинлик қилиш эмас, балки фермерларнинг ҳақ-хукуқини ҳимоялаш, уларга кўмак бериш, шароит туедириб бериш, мададкор бўлиш эмасми?

Вилоятда қишлоқ хўжалиги ривожига халақит берадиган яна бир муаммо – ўрта ва қуий бўғиндаги раҳбар кадрлар ва мутахассисларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласи билан борлиқ.

Кейинги икки йилнинг ўзида вилоятда туман ҳокими ўринбосарларидан 32 нафари, жамоа ва ширкат хўжаликлири раҳбарларининг қарийб эллик фоизи алмаштирилган.

Афсуски, бу ўзгаришлар ишни яхшилашга хизмат қилмаган, аксинча, раҳбарларнинг ўзига ёқмай қолган кадрларни ишдан олиш, ишончини қозониб олганларга лавозим бериш мақсадида амалга оширилган.

Хурматли дўстлар!

Вилоят саноатининг бугунги аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, бу соҳада ҳам жиддий камчиликлар мавжудлиги аён бўлади.

Масалан, ўтган йили 14 та корхона 183 миллион сўмлик саноат маҳсулотини, 20 та корхона қарийб 161 миллион сўмлик халқ истеъмол молларини режадагидан кам ишлаб чиқарганини қандай баҳолаш керак?

Корхона ва ташкилотларнинг бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олмасдан иш тутгани, харидоргир маҳсулот тайёрлашни йўлга қўя олмагани натижасида вилоят омборларида 1 миллиард 606 миллион сўмликдан зиёд тайёр моллар сотилмай ётибди.

Саноатни бозор иқтисодиёти талабларига биноан замонавий технология асосида қайта қуриш масаласи билан вилоятда ҳеч ким жиддий шуғулланаётгани йўқ.

Очиқ айтадиган бўлсак, аксарият корхоналар номигагина давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган. Лекин, вилоят раҳбарлари, мазкур жамиятларнинг етакчилари бугунги кун талабларини, бозор иқтисодиёти қонунларининг моҳиятини тўғри англаб, ўз ишини шу асосда ташкил эта олмаяпти.

Вилоят бўйича 85 та корхона ва ташкилотнинг 456 миллион сўмлик, шу жумладан, 1999 йилда чет эл инвесторларига сотишга мўлжалланган 216 миллион сўмлик акцияларидан бирортаси ҳам ўз харидорини топмагани ҳам буни очиқ кўрсатиб турибди.

Ҳисоботларга кўра, вилоятда 31 та қўшма корхона рўйхатта олингани ҳолда уларнинг фақат 20 таси фаолият кўрсатяпти. 11 таси эса турли сабабларга кўра тўхтаб қолган, ҳатто, бир қисми тутатилиш арафасида турибди.

Энг ачинарли томони шундаки, номигагина тузилган, ишининг самараси йўқ бу корхоналарнинг аксарият қисмини қўшма корхона деб аташга ҳам тил бормайди.

Уларнинг кўпчилиги эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўрнига олди-сотди йўлига ўтиб олган. Ҳатто, кўшма корхона сифатида Сурхондарёда рўйхатдан ўтиб, аслида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида тижорат билан шуғулланаётган “ишбилармонлар” ҳам йўқ эмас.

\* \* \*

Бир ҳақиқатни барчамиз яхши тушуниб, ишни шу асосда йўлга кўйишмиз лозим. Кўшма корхона деганда, биз энг аввало, хорижий сармоя иштирокида курилган, илғор технология асосида жиҳозланган, импорт ўрнини босадиган, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарадиган замонавий қувватларни назарда тутамиз.

Албатта, Сурхондарё вилоятида кўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий сармояларни жалб қилишининг ўзига яраша объектив қийинчиликлари мавжудлигини инкор этолмаймиз. Яъни Сурхоннинг чегара ҳудуди эканлиги, ён қўшниларимиз бўлган бальзи давлатлардаги бекарор вазият бунга тарьсири үтказиши табиий. Лекин, шундай экан, деб кўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри бўлмайди.

Мухтарам сессия қатнашчилари!

Кинлоқ хўжалиги ва саноат соҳасида, умуман, вилоят иктисадиётида йўл кўйилаётган оқсоқликлар ўз навбатида ижтимоий ривожланиши масалаларига ҳам салбий тарьсири қўрсатмоқда.

Ахир, деҳқончилик ривожланмаса, маҳсулот ишлаб чиқариш ошмаса, қаердан даромад бўлади? Табиийки, бу ҳолат аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, мактаб, тиббий ва майшний хизмат, одамларни иш билан банд этиш муаммоларини ҳал этиш имконини бермайди.

Буни кўйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Газ қувурлари ётқизиши режаси ўтган Йили Бандихон туманида атиги 5,3 фоизга бажарилган. Бу кўрсаткич Кумкўргон туманида 55, Термиз туманида 58,5, Узун туманида 54,9, Шеробод туманида 86,4 фоизни ташкил этади. Ичимлик сув тармоқларини ётқизиши режасининг бажарилиши эса Узун туманида 20,6 фоиз, Шеробод туманида эса 45,5 фоиздан ошмайди.

Бугунги кунда вилоят бўйича 46 та қурилиши бошланган инишот мавжуд. Соғлиқни сақлаш ва халқ таълимни соҳаларига қарашли кўплаб шифохоналар ва мактаб биноларининг бундан 7-9 йил муқаддам бошланган қурилиши ҳалигача якунига етмаган.

Хусусан, 1996—1999 йиллар мобайнида қишлоқ жойларда мактаблар қуриш режаси атиги 64,6 фоизга бажарилган. Бир неча йиллар олдин бошланган 27 та мактаб биносининг қурилиши тўхтатиб кўйилган.

Вилоядта 206 та қурилиш ҳамда қурилиш соҳасига тегишли ташкилот мавжуд. Ўтган йили бу ташкилотлардан 94 таси 1991 йил нархларига қиёслаганда 160 минг сўмдан 900 минг сўмгача микдорда қурилиш ишларини бажарган бўлса, 20 та қурилиш ташкилоти бажарган иш ҳажми 100 минг сўмга ҳам етмаган.

Вилоят ҳокимлиги ҳам, республикадаги мутасадди раҳбарлар ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаётган бу ташкилотларнинг, улардаги ишчи-хизматчиларнинг тақдирига бефарқ қараб келаётганига нима дейиш мумкин?

Буларни сақлаб туришдан мақсад нима? Мен бу савонни Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил якунларига бағишланган йигилишида ҳам шахсан вилоят ҳокимига берган, афсуски, тайинли жавоб ололмаган эдим.

Фақат Вазирлар Маҳкамаси талаоб қылгандан сўнггина банкротлик ҳолатига тушиб қолган 64 та қурилиш ташкилотининг бир қисмини бирлаштириш, бошқа ташкилотларга қўшиб юбориш ва бутунлай тутатиш ҳақида таклиф берилгани ана шу бефарқликнинг яққол кўриниши эмасми?

Бундан ташқари, қурилиш жараёнида ўтмишдан қолган қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик иллатлари ҳам бор.

Вилоядта янгитдан қурилаётган ва қайта таъмирлаётган 12 та касб-хунар коллежи ва 1 та академик лицей қурилиши текширилганда устама харажатларни ортиқча кўллаш йўли билан 26 миллион 400 минг сўмлик бюджет маблағлари нотўри ва ортиқча ишлатилгани аниқланди.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимининг ишини яхшилаш борасида бирмунча ишлар қилинганига қарамасдан, ҳали анчагина муаммолар мавжуд.

1-вилоят шифохонасининг учта бўлими авария ҳолатидаги биноларда фаолият кўрсатмокда. Вилоят болалар шифохонаси, вилоят туруруқхонаси, Термиз шаҳридаги тез тиббий ёрдам маркази, бир қатор туманлардаги шифохоналарнинг аҳволи талаб даражасида эмас.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, таълим ва тарбия тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш бўйича катта ишлар қилинаётгани барчангизга яхши маълум.

Аmmo вилоятдаги ҳалқ таълими муассасаларининг ишини қониқарли деб бўлмайди. 778 та мактабнинг 358 таси мослаштирилган биноларда жойлашган.

Мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш вилоят бўйича атиги 13 фоизни ташкил этади. Ҳўжаликлар тасарруфидаги 123 та боғча турли сабабларга кўра ишламай турибди.

Вилоят мактабларида бугунги кунда энг муҳим фанлар — математика, биология, тарих, физика, кимё, инглиз тили, она тили ва адабиёти, ҳуқуқшунослик бўйича 1 минг 589 нафар ўқитувчи етишмайди.

Хўш, бу ҳолат вилоят раҳбариятини, унинг фаоллари ни ташвишга солиши керакми-йўқми?

Лекин вилоятда таълим соҳасига бевосита жавобгар бўлган одамларнинг баззи бир қилмишларига нима деийш керак?

Вилоят ҳалқ таълими бошқармасининг бошлиғи Б.Мирзаев бошқарманинг режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Х.Худойбердиев билан тил бириктириб, Шеробод туманидаги ёш сайёҳлар оромгоҳи директори Н.Садатовдан пора олаётган пайтда кўлга туштан ва жиноий жавобгарликка тортилган.

Унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Н.Ҳайиткулов эса мактаб ва мактабгача бўлган тарбия муассаса-

саларини таъмирлаш учун ажратилган 5 миллион сўмдан зиёд маблагни ўзлаштириб юборган.

Олтинсой тумани халқ таълими бўлими мудири К.Сувонов ҳам туман молия бўлими мудири Ч.Абдусатторов билан тил бириктириб, 197 минг сўм маблагни ўзлаштирган. Мансаб ваколатларини суистеъмол қилган бу шахслар халқ таълимига ажратилган маблағларни нотўғри ревизиялаштириб, давлатга 35 миллион сўм зарар етказишган.

Термиз шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Х.Чориевнинг кирдикорлари эса ҳаммасидан ошиб тушади. У шаҳардаги 6 та болалар боғчасига умуман олинмаган озиқовқат маҳсулотларини олинди деб 21,4 миллион сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштирган.

Энди ўйлаб кўрайлик, таълим-тарбия соҳасига мана шундай ноинсоф кимсалар раҳбарлик қилаётган бўлса, соғлом авлодни камол топтириш ҳақида гапириш мумкиними?

Халқ таълими соҳасидаги бу каби иплатлар вилоятда раҳбар кадрларни ташлаш, уларни жой-жойига қўйиш, уларнинг ишини талабчанлик билан назорат қилиб бориши ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан яна бир далолат эмасми?

Афсуски, бундай қонунбузарлик ҳолатлари бошқа соҳаларда ҳам мавжуд. Ўтган йилнинг ўзида 186 та ташкилотда ўтказилган текширишлар натижасида давлатта 118 миллион сўмдан ортиқ зарар етказилгани аниқданган. Шундан 76 фоизи ёки 90 миллион 250 минг сўмини камомад ва ўғриликлар ташкил этади.

Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Жарқўргон туманидаги айрим раҳбар шахслар фуқароларнинг ҳақига, аниқроғи, нафақа пулларига ҳам чанг солиш даражасига бориб етган. Почта алоқа бўлимининг бошлиги А.Шоймуродов ўз кўл остидаги ходимлар билан тил бириктириб, 1 миллион 805 минг сўмлик нафақа пулини ўзлаштирган.

Беихтиёр ўйлаб қоласан киши: наҳотки, купша-кундузи, ҳамманинг кўз ўнгига шундай жиноятлар содир этил-

саю бутун бошли вилоятда бу нопок кимсаларнинг мушугини пишт дейдиган бирор мард топилмаса?

Вилоят ҳукуқни муҳофаза қилиш идораларининг қонунчиликни, ҳукуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасидаги фаолияти бутуни кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида фуқароларни ноқонуний жавобгарликка тортиш ёки жазодан озод қилиш, тергов жараёнларини асоссиз равишда чўзиш каби салбий ҳолатлар ҳамон учраб тургани ачинарли ҳолдир.

Айниска, хизмат вазифаси ва бурчи бевосита қонунни, давлат манфаатини, фуқароларнинг ҳақ-ҳукуқини ҳимоя қилишдан иборат бўлган идораларнинг бальзи ходимлари ҳам жиноятчиликка қўл ураёттанига асло муроса қилиб бўлмайди.

Кейинги икки йилда 3 нафар судья, 54 нафар ички ишлар ходими, 11 нафар божхона ходими, 11 нафар солиқ идораси ходимига нисбатан жиноий иш қўзғатилгани шу фикрнинг тасдиги эмасми?

Шунинг учун ҳам вилоятда жиноятлар сони 1998 йилга нисбатан ўтган йили 8,6 фоизга ошган. Жумладан, оғир жиноятлар 18,6 фоиз, босқинчилек 33,3 фоиз, талончилик 9,3 фоизга, ўғрилик 22,7 фоиз, гиёҳванд мoddаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш билан боелиқ жиноятлар 17,1 фоизга ўсган.

Биргина ўтган йилнинг ўзида мoddий бойликларни ноқонуний йўллар билан вилоятдан олиб чиқиб кетишига уринган 24 нафар шахсга нисбатан 19 та жиноий иш қўзғатилиб, улардан қарийб 68 миллион сўмлик товар-мoddий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Афсуски, бундай нохуш ҳолатлар давом этаёттанини жорий йилнинг ўтган 2 ойида 3,5 миллион сўмлик мoddий бойлик чегараада ушлаб қолингани ҳам кўрсатиб туриби.

Қисқа қилиб айтганда, бу соҳадаги нуқсоиларнинг барчаси вилоят раҳбариятининг масъулиятысизлиги, беларво-

лик, ўзидарчилик, лоқайдлик кайфиятига берилиб, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани билан изоҳданади.

Хурматли дўстлар!

Ўзингиз биласиз, ҳар қандай яхши ишнинг ҳам, ёмон ишнинг ҳам келиб чиқиш сабаблари бўлади.

Вилоятда юзага келган бундай ташвишли вазиятни таҳлил этадиган бўлсак, кўп камчиликларнинг илдизи шу вилоятни бошқарадиган раҳбарлар, мансабдорлар, аввалио, биринчи раҳбарга бориб тақалиши ҳаммамиз учун аён.

Барчангизга маълумки, вилоят раҳбарларини танлаш ва сайлаш пайтида, биринчи навбатда, биз бўлгуси ҳоким шу воджанинг ҳаётини, унинг муаммоларини яхши биладиган, уларни ҳал этиш учун жон куйдирадиган, шу муҳитда тобланган, фикри, дунёқараши, турмуш тарзи шу ердаги одамларга яқин бўлиши керак, деган қарашиб принципларга суюнамиз.

Яна бир бор такрор айтмоқчиман: ўзини етакчи деб, раҳбар деб, карвонбоши деб ҳис қиласидиган, ўз зиммасига раҳбарликнинг ўта оғир масъулиятини оладиган одам шу юртнинг фам-ташвишлари, бир сўз билан айтганда, шу эл-юрг нафаси билаш яшаши, ҳаёт кечириши керак.

Мана шундай ўй-фикрларга асосланиб, 1993 йили вилоятта янги раҳбар, янги ҳоким тайинлашда Жаркўргон тумани ҳокими бўлиб ишлаётган Жўра Норалиев номзодига тўхтаган эдик.

Тўгри, Норалиев Сурхондарёнинг нафақат иқтисодий ҳаёти, керак бўлса, маданий ҳаётининг ўсиши, вилоятда соғлом муҳит яратиш, югуриб-елиб одамларнинг оғирини енгил қилиши борасида ўзини аямасдан ишлади, жон куйдирди. Вилоятда амалга оширилган кўп ишларда, хусусан, Термиз шахри қиёфасининг ўзгаришида, ободончилик ишларида, маданият ва спорт каби соҳаларнинг ривожланишида унинг кўшган ҳиссасини ҳеч ким инкор қилмайди.

Бир сўз билан айтганда, Ж.Норалиев дастлабки йилларда ўзига билдирилган юксак ишончни оқлашга ҳаракат қилди. Сурхондарё вилоятида чегараларни мустаҳкам-

лашда, ҳарбийларимиз учун тегишли шароит яратиб беришда вилоят ҳокими сифатида унинг ҳам ҳиссаси катта.

Лекин вазиятта холисона баҳо бериб айтадиган бўлсак, ўтган йилилар давомида бу раҳбар мұхим бир ҳақиқатни, яъни кечаги билим, кечаги тажриба ва дунёқарааш билан бутун ишлац, айниқса, ҳокимлик лавозимини бажариш мумкин эмаслигини тушуниб етмади. Оқибатда вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида мана шундай хато ва нуқсонларга йўл қўйилди.

Биз Норалиевни, раҳбарлик фаолиятидаги камчиликлари ҳақида, ташкилотчилиги, талабчанлиги, қатъияти етишмаётгани тўғрисида, шу боис кўпгина ноҳуш ҳолатлар пайдо бўлаётгани ҳақида огоҳлантирганимиздан, унга жуда қаттиқ талаб кўйилганидан кўпчилик хабардор, деб ўйлайман.

**Афусски, тегишли хуносалар чиқарилмади.**

Охириг пайтларда у нафақат ўзига, балки вилоятнинг бошқа раҳбарлари, туман ҳокимларига нисбатан талабчанликни бўшастириб юборгани, мавжуд нуқсонларга қарши муросасиз бўлиш, уларга қарши курашиб масаласида ўзининг заиф бўлганини кўрсатди. Камчилик ва хатоларни кўра била туриб, ўзини кўрмасликка олди.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз – бундай ҳолат ҳеч қачон яхшилика олиб келмайди – охир-оқибатда вилоятдаги ижтимоий мұхитни бузишга сабаб бўлиши муқаррар.

Энг кечириб бўлмайдиган ҳол – бу одамнинг ҳам кейинги вақтда қариндош-уругчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик гирдобига тушиб қолганида.

Акс ҳолда, вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси, вилоят газлаштириш идорасининг бошлиқларидан ташқари яна 7 та ана шундай йирик ташкилотнинг раҳбарлари ҳам бевосита унинг ҳамشاҳарлари, қариндош-уруглари эканини қандай изоҳлаш мумкин?

Мени катта ташвишга соладиган ҳолат шуки, бундай уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, қабилабозлик иллатларига нафақат биринчи раҳбар – менда етарли далиллар бор – бундай касалликка, эски-

дан қолган бу оғир асоратта вилоятдаги күпчилик раҳбар курсисида ўтирганлар ҳам берилиб кеттән.

Бундай интилиш, қайфият ва ҳаракатлар, сұзсиз, аввало, халқымызның раҳбарларга бўлган ишончини, хурматини, энг ёмони, одамларнинг ҳақиқатга, адолатга бўлган ишончини йўқотишга олиб келиши табиийdir.

Афсуски, бу иллатнинг айрим худудларда, жумладан, Сурхондарёда ҳам ноҳуш оқибатлар келтириб чиқараётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг оқсаётганилиги ҳам, халқнинг турмуш фаровонлиги ўсмаётгани ҳам, қатор долзарб муаммоларнинг вақтида ечимини топмаётгани ҳам бир жиҳатдан ана шу иллатта боғлиқ.

Мен бу борада ўзимни қийнайдиган бир саволни беришга мажбурман.

Нега шу юртнинг тузини тотиб улғайган зиёлилар, элга таникли фан ва маданият вакиллари бу масалага бефарқ бўлиб туради? Нега уларни, қачон биз бу касаллиқдан кутуламиз, деган савол қийнамайди?

Қачонгача бундай ноҳуш ҳолатларга чидаб юрамиз? Нима учун бундай асоратларга қарши жамоатчилигимизни кўтармаймиз? Унинг куч ва имкониятларини ишга солмаймиз?

Бундай масала, бундай вазифа ҳар қайси инсон, мана шу мұқаддас замин она юртим бўлади, деб, барчамиз учун яккаю ягона бўлган мана шу Ватан — менинг ўзим, менинг фарзандларим, келажак авлодларимнинг ҳам Ватани, деб ҳис қиласидиган ҳақиқий жонкуярлар олдида уларни бефарқ қолдирмайдиган, уларнинг қалбини ёндириб туралиган савол бўлиб қолишига қаттиқ ишонаман.

Сурхондарё вилоятида бу борада ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Бунда биз биринчи галда мана шу заминда яшайдиган, уни ўзининг она юрти деб биладиган, унинг ор-номуси, шаъни учун курашадиган, виждонли, диёнатли, ватанпарвар инсонларга таянамиз.

Сурхон воҳаси олдида турган улкан вазифаларни амалга оширишда, йўл қўйилган нуксон ва камчиликларни бар-

тараф этишда халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашла-  
рининг масъулияти ҳақида гапириш ортиқча, деб биламан.

Агар биз жамоат ташкилотларининг кучини бирлаштириб, давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоа назоратини ўрнага олмас эканмиз, юқорида тилга олинган иллатлар олға юришимизга халақит бераверади.

Жамоат назоратининг моҳияти шундаки, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари, фаоллар, ҳамма-ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини, катта-кичик раҳбарларнинг ишга муносабатини назорат қилиб, уларнинг камчиликларини рўй-рост очиб ташлаши керак.

Бу ишда айниқса оммавий ахборот воситалари фаоллик кўрсатиши лозим. Афсуски, вилоятда чоп этилаётган газеталарда ҳам, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда ҳам журналистларнинг жонкуярлиги, ташаббускорлиги, фидойилиги сезилмаяпти.

Хурматли депутатлар!

Юқорида зикр этилган мулоҳаза ва хуносаларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги мажлисимишининг кун тартибига қўйилган ташкилий масаланинг амалий қисмига ўтайлик.

Жўра Норалиев вилоятда мавжуд бўлган вазиятни иnobатта олиб, ўз фаолиятини танқидий баҳолаб, Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида ариза берганини сизларнинг эътиборингизга етказмоқчиман. Бу масалани овозга қўймоқчиман.

Энди вилоятта янги сайланадиган ҳоким ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, биз бу масала юзасидан кўп ўйлаб, мулоҳаза қилиб, вилоятдаги фаоллар билан ҳам маслаҳатлашиб, уларнинг фикрлари, истакларини ҳам инобатта олган ҳолда, вилоятда рўй берган ноҳуш ҳолатларга бундан буён чек қўйиш мақсадида бу ердаги маҳаллийчилик, қариндош-уругчилик таъсиридан холи бўлган раҳбарни тавсия этишга қарор қандик.

Очиқасига айтсак, тили қисиқ, қўли боелиқ бўлмаган раҳбарга алоҳида эътибор беришга тўғри келди. Шу

билин бирга, қишлоқ хўжалик масалаларини, жумладан, Сурхондарёдаги муаммоларни ҳам яхши биладиган, ҳаёт тажрибасига эга, шу юртнинг барча-барча қийинчиллари, оғирини кўтаришга тайёр бўлган шахс атрофида кўп-кўп фикр алмасиб олишга тўғри келди. Шуларнинг барчасини инобатта олиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлайдиган Олимжонов Бахтиёрни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тавсия қилмоқчиман.

Ўйлайманки, бу номзодни кўпчилик бу ерда ўтирганлар яхши танийди.

Бу киши 1949 йили туғилган, мутахассислиги бўйича мұхандис-механик, бутун иш фаолияти давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб келади.

Узоқ йиллар мобайнида Андижон вилоятида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган. Кейинги йилларда республика “Ўзқишлоқхўжаликта миноттузатиши” давлат-кооператив қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган, 1998 йилдан бўён эса Бош вазир ўринбосари — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасини бажариб келмоқда.

Ишонаманки, Сизлар ислоҳотларнинг моҳиятини тўғри тушунадиган, изланувчан, ташаббускор бу раҳбар билан бир ёқадан бош чиқариб, уни қўллаб-кувватлаб, вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш йўлида баҳамжиҳат бўлиб ишлайизлар.

Азиз биродарлар!

Бугунги сессияда аччиқ гапларни кўплаб гапиришга тўғри келди. Аммо баззи бир раҳбарларнинг хатоси Сурхон халқининг меҳнатига соя солмаслиги лозим.

Чин юракдан айтмоқчиман: менинг Сурхондарё аҳлига юксак хурмат-эҳтиромимни, меҳр-муҳаббатимни ҳеч ким ҳеч қачон ўзгартиrolмайди.

Мураккаб иқлум шароитида қўёшнинг жазирамасини, гармсөл шамолининг хуружларини енгид ҳосил ундириши катта куч ва жасоратни, энг муҳими, шу ерда меҳнат қила-

## ОЗОД ВА ОВОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

ётган халқнинг она юртта муҳаббатини тақозо этади. Шундай халқ билан бирга ҳамдард ва ҳамнафас бўлиб яшаш барчамиз учун катта баҳтдир.

Ишончим комилки, ўзини шу заминнинг фарзанди деб билган ҳар бир фуқаро, ҳар бир раҳбар, бутун Сурхондарё аҳли бутунги билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқаради. Юзага келган вазиятни яна бир марта танқидий нұқтаи назардан холисона баҳолаб, Сурхондарёни ҳар томонлама ривожланган вилоятта айлантиришдек эзгу мақсад йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этадилар.

Бу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат, ишларингизга ривож тилайман.

*Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши  
сессиясида сўзланган нутк,  
2000 йил 23 март*

---

## МИЛЛИЙ МАФКУРА – ДАВЛАТИМИЗ ВА ЖАМИЯТИМИЗ ҚУРИЛИШИДА БИЗ УЧУН РУХИЙ-МАЬНАВИЙ КУЧ-ҚУВВАТ МАНБАИ

Ассалому алайкум, ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бутунги йигилишимиздан асосий мақсад – жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири миллий мафкура хусусида сизлар билан атрофлича фикрлашиб, олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, уларни ҳаётта жорий этиши йўлларини муҳокама қилишдан иборат.

Барчангизга маълумки, бизнинг бутунги ва эртаниги ҳаётимизда ўта муҳим бўлган бу масала атрофида кўпдан бери жамоатчилигимиз фикр билдиримоқда, матбуот, радио ва телевидениеда муҳокамалар, баҳслар ва чиқишилар бўлмоқда. Бундай муҳокамалар, албатта, жуда зарур.

Ҳаёт мавжуд экан, жамият, давлат бор экан, ҳар қайси миллат, ҳар қандай ҳалқ ўз йўлини, мақсадини, лўнда қилиб айтганда, ўзининг миллий гоясини, миллий мафкурасини аниқлаб олишга ҳаракат қиласи. Ҳаёт тараққий эттан сари бундай масалалар янада бойиб, янада такомиллашиб бораверади. Шу маънода, бу борада турлича қарашлар, муҳокамалар бўлишини табиий ҳол сифатида қабул қилиш керак.

Биз бугун ана шу долзарб масалани яна бир бор кўриб чиқиб, олиб борилаётган изланиш ва тадқиқотларни амалий, аниқ бир натижа берадиган босқичига кўтариш ҳамда қилинган ишлар бўйича муайян бир холосага келишимиз лозим.

Яъни, миллий мафкура, миллий роя деганда бизнинг қандай мақсадлар, қандай амалий йўналишиларни кўзда тутишимиз ҳақида одамлар аниқ тасаввурга эга бўлсин. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси уни ўзининг гояси деб билсин.

Маълумки, биз инсоният тарихида ўхшashi, андозаси бўлмаган мураккаб бир даврни бошимиздан кечирияпмиз.

Нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки онгу тафаккуримизда ҳам янгиланиш, ўзгариши жараёллари кечмоқда. Албатта, бу осонликча рўй берадигани йўқ.

Бу йўлда эскича қарашларни, одамларимизнинг онгида эски замондан сақланиб келаётган мутелик ва қуллик асоратларини, турли зиддиятлар, баъзан очиқдан-очик душманлик кайфиятларини ҳам енгиги олга бораётганимизни деч ким инкор этолмайди.

Миллий мустақиллик, озодлик йўли, эркин ҳаёт қуриш йўли аслида мана шундай машаққатли бўлади. Бунга кўхна тарихдан ҳам, яқин ўтмишдан ҳам кўп-кўп мисоллар келтириш мумкин.

Бинобарин, мана шу ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ мэрраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-куват манбай, илмий асос — бу миллий гоя, миллий мағкурадир.

Биз истиқлолга эришган дастлабки кунларимиздан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор бериб келяпмиз. Миллий мағкуранинг ҳаётимиздаги ўрнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, мағкуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқиш, шу асосда жамиятимизда ижтимоий фикрни шакллантириш мақсадларида амалга оширилган ишлардан хабардорсиз, албатта.

Бу ҳақда мустақиллигимизнинг дастлабки йилиларидан бошлаб мен билдирган фикр-мулоҳазалар, қарашлар бугун сизларга тарқатилган “Миллий мағкура ҳақида” деб номланган рисолада жамланган. Ўйлайманки, бу тўпламда баён этилган фикрлар сизларнинг миллий гоя, миллий мағкура соҳасидаги изланишларингиз, илмий тадқиқотларингиз учун бир турткни вазифасини ўтайди. Уларнинг қайси бир жиҳатлари сизларда фикр ўйғотиши, баҳс-мунозарага чорлаши ҳам мумкин. Мен буни табиий ҳол деб биламан. Чунки фикр бор жойда баҳс бўлади, баҳс бор жойда ҳақиқат юзага чиқади.

Бу мавзуга бағишлаб олиб борилаётган тадқиқот ишлари, изланишлар, нашр этилаётган китоблар, олимлар,

ёзувчилар, маданият намояндаларининг матбуот, радио-телевидение орқали чиқишилари, ўтказилаётган тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам масаланинг нақадар кенг қамровили эканини тасдиқлади.

Албатта, бу борадаги ишларимиз, қараашларимиз барчаси бир хил савияда бўлмаса-да, уларнинг орасида жиддий ёндашувга асосланган, кишида фикр ўйғотадиган изланишлар ҳам борлиги диққатга сазовор.

Мана шу чиқишиларда билдирилаётган фикр ва қараашлар баъзан бир-бирига ўйғун келмаслиги, айрим ҳолларда бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам табиийдир. Лекин шу ҳолат замирауда ҳам, бу борада олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунида ҳам бугун ҳалқимиз учун бу масаланинг нечоэли долзарб эканини, унинг моҳиятини англашга катта қизиқиш ва интилиш мавжудлигини кўриш мумкин.

Шу билан бирга, жамоатчилигимизнинг маълум бир қисми ҳали-ҳануз бу жараёндан узоқ турганини ҳам иnobатта олишимиз ва бундай ҳолатдан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур, деб ўйлайман.

Сода қилиб айтганда, буни яширишининг ҳожати йўқ, миллий ғоя, миллий мафкура ўзи нима дегани, унинг маъно-мазмуни, биз учун аҳамияти нимада, деб юрганлар ҳам оз эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган муҳим масалага яна бир боройдинлик киригтиб олишимиз даркор.

Бу фикрларни қисқача куйидаги шаклда ифода қилиш мумкин:

**Биринчидан**, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва курмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суюнини ва таяниши зарур.

Табиийки, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоги лозим. Яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи файри-табиий ҳол. Буни яхши англаб олишимиз лозим. Яъни,

олдин гоя пайдо бўлади, ундан кейин гоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади.

Агар биз ҳозирги ҳаётимизга, сиёсатимизга танқидий кўз билан қарайдиган бўлсан, шунга ўхшаш ҳолатни пайкашимиз мумкин. Бундан шундай хулоса чиқадики, биз авваламбор қандай жамият курмоқчимиз, ўз келажагимизни қандай тасаввур этамиз, деган саволларга ўз жавобларимизни яна бир бор аниқлаштириб олишимиз, шундан кейин одамларимизни ана шундай олижаноб мақсадлар атрофида бирлаштиришимиз зарур. Ўз миллий гоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб кўйиши муқаррарлигини унутмаслигимиз лозим.

Бу масаланинг яна бир жиҳати шундаки, онги, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Миллат ўзлигини тўла англаган тақдирдагина буюк ўзгаришлар қилишга қодир бўлади.

Иккичидан, бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида – яъни мустабид, тоталитар бир тузумдан эркин ва озод тузумга ўтиш шароитида яшамоқдамиз.

Бу ўтиш даври ўзига хос, жуда катта гов ва тўсиқларга дуч келиши, қаттиқ курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Ҳалқимиз ва жамиятимизни мана шу даврда янги уфқлар сари бошлиш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса аввало чукур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин.

Учинчидан, ўтра ва катта ёшли авлод эски тузум давларини бошидан кечирган ва охирги ўн йил давомида қандай оғир йўлларни босиб ўтганимизни яхши билади. Кўпчиликимиз кечаги ҳаётимиз, кечаги тарихимизга жонли гувоҳмиз. Гувоҳгина эмас, ўша жараёнларнинг бевосита иштирокчиларимиз. Лекин энди вояга етадиган ёшларимиз қандай гоя асосида, қандай гоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

Тўргтичидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос

келадиган сиёсатни изчил олиб боринда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай гоявий бўшлиқда йўл қўймаслигимиз даркор.

Нега деганда, бугун дунёда бораётган курашлар ичida энг катта, энг таъсиридан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Ва шу курашда енгиш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда.

Илгари ҳам кўп бора айтганман, яна бир марта таъкидламишчиман: мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаш, даҳлисизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга армиямизнинг салоҳидати, давлатимизнинг куч-кудрати етарли. Лекин мени ҳали суюги қотмагав, онги эндиғина шаклланиб келаётган Фарзандларимизнинг ёт гоялар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кўпроқ ҳавотирга солади. Ёшларимизнинг бальзан соҳга гоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун энг катта ҳазф, десам муболага бўлмайди.

Шунинг учун ҳам уларни асраримиз, бугунимиз учун, келажагимиз учун сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий гоя, миллий мафкура ҳақида жиддий бош қотиришнимиз керак.

Бешинчидан, миллий гоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, ҳалқимизнинг ўзлигиви аংглашинга, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авюодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

Олтинчидан, миллий гоя олдига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало унинг икки суюнган тори — таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Биринчи наебатда, миллий мафкурамиз ҳалқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, ҳалқимизнинг дунёкараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тиббилиги, Ватан равнади, ҳалқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоги даркор.

Еттиңчидан, миллий мағкура ҳеч қандай шақлда давлат мағкураси мақомынга күтәрилмаслығы, айланмаслығы керак. Яна бир бор таъқидламоқчиман, бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. У жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларни бир-бири билан мунозара қилишига, курашишига, баҳслашувига, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки тазийқ кўрсатмаслигি лозим.

Ўйлайманки, миллий ғоя, миллий мағкура борасидағи ишларимизни ана шу йўналишлар асосида ташкил этсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ерда эски тузум шароитида ғояга, мағкурага қанчалик жиддий эътибор берилганини эслаш ўринли деб биламан. Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Нима учун эски тузум мағкурага тиши-тирноғи билан ёпишиб олган эди? Бунинг сабаби шундаки, ҳар қандай ғоя, ҳатто у қанчалик сохта, қанчалик ясама бўлмасин, агар одамлар онгига узлуксиз сингдираверилса, унинг катта кучга айланишини улар яхши билар эди. Шунинг учун ҳам мустабид тузум ўзининг бор мағкуравий кучини, бутун оммавий ахборот воситаларини, бир ишора қиласа, “лаббай!” деб бел боғлаб турувчи дастёrlарини ишга солиб, одамлар онгини ёлғон ғоялар билан тинимсиз заҳарлар эди.

Ўтган давр биз учун тарих, бинобарин, ана шу тарихдан тўғри сабоқ чиқаришимиз, айни вақтда ривожланган, тараққий топған давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда ўз келажагимизни яратишимиш керак. Узоқ ва яқин таридан яхши маълумки, бирон мамлакатда, бирон давлатда яккаю ягона ғоя ёки мағкура ҳукмронлик қиласа экан, бу жамият, бу давлат, албатта, инқирозга юз тутади. Бу ҳақиқатни ҳам унутмаслик лозим.

Эски замон, эски тузум асоратлари нима эканини ўша замонда яшаганлар, уни ич-ичидан билганлар, керак бўлса, жабрини торғанлар яхши англайди.

Бугун биз эски тузумнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан номаъқул, зарарли оқибатлари-

ни — нима учун эски тузум миллий манбаатларимизга мутлақо зид эканини тушунтириб бера олсак, одамлар тўғри йўлни топиб олади.

Одам эркин фикрлагандан, эркин ҳаёт кечиргандагина ўзининг бор салоҳиятини тўла-тўқис рўёбга чиқаради, ўз интилишларига мос йўлни танлаб олади. Фикри эркин одам, у қайси соҳада ишлашидан қатъи назар, ўз ҳаётини ўзи ташкил қилиши, ўз ҳаётини ўзи ҳимоя қилиш имконига эга бўлади.

Ёдингизда бўлса, мен ўз чиқицларимдан бирида “Озод бўлсанг — озод бўл! Эркин бўлсанг — эркин бўл! Мустақил бўлсанг — мустақил бўл!”, дега юрагим ёниб гапирган эдим. Ахир, ўзингиз айтинг, эски асоратлардан ҳалос бўлмай янги ҳаёт қуриш мумкинми? Одамларимиз онги, тафаккурини ўзгартирмасдан, ўз фикрига, мустақил дунёқарашига эга ёш авлодни тарбияламасдан туриб озод ва обод жамият барпо этишдек олижаноб мақсадларимизга эришиш мумкинми?

Барчамиз учун бир ҳақиқат аён бўлиши шарт. Демоқчиманки, тарихан янги шароитда, бир вақтлар онгимизни заҳарлаган сохта ҳукмрон фоя таъсирида юришдан, эскича қарашлар асоратидан, онтдаги қуллик, мутелик, фикрсизликдан қанчалик тез ҳалос бўлсак, воз кечсак, шунчалик тез жаҳондаги тараққий топган давлатлар қаторида ўз эзгу мақсадларимизга эриша оламиз.

Бундан икки йил муқаддам “Фояга қарши фақат фоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин”, деган широрни бежиз ўртага ташлаганимиз йўқ.

Хўш, шундай экан, ёт фояга қарши биз ўз олижаноб ғоямиздан қандай фойдаланяпмиз? Хусусан, мактабларда, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида, олий ўкув юртларида, жамиятимизнинг барча қатламларида бизга мутлақо бегона бўлган заҳарли интилишларга, хуруж ва ҳаракатларга биз қандай қарши чиқмоқдамиз? Ва бунда нимани, қандай ғояларни ўзимизга курол қилиб олмоқдамиз?

Олдимиизда турган энг муҳим масалалардан бири — бу одамлар ўз фикрини айтишга, эркин фикрлашига ўргани-

ши зарур. Яъни, фикрга қарши фикр бўлиши керак. Мени кўпроқ безовта қилаётган нарса ҳам шу. Бу борада қайси мактабда, қайси олий ўқув юргида қандай тажрибалар бор? Ёшларимизни эркин фикрлашга, баҳсолашибга ўргатяпмизми?

Учинчи масала — жаҳолатта қарши маърифат. Бу ўринда асримиз бошида халқни маърифат ва миллий уйғонишга чорлаган жадидчиллик ҳаракати намояндалари ҳаётини, ижодини, интилишларини ўрганиш, уларнинг бугунги кундаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам гапиришимиз зарур, деб ўйлайман. Уларнинг мероси бугун қайси дарсликка, қай даражада киритилган, қандай ўқитилмоқда? Ўмуман айтганда, маърифий озуқа қандай бўлиши керак? Болаларимиз ўқиёттан китобларда маърифат зиёси борми, биз истаёттан миллий фуур, миллий мафкура, миллий ғоя уларда етарли даражада акс этганми?

Хозирги вақтда Ўзбекистонда 550 минг ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда, яъни зиё тарқатмоқда. Беш миллиондан ортиқ фарзандларимиз мактабларда, турли билим юртларида таълим олмоқда. Уларнинг тарбияси ҳақида ўлашшимиз, ёшларимизнинг бахти келажаги учун қайгуришимиз, ёш наслимишни миллий ғоя ва миллий мафкура билан куроллантиришимиз керакми-йўқми? Мени қийнайдиган нарса шуки, мустакилликка эришганимиздан буён, мана, тўққиз йил ўтгани, лекин, афсуски, ташвиқот-тарғибот ишларида бизга асос, “курол” бўла оладиган манба ҳали яратилтани йўқ.

Азиз биродарлар, билиб кўйинглар, маънавий, руҳий дунёда ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди. Жамият ҳаётида соғлом ғоя устувор бўлмас экан, албатта ёт, заарли таъсирлар суқилиб киришга ҳаракат қиласди. Бу – қонуният.

Айниқса, бу ҳавф биз учун ниҳоятда кучли. Чунки халқимизнинг табиатида соддалик, ишонувчанлик хусусиятлари устун. Агар мендан, дунёдаги энг содда, энг оцқўнигил миллият ким, деб сўраса, ўзбек миллати, ўзбек халқи деб айтсан бўлар эдим.

Шу маънода айтмоқчиманки, четдан таъсир кўрсатаётган мафкуравий тазииклар аслида бизнинг миллатимиз,

дину эътиқодимиз учун тамомила зид, аммо улар турли йўллар билан юртимизга кириб келяпти. Чунки уларнинг орқасида катта куч, катта маблаг туребди. Бу кучларнинг мақсади — тинчлигимизни бузиш, танлаган йўлимиздан қайтариш, ўз таъсирини ўтказиш, Ўзбекистонга ҳукмронлик қилиш.

Миллий давлатчилигимизга, маънавий ҳётимизга, тинч-осойишта турмушимизга бўлаёттан турли таҳдидлар, ҳар хил йўллар билан бизга тазиқ ўтказишга уринаёттан ёвуз “таълимот”ларга қарши қандай усул билан курашиб мумкин? Фақат гоя воситасида, фақат маърифат билан. Шу маънода бутун ҳалқимиз, жамоатчилигимизни маърифат, маънавият билан, миллий гоя билан куроллантиришимиз лозим.

Шу ўринда яна бир мисолга мурожаат қиласли: муқаддас ислом динимизни бу қадар юксак даражага кўтаргани, равожлантирган, ҳалиқчил тарзда дувёға ёйти, бу йўлда ўзларидан ўлмас илмий-фалсафий мерос қолдирган базанинг ота-боболаримиз эмасми? Бухорийлар, термизийлар, фаробийлар, нақшбандлар эмасми? Энди бугун кимдир, қаёқдандир келиб бизга ислом таълимотини ўргатадими?

Мана, бу йил ҳам, иншоolloҳ, бутун ҳалқимиз билан биргаликда ана шундай улуғ алломаларимиздан Имом Абу Мансур Мотурудий, Бурхониддин Марғинонийнинг таваллуд тўйларини кенг нишонлаїмиз. Айтмоқчиманки, биз ўз ҳётимизни аждодларимиз дини бўлган муқаддас ислом динисиз тасаввур этолмаймиз.

Мен яқинда бир маңбада ўқидим: ўша ўрта асрларда ҳам дин аҳкомларини ўз ғаразли манфаатлари йўлида но-тўғри талқин қилган турли оқимлар бўлган экан. Мотурудий ва Марғиноний каби диний ва дунёвий илмлардан чукур боҳабар бўлган алломаларимиз сиёсий мақсад йўлида дин мөдиятини бузиб кўрсатган бундай оқимларга қарши ўз сўзини, ўз муносабатини билдирган, уларнинг қиёфаларини очиб ташлаган. Шу мавзуда китоблар ёзиб қолдиршган.

Афсуски, кўхна Шарқда довруқ таратган бу улуғ инсонларнинг шарафли ҳётси, ибратли таълимоти ҳакида тўла-

маълумот берадиган эътиборга молик бирон китоб ўзимида ҳали яратилганича йўқ, уларнинг қимматли асарлари ҳам нашр этилмаган. Ваҳоланки, ҳалқимизда шундай китобларга катта эҳтиёж бор. Бу зотлар қандай улуғ мутафаккир бўлганини, қандай эзгу ишлар қилганини ҳалимиз, айниқса, ёшлиларимиз атрофлича билишлари лозим.

Шу соҳа мутахассисларини сафарбар этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ана шу ноёб илмий меросимизни чукур ўрганиш, нашр этиб, ҳалққа етказишни жадаллашириш зарур.

**Миллий мағкуранинг яна бир муҳим шарти** -- бу ўзликни англашдир. Ўзликни англаш деганда, мен тарихий хотирияни тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, қимларниң вориси эканимизни англаб етишини, шундай келиб чиқиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос жамият барпо этишини тушунамай. Маънавият, мағкура борасида четдан кўр-кўронада нусха кўчириб, бирон натижага эришиб бўлмайди. Чунки бизнинг дунёқарашимиз, ҳалқимизнинг тафаккури, турмуш тарзи ниҳоятда ўзига хослиги билан ахралиб туради.

Қолаверса, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, уни шакллантириш жараёни ҳар бир мамлакатда ўзига хос тарзда кечади. Шу маънода биз ўзимизга хос ва ўзимизга мос давлат, жамият қурамиз, деб бежиз айтиётганимиз йўқ. Биз шарқона тарбия кўрганмиз, ўз одатларимиз, анъана-ларимиз, ўз бетакрор инсоний табиатимиз мавжуд.

Айтинг-чи, биздагидай ранг-баранг, инсонпарвар қадриятлар яна қаерда бор? Аниша, муруват, меҳр-оқибат, орнат, ибо ва ҳаё, мулозамат, деган сўзларни бошқа бир тилга таржима қилиш мумкинми? Ҳалқимизнинг инсонийлик фазилатларини ўзида намоён этадиган бундай атамаларни бир-бир санаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Шундай экан, барпо этётган давлатимиз, кела-жагимиз илдизи теран тарихимизга, бетакрор маданияти-мизга, ноёб қадриятларимизга, юксак мақсадларимизга монанд бўлиши лозим.

**Мұхтарам мажлис қатнашчилари!**

Кўриб турганимиздек, миллий ғоя, миллий мағкура масаласи ғоят мураккаб, серқирра муаммо. Яна бир бор

қайтариб айтаман, фикрлар хилма-хиллиги, айни бир масалага турлича қараашлар, ранг-баранг ёндашувлар жамият учун сув билан ҳаводек зарур. Бунинг учун барча шартшароитларни яратиб бераверамиз.

Лекин, шу билан бирга, **миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, ҳалқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барно этишдек эзгу мақсадга эришини ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносаб обрў-эътибор топишимиизда бирлаштирувчи куч — қанот бўлини шарт**.

Бир томондан, миллий ғоя ягона ҳукмрон давлат мафкураси даражасига кўтарилимаслиги, иккинчи томондан, миллий ғоя, миллий мафкура турлича қараашдаги барча одамларни, партиялар ва жамоат ташкилотларини юрттинчлиги, Ватан равнаси ва ҳалқ фароволлиги йўлида бирлаштирувчи байроқ бўлиши, миллат, жамият ва давлатнинг муштарак манфаатларини ўзида мужассам этиши лозим. Бир қараашда, бир-бирига тўғри келмайдиган, лекин фалсафий-ҳаётий нуқтаи назардан қарама-қарши томонларни бирлаштирувчи куч, ғоя борлигини ўзимиз учун аниқ тасаввур этиб олишимиз зарур.

Бугунги мажлисимизда илму фан вакиллари — файласуф ва тарихчилар, сиёсатшунос ва социологлар, педагог ва психологлар, элимизнинг ҳурматли адиллари, журналистлар, умуман, маърифат масалалари билан шугулланниб келаётган зиёлилар миллий мафкура муаммолари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўйлайманки, бугун мұхокама қилинаётган масаланинг мәйни-мазмунини чукур идрок этиб, якуний бир ҳужжат, яъни **Миллий истиқлол мафкураси концепциясини тайёрлаш билан шугулланадиган махсус ишчи гурӯҳи тузишимиз лозим**.

Бу гурӯҳ миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида ҳозиргача эълон қилинган тадқиқотлар, китоблар, матбуотдаги чиқишлиарни, бугунги йиғилишимиизда баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириши, яхлит бир илмий концепция ҳолига келтириши зарур.

Такрор айтаман, бу жуда катта меҳнат, билим, чукур мушоҳада талаб этадиган иш. Албатта, иқтисодиётнинг

ҳам, бошқа соҳаларнинг ҳам жамиятимизда ўз ўрни бор. Лекин миллий гоя, миллий мафкура масаласи биз учун, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласидир.

Миллий гоя бўлса, мақсад ойдинлашади. Эзгу мақсад эса ҳар бир кишини сафарбарликка даъват этади, жамиятни янада бирлаштиради. Ўз миллий гояси, миллий мафкурасига эга бўлган давлат мустаҳкам, қудратли ва обод бўлади. Шунинг учун бу борада иккиланиш, сусткашлик, ўзибўларчилик, лоқайдликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ишончим комилки, жамиятимизда фидойи, билимдон, ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга бўлган зиёли одамларимиз кўп. Оддимизда турган энг муҳим вазифа — уларнинг изланиш ва интилишларини Ватан манфаатларига дахидор эзгу мақсад сари йўналитириш, шу негизда миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларини яратиш ва халқимиз онгига сингдиришдан иборат.

\* \* \*

Миллий истиқбол мафкураси концепцияси устида ишлаш ва уни тайёрлашда куйидаги амалий масалаларга алоҳида эътибор бериш зарур:

1. Бу ишни амалга ошириш учун авваламбор аниқ режа, аниқ мақсадни белгилаб олиш лозим. Миллий мафкурани оддий инсон онгига етказиши мақсадида уни оддийликдан мураккаблийка қараб борадиган меъёрда ёритиш, босқичма-босқич асосда ифодалаш даркор.

2. Одамларнинг бугунги қарашларини инобатта олган ҳолда уларнинг бу масалани англаш, моҳиятини идрок эта олиш даражаси ва савиясини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз керак;

3. Бу муҳим ишни бошлишдан аввал жамиятнинг мафкура тушунчасига муносабатини аниқлаб олиш, барча тоифаларнинг қарашларини қамраб олиш, уларни кўз ўнгимиздан ўтказишмиз зарур;

4. Концепциянинг сифати ва қелгусидаги самараси – таъсири, аввало, унинг устида ишлайдиган гуруҳ аъзоларининг тайёргарлик даражасига, уларнинг бу масаланинг

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

тарихи, ақамияти, жамиятимиз учун зарурлигини қай даражада тушунишига боғлиқлигини олдиндан тасаввур қилишимиз керак.

Мана шу жиҳатларни эътиборга олмасдан, айниқса, бу ишга жалб этилган одамларнинг билим даражасини ўзимизга яққол тасаввур қилмасдан туриб, уни бошли мақсадга мувофиқ эмас. Чунки миллий гоя, миллий мағкура борасида пухта ўйламай босилган қадам мутлақо тескари натижа бериши мумкин.

Барчангизга ана шу концепцияни яратишдек эзгу мақсад йўлида куч-ғайрат, ишларингизда омад тилайман.

*Миллий истиқлол мағкураси концепциясининг  
асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва исходий  
жамоатчилик вакиллари билан учрашува сўзланган  
нутк, 2000 йил 6 апрель*

---

## ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ – МАНГУ БАРҲАЁТ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Хурматли оқсоқоллар!

Авваламбор, мана шу гўзал майдонда тўпланиб турган,  
узоқ-яқиндан келган, бутунги эзгу ишга дахлдор бўлган  
сиз, азизларга, сизлар орқали бутун ҳалқимизга чин қал-  
бимдан ўзимнинг хурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Хурматли жамоат!

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишиланган,  
юят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини  
айнан шу жойда — кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ  
бўлган қадимий Бўёсув соҳилида барпо этганимиз бежиз  
эмас, албатта.

Одамларнинг юрагида мудҳиш из қолдирган қатагон  
йилларида бу кўримсиз жарлик — Алвасти кўприк деб  
совуқ ном олган, инсон қалбига кўркув соладиган бу қаров-  
сиз жойда ҳалқимизнинг минглаб асл фарзандлари отил-  
ган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташлан-  
ган.

Миллатимиз фахру ифтихори бўлган Абдулла Қоди-  
рий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари юз-  
лаб улуг зотларнинг ҳам шу ерда каттэ этилганини яқин-  
гача кўпчилик билмас эди.

Зулм ва зўравонликлика қурилган мустабид, бешафқат  
тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран  
англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, ҳалқни уйротиши-  
га, ҳалқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маъ-  
навият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат  
соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарлик-

ларда ном-нишонсиз қолиб кетган. Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақе узоқ бўлган, минг-минглаб оддий дедқонлар, хунарманд-косиблар, ишчи-хизматчиларнинг бегуноҳ курбон бўлиб кеттани тасаввурга ҳам сифмайдиган аянчли бир ҳолдир. Ана шу азиз аждодларимизнинг арвоҳлари шунча йиллар давомида ҳаловат ва ором топмасдан, мана шундай кунларни кутар эди.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду фами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриётлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

Азиз юртдошлар!

Жафокаш ҳалқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб курбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан деч қачон ўчмайди.

Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатагонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қылган деярли барча миллат ва златларнинг вакиллари бор эди.

Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инобатга олсақ, ҳалқимиз бошига тушган бу фожианинг миқёси янада яққол намоён бўлади.

Барчамизниң тақдиримизга даҳлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, ҳалқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпик садифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунти ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз.

Аслида, биз қўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлигимизни англаб, ўз тақдиримизни ўз кўлимизга олиб, миллатимизнинг қадр-қимматини, унинг шаъни ва ғурурини тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш, демакдир.

Бугун ана шу олижаноб мақсад йўлида яна бир қутлуг қадам кўйилди.

Биз бугун шу табаррук зиёраттоҳда туриб, озод ва эркин Ватан учун жон берган шаҳидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз.

Бу зиёраттоҳни биз қатағон қурбони бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Убайдулла Ҳўжаев, Саид Аҳрорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошлиаримизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас.

Қатағон йилларида қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида ўз инсоний бурчимишни бажо келтириб, шу муборак жума тонгига қилган барча дуои фотиҳаларимиз, илоё, ижобат бўлсин.

Бугунги маросимда узоқ-яқиндан келган ҳамюртларимиз ва меҳмонларимиз орасида Ватанимиз озодлиги, бегубор ҳаётимиз, авлодлар баҳт-саодати йўлида қурбон бўлган инсонларнинг қариндош-уруслари, ёру биродарлари иштирок этаёттани тарихимиизда адолатнинг яна бир саҳифаси тиклангаётганидан далолатдир.

Биз буни ўша қатағон йилларида эзилган, қадр топмаган қанча-қанча одамлар орзиқиб кутган қутлув кунларнинг тантанаси, деб қабул қилмоғимиз даркор.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Шу қурилиш давомида ўтганлар руҳини ёд этиб, минглаб юртдошлиаримиз, муҳтарам нуронийларимиз, зиёлиларимиз, адабиёт ва санъат аҳли, турли касб әгалари ҳашар-

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

лар уюштириб, беғараз мөхнат қылгани — алоҳида эътибор ва таҳсинга сазовор.

Мана шундай бебаҳо ва буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, барча хайрли ишларга доимо тайёр, қалбидан меҳр-оқибат туйғуси ҳеч қачон сўнмайдиган, озодлик йўлида жон берган фарзандларининг табаррук номларини ўз хотирасида ҳамиша сақлаб келадиган, бағрикенг, виждони уйғоқ ҳалқумиз асло кам бўлмайди, иншоолло.

**Мұхтарам юртдошлар!**

Бугунги унтутилмас, савобли ва тарихий бир воқеанинг асосий иштирокчилари бўлмиш мана шу ёдгорлик мажмuinи бунёд эттан моҳир курувчилар ва қўли гул усталарга, меъмор-муҳандисларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Гўзал боғ-роёлар яратиб, бу жойни обод қилишда қатнашган қадимий Юнусобод аҳлига, барча ҳамشاҳарларимизга таъзим қиласман.

Шу улуг ва беғараз ишларга ҳисса қўшиган қўлларингиз дард кўрмасин, бошингиз омон бўлсин!

**Азиз ватандошларим, мұхтарам юртдошларим!**

Шу лаҳзаларда ҳаммамизнинг кўнглимиздан кечаётган бир туйғуни ифода қилиб айтмоқчиман: шаҳидларнинг руҳи шод, охиратлари обод бўлсин.

Юртимиз тингч, осмонимиз мусаффо, озодлик ва истиқлонимиз абадий бўлсин!

*"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмuinинг  
очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутк,  
2000 йил 12 май*

---

## ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ – ҲАЁТ ТАЛАБИ

Ассалому алайкум, хурматли депутатлар!

Бугунги сессияда ҳалқимиз, жамиятимиз ва давлатимизнинг эртанги ҳаётида ҳуқуқий асос бўладиган ҳужжат – яъни Олий Мажлис томонидан 2000-2002 йилларда қабул қилинадиган қонунлар мажмуаси ҳақидаги лойиҳа муҳокама этилмоқда. Шундай экан, авваламбор, депутатлар, сайловолди курашларида қатнашган сиёсий-ижтимоий кучларнинг раҳбарлари муҳокамада фаол иштирок этиши, ўшанда сайловчиларга берган вазъдаларини яна бир бор эслаб, шулардан келиб чиқиб, ушбу дастурни такомиллаштириш ва бойитишга ҳисса қўшиши лозим.

Шуни яхши билишимиз керакки, ҳалқимиз бу юксак минбардан айтилаётган ҳар бир фикрни алоҳида дикъат билан кузатади. Муҳокамада иштирок этган депутатларнинг фикри, киригтан тақлифлари шу тариқа кенг жамоатчиликка етиб боради.

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, дастурда кўзда тутилган муҳим масалалар, келгуси икки ярим йиллик муддатдаги фаолиятимиз асослари, ўз олдимизга қўйган мақсадлар жамиятнинг орзу-интилишини, ҳалқимиз муддаосини ўзида тўлиқ ифода этганми-йўқми? Турли ижтимоий қатламлар, сиёсий кучлар ўз манфаатларини унда мужассам этганми? Ҳалқ вакили сифатида парламентда ўтирган ҳар бир депутатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳадаги фикр-ўйлари шу дастурда намоён бўлганми? Улар шу асосда фаолият кўрсатса, ҳалқнинг, сайловчиларнинг ишончини оқлай оладими?

Дастурдаги устувор масалалар — қабул қилиниши ревалаштирилган қонун ва хужжатларда ҳар бир сайловчинг аниқ бир қишлоқ ёки туман миқёсидағи эзгу ниятлари акс этадими? У бошдан кечираёттан муаммолар дастурда қамраб олинганми? Менимча, масалага шу нұқтаи назардан қараш керак. Агар кимда-ким ўз зиммасига юкланған вазифалар ечимини ушбу хужжатдан топа олмаса, албатта, ўз таклифини киритиши лозим.

Аслида, депутат дегани халқимизнинг вакили ва ҳимоячиси деганидир. Лекин ҳар бир партия бу борадаги ўз мақсад-муддаосини амалга оширишда, табиийки, ўзига косылғанда тутади. Үмумий мақсад эса битта: авваламбор, мана шу юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, бу йўлда курашиш, керак бўлса, жонни фидо қилиш. Нега деганда, тинчлик — дунёдаги энг бебаҳо неъмат. Тинчлик ва осойишталик, ақл-идрок устувор бўлмаса, ҳаётда ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Модомики, биз Ватанимиз равнақ топиб, тараққий этган мамлакатлар қаторига киришини, фарзандларимиз баркамол бўлиб улгайшпини истар эканмиз, бу мақсад олдимизга кўп-кўп вазифаларни кўяди. Токи, биз кураётган жамиятда одамлар, энг ривожланган мамлакатлардаги каби, эркин ва фаровон яшасин. Бунинг учун эса эркин, фаровон ҳаётни бунёд этиш керак. Мана шу эзгу интилиш йўлидаги сафарбарлик ҳаммамизни бирлаштиради, миллий мафкурамизнинг асоси ҳам ана шу мақсадга эришишга қаратилган.

Биз бугун фикрлар хилма-хиллиги мавжуд бўлган демократик жамият куряпмиз. Шундан келиб чиқсак, ушбу дастур ҳам турли қатламлар, ижтимоий кучларнинг интилишларини ўзида мужассам этадиган сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг қарашларини ифода қилиши зарур.

Масалан, **Миллий тикланиш партиясини олайлик**. Бу партияниң, менинг назаримда, бошқалардан фарқли ўлароқ, халқимизда миллий ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини юксалтириш ҳақида кўпроқ қайтуриши табиийдир.

“Биз киммиз? Кимнинг авлодимиз? Миллатимиз нима ҳисобидан улуг бўлган, дунёга танилган? Бугун дунёга чиқишинг қандай имкониятлари бор? Келажаги буюк давлат куришини ният қилган эканмиз, бунинг учун қандай ҳаётий асослар мавжуд?” деган саволларга жавоб топиш — Миллий тикланиш партиясининг асосий фаолият йўналишига айланиши керак. Миллий тикланиш дегани, бу — миллатни, унинг қаддини, қадрини, хурматини, қадриятларини тиклаш, демакдир.

Буни тор маънода эмас, балки миллатнинг иуфузини тиклаш, деб тушунмоқ керак.

Бу — ҳалқимизнинг бугун ўеиб-етилиб келаётган онгини, гурурини уйғотиш, қадр-қимматини жой-жойига кўйиш, демакдир. Шу маънода, бу партия, аввало, ўзининг чинакам тарафдорларини топиши керак. Унинг изидан юрадиганлар, биринчи навбатда, зиёлилар, миллат учун жон куйдирадиган фидойилар бўлмоги керак.

Биз яқинда бунёд этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида биринчي навбатда кимларни эсладик? Аввалимбор, шу юрт, шу миллат учун курашган ва шу йўлда жон фидо этган зиёлиларни ёд этдик. Ҳалқимизнинг, миллатимизнинг мана шундай фидойилари хотирасини, номини абадийлаштириш, биринчи галда, Миллий тикланиш партиясининг вазифаси эмасми?

Демоқчиманки, ҳар бир партия, сиёсий ҳаракат, ҳар бир инсон ўз вазифасини аниқ-равшан билиши лозим.

Яқинда Ватан тараққиёти партияси билан Фидокорлар партияси, мақсад-муддаоси, маслагидан келиб чиқиб бирлашди. Улар бугун янги низомини тасдиқлаш арафасида турибди. Ҳуш, бу низомда, ўз дастурида улар нималарни ифода қилмоқчи?

Ёки Ҳалқ демократик партиясини олайлик. Унинг дастурида ҳалқимиз манфаатларини ҳимоя қилувчи ғоялар қай даражада ўз ифодасини топган? Бу интилишлар бошқаларнидан нимаси билан фарқ қиласди? Ўз навбатида

бу партияниң устувор ғоялари бугунги мұҳокама қилинёттән дастурда қай даражада акс эттан?

Бу гаптарни айтаёттанимга сабаб шуки, агар деңқондан, мана шу партияларниң бир-биридан фарқи нимада, деб сүралса, ишончим комилки, аниқ жавоб берә олмайди. Иккаласи ҳам демократик, бири — миллий, бири — халқ партияси дейди-ю, аммо фарқи нимада эканини билолмай боши қотади.

Мен истардимки, бугунги мұҳокамада ҳар бир партия ўз фикрлари, ғоялари орқали бир-бири билан баҳсга киришсін, умуммиллий дастурдан ўз мақсадлари күпроқ жой олиши учун курашсін. Чунки партиялар факат мана шу йүл билан халқ ишончини қозонади, жамиятта хизмат қиласы. Демоқчиманки, мана шу дастур тайёрландими, уни кенг ва атрофлича мұҳокама қилиш лозим.

Умуман, биз қабул қилаёттән қонун лойихаларини, уларниң мазмун-моҳиятини, нима мақсадға хизмат қилишини ва қандай мұҳокама этилаёттанини кенг жамоатчilik билиб борса, ёмон бўлмас эди. Керак бўлса, бунинг учун Олий Кенгашниң маҳсус нашрини ташкил этиш зарур. Нега деганда, “Халқ сўзи” газетасининг ҳамма қонун лойихаларини ёритишга имконияти қамлик қиласы. Колаверса, газетанинг ўз вазифаси етарли. Шунинг учун “Халқ сўзи” газетаси қошида Олий Мажлис қабул қилган қонуналар чоп этиладиган маҳсус бюллетень ташкил этиш мақсадға мувофиқ, деб ўйлайман. Кимда-ким қонунчилик билан шугууланса, маржамат, мана шу нашрдан ўзини қизиқтирган саволларга жавоб изласин. Шахсан мен уни кўпроқ одамларимиз ўқиб, қонунларимиз, қонунчиликимиз ҳақида тасаввурлари кенгайишини истар эдим.

Азиз дўстлар!

Шу ўринда сизларниң эътиборингизни бир мұхим масалага қаратмоқчиман.

Бизнинг жамиятимиз тез суръатлар билан ўзгаряпти. Одамлар маънавий улгайиш йўлида илдам қадам ташлаяпти. Бу — узоқни кўзлаган сиёсатимиз, эзгу мақсад йўлидаги интилишларимиз натижасидир.

Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалти сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир.

Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман.

Яъни, биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим. Бунда куйи палата — Олий Мажлис партиялар вакиллари ва мустақил депутатлардан сайланади. Сиёсий партиялар ва аҳоли йигилишлари унга ўз вакилларини ўтказади, улар парламентда доимий равишда ишлайди.

Албатта, уларнинг сони ҳозиргидек 250 нафар эмас, камроқ бўлади. Бу — кейин алоҳида ҳал бўладиган масала. Муҳими шуки, янги шаклдаги парламентда мутахассис депутатлар фаолият кўрсатади, яъни у профессионал парламент бўлади. Биз ўсиб-улгайиб, бугун шу даражага етиб келдик. Энди малакали ҳукуқшуносларимиз, иқтисодчиларимиз, сиёсатчиларимиз етарли. Қонун яратишда аввало, ҳаётни яхши биладиган, сиёсатни чукур тушунадиган ҳукуқшунослар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва мутахассис вакиллар ишлаши даркор.

Профессионал парламент турли тоифалар, сиёсий партия ва ҳаракатлар вакиллари воситасида жамиятдаги мавжуд сиёсий-ижтимоий қарапвларни ўзида акс эттиради. Вакиллар эса мана шу муҳташам бинода ишлаб, қонунлар устида бош қотиради. Мақсад шуки, улар дунё тажрибасини, қайси мамлакатда қандай қонунлар бор, уларнинг қандай афзал жиҳатлари мавжуд, бугунги замон нимани талаб қилмоқда — барчасини ўргансин, ибратли жиҳатларини ҳаётта татбиқ этсин.

Шу ўринда мен юқори палатанинг таркибий тузилиши тўғрисида ҳам ўз фикрларимни баён этмоқчиман. Юқори палата таркибини вилоят, шаҳар ва туманлардан маҳал-

лий кенгашларга сайланган депутатларнинг вакиллари ташкил этади.

Мисол учун, Қашқадарё вилоят кенгашига сайланган депутатлар, шаҳар ва туманларда сайланган ноиблар ҳисобидан вилоят миқёсидаги йиғилишда ана шу кенгашларнинг олти-етти нафар энг ишончли вакили мамлакат парламентининг юқори палатасига сайланади. Улар юқори палатада шу вилоятнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Албатта, юқори палатага сайланган вакиллар ўз вилоятларидағи ҳақиқий аҳволни яхши билиши, ўнинг имкониятлари, муаммолари ҳақида етарлича тасаввурга эга, бир сўз билан айтганда, ҳаёттинг атчиқ-чучугини татиб кўрган, ҳар томонлама тобланган кишилар бўлиши керак. Менинг яна бир таклифим бор: юқори палатага ҳар қайси вилоятдан сайланган депутатларнинг сони бир хил бўлиши керак. Мисол учун юқори палатага Самарқанддан етти нафар вакил сайландими, Сирдарёдан ҳам, Жиззахдан ҳам, қўйингки, барча вилоятлардан, унинг катта-кичиклиги, адолисининг сони оз-кўплигидан қатъи назар, етти нафардан вакил сайланиши керак. Бу — вилоятлар ўртасидаги тенгликни таъминлайди.

Юқори палатага сайланган вакилларнинг асосий вазифаси куйи палатада тайёрланган қонунларни кўриб чиқиш ва шунга мос равишда ўзларининг қарорини қабул қилишдан иборат бўлади.

Яна бир бор тақрорлайман: куйи палатанинг асосий вазифаси қонунлар устида ишлашдир. Юқори палата эса куйи палата тайёрлаган қонун лойиҳасини, мисол учун, Фарғона ёки Қашқадарё вилоятига нечоғлик мос келиш-келмаслигини чукур ўрганиб, шу асосда кўриб чиқиб, сўнг қабул қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқори палата мамлакатимизнинг барча ҳудудларига тенг кўз билан қараб, ана шу ҳудудларнинг вакиллари орқали халқимиз манфаатларини бир хилда ҳимоя қилиши керак.

Юқори палата фаолиятининг можиятига кўра, уни Олий Кенгаш деб атасак, тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Биз бу масалани умумхалқ мұхқамасыға құйсак, у жал-қимизга маңыл келса, сайлов тұғрисидаги янги қонунни ишлаб чықамиз. Умуман айттанда, 2004 йилда бұлиб үта-диган сайловларға пухта тайёргарлик күриш лозим. Чун-ки парламентимиз профессионал асосда тузиладиган бұлса, қонун ижодкорлығи борасидаги баъзи бир муаммолар ҳам ўз ечимини топиб кетади.

Хурматли халқ ноиблари!

Биз бугун хуқуқий давлат куряпмиз. Хуқуқий давлат-нинг пойдевори эса, мустақам бўлиши керак. Шу нуқ-тай назардан қараганда, бизнинг олдимизда турган би-риинчи масала — бугунги қонуний-хуқуқий заминимиз мус-тақамми-йўқми — аввало, шуни аниқлаб олиш лозим: қайси қонунларимиз эскириб қолди-ю, қайси қонунларни ўзгаририш зарурати туғилмоқда, қандай янги қонунлар қабул қилиш долзарб бўлиб турибди?

**Иккичи масала шуки, қандай қонунларни сира кечиктирумай, биринчи навбатда ишлаб чиқиш керак?**

**Учинчи масала.** Қонун устида ишлайдиган шахслар ўзлари чиқарған қонунга бевосита масъул бўлиши учун нима қилишимиз лозим? Мана шу уч масаладан келиб чиқиб, эртаниң күн режасини тузишнимиз керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан яна бир масала юзасидан фикрлашиб олмоқчиман.

Бу — армиямиз, куролли кучларимиз таркибиға ўзгариши киритиш билан бөлиқ масаладир. Шуни очиқ айтиш керакки, ҳозирги кунда бизнинг армиямиз күп томондан, аввало, таркибий жиҳатдан эски совет армиясини эслатади. Бугун замон, шарт-шароит ўзгарди, аммо армия, унинг олдига қўйилған вазифалар ҳам ҳамон эскича қолмоқда. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Бело-руссия ёки Украина нинг бепоён далаларида қандай усулда уруш олиб борилған бўлса, бугун ҳам аскарларимизга ана шу қоидаларни ўргатиш мутлақо нотўғри деб ҳисоблайман. Чунки бизнинг бугунги миллий армиямиз олди-даги вазифалар бутунлай бошқача.

Бугун Афғонистонда қандай усулда уруш кетяпти, бунинг хуласаларини ким аниқлаяпти? Ким бунинг устида ишляяпти? Собиқ совет армияси ўша пайтда нима учун Афғонистондан чиқиб кетишга мажбур бўлди? Нима учун юз минг кишилик армиянинг қўлидан ҳеч нарса келмади? Бугун Чеченистанда қандай уруш кетяпти? Бу урушини ҳарбий тушунчада қандай ифодалаш мумкин?

Яъни ҳаётнинг ўзи армиямиз олдига янги-янги талабларни қўймокда. Худо кўрсатмасин, бошимизга бир оғир савдо тушгудек бўлса, биз эскича усул билан ўзимизни ҳимоя қила оламиزمи? Шахсан ўзим шу масала устида икки йилдан бўён ўйлаб, шундай хуласага келдимки, армиямизнинг таркибий тузилишини ўзгартиришимиз зарур. Биринчидан, армиямиз икчамгина бўлиши даркор. Бизга кўп сонли армия керак эмас. Лекин мана шу ихчам, тез йиғиладиган, тез кўтариладиган, тез ҳаракат қиласидиган армия бизнинг шароитда, айниқса, чегараларимиз шароитида ўзининг устунлигини, куч-кудратини тўла наамоён этиши лозим. Биз энди Белоруссия ёки Украина ҳудудида жанг қилмаймиз. Биз Қобул ёки шунга ўхшаш жойлардаги урушларда қатнашмаймиз. Катта дивизия, беҳисоб танкларни майдонга ташлаб, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши вақти ўтиб кетди ва бошқа қайтмас. Мен мамлакат раҳбари сифатида таъкидлаб айтмоқчиман: бизнинг аскарларимиз ҳеч қачон чегарадан бир қадам ўтмайди, бошқа давлатлар ҳудудида уруш олиб бормайди.

Агар биз Сурхондарё, Каҳқадарё ёки Жиззах чегараларида, Андижон ё Фарғона тоғларида туриб, ўз Ватанимизни ҳимоя қилмоқчи бўлсак, ўша минтақалар шароитига мос, шундай жойларда ҳарбий ва жанговар ҳаракатларни олиб боришига қодир армияга эга бўлишимиз шарт.

Яна такрор айтаман, бизнинг аскарларимиз бирон-бир давлатнинг чегарасидан ўтмайди. Мен шахсан ўзим бунга йўл қўймайман. Бизга бирор тегмаса, тинчлик ва осо-йишталигимизга таҳдид солмаса, биз ҳам ҳеч кимга тегмаймиз. Бизни тинч қўйишса, биз ҳам ҳеч кимга халақит бермаймиз. Бизнинг мақсадимиз фақат шу.

Биз бугун армиямизнинг қиёфасини, келажагини қандай кўряпмиз? Армияни шундай қайта ташкил этишимиз керакки, авваламбор, ҳар бир оддий аскарни ҳимоялаш, унинг ҳаётини кўз қорачигидек асраш бизнинг муқаддас вазифамизга айланиши шарт.

Биз замонавий армия курмоқчи эканмиз, уни энг таъсирчан техника ва жиҳозлар, курол-яроғлар билан таъминлар эканмиз, оддий аскар ёки зобит ана шу замонавий техника, курол-яроғ, алоқа воситалари, компьютерлардан тўла фойдаланишини билиши зарур. Ўсиб келаётган ёш авлодни, фарзандларимизни шунга муносиб қилиб тарбиялашимиз керак. Яъни уларнинг тайёргарлик дараҷаси, билими, дунёкараши юксак бўлиши зарур. Шунингдек, биз фақат армияда доимий хизмат қилувчилар учун эмас, балки захирадагилар учун ҳам алоҳида қонун қабул қилишимиз керак. Захирадаги аскарларимиз етарли бўлса, кўп сонли армияга ҳожат қолмайди. Нега деганда, агар Ватанимизга четдан бирон-бир таҳдид бошланса, мана шу захирадаги аскарлар мунтазам армия сафига келиб қўшилади. Биз зарурат туғилса, зудлик билан аскарларимиз сонини уч мартагача кўпайтириш имкониятига эга бўламиз.

Биз мана шундай профессионал армия ташкил этишимиз керак. Бу – контракт асосида хизмат қиладиган армия деганидир. Яъни ҳар бир аскарга маош тўланади.

Тўланадиган маош ҳар бир кишини армия хизматига қизиқтириб, интилишини кучайтириши керак. Агар ёшларимизда армия хизматига нисбатан шундай интилиш, ҳавас уйғонмаса, бу армиянинг қадр-қиммати бўлмайди. Айтмоқчиманки, армия – ҳар бир давлат, ҳар бир миллатнинг гурури, ор-номуси ва шаън-шавкатидир. Шундай экан, бу масалани биз бугун кун тартибига қўймасак, эртага кеч бўлади.

Хозир бизнинг армиямиз Марказий Осиёда энг кучли экани ҳақида кўп гапириляпти. Шунга муносиб бўлишимиз керакми-йўқми? Умуман айтганда, бизни ким ҳимоя қилади? Фақат ва фақат ўзимиз. Шуни билиб қўйинглар,

бизни бирор четдан келиб ҳимоя қилмайди. Бирон чет давлатнинг, айтайлик, Россиянинг бирорта аскари бизнинг заминимизга келиб жанг қилмайди. Буни ҳамма биллиб қўйсин. Ўзимизга, ўз кучимизга, керак бўлса, ўз қудратимизга ишонишимиз керак. Бобомиз Амир Темур бизга қолдирган меросни халқимизга тўғри етказишими, тинчлик-осойишталикни қадрлашимиз, шу билан бирга, замонавий техника, курол-асладаларга эга бўлиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўришимиз, бу йўлда айрим қудратли давлатлар билан ҳамкорлик шартномалари тузишимиз лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир марта айтмоқчиман, Россиянинг янги Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга яrim йил давомида икки марта келиши ҳам шу масала билан боғлиқ. Яъни жанубий чегараларимиз нотинч. Бу хавфни бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Шу маънода, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка таҳдид солинаётган бир вазиятда биз, табиийки, кўл қовуштириб туролмаймиз. Балки юртимизнинг хавфсизлигини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз. Шунинг учун биз Россия билан икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, керак бўлса, ҳарбий-техника соҳасида ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

Бизнинг асосий мақсадимиз — юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, ҳамжиҳатлик ва барқарорликни асррабайлашдир. Юртимиз тинч, осойишта бўлса, халқимиз бугунги кунидан рози бўлиб яшаса, эрганги кунга очиқ чехра ва ишонч билан қараса, бундан ортиқ мақсад ва саодат борми ўзи?!

Эътиборингиз учун раҳмат!

*Иккичи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг исқинчи сессиясида сўзланган нутх,  
2000 йил 25 май*

## **МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ – ХАЛҚ ЭЪТИҚОДИ ВА БҮОҚ КЕЛАЖАККА ИШОНЧДИР**

**“FIDOKOR” газетаси мухбири саволларига жавоблар**

Бугун биз янги давлат, янги жамият кураётган эканмиз, бу тизимда ижтимоий-сийесий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури хам ўзига хос, шу билан бирга, мутлако янгича маъно касб этиши шубҳасиз. Аввало, шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари батамом янгича мазмун ва шакл топиши, янги хусусиятлар, янги тамойилларга асосланиши керак.

Бошқача қилиб айтганда, буларнинг барчаси янгича қадриятлар ва демократик принциплар мөхиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, биз барпо этишга интилаётган адолатли жамият талабларига жавоб берадиган муносабатлар бўлмоги даркор.

Бу жараённинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, ҳар кайси фуқаро, ҳар кайси инсон жамият тараккиёти ва уни янгилашга бўлган ўз муносабати ва ўрнини, керак бўлса, ўз бурчни ана шу асосда аниклаб олиши зарур. Асосий эътибор шу вазифага каратилиши керак.

Бу масала ҳакида чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, шу тамойилларга таянган жамиятнинг ўзига хос ижтимоий шакл-шамойили, унинг киёфаси, ривожланиши йўллари, устувор хусусиятлари тўғрисидаги аниқ тасаввур турли фикрлар, баҳс-мунозоралар оркалигина аён бўлишини эътироф этишимиз ва буни ўзимизга мезон қилиб олишимиз зарур.

Бунинг учун эса оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар, ранг-баранг караш ва ёндашувларга кенг йўл очиб берishi, жамиятимиздаги бугунги ўзгаришларга одамларнинг

онгли муносабатини уйғоттىши лозим. Токи ҳар қайси инсон бу масалада ўз фикр ва қарашига эга бўлибгина қолмасдан, барпо этаётган жамиятимизнинг фаол иштирокчиси ва бунёдкорига айлансин.

*Ислом КАРИМОВ*

**Савол.** Мұхтарам Президент, Сиз ўз фаолиятингизда миллий гоя, миллий мафкура масаласига устувор йұналиш сифатида қараб келмокдасиз. Хусусан, яқында Оқсарой қароргоҳида зиёлилар билан ўтказган мұлоқотингиз чогида миллий истиқбол мафкурасининг ҳәётимиздаги ўрни, унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиши билан боғлиқ масалалар гоят жиiddий тарзда күн тартибиға қўйилди. Бунинг сабаби нимада?

**Жавоб.** Бу ҳақда фикр юритишдан олдин бир масалага ойдиллик киритиб олиш зарур: мафкура фақат бутун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мұлдауларига зришиши учун маънавий-рухий куч-кувват берадиган пойлевор бўлиб келган.

Гап мана шу масаланинг, шу ҳақиқатнинг бугун жамиятимиз, ҳалқимиз учун нақадар долзарб эканини эътироф этишда, моҳиятини чуқур англаб, олдимиизда турган улкан вазифаларни амалга оширишда уни енгилмас кучга айлантиришадир.

Чунки, мафкура — жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-максалсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манбаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги күн уфкларини ўзининг миллий гояси, миллий мафкураси оркали белтилаб олишга интилади.

Менинг фикримча, мафкуранинг ҳаётийлиги унинг халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади. Фақат шундай мафкурагина ҳаёт ва давр синовларига бардош беради, одамлар унга ишониб, ўзининг иймон-эътиқоди сифатида қабул қиласи. Шундагина у энг замонавий куролдан ҳам кўра кучли руҳий-маънавий кудрат касб этади.

Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган куроляроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликла ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани хал киласи. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Агар тарихга назар солсак, илгари кучли давлатлар заиф мамлакатларни очиқдан-очиқ босиб олиб, уларга ўз хукмини ўтказган бўлса, XX асрнинг охирига келиб, бундай сиёsat янги бир щакл касб этди. Хозирги вактда курлатли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз максалларига эришиш учун аввало забт этмокчи, ўз таъсир доирасига олмокчи бўлган мамлакатларнинг ахолиси онгини ўзига қарам кишишга интилади.

**Савол.** Бугунги кунда миллий мафкурани ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтаришга нима ундумоқда?

**Жавоб.** Маълумки, биз ўз миллий табиатимиз ва минг йиллик анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид бўлган соҳта коммунистик ғоялардан воз кечдик. Лекин мафкура дунёсида бўшиликка йўл кўйиб бўлмаслиги, шундай холат юз берган таклирда бўш колган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўринин ғарадаштиришади.

Асосий гап шундаки, агар ён-атрофимиздаги воқеликка теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, табиий захира-ларга бой, геополитик нуқтаи назардан ғоят қулай худуд-

да жойлашган юртимизга кўз олайтирадиган, бизга ҳукмини ўтказишни истайдиган турли кучлар мавжудлигини инкор этолмаймиз. Улар ўз ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги бутунги кунда аён бўлиб қолди.

Бу кучлар катта маблағ ва замонавий курол-аслаҳаларга эга. Лекин уларнинг энг ёвуз қуроли — миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг ёмони, эртага ўрнимизни эгаллаши лозим бўлган ёш авлоднинг қалби ва тафаккурини заҳарлайдиган бузгунчи мафкурадир.

Хозирги лайтла рўй берадётган айрим салбий холатлар, ножъя ҳатти-харакатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлик туфайли содир бўлмокда. Нега дегаңда, ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, оқ-қорани таниб ултурмаган ёшлар ҳар турли таъсиrlарга берилувчан бўлади.

Мисол учун, баъзи ёшларни йўлдан чалғитаётган диний экстремизм хавфини олайлик. Бу ҳатарли оқим ўзига хос тарихга эга. Хусусан, 80-йилларнинг охирида мамлакатимизга ўзини “дўст”, “диндош”, “миллатдош” қилиб кўрсатиб, гўё ислом динининг соғлиги учун курашга “давват” этувчи айрим кимсалар кириб келди. Улар муқаддас динимизнинг асл моҳиятини билмайдиган оддий одамларни, фўр ёшларни ўз тузогига илгинтириб, бизга бетона бўлган диний ақидаларни ёйишга уринди.

Албатта, бу ҳаракатларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Лекин ўша вақтларда соддалик қилиб, уларга хайриҳоҳ бўлганлар ҳам йўқ эмас эди. Миллатимиз, айниқса, фарзандларимизнинг кўнгли очик, содда, ишонувчан, андишли экани ҳаммага маълум. Уларнинг қалбida каттага ҳурмат, муқаддас динимизга интилиш туйғуси кучли. Чунки мўмин-мусулмон ҳалқимизнинг тарбиясига, дунёқарашига Аллоҳ назари тушган юртимизда ўтган кўплаб азиз-авлиёлар, уларнинг табаррук қадамжолари ҳам ўз таъсирини ўтказиб келади. Одамларимиз лилидаги мана шундай эзгу туйғулардан, иймон-эътиқод сари табиий интилишлардан айрим гаразди кучлар ўз мақсали йўлида фойдаланишга уринаётгани бехиз эмас.

Аммо ўша пайтларда — коммунистик тузум зулмидан эндиғина озод бўлиб, эркин нафас ола бошлаганимизда бу масалани — яъни сунний-ҳанафий мазҳабимиз талабларини чуқур тушунадиган, Куръони карим оятларини изоҳлаб, одамларга тўғри йўл кўрсатишга қурби етадиган уламолар, афсуски, жуда оз эди.

Шундай бир вазиятда ақидапарастлар жуда “чиройли дъяват”лар билан чиқиб, айрим ёшларни ўзига маҳлиё қилишга зриши ҳам. Уларнинг ота-оналари, умуман, жамоатчилигимиз бу ҳаракатнинг ортида қандай мудҳиш мақсад ёттанини, таассуфки, дастлаб англаб етмади. Намангандан ва Тошкентда содир этилган қонли воқеалардан кейингина бу кучларнинг нияти ҳокимиёт учун кураш бўлиб, улар дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатнинг тагига етгунча қора кучлар ҳали дунёқараш шаклланмаган айрим ёшларни жаҳолат ва жиноят ботқоғига тортиб улгурди.

Яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз зарур. Мен ҳозирги вақтда минтақамизга хавф солиб турган диний экстремизм хатарини қисқача айтиб ўтдим. Наркобизнес, ноқонуний курол-яроғ савдоси, террорчилик сингари таҳдидлар ҳам шулар жумласидандир. Лекин дунёда бир қарашда беозор, сиёсатдан холи бўлиб туюладиган шундай мафкуравий таъсир воситалари ҳам борки, уларга кўпда етарлича эътибор беравермаймиз.

Масалан, кейинги йилларда кўплаб намойиш этилаётган жангарилик фильмларини олайлик. Бу фильмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар мароқ билан кўради, чунки одамзот табиатан мана шундай тўполонларни томоша қилишга мойил.

Аслида, менинг назаримда, одамнинг қадбила иккита куч — бунёлкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни ҳатти-ҳаракатларини кўзгатиб юбориш осонрок.

Шунинг учун онги шакланиб улгурмаган аксарият ёш томошибинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвзлик, йиртқиличик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўронга тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар тъсирида кўл ураётган иши қандай аячли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди. Афсуски, бизнинг телевидениемизда ҳам шундай фильмларни намойиш этишга ортиқча ружу қўйилмоқда.

Тарихлан маълумки, бир ҳалкни ўзига тобе килишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигилан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Юкорида мен тилта олиб ўттан ва шунга ўхшаш зарарли тъсирилар давом эта-верса, миллат ўзлигини йўқотиши, минг йиллик анъана-ларини бой бериб, оломонга айданиб колиши ҳам ҳеч гап эмас.

Табиий савол туғилали: бундай мафкуравий тъсирилар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима килиш керак?

Бунинг йўли — одамларимиз, аввалимбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват килиш, уларни ўз мустакил фикрига эга бўлган барқамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаллас қадриятларини асраб-авайлаш ва хурмат килиш фазилатини карор толтириш. Уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб, гурур ва ифтихор билан яшашига эришишилар.

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор тоғтиришимиз, тъбири жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммуниитетини кучайтиришимиз зарур.

Токи улар миллий иллизлари бақувват, дунёни чуқур ангдайлигандан замон тараккиёти билан баробар калам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсинг. Ана шунда жоҳил ақидапарастнинг “даъвати” ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона фоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Шу маънода миллий мафкура масаласи биз учун бугунги кунда нечоэли мудим ва долзарб эканига яна бир бор ишонч досил қилиш мумкин.

**Савол.** Мафкуранинг зарурлиги ва унинг бугунги кунда аҳамияти ниҳоятда ўсиб бораётгани ҳақида тасаввур ҳосил қилдик. Энди миллий истиқлол мафкураси қандай хусусиятларга эга бўлиши ва қандай талабларга жавоб берини кераклиги ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

**Жавоб.** Ижозатингиз билан мен бу саволни бироз бошқача тарзда кўйиб, миллий истиқлол мафкураси концепциясида қандай мақсадлар ва қандай устувор фояларга алоҳида аҳамият бериш кераклиги ҳақида фикр юритишни ўринли деб билардим.

Чунки жамиятимиз, мамлакатимиз ўз оллига кўйтган эзгу мулдао ва вазифаларни аник-равшан белгилаб олмасдан туриб миллатимизнинг асрий анъана ва урф-оладарини, ўзлитетимизнинг асосий хусусиятларини мухассам этадиган миллий мафкурани шакллантириш мумкин эмас.

Бунинг учун, аввало, биз қандай давлат, қандай жамият, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволга жавоб топишимиз керак.

Кисқа қилиб уларни куйидагича ифода этиш мумкин:

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгилиниш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади – хукукий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат.

Юртимизда истикомат килувчи барча инсонлар учун миллиати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб хаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатларлаги кафолатланалигига турмуш ларажаси ва эр-

кинликларни търминлаш. Ва шу асосда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалдасига эришиш.

Мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилиши ҳақида сўз юритганда, унинг қўйидаги асосий хусусиятларини айтиб ўтиш лозим. Яъни:

Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва виждан эркинлиги тамоилиларини, гуманизм ғоялари ва умумисоний қадриятларни қарор топтириш.

Демократиянинг зарурый шарти бўлган кўшпартиявилик мұхитини вужудга келтириш. Илгари ҳам таъкидлаганимдек, амалдаги кўшпартиявилик — бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўргасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир.

Миллий демократик давлатчиликни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳоқимиятларига бўлиниш борасидаги конституциявий тамойил асосида барпо этиш.

Маҳаллий ҳоқимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вазифаларини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмалари ҳукуки ва мавқенини оширишни кўзда тутадиган “Кучли давлатдан — кучли жамият сари” концепциясини амалга ошириш.

Фуқароларнинг ўз турмуши ва бутун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил этиш борасидаги фуқаролик жамияти тамоилиларига тўлиқ мос келувчи фаол иштироки учун зарур шарт-шароитларни яратиш, гарб ҳалқлари учун нотаниш, аммо миллий табиатимизга мос бўлган ўз-ўзини бошқарув усули — маҳаллани ривожлантириш ҳамда унинг мавқенини ошириш.

Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳукукий тенглиги ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли хавфсизлигининг муҳофазасини кафолатловчи ҳукукий давлатни барпо этиш.

Жамиятнинг асоси бўлган ойлани мустахкамлаш. Негизида моллий жихатлан търминланган, ахлокий жихат-

дан мустахкам оила бўлган адолатли жамиятни шакллантириш.

Фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларини амалга ошириш нинг тасирчан воситаси, жамоатчилик назорати вазифасини бажарадиган, халқимизнинг сиёсий, ҳукуқий ва иқтисодий тафаккурини юксалтиришга қаратилган эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш.

Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Шуни барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, бундай йўл билан бугун дунёда кўп мамлакатлар тарақкий топмоқда ва фаровонликка эришишда бошқаларга ўриак бўлмоқда. Бу йўлнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у, бир томондан, ташаббус ва тадбиркорликни, одамнинг ўз кучи ва салоҳиятига суюнишини рагбатлантиради, самарали хўжалик юритишга ўргатади, ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатларига бўйсундиради. Муқобиллик, рақобат асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини тинимсиз ривожлантириш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида кучли омил вазифасини ўтайди. Пировард натижада ҳаётимизни тез суръатлар билан ўстиришга, унинг сифатини юксалтиришга хизмат қиласи. Оддий тил билан айтганда, халқ фаровонлигини, аҳолининг турмуш даражаси узлуксиз ошиб боришини таъминлайди. Бу ҳақиқат тарихда ўз исботини топган. Мамлакатимиизда ўтган саккиз-тўққиз йил давомида ўта марказлашган ва яккаҳокимлик асосида қурилган, ўзини оқламаган тизимга барҳам берилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, унинг пойдеворини яратиш йўлида, янги тизимга мос бўлган тегишли ҳукуқий ва амалий тадбирлар ўтказилди.

Кўп укладли, яъни турли мулк тизимларини ўз ичига оладиган иқтисодиётни барпо этиш йўлида катта қадам кўйилди. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги учун конституциявий, ҳукуқий ва иқтисодий шарт-шароит ва

кафолатлар яратилгани, мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш ва кафолатлаш борасида сезиларли ишлар қилинганини таъкидлаш лозим.

Ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссиётини тарбиялаш, кичик ва ўрга корхоналарни изчил ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда салмоқли манба вазифасини бажармокда.

Хозирги босқичда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, унинг ўз-ўзини мувофиқлаштиришида талаб ва таклиф асосидаги бозор механизмларидан кенг фойдаланиш, ҳўжалик юритувчи корхоналарга мустақиллик бериш, рақобат муҳитини яратиш, давлатнинг, турли текширувчи, назорат қилувчи органларнинг корхоналар ҳўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувига йўл кўймаслик устувор аҳамият қасб этмоқда.

Бунда давлатнинг мувофиқлаштирувчилик вазифаларини қисқартириб, унинг зиммасида фақат иқтисодий таъсир ўтказиш воситалари ва омилларини сақлаб қолиш, тегишли ҳуқуқий майдонни шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида чукур таркибий ўзгаришларни таъминлаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бой табиий, минерал-хом ашё ва қишлоқ ҳўжалик ресурсларидан, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятимиздан тўлиқ фойдаланиб, харидорбоп, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариш, дунё бозорида ўзимизга хос муносиб ўрин эгаллаш, шунинг ҳисобидан сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни таъминлайдиган тизимни вужудга келтириш бугунги кунда бизнинг муҳим вазифамиздир.

Бозор инфратузилмалари — фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, маркетинг, инжиниринг, лизинг, консалтинг ва суғурта компаниялари, тадбиркорларга хизмат кўрсатиши лозим бўлган бошқа тузилмаларни вужудга келтириш, ривожланган молия-банк тизимини яратиш, банкларнинг кредитларни қайтара олиш имкониятлари-

ни ошириш ва низом капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш, банк ва бошқа молиявий муассасаларни инвестиция жараёнининг асосий бўғинига айлантириш ҳам иқтисодиётимизнинг ҳозирги босқи-чидаги вазифадир.

Бу борадаги энг муҳим вазифамиз — мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, унинг ҳалқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида фаол иштирок этиши, жаҳон хўжалик алоқаларига кенг интеграциялашуви ва шу негизда дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб жой эгаллашига эришиш.

Бу эса ўз навбатида бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимини билимдон, юқори малакали, бозор шароитларида иш юритишнинг ўзига хос жиҳатларини яхши биладиган кадрлар билан мустаҳкамлашни тақозо этади.

Халқ моддий фаровонлигининг босқичма-босқич ва изчил ўсиб боришини таъминлаш, инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши ва камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолини, энг аввало, унинг ёрдамга мухтож қатламлари — болалар, қариялар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий мудофазалашнинг аниқ йўналтирилган кучли механизмини жорий этиш — шаклланиб келаётган миллий иқтисодий тизимдан кўзланган пировард мақсадлар.

Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қалрияятларга таянади ва ўдарни ривожлантиришга катта эътибор каратали. Бу жарабён миллий истиқолол гояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади.

Жамиятни маънавий янгилашлан кўзланган бош максад — юрт тинчлиги, Ватан равнаки, ҳалқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тутувлик, линий бағрикентлик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат. Ўтган тўққиз йил давомида — мустақил тараққиёт йилларида амалга оширган улуғвор ишларимиз ҳам бу ҳақда муайян тасаввур беради.

Мен нима учун бу тўғрида батафсил фикр юритяпман? Чунки бу масалалар бизнинг ўз олдимиизга қўйган эзгу мақсадларимизни ёритиб, жамиятимиз мафкураси, одамлар ўргасидаги ўзаро муносабатларнинг маъно-мазмунини белгилаб беради.

Энлиги энг долзарб вазифамиз — бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги кирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз талабаларимизга, кенг жамоатчиликка солла лўнла килиб тушунириб бериш ва уларни янги хаёт, замон талабларига жавоб бералиган жамият курилишининг фаол ва жўшигин иштирокчиларига айлантиришлан иборат.

Бунинг учун, биринчи гадда, тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши — жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожи ҳақида махсус дарсликлар, кўлланмалар, оммабоц адабиётлар яратиш зарур. Чунки, ҳозир мактаб ўқувчиси ёки талабадан мана шу масалалар ҳақида фикр сўрасангиз, изчил, аниқ, атрофлича жавоб беришга қўйналади. Ўйлайманки, бу — олдимиизда турган энг муҳим масалалардан биридир.

Сир эмас, фаолиятимизда кишига жуда ғалати туюладиган бир камчилик бор. Амалдаги давлат ва жамиятимиз курилишида, иктисолиётимиз ва маънавиятимизни шакллантиришла мутлако янги-янги каламлар қўйилмокла, замон талабларига хамоҳанг ўзгаришлар рўй бермокда, аммо мактаб ва ўқув юртларила болаларимизга, эртага бизнинг ўринимизни босиши лозим бўлган ўз фарзандларимизга лаккюонусдан колган дарслик ва китоблар асосида билим ва тарбия бермокдамиз. Бундай ачинарли холатларга барҳам бериш вакти келли.

Миллий мафкура яратиш ҳақида сўз юритар эканмиз, биринчидан, шуни чукур англаб олишимиз даркорки, бу вазифа бир йиллик ёки беш-үн йиллик иш эмас. Халқ, миллат ўз миллий мафкурасини бутун умри давомида такомиллаштириб, бойитиб боради. Чунки мафкура котиб колган ақидалар йиғинлиси эмас. Бу — узлуксиз жарабён

бўлиб, ҳаёт давом этар экан, унинг шиддатли суръати туфайли мафкуранинг олдига қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам пайдо бўлаверади. Яъни миллат манфаатларига жавоб берадиган, тинимсиз ўзгариш ва янгиланишни тақозо этадиган миллий мафкурани яратиш учун мунтазам иш олиб бориш зарур.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, миллатнинг мафкураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб лиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бутун ҳалқни бирлаштирадиган байроқ бўлмиш мафкурани шакллантириш учун инсоният тарихининг турли даврларида Худонинг ўзи ақл-заковат, истеъод, куч-кувват ато этган, ёрқин тафаккурга эга бўлган буюк шахслар заҳмат чеканини кўрамиз. Мана, Конфуций ва Махатма Гандини, Форобий ва Баҳоуддин Нақшбандни олайлик. Бу зотлар умумбашарий тараққиёт миқёсида танилган, теран инсоний фоялар, маънавий бойликларнинг қадр-кимматини чукур англайдиган донишманд одамлар бўлган.

Миллий фоя, миллий мафкурани ишлаб чикиш, уни шакллантириш учун ҳар кайси миллатнинг энг илгор ва киллари, керак бўлса, мутафаккирлари, ҳалқ ва Ватан равнаки учун ҳаётини бағишлийдиган филойи зиёлилари меҳнат килиши лозим.

Иккичидан, бир ҳақиқатни ўзимизга яхши англаб олишимиз керакки, миллий мафкурани тепадан туриб яратиб ва ҳаётга жорий этиб бўлмайди. Бу – никоятда принципиал масала. Албатта, миллий мафкуранинг асосий йўналишларини, унинг ўзига хос хусусиятларини мутахассислар, олимлар ва мутафаккирлар ишлаб чиқади.

Лекин бундай мафкура шу мамлакатда яшайдиган барча аҳолининг, дейлик, ҳар бир деҳқон, ишчи ёки хизматчининг, зиёлининг юрагидаги фоялар, туйғуларни мужассам этиб, унга бунёдкорлик руҳини баҳш этиши лозим. Милион-миллион одамларнинг қалбидаги эзгу интилишларни, уларнинг ҳаёт мазмунини ифода қилиш эса осон иш эмас. Бунинг учун биз диалектика қонуниятини, яъни

муайян бир шаҳс билан бутун бир халқ орзу-интилишларини уйғун ҳолда қандай акс эттириш масаласини яхши тушуниб олишимиз зарур. Сокин кабинетларда туғиладиган бир мағкурани үз-үзидан хаётта, унинг барча катламдарига сингиб кетали, деб ўйлаш — хомхаёлдан бошка нарса эмас.

Миллий истиклол мағкураси халкимизга хос бўлган энг мукаллас туйғу ва тушунчаларнинг мужассам ифодаси бўлиши керак.

Мисол учун, Ватан туйғусини олайлик. Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбida табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чукур бўлса, туғилиб ўсан юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади.

Машҳур шоиримизнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” деган чукур маъноли саволини ўзимизга бериб, унга ҳар биримиз қалбимиздан жавоб излашимиз керак, деб ўйлайман.

Еки она тилига муҳаббат масаласи. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингали, Мен бу масалани алоҳида таъкидлаб айтайдиганим бежиз эмас. Она тили бу миллатнинг руҳишир. Ўз тилини йўқоттан ҳар канлай миллат ўзлигидан жудо бўлиши мұқаррар.

Бой ва гўзал она тилимиз билан узвий боғлиқ ҳолда ўлмас миллий қадриятларимиз ҳам мағкуравий тарбиямизнинг мұдым бир қисми бўлмоғи лозим.

Масалан, аёлнинг оиласидаги, жамиятдаги мавқеини олиб қарайлик. Тарихимизнинг қайси даврига назар солмайлик, Дёл ва Она мудом эзгулик тимсоли, мураббий ва комил инсон тарбиячиси бўлиб келганини кўрамиз.

Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, оиласи бошланади. Шу боис оила ва мағкура тушунчалари чамбарчас боғликлар. Оиласидаги жамиятдаги ўрни, тарбиявий-аклоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан, оиласидаги миллат манфаати нуқтаи на-

заридан ёндашмасдан туриб, ҳалқчил мафкура яратса ол-маймиз.

Ёхуд жамиятимиз ҳаётидаги тотувлик ва инсон тарбия-сининг яна бир бекиёс таянчи — маҳаллани олайлик. Тарихнинг гувоҳлик беришича, юртимизда дастлаб дарё бўйларида ҳаёт пайдо бўлган. Табиат қийинчиликларини, ташки хавф-хатарларни биргаликда сенгиш, ерларни иш-лашда кучларни бирлаштириш, яхши-ёмон кунларда бир-бирига елкадош бўлишга интилиш туйғуси олис аждодларимизни жамоа тарзида яшашга ўргатган.

Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла мухитида камол топади. Шу маънола, маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин.

Шу ўринда масаланинг яна бир томони — умуминсоний қадриятлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида ҳалқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар такомилига улкан хисса кўшган. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан бакамскиҳат яшаш, линий бағрикенглик, лунёвий билимларга интилиш, ўзга ҳалқларнинг илбор тажрибалири ва маланиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам ҳалқимизда азалдан мужассам.

Шу билан бирга, миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарму ҳаёт, ибо-иффат каби бетакрор фазилатлар ва ҳалқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўнгиллилик хусусиятлари ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин.

Демак, миллий мафкура концепциясини яратишда бу масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Ёки энг нозик, мураккаб бўлган дин масаласини олайлик. Агар мендан, ҳега миллий қадриятларимиз шунчак замонлар оша безавод яшаб келяпти, деб сўрацса, бу — аввало, мукаллас линимиз хисобидан, деб жавоб берган

бўлур эдим. Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакорр маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик.

Биз ҳаммамиз, “Алҳамдулилоҳ, мусулмонман”, деб эътиқодимизни эътироф этамиз. Аллоҳ барчамизнинг қалбимизда, юрагимизда. Яратгани доимо ёд этамиз, ундан маъал сўраймиз. Бинобарин, ислом дини хаётимизнинг туб замирига чукур сингиб кетган. Бу – инкор этиб **бўлмайлиган ҳакикат.** Шундай экан, миллий истиқдол мағкурасида муқаддас динимизнинг моҳияти, унинг инсонпарварлик ғоялари, динга соғлом муносабат масалалари ҳам ўзининг оқилона ифодасини топиши зарур.

Токи, ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман, дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин. Ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшлигарга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасида мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак.

Шу ўринда таъкидламоқчи эдимки, **дунёвийлик**, айрим ақидапараст кимсаларнинг даъволаридан фарқли ўла-роқ, асло **даҳрийлик эмас.** Биз бундай нотўгри ва гаразли талқинларга мутлақо қаршимиз.

Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунё-қарашининг шаклланишида **маърифатнинг**, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекёёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолатта эришувида катта таъсир кучига эга.

Лекин бутун ўрта ва олий ўкув даргоҳларидағи таълимтарбия жараёнларида фойдаланилаётган дарсликлар, дастур-қўйланималар, китоблар қандай мағкурадан озиқланган? Уларда эски тузум давридан қолган ғоявий қарашлардан тўлиқ воз кечилганига ким кафолат бера олади? Бу ҳақда қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда.

Афсуски, биз мамлакатимизда ижтимоий фанларниң ривожи замон талабларидан ортда қолаёттанини тан олишга мажбурмиз. Бу борадаги хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини күришимиз лозим.

Милдий мағкураны шакллантиришдаги энг катта манба — бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мағкуранинг фалсафий негизларини англаш бўлмайди. Чунки мағкуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган.

Бироқ бизда тарих ва фалсафани узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш малакаси етарли эмас. Аслида тарих ва фалсафа мантикий равишда бир-бирини тақозо этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқ-қорани фарқлашда асос бўладиган фанлардир. Бироқ бизда ҳалигача фалсафа бўйича талаб даражасидаги дарсликлар, “Жаҳон фалсафаси”, “Шарқ фалсафаси” каби зарур китоблар яратилмаёттанини қандай изоҳлаш мумкин?

Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларниң асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларниң ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницце ва Фрейд каби олимларниң, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш нақотки мумкин бўлмаса? Ахир, бизда бир эмас, иккита файласуфлар жамияти, маҳсус Фалсафа ва ҳуқуқ институти, олий ўқув юргларидағи фалсафа кафедраларида ишлайдиган юзлаб фан номзодлари ва докторлари, профессорлар бор-ку!

Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. Щу боис ҳақиқатни топиш учун қарама-карши фикрларни ўттага ташлайлик, муҳокама килайлик. Талабалар, зиёли ёшларимизниң ўзи керакли хulosани чиқариб олсин.

Мана, мисол учун Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзистенциализм ғоялари, Бердяев ва бошқа-

ларнинг фалсафасидан ўргансак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Мен гарб фалсафасида ҳам барча муаммолар ечилган, демоқчи эмасман. Биз кўп масалаларда гарб файласуфларининг фикрлари билан, айниқса, индивидуализм, эгоизм қарашларини илохийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин уларни ҳисобга олишимиз, кераклисини эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур.

**Савол.** Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич, мана шу сұхбатимиздан ҳам мавжуд мағкуравий таҳдидларнинг тинчлик ва барқарорликка, әркін ҳәётимизга ниҳоятда жиддий ҳавф солиб турғани ва уларга қарши жамиятдаги барча соғлом күчлар жиддий кураш олиб бориши зарурлығы яна бир бор ойдин бўлди. Бу таҳдидларни бартараф этища энг асосий омил, сизнингчა, нималардан иборат?

**Жавоб.** Аслида ҳәстнинг ўзи турли-туман гоялар курасилан, баҳсу мунозаралардан иборат. Таракқиётнинг мально-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда. Аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олшида вахимага тушмаслан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришила, огоҳ ва сергак бўлишила.

Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танланган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилманилигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳәёт ҳақиқатига суюнган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фошлишишга қодир бўлади.

Албатта, мавжуд ҳавф-хатарлардан кўз юмиб бўлмайди, лекин менинг бир нарсадан кўнглим тўқ: халқимиз тарихнинг катта-кичик синовларидан ҳамиша мардан ўтиб келган, ғаламис кимсаларнинг макру хийлаларига учмаган.

Чунки ҳалқ – бамисоди улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораёттан улкан карвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Кар-

вон бекатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга кайтаролмайди.

Тарихга назар ташласак, бунинг кўп-кўп мисолларини кўришимиз мумкин.

Лоақал мустақилликнинг дастлабки йилларини эсланг. Ўша пайтда минбарга чиқиб олиб ҳаммага ақл ўргатмоқчи бўлган “доҳий”лар ҳавои гаплар, куюқ ваъдалар билан одамларнинг бошини қотиришга хўп уриниб кўрган эди. Лекин бундан бирон-бир натижা чиқдими? Бир-икки соддадил кишининг ишониб, қарсак чалганини айтмаса, уларнинг чиранишларидан ҳеч қандай самара бўлгани йўқ. Эҳтимол, уч-тўртта одамни йўлдан оғдириш мумкиндири, аммо бутун бир халқни алдаш мумкин эмас.

Халқ – ўзининг минг йиллик анъана ва тажрибалари, сўйниси хотираси ва буюқ туйғулари билан яшаб келаётган курдатли күнг. Ёлғонга, алдовга дуч келган пайтда унинг асрий қадриятлари, доимо уйғоқ виждони тилга киради, ноҳақликка, қабиҳликка қарши курашга даъват этади.

Ўзингиз ўйланг, ўз тарихининг энг мураккаб давларида ҳам, истибодд чангалида қолган кунларида ҳам-сожта гапларга ишонмаган, оёғида кишан бўлса-да, олга қараб интилган халқимиз энди – эркинлитетини кўлга киритган, ўзлигини англаб етган бир замонда аллакандай кимсаларга эргашиб яна жаҳолат ва қуллик тузогига кайтадими?

Шу жиҳатдан қараганда, мана шундай озод кунларда билиб-бilmай йўлдан тойиб, яъни куппа-кундузи йўлини йўқотиб, ёт элларда чалинаётган ноғорага ўйнаб юрган айrim ёшларнинг кўзини очишида миllий мафкурамиз мухим ўрин тутиши шубҳасиз. Чунки, миllий мафкура – бу халқнинг миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувла чўкмайлиган ўлмас ўзигодидир.

Халқнинг шуурида ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам буюқ орзулар, эзгу ниятлар, келажакка, ёруғ кунларга ишонч яшаб келади. Ана шу ишонч бўлмаса мазлум халқларнинг озодлик ва мустақиллик сари интилиши ва охирокибатда юксак тараққиётта эришиши мутлақо имконсиз бўларди.

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

Бизнинг эзгу интилишларимиз замирида ҳам ана шундай буюк ишонч бор. Аниқ мақсад йўлидаги бунёдкорлик ишларимиз амалий натижалар бера бошлаган, кўзлаган режаларимиз босқичма-босқич рўёбга чиқиб, дунё ҳам-жамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб бораётган буғунги кунда халқимиз, миллатимиз қалбидаги ана шу ишонч ва эътиқод янада мустаҳкамланмоқда.

Шунинг учун мен шонли тарихига садоқат билан, бу гунини қадрлаб, келажагига ишонч билан яшаётган халқимизнинг донишмандлиги ва матонатига, унинг мустаҳкам иймон-эътиқоди ва иродасига ишонаман. Бу олижаноб фазилатлар ҳар қандай мураккаб, қалтис синовлардан мардона ва ёруғ юз билан ўтишда биз учун бекиёс куч-кудрат манбай бўлади.

---

## ЎЗБЕК ВА ТОЖИК – ИККИ ТИЛДА СЎЗЛАЙДИГАН БИР ХАЛҚ

Хурматли Имомали Шарипович!

Азиз тожик биродарлар!

Дўстони бародарони тожик!

Аввало, сизлар билан мана шу гўзал Тожикистон заминида дийдор кўришиб турганимиздан беҳад хурсанд бўлганимни билдириб, сизларга, сиз орқали бутун Тожикистон халқига ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Аввало, ичозат фармоед, ки ман дар ҳамин замини зебои Тоҷикистон ба шумо, тавассути шумо ба тамоми халқи Тоҷикистон баҳрамандии беҳад аз дидори дўстони азиз ҳурмату эҳтироми худро изҳор кунам.

Азиз дўстлар!

Одатда бирон бир мамлакат раҳбари бошқа давлатта ташриф буюрган чоғида унинг вақти ниҳоят даражада тифиз бўлади. Унинг расмий тадбирлар режасида давлат раҳбарлари, расмий доиралар вакиллари, парламент аъзолари, ишбилармонлар билан бўладиган учрашувлар асосий ўрин тутади. Шунинг учун ҳам бизнинг сиз — Тожикистон жамоатчилиги, илмий ва ижодий интеллигенция вакиллари, маданият намояндаги билан ўтказилаётган бугунги учрашувимизни маълум маънода менинг тажрибамдаги ўзига хос воқеа дейиш мумкин.

Тожикистон раҳбари яти, хусусан, Президент Имомали Раҳмонов ташаббуси билан мана шу учрашув ташкил этилган экан, бу аввалимбор мамлакатингиз раҳбарининг сиз — жамиятнинг энг баобру ва илгор вакиллари, халқнинг орзу-интилишлари ифодачиси бўлган илм ва ижод

аҳлига кўрсатаётган юксак ҳурмат-эътиборидан далолатдир.

Иккинчидан, бу — ҳалқнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни тиклаш, маданий ҳаётни юксалтириш, бир сўз билан айтганда, бутун дунёда тан олинган ва ҳурматта сазовор бўладиган, замонавий, келажакка интилган Тожикистонни барпо этишдек улугвор ишда сизларнинг бекиёс ўрнингиз борлигининг мамлакат раҳбарияти томонидан эътироф этилишидир.

Ўзбек ва тоҷик ҳалқларининг тарихи муштарак эканини, унинг ибтидосида буюк аждодларимиз туришини барчамиз яхши биламиз. Ана шу буюк зотларнинг ақл-заковати, меҳнати билан яратилган тарихий илдизларимиз бу икки ҳалқ тақдирининг узвий боғланиб кетишига бекиёс омил бўлиб хизмат қилиб келган.

Айнан ана шу бобокалонларимизнинг ўлмас даҳоси, бизга қолдирган, фахру ғуруримиз бўлган буюк маданий ва фалсафий мероси бугунги авлодларни ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшашга, ҳаётимизни ғоятда теран маъномазмун билан тўлдиришга, керак бўлса, бойитишга давват этмоқда.

Айнан ана шу мерос бизни дўстлик ва қардошлиқ ришталарини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, ҳалқларимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини биргалиқда барпо этишга унданомоқда.

Биз ижодкор зиёлилар вакиллари, ҳалқларимизнинг юксак ақл-заковат соҳиблари ўзбеклар ва тоҷикларнинг маънавий қадриятларини янада бойитиш мақсадида бирга меҳнат қилишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим. Дўстлик ва биродарлигимизнинг тимсоли бўлган Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, Садриддин Айний ва Абдулла Қодирий, Мирзо Турсунзода ваFaфур Гулом каби улуг мутафаккир зотларнинг бетакрор ижодини назарда тутадиган бўлсак, бу ишнинг ҳалқларимиз маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти янада ортади.

Мен шуни очиқ айтишим керакки, агар биз шу ҳақиқатни тушунмасак, халқларимиз олдида хиёнат қилған бўла-  
миз.

Бугунги кунда Тожикистанда ва унинг сарҳадлари таш-  
қарисида ўз фаолияти, энг муҳими, одамларнинг қалби  
ва онгига кўрсатаётган улкан ижобий таъсири билан иж-  
тимоий фикр ривожига турткি берувчи, миллионлаб ин-  
сонларни бунёдкорлик мәҳнатига рағбатлантирувчи асар-  
лар яратаетган ўнлаб, юзлаб таниқли ёзувчилар, баста-  
корлар, мусавиirlар, санъат намояндлари, олимлар  
номини тилга олиш мумкин.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, шуни алоҳида таъ-  
кидлашни истардимки, биз – ўзбекистонликлар кўплаб то-  
жикистанлик илмий ва ижодий интелигенция вакилла-  
ри, санъат арబоблари номини жуда яхши биламиз ва ҳур-  
мат қиласиз.

Улар орасида нафақат Тожикистанда, балки бошқа мам-  
лакатларда ҳам шухрат қозонган Мўмин Қаноат, Лоиқ  
Шерали, Асқар Ҳаким, Гултухсар Сафиева, Ўлмас Жа-  
мол, Гулназар Келди, Озода Аминзода каби шоирлар, Аб-  
дулҳамид Самадов, Саттор Турсун, Караматулло Мирзо-  
ев каби адиллар бор.

Ўзбекистонда, шунингдек, Дамир Дўстмуҳаммедов,  
Толиб Шоҳидий, Шарафуддин Сайфуддинов, Кудратул-  
ло Яҳёев, Талабшо Сатторов сингари истеъододли тожик  
бастакорларини ҳам жуда яхши биладилар.

Бизнинг халқимиз Жўрабек Муродов, Сайдқул Било-  
лов, Жўрабек Набиев, Зафар Нозимов, Далёр Назаров  
ижро этган қўшиқларни жону дилдан севади ва юксак  
қадрлайди.

Айниқса, кино ва театр санъатининг улкан намоянда-  
си Ато Муҳаммаджоновнинг номи нафақат Тожикистан-  
да, балки Ўзбекистонда ҳам машҳурдир.

Тожик халқи Гурминч Завқибеков, Фарруҳ Қосимов,  
Барзу Абдураззоқов, Сайдмурод Мардонов каби таниқли  
актёрлари билан ҳар қанча фаҳрланса арзийди.

Мен шу ўринда замонавий тожик санъатининг аксарият ёрқин намояндалари Ўзбекистон Театр институти ва Тошкент Даълат консерваториясида таълим олганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тожикистанлик Ўлмас Мирсаидов, Рауф Баратов, Собит Немматуллаев каби академик олимлар, Аҳмаджон Муҳаммадхўжаев, Фаффор Ашурев, Расул Ходизода, Хуршида Отаконова, Сайд Одинаев, Муҳиба Ёкубова, Низом Нуржонов сингари истеъодли ва заҳматкаш тадқиқотчиларнинг асарлари Ўзбекистонда ҳам юксак баҳога сазовор бўлган.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мана шундай кучли интеллектуал салоҳиятта эга бўлган давлат дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан жой олишга ҳақлидир.

Мұхтарам биродарлар!

Мен бугунги имкониятдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўргасидаги муносабатларга бевосита даҳлдор бўлган, ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз истиқболига доир айrim фикрларимни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

Аввало шуни айтиш керакки, Тожикистаннинг яқин тарихида, яъни собиқ иттифоқ парчаланганидан кейинги 7—8 йил мобайнида тожик ҳалқи нечоғлиқ оғир синовлар, азоб-уқубатларни бошдан кечирганини, очишини айтганда, жуда кам одам билади. Афсуски, Тожикистанда рўй берган воқеаларга доир маълумотлар фактларнинг куруқ таъкидидан иборат бўлиб, дунё аҳлига бу ердаги ҳақиқий аҳвол ҳақида тўлиқ тасаввур беролмас эди.

Бугун Тожикистан шаҳар ва қишлоқларида қарор то пәёттан тинчлик ва барқарорлик, эртанди ҳаётта бўлган ишонч руҳининг нақадар бекиёс аҳамиятта эга эканини тушуниб етиш учун буларнинг барчасини кўриш, ҳис қилиш, юракдан ўтказиш зарур. Энг мұхими, ҳалқ бошига қандай йўқотишлар, кулфатлар тушганини теран англаш лозим.

Иймоним комиљки, Тожикистанда рўй берган қарама-қаршилик ва зиддиятларнинг келиб чиқишига аслида бу

ердаги муаммолар сабаб бўлган эмас. Улар ташқаридан келтирилган эди. Чунки, тожиклардек кўхна тарихга эга бўлган, дунёга буюк инсонпарвар мутафаккирларни берган халқ уруш оловини ёқишига қодир эмас. Бундай халқ одамларнинг ваҳшийлашаётганига, бир-бирининг ёстиғини қуритаётганига, минглаб бегуноҳ ватандошлиарининг ўз бошпанасидан маҳрум бўлишига, тинч ҳаётининг бузилишига бефарқ қараб туролмайди.

Менинг фикримча, бундай аянчли воқеаларнинг со-дир бўлиши, аввало, собиқ иттифоқ тарқаб кетганидан сўнг унинг таркибида бўлган республикаларда бирмунча вақт давомида одамлар тушкунликка тушиб, ишончсизликка учраб, қандай яшашни, фарзандлари ва оиласари-нинг эртанги куни қандай бўлишини аниқ тасаввур қила олмай қолганлиги билан боғлиқ.

Бундай мураккаб шароитда бутун масъулиятни ўз зимасига олиб, одамларни тинчлантириб, халқни бирлаштириб, ягона тўғри йўлга бошлай оладиган, жамиятда бошбошдокликка, қонунбузарликнинг авж олиб кетишига йўл кўймайдиган миллат етакчисининг ўрни бекиёс аҳамият касб этади. Бундай пайтда ўзининг иззат-нафсидан бошқа нарсани кўролмайдиган, факат ҳокимиятта интилиш дарди билан ёнадиган, ўз манфаатини, гаразли маҳсадларини халқ тақдиридан устун кўядиган турли сафсатабоз ва соҳта доҳийларни фош этиш гоят муҳимдир.

Мен Имомали Раҳмоновни улуғламоқчи эмасман. Лекин ҳақиқатни холисона тан олиб айтиш керакки, Тожикистон ҳаётидаги бугунги ижобий ўзгаришларга замин бўлган миллый ярашув жараёнларининг бошланиши айнан мана шу одамнинг сиёсат майдонига кириб келиши билан боғлиқ. Унинг тўғри йўлни топа олиши, турлича қараш ва эътиқодга эга бўлган кишиларни муросага келтира олиши, бу борадаги сабр-тоқати ва иродаси жафо-каш тожик халқининг бугунги тинч ҳаётини таъминлашда муҳим омил бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Албатта, мен бу билан Тожикистонда барча муаммолар ҳал этилди, демоқчи эмасман. Бунинг учун ҳали узок,

машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келади. Мана шу фикрга алоҳида эътибор беришингизни истар эдим.

Ишонаманки, Тожикистон раҳбарияти ва жамоатчилиги мамлакатда қарор топиб бораётган тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўради. Энг муҳими, бутунги кунда иқтисодиётни тиклаш, унинг барқарор ва изчил ривожланишини таъминлашга қаратилган мақсад ҳамда вазифалар аниқ белгиланган дастур ишлаб чиқилмоқда. У Тожикистондаги барча сиёсий кучлар ва ҳаракатларни бирлаштирадиган, мамлакатнинг барча ҳудудларини, айниқса чекка туманларни ривожлантиришни кўзда тугадиган умумий тараққиёт дастуридир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон халқи Тожикистонда бошланган тинчлик, барқарорлик, тикланиш ва ривожланиш сиёсатининг амалга оширилишидан ҳаммадан ҳам кўпроқ манфаатдордир.

Азиз биродарлар!

Бизнинг халқимиз бошингизга кулфат тушиган энг оғир кунларда сизларнинг дардингизга шерик бўлиб яшади. Тожикистон халқига биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзган ҳам айнан Ўзбекистон бўлганини тарих ҳеч қачон унугтмайди.

Шуни эслар эканмиз, беихтиёр буюк Рӯдакийнинг

Ҳеч шодӣ нест андар ин ҷаҳон,  
Беҳтар аз дилори рўйи дўстон,

деган ўлмас сатрлари ёдимиизга тушади.

Шарқнинг улуг мутафаккири битган бу сатрларни изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, буюк Камол Хўжандий айтган бошқа бир ҳақиқатни ҳам такрорлашни истардим:

Роҳ паймуд басе дар талаби дўст, Камол,  
Дўст дар ҳонаву мо гирди ҷаҳон гардидем.

Яъни, шоир, эй Камол, дўст излаб, кўп йўлларни бо-  
сиб ўтдинг, долбуки, дўст ўз уйимизда экан-у, биз уни  
излаб, бехудага жаҳонни кезиб юрган эканмиз, демокда.

Чукур маъноли бу сўзларни халқимиз тақдирига боғ-  
лаб айтадиган бўлсак, Аллоҳ таолонинг ўзи бизларни азал-  
дан дўсту биродар қилиб яратган. “Ен кўшиниг – жоп  
қўшиниг” деган ҳикмат айнан мана шу яқинликни назар-  
да тутиб айтилганига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Икки биродар халқ ўртасидаги дўстлик, иноқлик ҳақида  
гап кетар экан, буюк боболаримиз – Алишер Навоий ва  
Абдураҳмон Жомийнинг бу борадаги ибратли фаолияти-  
ни алоҳида таъкидламасдан ўтголмаймиз. Чунки маслак-  
муддаоси бир бўлган бу зотларнинг ҳаёти биродар халқ-  
ларимиз ўртасидаги боқий дўстликнинг ёрқин тимсоли-  
дир.

Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийни замонасининг  
энг комил сиймоси, яхшиларниң яхшиси, ҳақиқат сари  
бошлиб борувчи устоз, ўз қалбининг қибласи деб улуғла-  
ганини барчамиз яхши биламиз.

Ул сафо аҳли пок фаржоми,  
Покфаржом пок фар Жомий.  
Ул яқин сори дасттир манга,  
Қиблаву устоду пир манга.

Азиз дўстлар, бир ўйлаб кўрайлик, буюк ўзбек шоири-  
нинг мана шу тўрт қатор шеърида ишлатилган сўзлар-  
нинг неча фоизи ўзбекчаю неча фоизи тожикча? Қани,  
айтинг, икки халқ вакилига ҳам бирдек тушунарли бўлган  
бу сатрлар маданиятимизнинг муштарак илдизлари нақа-  
дар теранлигидан яна бир бор далолат бермайдими?

Ўз навбатида, ҳазрат Жомий ҳам Алишер Навоийни  
буюк инсон, буюк дўст сифатида беҳад қадрлаб, унинг  
беназир истеъодига тасанинолар айттанига тарих гувоҳ:

Ба туркизабон нақше омад ачаб,  
Ки ҷодудамонро бувад мӯҳри лаб.

## ИСЛОМ КАРИМОВ

Зи чарх оғариндо бар он килк бол,  
Ки ин нақши матбӯй аз килк зод.

Яъни:

Туркий тилда дөри келди ажаб,  
Хатто сөхграрлар боғладилар лаб.  
Бундай ёқимли нақш туширган қалам  
Бошига оғарин ёғидисин олам.

Бизнинг минг-минг йиллар давомида ёнма-ён, биргаликда кечирган ҳаётимиз халқаримизни, уларнинг урф-одатлари, тили, маданиятини шу қадар яқинлаштириб юборганки, ҳақиқатан ҳам ўзбек билан тоҷик иккита тилда сўзлайдиган бир халқдир, дейишга ҳамма асосларимиз бор.

Атокли ўзбек шоири Faфур Fулом бу ҳақда шундай ёзган эди:

Яқин қуда-кудагай, қадим-қадимдан бүён,  
Бирининг ўғли — тоҷик, келини — ўзбек қизи.  
Отаси — фарғоналик, онаси — аз Бадаҳшон,  
Она тилиси — тоҷик, аммо ўзбекдир ўзи.

Бу фикр тоҷик халқининг машҳур шоири Боқи Раҳимзода мисраларида шундай жаранглайди:

Фарқи ҳама мардумони дигар осон,  
Аммо ману ту шуда чунон ҳам наздик.  
Бинанда чунин суол орад ба миён,  
Эй, чӯра, бигӯ, ту ўзбеки ё тоҷик

Яъни: бошқа одамлар ўргасидаги фарқни ажратиш осон, лекин сен билан мен — ўзбек билан тоҷик шунчалар бир-биirimizga яқинмизки, кўрган киши: “Эй жўра, сен ўзбек-мисан ёки тоҷикмисан?” деб сўрайди.

Нафақат ўзбек халқининг, балки тоҷик халқининг ҳам севимли шоирига айланниб кетган Абдулла Орипов эса,

Дўсту қардоцдир азалдан ўзбегим тожик билан,  
Иккиси бир байт ғазалдан ўзбегим тожик билан, —

деб бутун ҳалқимиз дилидаги эзгу туйғуларни ифода эта-  
ди.

Кўриб турганингиздек, ушбу мисоллар донишманд аж-  
додларимизнинг бизни бир-биrimиздан асло ажратиб  
бўлмаслиги ҳақидаги фикрларга ғоят ҳамоҳангидир. Демоқ-  
чиманки, Яратганинг ўзи бизга яхши кунда эмас, ёмон  
кунда ҳам доимо бирга бўлишдек ибратли тақдирни раво  
кўрган.

Хурматли дўстлар!

Кези келганда яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз маданият, адабиёт ва санъатнинг янги жамиятни  
барпо этиш ва уни тараққий эттириш борасида бугунги  
кунда тутадиган ўрни ҳамда аҳамиятига ҳамма вақт ҳам  
етарлича баҳо бераётганимиз йўқ.

Мен бу ўринда маънавий ҳаёт ва маънавий қадрият-  
ларнинг бекиёс аҳамияти ҳақида тўхталмоқчиман.

Гоҳида, бугунги ғоятда мураккаб даврда инсон учун  
моддий бойлик мұҳимми ёки маънавий бойлик мұҳимми,  
деган баҳс-мунозаралар туғилиб қолади.

Мен масалани бу тарзда кўйиш ҳамда мұҳокама қилиш  
ўринсиз ва бефойда, деб ўйлайман. Чунки, ишончим ко-  
милки, маънавий, маданий бойликларни қадрламайдиган  
инсон ва жамият маънавий таназзулга маҳкумдир. Бун-  
дай ҳалқнинг ва жамиятнинг келажаги йўқ. Мен тараққи-  
ётга нисбатан доим мана бундай ўҳшатишни қўллашни  
ўринли деб ҳисоблайман; моддий ва маънавий бойлик —  
юксак парвозга шайланган күшининг кўш қанотидир. Та-  
биийки, битта қанот билан парвоз қилиб бўлмайди.

Тўғри, бугунги кунда айрим қийинчиликларни бошдан  
кечиряпмиз. Маданият, санъат, таълим-тарбия каби ҳаётий  
зарур соҳалар эҳтиёжини қондириш, уларнинг ривожини  
таъминлаш учун баъзан маблағ топилмай қоляпти. Бироқ  
биз, ўзбекистонликлар, ҳар қандай қийинчиликларга қара-  
май, маданиятни ривожлантириш, таълим-тарбияни юк-

салтириш, санъатни равнақ топтириш учун зарур маблағ топиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Ўйтайманки, Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилаёттанидан хабарингиз бўлса керак.

Мен айниқса таълим хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Биз янги ҳаёт, демократик тамойилларга, бозор иқтисодиётига асосланган мутлақо янги тузумни барпо этмоқдамиз, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиряпмиз.

Умр кўз очиб юмгунча ўтиб кетади, афсуски, биз буни сочимиизга оқ оралаб, ортда қолган йиллар энди сира қайтиб келмаслигини ҳис эта бошлагандан сўнгтина тушуб нийетимиз.

Келинг, биргаликда ўйлаб кўрайлик, 1991 йилда туғилган болалар бугун ўн ёшга тўлиб, аллақачон мактабда ўқимоқда, 1991 йилда биринчи синфга борган болалар эса мактабни тамомлаш, янги, мустақил ҳаётта қадам кўйиш арафасида турибди.

Биз учун уларнинг ана шу ҳаётта нафақат билимли, балки ҳар томонлама мустақил фикрга эга бўлган муносаби инсонлар бўлиб кириб келиши ниҳоятда мудимдир. Шу маънода, ёшларга қандай тарбия берилмоқда, мактаблар ва олий ўкув юртларида қандай дарсликлар ва китоблардан фойдаланилмоқда, деган масалалар бугунги кунда бекиёс аҳамият касб этади. Уларни доимо дикқат-эътиборимизда тутмогимиз лозим.

Шунинг учун ҳам бизда ҳозирги кунда одамларнинг дилидан чуқур жой олиб, эзгу маҳсадга айланиб кетган “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно, билимли ва албатта бахти бўлишлари шарт” деган тамойил бор.

Бу вазифани амалга ошириш нафақат давлат раҳбарининг, балки барча ота-оналарнинг, бутун жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир.

Ишончим комилки, XXI асрда қайси миллат кучли интеллектуал салоҳият ва бойликка эга бўлса, ўша миллатгина фаровон ҳаётта эриша олади. Дунёдаги энг самарали ва ишончли сармоя — бу таълим-тарбия тизимида сарфланган маблағдир, дейилиши бежиз эмас. Бун-

дай эзгу мақсад йўлида, келажакни кўзлаб қилинган иш сарф-харажатларни қоплабгина қолмай, миллатнинг илм-зиё салоҳиятини юксалтиришда мисли кўрилмаган ижобий натижаларга, бир сўз билан айтганда, илм-фан соҳасида юксак кўтарилиш – “портлаш” эффектига олиб келади.

Шу сабабли Ўзбекистонда 2005 йилгача мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш жараёни жадал суръатлар билан давом этмоқда. Дастурга кўра, мана шу вақт ичидаги ёшлиарга замонавий стандартлар асосида таълим берадиган 1800 га яқин академик лицей ва касб-хунар коллежи қуриб битказилади, кўплаб мактаблар ва олий ўкув юрглари қайта таъмиранади.

Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг энг куйи босқичи – болалар боғчасидан бошлаб, халқаро андозаларга муовифик бакалавр ва магистрлар тайёрлашга бўлган жараённи ўз ичига олган узлуксиз таълим тизими жорий этилган.

Биз ўн бир йиллик таълим-тарбия тизимидан воз кечиб, ўн икки йиллик таълим тизимига ўтяпмиз. У икки босқичдан иборат. Биринчи босқич тўққиз йиллик умумий таълимни қамраб олади. Иккинчи босқичда эса фарзандларимиз ўзининг билим даражаси, интилиш ва қобилиятига қараб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида муайян ихтисослар бўйича уч йил билим олади.

Мамлакатимизда ташкил этилган “Умид” ва “Устоз” жамғармалари грантларига кўра олий ўкув юргларимизда ўқиётган юзлаб талаба ва битирувчилар, педагог-олимлар АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония каби дунёнинг илгор мамлакатларида таҳсил олмоқда.

Биз тоҷик биродарларимизни бу соҳадаги ўз тажрибамиз билан таниширишга, агарда сизларда қизиқиш уйғотса, бундай дастурни Тоҷикистонда ҳам амалга оширишда ёрдам беришга тайёрмиз.

Азиз биродарлар!

Ижозатингиз билан Ўзбекистон билан Тоҷикистон ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсам.

Биз Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан кеча бўлиб ўтган учрашувимизда бу масалаларни, айтиш мумкинки, ҳар томонлама чукур муҳокама қилдик.

Биз Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этаётган бирордаркүшлик урушининг мамлакатларимизга, бутун минтақамизга салбий таъсири ва таҳдииди тўғрисида атрофлича фикрлашиб олдик.

Токи афғон муаммоси ҳал этилмас экан, минтақамизда кескин вазият кучайиб бораверади, бу эса мамлакатларимиз тараққийётига тўсқинлик қиласиган катта хавф-хатардир, Афғонистон ҳозирги кунда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариладиган улкан ҳудудга, ҳалқаро террорчиллик ўчигига айланаб қолди. Бу борадаги қўпорувчилик ҳаракатлари Марказий Осиё минтақасидан ташқарига ҳам ёйилиб бормоқда.

Афғонистонда курап олиб бораётган қарама-қарши томонлар ўртасидаги зиддиятнинг кучайишида ўзларининг геополитик манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган айрим давлатларинг таъсири сезилиб турибди.

Музокаралар ўзбек-тожик муносабатларини янги босқичга кўтариш борасида ҳар икки томонда ҳам қатъий интилиш мавжудлигини кўрсатди. Мен бу ўринда ҳалқларимизни янада яқинлаштиришга қаратилган Абадий дўстлик шартномасининг имзоланганини алоҳида қайд этишини истардим.

Қадрли дўстлар!

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис, менинг назаримда, бутун биз сизлар билан бир қатор муҳим масалаларни ҳал этишга эътибор қаратишимииз лозим:

**Биринчидан,** икки томонлама ҳамкорлигимизнинг хуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларни ҳалқаро андозалар ва меъёрларга мувофиқ ҳолга келтириш.

**Иккинчидан,** давлатларимизнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги илгари, маълум вақт узилиб қолган алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамлаш. Яъни корхоналаримиз ўртасидаги самарали ва оқилона кооперация муносабатларини қайтадан йўлга қўйиш.

Бу вазифани амалга ошириш учун, назаримда, Тожикистон ўз иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиши ғоят муҳимдир. Айтмоқчиманки, Тожикистон ўз иқтисодий сиёсатини амалга оширишда айнан қайси тармоқларни, қандай ишлаб чиқариш соҳаларини тез суръатлар билан ривожлантиришга эътибор беради? Шуни аниқ белгилаб олишимиз керак. Агар мана шундай дастур ишлаб чиқилса, уни рӯёбга чиқаришда биз ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрмиз.

Учинчидан, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш билан бирга, маданий-маърифий алоқаларни йўлга кўйиш ва кенгайтириш.

Халқларимиз тарихидаги янги мустақил ривожланиш жараёнида мамлакатларимиз ҳаётида кўп ўзгаришлар рўй берди. Бу борадаги тажриба ва ютуқлар ҳақида ахборот алмашуви ҳам халқларимиз ўргасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашта ёрдам беради.

Шу муносабат билан Тожикистон Республикасига Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дастурларини узатиши, шунингдек, Ўзбекистонда ўзбек, тожик ва рус тилларида нашр этилаётган босма маҳсулотларни эркин тарқатишини йўлга кўйиши мақсадга мувофиқдир. Ва аксинча, бизнинг мамлакатимизда ҳам Тожикистон телевидениеси дастурлари, газета ва журналлари, ахборот материалларининг эркин тарқатилишига эришиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Тожикистондаги ўзбек мактабларига ёрдам беришга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Шу мақсадда бу мактабларга зарур дарслеклар, ўкув-услубий қўлланмалар юборилмоқда. Шунингдек, тоҷикистонлик ўқитувчилар мамлакатимизнинг етакчи ўкув марказларида малака оширмоқда.

Ишончим комилки, нафақат юқорида зикр этилган масалаларни, балки кундалик ҳаёт олдимизга қўяётган бошқа турли муаммоларни ўз вақтида ҳал этиб бориш икки томонлама ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаради, дўстлигимизни янада мустаҳкамлайди.

## ИСЛОМ КАРИМОВ

---

Сўзимнинг ниҳоясида, азиз дўстларим, биродарларим, ўзбек халқи номидан сизларнинг барчангизга, бутун қонкардош тоҷик халқига фаровонлик ва баҳт-саодат тилайман. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўргасидаги абадий дўстлик ва ҳамкорлик эса ана шу эзгу интилишларимизнинг, орзу-умидларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолсин.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Тоҷикистон зиёдлари ва жамоатчилиги  
вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ,  
2000 йил 16 июнь, Душанба шағри*

---

## МУНДАРИЖА

<b>ИРОДА ВА ИЙМОН-ЭЪТИҚОДИМИЗ СИНОВИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йигилишида сўзланган кунтк, 1999 йил 16 февраль.</b>	3
<b>ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ. Ўзбекистон миллӣ ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоблар, 1999 йил шонъ.</b>	18
<b>ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК – МИНТАҚАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ. Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳи Тошкент учрашуви очилишини маросимидаги сўзланган кунтк, 1999 йил 19 июль.</b>	32
<b>ТАДБИРКОРЛИК – ЮҚСАЛИШ ГАРОВИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисадий ислоҳотлар якунига бағишланган йигилишидаги маъруза, 1999 йил 27 июль.</b>	39
<b>ВАТАН ОЗОДЛИГИ – ОЛИЙ САОДАТ. Биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маъруза, 1998 йил 19 август.</b>	59
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТК, 1999 йил 31 август.</b>	68
<b>ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ТАВАЛУДИНИНГ 800 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТК, 1999 йил 5 ноябрь.</b>	72
<b>“АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШ- ЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТК, 1999 йил 6 ноябрь.</b>	78
<b>ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛО- ТИНИНГ ИСТАМБУЛ САММИТИДА СЎЗЛАНГАН НУТК, 1999 йил 18 ноябрь.</b>	83
<b>СОҒЛОМ АВЛОД – ҲАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИ. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали маросимда сўзланган кунтк, 1999 йил 7 декабрь.</b>	87
<b>МЕН ЎЗИМНИ НАФАҚАТ ЎЗБЕК ҲАЛҚИНИНГ, БАЛКИ ҚОРА- ҚАЛПОҚ ҲАЛҚИНИНГ ҲАМ ФАРЗАНДИ, ДЕБ БИЛАМАН! Қорақалпогистон Республикаси сайловчилари вакиллари билан учрашуведа сўзланган кунтк, 1999 йил 2 декабрь.</b>	100
<b>ЖИЗЗАХ ҲАЛҚИНИНГ ҚАЛБИДА ВА ДИЛИДА. Жиззах вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашуведа сўзланган кунтк, 1999 йил 9 декабрь.</b>	112

## ИСЛОМ КАРИМОВ

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ОЛИЙ БАХТ! Сирдарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи,	127
1999 йил 10 декабрь .....	
МАҚСАДИМИЗ – ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ. Бухоро вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи,	141
1999 йил 15 декабрь .....	
САХОВАТЛИ ЗАМИН – ТАРАҚКИЁТ ЙУЛИДА. Навоий вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи,	154
1999 йил 16 декабрь .....	
ЭЗГУ НИЯТ, ОЛИЖАНОБ МАҚСАД ЙУЛИДА ИЗЛАНИБ-ИНТИЛИБ ЯШАШ – КИШИНИ УЛУГЛАЙДИ.	168
Андикон вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи, 1999 йил 17 декабрь .....	
ШУ МУКАДДАС ЎРТГА ӘРУФ КҮНЛАР КЕЛТИРИШ – ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИНСОНӢ БУРЧИМИЗДИР. Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи, 1999 йил 17 декабрь .....	181
ИМКОНИЯТЛарНИ ГУЛА ИШГА СОЛИШ – ЮКСАЛИШ ГАРОВИДИР. Фарғона вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи, 1999 йил 18 декабрь .....	196
ВАТАН ОЗОДЛИГИ, ХАЛҚИМНИНГ ОМОНЛИГИ, ЎРТИМНИНГ РАВНАҚИ, ҲАР ЕИР ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ – МЕН УЧУН ОЛИЙ САОДАТ. Қашқадарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи, 1999 йил 21 декабрь ..	210
БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ШАВКАТИНИНГ ТИМСОЛИ БЎЛГАН ЎРТ. Самарқанд вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи, 1999 йил 22 декабрь .....	225
МЕТИН ИРОДАЛИ ИНСОНЛАР ЎРТИГА ЭҲТИРОМ. Ҳоразм вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи, 1999 йил 24 декабрь .....	241
ФУРУРИ ТОҒЛАРИДЕК БАЛАНҶ, ЯРАТУВЧИЛИК САЛОҲИЯТИ ЮКСАК ХАЛҚ. Сурхондарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи, 1999 йил 25 декабрь .....	257
ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ – МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК, МИЛЛАТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ТОТУВЛИГИНИ КЎЗ ҚОРАЧИГИДАЙ АСРАЙЛИК. Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи, 1999 йил 29 декабрь .....	272
ПОЙТАХТИМИЗ – МУҚАДДАС ОСТОНАМИЗ. Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашууда сүзланган нутқи, 2000 йил 6 январь .....	292
ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК. Иккисинчи чақириқ Ҳалқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашин сессиясида сүзланган нутқи, 2000 йил 15 январь .....	319

## ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ. Иккинчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлисингининг биринчи сессиясидаги маъруза, 2000 йил 22 январь .....	330
ИККИНЧИ ЧАҚИРИК УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИККИНЧИ ЙИФИЛИШИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ, 2000 йил 11 февраль .....	352
ИСЛОҲОТЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИКЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИФИЛИШИДАГИ МАЪРУЗА. 2000 йил 1 февраль .....	362
ИКТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ – ЭНГ МУХИМ ВАЗИФАМИЗ. 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши яхунлари ва 2000 йида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришининг устувор йўналишларига багишланган Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2000 йил 11 февраль .....	376
ИЗЛАНИШ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашини сессиясида сўзланган нутқ, 2000 йил 22 февраль .....	405
СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ – БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС ИНСОНӢИ БУРЧИМИЗ. Соғлом авлод давлат дастурини тасдиқлатига багишланган мажлисда сўзланган нутқ, 2000 йил 24 февраль .....	424
ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ВА ИШАШ – ОЛИЙ БУРЧ. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашини сессиясида сўзланган нутқ, 2000 йил 23 марта .....	443
МИЛЛИЙ МАФКУРА – ДАВЛАТИМИЗ ВА ЖАМИЯТИМИЗ КУРИЛИШИДА БИЗ УЧУН РУҲИЙ-МАҲНАВИЙ КУЧ-ҚУВВАТ МАНБАИ. Миллий истиклол мафкураси концепциясининг асосий таройиилларига багишлаб иммий ва “ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашуведа сўзланган нутқ, 2000 йил 6 апрель .....	462
ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ – МАНГУ БАРҲАЁТ. “Шаҳидлар хотираси” беҳорлик маъмунининг очилишига багишланган маросимида сўзланган нутқ, 2000 йил 12 май .....	475
ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ – ҲАЁТ ТАЛАБИ. Иккинчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлисингининг иккичи сессиясида сўзланган нутқ, 2000 йил 25 май .....	479
МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ – ХАЛҚ ЭЪТИҚОДИ ВА БУЮК КЕЛАЖАККА ИШОНЧДИР. “FIDOKOR” газетоси мухбири саволларига жавоблар .....	489
ЎЗБЕК ВА ТОЖИК – ИККИ ТИЛДА СЎЗЛАЙДИГАН БИР ХАЛҚ. Тоҷикистон зиёлилари ва жамоатчилиги вакиллари билан учрашуведа сўзланган нутқ, 2000 йил 16 июнь .....	509

*Ислам Абдуганиевиҹ КАРИМОВ*

**НАША ВЫСШАЯ ЦЕЛЬ – НЕЗАВИСИМОСТЬ И ПРОЦВЕТАНИЕ  
РОДИНЫ, СВОБОДА И БЛАГОПОЛУЧИЕ НАРОДА**

**Том 8**

*На узбекском языке*

Нашр учун масъул К. БЎРОНОВ

Рассом Т. ҚАНОАТОВ

Техник мұхаррір У. КИМ

Мусағатшылар М. РАҲИМБЕКОВА, Н. УМАРОВА

Компьютерда тайёрловчи Э. КИМ

Теришга берилди 25.02.2000. Босишига рухсат этилди 9.07.2000. Қоғоз формати 84x108<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма т. 27,72. Нашр босма т. 27,68. Тиражи 10000 . Буюргма №129.

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.  
Нашр № 57-2000.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди.  
700194. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

**Каримов Ислом.**

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. — 528 б.

**ББК 66.3(5У)+65.9(5У)+66.4(5У)**

Ушбу томдан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида қылган маърузалари, республика Вазирлар Маъқамаси йигилишиларида, ҳалқ депутатлари вилоятлар кенгашларининг сессияларида, шунингдек турли учрашув ва анжуманларда сўзлаган нутқлари ҳамда сұхбатлари ўрин олган. Бу асарларда Ватанимизнинг озод ва обод бўлишини таъминлашга, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга дадил интилаётган ҳалқимиз ҳаётида рўй бероётган улкан ўзгаришлар, республикамиз ички ва ташқи сиёсатикнинг ўзига хос тамойиллари, ислоҳотларни чукурлаштириш, адолатли ва маврифатли демократик жамият барпо этиш борасидаги фаолиятнинг устувор йўналишлари можияти ва мазкур йўналишларни рӯёбга чиқаришнинг долзарб масалалари теран таҳлил қилиб берилган.

**№ 352-2000**  
**Алишер Навоий номидаги**  
**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Давлат кутубхонаси**